

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ



ОШИҚНОМА

عاشق نامه

82.3(54)0
0-86

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ


ХОРАЗМ ДОСТОИНЛАРИ

ОШИҚНОМА

4 - КИТОБ

МАСЬУЛ МУҲАРРИР:
профессор С.Р.РЎЗИМБОЕВ

5



УРГАНЧ -2009

«Ошикнома» рукни остида 4-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмууга «Ошик Ғариф ва Шоҳсанам», «Ошик Ғариф ва Ҳилола нари», «Ошик Нажаб», «Ошик Маҳмуд», «Бозирғон», «Ҳирмондали», «Эрҳасан», «Аваз татирған» ва «Авазииниг келтирилиши» достонлари киритилди. Мазкур достонлар хам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла Ахмедов, Икром Давлетов, Матназар Абдулҳаким, Сотим Аваз, Сафарбой Рӯзимбоев, Рӯзимбой Эшчанов, Рӯзимбой Йўлдошев, Жумабой Юсупов, Исҳокжон Исмонидов

Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рӯзимбоев, Х.С.Рӯзимбоев,
Н. Матёзова, Н.Раимова.

Тақризчилар: доцент Г.О.Эшчонова,
УрДУ доценти А.Ахмедов

© «Хоразм» нашриёти – 2009 й.

ISBN 978-9943-365-22-3

© С.Р.Рӯзимбоев, Х.С.Рӯзимбоев, Н.Матёзова,
Н.Раимова «Ошикнома» 2009 й.

МУҚАДДИМА

«Ошик Гарип ва Шохсанам» достони туркий халкларнинг ўғуз тоифаси яшайдиган ҳудудларда кенг ёйилган бўлиб, ундаги тасвирга олинадиган воқеалар ва образлар силсиласи ҳамда мотивлар тизими нутқати назаридан келиб чишиб, асарнинг туркман версиясини таҳлил килган таниқоти олим Х.Г.Кўрўғли достоннинг тарихий асосларга эга эканини, Шоҳ Аббос образинини проғотипи сифатида Диёрбакр шаҳрида 1587-1628 йилларда ҳукмронлик килган Шоҳ Аббос I Сафавийни кўрсатади. Достондаги Шовалад ҳам ўша даврдаги саркардалардан бири бўлиб, унинг ҳам тарихий шахс эканини кайд киласди.

Албатта, ҳар кандай эпос ҳам ўзининг тарихий асосларига эга бўлади, бирок у шаклланиши жараёнида ҳар бир халкнинг қадимий мифологик қарашлари, архаик эпоҳдаги мотивлар билан қоришиб, аралашиб кетади. Мазкур достон ҳакида ҳам ушбу нарсани қайд қилиш мумкин. Чунки ундаги воқеаларни ташкил этувчи мотивларининг аксарияти туркий халкларнинггина эмас, балки жаҳон халкларининг фольклорида мавжуд бўлган мотивларни ўз таркибига камраб олган. Ҳатто Ҳомеринг машҳур «Одиссея» асарини заминидаги мотивлар тизими ҳам мазкур достондан ўрин олтач ва В.М.Жирмунский «Эриний ўз хотини тўйи устига етиб келиших» ҳакидаги сюжетнинг француз, немис, итальян, испан, инглиз достонларида учрашини кайд киласди.

Эпик қаҳрамонининг узок сафардан кейин ўз хотинининг тўйига етиб келиши билан боғлиқ мотив «Дадам Кўркут китоби»да ҳам учрайди. Бу мотивни В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар «Алпомиши»даги мотивга ўхшашлигини кайд қиласдилар.¹

Бинобарин, ушбу мотив «Ошик Гарип ва Шохсанам» тўғрисидаги достоннинг пайдо бўлишида ҳам асосий ролни ўйнаган. Биз Бамси Байрак ва Бону Чечак саргузаштлари билан Гарип ва Шохсанамнинг бошидан кечиргандарини солиштиреак, бу фикрга тўла ишонч ҳесил кила оламиз.²

Бону Чечак Бамси Байракка тугилгани заҳоти унаштирилган эди. Гарип ва Шохсанамнинг оталари ҳам ҳали фарзандлари туғнимасдан бурун уларнинг келинкүёв бўлишлари ҳакида катъий келишиб олишади. Байрак 16 йил давомида ўз элидан узекда юради. Гарип ҳам 7 йил ларбадарликда мусофирилик азобини чекади. Байрак узок йиллардан кейин ўз элига кайтиб, кўр бўлиб колган онасиңга, синглисинга учрашади ва ўзини танитмайди, хотини Бону Чечакининг тўйига бориб, у ерда турли мусобакаларда қатнашади. Гарип саргузаштларида ҳам худди ўнгай лавҳалар мавжуд. Яртачук Яланчи Байракни ўлганлигининг исботи сифатида конга булғанган кўйлагини Бонуга келтиради. Бу лавҳа ҳам достоннинг туркман, ўзбек ва коракалпок версияларида берилмаса да, озарбайжон версиясида кўзга ташланади.

Ҳар иккала мотивда ҳам ошик-маъшуқлар бир-бирининг висолига этишадилар.

Бирок мотивнинг айрим кирралари ўзгаришига учраган. Жумладан, Байракнинг онаси бутунлай кўр бўлиб кўлса, Гарипнинг онасииниң кўзи кўрмай

¹ Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный геройческий эпос. М.: ГИХЛ, 1917. 72-бет

² Книга моего дела Коркуя. М., 1969. с. 32-49.

колади, лекин очилади. Байрак тўй мусобакаларида ўқ отиш бўйича барчани ортда колдиради. Фарид эса ўзининг жўшкин ва кўтаринки кўшиклари билан барчани енгиг чикади. Дарвоке, ушбу асардаги қаҳрамонлик мотивлари «Ошик Фарид ва Шоҳсанам»да ишқий-романик тарзда бутунлай янгидан ишланган. Достон озарбайжон, туркман, корақалпок ва ўзбек фольклоршунослари томонидан бир неча бор чоп килинган.¹

Достоннинг туркман ва корақалпок версиялари хажми жихатдан бир-бирига анча якин. Улар кўлёзма манбаҳар асосида нашрга тайёрланганлиги сабабли услугуб ва тил жихатидан мумтоз адабиётта тегниши асарларга кўпроқ ўхшали.² Туркманча версияда фантастика, романтик бўёқдорликнинг салмоги жуда кучли.

Достоннинг озарбайжон версияси туркман ва корақалпок версияларидан образлари, композицион тартиби ва кўлами жихатидан кўпгина алоҳидаликларга эга. Бу достонда подшо билан вазирининг свага чикиши, бўғоз куёнга луч келиши лавхалари берилмаган. Асар мутлако ўзгача тарзда бошилади.

«Ошик Фарид ва Шоҳсанам» достони ўзбек халки орасида хам кадимдан машҳур бўлиб, 1906 йили Бухоро, 1907 йили Тошкентда литографик усулада чоп этилган.

«Ошик Фарид ва Шоҳсанам» достони Хоразм баҳши ва ҳалфалари репертуаридан катта ўрин эгаллаган. Асар таркибига киргай хар бир шеърий парчанинг Хоразмда ўз мустакил кўйлари бор бўлиб, уларни баҳши ва ҳалфалар яхши билишади.

XX аср давомида достон Бола баҳши -- Курбонназар Абдулаев, Қодир созчи Каримов, Турсуи баҳши Жуманиёзовлар репертуаридаги кўйланган, Бола баҳши варианти 1981 йилда, Қодир баҳши варианти эса 1970 йилда профессор С.Рўзимбоев томонидан ёзиб олинган. Бола баҳши вариантининг наср кисми бадиий жихатдан етук, бирок асар жуда киска, кўпгина кизикарли эпизодлар туширилиб қолдирилган. Унда ҳаммаси бўлиб 308 шеърий мисра бор. Қодир созчи варианти эса Бола баҳши вариантига караганда анча кенг бўлиб, у ўз ичига 541 шеърий мисрани қамраб олади. Достоннинг асримиз бошларида кўчирилган кўлёзма нусхалари ҳам кўплаб учрайди. Бирок кўлёзмаларнинг боши ва охиридан кўпгина сахифалар йўқолган бўлиб, мукаммал нусхалари жуда кам. Асарнинг яна бошка бир канча литографик ва кўлёзма нусхалари борлиги ҳам айrim манбаҳарда кайд килинади.³

ўз хажми ва воқеаларнинг ривожланиши жихатидан Хоразмда таркалган оғзаки вариантлар озарбайжон версиясига ёзма нусхалар, шу жумладан, 1956 йилда нашр килинган йиғма вариант туркман ва корақалпок версияларига кўпроқ ўхшаш келади.

Бола баҳши вариантида подшо билан вазирининг овга чикиши ва бўғоз

¹ Достон Озарбайжонда 1912, 1938, 1939, 1961, 1967, 1968-йилларда чоп килинган бўлиб, охирги нашри 1979 йилда аманга оширилган. Караганг Азарбайжон мўйизбобат дистанциари, Баку, 1979, 493-94 бетлар. Туркманистонда маъкор асар бирининг марта 1949 йилда нашр этилган бўлиб, шундан койин достон 5 марта кайта боссанган. Охирги нашри 1979 йилда китобхоналари таддим этилди. Караганг Шахсенем Гарып Алихабад, 1979; Корасалломистонда ҳам чоп этилгани. Гарып Алихабад, Нукус, 1960. Ўзбекистонда фекат йиғма нашр аманга оширилган Ошик Фарид ва Шоҳсанам, Т., 1956.

² Туркман версияси хадиди кенирок мавзумот олини учун караганг: Короглы X.И. Вазимовсизя эпоса народов Средней Азии, Ирана и Эзарбайджана, с. 248-317; Короглы X.И. «Шахсенем и Гарып» народный эпос, АКД, М., 1955.

³ Караганг Азабий мерос. 1971, №2, 254-258-бетлар; 1981, 12,67-78-бетлар. Достоннинг яна бир нусхаси ўз Р.ФА, А.Навоний номиди и ТАИ фольклор бўлими архивидаги сканланади. инш. № 1499.

куёнга дүч келиши хакидаги эпизод берилмаган. Вокеа подшохниң үз айынлари билан зиёфатда ўтириши ва шу жойда подшох билан вазирниң бұлажақ фарзандлари тақдирі хакидаги ахду паймон килишлари билан бошланади. Кодир созчи вариантида эса достонининг бошланиши туркман ва коракалпок версияларидаги экспозицияға айнан түгри келади. Ҳар иккала ўзбекча вариантда хам воеалар туркман ва коракалпокча матнларга нисбатан анчагина кискартирилған. Айниқса, Бола баҳши варианти үз ихчамлиги жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Үнда туркман ва коракалпок версияларидан жой олган күпгина эпизодтар, тағсилотлар туширилиб колдирилған. Бирок бу тағсилотларининг колдирилиб юборилиши асосий гояға путур етказа олмаган. Чунки күп холларда асар қаҳрамонларининг ноилож қолған пайтларда ҳудога илтико килиб, айтған муножотларидан иборат шеърий парчалар туширилиб колдирилған. Бу холат ўша дағрдаги шўровий мағқура тазйики натижасида юзага келған бўлиши хам мумкин. Туркман ва коракалпок версияларидан Бола баҳши ва Кодир созчи вариантылари факат ҳажм жиҳатидангина фаркланиб колмайды, балки уларда образларниң берилиши, бадний тил борасида хам ўзига ҳос фарклар яққол кўзга ташланади. Ўзининг тўлалиги, тағсилотларга бойлиги жиҳатидан Бола баҳши вариантидан маълум даражада устун бўлган Кодир созчи варианти асосида фикр юритган маъкулрек.

«Ошиқ Гаріб ва Шоҳсанам» достони Хоразм баҳшилари томонидан кўпгина кайта ишлашларга учраган. Бу ижодий ишловлар оғзаки вариантыларга тегишли бўлиб, үз навбатида образлар фаолиятига хам таъсир ўтказмасдан колмаган. Достонда зўр кўтарики рух билан тасвирланган асосий образлардан бири Гариблар.

Гаріб бутун қалби билан Шоҳсанам учун берилған фидойи, соғдия ошиқ образидир. Унинг барча саргузаштлари, азоб ва ҳўрликлари, ички кечинималари, үз ёрининг висолига этиш учун зўр чидам ва юксак ирова билан олиб борилған курашининг ранг-баранг саҳифалари орқали намоён бўла боради.

Халфаclar репертуаридан кенг ўрин эгаллаб келаётган достонлардан бири «Ошиқ Гаріб ва Ҳилола нари» бўлиб бўлиб, ҳозирда қўлимиизда унинг араб алфавитидаги кўчирилған еттита кўдёзма варианти мавжуд:

1. Шовот тумани Каткалъя кишлогида яшаган Ниёзхон халфа Мусаевада достонниң 1895 йилда кўчирилған нусхаси бўлиб, у 62 бетдан иборатдир. Үнлаги 62 шеърий парча үз ичига 1378 мисрани камраб олган. Буларниң тўрттаси газал, иккитаси мухаммас, колгандар мураббаъларлар.
2. Ҳонка тумани Сарапоён кишлогида яшаган Сўна халфа Эшматовада достонниң 1912 йилда кўчирилған нусхаси бўлиб, у 60 бетдан иборат. Асар матни тўла сакланган бўлиб, шеърий парчалар Ниёзхон халфа вариантига караганда сал камрок. Бирок бу нусха финалида “Муборак бўлсун тўйин” деган шеърий парча бўлиб, у Ниёзхон халфа вариантида тушириб колдирилған. Шунингдек, унинг турли ёзма нусхалари Ҳонка тумани Киркёп кишлогида яшовчи Шукур халфа Ахмадовада, ўша туманниң Мадир кишлогида яшовчи Онабиби халфа Машариповада, Намуна кишлогида яшовчи Розия халфа Козоковада, Сарапоён кишлогида турувчи Розия халфа Оллаёровада, Шовот тумани Қантли кишлогида яшовчи Биби халфала хам бор.

“Ошик Гаріб ва Ҳиљоза нари” достони “Ошик Гаріб ва Шоҳсанам” достонининг ичига киритилган холда 1956 йилда нашр ҳам килинган. Бу ерда достоннинг боши ва охирги кисмлари кискартирилиб, ундан олинган 25 шеърий парчагина китобхонлар эътиборига тақдим этилган. Ҳолбуки, бу достоннинг тўла матни юкорида кайд килганимиздек, олтмишдан ортик шеърий парчаларни ўз ичига олади.

Достоннинг туркманча версияси ҳам мавжуд бўлиб, унни мазмуни, шеърлари биз сўз юритаётган вариантдан унчалик фарқ килимайди. Унда 48 шеърий парча бўлиб, шундан учтаси мухаммас, иккигаси гаҷал, колтаплари мураббабаллардир.⁴ Айрим манбаларда бу достоннинг А. Вамбери томонидан ёзиб олинган вариантлари ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.⁵ Коракалпок фольклорида эса унинг айрим киссаҳонлар репертуарида яшаб келганини кайд килинади.⁶ Озарбайжон фольклорида ушбу достон учрамайди.

“Ошик Нажаб” достони баъзан “Ошик Нажаб”, айрим ҳолларда “Нажаб ўғлон” номи билан ҳалқ орасида кенг тарқалган. У, асосан, ҳалфалар ва киссаҳонлар репертуарида сакланган. Достоннинг оғзаки варианти баҳши Рӯзимбек Муродов репертуаридаги мавжуд.

Бизнинг шахсий архивимизда достоннинг кўшкўпирлик ўғилжон ҳалифадаги нусхадан ёзиб олинган варианти сакланади. Унинг “Ошик Нажаб” деб номланган бир нусхасини профессор К. Максетов қоракалпок баҳшиси К. Қобуловдан ёзиб олингантигини кайд килади.⁸ Достоннинг туркманча нусхаси 1977 йилда нашр килинган⁹ ва асар ҳакида кандидатлик диссертацияси ҳам ёзилган.¹⁰

Нажаб образида соз ва сўз соҳиби бўлган юксак талант эгасининг сиймоси гавдалантирилади. Мулойимхон эса акли, идрокли, жасоратли аёл тимсолида намоён бўлади. Аслзода бўлганлиги сабабли унинг Нажабга турмушга чикини таъкиланган эди. Бироқ у жасорат кўрсатиб, ўлимга тик бокади ва Нажабни дор остидан олиб қолиб, у билан турмуш куради.

Достоннинг шеърлари барча “Ошик” достонларини каби жозибадор ва таъсирчандир. Шу сабабдан ҳалқ орасида жуда кенг оммалашган, шеърларидан кўпчилиги хонандалар репертуаридаги кўйланиб келмоқда.

“Ошик Махмуд” достони Махмуджон ва Ниғорхон, Қамбаржон ва Тилимхонларнинг дўстлиги ва севгиси ҳакида баҳс этади. Унга асос бўлган сюжет “Ошик” туркумидаги бошка достонлар сюжетига караганда бирмунча қадимирироқдир. Чунки унда мифологик тасвирлар кўпроқ сакланган ҳамда ислом дини таъсирида туғилган кўп хотинлилик мотиви учрамайди. Шунга кўра достоннинг пайдо бўлишини ҳам XII – XIII асрлар деб белгилашга тўғри келади. Бизнингчча, асар дастлаб Озарбайжонда юзага келиб, сўнг Ўрта Осиё баҳшилари репертуарига ижодий ўзлашибирин орқали ўтган. Достон биринчи марта 1938 йилда кисман, 1979 йилда тўла ҳолида Озарбайжонда “Гул – Махмуд” номи билан

⁴ Карап: Ҳелалай – Гарып. Алхабад, 1965.

⁵ Корогли Х. Г. Взаимосвязь эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана, с. 228.

⁶ Максетов К. Тажикмуратов А. А. Каракалпак фольклоры. Нукус, 371 – бет, 1979.

⁷ Ўзб ФА Қўлъемалар институти фольклор фонди. Инв. № 7238. 116 – сакифа.

⁸ Максетов К. Тажикмуратов А. Каракалпак фольклоры. Нукус, 1979, 281 – бет.

⁹ Нежеп оғлан Авғабат. 1977 й. (Бундан оддин достон 1943, 1960 йилларда нашр этилган).

¹⁰ Кутгасева С. Туркменский народный дастар. «Ладжеб оғлан», Авғабат. 1967.

найпр килинганд. Ўзбек тилида эса 1970 йилда найпр этилган. У Бола бахши – Курбонназар Абдулаев, Махмуд Юсупов каби бахшилар ва кўлгина халфалар репертуарида яшаб келган. Унинг араб алфавитидаги кўчирилган кўлэзмалари хам анчани ташкил этади. Достоннинг хивалик Юсуф Жуманиёзовдан ёзиб олинган бир нусхаси – ЎзРФА ТАИ фольклор бўлими фондида 1427 – ракамли, кўшкўпирлик Сайд Бобоевдан 1957 йилда Ф. Султонова ёзиб олган яна бир кўлэзмаси 1431 ракамли инвентар сифатидаги сакланади. Асарнинг туркман, коракалпок версиялари хам бор, бирор үлар нашр этилмаган.

Хоразм бахшилари ва халфалари орасида оғзаки ва ёзма тарзда оммалашган энг машҳур дистонлардан бири “Бозиргон” бўлиб, унинг номи Гўрўғли билан жанг килиши учун Чамлибелга келган Салсола ўзининг лакабидан олинган. Чунки Исфаҳон подшоси Гўзалшоҳ уни Чамлибелга юборгандага савдогар – бозиргон киёфасида катта карвон билан юборади.

Бу достон бахшилардан Курбонназар Абдулаев – Бола бахши, Кодир созчи Каримов, Турсунбой Жуманиёзов, Қаландар Норматов, халфалардан шовотлик Ниёзжон Мусаева, кўшкўпирлик Ўғилжон халфа, хонкалик Сўна халфалар репертуарида яшаб келган.

“Бозиргон” достони туркман, коракалпок ва озарбайжон фольклорида хам мавжуд. Озарбайжон фольклорида унинг номи “Кўрўғли ва Дали Ҳасан” тарзида берилади.

Достоннинг Бола бахши варианти Ж. Қобулниёзов томонидан 1965 йилда нашр этилган. Мазкур китобий вариант биринчи маротаба эълон килинаётир.

Хоразм воҳасила энг машҳур достонлардан бири “Хирмон дали” бўлиб, бувдай номланиш достоннинг бош қаҳрамони бўлган жасур кизнинг номи билан боғлиқдир. Кизнинг исми турли версия ва варианtlарда турлича маънода талкин этилади. Жумладан, у туркман версиясида «хирмон» сўзи билан алоказор бўлиб, куч – кувватнинг хирмони бўлган киз маъносига берилади. Хоразм версиясининг Бола бахши вариантида таъкидланишича, Хирмон дали онасиининг корнида бўлган пайтида, унинг отасига тушида хурмо мевасини бериб, кизнинг исмини Хурмо паризод леб қўйишни васият киладилар.

Аслида кизнинг исми “Хирмон” сўзидан олинган бўлиб, товуш кискариши натижасида “хирмон” шаклига кирган, “Дали” сўзи унинг асов, шўх, шаддод, кайсарлигига нисбатан берилган лакабдир. Киз исмининг биринчи кисми турли версия ва варианtlарда турлича берилса хам, “дали” сўзи барча версия ва варианtlарда бир хил маънога эга.

“Хирмон дали” достони бахшилардан Курбонназар Абдулаев – Бола бахши, Кодир созчи Каримов, Турсунбой Жуманиёзов, Абдула Бобожонов ва бошقا бир канча халфаларнинг репертуаридан ўрин олган.

Бола бахши варианти анча киска бўлиб, унда анчагина шеърий парчалар тушиб қолган.

Турсунбой Жуманиёзов варианти эса бир даражада тўлиқ ва мукаммал бўлиб, унда насрнинг салмоғи катта. Ушбу достон кипчоклик Ҳўжёз бахшидан хам ёзиб олиганди. Бу вариант Турсунбой Жуманиёзов вариантига жуда ўхшашдир.

Бу варианtlар орасида энг мукаммали эллиқкалалик бахши Абдулла Бобожоновницидир. Ушбу ишимизда асосан шу вариантга таяномиз.

Достоннинг халфалар орасида таркалган кўлёзма нусхаси хам мавжуд. Бу нусха Хонка туманинаги Туркистон элатида яшовчи халфа Зевархон Собировада сакланади. Унинг айтишича, бу нусха асrimiz боцларида битилган кўлёзма асосида қайта кўчирилган. Достоннинг кўлёзма нусхаси энг тўла ва мукаммал бўлган Абдулла баҳзи вариантидан хам хажман карийб икки баравар кўпдир. Масалан, Абдулла баҳзи вариантида 524 мисра, Бола баҳзи вариантида 468 мисра шеърий мисра мавжуд бўлса, ёзма нусхадан 700 шеърий мисра ўрин олган. Ўз навбатида туркман версиясида 460, коракаллоп версиясида 397 шеърий мисра ишлатилган.

Ўзбекча оғзаки вариантлар билан кўлёзма нусхаси киёслаганда бу нарса аён бўладики, уларнинг илдиши кўлёзма нусха билан алокадордир. Туркман ва коракаллоп версияларни ҳақида хам бемалол шу фикрни айтиш мумкин. Чунки кўлёзмада берилган шеърий парчаларнинг тушириб колдирилганлигини хисобга олмагандан, оғзаки вариантларда уларнинг жиддий ўзгаришларга учрамаганлиги сезилади. Мазкур мажмууда берилгаётган китобий вариант биринчи маротаба эълон килинаёттир.

Гўрўтининг энг яқин сафдоиларидан бирининг қаҳрамонлик фаолиятини ёритувчи достон “Эрҳасан”dir. Унинг бошланиши “Ошик” достонларининг сюжет тизимига ўхшаб кетади. Айникса, унинг финал кисми “Саёд ва Ҳамро” достонига кўпроқ мос келади. Туркман фольклоридаги “Гулойим билан Эрҳасан”, Озарбайжон фольклоридаги “Кўрўтининг Арзиурм сафари”, “Гўрўғи” эпосининг шарқий версиясига оид бўлган “Далли” достони хам ушбу сюжет билан чамбарчас алокага эга. “Эрҳасан” достонининг козок ва коракаллоп версиялари нашр килинмаган.

“Эрҳасан” достони мазкур мажмууда биринчи маротаба эълон килинаёттир.

“Гўрўғи” эпосида Авазхон образи билан боғлик бир қанча достонлар учрайди. Шуярдан бирин “Аваз гатирган” достонидир.

Бу достон 1981 йилда ёзиб олинган. Достон магнитофон тасмасига ёзиб олинганинги, унинг турли вактларда турли дафтарларга кўчирилганлиги матнни бир жойга тўплашни кийинлантириди. Натижада 2004 йилда нашр этилган «Гўрўғи» мажмуасига ушбу достон кирмай колди. Уни хозирда тўла холига кептириш имконияти юзага келди.

Достоннинг хажми анча катта. Мальумки, Хоразм достонларида мўъжазлик хусусияти мавжуд. Шу сабабли бўлса керак, баҳшининг айтишича, мазкур достон “Аваз олиб кочган” ва “Аваз гатирган” вомлари билан икки кисмга бўлиб ижро этилган. Бу хусусият туркман баҳшилари анъаналарида хам учрайди.

Достон воеаларининг бошланишидан токи Авазнинг Табризга олиб келинишигача битта достон килиб айтилган. Табриздаги Мирзо Султон воеалари ва Чамлибелдаги фарзанд асраш билан алокадор маросимлар иккинчи достон сюжетини ташкил этган.

Биз ёзиб олган вариантда бу воеалар ягона сюжет атрофига жамланган. Унда воҳа халкларининг фарзанд асраш масаласидаги энг кадимги анъаналари мужассамлашган.

Достоннинг кўлёзма варианти хам бўлиб, у ЎзРФА Шарқшунослик

институти күләмалар фондида 9590 – ракамли инвентарда сакланади. Ызма нусхада күпроқ Аваҳонининг косагуллик, сокийлик фаолиятига ургу берилса, оғзаки вариантла унинг баҳодирлик хусусиятлари диккат марказида тутилади. Ызма нусхада достонларга маҳсус ном кўйилмаган. Шу сабабли Авғазнинг олиб келинини воеалари билан алокадор шоҳобчани “Авғазнинг келтирилиши” тарзида номладик. Бу достон араб алфавитидаги битилган йигирма беш сахифадан иборатдир. Унда оғзаки вариантда учрамайдиган шеърий парчалар ҳам анчани ташкил этади. Оғзаки вариантдаги шеърларга мос тушадиган мисра ва бандлар эса анча эволюцияга учраган.

Шуни таъкидлаш керакки, мати анча мураккаб бўлиб, унда имловий кусурлар, услубий ғализликлар учрайди. Шеърий вағнларда баъзан сакталиклар кўзга ташланади. Айрим сўзларни ўқиш жуда кийин бўлди. Шу сабабли уларнинг ўрнига кўп нукта кўйиб кетишни маъқул топдик.

Мажмуанинг охирига «Китоби адад Кўркут» эпосига алокадор бўлган иккита афсонани ҳам илова қилишни лозим топдик.

Бинобарин, “Ошикнома” мажмуасининг тўртчики китобига киритилган юкоридаги достонларнинг барчаси ўз оригиналлиги билан алоҳида ажралиб сурʼат ва китобкашарда қисқарсан таассусуратсане қадиря олади. Бу достонларни тўпламиш ва ёзувга олишда, табдил қилишда ёрдам берган барча сафдошларга миннатдорчиллик билдирамиз.

профессор С.Р.Рўзимбоев

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

Кадим замонда Багдод шаҳрининг бир подшоси бор эди. Унга Шоҳаббос подшо дер эдилар. Унинг Ҳасан вазир исмли вазири бор эди.

Бир куни подшо, вазир иккаласи зерниб, кумга ов овлаш учун чикадилар. Шунда подшонинг олдидан бир бўғоз товшон югуриб ўтади. У товшон сал кейин Ҳасан вазирнинг ҳам олдидан ўтади. Товшоннинг бўғозлигига подшенинг ҳам. Ҳасан вазирнинг ҳам раҳми келиб унга ўқ отмадилар, кушни ҳам юбормадилар. Сўнг дам олишда улар ўзаро гапиришиб, бу воқеани бир-бирига сўзлаб бердизлар. Подшо айтдики, уйда хотиним хомиладор эди. Шу ёдимга тушиб, уни отишга кўлим бормади, деди. Ҳасан вазир ҳам хотинининг хомиладор эканини, шу сабабли у ҳам товшонни отишга ботинмаганини айтди. Шунда подшо айтдики, сенинг хотининг киз тұғса, менини ўғил бўлса, кизнингни берармисан, деди. Эй подшоҳим, копдагини қодир билар, балки менини ўғил тұғиб, сизнини киз тұғса, сиз берармисиз, деди. Берарман, деди подшо. Мен ишонмайман, деди вазир. Каандай килсам ишонасан, деди подшо. Менга икки онлик аҳднома ёзиб берасиз, деди вазир. Подшо аҳднома ёздириб муҳрини босди. Ойдан ой, кундан кун ўтиб, подшонинг хотини туди, киз бола бўлди. Унинг отини Шоҳсанамжон кўйдилар. Сўнг Ҳасан вазирнинг хотини ўғил туди. Мен Ғарибман, бечораман, ёт элларда юрибман деб, унинг отини Ғарибжон кўйди. Бир-бирларига кулоқларини тишлигиб, етти кеча-кундуз тўй-томоша бердилар. Йигит-билан киз етти-саккиз ёшига кирди. Мактабга катнаб юрдилар. Улар ўн-ўн беш ўшларига кадам кўйганда Ҳасан вазир лунёдан ўтди. Энди Ғарибжон билан Санамжон иккаласи болалардан бурунрок мактабга келиб, сир айтишиб ўтирадиган бўлишиди. Шунда Ғарибжон айтди: агар ким кечикиб келса кандай жазолаймиз? Ихтиёргиз, деди Санамжон. Ким кечикса бир жуфт бўса беради, деди Ғарибжон. Шундан кейин кунла Ғарибжон ухлаб колавсриб, Санамжонга ютказаверди.

Бир куни Ғарибжон онасига айтди: эй она, мен шарманда бўлиб турибман, Санамжон билан баҳс ўйнаган адим. Кеч колиб ҳар юзимдан жуфт бўсаларни бердим, деди. Болам, сен бу нарсалар учун ғам ема, деди онаси. Бугун сени эртарок тургизиб юбораман, сен эртарок уйқунгни олавер, деди. Отанг казо килган бўлса ҳам ҳар качон шу киз сенини бўлади, деди.

Шоҳсанамжоннинг Ойхоним деган онаси бор эди. Бир куни у подшога айтди: Энди кизимиз бўй стиб колди. Уни кимга берамиз, деди. Мен аллакачон уни Ҳасан вазирнинг ўғли Ғарибжонга атаб кўйганман, деди подшо. Сиз подшо одамсиз, деди Ойхоним, кайси бир одам етимга кизини беради. Подшодан подшо, шоҳдан шоҳ киз олишар, деди. Ундаёт бўлса кизнингни мактабга юборма, деди подшо. Энди Ғарибжон билан баҳс ўйнаган Санамжон китобларини бошишининг таига кўйиб, эрта туриб бориб ўпишни ўйлаб, эртарок туриб китобларини қўлтиғига кисган эди, онаси айтдики, эй Санамжон сен энди бошқа хунар ўрган, мактаб вакғингт ўтди, деди. Санамжон хеч бўлмаса бугун борайин деб, онасига ёлвориб беен калима сўз айттар бўлди:

Арзим эшиит мени, ҳурматли она,
Она, мен дардлинин ёндирима бўйла.

Ок сутинг эммишам мен қона қона,
Она, мен дардлани ёндирма бўйла.

Алингда пиёла қонима тўлсин,
Ишкингда гул юзим саргайиб сўлсин,
Ёниб-куйиб устихоним кул бўлсин,
Она, мен дардлани қийнама бўйла.

Бармогимда тилла узук кошлидур,
Ичимда ўт ёнар, кўзим ёшлидур,
Рахм айла ожиза кора сочлидур,
Она, мен дардлани ёндирма бўйла.

Мен ёра интизор йўлини дунаб,
Мени хароб этма, жоними қийнаб,
Шоҳсанам қиз айтар ишқини синаб,
Она, мен дардлани ёндирма бўйла.

Санамжон онасига шунчалик ёлворди, кирк ёнли қафасга тушган күш янглиғ потирдади. Онаси Санамжонни юбормай, маҳкамлайверди. Санамжон дарвоза томонни кўйиб, қибла эшикдан чиқиб, Гарибжонга ўзимни кўрсатай леб, китобларини кўлтигига кисиб, кўчаларда юриб, бораётуб, беш калима сўз айтар бўлди:

Зулминг билан, қахбо фалак,
Ёрдан бизни айро солдинг.
Иброҳимдай ўтга ёкиб,
Жафо билан нора солдинг.

Жафо билан пурхун этиб,
Кўзда ёшим Жайҳун этиб,
Мени Лайли-Мажнун этиб,
Қизикли бозора солдинг.

Шоҳсанам дер: бўлдим гало,
Гарибима жоним фидо,
Найтай энди, кодир озио
Гарибимдан айро соядинг.

Энди хар кун сабоқини аъло бажарадиган Гарибжон, сабоқини билса ҳам, билмагана солди. Ҳар куни вавдалинилган вактда келадиган Санамжон бугун келолмади. Ўқитиб ўтирган муллоси: эй, Гариб яхширок ўки леб, кўлидаги хассаси билан манглайидан бир туртди. Гарибжон эса муллого караб беш калима сўз айтар бўлди:

Эй ёронлар, жонажонлар,
На бўлди ёрим келмади?

Дўғон кардош, меҳрибонлар,
На бўлди ёrim келмади?

Келаман деб вайда етди,
Келар вайласидан ўтди,
Эртадан чошгоҳа етди,
Айланди ёrim келмади.

Бу дардлар нечук дард бўлди,
Юрагим зардобга тўлди,
Кўзим йўлила тўрт бўлди,
Айланди Санам келмади.

Ё бирорнинг пандин олди,
Ё бир гайри билан бўлди,
Ё бир ёмон дардга колди,
Айланди Санам келмади.

Дарали қул истар табибин,
Хеч киши билмас насибин,
Санам йиглатди Ғарибин,
На бўлди Санам келмади?

Бу сўзни эшитиб муллоси хайрон бўлди. Мен бунга ўки десам, бу менга бошка сўзни айтаянгти. Шу пайтда мулло ташкарига чикса, кўлтигида китоби билан Санамжон мактабга кира билмасдан турибди. Муллога муножот қилиб Санамжон ҳам беш калима сўз айтар бўлди:

Булбули бечорасан гул ишқида фарёд кил,
Тинмайин шому сахарлар дол ила бедод кил,
Ошлиги саргашта бўлсанг уйқуни барбод кил,
Бир иморат сол келиб ишқ уйини обод кил,
Жон муллам, бир замон Ғарифжонни озод кил.

Ҳар киши бундай балолар бирла бўлса бешумор.
Қолмагай кўнглида анинг зарра янглиғ ихтиёр,
Титрашар бу танда жоним симоб янглиғ бекарор,
Ёримиз мактаб ўкир, бизлар бу ерда интизор,
Жон муллам, бир замон шу ёrimни озод қил.

Кўймади ўз ҳолима бу гарлуни даврон мани,
Ҳажр даштинда кўйнайдай этли саргардон мани,
Ишқ оғати қилибдур бесару сомон мани,
Ёкди жисмим ҳажр ўтига дилдаги армон мани,
Жон муллам, бир замон Ғарифжонни озод қил.

Тиги бедоди фалак ерга оқизди көнимни,
Билмадим хижрон туиниңда лильдаги нұқсонимни,
Титрашар күкә мақаллар, эшигіб ағонимни.
Жоним чикмасдан бурун, бориб күрайин ёримни,
Жон муллам, бир замон шул ёримни озод кил.

Бир муаллимсан зұрсан шар ичиңде бокарам,
Даргохингда юз тутиб ёрим жамолии истарам,
Бу ишкни йүлінде ман мастан кезам бояи Эрам,
Термулиб, мисли галодай ёрин истар Шоҳсанам,
Жон муллам, бир замон Ғарибжонни озод кил.

Мулло хайрон бўлди, Ғарибжоннинг сабогини билмаганлигининг сабаби
шул экан деб, болаларга дарсдан рухсат бериб юборди, Ғарибжонни эса
сабогининг билмагунча юбормайдман деб, эшикни занжирилаб кўйди.

Эй тавба, деди Ғарибжон, Санамжоннинг ўтига ёнганда бу устига устак
бўлдими энди. Астагина Санамжонга караб ишора этди. Санамжон товус янглиг
тонланиб Ғарибжонга яқин келиб: Эй Ғарибжон, мен ваъда килган вактимда кела
олмадим, сени мендан, мени сендан айирдилар. Отам билан онам мени мактабга
юбормайдиган бўлди, деди. Мендан икки жуфт бўсангни олмокчи бўлсанг од,
деди. Шунда Ғарибжонга караб, Шоҳсанам беш калима сўз айтар бўлди:

Санам: Кулок солиб эшиг менинг арзимни,
Сиздан-биздан даврон ўгди, Ғарибим.
Фаним солди айриликнинг дардига,
Душман айризикка тутди, Ғарибим.

Гариф: Жудо тушдим дебам хафа бўлмагил,
Манманликнинг бир кун заволи бордур.
Айрилик дардиннан гулдек сўлмагил,
Бу камликнинг охир камоли бордир.

Санам: Кайдаки камолдур кайдаки висол,
Йиглаб ўтар бўлдим неча мохи сол,
Кел кочайлик ўзинг кўрсат йўлга сол,
Душман бизга юзин тутди, Ғарибим.

Гариф: Қайгуни кўп этма, меҳнатинг ортар,
Айриликнинг тиги бағрингни йиртар,
Ёлғондур бу сўзлар тақдирга тортар,
Хар кишининг юз минг хиёли бордур.

Санам: Санам айтар, деган сўзим этмасанг,
Мени бир кечада олиб кетмасант,
Ўзга бир ерларла ватан тутмасант,
Пичоқ устихона етди, Ғарибим.

Фарид: Фарид айттар, кайгу билан ўлдирма,
Заъфарондек бўлиб рангинг сўлдирма,
Оҳ тортиб кўнглинга губор келтирма,
Азалда бир кисмат килгани бордур.

Фарибжоннинг ёнига Шоҳсанамжоннинг келганини билиб, отаси изидан киши юборди. Фарибжонни каришдош-уруглари уни бир узок жойга кочириб юбордилар. Кейиндан Шоҳаббос подшо Фарибжонни етти йил сургун килиб юборди. Бир бойнинг кўйини бокиб, чўпонлик килиб Фарибжон икки йил юрди. Унинг бир чўпон жўраси бор эди. Бир куни Фарид айтди: эй жўра, менинг бу ера келганимга икки йил бўлади, изимда колган Шоҳсанамжон деган ёрим бор эди, деди. Бошимдан ўтгани сенга бир-бир баён этайн деб, кўлиндаги таёкини дутор этиб беш калима сўз айттар бўлди:

Икки йилdir айро душдим ёримдан,
Иложим йўқ ёра ета билмадим,
Хеч ким хабар олмас менинг холимдан
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Ёрим Санамжоннинг сўзи мазоли,
Сўзлаганда ширин тили саноли,
Бармоқлари бўғим-бўғим хиноли,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Икки йилdir мен келибман бу ёна,
Санамни кўрмагим бўлди гумона,
Ёрдан айро тушиб келдим омона.
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Чўпон дўсти айтдики, хей зангар, сени шундай ёринг бор экан исчун бу ерларда юрибсан, деди.

Фарид айтди: бу мол боқдириб кўй боқдириб кўйган одам мени юбормайди, бўлмаса бу ерларда бир кун турарим йўқ. Хей зангар буни иложини килса бўлади, бокиб юрган молларингни ўтсиз ерда бок, сугорма, куёшга кок этиб ориклатавер, кани оғанг сени бир зум кўярмикан, деди. Шундан сўнг молларни ўти жойда бокадиган Фарибжон ўтсиз жойда бокди, сугормади. Бир куни молларнинг эгаси келиб кўрса, уларнинг ичи-ичига ўтган. Жўрасининг айтганидай, хей зангар, бор каердан келган бўлсанг шу ёка кет деб Фарибжонни кувиб юборди.

Фарибжон шундай килиб ўзининг юртига келди. Бу ердан кеттганимга икки йил бўлади. Боғдод шахрини бир айланиб ўтайин деб шахар ичинга кирса икки сулхўр сўзлашиб ўтириби: эргага кул бозорида кул киммат бўлади, чунки Шоҳаббос подшонинг кизи Санамжон ишлатиб юрган кулидан иккитаси ўлибди, эртага кул бозорига кул олиш учун чикади. Фарибжон бу сўзларни эшишиб: менинг Санамжоним кулга муҳтоҷ бўлган экан деб, караса куёшламада чарх эгириб, калал сотиб ўтирган бир кампирга кўзи тушибди, ёнига бориб: Эй она, сиз менинг онам

бўлинг, мен сизнинг ўғлингиз бўлай, бу ерда Шоҳаббос подшонинг кизи Санамжон кулга зарур бўлибди, эртага мени кул бозерига чикариб сотинг, менинг баҳомни сўраса минт тилло деб айтинг, кулинг нечун киммат деса, манинг кулим ошик, созанда-тўйнда деб тураверинг,-деди. Кампир бечора қачон бозор келар экан деб ўтириди. Бозор куни Ғарибжон юзига корани чалдириб, бошинга бир кўша рўмолни боғлатиб, кул бозорида тураверди. Чошгоҳ вактида отли келиб сўрайверди: Сенинг кулинг неча тилло?-Тўрт юз, сеники-чи?-Беш юз. Шунда уларнинг Ғарибга кўзи тушиб, хей кампир, сенинг бу хабалини кулингнинг баҳоси канча, деб сўрадилар: Менинг кулимнинг аник баҳоси минг тилло деди кампир. Отликлар сенинг кулинг нега киммат? деб сўрадилар. Менинг кулим хунарли кул деди, кампир. Қандай хунари бор? деб сўрадилар. -Оник созанда, тўйнда бу йигит деди кампир. Шоҳсанам шунда менинг Ғарибимнинг сози, сўзлариндан билмасмикан бу деб, кани сендан бир нарса эшитайлик, деди.

Бозорда бир кишининг сотишга олиб келган иккى дутори бор эди, биттасини олиб Ғарифнинг кўлига бердишлар. Ғарибжон кўлида сози, оғзида сўзи бир неча жойлардан тимсол келтириб, Санамжонга караб беш калима сўз айтар бўлди:

Кулоқ солиб, эшит менині арзимни,
Олар бўлсанг кул жойинга ол, Санам.
Киши билмас менинг асли зотимни
Олар бўлсанг, кул жойинга ол, Санам.

Бу беш кунлик ўтар дунёи фоний
Кўп бўлар ошикка маъшукнинг оли.
Гавхар нишон бўлсанг, гавхарнинг дони,
Олар бўлсанг, кул жойинга ол, Санам.

Жоним олар тархиноли қўлларинг,
Ошикни кўйдирап ширин тиаларинг,
Жафокаш бўларлар Богдод куллари,
Олар бўлсанг, кул жойинга ол, Санам.

Ракиблар кўлидан озод кил мени,
Харидорсан бугун сотиб ол мени,
Гарид: ҳак ошикман, бил мени,
Олар бўлсанг, кул жойинга ол, Санам.

Бу сўзларни эшитган Санамжон Ғарибжонни таниб, эй кампир, бу кулинг айтганингдан хам зиёда экан, яна бир сўз айтсан, деди. Ғарибжон кайнаб-жўшиб, кўлида сози, оғзида сўзи Санамжонга караб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Кулар юзли, сарви кадли нигорим,
Бу сўзим фаркига етсанг не бўлди?
Барча одам бизга душман, дилдорим,
Ракиблардан хазар кильсанг не бўлди?

Жамолинг кўрмакка мен интизорман,
Бу ишкнинг дардидан мен бекарорман,
Ўлгунчча, Санамжон, мен харидорман,
Солланиб олдимдан ўтсанг не бўли?

Хар эшик даврини сурар чоғинта,
Булбуллар сайрашар чаман боғинда,
Мен юрибман айриликнинг дөғинда,
Санамжон, марҳамат этсанг не бўлди?

Ғариб айттар фикри-зикрим йиттирдим,
Сени кўриб хаёлмни кетирдим,
Озод бошим бунда келиб соттирдим,
Харидорсан сотиб олсанг не бўлди?

Ана энди Ғарибжонни Санамжон таниб, минг тиллони санааб бериб, кампирнинг вактини хуш этиб, Ғарибжонни ётаклаб кетаверди. Энди бугун кечкурун Ғарибжон билан хабарлашсам, дўст-дushman отамга билдирад шу боис ундан эргага хабар олай деб, бу кулини эҳтиёт қилинни тайинлаб, Ғарибжонни кулларнинг орасига юбориб кетаверди. Ғарибжоннинг кўзлари тўрг бўлиб караб ўтири, келажак Санамжон йўқ. Каҳраниб боғнинг деворидан сакраб ўтиб ўзининг кулбаконасига бориб Оводон деган онаси, Гулжамила деган синглиси бор эди, булат билан кўришиб, сўзлашиб ўтири. Лекин эрталаб ўрнидан туриб, боғни ташлаб келганига кўп пушаймон қилди. Санамжон хам эртаси келиб, куллардан сўради: кечак минг тиллога олинган хабashi кул қани? Куллар: билмадик, кечадан бери йўқ, лепилар. Санамжон Ғарибжон кечак хабарлашмаганим учун аччикланиб кетибида леб ўйланди, хафа бўлди.

Шоҳсанамнинг Хўжа боғбон деган боғбони бор эди. Ғарибжон орадан икки кун ўтгацдан кейин боғбонга хизматкор бўлиб ёланди. Отини кал, деб таништириди. Боғбон хар йилда икки марта гулчаман боғлаб Шоҳсанамга совға килиб юборар эди. Ғарибжон буни кўриб, эй уста, мен хар бир чамангул боғласам бўладими? деб сўради. Бўлади, деди боғбон. Ғарибжон кайтиб келиб боғбонга стим хизматкор бўлиб юрганини бир когозга бир бармогининг қони билан ёзиб, бир гулдаста ясади ва ичига когозни яшири:

Кулок солиб эшит менинг арзимни,
Кунлар кунга бағтар бўлдим дардингдан.
Нелар чекдим фирокингдан-хажрингдан.
Қонлар йигълаб ўтар бўлдим дардингдан.

Чаман боғлаб, нома ёзиб юбордим,
Сени деб нечадан юзим ўгиризим,
Роҳат чирогъни йигълаб сўндиридим.
Қонлар йигълаб ўтар бўлдим дардингдан.

Ихлос билан боғда хизмат этарман,
Билмам максадимга қачон етарман,
Сахролардан адо бўлиб ўтарман,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим дардингдан.

Ғариб элим «кал» кўйибман отимни,
Кимга айтай сийнамдаги додимни,
Паризодан бошка билмас зотимни,
Сенга додим айтар бўлдим дардингдан.

Боғбон Гарি�бжон ясаган гулдастани кўриб, хурсанд бўлади ва Шоҳсанамга совға килиб олиб борди. Шоҳсанам дид билан танланган гулларни кўриб, эй боғбон, бу гулларни жуда яхши танлаб боғлабсиз, ортага бизлар бокка сайрга чикамиз, боғни ораста килиб, кўйинг, деди. Боғбон хўп бўлгай, деб севиниб боғда турли-турли таомлар пиширтириди. Чамангулларни боғлайверди. Боғбон кетгандан сўнг Шоҳсанам гулларни кўрса, бир чамангу: кўзига иссанк босилаверди, олиб исқаб кўрди, ичидан бир нома чикди. Хатни ўкиб, Гарি�бжоннинг боғбонга етим бўлиб юрганинн билди, Акча Гулнахорни чакириб, Гарибдан келган нишонани билдириб, беш калима сўз айтар бўлди:

Акча, сенга сирим баён айлайнин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Бошимдан ўтганини аён айлайнин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Қаҳбо фалак бошим қилди ғамхона.
Ўзи келмай гули келди ғойибона,
Менинг учун етим бўлиб боғбона,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Фалак менинг канотимни қайирмиш,
Ғазаб билан мени ёрдан айримиш,
Билмам энди ёрим кимга буюрмиш,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Шоҳсанам киз дерлар менинг отима.
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Сендан бошка ким ҳам етар додима,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Ана Санамжоннинг кирк канизи бор эди. Бокка сайила чикалиган бўлдилар. Канизлар бокка бориб мева-майиз билан бўлиб кетавердилар. Акча Гарибжонни боғ ичидан ахтарди. Караса, шоҳсупалар тўшалиб, овқатлар пишиб, турли-туман мевалар келиб турибди. Узокдан кўрса, боғнинг бир чаккасида Ғарибжон ўт ўтирибди. Шоҳсанамнинг кўзи Гарибга тушди, булар борса, Гариб кочиб кетди. Бундан хафа бўлган Санамжон, бошимга не савдолар туниди деб. Шоҳсупада ўтириб Акчага караб, беш калима сўз айтар бўлди:

22/9/32

Акча келин, ғамсиз бошим,
Ғамхона бўлди, найлайин.
Бир сўз билан ошно ёрим,
Бегона бўлди, найлайин.

Мен келдим уни сўроғлаб,
Юрагимни ўта дөглаб,
Ул кочди мендан йироғлаб,
Ғамхона бўлди, найлайин.

Ёнди, юрак-багрим ёнди.
Умидим барчаси сўнди,
Висолнинг чироғи сўнди
Хижрона дўнди, найлайин,

Кутилмади ғамдин бошим,
Захар бўлди ичган ошим,
Ёр йўлинда кўзда ётим,
Равона бўлди, найлайин.

Шоҳсанам киз энди пира
Ҳар ким ўз баҳтиридан кўра,
Ёрнинг кўнгли ўзга ёра,
Гумона бўлди, найлайин.

Эй Санамжон, деди Акча, шунча киши билан келибсан, хали ҳам яхши
бу бечора бодга турибди. Ойни, куни этак билақ яшириб бўладими? Сизларнинг
биринг ой, биринг кун, у шунча қизнинг олдида андиша килиб, уялиб турибди.
Унда Шоҳсанам бошига тушган савдоларни бу канизларига бирма-бир баён
килмокчи бўлиб, боғнинг ўртасида туриб, қанизларига қараб, беш калима сўз
айтар бўлди:

Севар ёримдан айрилиб,
Юрмақлик раво бўларми?
Гўзал ёрнинг фирокинда
Кезмақлик раво бўларми?

Юзда маломат гардини,
Сўзи етар номардини,
Эй ёронлар, ишқ дардини,
Дардига даво бўларми?

Мен истарман ёрим келса,
Келиб ғамгин кўнглим олса,
Бир кун буни отам билса,
Канизлар гувоҳ бўларми?

Фирок ўтина куйганинг,
Сийнасига тош урганинг,
Ҳар кимга сирин айтганинг,
Сўзинда ибо бўларми?

Ёр йўлинида бўйин эгмак,
Роҳат бериб меҳнат олмок,
Шоҳсанамдин ошик бўлмок
Бундан истихло бўларми?

Ана Акча билан канизлар Ғарибжонинг ўт ўриб юрган жойига бордилар.
Узоқдан Ғарибжон уларни кўриб, кизларга караб беш калима сўз айтар бўлди:

Кўрдим икки пари келар,
Келар соллона-соллона.
Ошигининг кўнглини олар,
Олар солланана-солланана.

Бири гулдир, бири гунча,
Ул бири йўқдур Санамча.
Томоша килинглар барча,
Келар соллона-соллона.

Икки пари ҳамдам бўлиб,
Бир-биридан нусха олиб,
Қиё бокиб, кўлин солиб,
Келар солланана-солланана.

Ўн тўрт гежалик ой каби,
Юришлари хумо каби,
Минг кўйли уллибой каби,
Келар солланана-солланана.

Ғарид дер: ошик додина,
Ҳақ етирсин муродима,
Дўзмам айролик ўтина,
Келар солланана-солланана.

Икки киз Шоҳсанамнинг хузурига Ғарибжонни олиб келдилар.
Шоҳсанамнинг кирқ канизининг ичидаги бир канизи бор эди, отига Тансик каниз дер эдилар. Шоҳсанам айтди: эй, Тансикжон, Ғарибжоннинг кўлларига бир сув қуиб юбор, деди. Щул вактда каниз Ғарибжоннинг хусни-жамолини кўриб унга тегишди. Ғарид силтаб ташлади. Шоҳсанам буни эшишиб, Тансик канизни таёк жазосига буюрди. Тансик каниз бу хўрзикларга чидамай, Ғарибжоннинг боғда юрганидан Шоҳаббосга хабар берди. Бу хабарни эшишиб, дарғазаб бўйган Шоҳаббос жаллодларини чакириб, дарров Ғарибжонни тутиб, лорга осинглар, деб

буорди. Жаллодларнинг келгани хакида Шоҳсанамга хабар бердилар. Шоҳсанам Акча билан маслахатлашиб Ғарибни Ясми^К момо деган кампирнинг уйига яширилди.

Жаллодлар келиб боғни карадилар, ҳеччай ердан Ғарибни топа олмадилар. Орадан уч кун ўтди. Шоҳсанам айтди: Эй, Ғарифжон, эди отам билбиш колар, сен бир узок юртларга кетмасанг бўлмас, деди. Шунда Ғарифжон ёрига қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Отам билар дейиб кайту емагил,
Биза бир ёзилгоня бордур, Санамжо^{ОН}.
Манго мунча аччик сўзлар демаги^б,
Ошиклара не хожати бордур, Санамжо^{ОН}.

Отанг билса ахир бизни негарлар,
Фармон билан тутиб олиб кетарлар^б,
Сени кўйиб, мени қурбон этарлар,
Бир боша бир ўлим бордир, Санамжо^{ОН}.

Булбул фингон айлаб айрилмас гулда^{ян},
Жоним чикармишам боида кўнгил^{дан},
Мисс жазо сасам кам кечмасман се^{ндан},
Ошиклара кечмак ордур, Санамжо^{ОН}.

Мен бир кўзи-кўчкор сўйсин қурбо^{на},
Бўйним боғламишам зулфинг торин^{на},
Минг йўла бош урсам отант дорин^а,
Ошикларнинг иши зордур Санамжо^{ОН}.

Гариф айтар: фалак биза турмаса,
Ўтганларнинг хотирасин кўрмаса,
Отанг энди сизни биза бермаса,
Ўлдирса ўлдирсин зордур, Санамжо^{ОН}.

Охири чорасизликда Ғарифжон Ҳајаб Ширвонга кетадиган бўлди. Ғарифнинг Оводонжон деган онаси, ёшиғина Гулжамила деган синглиси бор эди. Булар билан хайрлашиб кетайин деб, ўзининг кулбахонасига борди. Онасига бошидан ўтган савдоларни баён этиб Ғарифжон беш калима сўз айтар бўлди:

Хуш қол энди жоним онам,
Мен бундан кетмали бўлдим.
Шоҳабbos хоннинг дардиндан,
Олиб бош кетмали бўлдим.

Кеза билмам ушбу ерда,
Санам солди ёвуз дарда.
Ёр-ёр дейиб, ёт элларда,
Олиб бош кетмали бўлдим.

Фарид айтар кариндошим
Куяр бўлди ичи-дешим,
Энди ёт эллара бошим,
Юрт ошиб кетмали бўлдим.

Фариджоннинг онаси бу сўзларни эшитиб, гоҳ розичилик бериб, гоҳ розичилик бермай, у хам Фариджонга караб беш калима сўз айтар бўлди:

Хасан вазир ўлди, сенга сигиндим,
Болам сени ўз баҳтинга топширдим.
Бир неча вақт бўйинг кўриб қувондим,
Фарид, сени ўз баҳтинга топширдим.

Ёр йўлинда бошинг олиб кетарсан,
Энди мени. Гулжамилни нетарсан,
Бир ёр учун хунобалар ютарсан,
Ўғлим сени ўз баҳтинга топширдим.

Кўзимнинг равшани нурим сен эдинг,
Қаторда суюнган норим сен эдинг,
Бахти-саодатим борим сен эдинг,
Болам, сени ўз баҳтинга топширдим.

Душман юзи кора бўлсин орада
Мени қўйди бир туганмас балода,
Ободон дер, етолмадим мурода,
Ўғлим, сени ўз баҳтинга топширдим,

Охири Ободон кампир чорасизликдан Фариджонга рухсат берди. Энди синглиси Гулжамила акасининг кетажагига норозилик билдириб, беш калима сўз айтар бўлди:

Орадан бир сўз ўтмайин,
Жон оғам, кайга борасан?
Ўн тулдан бир гул очилмайин,
Жон оғам, кайга борасан?

Яхши-ёмонимни билмай,
Кафандар тўнимни рос кизмай,
Алинг билан тўра солмай,
Оғамжон, кайга борасан?

Багрим бўлди пора-пора,
Юрагима солдинг яра,
Бизни айладинг бечора,
Жон оғам, кайга борасан?

Кечдим мен энди бу жоннан,
Ал чекдим фойда, зиённан,
Шумиди умидим сеннан,
Жон оғам, кайга борасан?

Кетар бўлдинг бошинг олиб,
Бир кексанинг пандин олиб,
Мени ёнар ўта солиб,
Жон оғам, кайга борасан?

Юрагимни ўта дөглаб,
Икболима кора боғлаб,
Гулжамил колар кон йиглаб,
Жон оғам, кайга борасан?

Шундан сўнг онаси, синглиси билан хайрлашиб, Ғарибжон Халаб-Ширвонга равона бўлди. Бориб бир Ҳаросмон кампирнинг ҳаросини хайдаб, она-үгил бўлиб ун чикариб юраберди.

Бир куни кампирнинг уйига Бағдодлан бир савдогар келиб тушди: - сен кайдан бўласан ўғлим, деди Ғарибжонга. Ғарибжон: мен Бағдодлан, Ҳасан вазирпинг ўғлимай, деб жавоб берди. Агар сен Бағдоддан бўладиган бўлсанг, - деди савдогар, Шоҳаббос подшо кизини Шовалад подшога бераётир. Кирқ зинапояли кўшик курилди, кирқ кеча-кундуз тўй бўлади, кўшк олдилда созанд-тўяндалар кўшик айтмоқда. Ҳар бир созанда-тўянданнинг сози, овози ёкса Шоҳсанам минг тилло танга, кирк чопон сарпо бериб турибди, деди.

Ғарибжон бу хабарни эшишиб ичтига ўт тушиб, кампирнинг олдига бориб айтдики, эй она, кўп тузингни едим, оз хизматингни этдим, менга рухсат қилсанг, Бағдод шахрига кайтмоқчиман, дели. Кампир билан хайрлашиб, Карбало чўлида шошиб-пишиб келаётир эди, олдига бир кора отли киши чиқди. Эй ўғлон, келиш кайдан, бориши кайга, деди. Келипим Халаб-Ширвондан, боришим Бағдод, деди Ғарибжон. Мин, отнинг оркасига, - деди ҳалиги киши. Ғарибжон минди, кўзингни юм, деди, юмди. Оч деди, очди. Яrim кечада караса эшигининг олдилда турибди. Ғарибжон эшигини коқди. -Ким, деди кампир. Бир худойи меҳмонман деди, Ғарибжон. Эй меҳмон менинг уйимда не ҳаз топасан, менинг бир Ғарибжон деган ўғлим бор эди, кеттанига етти ўйл бўлади. Унинг дарзида йиғлай-йиғлай кўзим кўр бўлди. Уйим, ифлос, деди кампир. Унда Ғариб айтди: Эй, она менга хеч нарсангиз керак эмас. Бир чойнак чой берсангиз бўлгани. Шунда Гулжамила айтди: Эй, она, бориб-тўғимизга койил бўлиб турибди-ку, меҳмон олаверайлик. Менинг акам Ғарибжон хам ёт элларда шундай меҳмон жой сўраб юрганлир, деди.

Шундай килиб она-киз иккаласи маслахатлашиб Ғарибжонни ичкари киргиздилар. Чирокни ёкиб чайни кўйиб бир оз дам олгандан кейин Ғарибжоннинг кўзи деворда турган ўзининг казма дуторига тушди. Ғарибжон дуторни олиб, ҳар турли маком йўлларига чертаверди. Кампирнинг бағри эзилиб, дутор чалишиниг худди ўғлим Ғарибжоннинг дутор чалишига ўхшар экан. Меҳмон сен кайдан келаётисан, деб сўрали. -Эй кампиржон, деди

Ғарибжон мен Ҳалаб-Ширвондан келаётирман. Шуида кампирниң ёдига ўғли Ғарибжон тушиб, күнгли бузилиб, беш калима сўз айтар бўлди:

Ҳалаб Ширвондан йўл ошиб,
Келишинг болама мангзар.
Сарпардалан муком чалиб,
Чалишинг ўглима мангзар.

Ўрдак учар ҳаво билан,
Булбул сайрап наво билан.
Астагина ибо билан,
Келишинг ўглима мангзар.

Кўзим йўқ юзинг кўрмакка,
Мадорим йўқ хол сўрмокка.
Карорим йўқ караб турмокка,
Келишинг болама мантзар.

Уч изз олтмиш, тирик гойиб,
Бу Ғарибжон кўйди ёниб.
Ҳар сахарлар Санам лейиб,
Нолишинг ўглима мангзар.

Ободон дер: жоним куяр,
Кон йигъасам душман кўлар,
Сўзларнинг жоним суяр,
Ёнишинг ўглима мангзар.

Эй, кампир деди Ғарид, мен Ғарид эмасман, бир юрган ғарид-бечораман, леб Ғариджон онасина караб беш калима сўз айтар бўлди:

Якин йўлим узок килма,
Она, сен ғарид, мен ғарид.
Кулок сол арзи ҳолима,
Она, сен ғарид, мен ғарид.

Мен Ғаридни шотирдиям,
Олгин-кумишнинг гардиям,
Шоҳсанам кизнинг дардидаям,
Она, сен ғарид, мен ғарид.

Ғарид келар тоғдан ошиб,
Ишк ўтида кайнаб-жўшиб,
Кайнусига кайғу кўшиб,
Она, сен ғарид, мен ғарид.

Ғаріб леяр, холим сүрмә,
Үзлім дебам фарёл урма,
Күз ёшинг түқиб ўлтирма,
Она, сен ғаріб, мен ғаріб.

Сұзни тамом қылғандан кейин Ғарібжон айтдикі, эй она, бу ерда Шоватад подшоңнинг кирк күнлік түйтімшоси бор экан. Хамма жойдан созанлағүйнда, баҳши келған экан. Қайсы бириңнинг сози-сүзи ёкса Шохсанам мінг тиғзі танга пул, бөш-оёқ сарпю берар экан. Менинг дуторим йўқ. Шу дуторни берсангиз, мен ҳам тўйта бориб, бир ашула айтсам, деди.

Эй меҳмон, деди кампип, бу дутор ўғлимдан колған нишона, хар күн буни уч мартаба кўзимга суртиб кўяман. Бу дуторни ҳеч кишига бермайман, деди. Шунда синглиси Гулжамила айтди: Эй она, бошланганига ўттиз саккиз күн бўйиди. Лекин ҳали бир созанда мінг тиғзі тугуз бир шойи ҳам олиб билмади. Баъки бу меҳмон сози-сүзи ёкса мінг тиғзі пул топса, бен юз тангасини бизларга келтириб берса, дуторни ҳам келтириб берса ёмон бўлмас эди. Она-киз иккаласи ўйлашиб Ғарібжонга дуторни бериб юбордилар.

Ғарібжоннинг юзига кора чекилган, сочлари ўсган, дуторнинг попуклари кўриниб туради. Ғарібжон тўйта қараб жўнади. Борса кўшқда Шохсанам хуснининг шуъласи жаҳенни тутиб турибди. Сал нарида уч ёғоч ҳам курдириб кўйган экан. Агар Ғарібжон келса осамиз деб. Ғарібжонни бу афтода холида кўрган болалар унга кесак отиб бу не кал, деб масҳаралатиб бошладилар. Бу ёт йигитдан шубҳаланган тўйбошилар келиб қарасалар. Унинг қўлтигидан дутор кўриниб туради. Бир саёқ созанда бўлса керак, деб уни мусобакалашаётган баҳшилар ёнига олиб бориб кўйдилар. Созандалар унга жирканиб қаравазилар ва нарига ўтиб хой кал, деб уни четта чикариб кўйдилар. Шунда тўйбошилар айтдикі, ўттиз саккиз күн бўлдан созандатар айтишиб бир шойи танга ола билемади. Бу кал ҳам омадини бир синаб кўрсин, дедилар. Шундай килиб, Ғарібжонга навбат егли. Ғарібжон оғзида сўзи, кўлила сози, кўп ерлардан тимсол келтириб, Санамжонга қараб бен калима сўз айттар бўлди:

Оғалар, тун-кеча Халаб-Ширвондан,
Бир ёр савдосига тушдим-да келдим.
Айб айламанг, дўстлар, мени келди деб,
Шул ёр савдосига тушдим-да келдим.

Неча йиллар кездим саргардан, бўлиб,
Хар мардга, номардга сирим билдириб,
Мурода етганим тушнимда кўрлим,
Бир ёр савдосига тушдимда келдим.

Номозиомда келдим кулбахонамга,
Сирим билдиримадим божим онама,
Ханжар ярасини чекдим сийнама,
Тухмат балосидан кочдим-да келдим.

Отиимни боғладим нор ёғочига,
Бир камон ташладим дор ёғочига.
Курбон бўлсен бошим ёр ёғочига,
Баланд-баланд тоғлар ошдим-да келдим.

Юзингни ўҳшатдим байрам ойина,
Кошингни ўҳшатдим кўмон ёйина,
Мен ботибман маломатнинг лойина.
Дарё каби тўлиб-тошдим-да келдим.

Созимни кўтариб келдим уйингга,
Курбон бўлай ёрим кадди бўйига.
Гариб ошик Шоҳсанамнинг тўйига,
Бир ёр савдосига тушдим-да келдим.

Бу сўзни Гарибжон айтган захоти жаллодиар уни ёқасидан тутиб, подшонинг олдига кўл - оёгини боғлаб олиб бориб ташладилар. Эй подшохим, бу кал, Гариб ошик Шоҳсанамнинг тўйига деган сўзни айтди, дедилар. Буни олиб бориб дорга осинглар, деди подшо. Подшохим арзим бор, арзим бор, деб Гарибжон дорнинг тагига боргунча кичкириб борди. Тўйга йигилган халқ, эй подшохим, ашулани жуда яхши айтди, унинг арзини сўранг, оламнинг арзини сўраб гунохи бўлса осиш керак, дедилар. Подшо қайтаринг, қайтаринг, деб буюрди. Гарибжонни дор тагидан қайтариб олиб келдилар. Кани, зангар не арзинг бор, деди подшо. Куллик-сий подшохим, деди Гариб, бу одамларнингиз овсарми десам, сиз булардан хам сал юкори экансиз. Мен ўзимнинг Гарибчилигимни, бечоралигимни айтдим, менинг Гарибжон билан хеч алокам йўқ деди.

-Вой зангар-ей, борингт, тархен бўйисин, бу йигит ясни айтса айтсон, Гарибни айтадими, бечораними, деди подшо. -Куллук подшохим, яна оғзимдан Гариб сариб деган сўз чикса, бу одамларнингиз мени яна сизни олдингизга келтирмасин, айтиб кўйинг, деди Гариб. Йўқ, тархон бўлдинг сен, деди подшо. -Куллук подшохим, куллук деб, Гариб Шоҳсанамнинг кўшки слдига чикиб, бен калима сўз айттар бўлди:

Эй ёронлар, севгилимни,
Кўрдигим жойларга келдим.
Сенинг билан ўйлошмокка,
Юрдигим жойларга келдим.

Ўпсам сиймин сакоғингнай,
Сўрсам ширин дудогингнай,
Ёрим иссик кучогингнай,
Ётдигим жойларга келдим.

Тердигим боғнинг тузиннан,
Эмлигим ширин тилиннан,
Ёрим хиноли кўлиннан,
Тутлигим жойларга келдим.

Ёрим билан сафо этиб,
Муроду максадга этиб.
Ок күлни бўйнумга чотиб,
Турдигим жойларга келлим.

Ғарнб ошик қайнаб-жўшиб,
Ишкнинг дарёсига тушиб,
Санинг билан кўл ушлашиб,
Юрдигим жойларга келдим.

-Ха баракалю, менга ёқадиган номалардан айтдинг, деб Шоҳсанам Гарифонга бош-оёқ сарпо минг тантаг пул совга килди. Ғарифон янада қайнаб-жўшиб, тилида сўзи, кўлида сози Шоҳсанамга караб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Ёрим берган ок рўмолим,
Сени қайда кўёйин ман.
Боғдан кизил гулни узиб,
Кирмизига бўёйин ман.

Ёрим, жабр айлама биза,
Сиё зулфни тўқма юза,
Сени бермам юз минг киза,
Кел ёним, севайин ман.

Эйнингизда бордур ола,
Бири гулдур бири лола,
Санамжон, кетма хаёла,
Кўш норингни ўйнайин ман.

Юзингдан никобинг олиб,
Куйдирма мени уялиб,
Сенинг билан кўл ушлашиб,
Кел ёним, севайин ман.

Ошик Ғариф қайнаб жўшиб,
Ишкнинг ўтина тутошиб,
Карбало чўлининан ошаб,
Кел ёним, севайин ман.

Бу сўзни эшигандан кейин Шоҳсанам яна бир неча молу-дунё, зари зебо ташлади. Энди Ғарифон сал қаҳраниб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Ошиктарнинг иши халқка аёндуру,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.
Бу дунё деганинг бир бевафолур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Гаріб әдім кал күйділар отимни,
Кімга айтай сийнамдаги дөгімни,
Паризодим, сен эшитгіл додимни
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Хак олдіда кечар ох ила зорим,
Кеча-кундуз фикри, ёди хаёлім,
Чин ошик на кілтар дунёнінг молин,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Фаріб ошик айтар: бу сўзим росттур,
Бу дунё деганда хузур абаңтур,
Санамжон ёр, санго, манго ким дўсттур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Фарібжон мени унұтмаган әкан деб, уни таниған Санамжон юзидаги бир пардағанни олиб ташлаб, иккі зинапоя тұман тушиб Фарібжонга караб бир сўз айтар бўлди:

Кулок солиб эшит менинг арзимни,
Сенинг келганингни билобилмадим.
Мен ташладым номус билан оримни,
Фаріб, келганингни билобилмадим.

Айрилик дардидан йиглаб юрдингми,
Бир ёт ўлкаларда сарсон бўлдингми,
Аввалдан келмасдан, энди кейдингми,
Ёрим, келганингни билобилмадим.

Ота-онам кувладилар кетмадим,
Оқ юзима пардастарни тутмадим,
Шовалад подшони кабул этмадим,
Фаріб, келганингни билобилмадим.

Сенинг учун мен берайин жолимни,
Сен бўлмасанг мен тўқайин конимни,
Зиёда йиглатма Санамжонингни,
Ёрим, келганингни билобилмадим.

Кимни гул деярлар, кимни лолалар,
Айтармишлар мени сендан оларлар,
Манго тегсін сенга келган балолар,
Ёр, сенинг келгавинг билобилмадим.

Шоҳсанам дер, Шоҳаббоснинг кизиман,
Қон йиғлатиб ёш тўқдирдинг кўзима,
Қарорим йўқ ташлар бўлдим устинга,
Сенинг келганингни билобилмадим.

Шундан сўнг Шоҳсанам Ғарибжоннинг кучогига ўзини ташлади. Ҳамма ер талотўп бўлиб кетди. Лекин хеч ким буларни бориб ажратишга ботина олмади. Шоҳсанам шунда яна Ғарибжонга, ҳалкка караб беш калима сўз айтар бўлди:

Ойга туташли доғлар,
Булбулнинг ўрнига зонлар,
Ёрилан айрилган йиглар.
Етишакўр ибо билан.

Қўл бўлар ёрнинг армони,
Санамнинг кийналди жони,
Ўргади доғи ҳижрони.
Душманлара топо билан.

Қурбон бўлай ёр кўйинига,
Қўлимни солай бўйинига,
Ғарид Санамвинг кўйинига
Кирса керак ибо билан.

Бу сўздан кейин Шоҳсанам кўшкнинг зинасидан ўзини Ғарифининг устига этди. Ғарибжон Шоҳсанамни ерга пешини хам теккизмасдан икки кўллаб копчиб олди. Иккиси-бири у ёкка, бири бу ёкка бехуш бўлиб йикилиб қолдилар. Ғаридеган ашулачининг устига Шоҳсанам кўшқдан ўзини ташлади, деб дарров подшоға хабар бердилар. Боринг, иккаласини хам дорга осинг, деб фармон берли подшо. Тўйга йигилган ҳалкнинг хаммаси подшонинг олдига бориб: Подшохим, сиз уларни осиб хам билмассиз, ўлдириб хам билмассиз, улар бир-бирига ошик дедилар. Ўзингиз томдан отилиган ковунни хам копчиб ола билмассиз, Ғарид кирк газлик кўшқдан ташлаган Шоҳсанамнинг бир пешини хам ерга теккизмасдан копчиб олди, дедилар.

Тамоми ҳалк Ғарид билан Санамжон томонда бўлдилар. Подшонинг бир ўзи бир томон қолди. Не киларини билмаган подшо: Эй ҳалойик, бу тўй Ғарид билан Санамники бўлсин. деди. Ўргада бир жарчи чикиб, бу тўй Шоваладининг эмас, Ғарид билан Шоҳсанамники деб кичиқраверди.

Шунда Ғарибжон энди хотиржам бўлиб, ҳалкка караб беш калима сўз айтар бўлди:

Шум ракиблар бизни ёмон бўлдирили,
Үлмагимдан айрим кор манго найлар?
Кечибман жонимдан, гул армонимдан,
Энди номус билан ор манго найлар?

Намак каби хар қозонда қайнарман,
Тушшиб ишкнинг дарёсидан бўйларман,
Кўнглима келганинг баён айларман,
Энди номус билан ор манго найлар?

Олгир күшлар бўлар шоҳнинг қўлинда,
Хуркиб-хуркиб кўнар согу сўлинда,
Мансур каби аназ-халкнинг йўлинида,
Осилсам зулфингдан дер манго найлар?

Еўч йигитнинг бўлмас зарра армони,
Номарднинг хеч бўлмас аҳди-паймони,
Булбуянинг олдинда гулнинг дармоғи
Гулишанда ётмишам, хор манго найлар?

Кечалар кон йиглаб, кундуз тинмишам,
Ишиб, ишқнинг шаробиндан конмишам,
Ғаридайтар ишқ ўтина ёмишам,
Жағолар чекмасам, ёр манго найлар?

Бу сўздан кейин Шоҳсанам ҳам ёрига караб, уни боғ сайрига таклиф этиб
бир сўз айтган жан:

Кел, Ғарим, гашт этали бу боба,
Булбуя кўрсин гулнинг томошасини,
Кўй лабинг лабима, лудок дудоға,
Тиллар кўрсин болнинг томошасини.

Ишқ ели хар кимни айлади барбод,
Хар кимга дуч келса, айлайди фарёл.
Бесутун тогини кўп қазди Фарход,
Ширин кўрсин Фарход томошасини.

Худойим яратди жаннату ризвон,
Бу дунёла берди бизга минг алвон.
Ёр учун неча йил кезди саргардои,
Лайли кўрсин Мажнун томошасини.

Ҳак солмиш бошимга тутанмас савдо,
Жаҳон бозорига тушди минг гавро,
Ўн икки йил окди дарёда Узро,
Вомик кўрсин Узро томошасини.

Икки ошик күшилсалар жам бўлиб,
Сийналари доғли, кўзи нам бўлиб,
Сен ошик Фарисан, мен Санам бўлиб,
Эллар кўрсингиз бизлар томошасини.

Бу сўздан кейин Фарис-жўлиб, ёрининг жамолина караб, уни таъриф этиб, каликка караб беш калима сўз айттар бўлди:

Эшиги айвони боғчали-боғли,
Хуш ажаб жойлари бордур Санамнинг.
Ажаб томошали, оқ ўтогали,
Боғу-бўстонлари бордур Санамнинг.

Бу нотавон кўзим ишқинда зори,
Гамзаси жен олар, гирин гуфтори,
Кўнглима худ ёқар ажаб рафтори,
Тиллодан шонаси бордур Санамнинг.

Санамнинг кайгусин вайрон этмака,
Боғи бор соллониб сайрон этмака,
Киприги жонимни хайрон этмака,
Бошинда жигоси бордур Санамнинг.

Ўзи хушкиликли, кўли созлидур,
Олғир лочин кушли учкур бозлидур,
Боғли, сарховузли ўрдак-гозлидур,
Қўлинда сўнаси бордур Санамнинг

Етти йилдир мен ёримдан жудоман,
Бошим курбон, йўлинда хоки пойман,
Етти йилдан бери куйиб адоман,
Юрагимда доғи бордур Санамнинг

Гўзалдан гўзалининг кўп бўлар фарқи,
Етишмас уларга хўбларнинг нархи,
Отасидир гўё фалакнинг чархи,
Паризод аноси бордур Санамнинг.

Келибдур ошиклар жондан кечмака,
Ошикларнинг ботин йўлини очмока,
Гултун косаларда шароб ичмака,
Тиллодан миноси бордур Санамнинг.

Моҳитобон ичра моҳлар моҳидур.
Ою-йиллар чекканим шунинг оҳидур,

Ғаріб Шоҳсанамнинг киблагохидур,
Тилинида саноси бордур Санамнинг.

Бу сўздан кейин Ғаріб билан Шоҳсанам бир-бирига оқ ипакдай чирмашдилар. Шоҳабbos ноилож қолди. Ҳаликнинг газабидан кўркиб, Шоҳсанамни Ғарібжонга никоҳ килиб беришга рози бўлди. Етти кеча-кундуз кайтадан тўй-томуша бўлди. Бугун ҳалқ тўй соп бўлгунча тик туриб хизматда бўлди.

Шундай килиб, Ғарібжон билан Шоҳсанам муроду максадларига етиб, қўнгтилари ором топди. Ҳаммамиз ҳам мурод-максадларимизга стаймиз, эшигтанларингиз учун раҳмат!

ХИЛОЛА ПАРИ ВА ГАРИБ

Аммо ровийлар андоғ ривоят килиб туурларким, Шоҳ Аббос билан Ҳасан вазир иккилари аҳд паймон қўйғон эрканлар бўл ваъда бирла ким.сенинг кизинг бўлса мени ўғлимға бер. Кел, менинг кизим бўлса сенинг ўғлингга берурман, деб. Қунлардин бир куни ҳудой таоло тақдири бирлан Шоҳ Аббоснинг бир кизи бўлди, отини Шоҳсанам кўйдилар. Ҳасан вазирнинг ўғли бўлди,отини Ғарібжон кўйдилар. Алқисса Ҳасан вазир лунёдин ўтди. Ғаріб шоҳ Аббосга кини юборди. Манго Шоҳсанамжонни берсун, деб. Эрса бу сўзга шоҳ Аббоснинг қаҳри келиб, вилоятдин чикиб кетсун, деб кини юборли.Агар ўзардин чикиб кетмаса остируман, деди. Алқисса Ғарібжон ноилож бўлуб кетар бўлди. Андин сўнг онасидин рухсат олур бўлди. Кетар бўлганда онаси айди: -эй ўғлим,мундин кетар бўлсанг ҳар вилоятни ихтиёр килмагил, Бағдод вилоятига боргил, деб ўғлига панду насиҳат қилиб бир сўз айди:

Мундин кетарсан бош олиб,
Бағдода бор, Бағдода бор.
Дарё каби тўлиб, тошиб,
Бағдода бор, Бағдода бор.

Бунда сенинг кўп койишинг,
Кайгули йўқдур бир кишининг,
Кўп анда кавму кардошинг,
Бағдода бор, Бағдода бор.

Гул гунчасидек сўлмагил,
Ўзингни ўтка солмагил,
Золим кўлинда ўлмагил,
Бағдода бор, Бағдода бор.

Анда отангнинг жомига,
Бошингни ур даргохига,

Борсанг йўликия шохига,
Багдода бер, Багдода бор.

Борсанг кариндошинг келур,
Иzzат бирлан икром килур,
Барча сенинг кадринг билур,
Багдода бор, Багдода бор.

Мунда санго кўп килю кол,
Кўнглиингта келтирма хаёл,
Мунглиг онангнинг кўнглини ол,
Багдода бор, Багдода бор.

Алкисса андин сўнг Гарид, онасидин бу сўзни эшитиб, кўзларига ёш олиб, зор-зор, чун абри навбахор йиглаб, бир сўз айди:

Мен кетарам бу ўлкадин бош олиб,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?
Хижрон тиги бирла бағримни гиляб,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Бугун Шоҳсанамдин умид узарман,
Айролик дардина иничик дўзарман,
Мажнуни каби саҳроларда кезарман,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Мен кетарман Диёрбакир юргиндан,
Келар дейиб умид килмагил манидан,
Бугун умид уздим мен Шоҳсанамнан,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Айрилик ўтина ўртанаар жоним,
Куйинон кул бўлди бу устихоним,
Йўқтур манинг балли манзил-маконим,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Анда менинг ота-онам бўлмаса,
Кезардим кўнглимда ғамим бўлмаса,
Ман найланин анда Санам бўлмаса,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Гарид айтур: йўқлур сабру карорим,
Санам эрди мунда севгили ёрим,
Бу ўлкада бўлмас манинг турорим,
Багдод ўлкасинда менинг кимим бор?

Алкисса андин сўнг Ғарифнинг онаси хам бир сўз айдилар:

Омон-эсои борсанг отанг юртига,
Интизорнинг кўпидир Багдод элинда.
Соғ бўясанг бир куни кезарсан яна,
Гирифторинг кўпидур Багдол элинда.

Барча ҳалойикга бўлиб ошкора,
Насихатим айтай санго бир бора.
Кезарсан гашт этиб боягу гулзора.
Гулузорнинг кўпидур Бағдод элинда.

Ул Бағдод элина ўзингни солсанг,
Қавму кардешиларга бориб кўшилсанг,
Хаста-бемер бўлиб яна йикилсанг,
Мададкоринг кўпидур Бағдод элинда.

Найласин бир мунглиғ ичор Оводон,
Ҳамиша сакласин яратган Субхон,
Хар сабо,хар сабо ўқисанг куръон,
Умидвориинг кўпидур Бағдод элинда.


Алкисса андин сўнг онасининг панд-насихатини олиб, Гарифжон Бағдод юртига қараб кетарман бўлди. Шул вактда Ғарифнинг онаси зор-зор йиг'лаб, боргиз, эй болам, сени худога топширдим, ҳар қайда бўлсанг худо ёринг бўлсин, деб бир сўз аиди:

Кетар бўлсанг, болам, бир ёт элиара,
Болам, сани бир оллаға топширдим.
Худо солди мани ёвуз кунларга,
Кўзим, сани бир оллаға топширдим.

Кимсага бу дардни айлайн изхор,
Вайронга кўнглимни айладинг афкор,
Еру кўкни ҳаzlк айлатган биру бор,
Болам, сани бир оллаға топширдим.

Қизил гулдек бағрим сўлди сарғариб,
Шахсувор кўнглимни айладинг гариф,
Бу дардима дармон топмай ахтариб,
Кўзим, сани бир оллаға топширдим.

Кўзга сурма айлай пойн гардингни,
Манго ҳамдам кијидинг оху сардингни,
Кима айтиб ,кима йиг'лай дардимни,
Болам сани,бир оллаға топширдим.



Оводон дер, болам, афкор айладинг,
Те ўлинча орзу дийдор айладинг,
Гам билан гулимни гулзор айладинг.
Гулим, сани бир оллоға топширидим.

Алкисса, андин сүнг Ғарибжоннинг Бағдода кетарини эшитиб,
Шоҳсанам бирла ҳамма кавму кариндошлари хозир бўлиб, етиб келдилар.

Шул вактда Ғарибжон келган кавму кариндошлари бирлан хўшлишиб,
бир сўз айди:

Хуш колинглар ҳамма кавму кариндош,
Азиз бошим бўйла тушиб савдога.
Уали-киччи бари ҳамма ҳасратдош,
Қодир олло солди мани балога.

Ёрнинг ишқи, муҳаббати қўнглимда,
Ёрнинг хижрон ўти ётмиш дилимда,
Бир паризод яна Бағдод зилинда,
Дўстлар солли мени жабру жафоға.

Аслзода ҳамда бегу бекзода,
Кунма куннан дардим бўлди зиёда,
Манинг учун машгул бўлиб дуоға,
Етгайман ул шоял меҳру вафоға.

Ажаб савдоларға тушиб бу бошим.
Дарё бўлар кўзда хуноба ёшим,
Тенги тушим, барча кавму карлошим,
Кечка-кундуз машгул бўлинг дуоға.

Ғариб ошиқ сигинибдур пирина,
Чўх савдолар тушиб анинг сарина,
Азми сафар килдим Бағдод ерина,
Ўзимни топширидим қодир оллоға.

Алкисса, Ғариб қавму кариндошлари бирла хўшлишиб бу сўзларни айтиб
бўлғондин сўнг Шоҳсанамжон бекарор, беором бўлиб, Ғарибжона караб бу сўзни
айтар бўлди:

Саринга дўнайин гул юзли ёрим.
Ўлдирмагил, мани мунча ноз бирлан.
Қиша дўндиримагил, фасли баҳорим,
Баҳор бўлса кезар ўрдак ғоз бирлан.

Манда кўпdir ишқ ўтининг изоси,
Армон колур етса ажал казоси,
Яхёи изомдур оғзинг ҳавоси,
Коматинг баҳс этар сарви ноз бирлан.

Хури гилмөнмисан парилар хўби,
Санго етмас хеч жаҳоннинг маҳбуби,
Лабларинг кавсардур, қадларинг туби,
Кўнглим қушин овлиар баҳри боз бирлан.

Ман йигларман копуларни ястаниб,
Кўрмагунча жоним чикар кистаниб,
Кёлмишам севдигим сани истаниб,
Дилимга айлагил хуш овоз билан.

Бечора Санаминг сўреа холинги,
Санго сарф айласа мулки молини,
Эмса кона-кона лабинг болини,
Кишинг кечар, гаминг ўтар ёз бирлан.

Алкисса бу сўзни эшитиб Гарифнинг ҳам кўнгли бузилиб, Шоҳсанамга караб кўнгил бериб, мундин кетсам иншоолло кайтиб келурман деб, бу сўзни айнилар:

Ман мундин кетарман Бағдод элина,
Сабр айла, севдигим то ман келгунча.
Булбул парвоз этиб гунча гулина,
Сабр айла, севдигим то ман келгунча.

Богу боғчам, олма-норим сен эдинг,
Гулица гулим, гулузорим сен эдинг,
Кўнгил хушим, севар ёrim сен эдинг,
Сабр айла, севдигим то мен келгунча.

Ошиклик савдоси тушди бошима,
Шум фалакнинг раҳми келимас ёшима,
Худо айроликни солди бошима,
Сабр айла, севдигим то мен келгунча.

Дуон хайр этиб йигла худога,
Шому сахар машгул бўлғил дуога,
Рози бўлиб сабр айлагил балога,
Санамжон, сабр айла то мен келгунча.

Кодир озю эшиитмади зоримни,
Барбод этиди фалак кору боримни,
Гариф айтур, Шоҳсанамдай ёримни,
Интизорлик тортма, то мен келгунча.

Алкисса андин сўнг Гариф Шоҳсанам бирла алласрлашиб, йўлга тушиб, Бағдода караб кета берди. Бир неча кунлар йўл юриб, йўлида алашиб, чўли жизириларда йўл топмай кирк кеча-кундуз хайрон бўлиб юрур эрдигогох бир

кечаси сахар чогинда бир бобо оллиға учрады. Ғарип ул бобоға салом берди. Анда бобо саломға алик олдилар. Ғарип айдисизга ким дерлар? Бободин жавоб сұраганлари бу туур:

Ман айроликкинг дөгінда,
Бобожон, сизга ким дерлар?
Учрадым сахар чогинда,
Бобожон, сизга ким дерлар?

Айтайин зори дилимни,
Осон айланғ мушкулимни,
Йикілдім тутинг күзимни,
Бобожон, сизга ким дерлар?

Кетарман шахри Бағдода,
Юрурмен пойи лиёда,
Йүлжидіңиз бу орала,
Жен бобом, сизга ким дерлар?

Күтқардингиз шарду ғамдин,
Айрилибдурман онамдин,
Жудо түшдім Шохсанамдин,
Бобожон сизга ким дерлар?

Алкисса бу сүздін сұнгат бобонинг рахми келиб, күнгіл беріб, бу сүзни айдилар: ғазали хазрати әшон.

Хак книғобин құлға олған,
Восиғи куръон бўлурман.
Куръоннинг маъносин билған,
Ман ўзим сарбон бўлурман.

Кимса кўрса төпар иззат,
Хамиша бўлур бадавлат,
Кимсага бўлдим ман киймат,
Кимсага арzon бўлурман.

Хар ким этар мурод хосил,
Неча кўрмай колар ғофил,
Кимсага кўриниб жохил,
Кимсага әшон бўлурман.

Сан бугун йўлиниб мунда,
Борибман кезиб ҳар канда,
Кирк чигтанинг одасинда,
Ман ўзим султон бўлурман.

Гохи гүдак, тохи дарвиш,
Мани күрган күрмас койиш,
Гохи одам,гох учар күш,
Кунда минг алвон бўлурман.

Бу чўлларда ох урарсан,
Гам ема даврон сурарсан,
Яна етти йўл кўрарсан,
Санго кадрдан бўлурман.

Хар ким чекар охи зори,
Йикилғанинг мададкори,
Ман худонинг ғазнадори,
Ман Хизри замон бўлурман.

Алкисса андин сўнг Ғариф Ҳўжай Хизир алайхиссаломни таниб, кўзлариға ёхти келиб йиғлий берди. Эрса бобо ердин бир гиёҳни олиб бердилар. Анда Ғариф Ҳўжай Хизир бобосидин бу гиёҳнинг шарофатларидин хабэр сўраб, бир сўз айдилар:

Ердин олиб манго бердинг бир гиёҳ,
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?
Бу ишинга туша билмадим асло,
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?

Ушбу ишингиза бўлибман хайрон,
Кўрқарам фойдами манго бу зиён,
Ё манго дардмидуру, ё манго дармон,
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?

Бунинг хосиятин ҳеч ким билурми?
Ё бир хосияти пайдо бўлурми?
Ё манинг дардима дармон бўлурми?
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?

Анинг хосиятин англаб билайин,
Сўзингизни мен ҳам кабул килайин,
Не десантиз шунинг билан бўлайин,
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?

Дардли бўлғон истаб ахтарар табиб,
Айгинг билай хосиятин мен Ғариф,
Йўкса биза бердингизми бир насиб,
Бобо, бунинг хосияти не бўлур?

Алкисса андин сўнг ул бобо айди: эй болам, мунинг кўп хосияти бор турур деб, ҳазрати Хизир алайхиссалом баён килиб бир сўз айдилар:

Саклагыл ўзингда меҳри гиёни,
Қадам босгани еринг лолазор бўлур.
Дилингнан кўймаги ҳикри санони,
Санинг босгани изинг гулузор бўлур.

Ҳар ким бу гиёхни ўзинда тутса,
Кутилар бошина ҳар бало тушса,
Худонинг отини кўнглига солса,
Етти пушти мудом хушхабар бўлур.

Ҳар ким кўрса сани бўлар меҳрибон,
Мудом санго бўлсан дейди жонажон.
Эшитган кўп одам чекади фигон,
Паризодлар санго гирифтор бўлур.

Ҳар ерда ўзингни яхши атасанг,
Ўтганларнинг арвохини шодласанг,
Хизир бобом дейиб бизни ёдласанг,
Боша иш тушганда мададкор бўлур.

Алкисса андин сўнг Хизир алайхиссалом ул меҳригииёхни кўлларига олиб, дам солди. Рўмол бирла Гарифга берди, ул рўмолни олиб юзу кўзига суртди. Эрса Гарифнинг ҳусни аввалгисидин юз чандон зиёда бўлди. Анда Хўжайи Хизир айдилар: эй болам, ҳар ерда бўлсанг ўзингга парда чекиб юргилдеди, дархол Ҳўжайи Хизир шул замонда кўздин гойиб бўлдилар. Анда Гарифжон Бағдод юртига караб кетарман бўлди. Бир неча вактлардин сўнг шахри Бағдодга дохил бўлдилар. Алкисса шахарнинг ичига кириб, подшохнинг даргохина бордилар. Кўрсалар подшохнинг ҳамма одамлари бир-бирдин саломга кирдилар. Ул ҳам шул одамларнинг изидин кириб, кўл ковушдириб, подшохга салом бериб, арз жойидин туриб, кўлларини алиф лом килиб, арзини айдиким, эй, подшохим, менинг арзим бор, деди. Анда подшоҳ айди: не арзинг бор? Не арзинг бўлса айтгил. Шул вактда Гариф подшоҳга арзини баён килиб бир сўз айди:

Эй подшоҳим, арзим баён айласам,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.
Харна пинхон сўзим баён айласам,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.

Айтай шоҳим, сиза дард ила ғамдин,
Бошима етишган кайгу аламдин,
Неча кундур жудо тушдим Санамдин,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.

Худо етирмади мани мурода,
Ҳасрат бирлан колдим пойи пиёда.

Бир сўз бирлан кочиб келдим Багдоңа,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.

Энди шоҳим, мен айтайнин дилимдин,
Келибдурман Диёрбакир элимдин,
Арзим булдири: Шоҳ Аббоснинг кўлчидин,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.

Санам отли ёрдин бўлиб бенасиб,
Мусоғир эллара тушдим сарғариб,
Отам Ҳасан вазир, отимиз Ғариб,
Сўрсангиз ман Диёрбакирдин келдим.

Алқисса, андин сўнг подшо Ғарифбонинг айтган сўзларига хайрон бўлиб,
Ғарифга қараб подшо ўшал ерда ман бир сўз айтай деб бир сўз аиди.

Жоним сўза қулок солғил,
Кайдадур маконинг санинг?
Арзи ҳолинг баён килғил,
Кайдадир жойларинг санинг?

Юзинга тутибсан парда,
Айтғил арзинг ие, бу ерда?
Қолибдурсан муича дарда,
Кайдадур маконинг санинг?

Қайси меҳнатга соташдинг,
Қайси бир ўта туташдинг,
Ўз юргингдин айро тушидинг,
Кайдадур жойларинг санинг?

Санда бир яхши нишона,
Энди борурсан каёна,
Арзингни айтғил ғойбона,
Кайдадур маконинг санинг?

Одилшоҳни этиб хайрон,
На учун ҳолинг паришон,
Айтғил арзингни бул замон,
Кайдадур жойларинг санинг?

Алқисса, Ғарифга қараб Одилшоҳ жойларици, манзилларини сўраб
бўлғондин сўнг Ғарифжон хам ўшал ерда подшоҳга қараб, ҳолини бир-бир
баён килиб турғонлари бу турур:

Эшит арзим, аё шохим,
Мен хам Бағдоддин бўлурман.
Диёрбакирладур жойим,
Мен хам Бағдоддин бўлурман.

Ул ўлкада мискин бошим,
Оқар эри кўзда ёшим.
Истарам қавму кардошим,
Мен хам Бағдоддин бўлурман.

Юрагимда гам узра гам,
Мундин кетмиш ёта-онам,
Эшит арзим, соҳиб карам,
Мен хам Бағдоддин бўлурман.

Худо етиrsa мурода,
Ёлғон сўз йўқ бу орада,
Яна келмишам Бағдода,
Мен хам Бағдоддин бўлурман.

Яна чекмиш мани часиб,
Келибман мунда саргариб,
Аё шохим отим Ғариф,
Ўзим Бағдоддин бўлурман.

Алкисса, андин сўнг подшоҳ аиди: эй, болам Бағдодда кимлардин бўлурсан, деб асли зотини сўраб. Ғарига караб подшоҳ бир сўз аиди:

Манго сиринг баён айла,
Болам, кимлардин бўлурсан?
Яна бир-бир аён айла,
Қўзим, кимлардин бўлурсан?

Агар сен бўлсанги Бағдодий,
Сан ўзинг кимнинг авлоди,
Баён айла асли зотинг,
Жоним, кимлардин бўлурсан?

Манго аслинг этгил баён,
Сурогинг солиб ҳар қади,
Хуш келибсиз азиз меҳмон,
Сўзла, кимлардин бўлурсан?

Хуш келибсан бу орага,
Нолишинг етиб Худога,

Баён айла Одилшоха,
Болам, кимлардин бўлурсан?

Алкисса, бу сўздин сўнг Гариб Одилшохга караб бир сўз айдилар:

Эй подшохим, сирим баён айласам,
Сўрсангиз ман Ҳасан шохнинг ўғлиман.
Сўзим будир: тўғрисини сўзласам,
Сўрсангиз ман Ҳасан шохнинг ўғлиман.

Отам килмиш ул қатъбани зиёрат,
Худонинг йўлинда айлаб ибодат,
Анда қолмиш бу жой сиза омонат,
Сўрсангиз ман Ҳасаншохнинг ўғлиман.

Очилсин азалда банданинг бахти,
Худо яратмасин харгиз балбахти,
Бу ўлтирган таҳтинг отамнинг таҳти,
Сўрсангиз ман Ҳасаншохнинг ўғлиман.

Отам-онам ул қатъбани ҳаж этмиш,
Алар бу ўлқадин бош олиб кетмиш,
Алардин сўнг шохлик сизлара етмиш,
Сўрсангиз ман Ҳасаншохнинг ўғлиман.

Ман Ҳасан подциодин колган нишона,
Аклим хайрон энди боргум қаёна,
Билиб бўлмас шохим, суди зиёна,
Сўрсангиз ман Ҳасаншохнинг ўғлиман.

Энди билмам нечук бўлди насибам,
Андин ортиқ сўз сўраманг Гаридан,
Дарди учун истаб даво табибдан,
Сўрсангиз ман Ҳасаншохнинг ўғлиман.

Алкисса, андин сўниг Одилшоҳ Гарига караб на сабабдин Диёрбакирдин чикиб кетдинг, деб бир сўз айтар бўлдилар:

Отанг бўлса Шоҳ Аббоснинг вазири,
Не сабабдин Диёрбакирдин келлинг?
Ё бўлдингми ўзинг ишқнинг асири,
Не сабабдин Диёрбакирдин чикдинг?

Бир-бир баён айлаб ўтган ишингни,
Шоҳ Аббос буздими кўнгил хушингни,

Ё истаб чикдингми хешу хиштингни,
Не сабабдин Диёрбакирдин чикдинг?

Юртдин чикканингта ким сабаб бўлди,
Сўзлагил, Шоҳ Аббоे не хола солди,
Сандин ўзга Ҳасан шоҳдин ким колли,
Не сабабдин Диёрбакирдин чикдинг?

Бир парининг интизори бўлдингми,
Ул парининг сабабкори бўлдингми.
Ё ўзингни ишқ ўтина соддингми,
Не сабабдин Диёрбакирдин чикдинг?

Одилшоҳ дер, аклинг бўлмасинъ хайрон,
Бағдод ўлкасинда сан биза меҳмон,
Яна ҳам Бағдодда сурасан даврон.
Не сабабдин Диёрбакирдин чикдинг?

Алқисса, бу сўзни эшишиб Ғариф жавоб айтар бўлди:

Айтайн арзимни, эшиит подшоҳим,
Бир сабабдин чикдим Диёрбакирдин.
Бағдод ўлкасинда эрмиш маконим,
Бир сабабдин чикдим Диёрбакирдин.

Отам шоҳ Аббоснинг вазири эрди,
Халойиклар Ҳасан вазир дер эрди,
Эй шоҳим, айтайн сиза бу лардим,
Шул сабабдин чикдим Диёрбакирдин.

Шоҳ Аббоснинг бир хўб кизи бор эрди,
Оти Санам, юзи гулузор эрди,
Кеча-кундуз кўнглим бескарор эрди,
Ани излаб чикдим Диёрбакирдин.

Шоҳ айди: Ғарифни осинглар дора,
Онам бўлли, ўзим бўлдим бечора,
Манинг пинхон сўзим бўлди ошкора,
Шул сабабдин чикдим Диёрбакирдин.

Алқисса андин сўнг Одилшоҳ Ғарифжонга кўнгил бериб бу сўзни айди
Болам, кўп бўлмагил маълул.
Ғамгин кўнглинг шод айлайин.

Ушбу сүзинг кылдим қабул,
Қайгудин озод айлайин.

Шох Аббос килса ситамни,
Бермас бўлса Шоҳсанамяи,
Санго тунгган ларду ғамни,
Сарингдин барбод айлайин.

Йигламагил, кўп оҳ уриб,
Хизматингда қўл ковшириб,
Тожи тахтимни тоғишириб,
Дилимдин исбот айлайин.

Мудомо хизматингдаман,
Топулур бир зулфи суман,
Йўларингда юз минг туман,
Ман бўлиб ҳайрат айлайин.

Эшит Одилшохнинг сўзин,
Ул Ҳасан шоҳнинг ёлгизин,
Шох Аббос бермаса қизин,
Ўзимта домод айлайин.

Алкисса бу жавобдин сўнг Одилшоҳ Ғарибнинг қўлларидин тутиб, таҳтидин тушиб ҳарамонасига караб равона бўлди, ичкари киргизди. Ғариб кўрса бир тахтнинг устида бир ночор ётибдурур. Юзлари заъфарондек сарғайган эрди. Ул тахт устинда ётғон ночор Ҳасан шоҳнинг синглиси эрди. Ҳасаншоҳ бағоддин кеттали ўн беш йил бўлиб эрди, ул бечора субхи шом, балки алайхул павом йиглаор эрди.

Ногоҳ кўрса саройга бир ўғлон келиб турур. Ул ночорнинг оти Ойпора эрди. Анда сўрдиким, эй шоҳ бу ўғлон ким турур? Подшо аиди: бу йигит Диёрбакирдин келган эрмиш. Анда ул ночор аиди: бу йигит на учун юзларига парда тортиб турур? Ночор аиди: пардана кўтаргил, мен бир юзингни кўрайин, леди. Андин сўнг подшоҳ аиди: эй Ғарибжон, юзингдин пардана олгил, бу саройнинг одамлари ҳам бир-бир келиб сали кўрсинаш, леди. Эрса ўшал ерда Ғариб подшоҳга караб бир сўз аиди:

Аё шоҳим, эшит ушибу жавобим,
Юзим очсан кўшки алвон ўртсанур.
Бир нигоҳ килсалар бошдин оёка,
Сўзим айтсан ушбу макон ўртсанур.

Сўзингизга жоним бўлсин садоға,
Кўрса мани ничча колур балоға,
Агар сайрон этиб кезсам ман боға,
Мани кўрса боғи бўйston ўртсанур.

Сўзласам, оғзимдин дурларни сочсан,
На яхшилар бирлан бошимни кўшсан,
Агар ман юзимдин пардан очсан,
Тутошиб ер бирлан осмон ўртанур.

Юзима боколмас қайрилиб ҳар ким,
Ишк ўтиға куйиб-ёниб суюгим,
Ман билманам якин келмас севдигим,
Бу дардимни кўрса дармон ўртанур.

Ҳеч ким келиб сўрмас манинг бу ҳолим,
Шоҳсанамдур манинг фикру хаёлим,
Ғаридай тур кўрмангизлар жамолим,
Жамолима ушбу жаҳон ўртанур.

Алкисса, андин сўнг Ғарибжон юзларидин пардан кўтариб олдишар.
Ғарибнинг жамолини кўриб, ҳамма хайрон бўлдилар. Ул заифа ҳам тахтидин
йикилиб колди. Бир замондин сўнг ҳушига келиб, Одил подиша караб бир сўз
айди:

Қайдин келган моҳитобон, гул юзли,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?
Лочиндеқ бокишли, хумоюн кўзли,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Аклим хайрон бўлди жамолинг кўриб,
Сўрашдингму анинг бирла ўлтурниб,
Манинг бу жонима мёхрин эмдириб,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Ҳасаншоҳдин Ободондин колғондай,
Алар ўлса бир ёдгор бўлғондай,
Гўё бир олмани икки бўлғандай,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Ўн беш йилдур Ҳасаншоҳнинг кетгани,
Бориб Байтуллони тавоб этгани,
Сирдошим йўқ эрур ҳолим айтгани,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Ҳасаншоҳ оғамдур шоҳу суворим,
Отамдин -онамдин бир ёдгорим,
Ўн беш йилдур манинг шул интизорим,
Бу меҳмонинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Қайдин келиб манго меҳрин эндириди,
Жондин ўтиб эрди айролик дарди,
Қайта бошдин Ойпорани күйдирди,
Бу меҳменинг Ҳасаншоҳа не бўлур?

Алкисса, андин сўнг подшоҳ айди, ҳар на сўзни сўрасанг, ўзидин сўрагил, жавоб берур деди. Эрса Ойпора айди: эй йигит қайдин келиб қайга борурсан? Асли зотингни айттил, деди: анда Ғариб Ойпорага караб бир сўз айди:

Мани сўрсанг Диёрбакир юртиндин,
Гулдек очилмайин сўлган Ғариман.
Қонлар йиглаб айроликнинг дардиндин,
Бу шахри Багдода келган Ғариман.

Энди билмам ёлгиз қайга борурман,
Юртиндин айрилған бир бечораман,
Булбулдек тинмайин гулзораман,
Кушдек кафас ичра тушган Ғариман.

Ложарам, бўлишам акли хайронам,
Шому сахарларда зори гирёном,
Дунёда бечора бир хонумонам,
Ман найлайнин хонавайрон Ғариман.

Бу дунёда бир фароғат кўрмаган,
Санам бирлан айшу ишрат сурмаган,
Мехнат чекиб ҳаргиз роҳат кўрмаган,
Туганимас хастратда қолган Ғариман.

Отам Ҳасан вазир, отим Ғаридур,
Айролик азалдин манго насибдур,
Хижрон тиги юрагимни эзидур,
Юрак бағри пора бўлган Ғариман.

Алкисса, андин сўнг, Ойпора айди: эй Ғарибжон асли наслингни мундин ҳам зиёдарок баён килгил, деди. Эрса Ғарид яна бир сўз билан асли-наслини баён этиб Ойпорага караб бир сўз айди:

Аслимни баён этсам,
Бечора Ғаридурман.
Сиримни аён этсам,
Овора Ғаридурман.

Хижрон чўлида колған,
Ғам бирла расво бўлған,
Багдода бутун келған,
Бечора Ғаридурман.

Ман бүлмишам афтода,
Бу дард ила фарёда,
Кимга борайин дода,
Афтода Ғарибдурман.

Очијлмади офтобим,
Хам бүлди кадди долим,
Билмам не кечар холим,
Бечора Ғарибдурман.

Элдин адашиб келган,
Үтдай тошиб келган,
Фамга улашиб келган,
Хайронна Ғарибдурман.

Отима Ғаріб дерлар,
Түшди манго мушкуллар,
Қайда борурсан эллар,
Бечора Ғарибдурман.

Алкисса, андин сүнг Ойлора аиди: мен ҳам биң газал айтайн, шояд асли зотини мундин ҳам яхши баён килгай деб, бир сүз айдилар:

Хар сүзларни дема сан манго мұңча,
Эмди манго асли зотинг баён эт.
Сандин умидворман токи ўлгунчა,
Тұғри сүзлаб асли зотинг баён эт.

Үн беш йилдур манго айролик дарди,
Хижрон ўти мани жоним ўртади,
Магар сани манго олло юборди,
Манго бир - бир асли зотинг баён эт.

Хасаншоха мангзар кадди камолинг,
Ободона мангзар ҳұсни жамолинг,
Жонимни ўртади қоши хилолинг,
Эмди манго асли зотинг баён эт.

Оғам Ҳасан шохдир, отим Ойпоға,
Сан ҳам айтғыл манго эй мохи Пора,
Хүш келибсан ўғлон ушбу диёра,
Сүзла болам, асли зотинг баён эт.

Алкисса, андин сүнг Ғаріб асли зотини баён этиб яна бир сүз аиди:
Ҳасан вазир ўғли асли Бағдодлы,
Эмди санго бир-бир баён айласам.

Санам эрди анда кўнглимнинг ёшоди,
Ета билмай неча фигон айласам.

Манго Диёрбакирға етишмак хаёл,
Ҳасан вазир ўлди, колди мулки мол,
Бир ночор йиглаюб колди Гулжамол,
Ман хам мунда охи фигон айласам.

Оғам дейиб колди ёлғиз ночорим,
Ничик кечар мунда сабри карорим,
Гумонадир манинг анда борарим,
Эмди мунда манзил макон айласам.

Отам айтиб эрди нури чирогим,
Боғи муродим хам боғи чарвоғим,
Алардин эшитмиш манинг кулогим,
Ман хам бориб анда сайрон айласам.

Ҳасан вазир, Ободоннинг ўглиман,
Шоҳсанамнинг ваъдасина боғлиман,
То ўлгунча сийналари доғлиман,
Яна кўрмаклигим тумон айласам.

Мунда турмокликка йўқдур карорим,
Шоҳ Аббоснинг кизи Санамдур ёrim,
Фарид дер: Бағдода тушди гузорим,
Бир неча кун мунда макон айласам.

Алкисса, андин сўнг Одилшоҳ Ҳасаншоҳдин колған Боғи муродни
Ғарифга топшириб, ўзина берди. Эрса Ғариф шул боғда карор топди.

Хар жума куни подшоҳга саломға борур эрди. Алғараз, шу тарикада орадан
уч йил ўтди. Аммо подшонинг бир кизи бор эрди. Отини Ҳилола пари дер эрдилар.
Ғарифни шул кизга таъриф килдишлар. Ҳилола пари аиди: ул бир мусоғир бўлса,
ман подшозода бўлсам, анго лойинк эрмасман, агар хар ким мундин бўёна айтсалар
оғзига кўргошин куйдируман, деди. Эрса хеч ким дам ура билмас эрдилар,
Ҳилола парининг бир канизи бор эрди, зиёда суханвар эрди. Отига Даастагул дер
эрдилар. Бир куни харамға борди, харамнинг одамлари Ҳилола парини Ғарифжонга
берсак муносибдур, дер эрдилар. Даастагул буни эшитиб келиб, бибисининг
ўнгидан ўлтириб бир сўз аиди:

Эй султоним, бугун бир сўз эшитдим,
Ғарифжонни сиза лойик кўрмишлар.
На сўз борин англаб, хабарин топдим,
Нотавонни сиза лойик кўрмишлар.

Уч йил бўлди келган шахри Бағдода,
Боши оёқ яланг, пойн пиёда,

Мехмон бўлиб тушган боғу мурода,
Шул меҳмонни сиза лойик кўрмишлар.

Бу ўлкада неча озодалар бор,
Яна ҳам бир неча шахзодалар бор,
Ул Диёрбакирдин келган хору зор,
Хар чўпонни сиза лойик кўрмишлар.

Хеч бир иши бўлмас анинг ўзинда,
На сабабдин парда тутмиш юзинда,
Қонлар оқар эрмиш иккя кўзинда,
Багри қонни сиза лойик кўрмишлар.

Дастагул дер: аё эй, мохи пари,
Пинхон сўзлар эмди бўлди ошкора,
Отангиз-онангиз берса бечора,
Билмас ничик жонни лойик кўрмишлар.

Алкисса, андин сўнг Ҳилола пари Дастагул канизина қараб бир сўз
айди:

Дастагул, боғи муродга борсанго ёримни кўр.
Диёрбакирнинг элидин келган ҳаридоримни кўр.

Биза лойиқми савлати, мохи тобондек таъвати,
Етарми биза давлати, бу нолайи зоримни кўр.

Яхшилаб бокғил юзина, ёнинда турғил бир замон,
Ўртада даллол ўлиб, хар йўқини, борини кўр.

Гар муносиб бўлса улжонимни курбон айласам.
Кеча - қуидуз бўйи узра зулфи зункоримни кўр

Ҳак таоло бошим узра, кўйсалар давлат қуши.
Яхшилик бирла қўлимға, кўнса шункоримни кўр.

Ман Ҳилолига муносиб, бўлса анинг суврати,
Йўлида сарф айларам, дунёни бунёдимни кўр.

Алкисса андин сўнг Дастагул Фарибжонни кўрмакка кетди. Фарибжон
ҳар жума куни подшоҳга саломга борур эрмиш деб эшитди. Эрса жума куни
Дастагул йўлға равона бўлди. Эрса йўлнинг устинда занони мардон, кизу жувон
ўлтириб эрдилар. Алардин сўради: бу ерда нечук ўлтирибсизлар? Алар айдилар:
Диёрбакирдин келган шахзоданинг хуснини томоша килурмиз, подшоҳга саломга
бориб эрмиш, бизлар анинг учун ўлтириб турибмиз. Эрса Дастагул ҳам шу ерда
ўлтириб эрди, бир неча замондин сўнг Фариб ҳам ўтаверди. Эрса ҳаммалар
жамолини кўриб, маству бекарор бўлдилар. Дастагул ҳам кўрди. Бир барно йигит
турур. Кўрганнинг акли лол бўлур, кўрмаганлар хайрон бўлур. Кўнглида аиди:

албатта бу йигитни Хилола пари күрсаасло бир замон күйнидин чикармас, ман буни бориб таъриф этайин деб, Ғарифнинг изидин олиб, юраверди. Оркасидин Ғарібжоннинг қадди коматини томоша килиб, келур эрди. Ҳайрон бўлғонидиз аёгидин бир пой кавушини туширди. Бир оёгига кавуш бирла Ҳилола нарининг хизматига борди. Ҳилола пари сўрди: Кўрдингму? Дастагул бибижон, сизга таъриф бирлан айтайн деб, беш калима сўз айтар бўлди:

Ногоҳон ман аниңг кўрдим жамолин,
Кайси бир васфини баён айлайнин.
Худо билур кўнглиңдаги хаёлин,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Лаъти гавхар эрур кокилин тори,
Йўлиница ўлтирур кўп интизори,
Ақли кушим олди қадди рафтари,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Жамолин кўрмака олам гирифтор,
Йўлга бокиб ўлтиридилар интизор,
Мен ҳам они кўриб бўлдим бекарор,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Белина боғлабди заррин камари,
Бошини санҷибдур тожи гавхарни,
Бибижоним мандин сўрсанг хабари,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Юзин кўрган замон ўзимдин кетдим,
Маст бўлиб тупрокга булганиб ётдим,
Бехуш бўлиб айтар сўзим унутдим,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Ўтган эрмиш аввал Юсуфу Кағъон,
Андин сўнгра магар бўлса Ғарібжон,
Қоши кўзи дўнап ани минг алвон,
Кайси бир васфини баён айлайнин.

Дастагул дер, аё Ҳилола пари,
Оти Ғаріб-Ҳасан вазир писари,
Айтиб адo бўлмас аниңг дафтари,
Қайси бир васфини баён айлайнин.

Алкисса, андин сўнг Ҳилола пари Дастагулдин бу сўзларни эшитиб, бекарор беором бўлиб, гойибона кўз солиб бир сўз аиди:

Ақли кушим олдинг келиб, Дастагул,
Бугун танда ширин жона ўт солдинг.
Эмди қарор этиб турмогим мушкул,
Азиз жисимм ногавона ўт солдинг.

Анинг бирла бир дам ўлтириб турмай,
Хизматинда анинг бир лаҳза юрмай,
Тоқатим йўқ эмди жамолин кўрмай,
Бу жонима гойибона ўт солдинг.

Ман ўзим бормасам ёр ўтогина,
То кўзим тушмаса ол яногина,
Булбулдек кўнмасам гул япрогина,
Ман бир ночор ошикона ўт солдинг.

То кўрмасам анинг топмай қарорим,
Ошикларнинг бўлмас номуси ори,
Ўта ёнсин боғу боғчанинг бори,
Эй Дастагул, бу макона ўт солдинг.

Барчалардин хизматингни ўтиридинг,
Бу хабарни манго келиб етиридинг,
Ҳилола парига бир ўт кетиридинг,
Бу жон бирла устихона ўт солдинг.

Алкисса бу сўзни тамом этгандин сўнг Дастагул ҳам бир сўз айди:
Сабр айласанг максудингга етарсан,
Тез етарсан, бибижоним, сабр айла.
Муродинга етиб даврон сурарсан,
Тез етарсан, бибижоним, сабр айла.

Кечачундуз сенсан манинг сирдошим,
Ҳоки пойинг бўлсин бу гарип бошим,
Сандин ўзга йўктур қавму кардошим,
Жондин ортиқ меҳрибоним, сабр айла.

Сабр айлаган киши ноумид қолмас,
Бесабр қистанар, ҳаргиз йўл бўлмас,
Якка худо берса хеч адo бўлмас,
Ман камина, сан суттоним, сабр айла.

Билинг, сабр худойимнинг бир оти,
Санго бугун тушди ошиклик ўти,
Овозинг булбулдек, тилларинг тўти,
Ширин макол, хушзабоним, сабр айла.

Етмиш йилдир сабр айлади ул Айоб,
Ўзингга айлади худойим маҳбуб,
Сабр айласанг сен ҳам топарсан матлуб,
Насихатдур, аё хоним, сабр айла.

Хуш этмишdir они бугун отангиз,
Йўқдур бу орада харгиз хатонгиз,
Ё бугун, ё сабо бўлар никонгиз,
Дастагул дер: бибижоним, сабр айла.

Алкисса андин сўнг Ҳилола пари Дастагулга караб зор- зор йиглаб бир сўз аиди:

Кўрмагунча йўқтур тоби токатим,
Бор, Дастагул, ўзинг боги мурода.
Мундин ўзга йўқтур санго хизматим,
Бор, Дастагул, ўзинг боги мурода.

Ман кўрайин анинг хусни жамолин,
Манго десин кўнглиндаги хаёlin,
Тез етиргил манго анинг висолин,
Бор, Дастагул, ўзинг боги мурода.

Гойибона кўрмай бўлдим гиримфтор,
Кўрмагунча мандин кетди ихтиёр,
Ани етиб манго зинхор базинхор,
Бор Дастагул, ўзинг боги мурода.

Яхши хизматкорим сансан, Дастагул,
Ҳам номусим, орим сансан, Дастагул,
Сўзла, эътиборим сансан, Дастагул,
Бор, Дастагул, ўзинг боги мурода.

Булбулнинг хаваси фунча-гулладур,
Гулнинг шавки бирлан юз хаёлладур,
Ҳилоланинг икки кўзи йўлладур.
Бор, Дастагул, ўзинг боги мурода.

Алкисса, андин сўнг Дастагул бибисига жавоб бериб, ул ҳам бир сўз аиди:

Ман бугун боги мурода,
Борайин десам борайин.
Юр, десангиз бу орада,
Юрайин, эмди юрайин.

Ман айтайн зикрингизни,
Кечакундуз шукрингизни,
Иккингизнинг фикрингизни,
Айтайн, эмди айтайн.

Бўл десангиз анга банда,
Хеч ихтиёр йўқдур манда,
Тургил, десангиз хизматда,
Турайин, эмди турайин.

Ман хизматинда субхи шом,
Кўл ковшириб адаб икром,
Юр, десангиз манго мудом,
Юрайин, эмди юрайин.

Бу сўзимда йўқ килу кол,
Анда бордур юз минг хаёл,
Сўрасангиз андин ахвол,
Сўрайин, эмди сўрайин.

Дастагул дер: аё хоним,
Хеч гам ема меҳрибоним,
Бер десангиз анга жоним,
Берайин, эмди берайин.

Алкисса, андин сўнг, Дастагул боги мурода бориб, Фариднинг ёнида турди, эрса Фариджон Дастагулга караб жавоб бериб, бир сўз айди:

Сан айла манго изхор,
Бу ера ничик келдинг?
Айтгил сўзинг эй ночор,
Бу ера ничик келдинг?

Сан бекора келмассан,
Хеч кимдин уялмассан,
Изхор эта билмассан,
Бу жоя ничик келдинг?

Бир ўта тутащдингму,
Ёй ўлдан адашдингму,
Ё ишка соташдингму,
Бу жоя ничик келдинг?

Мастонамисан билмам,
Афсонамисан билмам,
Девонамисан билмам,
Бу жоя ничик келдинг?

Отима Фарид дерлар,
Тушди манго мушкуллар,
Таъна айламант эллар,
Бу жоя ничик келдинг?

Аммо бу сўздин сўнг Дастагул хам Ғарибжонга караб бир сўз айди:

Аё дилбар, мани сўрсанг,
Сани зоринг бўлиб келдим.
Келибман эмди ўлдирсанг,
Гирифторинг бўлиб келдим.

На келмишдир хаёлингга,
Етарманни висолингта,
Сани хусни жамолингга,
Харидоринг бўлиб келдим.

Санинг йўлингда саргардон,
Қабул этсанг, аё сұятон,
Худойим айласа фармон,
Умидворинг бўлиб келдим.

Келибман бир гадодурман,
Ғариби бенаводурман,
На иш килянг ризодурман,
Хасу хоринг бўлиб келдим.

Эшит арзим, аё шохим,
Бугун бўлсанг меҳрибоним,
Кучога кирмак армоним,
Вафодоринг бўлиб келдим.

Келибдур Дастагул ночор,
Манинг сандин умидим бор,
Сўзимни айласам изхор,
Сани ёринг бўлиб келдим.

Алкисса Дастагулнинг бу сўзидин сўнг Ғариф сипогарлик билан
Дастагулга караб бир сўз айди:

Кўп сўзладинг, эй беадаб,
Кетгил. Йўлингдин колмагил.
Ўз лойиконгни киг талаб,
Кетгил, йўлингдин колмагил.

Кетгин, кўзимдин бўл йирок,
Чикма йўлимга, юр ошок,
Аввал бир ўз шаклинга бок,
Борғил, йўлингдин колмагил.

Сийнама солма деги сан,
Турсанг манинг-ла ёғисан,
Билмам кимнинг кирноғисан,
Кетгил. Йўлингдин колмагил.

Бор ўзга ерга сол сүрөк,
Шункора курдингми тузок,
Булбулга хеч етгайми зөг,
Борғил, йүлингдин көлмагил.

Мен бир Гарибу бенаво,
Дардима хеч топмай даво,
Күп сўзладинг, эй бехаё,
Борғил, йўлингдин көлмагил.

Алқисса, андин сўнг Даастагул ўз кўнглида аиди: ман бу сўзни айтмаганим яхши эрди, кўп беалаблик килдим деб, пушаймон килиб Гарибжонга караб, Даастагул яна бир сўз аиди:

Манинг бу сўзларим хатоға кетди,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.
Фойибона акли ҳушин етирди,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.

Анинг ишин бориб килсанг қушойиш,
Қушойиши килмасанг мушқул бўлар иш,
Билсанг манинг сўзим эрди азмойиш,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.

Ани билсанг паризоднинг ўзидур,
Манинг айттан сўзим унинг сўзидур,
Ани сўрсанг Одилшоҳнинг кизидур,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.

Сиза тушкин ул парининг ҳаёли,
Кўзина кўринмас дунёниг моли,
То боргунча анинг не кечар холи,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.

Сан боргунча анинг кўзи йўлдадур,
Пора-пора кўнгли юз хаёлдадур,
Харна ихтиёри Даастагулдадур,
Сизни келсин, деди Ҳилола пари.

Алқисса андин сўнг Ғарib аиди: ман бормасман. Агар борсам Шоҳсанам деган ёрим бор, ул майнан юзини ўтиради, манто тавалло қилма, деб бир сўз аиди:

Эшиттил, Даастагул, эмди манинг хам оху зорим бор,
Кеча-кундуз фирокинда на сабру на карорим бор.

Сахарлар ёд этиб йиғлар, ёқасин чок этиб ҳар дам,
Юрак-багри кабоб ўлган манинг бир ёдгорим бор.

Шох Аббоснинг кизи дерлар, эшистанг Шохсанам отлиғ,
Ман ҳам тинмай Санам дерман дилимда то мадорим бор.

Ки уч йилдуру жудолурман, кетай наилай Санамжондин,
Кетарман ул вафодори кўтармал деб хуморим бор.

Ғариб бечоранинг холин бориб айтғил Ҳилолага,
Умишин узсин ул мандин, Санам отли ниғорим бор.

Алкисса, андин сўнг Дастангул ман нега Ҳилола парини бир таъриф
килиб кўрмайин, деб Ҳилола парини таъриф килиб бир сўз айди:

Эй Ғарифон, Ҳилоланинг жамолин,
Кўрсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.
Дона-дона холлари ол ёнокда,
Кўрсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.

Булбул сайрап гул очилган боғинда,
Шаҳду шакар эрур ол ёногинда,
Сайрон этиб Ҳилоланинг богинда,
Кўрсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.

Бориб кучсанг анинг нозик белини,
Сўрсанг эди анинг шакар тилнни,
Сайрон этиб анинг тоза гулини,
Терсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.

Окил эрсанг тегма анинг юзина,
Бориб кўлинг солгил нозик бўйнича,
Ғарифоним, Ҳилоланинг кўйнича,
Кирсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.

Дастангул дер, анинг боғи бўстони,
Зарафшондир анинг кўшки айвони,
Агар бориб анинг бирла давронни,
Сурсанг, кечар эрдинг Санам ёрингдин.

Алкисса, андин сўнг Ғарифон Дастангунинг бу сўзина койиниб, бу
таърифларинг бирлан бормасман. деб бир сўз айди:

Бул таъриф бирла Дастангул,
Борманам, харгиз борманам.
Манғо бу иш лозим дейил,
Борманам, харгиз борманам.

Ҳамма бир худога банда,
Хар ким йиглар ўз диннида,
Эмди ман Бағдод элинда,
Турманам, асло турманам.

Борманам анинг богина,
Бош урманам оёгина,
Хилоланинг кучогина,
Кирманам, харгиз кирманам.

Ҳакнинг саноси дилинда,
Эрта кеч кўзим йўлинда,
Бош кўтариб бу элинда,
Юрманам, эмди юрманам.

Ғарид ошик билмас ўзин
Билса ҳам айтур ҳак сўзин
Санамдин ўзганинг кўзин
Кўрманам, эмди кўрманам.

Алқисса, андин сўнг Дастагул Ғарибжонга сиёсат этиб, гоҳ хушомад бирлан бир сўз айди:

Эй Ғарибжон, мунча сўзлар демагил,
Борганинг яхшиидур ишорат била.
Манинг бу сўзимни хазил билмагил,
Борганинг яхшиидур сиёсат била.

Боги сафо анинг манзил макони,
Тамоми зарафишон кўшки айвони,
Бўлсанг Ҳилоланинг азиз меҳмони,
Солур юз минг эшон кнёмат билла.

Холо яхши сўзлар бирла юрмасанг,
Мани ушбу сўзларима кирмасанг,
Манинг бирла бугун ҳамроҳ бормасанг,
Борурсан ничча минг аломат била.

Келарлар устинга ничча минг кизлар,
Хар кайсиси билган сўзини сўзлар,
Ўлтируллар ничча соҳиб тамизлар,
Бормайин кўймаслар ривоят била.

Алқисса, андин сўнг Ғарибжон хайрон бўлиб на чора килурини билмай бир сўз айди:

Эй Дастагул, мунча сўз дерсан,
Ман бу савдоларга туша билмадим.

Санам отли гул ёримдин айрилиб,
Үзга ёра бошим күшя билмадим.

Диёрбакирдадур күнгил мухтожим,
Моли мулким анда хам тахту тожим,
Худо тақдир этса йўқдур иложим,
Ҳакниң тақдиридин коча билмадим.

Ман Бағдод өлинда, Шоҳсанам анда,
Бошим йўлиндалур бўлсам хар қанда,
Расулга умматман, худога бандা,
Ўз феълимдин ўзим оша билмадим.

Уч йил йиглаб юриб ўғди овқатим,
Бу ўлкада кима айтай бу додим,
Илож эта билмам йўқдур канотим,
Болу парим йўқдур уча билмадим.

Манинг кўзим анинг интизоридур,
Банд айлаган зулфларининг торидур,
Шоҳсанам Фарибнинг севар ёридур,
Ўз ёримдин ўзим кеча билмадим.

Алкисса, андин сўнг Дастагул айди: эй Фарибжон, Шоҳсанам деб ани
мунча айтурсан, ани бир таъриф килгил, биз хам ёшитали, деди. Эрса Фарибжон
Шоҳсанамни таъриф килиб бир сўз айтгони, Дастагул хам Ҳилола парини
таъриф килиб иккисини савол - жавоб айтишгони бул турур:

Фаріб: Анинг васфин санго баён айласам,
Бу хусни латофат Шоҳсанамдадур.
Кайси бирин айтиб аён айласам,
Хамма яхши саодат Шоҳсанамдадур.

Дастагул: Фарибжоним, ман хам бир сўз дейяин,
Ширин-шакар сўзлар Ҳилолададур.
Ман хам санго билганимни сўзлайнин,
Турфа оху кўзлар Ҳилолададур.

Фаріб: Дастагул, ман айтсан бошлини оёгини,
Олма занахдонин, сиймин сакогин,
Гоҳи кўзин қокиб, гоҳи капогин,
Бу имо-ишорат Шоҳсанамдадур.

Дастагул: Фарибжоним, ман хам этсан ишорат,
Мунча ноз айламак санго на хожат,
Фаҳм айласак кўпда бордур шарофат.
Кўп сохиб тамизлар Ҳилолададур.

Ғариф: Дастангул, бу сўза колурсан ҳайрон,
Кеча-кундуз тилар худодин имон,
Сахарларда туриб ёд этар куръон,
Мудома тиловот Шохсанамдадур.

Дастагул: Ғарибжон, сен мунча сўзлар деярсан,
Шохсанамдин кўп ўртаниб куярсан,
Агар кўрсанг Шохсанамдин кечарсан,
Моҳитобон юзлар Ҳилолададур.

Ғариф: Эй Дастангул, савдо тушар бу сарга,
Келибдурсан ихтиёринг кетарга.
Бетахорат босмас оёгин ерга,
Озодалик мудом Шохсанамдадур.

Дастагул: Ғарибжоним, борсанг ул боғи сафо,
Кулликинга келур минг хил Ҳурлико,
Истаган созларинг ҷалурлар анда,
Юз минг азвон созлар Ҳилоладалур.

Ғариф: Дастангул, айтурсан сози сухбатинг,
Ёлғончи дунёда айшу ишратинг,
Қалбига солибдур ушбу одатинг,
Теат-ибодатлар Шохсанамдадур.

Дастагул: Ғарибжон, эшиксанг неча гўзаллар,
Ишва бирлан ошик бағрин эзарлар,
Хофизлари ўқир байту газаллар,
Яхши хуш овозлар Ҳилолададур.

Ғариф: Кеча-кундуз кўймай ўқир намозин,
Худо деб ўтказмиш киш бирла ёзин,
Эй Дастангул, хеч ким билмас овозин,
Яхши хуш кироат Шохсанамдадур.

Дастагул: Эй Ғарибжон, санго айтайн жавоб,
Тахт узра ўлтирур мисоли офтоб,
Баъзи атлас кияр, баъзиси кимхоб,
Турлук нозанинлар Ҳилолададур.

Ғариф: Эй Дастангул, кўрсанг колурсан ҳайрон,
Олтингин ясалган кўшки зарафшон,
Бир неча канизлар ёнинда кезон,
Гулниҳолдек улфат шохсанамдадур.

Дастагул: Эй Гарибжон, аннинг очилган баҳтӣ,
Тиллодин безатган тож ила таҳти,
Кӯрсангиз паризод онаси саҳти,
Оху кӯз канизлар Ҳилолададур.

Гаріб: Гаріб айтур: онсиз жонни истайин,
Энди Диёрбакир йўлин тутайин,
Худо рӯзи киля санго етайин,
Жон хамда шарофат Шоҳсанамададур.

Дастагул: Дастагул дер: борсанг-олтин кумуғлар,
Алвон-алвон, турлук-турлук емишлар,
Богинда булбуллар, ҳам тўти кушлар,
Юз минг турфа нозлар Ҳилолададур.

Алкисса, андин сўнг Дастагул кайтиб кетди, Ҳилола парининг хизматига борди. Ҳилола парини кўрса икки кўзи йўлда, Дастагулни кўрган замон сўз сўраб, савол этди, беш калима сўз айтар бўлди:

Не кетурдинг манго эй номеҳрибоним, Дастагул,
Тезроқ бергич, жаъоб сен қочажоқим, Дастагул.

Акли хушим колмади икки кўзим йўлга бокиб,
Бер хабарингни сен эй руҳи равоним, Дастагул.

Сан кетибсан ўлтирибман мунгизир йўлга бокиб,
Сан билурсан ушбу кун сирри ниҳоним, Дастагул.

Хар қачон келса манго бошим аннинг йўдиндадур,
Бизни деб келгаймикан ул меҳрибоним Дастагул.

Ман Ҳилолига Гаріб, ҳар на деса айтғил манго,
Ғойибона кўрмайин ул танда жоним Дастагул.

Алкисса андин сўнг Ҳилола пари аиди: эй, Дастагул Гарібжон санго ҳар нечук сўз айтгон бўлса манго бир-бир баён килғил, деди. Эрса Дастагул бибисига караб бир сўз аиди:

Аё жоним, бу сўзлара кулок сол,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.
Аннинг сўзинда йўқ хеч бир қилу қол,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.

Гарібжоннинг юз хаёли бор эркан,
Санам отли дил күшойи бор эркан,
Кўрдим ани анча холи бор эркан,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.

Кўйсангиз кетарман деди бош олиб,
Урар эрди сийнасиша тош олиб,
Ёри учун йиглаб кўза ёш олиб,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.

Ҳайрон колдим аниңг эътиодина,
Аввалдин ёнмишидир ишқининг ўтина,
Санам отли ёри тушиб ёдина,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.

Эшитсангиз Дастагулнинг сўзини.
Бориб кўринг, Ғарибжоннинг ўзини,
Ўпса арзир ёғининг тўзини,
Ман Ҳилола дедим, ул Санам деди.

Алқисса, андин сўнг Ҳилола пари Дастагулдин бу сўзни эшишиб, ўзи бетокат, беором бўлиб, зор-зор йиглаб Дастагулга караб бир сўз айди:

Ҳеч ким бу хизматим битказа билмас,
То ўзим бормасам ёр маконина.
Максудима мани еткара билмас,
То ўзим бормасам ёр маконина.

Бошин кўйиб ётғон турғонча бўлмас,
Турғон сёқ бирлан юрганча бўлмас,
Эшитган кўз бирлан кўрганча бўлмас,
То ўзим бормасам ёр маконина.

Яхши бирла ёмон тонгла сайланур,
Ўзин билган бу дунёдин шайланур,
Билсанг кимини кимдин боши айланур,
То ўзим бормасам ёр маконина.

Токи кон ютарман боғи сафода.
Кун-кундин ҳасратим бўлди зиёда,
Машаккатлар чекиб поин пиёда,
То ўзим бормасам ёр маконина.

Эмди мани бормай турмоғим мушкул,
Ҳилола дер ҳакқа килиб таваккал,
На илож аиласин ёлғиз Дастагул.
То ўзим бормасам ёр маконина.

Алқисса, андин сўнг Ҳилола пари кирк каниз бирла Дастагулни бош килиб, йўлга равона бўлдилар. Йўлда кирк канизнинг йигирмаси сочининг бир ёнини кўтариб, гоҳ ул йигирмаси бир тарафими кўтариб, Дастагулнинг кўлинда олтиндин бўлган соябонни Ҳилола парининг бошига тутиб, борур эрдилар.

Алкисса Фарибжоннинг бўлатурғон дарвозасига бориб турдилар. Эрса Хилола нари айди: эй Дастагул сан Фарибжондин хабар ол, деди. Эрса Дастагул Гарибнинг ёнига бориб, хизматинда туриб, бен калима сўз айттар бўлди:

Фарибжоним, эмди санинг шавнинга,,
Тўза билмас ўлғон Хилола келди.
Аввалдин ман келдим сенинг ённингға,
Тўза билсанг ўғлон, Хилола келди.

Боллар бериб шаҳду шакар тилини,
Кирк канизак олиб согу сўлини,
Алифдек комати, нозик величи,
Кучча билсанг ўғлон, Хилола келди.

Тиалло, кумуш, лаъли маржон бошинда,
Кўп шахзода қизлар анинг кошинда,
Санинг учун ёнар ўтнинг ичинда.
Тўза билсанг ўғлон, Хилола келди.

Ишеммадинг Дастагулнинг сўзина,
Кўзинг тушар анинг оху кўзина,
Гапинг бўлса айтгил эмди ўзина
Тўза билсанг ўғлон, Хилола келди.

Алкисса андин сўнг Фарибжон сўзламади. Ерга караб ўлгириди. Эрса Дастагул чишиб Хилола парига айди: эй биби тез кира кўринингшул вакт Фарибжон танҳо ўлтириб турур. Борсангиз яхши бўлур, кўп ўлтурманг, деди. Эрса Хилола нари айди: эй, Дастагул ман бежавоб борсам беадаблик бўлмасин, бориб, манинг сўзимни Фарибжонга ўзинг айтгил, деди. Эрса Дастагул хуш бўлғай, деб Фарибжонга бориб бир сўз айди: ул ҳам жавоб бериб, иккиси айтишдилар:

Дастагул: Фарибжоним, ташкарида интизор,
Чик ташкари, келди Хилола пари.
Санинг учун танда жони бекарор,
Чик ташкари, келди Хилола пари.

Фариб:
Бор Дастагул, еткур манинг сўзимни,
Ман чикманам анга қайтсин ул пари.
Санамдин ўзлагла кўзим солманам,
Ман чикманам, анга қайтсин ул пари.

Дастагул ташкари чиқиб айди:
Бориб дедим анга айтган сўзингни,
Бибижоним, айтган хар бир сўзингни.
Еткурдим ман айтган хар пайғомингни,
Бибижоним, бормам, деди Фарибинг.

Ҳилола:

Ғойибона қолдим ман оху зора,
Бир муруват килсин ман бекарора,
Тараҳхум айласин манман бечора,
Бизни кўрмак учун чиксин Ғарибим.

Дастагул:

Ғарифжон, бир гули раъно келибдур,
Эшкинга комати зебо келибдур,
Сани деб ошики шайдо келибдур,
Чикиб кўрсинг, деди Ҳилола пари.

Ғариф:

Мани деб бўлмасин ошики шайдо,
Бу бекарорликда анга на пайдо,
Бу орада хожат бермас тавалло,
Ман анга чикманам, кетсин ул пари.

Дастагул:

Аё жоним, хизматингда югурдим,
Кайта-кайта анинг ёнина бордим,
Санинг учун оғина бош урдим,
Қайтаверсин, бормам, деди Ғарифинг.

Ҳилола:

Эшигина зори гирён келибман,
Тилим лолу аклим хайрон келибман,
Интизорман багри бирён келибман,
Бизни кўрмак учун чиксин Ғарифим.

Дастагул:- Ғарифжоним, харидоринг келибдур.

Кўзи йўлда интизоринг келибдур,
То ўлгунча умидворинг келибдур,
Чик ташкари, келди Ҳилола пари.

Ғарифжон: Эй Дастанул, кўп сўзламак на хожат,
Ғофил эрсанг, сўзинг эрур ишорат,
Бу ишнинг охири бўлур кабоҳат,
Ман чикманам, эмди қайтсин ул пари.

Дастагул:

Эй бибижон, мундин умид узарсан,
Иложинг йўқ бу ўтлара тўзарсан,

Келур деб номани мунча ёзарсан,
Кайтаберсинг чикмам, деди Ғарибинг.

Хилола:

Хилола дер, чикмас бўлса бу замон,
Бу ишнинг охири бўлур пушаймои,
Астағфор айларам бўлмасин туғён,
Бизни кўрмак учун чиксин, Ғарибим.

Дастагул:

Дастагул дер: Ғариб, бормасанг бўлмас,
Чикиб анинг юзин кўрмасанг бўлмас,
Худойим хохласа кўрмасанг бўлмас,
Чикиб кўрсин, деди Хилола пари.

Ғариф:

Ғариф айтур, худо қиласа фармони,
Йўқ турур бандада зарра армони,
Ўлтирмасанг мунда соат замони,
Ман чикманам кетсин, кайтиб ул пари.

Алкисса. Хилола пари Ғарифонга шунингдек зорлик килди, асло бўлмади, бир сўздин бошкани айтмади, эрса Хилола пари кирқ канизи бирлан сөғу сўлинда, ўзи ериндин туриб, Ғарифон келмаса биз борамиз деб, саллона-салтона, мастона-мастона оёқ босганинда юз минг ёна бурилиб, кирқ канизининг срасинда сарвлай товланиб, мисоли юлдузлар орасинда ой турғандек борур эрди. Эрса Ғарифонни кўргач, товланиб, кўзларини сузиб, юз минг турлук ишва-ноз бирлан Ғарифоннинг ёнина, одобу икром бирла бориб туриб, беихтиёр бўлиб, бугун хар на десам, айб этма, Ғарифон деб бир сўз айдилар:

Мани оху афғонимни,
Куйдириб устихонимни,
Бу жисми нотавонимни,
Ўтларға соглансанмисан?

Келибсан шахри Бағдода,
Етарсан максад -мурода,
Эшитдим сизни шахзода,
Ул шоҳи жаҳон санмисан?

Сани дерлар манго ошик,
Ман бўлайнин санго маъшуку,
Кошинг ёйдур, киприкинг ўқ,
Ғамзаси пайкон санмисан?

Манинг ўтим таскин ўлса,
Душманларим ғамгин ўлса,

Худо биза рўзи килса,
Сохиби даvron санмисан?

Кўрсангиз булбул тозани,
Кезсангиз боти сафони,
Хилола пари меҳмони,
Бўлған Ғарибжон санмисан?

Алқисса, бу сўзларни айтғондин сўнг Ғарибжоннинг ёри Шоҳсанам киз ёдига тушив бир сўз айди:

Уч йил ўлди анинг учун куярман,
Яна ўтга солма, Хилола пари.
Ишқ ўтина ёниб бўлдим ҳокистар,
Яна ўтга солма, Хилола пари.

Санамдин ўзгага тушмасин кўзим,
То танда жоним бор бир эрур сўзим,
Ҳар кишига саргаймасин гул юзим,
Яна ўтга солма, Хилола пари.

Йикилмишам, тутмагизлар кўлимни,
Адашмишам, кўрсатмаглар йўлимни,
Хижрон ели совурмишадир кулимини,
Яна ўтга солма, Хилола пари.

Сийнам узра дөглар кўйганим етар,
Уч йил бўлди жондан тўйганим етар,
Санамнинг дардидин кўйганим етар.
Яна ўтга солма, Хилола пари.

Фалакнинг гардиши манго бокмайин,
Ғариб айтур ўз жонима бокмайин,
Санамнинг оташи мандин чикмайин,
Яна ўтга солма, Хилола пари.

Алқисса, андин сўнг Хилола пари Ғарибжонга караб, кўнгил бериб, бир сўз айди:

Ғарибжоним, зам емагиз,
Санам ёринг ман бўлайин.
Ани кўйиб, мани дегил,
Санам ёринг ман бўлайин.

Шоҳсанам Диёрбакирда,
Анинг учун колма дарда,
Ўлгунча бўлсак бир ерда,
Санам ёринг ман бўлайин.

Ғарифжон, күйгил кўп сўзни,
Кабул айланг, эмди бизни,
Ман хам бир подшонинг кизи,
Санам ёринг ман бўлайин.

Шоду хуррам ўйнаб-кулай,
Қўлимни бўйнингға солай,
Ҳилола дер: Санам бўлай,
Севар ёринг ман бўлайин.

Алкисса, андин сўнг Гариф Ҳилолага караб, санингдек юз паризод бўлса
хам Шоҳсанам бўла олмас, деб бир сўз айди:

Кўп сўзладинг аклинг чошиб,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?
Магар келибсан адашиб,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?

Бир ёшинда юз кўрицимин,
Тенг ўлтириб, тенг туришмин,
Икки ёшда ховорлашмин,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?

Уч ёшинда ўйнаб кулмай,
Бир- бирорга кўшилишмай,
Тўрт ёшда кувалашмай,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?

Беш ёшинда кўл солишмай,
Лаблариннан бўса олмай,
Олти ёшда кўшилишмай,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?

Етти ёшда бояг кезмаган,
Бир мактабда хат ёзмаган,
Гарндин умид узмаган,
Сандин Шоҳсанам бўлурму?

Алкисса, андин сўнг Ҳилола парига сандин Шоҳсанам бўлурми дегани
каттиқ келиб, Ҳилола пари Ғарифжонга ёлвориб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Бағдод ўлкасинда лаврон сурали,
Ғарифжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.
Жон борича ўйнаб- кулиб юрали,
Ғарифжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Бу дунёда санго мол керак бўлса,
Юзда дона-дона хол керак бўлса,

Лабда шаҳду шакар бол керак бўлса,
Ғарибжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Мунда санго боғи бўстон керакса,
Манинг каби чашми маston керакса,
Тиљло кўшикли касри айвон керакса,
Ғарибжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Санго бўлсин манинг жоним тасаддуқ,
Азиз жисмим нотавоним тасаддуқ,
Моли мулким хону моним тасаддуқ,
Ғарибжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Диёrbакир борсанг расво бўлурсан,
Мунда юрсанг жоним ўйнаб кулурсан,,
Багдод ўлкасина подшо бўлурсан,
Ғарибжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Тоза боғим сан гулзори бўлурсан,
Барчанинг дардина даво бўлурсан,
Хилола парининг ёри бўлурсан,
Ғарибжоним, Шоҳсанамдин кеч эмди.

Алкисса, андин сўнг Хилола парининг бу сўзина Ғарибжоннинг каҳри
келиб, Хилола парига караб бир сўз айди:

Танимда жоним боринча,
Шоҳсанамдин кечарманму?
Бошим ўйлинда ўлинча,
Севар ёрдин кечарманму?

То азроил келмагунча,
Танимдин жон олмагунча,
Жасал бекор бўлмагунча,
Гул Санамдин кечарманму?

Гул юзларим сўлмагунча,
Лахад ичра солмагунча,
Кўзимга хок тўлмагунча,
Шу дилдордин кечарманму?

Кишлан уриб оёғима,
Ўртаниб дард ила ғама,
Сани олиб кучогима,
Шоҳсанамдин кечарманму?

Ғарид ошик ёниб-куйиб,
Сийнасина доғлар кўйиб,

Сендең бекасын севиб,
Шохсанамдин кечармаму?

Алкисса, андин сүңг Гарифнинг айтған сүзиға Хилола парининг қаҳри келиб, Гарифжонға беш юз камчи уриб, ўлимга буюрди, Дастанғул гунохини тилади. Аммо Гариф ўзидин кетди. Күп замондин сүңг ўзина келиб, кўзини очиб, Дастанғулни кўриб, эмли хўсторим сансан, деб бир сўз айди:

Бу ўлкада, эй Дастанғул,
Ман ўлганда сан йиглағил.
Бўлди манинг холим мушкул,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Бошимнинг устинага келтил,
Қўлингни бўйнимга солғил,
Қиёматлик опам бўлнил,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Агар етса манго казо,
Бечора деб килғил даво,
Ҳеч ким тутмас манго азо,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Бу дунёдин бўлсам хато,
Манинг рухим бўлур гадо,
Йўқтур манда ота-она,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Манинг учун ёниб-куйиб,
Бир бечора бекас дейиб,
Ҳар замон сочингни ёйиб,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Сўлса гар умримнинг тули,
Манго етса хазон ели,
Йўқдур манда опа-сингил,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Бу ўлкада ёлгиз бошим,
Ҳеч ким олмас дегра-дошим,
Йўқ манинг кавму қардошим,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Мани ўлдирса ул золим,
Гарифман, на кечар холим,

Йўқдур манинг Гулжамолим,
Ман ўлганда сан йиглағил.

Алкисса, андин сўнс Ғарібжон Дастагулга бу сўзларни айтгандин сўнг, Дастагул айди: эй, бибијон, Ғарібжона мунчалли азоб берманг, деди. Эрса Ҳилола пари айди: эй Ғаріб, манинг бирла бўлмасанг, сани ўлдирурман, деди. Эрса Ғаріб айди: Мани ўлдирсанг ҳам сани кабул қиласмсан, деди. Эрса яна Ҳилола парининг қаҳри келиб, канизларина буюриб, ёғларидин судраб ура бердилар. Эрса Ғаріб уч мартаға ўзидин кетиб, яна ўзига келди. Кўзини очиб караса, Ҳилола парининг кўзлари жалладнинг кўзларидек кизарип турур. Шул вақтда Ғаріб бечора кўркканидин Ҳилола парига караб бир сўз айди:

Кошинг меҳроби урди жона чопди,
Кўзинг коғирмудир имона чопди.

Хатти холлингта бисмилло ёзилмиш,
Ул бориб гаровга шайтона чопди.

Кошинг шамшири етгач бир нафасда,
Совутни йиртибон қалкона чопди.

Саннинг кирпикларингнинг юз ўки бор,
Анинг ҳар қайсиси бир ёна чопди.

Бир ўти ўтибон шаҳри Яманга,
Биринси борибон Болкона чопди.

Ничча ўқинг ўтиб чўли биёбон,
Ниччаси бод ила бўстона чопди.

Жамолинг барқ уриб ерни юзина,
Юзингни шуъласи осемна чопди.

Ғаріб бечора ичмай давр сёгин,
Ушатди косаи давронга чопди.

Алкисса, андин сўнг Ҳилола парининг қаҳри андек таскин бўлиб, Ғарібжон Ҳилола парига караб бир мухаммас ўқир эрдилар:

Эй Ҳилола, дунёда ҳеч кўрмадим сендек пари,
Ман сани тушимда кўрдим, етти ёшимдин бари,
Ничча бир кўздин ўтирдим ер юзинда хўблари,
Гашт этибон сайкал урдим ер юзини бир-бири,
Ушбу дунёга келиб ҳеч кўрмадим сендек пари.

Эмди сизга айтгарам эй нозанин, сохибжамол,
Лабларинглини реза-реза тўкилур бол узра бол.,

Бу жаҳон боғида йўқдур коматингдек нағниҳол,
Юсуфи сониймудурсан тўтидек шаккар макол,
Ман бу дунёга келиб,хеч кўрмадим сендек пари.

Ганит этиб ҳарён кезиб,бир неча сахрони кезиб,
Сайр этиб бир неча тог ила дарёин кезиб,
Бир ёни Гурлан, Вазир, Урганчу Хивани кезиб,
Чоржўй ҳам Коракўл, шахри Бухорони кезиб,
Ёхти оламни кўриб ҳеч топмадим сендек пари.

Кўп вилоятни кезиб,бордим Эрону Исфахон,
Курду Гуржи斯顿ни кездим ҳам яна Мозандарон,
Ҳам юриб, Эрону Турон бордим яна Лутфижахон,
Кўрмаган ер кўймадим, ул Андикону Марғилон,
Ман бу дунёда кезиб, ҳеч топмадим сендек пари.

Чўлда Мажнундек бўлиб,саҳролара кўйдим қадам,
Борса келмас йўл ила бордим яна боги Эрам.
Бир замон шоъ ўлмадим,чеклим мудом ранжу алам,
Ростин айтсан кўлинингга сув сололмас Шоҳсанам,
Ман бу дунёга келиб,хеч кўрмадим сендек пари.

Басра шаҳрини кезиб,бордим яна Шому Шариф,
Кўп вилоятларни кездим, ничча кунлар саргариб,
Ҳам Самарканд ўлкаси Акча шаҳринда юриб,
Бир неча кун гашт этиб шахри Шабистонда туриб,
Ман бу оламға келиб,хеч кўрмадим сендек пари.

Охири кўп ўртаниб,Бағдола келдим ман: Ғариф.
Шукр этарман ушбу кун бўлдим висолингта насиб,
Эмди даврони худойим,айлагай бизга кариб,
Шукр этиб топдим нигорим бир худога ёлбориб,
Ман бу дунёга келиб,хеч кўрмадим сендек пари.

Алкисса, Ғарифжон бу сўзни айтгандин сўнг Ҳилола пари келиб
Ғарифжонни нози ишва бирлан баданидаги жароҳатлариға малҳам кўйиб,
кўгариб юрдилар. Эрса кизларнинг ҳам муроди бор эрди. Кошки Ғарифжоннинг
кўйни бизларга мусассар бўлса, биргина кучоклашиб ётсак деб орзу этар эрдилар.
Эрса Ҳилола пари боги сафога олиб боринглар, деб буњорди. Эрса канизлар боги
сафога элтилар. Ҳилола пари Ғарифжоннинг ёнинда туриб бир мухаммас ўқиди:

Ғарифжоним, кечир эмди, санго килғон жағоларни,
Санго жабру ситам айлаб,ничча килғон ҳатоларни,
Ҳатолар ўрнига килисанг биза бугун атоларни,
Гуноҳим тараҳхум килғил, манишдек бенаволарни,
Агар оқил бўлсанг ол пирни комилдин дуоларни.

Хатодин бу ишлар бу дам күпидур пушаймонлар,
Ани кўп ёдингъо солма ганиматдур бу давронлар,
Бошингдин ўргилай эмди санго қурбон бўлсин жонлар,
Кўнгилни шоду хуррам кил, яна қилема пушаймонлар,
Худойим еткуур эмди кўнгилда муддаоларни.

Худо еткурди эмди сан бугун бизга бўлиб меҳмон.
Киши меҳмонига кильмок керакдур жонини қурбон,
Ки ўйдирсанг ризодирман санинг олдингда эй жонон,
Яна хулқу малоҳат ичра сан ҳусн ахлига султон,
Кел эмди шоду хуррам кил, менингдек бенаволарни.

Манинг вайрона кўнглимни кел эмди сан иморат кил,
Ёмонлик айласа ҳар ким анго яхшилик одат кил,
Ки одам кўнглидур Каъба ани ҳардам зиёрат кил,
Худодин ҳар бало келса анго сабру каноат кил,
Кўрибмусан эшикингда менингдек бенаволарни..

Ҳилолага Ғарибжони бугун меҳмони бўлдинг сан,
Азиз жонидин ортиқ яна бир жони бўлдинг сан,
Шикаста дардини эмди бугун дармони бўлдинг сан,
Кўнгиз мулкини таҳтини сultonни бўлдинг сан,
Кўрибмусан эшикингда манингдек бенаволарни.

Алкисса, Ҳилола пари бу сўзни айтғандин сўнг Ғарибжон хам бир беш
калима сўз айтгар бўлдилар:

Ҳилола, ғам ема ҳаргиз ки сандин ўзга ёрим йўқ,
Бу фоний дунёда ҳеч ки сандин ўзга ёрим йўқ,

Санго меҳримни кўйдим сидки ихлосим била дилбар,
Ман хам билдим бу жаҳонда сандин ўзга борим йўқ.

Ҳамма қавму кардешим отамнинг ўлкаси Бағдод,
Диёрбакир ўлкасинда манинг манзил маконим йўқ.

Санго айтай аё жонон, эшиит сирри ниҳонимни,
Шоҳ Аббос илгина тушсам, ўларман ҳеч гумоним йўқ

Ғариф бечора айтибдур кўнгилда ҳарна дардини,
Ки сандин ёширур ҳаргиз манинг сирри ниҳоним йўқ.

Алкисса андин сўнг Ҳилола пари хам Ғарибжона караб бир сўз аиди:
Диёрбакир борсам, мудом деярсан,
Ғарибжоним, бу сўзингга инондим.
Гунча каби очилмайин сўларсан,
Ғарибжоним, бу сўзинга инондим.

Диёрбакирда йўқ маконим дерсан,
Кўрса тириклигим гумондир дерсан,
Ўларман хеч йўқдур гумоним дерсан,
Фарибжоним,бу сўзинга инондим..

Шоҳ Аббосдир менинг душманим дерсан,
Шоҳ Аббос хеч бермас омоним дерсан,
Мусофирилик юрти ёмондур дерсан.
Фарибжоним,бу сўзинга инондим.

Диёрбакирда йўқ хаёлим дерсан,
Борсам нечук кечар бу холим дерсан,
Онам-синглим бир дил күшойим дерсан,
Фарибжоним,бу сўзинга инондим.

Хилола дер: хуш келибсан Багдода,
Бунда кўп хурматинг бўлар зиёда,
Эмди билдим ёлғон сўз йўқ орада,
Фарибжоним,бу сўзинга инондим.

Алкисса, андин сўнг Хилола парининг кўнгли шодмон бўлиб
ўлтириди. Андин сўнг Дастагул подшоға бориб бир ғазал айтгани бу турур:

Аё шоҳим, бу сўзима кулок сол,
Булбул кўнди Хилоланинг боғина.
Минг алвон тыъ бирлан бўлубон хушхол,
Парвоз этиб кўнди гул бутогина.

Аё шоҳим, сирим баён айлайин,
Харна борим санго аён айлайин,
Эмди санго билганимни сўзлайин,
Кулок сол, бу сўзнинг бош-оёғина.

Сиз ҳам бирга томошага борсангиз,
Сайрон этиб томошани кўрсангиз,
Ё борсангиз, ё хушхабар берсангиз,
Озор этишмасин гул ялрогина.

Гул ишқидин булбул минг алвон сўзлар,
Орзу армон бирлан бир-бирин кўзлар,
Томошага чиқиб бир неча кизлар,
Сиё зулфин тўкиб ол яногина.

Худонинг тақдири то азал кунда,
Хилола, Фарибга ман ўзим бандада,
Кеч-кундуз ман анинг хизматинда,
Дастагул беш кўймиш из тупргина.

Алкисса Дастангул бу ғазални айтғандын сүңг подшох ҳам Дастангулга караб бир сүз айди:

Гарип бирла бугун Ҳилола пари,
Харна иш килсалар ижозат бердим.
Бор Дастангул, ўзинг айтгил сўзлари,
Харна иш килсалар ижозат бердим.

Аларга еткургил биздин салюми,
Ёзилгон азалда кудрат қаломи,
Олло тақдирини бузмок бўларми,
Харна иш килсалар ижозат бердим.

Мулла, муфти, бегу девон келсинлар,
Хазинадин моли дунё олсинлар,
Ҳилодани Гарифжона берсинлар,
Харна иш килсалар ижозат бердим.

Одилшоҳ дерғ, бугун бердим ижозат,
Аларга қиисинлар турли знёфат,
Ҳилола Гарифба бўлсин ҳамсухбаф,
Харна иш килсалар ижозат бердим.

Бу сўздин сўнг Дастангул Гарифжона караб, ҳам севинч ҳам рашик бирла бу сўзни айди:

Очилиди Гарифжонинг баҳти,
Муборак бўлсин тўйинг!
Солинглар тиллодин таҳти,
Муборак бўлсин тўйинг!

Жавоб бердилар отангиз,
Бугун оҳшомлур енгангиз,
Йўқдур эркан хатонгиз,
Муборак бўлсин тўйинг!

Хазина эхсон килдилар,
Душманинг йиғлаб келдилар,
Қози никоҳ килсун дедилар,
Муборак бўлсан тўйинг!

Эшитди оху зорингни,
Бер эмди йўқу борингни,
Олғил кужока ёрингни,
Муборак бўлсан тўйинг!

Үзимни қойим чоклатдинг,
Чамандин гуллар боғлатдинг,
Дастагулни кон инглатдинг,
Муборак бўлсун тўйинг!

Алкисса, бил сўз тамом бўлғондин сўнг Хилола парини Гарибжона тўй-
томуша килиб бердилар Гарибжон бирлан Хилола пари муродларига
етушди.Ҳамма Мухаммад умматини муродига еткургайсан. Ва рабби
оламин.Тамматул китоб. Ба авни маликул ваххоб ва оллоҳул бис савоб.

ОШИҚ НАЖАБ

Аммо ровиёни ахбор ва нокилони осор андоғ ривоят қивлурларким, кадим
замонда Яман вилоятинда Султоншо деган бир подшо бор эрдиким,
этармончилиг-чопармончилигда анинг олдига тушадурғон зот йўқ эри.
Кунлардин бир кун анинг элига Ганжа Қорабоғдин бир хатарли карвон келди.
Карвонлар олагини олди, сотжагини сотди. Ўз эллариға кайтиш олдиин маслаҳат
этдилар. Шунда карвонлардан бири:

-Эй кордошлар, элнинг подшосидин беруҳсат кайтмаганимиз мъқул, деди.
Анинг шериклари бу сўзни мъқуллаб, подшонинг олдига бордилар.

Алар подшонинг боргохина бориб, кўл ковуштириб, «Таксир, арзимиз бор»
деб турдилар.

-Эй меҳмонлар, не арзингиз бор?

-Таксир, юртингизга келган бир хатарли карвонмиз. Олжагимизни олдик,
сотжагимизни сотдик. Эмди руҳсат кильсангиз ўз элимизга кайтсак.

-Руҳсат олладан, кайтаберинг, деди подшо. Анда савдоғарлар айдиларки,
юртингизга келдик, кетдик, аммо юртингиздаги расм-руссумлардан бехабар
колдик. Анда подшо айди; -бизнинг элда расм-руссум кенгдан ярамаган, сиз ўз
элингиз расм-руссумларидин сўзланиг.

-Йўқ таксири, бизнинг элда ҳам расм-руссум кенг ярамаган, аммо бизда
мехмонни соз-сухбат билан узатмак кондан кирган. Биз буни сизнинг элда
кўрмадик.

Подшонинг бир баҳиси бор эри. Анга Албанд баҳши дер эрдилар. Шунда
подшо:

-Бориб Албанд баҳшини келтиринглар, деб бир отлини юбарди. Отли бориб
Албанд баҳшининг уйига кирса, баҳши бағрини совук ерга ташлаб, оҳ-воҳ чекиб
ётиди.

-Эй Албанд, подшо сени келсин, деди, анинг меҳмонларининг кўнгли соз-
сухбат кусабди, деди, хабарчи.

-Менинг подшо хизматини битирмак ёғодийм йўқ, хастаман, деди баҳши.

Эрса Албанд баҳшининг аёли жаннатий бўлиб, ўзи ёлғиз эри. Анинг касали
шул ерда эрдиким, баҳши тушида Сўна исмли аёлни кўриб, анга гойибона овик
бўлиб, муҳаббат бўясасин олиб, уйғониб туриб. лофиқаж бўлиб ўлтирур эри.
Подшонинг хабарчиси, қайтиб балар кегди. Подшо отлининг яқи келганини
кўриб:

- Албанд баҳши қани?-деб сўрар бўлди.

- Албана бағрини ерга бериб ётибдур, хаста эрмиш,- деди хабарчи.

- Сен билан икки оғиз гаплашишга ярадими?
- Яради, - деди хабарчи.
- Үндөг бүлса, ани отнинг олдига солиб олиб кел!

Подишонинг хабарчиси бил сафар баҳшининг ёнига хукм бирла кирди.

- Эй Албанд баҳши, олдимга туш, истасангда, истамасангда олиб кетарман. Албанд баҳши ноилож отнинг олдига тушди. Подшо боргохига келиб, салом берди. Подшо аиди:- Эй Албанд баҳши, не сабабдин биринчи хабарда келмай, иккинчи хабарда келдинг?

- Узр подшохим, хасталаниб эрдим.
- Хасталансанг, сенга бир кичкина хизмат бор. Уч кеча-кундуз хизматга чакирганимиз йўқ. Элига кайтажак меҳмонларға икки оғиз нома айттиб берсанг, икки ўйл соз чертиб берсанг шуни ўзи етади.

Анда Албанд баҳши: бу жаҳонгашта меҳмонлар экан . Хар ким ўзининг кичиган ерини қашийди шояд номада ўз дардимни айтсан, Сўнани дарагини сўрасам, балки меҳмонлар билар, дейиб алина созини олиб Сўнани излаб икки калима сўз айттар бўлди:

Оғалар, ётардам бирча туш кўрдим,
Ёдимдин чикмайдур оти Сўнанинг.
Ногоҳонда ани кўриб иш курдим.
Ёдимдин чикмайдур оти Сўнанинг.

Анинг бирла бирча ўтиридим, турдим,
Йиглая-йиглая тонгни отиридим,
Мен кўлимдин нозли ёрни йигирдим.
Ёдимдин чикмайдур оти Сўнанинг.

Кайдин келганини било билмадим,
Шул дилбардин хабар ола билмадим,
Богининг гулидин юла билмадим,
Ёдимдин чикмайдур оти Сўнанинг.

Дилибар бирла бода сайрон этмадим,
Кўл узатиб кўша норин тутмадим
Армон кўпдур кеча-кундуз ётмадим.
Ёлимдин чикмайдур оти Сўнанинг.

Албанд айттар, беклар сиздин сўрали,
Билобилмам, не ерлардин карали,
Савдогарсиз, ўлканлизга борали,
Ёдимдин чикмайдур оти Сўнанинг.

Албанд баҳши сўзини тамом этгандин сўнг, меҳмонлар бир-бирига бокиб, кулиб юбардилар.

- Эй меҳмонлар баҳши номаси ёқмадиму, не сабаб кулингизлар, кулишингиз сабабини тушунтиргилар,-деди подшо.

Анда меҳмонлар аиди:

- Таксир, бахшингиз ёкти. Аммо бизда ҳам подшо бор эрур. Аниң бир вазири бор эрди, якинда дунёдин ўтди. Аниң Сўна отлиғ аёлнинг боши бўш колди.

Шул аёлнинг от-овозаси барча элларга ёйинди. Шул овоза сизнинг элингизга ҳам етиб келдимакан, деб бахшингизни айттирган эрдик. Эшитдикки, Сўнанинг овозаси бу ерларга ҳам етиб келган эркан, шунга кулишдик.

Анда подшо айди:

- Эй меҳмонлар, Сўнанинг от-овозаси бизнинг элга келиб етгани йўқ. Бу бахши ул аёлга тушинда ошик бўлибдур. Магарам биз бахшимизни сизлар билан юборсек, подшонгиз шу аёлни бизнинг бахшимизга раво кўрармикан?

Анда савдогарлар айдиларки, эй таксири подшо подшодан ўтинч этса бунинг битмажак жойи бўлурмуму?

Андин сўнг подшо Албанд бахшининг йўл шайини тутдириб, илгина хат туткизиб, карвонларга кўшиб жўнатди. Албанд бахши уч кечачундуз йўл юриди. Аммо бу фурсат анга уч йил бўлиб кўринди. Анда Албанд бахши карвонларга айдики, эй дўстлар, манго бу ерларнинг доги-дузидин солиғ бериб боринг, йўкса токатим бўлмас, деди. Шул вакт карвонлардин бири:

- Эй бахши оға, мундин кетар бўлсанг олдингда бир кумлик бор, андин сўнг бир кентга дуч келурсан, сўнг яна кумлик келадур, кумликдин чиксанг бир кора бор келадур, аниң канорасида бир кора чотма пайдо бўлур, шул чотма ичинда бир кампир ўлтирур, сенинг хизматингни шул пири зан биткарур, деди. Албанд бул хабарни эшлиб, якка ўзи от кўйиб жўнаб кетди. Албанд шу кетишинча, кумликдин ўтди, бир кентдин чикди. Шул кентнинг канорасида бир йигитга дуч келди.

- Эй ўглон, бу кентнинг отига не деярлар? - деб сўради.

- Оға, бу кент Табриздур, деди, йигит.

Албанд Табризнинг ичи бирла от суриб кетиб, қибли тарафда бир сафоли жойнинг олдидин чикди. Ўзида чой-чилим килиш истаги пайдо бўлди. Қопу оллида туриб:

- Сохиби чорбог борми? - деб сўради.

Шул вактда эшикда бир ўглон пайдо бўлиб айтдики, эй оға, санго не хизмат даркор?

- Мен бир мусофири, бир чой-чилим берсанг не бўлди?

Бул масканда хонлар, бейлар авлодидин бўлмиш тўра, герчак йигитлар ов-овлаб, күш-күшлаб бўлиб, базмда ўлтурган эрдилар. Хизматкор йигит кириб келгандин сўнг, ундан дошда бўлган сухбат маъносини сўрадилар.

Чорбог сохиби айтдики, оркасида дуторли, тагида йўрга отли бир мусофири чой-чилим сўраб турур.

- Магарам оркасида дутор бўлса, маърака кўриб юрган йигиттир, мират эттил, бул ерга кириб чой-чилим ки клуб кетсин, деди йигитлар.

Чорбог сохиби дошга чикиб, Албандни уйга чакирганда, миратга зор бўлиб турган зот отдин тушиб, йўргани кантариб, ичонга кирди, чой-чилим бердиilar, еди-ичди.

- Орканга дуторинг бор эркан, бахшимисан, шоирмисан, ё созандамисан? - деб сўради йигитлар. Ҳар биридин бир шохобча билурман, деди Албанд бахши.

- Андог бўлса, бизга бир-икки нома айтиб, бир-икки кўл соз чалиб берсанг

бўлмасми, деди йигитлар. Албанд бахши:

- Аммо булар зўр йигитлар эркан, хар ким ўз дардини айтиб йиғелар, булардин хам Сўнанинг дарагини сўраб бир нома айтсан не бўлибдур, деб илгинда сози, оғизинда сўзи бирла номани бошлай берди:

Бег ўғлонлар, айтай сизга бир достон,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?
Жигалари тал-тал, кўзлари мастан,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?

Табризниң теграси йўлдур, йўлаклур,
Бул дунё деганинг чархипалакдур,
Онаси хур эрур, кизи малакдур,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?

Табризниң теграси дўланма доғлар,
Ёр-ёрдан айрижса, ох чекар, йиғлар,
Очишса лолалар, гул очса боғлар,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?

Булбуллар ох чекар, гулга етмакка,
Богбонлар ох чекар, ани тутмокка,
Табризниң богина сайд этмакка,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?

Албанд айтар, соз орқамда боғлидур,
Сийналарим сиёҳ, чапроз доғлидур,
Аслини сўрасанг Қорабоғлидур,
Табризниң беклари. Сўнам келдиму?

Албанд сўзини тамом этгандин сўнг йигитлардан бири айтдики, эй йигитлар, бизнинг хаммамиз бу ерда Сўнанинг ишикнида куюб ўлтирумиз. Бу зангар баҳшида шу куйда эркан. Бул баҳши шул сози, шул сўзи, шул фаришталиги бирла Сўнани сўзсиз олади. Бизга Сўна йўқдур. Шул вактда яна бир йигит:

- Сўнани бунга бергандин кўра, буни ўлдирсак бўлмайдурму?- деди. Шул орада Албандни савашга тушдилар. Боши борму, кўзи борму урдилар. Шул вактда Албанд ўзини ўлган одам ҳолига солиб ётаберди. Буни кўрган, йигитлар бир-бирига сўзлаб бошладилар.

- Бир бегуноҳнинг конига колдик.
- Ўзи бир баҳши йигит эркан, сендин бўлди.
- Мендан эрмас, сендин бўлди.

Бул галмагал бирла йигитлар дошға чикдилар. Икки бир, уч бир гурунглашиб бошладилар.

Энди хабарни Албанддин ол. Албанд бир вакт кўничи очса, ёнида ҳеч ким йўқ. Дутори 40 бўлак бўлиб ётибдур. Унинг ушоқларини чўплаб, халтасига солди. Бир вакт айвонга караса, оти қантариглик турублур. Аста бориб, отга миниб, бадар кетди. Буни кўрган йигитлар хам хуш ҳол бўлидилар.

Албанд шу боришда иккинчи күмликтин ҳам кечди. Бир тўқайға дуч келди. Сар этса, ўтинг кўп. Ул шу орада ўтин қалаб, елим эритиб дуторини тузатиб олди. Тозадин парда, тозадин кириш боғлади. Сўнг дуторни илгина олиб бир даст чалди, кўнгли жойига тушди. Шул ерда дуторининг баржой бўлганига ўзининг ўлумдин фориг бўлғанига шукур килиб, зор-зор, чун абри навбахор йиглаб, Сўнанинг ишқинда кайнаб-жўшиб, кўзинда ёш, бағринда тош бирла бир ғазал айди:

Орзу айлаб ёрга келиб,
Шул бўлдиму мақсад манго?
Бўйним буруб, зор йигладим,
Шул бўлдими мақсад манго?

Ўлтурдим гирён йигладим,
Кесиб жигарим доғладим,
Кетарга белим боғладим,
Шул бўлдими мақсад манго?

Ишқинг либосини кийдим,
Сиримни оламга ёйдим,
Ўз тилимдин тепки едим,
Шул бўлдими мақсад манго?

Билмадим ёрнинг хаёлин,
Ширин-шакар лабда болин,
Кўрмадим ойдай жамолин,
Шул бўлдими мақсад манго?

Бўйинг узун, қаддинг алиф,
Турма ёр, биздин уялиб,
Ошик Албанд ёрга келиб,
Шул бўлдими мақсад манго?

Албанд бахши бил аబётни тамом этгандин сўнг йўрғасига миниб, камчини босди, от ул тепадин бил тепага йўртиб, йўл сурди. Алгараз бир боғнинг кораси кўринди. Холо чотма кўринмас эрди. Албанд бахши бир бейик тепага чикиб сар солди. Караса узоқда бир кора чотма кўзга тушди. Ул от бошини шул тарафга бурди. Бориб караса, бир чотма тууртки, устига куш кўнса йинкулгудек. Албанд, эҳ тақдир эркан, деб, отдин тушиб чотмага якин келди. Отдаги хуржунни эннига олиб, чотма қопусини кокди.

Қопуни очиб, «Ассалому алайкум,» дейиб кирса чотманинг тўрида иккى тиззаси кулагидин бир карич ўтган бир кампир ўтириублур. Ул «Вааляйкум ассалом» дейиб бир кимирлаб кўйди. Караса, кирган йигитнинг орқасида дутор кўринди.

Кампир ўйладики, тўй излаб келган бахши бўлса, бил чотмага чўллаб келгандур. Аммо Албанд бир кун, икки кун эмас ўн беш кунда ҳам чотмани тарк этмади. Кампир териб келган ўтунларни ҳам ёқиб йўқ килди.

Кунлардан бир кун кампир: Эй бедавлат, бехосият бахши, менинг на кизим, на ўғлим бор. Сенинг бирла сухбат қурадиргон инсон йўк. Не бало одамсанки, хеч кетмай ётибдурсан, тур эмди бул ердин гум бўл деди.

- Эй онажоним, сен хабар сўрамадинг, мен ҳам хабаримни бермалим. Ранг кўр, хол сўр, деган накт бор, ситорамдан билиб, йўл сўрамайсанми, деди Албанд ва кўйинидин полишо бигдирив берган ҳатни кампирга чикариб берди. Кампир саводхон заифа эрди, ҳатни ўқиб кўрди.
- Эй ўғлим, момонгнинг нос пулисини тўласанг, бул хизматнингни бар жой этурман, деди кампир.
- Эй моможон, магарам шул хизматни баржой этсанг, нос пули мендин бўлсин, деди Албанд.

Шул вактда кампир бояги ҳатни олиб, подшога бориб, кўлига тутқазди. Аммо подшо айдики, эй момо, мендин рухсат, сен аввалам Сўнанинг ўзини рози кил. Андин сўнг кампир Сўнанинг хузурига ошиқди. Анинг кошига бориб, сужи тил бирла гурринг бошлади.

- Эй Сўнажон, сенинг отанг бирла отам, онанг бирла онам жихмат дўст эрдилар, деб авлод-аждоддан тимсол келтириб сўз боштайверди. Сўзининг охирида:
- Эй Сўнажон узок элдин сен учун бир йигит келибдур, ўзи яхши йигит, ўзи бахши йигит. Бул жойда якка ўтиргоннинг анга заифа бўлсанг яхши эмасму, деди.
- Эй онажон, манинг илгимда етти ойлик сув чоғам бор туур, магарам ани инжилтмаса мени розидурман.

- Сенинг етти ойлик болани тутгул, етмиш ўғлинг бўлса-да, ул йигит инжилтмай саклаяжак, деб мактаб, бул рози-ризоликни олғондин кейин кампир этаги олти, енги етти бўлиб, изина кайтди. Шул келишда Албандга бокиб:

Эй ўғлим, подшо бирла Сўнажон рози бўлдилар, суюнчимни бер, деди. Албанд ҳам кампирнинг этагина икки тилла ташлади.

- Бул оз деди кампир. Албанд яна тўрт тилло ташлади. Кампирнинг вакти хуш бўлиб айтдики, йўргангни эярлаб-юганлаб қальянинг сиртиға борабер, деб Сўнажоннинг хузурига ошиқди. Албанд «Ажаб бўлади», деб, йўргани тайёрлай берди. Кампир шул кезда Сўнанинг хузурига бориб анга етти йиллик шаробдин бир коса куйиб ичирди, тилло дузугларини тақдирли, юзига парда тортириб, Албанднинг отининг оркасига миндириди, етти ойлик Нажабжон исмли чоғани иккисининг ўртасига туттириди. Албанд отни суриб кетаберди. Йўл юриб, йўл юриб, тонг сахарда бир сарҳовуз бўйига етдилар. Эрса кўрдиларки, гуллар чаман, кумрилар дам чекиб, фоҳтаклар сайраб, булбуллар нолиш килур эрдилар, булоқлар ҳар тарафга окиб, мавж урар эрди. Шунда Албанд:

Бир файзли, сафоли маңзил эркан, олло жоним шул ерда бир дами-тинчимни олсам, деб ўй сурди. Отдин туниди, шул вактда бирдан хаёлига келдиким, олло жоним, бул шум кампир мени алдаб, Сўнанинг ўрнига бир канизакни берив юборған бўлмасин, бул аёлни ҳам бир жамолини кўриб, хотиржам бўлайин, деб, аёлни йўрганинг устидин олиб, ерга кўйди. Кампир тортган

пардаларни аининг юзидин тортиб ола бошлади. Саккиз ларданн очиб, тўқизланчи пардада Албанлинг аёлнинг юзидаги шуъладан кўзи қамашди. Карасаки, кўрмаска кўз, таърифламакка сўз керак. Юзи ўн тўрт кечалик ойга мангзаш, тогга тушган бўлак-бўлак корға мангзаш, яноклари гунчага, мамалари тунчага мангзаш, каптар тўпкли, марал юришли, ҳилол кошли, олтин сочли, марварид тишили, тўти товушили, барно, хушрўй, комати ар-ар, калди сарви санобар бир оводон кизхи, таърифини адо килиб бўлмас. Буни кўриб Албанд: - олложоним, бунинг Сўна эканлиги рост бўлди. Магарам рози бўлса, бундин бир бўса тилайнин рози бўлмаса кистамайин деб, илгинда сози, тилинда сўзи, Сўнада икки кўзи, сўзлациб ўзи бирла ўзи бир газал айдиким, кўр, бок, не деди:

Кел парим, кетайлик гулшан сайлина,
Булбул уркицмасин, гул инжилмасин.
Ўтса бодисабо зулфинг майлина,
Бир мўй айрилмасин, тал инжилмасин.

Юрсанг завқ олади шамс ила камар,
Зулфинга сепилмиш мушк ила анбар,
Каддинга ярашар мурассаъ камар,
Белга боғлаганда бел инжилмасин.

Кучоклашиб қўл солишиб кетмадим,
Ракибларнинг таъна сўзин этмадим,
Армон йўқдир кеча-кундуз ётмадим,
Адаб бирлан узат қўл инжилмасин.

Боғингда битгандир меванинг бори,
Бол бўлур терарлар олма-анори,
Истасанг топарсан севгили ёри,
Кадам босиб келсанг йўл инжилмасин.

Албандинг кўйингдин топиб хавоё,
Юзингни ўшатдим күёша оё,
Лабингдин бўса бер, мен бенавоё,
Дудоқ дарпаннимасин, дил инжилмасин.

Албанд бу газални айтганидин сўнг, Сўнанинг юзидаги пардаларни жой-жойига кўюб, отга мингузиб, ўз элининг канорига етди. Подшога суюнчилаб одам юборди. Нодишо олдин борганга от, кейин борганга тўн кийдирди. Кирк кеча-кундуз тўй этиб, Албанд бирла Сўнани бир-бирига кўвширди. Йиккисини бир ок уйга кўйди, Булар мурод-максадина етдилар.

Эмди хабарни етти ойликда келган Нажаб ўғлондин эшитинг. Орадин бир неча муддат кечди, етти ойлик Нажаб етти ёшга кирди. Ани муяллога бердилар. Аммо бул боланинг мактабга ихлоси бўлмади. Сабекни ташлаб қочиб кела берди. Шунда Албанд:

- Эй бедавлат ўғлон, мен сени мактабга бериб, фарзимни совдим, эмди сен

йўрганинг емини бериб, покизалаб, бокиб юрабер, ўғлим лейиб, ўзи бир юмуш бирла бадар кетди.

- Ажаб бўлар ота, дейиб Нажаб отга қарамай оцик ўйнали, чуллик ўйнади, ётиб ухлади, эрта туриб яна ўйинға машғул бўлди.

Аммо Албанд кайтиб келса, йўрга оч, ўлар ҳолатда, Нажаб ўйин билан машғул. Албанд бул ахволни кўриб:

- Эй Нажабжон бари кел, мен кетганзин сўнг йўргага ўт-ем бердингми, деб сўради.

- Эй ота, мен қачон йўрга боккан эдим, шу кетганингиздин бери туриши туриш, деди Нажаб.

- Эй бедавлат ўғлон, сен менинг белимдин дўраган фарзанд бўлсанг бундай килмас эрдинг, деб Албанд Нажабнинг ҳар юзига бир шапалоқ уран. Нажабнинг кўзидин ўт чиқди. Ул ўғлон онасининг ёнига йиғлаб борди. Онасига караб:

- Эй она, шу баҳши менинг чин отамдурму, ё ёғонму, деди.

- Магарам чин отанг бўлса, сени шундай ахволга солур эрдиму, деди онаси.

- Эй онажон, менинг чин отам кимдур?

- Сенинг чин отанг Ганжа Корабогда вазир эди, ул киши бокий дунёга рихлат килди. Бу баҳши худо тақдири бизни бул элга олиб қайтди.

- Эй онажон мен ёш бўлсан-да ёши улуғлардин эшитдимки, шул томонларда Ошик Ойдин пир бор эрмиш, ул пирга ким етти йил хизмат этса, муроди хосил бўлар эрмиш, Мен ҳам шул зотга хизмат этиб баҳши бўлиб келиб, бул баҳши бирла айтишиб енгиг боримни олсам.

- Эй ўғлим бул одам подишонинг баҳхиси. Ани енгиб бўлмас.

- Эй онажон ани кўп мақтама, ани ҳар иш кийса бўлар.

Бул савол-жавобдин кейин Сўнажон билдики, фарзандининг аҳди бейик. Ноилож ўғли бирла қальъанинг канорига чиқди. Шул замон қальъадин бир тўпор карвон чиқди.

Сўнажон аларга юзланиб:

- Эй карвонлар, нера йўл тутдингиз, деб сўради.

- Ганжа Корабога.

- Шул элга борарда менинг ўғлимни Ошик Ойдин пирга топшириб ўтсангиз, деб ўтинг этжак эрдим.

- Чўх яхши, биз ҳам пирдин дуо олиб кетишни максад килганимиз, ўғлингни тяяға миндир, деди карвонбоши. Нажаб бир бўйчиб тяяға минди, карвон жўнаб кетди. Бир неча кунлар йўл юриб, карвонлар Ошик Ойдин пирнинг саройига тушдилар. Карвон Ошик Ойдин пирга аталған назр-ниёзни ўртага кўйдилар. Сўнг:

- Эй пирим, сизга бир хизматкор ўғлон ҳам олиб келдик, дедилар. Ошик Ойдин:

- Боринг олиб келинг, мен бир кўрайин, деди. Карвонлар Нажабни пирнинг олдига келтирдилар. Пир айдики, Эй ўғлон, на ихлос бирла хузуримға келдинг?

- Эй пирим, ихлосим баҳши бўлмоклик!

- Ундан бўлса, ошхонага бориб шул ердаги ўғлонларга қўшил. Улар не иш этса, сен ҳам шуни кил.

Алгараз, Нажаб Ошик Ойдин пирнинг хизматида бўлиб юраберди. Ойдан ой, кундан кун кечди. Ҳар куни саҳрорин ўгин келтириб ташлаш анинг корига айланди. Кунлардин бир кун Нажаб:

- Олложоним, ҳар кун иссиқ таомға кеч қолиб келаман, бугун эрта туриб кетсан,

таомга етиб келсам, дейиб, эрта ишга чиқиб кетди. Бир орка ўтинни күтариб, кайтаётиб, караса олдидин бир тепалик чиқди. Шул жойда сал дамимни олайн, деб ўлтириди. Ўлтуриб ўйланса, келганига етти йил бўлибди.

-Олло жоним, мен онамнинг розилигисиз келган эрдим, деб, хўрлиги келиб, ўнчаб бошилади, кўзини уйку босиб, ўркила, туш кўрди. Тушнада 40 эранназар ўнн ўраб олдилар. Аларнинг хар бири Нажабга бир коса шароб бердилар. Ошик Ойдин пир хам алар бирла келиб, бир коса шароб берди. Шул тарика 40 коса шароб бўлди. Нажаб кўзини очса пир хам йўқ, зоти шарифлар ҳам. Шул фурсатда Нажаб соғ илгининг тирногиға сар солса, анда арши курси, ўн саккиз минг олам жило бериб туур эрди. Нажаб ўғлон ўтинни оркалашиб йўнай берди. Ани келтириб ошхонанинг тўрина гурсиллатиб отиб, пирнинг хузуриға ошикли:

-Эй пирим, товшанинг тугилган тепаси Миср деганлар, рухсат килсанг элимга кайтсан, деди.

-Эй ўғлим, етти йил хизмат этдинг, яна етти йил соз ўргатурман, андин сўнг рухсат берурман.

-Эй пирим, айтимни ҳам, созни ҳам ўзим билурман, манго дак рухсатинг керак.

-Эй ўғлим, мағарам айтим бирла созни ўзинг билсанг, пиринг санго бир неча савол берур, сен шуларга жавоб берурсан, шунда рухсат бўлур. бўлмаса рухсат йўк.

-Пирим, саволингни беравер.

Шул замони Ошик Ойдин Нажибдин савол сўрар бўлди, бок кўр, ўғлон не деб жавоб берди эркан:

Ошик Ойдин:

Ул не тогдур, кори кетмас, эrimas,
Не дарёдур, тўлар-тошар, юrimas,
Не зотдир ул, ўлmas-йитмас, каримас,
Не карвондур, минмай хатар этар хей?

Нажаб:

Коф тогидур, кори кетмас эrimas,
Кўнгил дарё, тўлар-тошар, юrimas,
Ҳакнинг ўзи ўлmas-йитмас, каримас,
Жон бир карвон, минмай хатар этар хей.

Ошик Ойдин:

Ул недурким, ҳусни сафо чўх ўлур,
Ул недурким, кун чиқкан сўнг йўқ ўлур,
Ул недурким, отилмайин ўқ ўлур.
Не камондур, кўл тегмайин дўлар хей?

Нажаб:

Малойиклар ҳусни ул сафо чўх ўлур,
Кун чиқкан сўнг юлдузлар йўқ ўлур.
Ўл киприкдур, отилмайин ўқ ўлур,
Қош бир камон, кўл тегмайин дўлар хей.

Ошиқ Ойдин:

Ул недурким, ер юзинда окмишдур,
Ул недурким, ердин күкка бокмишдур,
Ул недурким марди майдон чикмишдур,
Ул недурким палла-палла энар хей?

Нажаб:

Ул сув бўлар ер юзиндин окмишдур,
Ул ўғлондур ердин кўкка бокмишдур,
Йигитликдур марди майдон чиқмишлур,
Карилликдур палла-палла энар хей.

Ошиқ Ойдин:

Ошиқ Ойдин, нелар кезар ҳавода,
Кимнинг отин ўқимишлар дуода,
Ул не күшдур макон тутмас бу тоғда,
Не сайёддур анга илгин булар хей?

Нажаб:

Нажаб айтур, кўнгил кезар ҳавода,
Ҳакнинг минг бир оти бордур дуода,
Жон бир күшдур макон тутмас бу тоғда,
Ажал-сайёд, анга илгин булар хей.

Устоз шогирдининг савол-жавоби охиб бўлди. Шунда Ошиқ Ойдин:

-Эй ўглим, бул жавобингдин жавоб бўймас, негаким, буни ошхонадаги бари шогирдлар билур. Сен ҳам алардин ўрганибдурсан. Пиринг санго яна бир савол берур, магарам анго жавоб берсанг рухсат бўлур, билакс рухсаг йўқдур, деди. Анда Нажаб айдики, пирим не саволинг бўлса, сўрайбер, жавоб берурман.

Шул вактда Ошиқ Ойдин пир қайталаф саволга тутди, Нажаб жавоб берди. Кўр, бок, не савол-жавоб эркандур:

Ошиқ Ойдин:

Ул недурким, икки бошли,
Пораси бор, чораси йўқ?
Ул недурким, беш юз йиллик,
Манзили бор, ораси йўқ?

Нажаб:

Дунё эрур икки бошли,
Пораси бор, чораси йўқ.
Ер бирлан кўк беш юз йиллик,
Манзили бор, ораси йўқ.

Ошиқ Ойдин:

Ул не мажлисидур ароқсиз,
Ул не мавсумдур ўроқсиз,
Ул не китобдур вараксиз,
Қалами бор кораси йўқ?

Нажаб:

Ҳакнинг мажлиси ароқсиз,

Ажал мавсуми ўроксиз,
Жаброил ўзи вараксиз,
Калами бор, кораси йўқ.

Ошиқ Ойдин:

Ул недур бирга битишган,
Бири-биридин ўтишган,
Ул недур ризки етишган,
Учмокка мадораси йўқ?

Нажаб:

Ой-кундур бирга битишган,
Бири-биридин ўтишган,
Симругнинг ризки етишган,
Учмокка мадораси йўқ.

Ошиқ Ойдин:

Ул недурки кетар ўтар,
Тоги тошни ялар ўтар,
Ул надурким тилар ўтар,
Кони оқмас, яроси йўқ?

Нажаб:

Ул булатдур келар ўтар,
Тоги тошни ялар ўтар,
Ёмон сўздур тилар ўтар,
Кони оқмас, яроси йўқ.

Ошиқ Ойдин:

Ошиқ Ойдин бўлса хожи,
Ул не емиш, бўлмас ожи,
Ул недурким, бор иложи,
Ул надурким чораси йўқ?

Нажаб:

Нажаб айтур, бўлмам хожи,
Жон емиши бўлмас ожи,
Барча ишнинг бор иложи,
Шум ўлимнинг чораси йўқ.

Савол-жавоб охирлади. Ошиқ Ойдин пир айдики, ўглим, сенинг баҳшичиликка ихлосинг бейик эркан, хакикий гўянда баҳши бўлиб қолибсан.

Рухсат бермаса не бўлур, деб кўркиб ўлтирган Нажаб, устозининг «Бахши бўлиб қолибсан» деган сўзини эшишиб, рухсат ҳам сўрамасдан ўз элина караб ўқчани кўтарди. Бир манзил юриб, ўйланаб караса, гуноҳ иш этибдур. Буни шиглаб, изига қайтиб, устози кошига келди.

-Пирим, мени авф килгил, гуноҳ иш этдим, рухсатсиз балар кетдим, деди.

-Сени гунохингдин ўтдим, деди устози.

-Ол менинг гунохимдин ўтган бўлсанг, пирим манго осмондин эниб тушган кора дуторингни армугон этсанг, деб сўради.

-Ўглим, осмондин эниб тушган дутор четдаги хужранинг буржинда турубдур. Ани олиб келғил, кириши созми, пардалари жойиндами, мен бир

күрайин.

Нажаб икки оёғини қўлига олиб, хўжра тамон чопди, югуриб-йўртиб алҳол дуторни олиб устозининг илгига кўйди. Ошик Ойдин пир дуторни кўриб:

-Дутор соз эркан, эмди бу дутор сеңики бўлди, ўзингни дуторингда ўзинга икки калима насиҳатли нома кайираин, деди. Кўр, бок не нома кайрган эркан:

Сен борған сўнг шоҳ истамас Албандни,

Пандим будур: тақаббурлик айлама.

Тақаббурлик ғўч йигитни хор этар,

Пандим будур: тақаббурлик айлама.

Мундин борса ўз шоҳингнинг кошини,

Олтин жигасин санчар бошинга,

Ўзингдин каттага тенгу тушинга.

Пандим будур: тақаббурлик айлама.

Замона шундайдур: кечар замона,

Эмди сени ҳақ сакласин омона,

Ўзингдин файриға, яхши-ёмона,

Пандим будур: тақаббурлик айлама.

Ошик Ойдин айтур, маърифат шулдув,

Шариат, тарикат энг тўғри йўлдур,

Мендин санго сўнгги насиҳат булдур,

Пандим будур: тақаббурлик айлама.

Ошик Ойдин сўзини тамом этгандин сўнг Нажабға караб:

-Йўлинг ок, вактияг чок бўлсин, борған ерингда юрт олурсан, леб ок фотиха берди.

Эрса Нажабжон йўлға равона бўлиб, жўнайверди. Юра-юра бир кеңгнинг канорига чиқди. Шуул фурсат анинг олдицин бир сазач ун олиб, бир чўри чиқди. Нажабга бокиб:

-Эй Нажабжон, тўхтаб тур, деди.

-Хабарингни бер, чўри, - деди Нажаб.

-Хабаримни берсам, шу илгимдаги унни олиб кет, йўл озиқ керак бўлур, керакли тошнинг оғроми йўқ, деганлар. Нажабға бу таклиф маъқул туриб, уннин олди, орқасига отди. Яна бир неча кун йўл тортид. Изидин бир хатарли карвон етди. Нажаб салом берди, алар алил олдилар. Шунда Нажаб айди:

-Эй оғалар, мен пиёда келурман, бир фурсат туюнгизга миндириб, хорғинчилигимни чиқарсангиз не бўлур?

-Эй ўғлон бунинг иложи йўқ, тумизинг юки оғир.

-Эй оғалар, хеч бўлмаса, оркамдаги үнни олиб кетинглар.

-Юкингни олиб кетсан, очдан ўлмайсанму?

-Сизлар хар манзилда тўхтайсизларму?

-Ховва, тўхтаб ўтурмиз.

-Шул тўхтаб ўтган ерингизда, ўт ёкарсиз шу ўтга юмрукдай хамирни кўмиб

кетсангизлар мен уни олиб еб, йўлдан адашмасдан борур эрдим.

Карвонларга бу гап маъкул келди. Алар ҳар манзилда ўт ёкиб, юмруклай хамирни кўмиб, йўл тутабердинлар.

Эмди хабарни кимдин ол, Нажаб ўғлондин ол. Ул карвоннинг изини излаб ҳар манзилда кулни кавлаб, ярим пишган, ярми кўйган хамирдан ишланган нонни еб овкаттузаронлиг этиб бора берди. Алғараз бир куни бир оғачликка дуч келди. Буни кўриб, худоға шукур килди. Шу оғачликдин бир йўрга мингаи одам чиқди. Нажаб унга салом берди. Аммо йўргали саломға алик олмади. Сал юриб, оркасига сайди, Нажаб бокди, караса анинг оркасида дутор кўринди. Ичинда: бу бедавлат Ҳахши бўлмаса, бир хабар сўрайин, деб вайики, эй ўғлон бари кел, хабарингни бер: -Янги саломимни олмадинг, эмди не хабар сўрарсан?

-Эй ўғлон, не ердин келурсан?

-Ошик Ойдин пирдан.

-Пирга не максадда бординг?

-Бахши бўлмога.

-Бахши бўлдингму?

-Бахши бўлдим.

-Бахши бўлғон бўлсанг, биз Ошик Ойдиннинг аввалти шогирдлариданмиз. Сендин газол сўрасак, саволға жавоб берсанг, бахши бўлтанинг, магарам жавоб бераётимасанг бизнинг кўлимиизда етти йил хизмат этурсан.

-Эй халифам, бер саволингни?

Бул йўрга миниб келган одамнинг оти Наврўз эрканки, ул тушида 40 коса ҳаробни кўрган, бирок ича билмаган эркан. Ул шароб ича билмаганинг избабини Нажабдан сўраб савол-жавоб айтишар бўлди. Икки бахшининг йўлчида туриб савол-жавоб айтишганини бул турур. Кўр, бок, не деган эрканлар:

Наврўз:

Биздин салом бўлсин кардош Нажабга,

Қанот кокиб уча билмам, бу недур?

Слдим олиб турғон неча ёғидир,

Кўзим кўриб, коча билмам бу недур?

Нажаб:

Халифам Наврўз, пирдан рухсат олмасанг.

Қанот кокиб, асло учо билмассан.

Олдинг олиб турғон ажал-ёғидур,

Кўзинг кўриб андин коча билмассан.

Наврўз:

Не жамолдур, не шуъладур, не тобдур,

Не қальладур, бир лаҳзада ҳаробдур,

Не дарёдур, не уммондур, не обдур,

Катрасиндин ичо билмам, бу недур?

Нажаб:

Ҳакнинг жамолини кўрсанг бу тобдур,

Бир дилини инжилтсанг Каъба ҳаробдур,

Ҳакикат уммондур, тарикат обдур,

Шарнат шартидин кечча билмассан.

Наврўз:

Жабройил манзили кайси қарода,
Анинг бирла кимлар топди ирода,
Бир тилсим, бир нукат бордур орада.
Үкимишам еcho билмам, бу недур?

Нажаб:

Жаброил манзили ҳакнинг еринда,
Тўрт фаришта мукаррардур тўринда,
Уч юз олтмиш китоб пирлар алинда,
Ўкимай маъносин еcho билмассан.

Наврўз:

Ул надурки, емадилар тўйдилар,
Ул недурким, ювмадилар қўйдилар,
Ул надурким, тириклиайн сўйдилар,
Булна сирдур, очо билмам, бу недур?

Нажаб:

Малойиклар ёмай-ичмай тўйдилар,
Ул Мусони ювмадилар қўйдилар,
Насимийни тириклиайн сўйдилар,
Халифам бу сирни очо билмассан.

Наврўз:

Наврўз айтар аждархони дамима,
Ютар эрдим, чекар эрдим комима,
Бир майдирки, тўлдирдилар жомима,
Қатрасидин ичобилмам бу недур?

Нажаб:

Нафсинг аждарходур, хаёлинг хомдур,
Неча сакласанг-да билгил каломдур,
Нажабнинг ичгани кирқда бир жомдур,
То рухсат бўлмайин ичо билмассан.

Савол-жавоблар охирида. Наврўз айдикি, устозингга раҳмат, чин баҳши бўлибсан. Бул учрашувдин сўнг икки баҳши икки тарафга манзилни тай килдилар.

Эмди ҳабарни кимдин ол. Нажабдин ол. Ул неча кунлар йўл юриб, бир куни сахар чогига сарховузнинг бўйига этиб келди. Караса сафоли, файзли манзил, кумрилар дам чекиб, булбуллар чаҳ-чаҳ уруб, булоклар, ҳар тарафга оқиб турибдур. Шунда Нажаб: «Олложоним, бир соат-ярим соат дами-тинчимни олсан бўлмасму,» деб фикр этди. Ул сарховуздин сув олиб бояги пишгаи куйган ҳамирни сувға хуруш этиб емакка бошлиди. Андин сўнг Нажаб, кўнгли жўшиб, сувни пастилин юкорига отиб ўйнай бошлиди. Бир вакт караса, тонг оқариб намоз вакти бўлибдур. Ҳовузнинг кибла тарафиға караса, бир тўпор чорвалор уруғларнинг ўбаси кўринди. Шул ўбадан илгинда тунг ушлаб бир жувон сувға келаберди. Ул жувон ҳовуз бўйига келиб, кўзи бир ёлкина тушди. Бул не ёлкин деб ҳовузни айланиб-айланиб топмади. Сўнг оғочлар орасина сар солди. Шул вакт кун ҳам тиф берди. Жувон кун тукканидин бирдан эсига тушдиди, уйдаги сув олишга чикканига аича вакт бўлибди. Шунда: «Мен бир бой-блидавлат уйнинг келини

бўлсам, шунча вакт нерда эдинг, десалар, не деб жавоб берурман, деган хаёл бошидан айланни бошлади.

Алҳол сув олиб тез кетажак бўлиб, ховузнинг сув оладурган зинасига оёқ кўйгани замон бояги ёлқин оёғи остида пайдо бўлди. Жувон тунгни унинг устидин сувга ботирди. Нажаб бирдан оркасига бокди, караса гўзал бир жувон унинг генасида турубдур. Жувон бу ёш ўғлонни кўриб ўзини йўқотди, унинг ҳар юзидан бир ўпич олди. Бундин саросима бўлған Нажаб шартта еринидин турди. Жувон эрса тунгни ховузга ташлаб, йигитнинг этнига ёпишиб тураберди. Нажаб: бу не балодурки, манго ёпишиб олди, бундин не илож этиб

Кутилса бўлур, деб ўйланди. Сўнг бирдан силканиб турди, жувон ховузга бош ошоқ гумбурлаб йикилди. Бундин Нажаб кўркиб: келиб-келиб, бир бегуноҳ инсоннинг конига колдим, деб нотинчалини бошлади. Бир маҳал ховузнинг кибла тарафиндин жувоннинг гавдаси кўриниш берди. Ёз куни, юпка даройи куйлак кийган жувоннинг танасига куйлак чиппа ёшишган, коматининг баланди баланд, ўйи-ўй, касаси каса, узуни узун бўлиб, кўриниб туривдур. Жувон бундин каҳраниб, мени бул ахволга солган сенми, деб Нажабга ўзини отди, ўғлонни ховуз теварагидин етти марта айлантириди. Охири Нажаб бир тепанинг устига чиқиб тушмай ўтира берди. Шунда жувон-караб тур, хозир ўбадан уч-тўрт йигитни топиб, сени бирла хисоблашурман леб, уйига томон югуриб кетди. Аммо ичидин:

-Уйда хеч ким бўлмаса, яхши бўлур эрди, деган хаёл ўтур эрди. Уйга бориб караса ҳакикатдан хам хеч ким йўқ, барча ишга жўнаган эрди. Жувон уйга кириб, изгор киймларни чикариб, янги, тоза лиbosларни этнига кийди. Кийиниб дошига чикса уч-тўрт йигит тўрт чукалок казиб бир ўйинларни ўйнаб ўлтирулар. Илкларида кумолок. Жувон аларнинг, сўзларига кулок тутди, аммо тушунмади. Кейин кумолокларни тегиб юборди. Йигитлар айтдиларки, эй жувон, не бало далимисан, нечун бизнинг ўйинимизни бузарсан?

-Бундай ўйин бўлмас, деди жувон. Шунда йигитлар:-Ўзи сенинг дийдорингга мушток эрдик, ўз оёғинг бирла келдинг, деб анга якинлашиб, суюла бошладилар. Жувон буларнинг феъли бузилганини билиб, аларға айдики, мен сизларга бир тоза ўйин топиб келдим, деди.

-Нерда?, дедилар йигитлар.

-Анда борсангизлар бир сарховуз бор, анинг бошида бир кокили паранг йигит ўлтирибдур, шуни олиб келинг, мен уйда чой-чилим тайёрлаб ўлтируман, деди. Буни эшитган йигитлар оёғини кўлига олиб ховуз бўйига ошиқдилар. Бир вакт буларға Нажабнинг кўзи тушиб, вахм босди. Уларга караб:-Ассалому алайкум!-деб кийкирди. Улар саломни эшитганга хам ўхшамадилар. Нажаб ўйладики, булар бояги жувоннинг хўсторлари бўлса керак, мени ўлдиришга келдимиканлар. Шу вакт йигитлар келиб унинг икки кўли билан икки оёғини тутиб, олиб ўта кетдилар. Нажаб, ичида: ё худо, булардин кутилсан бир тўклини худо йўлига сўяман, деб кетаберди. Шу боришда бир ўйнинг олдига олиб бориб кўйдилар. Йигитлар сар солса оркасида сози бор. Улар айдики:

-Эй ўғлон, созандамисан, баҳшимисан, орканга созинг бор?

-Эй ўғлон, мен баҳшиман, ҳали баҳшинчиликда менинг олдимга чиккан баҳши йўқ.

-Үндай бўлса ол созингни:

-Ажаб бўлгай, огалар, деб Нажаб пири берган дуторни созлаб, чалмага бошлади. Эмди хабарни кимдин ол, беяги жувондин ол. Аннинг 20-30 тенгдоши чикконлари бор эрди. Нажабнинг созини эшитиб бари йигилди. Алар:

-Шу йигитнинг соз чалиб туришини кўрсак кўнглимиз бир пахса ўсар, деб теварагини олиб караб турабердилар. Нажаб бир вакт қараса бири-биридин сулув 30-40 киз бокиб турибди, улардан сал баландда бояги гўзал жувон хам бор. Нажаб уни бир сар солғонда таниб оғзи. Бу ахволдин кўнглич жўшиб, ошиб-тошиб, шу жувонга баҳшида этиб, алинида сози, оғзинда сўзи, сувга йинилган жувонга қараб бир абёт ўкиди, кўр, бок, не деди:

Аввал бошда мажлисингда тутилдим,
Сўзла нозли жувон, кимнинг ёрисан?
Ўлдиражаклар бўлдинг, кочдим-кутиядим,
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?

Томоша айладинг менинг ўйинима,
Адаб-икром бирла келдинг ёнима,
Камар янглиғ зулфинг солдигенг бўйинима,
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?

Кўзларинг жаллодур, кипригинг наштар,
Билмам шу насибам не ерга тортар,
Сени кўргач дардим кун-кундин ортар,
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?

Таърифинг айтайн ёхти жаҳонда,
Овозинг тушгандур Балх-Бадаҳшона,
Сенинглай пари йўқ Рум Исфаҳонда,
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?
Мен хуморман сени ола кўзинга,
Ўн тўрт кунлик ойдин тиник юзинга,
Курбон ўлам, оёғингнинг тўзина.
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?

Биз хам ошик бўлдик шу жаллоид кўза,
Ҳакиқий ошиқлар жабринга дўза,
Нажаб сен сўзласанг ўз сўзинг сўзла,
Сўзла, нозли жувон, кимнинг ёрисан?

Нажаб сўзини охирлади. Бояги келин ичинда севинса-да, дошидин ер ёрилса ерга киргудай бўлди. Ичиди айдики, бу баҳши кўрликисиз зот эркан шунча одамнинг ичинда «Кимнинг ёрисан» деган сўрокка бало борму? Жувон уялиб, ерга ўтириди, кизларнинг панасида колди. Нажаб эрса яна авжга минди.- Саринга дўнайин, аввалин туришинг яхши эрди, не юз дўндардинг, деб яна иккى оғиз газал бошлади, эшит не деди:

Күлөк солғил, нозли дилбар,
Жоним олди жаллод күзлар.
Кел лабингдин бир бўса бер,
Жоним олди жаллод күзлар.

Билобилмадим ҳайингни,
Ўзим ўтказай тўйингни,
Кўрсатгил чинор бўйингни,
Жоним олди жаллод күзлар.

Сенинг бирла бокка кирсан,
Чаман боғлаб, гуллар терсан,
Кўл солишиб бирга юрсан,
Жоним олди жаллод күзлар.

Сар ҳовуз бўйида кўрдим,
Кувлашда кочиб юрдим,
Нега эмди юзинг бурдинг,
Жоним олди жаллод кўзлар.

Сар ҳонузда тунгинг қолди,
Икки кўзинг жоним олди,
Юзинг қаймок, лабинг болди,
Жоним олди жаллод кўзлар.

Биздин юзингни дўндардинг,
Хижрон ўқидин қондирдинг,
Ошиқ Нажабни ёндиридинг,
Жоним олди жаллод кўзлар.

Нажабнинг бу сўзларидин жувон не киласин билмади. Аммо Нажаб уни сридин тургизиш учун хушомадни яна бир пахса ошириди, уни таърифлашга тушиди.

Кани не деди:

Эронда, Туранда ажам элинда,
Кўрмадим сенингдай ободон жувон,
Хўблар орасинда, жаннат гулинда,
Кўрмадим сенингдай ободон жувон.

Бир узумсен шарбат этиб ютмока,
Номус этдим устинг босиб ўтмока,
Тузок айлаб ошикларни тутмока,
Кўрмадим сенингдай ободон жувон.

Бўйларинг узундур, яногинг нордур,
Лабларинг шаккардур, зулфларинг тордур,

Гул юзинг кўрмака кўзларим зордур,
Кўргазгил, юзингни сабодан жувон.

Нажаб айтур, ошнолигим ёт ўлмас,
Гул юзинг кўрмасам, асил зот ўлмас,
Сенинг каби асло паризод ўлмас,
Магар сен инонсанги ободон жувон.

Нажаб сўзини тамом этди. Шул вактда эшикдин икки отлик «Хабарингни бер», деб овоз чиқарди. Йигитлардин бири: «Не гап, оғалар,» деб жавоб кайтарди. Анда отликлар:

-Биз мусоғирдурмиз, бир чой-чилим, беринг, дедилар. Уларга чой-чилим бердилар. Алар мурод хосил килиб ўтиб кетдилар.

Эмди хабарни кимдин ол, Султон Ҳасан подшодин ол. Подшо бояги отликларга: «Албанд баҳшининг ёши ўтиб қолибдур, бир элни сайл этиб покиза баҳши топинг, деб йўлга чикарган эркан. Отликлар Нажабнинг юзини дошдан эшитиб келиб, чилим баҳона, ўзини ҳам кўриб, хушсуратлигига тан бердилар. Магарам подшомизга яровли баҳши шу бўлур, деб фикрлашдилар. Сал ори бориб яна қайтиб келдилар. Эшикда туриб-хабарни бер деб овоз бердилар. Яна бир йигит дошга чикиб, не хизмат деб сўрар бўлди. Отликлар яна чилим сўрадилар. Шунда йигит-Бир покиза, хушсурат баҳшимиз бор, тушинглар, ҳам соз эшитасиз, ҳам чилим берурмиз, деди.

-Бахлингиз ҳакикатда хушсурат, хушловоз эркан, магарам бизга бир илгинда чой, бир илгинда чилим беришга рози бўлса, биз тушурмиз, деди отликлар. Шунда Нажаб:

-Эй оғалар, шунда вактингиз хуш бўлса, ино чой, ино чилим, деб чойни бирига, чилимни яна бирига узатди. Ол энди аларга шу керак эрди. Нажабнинг икки илгидин иккиси тутиб, тортиб отга юклаб, ўта кетдилар. Эмди хабарни кимдин ол, бояги жувондин ол. Нажабни олиб кочиб кетганларидин сўнг, ул даргазаб бўлди. Шунча йигит туриб икки отлидин боски топдингизлар. Бу не ҳол, дарров изидин отланинг, деб отхонадаги отларни чиқариб, 30 отлиф бўлиб, кувомга бошлидилар. Аммо икки отлиф бош бермади, кочиб бориб, калья дарвазасидин кириб, гойиб бўлдилар. Кувиб келаётган йигитлардин бири айдики, эй жўралар, бу отлиғлар подшонинг хос нақарлари бўлса керакки, ўзларини калья ичига уруб кетдилар. Эмди из кувиб борсак оқибати яхши бўлмас, тезрок оркамизга кайтайик. Магарам кувиб борсак, подшо бизни тухуммирт этар.

Шул сўздин кейин бори йигитлар изларига қайтиб кетдилар.

Эмди хабарни кимдин ол, Нажабдин ол. Ани подшонинг олдиға элтдилар. Нажаб боргоҳнинг арз жойига бориб илгини алифлом килиб турди. Шунда подшоҳ:

-Бул йигитни не ердин топдинглар, деди.

-Таксир, излаганимиз олдимиздин чиқди, чорвачилар орасидан топдик. Шул вактда подшо айдики, Эй амалдорлар, бул ўғлон баҳши бирла диравлашиб биладурғон баҳши элда борму?

-Эй таксир, юртда ўзимизнинг карри баҳши Албандини бошка баҳши қолдиму, деди амалдорлар.

-Боринг шу бедавлат баҳшини топиб келинг, деди подшо.

- Дархол Албанднинг изидин отлик юборилиди. Ул Албанднинг ёнига бориб:
- Эй Албанд, сени подшо сўраб турубдур, деди.-Подшо мени на кора сўраб туур, деди Албанд бахши.
 - Подшонинг олдига бир ўғлон бахши келмушлир, шу билан дираглишма-айтим айтдиржак, деди хабарчи.
 - Бай-бай мени кариган чогимда бир ўғлон-ушок бахши бирлан айтишмага чакирган подшонинг хам акли чошибдур.

Кел, эмди подшоми подшо, чакирдими боришим шартдур, деб Албанд кора дуторини оркасинга отиб, йўлға равона бўлди. Албанд арз жойига келиб, икки букилиб, тавзим килди, караса подшонинг ёнида бир ўғлон ўлтириблур. Албанд бирдан сергак тортди. Нажабни таниди. Гавдаси ўзгарса-да, кўзи аслича турибдур. Шунда-да танимаған киши бўлиб, айди:-Эй бедавлат бекорчи ўғлон, менингдай бир кари одамни айтишувга чакиртирган сенми, деб этигининг учи бирла Нажабни туртди. Нажабни хўрлиги келди, кўзидин йилт-йилт ёни тўкила берди. Подшо бундан даркахр бўлди. Ул айди:

- Эй Албанд бахши, ўғлонни нечун тепурсан?
- Эй таксир бунинг сабаблари бордур.
- Не сабаби бор эрур?
- Бул ўғлон бояғи Ганжа Қорабоғдин ияртиб келтирган етти ойлик ўғлон туур.
- Мен буни бокдим-бажардим, улгайтиридим. Каҳр устинда икки шапалоқ урдим. Ошик Ойдиннинг ёнига бориб, етти йил хизмат этиб фотихали бахши бўлиб келиб, сен бирла айтишиб, оримни олурман, олмасам армонда бўлурман, деб шу кеттани кетган. Шундан бери бул ўғлонни хозир кўриб туришпим, бул мендай бахши бирла айтишиб ким бўлибдур. Анда подшо айди:
- Эй бедавлат Албанд бахши, манманлик этма. бул ўғлоннинг таърифини эшитдик, айтиш, енгсанг дов саники, енгилсанг не иш этарсан?
- Поҳ-еј подшоҳим, шу ўғлондин енгилурманму?
- Енгилмасанг илгинга ол созингни.

Албанд бахши созини силтаб илгина олди.

- Эй ўғлон, мен бирла айтишурмисан?
- Айтишурман, айтишувда кўзингни-да ўйрман.

Икки бахши дуторларининг қулоқларини созлаб чалмага бошладилар. Албанд илк нома чалиб, Нажаб эргашса, садҳазор ошириб чалар. Нажаб нома чалиб Албанд эргашса, соз нагмаларини бузиб юбораверди. Шунда подшо:

- Бу бедавлат кари бахши нома чалғанда изда колиб туур, айтишувда не илож этур эркан, деб ўлтириди. Албанд бахши хам ичиди:
- Бу ўғлон созда ўқта эркан, сўзда ўқта келса, мени ҳалакламаса яхши, деб қаҳраниб, кўзлари олайиб, рангидин кони кочиб, мўйловлари наштар бўлиб, кел эмди бул занғар ўғлондин дунёнинг бунёд бўлған ериндин бир савол сўрайин, деб аввалидин савол беришга ўтди, Нажаб хам жавоб қайтарди.

Кўр бок не деди; Албанд:

- Биздин салом бўлсин эл ушоғина,
- Одам Сафиулю не шахар солли,
- Не маконда туруб қалам чалдилар,
- Неча йил жасадда ламязал колдилар.

Нажаб:

-Дунё чоркүчадур ўрта еринда,
Одама жон бериб қалам чалдилар.
Мундин аввал хеч бир шаҳар йўқ эрди,
Аввал бошда Кўфа шаҳрин солдилар.

Албанд:

-Шаҳри Лутни неча фаришта йикди,
Не ерда курилған Сулаймон тахти?
Қайси йил он ҳазрат меъроғға чиқди,
Ул не ерда арслон юзугин олди?

Нажаб:

-Шаҳри Лутни беш юз фаришта йикди,
Бод устинда қурди Сулаймон тахти.
Лу йили он ҳазрат меъроғға чиқди,
Ул самодан арслон юзугин олди.

Албанд:

-Дулдулнинг энаси моҳи-зангидин,
Хабар бергил шул дулдулнинг рангидин,
Он ҳазрат Расулнинг аввал жангидин,
Ўзал зулфиқори кимга чалинди?

Нажаб:

-Дулдулнинг энаси моҳидур зангги,
Мисли самовотдур, дулдулнинг ранги,
Амир Антар бирла айлади жангиги,
Аввал зулфиқори шунга чалинди.

Албанд:

Недан қаратилди Мусонинг тури,
Недан яратилди Исрофил сури,
Ул недурким, мудом олдинда нури,
Аввал ким таниди, мусулмон бўлди?

Нажаб:

-Никобин кўтарди, ёндириди тури,
Кўпикдин яралди Исрофил сури,
Ҳазрати Расулнинг олдинда нури,
Хадича таниди, мусулмон бўлди.

Албанд:

Албандинг сўйдуги илги-дастинда,
Не ўлтундур тирикларнинг қасдинда,
Ул недурким, мудом Басра устинда,
Не ерда язиднинг михи йўнилди?

Нажаб:

-Беш вакт намоз бил Нажабнинг дастинда,
Ўлук тупрок тирикларнинг қасдинда,
Мухаммад Мустафо Басра устинда,
Магрибда язиднинг михи йўнилди.

Бахшилар сүзини тамом этгандин сүнг подшо айди: бул кари бедавлат бахши созда хам сўзда хам ўглон бахшидин енгилиб, расво бўлди. Қани энди амалдорлар не фикрда эркан, бир сўраб кўрайин, деб 32 амалдорга караб:-Эй амалдорлар, бахшиларнинг қайси енгди, қайси енгилди шуни айтинг, деди. Шунда амалдорлардин бири: -Эй таксирим, бизга бир замон мухлат берсангиз, ўйлаб айтсак, деди. Унда подшо: -Мухлат бердим, деди. Ўттиз икки амалдор бир ерга жамланиб маслаҳат этдиким, Эй жўралар, аслинда бул кари бедавлат бахши енгилди, аммо пайғамбар хам ўз кўнглисини кўлдаган, биз хам шул Албанд бахшини орқасини сийлаб, енгди деб айтаберайлик, деб подшонинг хузурига бориб: -Албанд енгди, дедилар, Ул вактда подшо даркахр бўлиб айди: Эй, амалдорлар, сиз подшони икиричи кимок ниятидамисиз, ўғлон бахшининг енганини билмадингизму, боринг ўғлоннинг этнига иккя кат зарли чопон ёпинг, олтиндан жуфт жига келтириб бошига қаданг, деди. Буйрикни дархол баржой этдилар. Нажаб шахзода янглиг йигит бўлиб кўринди. Шунда амалдорлардин бири:

-Эй подшоҳим, Албандга хам хеч бўлмаса, кўхна гуппи совга килинг, деди. Шунда подшо бир дўғмаға 4 танга бериб айди: бор, бозорга бориб, арzon чопондан бирини келтириб, шу бедавлатнинг ягринига ташла, деди. Шунда амалдорлардин бири: -Жигаси камис бўлмасин, деди. Подшо айдики, бир бакколдан товуснинг парини олиб, бошига кўндири, деди. Дўғма бозорга елиб кетди. Арzon тўндан биравини олди. Аммо товус парини топа билмай, бир хўрзининг қуиругидин пар юлиб кайтди. Шул бориша чопонни Албанднинг этнига ёпди, парни талпакининг кирогина санчди. Шунда Албанд бахши Нажабнинг жигасина ҳавас этиб, жигамизни алишайик, деди. Нажаб алишмайман, деди. Шунда иккиси жига баҳона савол-жавобга тушиб, беш калима сўз айтар бўлди, илгина дуторларни олиб, нома бошлидилар. Кўр, бок, не дедилар.

Албанд:

Сенинг жиганг икки бошли.
Кел жигамиз алишайлик.
Мен бир факир кўзи ёшли,
Кел жигамиз алишайлик.

Нажаб:

Бу дунё хам икки бошли,
Мен жигамни алишмайман.
Кўздин оккан конли ёшли,
Мен жигамни алишмайман.

Албанд:

Сабо гулшана бормасму,
Булбулдин хабар олмасму,
Ўғлим, ўл деса, ўлмасму,
Кел жигамиз алишайлик.

Нажаб:

Сабо гулшана борурман,
Булбулдин хабар олрман,

Эгам ўл, деса ўлурман,
Мен жигамни алишмайман.

Албанд:

Үк кимники-оттанники,
Ей кимники-туттанники,
Мол кимники-отангники,
Кел жигамиз алишайлик.

Нажаб:

Динга кирмаган мулхидам,
Хам тарсоям, хам жухудам,
Менки санго нобеҳбидам,
Мен жигамни алишмайман.

Албанд:

Албанд деяр, соз чалманам,
Ўглим сен кетсанг колманам,
Норози бўлсанг, олманам,
Розиликда алишайлик.

Нажаб:

Нажаб айтгар, хўб сўзим бор,
Элда-халқда бир расм бор,
Мен ўғлонам хавасим бор,
Мен жигамни алишмайман.

Бу сўзларни айтғондин сўнг Албанд баҳши алишмасанг, терс алиш, леб терс бокиб ўтира берди. Шунда Нажаб: оримни олар вакт келди, леб отасига: - Эй, ота, мени алаштирма, улуғ киши кўпир бўлади, кин сакламайди, деди.

Албанд бу сўзни эшигтиб: менго раҳми келди, ўҳшайди, леб Нажабга юзини ўтириди. Нажаб шуни кутиб тургон эрди, Албанднинг хар юзига биттадан шаппот урди. Баҳшининг кўзидин ўт чакнаб кетди. Подшонинг бу аҳволга кўзи тушиб, кулиб кўйди, занғарнинг отасидин ор олиш мақсади бор экан-ов, леб кўйди ичида. Подшонинг кулганига Албанднинг кўзи тушиб, хафа бўлиб кетди. Бу аҳволга подшо кулдими, демакки, ул ўғлонга кўнгли мойилдур, леб тезроқ кетишга ошикли. Туриб қопудин чиқди. Щу маҳали анинг этик учи бирла тургани Нажабнинг ёдига тушибди. Ол энди бу оримни ҳам олайин леб, қопудин чиқаётганда, орқасидин яна бир тепди. Албанд учиб бориб йикилди. Ул не киларин билмай уйига бориб карор топди.

Эмди хабарни кимдин ол, Султон Ҳасан подшодин ол. Ул: Олию жоним, бул ўғлон баҳши бир герчак баҳши эркан, буни кўлдин чикарсак бўлмас. Бу ўғлонни юртимиз кизига уйлантириб, бошини боғлаб кўймасак кетиб колур леб кўнглина тугди, шул замони 40 кечакундузлик тўйни бошлаб юборди. Шунда амалдорлар: - Эй, подшоҳим, бу тўйнинг баҳхиси ким бўлур, леб сўрар бўллилар. Подшо: - ўзини айтдириб, охирида уйлантириб, кўюрмиз, деди. Буни Нажабга айди: - Эй Нажабжон дам-тинчингни олиб, бизга 40 кечакундуз хизмат этарсан, ўттиз икки амалдор шуни сўраб туурлар, деди. Нажаб ажаб бўлур, леб, 40 кечакундуз хизмат этмак бирлан бўлди.

Подшонинг бир ёши улуғ вазири бор эрди. Отни Ҳасан шигир лер эрдилар.

Ул вазир дунёдин ўтиб, ўриига ўғли Зеварбек вазир бўлғон эрди. Анинг бир баркамол синглиси бор эрди. Отига Мулойимхон дер эрдилар. Унинг бир энаси бор эрдиким, бир куни Мулойимхоннинг кўшкига келиб: -Эй; Мулойимхон, оғангнинг қалъага кетганига бир оидин ошиди, хеч хабари йўқ, бир чўрини юбариб хабар сўрайик, деди. Шунда Мулойимхон Гулчаман деган чўрисини оғасидан хабарлашишга қалъага юборди. Гулчаман, ажаб бўлур, деб қалъага караб йўл тутди. Қалъага бориб караса, тўй-томуша, чўғда-чорда сон бор, одамда сон-саноқ йўқ. Аларнинг ўртасида бир ўғлон бахши нома айтиб турубдур. Шунда Гулчаман: бул не тўй, неча вактдин бери ул давом этиб турур, деб сўради.

-Эй, дунёдин бехабар чўри, сен нени билур эрдинг, бу ўғлон бахшининг нома қайириб ўтиргонига бу кун ўттиз етти кун бўлибдур.

-Бул ўғлон бахшининг оти кимдур?

-Бул ўғлон Нажабжон бахши дерлар.

Гулчаман кўрса, Зеварбек ҳам нома эшитиб, хушвактликда ўлтирур эркан. Буни кўриб, уйига караб ўқчани кўтарди.

-Эй библиарим, суюнчи беринглар, оғам вақти хушлиқда нома тинглаб ўлтирубдур эркан. Ўттиз етти кундин бери, бир кокили паранг ўғлон нома айтиб, подшо даргоҳида соз этиб ўлтирур ким, ани кўрмакка кўз, таърифин айтмоқка сўз керак. Аммо бул сўзни эшитиб, Мулойимхоннинг сабру қарори йўқола борди. Энасининг кетарини кутиб бетокат бўлди. Энаси копудин чикқани замон Гулчамани ёнига чакириди:

-Подшо боргоҳинда бир ўғлон бахшини кўриб келдим, ледингму?

-Хова, бибим.

-Уни менинг хузуримга олиб келсанг бўлмайдиму?

-Эй, бибижон, ани икки оёкли банда олиб кело билмас.

-Олиб келсанг-да, олиб келасан, олиб келмасанг-да олиб келасан.

-Эй, бибижон, ундан деганингдин, сени ўлдирурман, деб қўяберсанг бўлмайдиму?

-Ўлдиришгача хали иш кўп. Ундин олдин санго бир хунар ўргатурман, килурмисан?

-Хова, килурман.

-Килурман бўлсанг, ҳарамхонага кир, менинг либосларимни кий, тилло дузувларимни тақ, илгинга созни ол, юзинга чашманд тут, кўзингдин бошқа жойингни кўрсатмай, шул ўғлоннинг кошида ўлтируб, нозли ишоралар кил. Агар ул ўғлоннинг ғайрати бўлса, туриб сендин йўл бўлсин сўрар. Шунда сен менинг таърифимни баланд этгайсан. Чўри, ажаб бўлгай, деб тўйга караб ўта кетди. Нажабнинг кошига бориб, турли ишораларни килаберди. Нажаб буни кўриб, номаларни адаштириб, янглишиб бошлади. Ичидан: сен бир ошиқ-маъшуқ бўлмасанг, ё бўлмаса, бир илтижо бирла бирор юборган, деб ўйлаб, ўрниидин турди.-Подшоҳим, бир арзим бор, деди.

-Не арзинг бор?

-Таксирим, бугун ўттиз етти кечакундуз ўтди, хизмат этурман. Бир фарзим бор эрди.

-Не фарзинг бор?

-Етти ёшимдин бери бир ракат намозни казо килмас эрдим, рухсат берсанг, шуни ўқиб олсан.

-Мендин рухсат!

Нажабнинг илгина бир тунгча чикарib бердилар. Ул тахорат этган киши бўлиб тунгчани олиб кетди. Сўнг намоза ўлтириди. Турди-ўлтириди, ўнга-сўла салом берди, юзина фотиха тортиди. Сўнг ўзини четта тортиб аёлга яқинлашди. Гулчаман шапни олдимнан чикиб:

- Нажабжон, бари кел, деди.
- Хабарингни бер, деди Нажаб.
- Рухсат берсанг, хабаримни соз бирла баён этсам бўлурму?
- Не бирлан этсанг-да тез бўл, ёғдойни кўриб турибсанку.

Шунда Гулчаман бандларини ёздириб, сийналарини кўтариб, тилло дастали казма созини оқ маммаларининг иккиси ўртасига кўйиб, эй, Нажабжон сени Мулойимхон келсин, деди, деб беш калима сўз аиди. Кўр, бок, не деди:

Овозинг арша улашди,
Мулойимхон келсин деди,
Сени сўрашди, излашди,
Мулойимхон келсин, деди,

Сени йўлинга боккантур,
Доги хижронинг чеккантур,
Кўздан конли ёш тўккантур,
Мулойимхон келсин, деди.

Овозинг тушди эллара,
Тушибсан тилдан-тиллара,
Бор, дўлан инжа беллара,
Мулойимхон келсин, деди.
Тўти тилли, коши камон,
Бокишлари дардга дармон,
Кўрган киши килур армон,
Мулойимхон келсин, деди.

Мисли анорнинг ўзидур.
Шакардин ширин сўзидур,
Ҳасан вазирнинг кизидур,
Мулойимхон келсин, деди.

Яногида кўшадан хсл,
Кўзи жаллод, лаблари бол,
Юзин кўрсанг бўлурсан лол,
Мулойимхон келсин, деди.

Ошик йўлиндин дўнмади,
Дунёга икки келмади,
Танимагил Гулчамани,
Мулойимхон келсин, деди.

Гулчаман сўзини тамом этгандин сўнг Нажаб: Эй модормахатар чўри, билмаган ерима намоз ўкиб, шу баҳонада бир амаллаб, бир хоннинг хизматина щай билмай турған еримда мени яна бир хонга такиб турибсан, кет йўкол.

И ўғлон, мени қувтама, менинг айтиб турғаним нозанинг хон.

Нозанин дедингму?

Ҳова, топ ўзи.

Нажаб гўч йигит эмасми, бу гап анга ёкиб кетди: –Эй чўри бил нозаниннинг кўнги, йўлининг солигини бер, вактини айт!

Кўшки якин, йўли хам шу орада, қачон борурсан.

Намозшом вақти мени кутаверсин.

Нажаб чўридан йўл манзилини сўраб шодмон ёўлиб колди. Гулчаман бил бибари бибиларига суюнчилаш учун ўқчани кўтарди.

Нажаб Гулчамандин йўл солигини олиб нома айтиб ўтурғон ерига келди. «Воҳ» деб, шу ерга йикилди. Подшо бу ахволни кўриб, ташвишга тушди. Бу ўғлон баҳшига кўз тегдими, боринг не ерда ҳаким, куръандоз бўлса йигиб келинг деб жар урдирди. Барি жойдин келган табиблар, ҳакимлар, куррандозлар Нажабнинг касалини топа билмадилар. Шунда подшо даркаҳр бўлуб, менинг кантимда бошка қасалини топа ўтказадиган боруму, леб сўраш. Шунда амалдорлағдан бири:

– Йи подшоҳим фалон кантда бир кари момо бор, ўзи кело билмас, магарам олиб кенинса, бу ўғлоннинг касалини шул топар, деди. Подшо бир йилмоя кўшилган қожавали аробани жўнатиб кампирни олдириди. Подшо кампирга қараб: –Бул ўғлоннинг касалини топа билурмисан, деди.

– Онгри ужи касали бўлса топурман, деб кампир Нажабнинг танасини турткилаб бошлиди. Бир замонлардин сўнг:

– Гақсири, баҳшининг касалини топдим, деди.

– Не касал эркан?

– Баҳшингизга ошиклик касали тегибдур.

– Йи моможон, ўзи шул керак эрди. Биз хам шунго йўріб ўлтурғон эрдик. Шундан сўнг подшо: – Эй, Нажабжон ерингдин тур, кимга ошик бўлған бўлсанг тўккиз киз бўлса-да, олиб берайин, деди. Аммо Нажаб турмади. Ул ўйладики, турсам, бир кизни айт, деорлар. Мен кимни айтаримни билмайдурман. Айтмасам, ўзлари бир кизни топиб берурлар, яхшии индамай ётавердиган. Шул тарика ул ётаверди. Подшо даркаҳр бўлиб кетиб колди. Бошқалар хам тарқади. Шул замон Нажаб кўзини очди. Караса хеч зот йўқ. Дарров туриб кора дуторини эгнига олиб, чўриннинг берган солиги бўйича йўл тутди. Келиб иккى кўшкининг ўртасидин чиқди. Аммо кизнинг кўшки қайси эканин топмай, ишқ ғамидин чуя абри навбаҳор йиглаб, бир газал айтар бўлди. Кўр, бок не деди:

Сени кўрмакка келмишам,
Кўрмагунча кетарманму?
Бир ёча бор гулларингдин,
Термағуича кетарманми?

Ажам элиндин келмишам,
Қонли жигарим тилмишам,

Мурод олмоқа келмишам,
Олмагунча кетарманми?

Оч, ёпилмиш копунгни оч,
Ок юзингдин олайин бож,
Кардошинг бўйнимга килич,
Чолмағунча кетарманми?

Бутун ишқинг тушди боша,
Жоним курбон қалам коша,
Икки кўзим қонли ёша,
Тўлмағунча кетарманми?

Чаманга учди булбулим,
Қулок сол, сочи сунбулим,
Умрим хазон бўлиб, гулим,
Сўлмағунча кетарманму?

Нозлихон кўшкингдин бокиб,
Қонли жигаримни ёкиб,
Жанозам копунгда ўқиб,
Ўлмағунча кетарманму?

Сен мени солдинг ўйинга
Такдир ёзугим бўйнига,
Ошиқ Нажабни кўйнига,
Солмағунча кетарманму?

Нажаб сўзини тамом этди. Эмди хабарни кимди ол, Мулойимхондин ол. Ул кўшки устинда ўлтуриб: -Эй Гулчаман, менинг қулоғимга ёқимли бир номалар эшитилиб турубдир, дешона чикиб кара, деди.

-Ажаб бўлғай, деб Гулчаман чикиб қараса, Нажаб олмагунча кетарманму, деб турубдур. Гулчаман: -Эй, Нажабжон истаганинг бул ерда, леб унинг илгидин тутуб кўшкка бошлиди. Шунда Мулойимхон: бул чўрини юбориб, ул чўри бўлса-да. фаринштали киз, топган бахтияни йўқотиб кўймай, деб бирдан ичига ҳавл тушиб еринидин сичраб туриб дешона чикди. Караса, Гулчаман Нажаб бирла кўл ушлашиб келаётир. Бундин дарғазаб бўлған Мулойимхон: -Эй, чўри сенинг не хаддинг бор бул ўғлоннинг илгидин тутишга, деб ани бир тепди. Чўри йикилиб тушди. Чўри колаберди. Аларнинг иккиси бўюнлариға кўл ташлашиб кўшк устини чикдилар. Мулойимхон шул ерда юзидин парданчи очиб, бандларини очиб, сийнаси устига казма созини кўйиб, Нажабга қараб, хуш келибсиз, деб, кўнглидагини баён этиб, бир абёт ўқиди. Кўр, бок не деди:

Олис йўлдин келган ўғлон,
Бош учинга ол, қоч, мани,
Юрак бағрим тилган ўғлон,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Сабо бўлса ўсар бодлар,
Мендин зўр бўлурми ёрлар,
Табласида бедов отлар,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Тар хинолар бор кўлимда,
Бинолар соғу сўлимда,
Пиёда кезам йўлингда,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Гулларни тергил боғимдин,
Боқиб кўр, сўлу соғимдин,
Бўса олғил, ёнғимдин,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Сенсиз менинг кўнглим вайрон,
Элларни этайлик сайрон,
Ишқ аҳлини килиб ҳайрон,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Мулойим дер, кора кошли,
Кора кўзли, кора сочли,
Мени кўйма кўзим ёшли,
Бош учинга ол, қоч, мани,

Мулойимхон сўзини тамом этганидик сўнг Нажаб аиди; Эй, Мулойимхон, менинг борарга ерим, ботарга кўлим бўлмаса, мен сени қайси гўрга олиб қочаман. Мени подшо хизматидин чакириб келтириб, айтар сўзинг шул бўлса, ина менинг туришим, деб ериндин тура берди. Шунда Мулойимхон:

-Эй, Нажаб, бир сўз капшири деб айтдим кўйдим, асл мақсадингни айтабер, леб минг жилва бирлан Нажабни ичкари киритиб тиздин тўшак, белдин ёстик тўшади. Хиндистон читиндан тикилган тўккиз кат кўрпани устларидин бостириб, инқиپечакдай чўлашиб ётабердилар. Шу ётишда етти кеча-кундуз ётдишлар. Етти кеча-кундуздин сўнг Мулойимхон уйгонди. Ўттиз етти кун уйкудин колгон Нажаб уйғонмади. Мулойимхон уйғониб: бул ўглон бирла етти кеча-кундуз ётибман, мен бир вазирнинг кизи бўлсанм, бир оёқяланг нотаниш баҳши бирла ётишм дурустму, яхиниси буни эртарок узатиб юбарин, деб ўйлади. Ҳайдаб юборишга кўзи киймади. Ол буни соз бирла уйготайин, деб илгинда сози, оғзинда сўзи бир газал айтурсўлди:

Болим акам, жоним акам,
Сабо бўлди тур, кет эмди.
Бир бўлди кундузим-кечам,
Сабо бўлди тур, кет эмди.

Сабо бўлса оғам туяр,
Изимиздин кўёғи қувар,
Лошимиза қурт-куш кўнтар,
Сабо бўлди тур, кет эмди.

Куним ғуссага тўлдирап,
Сирим олама билдирап,
Оғам туйса тек ўлдирап,
Сабо бўлди, тур, кет, эмди.

Етти кеча-кундуз ўтди,
Кун чикиб чошгоҳа етди,
Мендин сабру ором кетди,
Сабо бўлди, тур, кет, эмди.

Уйғон эмди бахши ўғлон,
Кўркув босди қийналди жон,
Кўнглим гирён, бағрим бирён,
Сабо бўлди, тур, кет, эмди.

Мулойим дер ваҳмим чўхдур,
Дўстимдин душманим қўпдур,
Седин гайри ёрим йўқдур,
Сабо бўлди, тур, кет, эмди.

Мулойимхон бу сўзларни айтиб тамом қилғанидин сўнг, Нажаб кўзини очса, кизнинг «Тур кет» деб турғонини эшилди.-Олло, эмди не килдим, бу тоифа бевафо бўлур эркан, деб, тўнини кўлтиғига қисди. Уйқусираған кўзларини укараб, эмди не бўлса-да, бир уйқуға тўйиб олайнин, деб ўнгайроқ жой излаб бора берди. Бир вакт Мулойимхоннинг 40 таноб боғи бор эрди, шунинг устидин чикди, сарховузнинг бўйига бориб, бир даста гулни юзига ёпиб урди уйқуни.

Эмди хабарни кимдин ол, Мулойимхоннинг энасидин ол. Ул кунлардин бир кун боғ сайлиға чикмок бўлуб, бир канизини чакириб аиди: -бор сен богни ораста қилғил. Каниз ажаб бўлгай леб, сарховузнинг бўйини сириб-супириб юриб ногоҳонда бир пой этикни кўриб колди. Бориб караса юзига гулдаста ёлиб бир киши ухлаб ётибдур. Анинг юзилин гулни олиб караса, ок юзли, кора кокилли бир йигит бир кечанинг тога тушган бир бўлак кори янглиғ бўлиб ётибдур. Нажабнинг жамолини кўриб, анга ошик бўлғон канизининг аъзои андоми бўшашиб, тиззасини кучоклаბ ўлтуруб колди. Бир вакт бибисининг боғ сайлиға борурман, дегани эсига келиб, келар вакти бўлғанини англаб, югуриб, боғ дарвозасига чиқди. Караса бибиси келибдур. Ҳар сафар ани маҳофадин кўтариб тушурур эрди. Бу сафар кўтаришга мадори келмади. Шунда бибиси: -Эй ярамас каниз, рангингда ранг, рўйингда рўй колмабдур, пе балога дучор бўлдинг, деб сўрали.

-Эй бибикон, ҳовузнинг бўйинда бир кокили паранг ўғлон ётибдур, ани кўрууб бул ахволга тушдим.

-Ул не сойил ўғлон эркан, тургузеб, күздин йўқ килгил:
-Эй, бибижон, ул ўғлонга «Тур кет» деб айтғулик эрмас, бунга менинг тилим
бормас, ўзинг кувласанг яхши бўлур.

Шунда Мулойимхоннинг знаси, ўзим қувсам қувайин деб, хассасини чалиб,
ицки букулиб юрмак бирлан бўлди.

Каниз анинг изига този эргашгандин эргашлиб бора берди. Кампир шу
бориша Нажабнинг устидин чиқди. Анинг хусни жамолига бокиб, онг-тонг
бўлиб, канизининг холи холми, ундан бадтар ахволга тушиб хушидин кетди. Канизи
юзига гулоб суви сепиб ўзига келтириди. Кампир бир аксириб хушига келиб:-ёлим
ён тўрт-ўн бешга қайтгандай бўлди, умрим охирида худо ярлакаб менга бул
ўглонни мусассар этди деб, Нажабнинг бошини тиззасига олиб, юзларидин бўса ола
берди. Кампирда тишдан ном-нишон йўклиги сабабли ҳар ўпгани пок-пок сас бера
берди.

Энди хабарни кимдин ол, Мулойимхондин ол, ул кўшк устига чикиб бўлиб
турғон воқеаларни кўриб ўлтириди. Бундин жони чикиб, знасига караб, бир газал
айтар бўлди. Кўр, бок, не деди эркан.

Энажон, арзим айтайн,
Ёр меники, ёр меники,
Бўйла ёмон иш бўлурму,
Ёр меники, ёр меники,

Кариб, сенинг учди бозинг,
Зимистонга дўнди ёзинг,
Кўлдин учди кувинг, гозинг,
Ёр меники, ёр меники,

Эна, сенинг ақлининг чошмиш,
Феъли-хўйинг ҳаддин ошмиш,
Менинг кўнглим тўлиб-тошмиш,
Ёр меники, ёр меники,

Белинг букур, сочларинг ок,
Бир ўйланиб, ҳолинга бок,
Гарданинга тегар таёк,
Ёр меники, ёр меники.

Бул савдоға тушган бошдур,
Кўздин оккан конли ёшдур,
Ўпич олмок ёмон ишлур,
Ёр меники, ёр меники.

Кўнглим менинг ғамга тўлур,
Хазон уриб, мангзим сўлур,
Билмасанг, куёвинг ўлур,
Ёр меники, ёр меники.

Мулойим дер, ёнди жоним,
Кул бўлибдур устихоним,
Сарф этайин, хону моним,
Ёр меники, ёр меники.

Мулойимхон сўзини тамом килғондин сўнг, кампир энаси бу сўзни эшитиб кўнглига гумон келди. Канизин чакириб айди: -Бул киз ҳаддин ошиб, «Ёр меники,» деб турубдур. Бу белавлат ўғлон бирла бир ишларни килғон ўхшайдур. Бор Зеварбекни чакириб кел, бул ўғлонни ўллурсин, ё бўлмаса, элдин чикариб юбарсин, деди. Ноилож колғон каниз Зеварбекга хабар берди.

Зеварбек уч-тўрт отлик бирла келиб, Нажабнинг бўйнига сиртмоқ солиб, олиб кетди. Тўғри подшохнинг хузурига келиб: Эй, подшохим, бул баҳшингиз менинг энамнинг боғига кириб, мёваларни еб, колғанини пайхон килубдур, деди. Подшо дарғазаб бўлиб, пошибларга буюрдиким, бул ўғлонни дорга чекинг, деб ўтирилиб кайта берди. Қирк поишшоб Нажабни дорга чекмакка кўзи ари киймай ўйланиб қолдилар.

Эмди хабарни кимдин эшип, Ахмадбекдин эшит. Подшонинг бир Ахмадбек отлиғ ииниси бор эрди. Подшо 40 кеча-кундуз тўй бергаётганини эшитиб, келаётган эрди. Подшо унга: - Бир баҳшим бор, эшитиб кўр, деб мират этган эрди. Шул сабаб бирла Ахмадбек 40 отлиси бирла келаёттир эрди. Шул келинша анинг кўзига дор кўринди. Ул отли шерикларига: -сиз кальага киравсинг, мен дор остидағи одамларга бир сар солайнин, не гап эркан, деб шул тарафга кетди. Қараса 40 поишшоб бир хушсурат ўғлонни дорга чекмак бирла бўлаётирлар. Ахмадбек:

- Бул не килғанларинг, ўғлоннинг гунохи недур, деб сўради.
- Бул ўғлон подшонинг баҳиси туур, гуноҳ килиб бизнинг кўлимизга тушди, деб жавоб берди баҳшилар.
- Бул ўғлоннинг гуноҳ қиласурғон сиёки йўқдур, кийимларини кийдириб, озод килинг, мен подшоддин бир кошик конини сўраб олурман, деди. Шунда Нажаб бўйнида кил таноб, илгинда сози бўлмаса-да, тилинда сўзи, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир абёт ўкуди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Мени озод эт, Ахмадбек.
Ўғирлик манго тухматдур,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Бордим Мулойим ёнина,
Ракиблар сувсар конима,
Далолат бўл, гул жонима,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Мен баҳшиман, хонандаман,
Жаллод кўлинда бандаман,
Тўрт ён бокиб, хайрондаман,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Мен ошигам кизил гула,
Етишдинг кирк йигит била,
Бориб мени шоҳдин тила,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Кизил гулнинг кирмизиям,
Мен юрган ёбон-дўзиям,
Мен бироннинг ёлғизиям,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Туруб эрдим ҳарён бокиб,
Жоним ҳалак, гирён бокиб,
Дор остида урён бокиб,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Фалякка етушди додим,
Сени дуч этди худойим,
Ошик Нажаб дерлар отим,
Мени озод эт, Ахмадбек.

Нажаб сўзини тамом этгандин сўнг Ахмадбек подшо ҳузурига от суриб кетди.
Тўғри подшоҳнинг олдиға бориб, салом йўқ, алиқ йўқ, айди:

-Бу не ҳол, бегуноҳ баҳшини дорға чекмаклик дурустму, мени олти ойлик йўлдин
ҳалак этиб, баҳши номасина мират этдинг, келлим, сен баҳшини ўлдиришга
фармон берубсан.

-Эй иним, мен фармон бердим, эмди қайтиш йўқ. Не сўрасанг сўра, бажарайин,
аммо шу ишни сўрама: Ахмадбек караса подшоҳнинг аҳди маҳкам. Шул сабаб
бошқа йўлға ўтди.

-Оға, шу таҳтингни уч кунга берурмисан?

-Берурман.

-Ундан бўлса, шу баҳшини уч кечакундуз айттириб, тўй тутайин, кейин ўлдирсанг
ўлдиурсан.

Шундан сўнг подшо таҳтдин тушиб, ҳарамхонага кириб кетди. Ахмадбек
таҳтга миниб, жар чакиртириди: -Уч кечакундуз баҳши айттириб, тўй тутилади,
интиб ким келмаса боши ўлумли, моли талонли! Уч кечакундуздин сўнг баҳши
дорга тортилади: жарчининг саси Мулоимхоннинг кулогига тегди. Ул бстокат
бўлуб, жонига ҳавл тушуб, ёримни ўлумни олдилин бир кўруб колайин леб, ҳарир
либосларини қийиб, бармотига тўккис юзук, билагига билагузук, бурнига аравак,
бошига жига санчиб, жайрон юришда, марал бокинида товлана-тovлана юриш этди.
Шояд етти кечакундуз бирга бўлди, бўйнимдаги мушки анбарни исказди. Яқинрок
бориб ўтирсам, шу ислар чикса, димогина урса, мени танимасмикан, деб хаёл
суриб борди. Мулоимхон тўғри бориб, Нажабнинг кошиға кизлар тўпина ўзини
урди. Бир вакт Нажабнинг бурнига етти-кечакундуз бирга бўлған кизнинг таниш
иси пурх уруб кела бошлади. Шунда ёрини келганини билиб, эй гўзалим, саринга
лўнайин, жон бозори қизиб турғонда сен ҳам тўя келдингму, деб зор-зор чун абри

навбахор йыглаб, илгинда сози, тилинда сўзи ёниб-куйиб, занону мардон, кизу жувонга караб бир газал айтар бўлди. Кўр, бок, не деди:

Нозли жонон, сендин хабар сўрайин,
Кўзлари мастаним, тўя келдингму?
Севдигим отинга курбон бўлайин,
Жанинатим, бўстоним тўя келдингму?

Сенсиз ёти куним манго эрур шам,
Бечора мискинам, дардлидур сийнам,
Дардима дармоним, ганжи хазинам,
Фазалим, достоним, тўя келдингму?

Бу ишкнинг отаси ёқти мсьрожи,
Мухаббат сужидур, айролик ожи.
Кўзимнинг равшани, бошимнинг тожи,
Хам хоним, султоним, тўя келдингму?

Юзинг шуъла берар, мохи мунааввар.
Бўйларинг санобар, коматинг ар-ар,
Кўксингдин уфурмиш мушк ила анбар,
Паризод нишоним, тўя келдингму?

Жон шахрини санго берайин пора,
Бир ожиз бандангман, чекдирма дора,
Кўйнинг ичи мангзар фасли баҳора,
Булбул гулистоним, тўя келдингму?
Ошик Нажаб ёр йўлина бош кўйиб,
Ким ўтди дунёдин дийдора тўйиб,
Ол ёнон устина зулфларинг ёйиб,
Олма занахдоним, тўя келдингму?

Нажаб сўзини тамом килғондин сўнг Мулойимхон айлики, эй зантар ўғлон
сен эмди мени танидинг, сен бирла бирга ўлмаган номард, деб ўрнидин турди.
Нажабнинг ёнига боришига уялиб, сал четда бурилиброк турди. Шунда Нажаб:
-Эй кўзимнинг нури, бошимнинг тожи, сен не учун бурилиб турибсан, ёнима
кеясанг бўлмайму, деб, Мулойимхонга караб илгинда сози, тилинда сўзи, қайнаб-
жўшиб, бир газал айтар бўлди:

Севдигим, кайдин келурсан,
Йўлинга курбон бўлайин.
Қайси эллардин бўлурсан,
Элинга курбон бўлайин.

Севдигим, не деб туурсан,
Юзингни нега буурсан,
Паранжинг ердин олурсан,
Холинга курбон бўлайин.

Нола-ҳо, севдигим нола,
Магар паймонамиз тўла,
Булбул бўлиб кўнсанг гула,
Тилинга қурбон бўлайин.

Кўзимга бок, коши камон,
Бугун менга охир замон,
Магар қолсам дордин омон,
Ўзинга қурбон бўлайин.

Тўлдир ҳо, севдигим тўлдир,
Эмди паймонамиз шулдуру,
Бу Нажабни ўзинг ўлдир,
Элинга қурбон бўлайин.

Нажаб бу сўзни тамом этгандиң сўнг Мулойимхон қиз келиб Нажабнинг каршиисида ўтириди. Ул айди:

-Эй занғарнинг ўғлони ўзинг ўлдир, деб валдираб, номардлик этиб тургунча, илгингдаги созни менга бер, мен ҳам бир кўнглимдагини халойикга баён этай, леди. Шунда Нажаб:

-Эй Мулойимхон, юрагимда яна бир пинҳон сўзлар бор, шуларни ҳам бир – бир баён айлай, ундан сўнг созимни санго баҳш этурман, деб кайнаб-жўшиб, Мулойимхоннинг сўзларидин, анинг мардлигидин кўнгли парвоз этиб, чин юракдин бир абёт ўкиди. Кўр, бок, не деди:

Саринга дўнайин, гул юзли ёрим,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.
Кеча-кундуз менинг сен интизорим,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Хондин жаллод келмиш менинг қасдима,
Киши мунча кеч келурму дўстина,
Уч кундин сўнг элтар дорнинг остина,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Бокишинг охудир, кўзларинг жайрон,
Сени излаб эрди кўзларим сайрон,
Сен анда хайронсан, мен бунда вайрон,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Юзинг ўҳшар сени алвон лолага,
Оғанг дучор этди бундай балоға,
Танда жоним бўлсин санго садоға,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Томоша айладинг мени ўйинима,
Адаб-икром бирла кирдинг кўйима,

Уч кундин сўнг арқон тушар бўйнима,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Ўзингсан Мулойим, сўзинг мулойим,
Олма янокларинг ўтмака койим,
Ёрим умринг дароз бўлсин илойим,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Кўзимдин ёш окар юрагим пора,
Йиглаб ёлборурман хақ биру бора,
Уч кундин сўнг бошим осилур дора,
Ўзинг ўлдир, мени берма жаллода.

Кўзим тушди юзингдаги холинга,
Курбон ўлам лабингдаги болинга,
Рахм килғил, бул Нажабнинг холина,
Ўзинг ўлдир, берма мени жаллода

Нажаб бу сўзни тамом килғондин сўнг Мулойимхонга аиди:

-Эй, беакт ўёлон, мен санго янго айтмалимму жаллод-пайлот деб ўлтирма,
иљингдаги созингни бари ол, деди. Шунда Нажаб:

-Ина дутор, Мулойимхон, деди. Мулойимхон щунда Нажабнинг пири Олиник
Ойдиннинг берган кора дуторини илгина олиб, ани икки нордай бўртиб турғон
кордай оппоқ сийнасининг ўртасина кўйиб: -Эй ҳалойик, кариндош-дўгон, дойи-
енгалар, мен бугун шу ўёлона курбона келмишам, деб кайнаб-жўшиб, илгинда
сози, оғзинда сўзи бир газал айттар бўлди. Кўр, бок не деди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Нажаба курбона келдим,
Арзим эшил, беклар, хонлар,
Мен шунго курбона келдим.

Чўлда кезган охуларим,
Сувда юзган мохиларим,
Эшигинг бек дойиларим,
Нажаба курбона келдим,

Эй, кадрдан тогаларим,
Хаста бўлсам, согаларам,
Эшигинг, бек оғаларим,
Нажаба курбона келдим,

Чамандаги булбулларим,
Боғда очилған гулларим.
Эй, соchlари сунбулларим,
Мен шунго курбона келдим.

Кўкда кезган малойиклар,
Бунда келган халойиклар,
Кўнглим кўнглима лойиклар,
Нажаба қурбона келдим,

Нажаб йўлинда сойилам,
Анинг кўнглина мойилам,
Сўзимдин кайтмам, жохилам,
Мен шунго қурбона келдим.

Сахарнинг тонг юлдузиям,
Ҳасан вазирнинг қизиям,
Мулойимхоннинг ўзиям,
Нажаба қурбона келдим,

Мулойимхон сўзини тамом этди. Барча халойик эшитди. Ахмадбек бу сўздин сўнг тўғри акасининг ҳузурина борди.

-Эй, ога, ўлдиражак ўғлонинг бир эрди икки бўлди.

-Ундан бўлса иккисини ҳам ўлдираман.

-Эй, ога ул иккинчиси ўзингнинг қазо қилғон Ҳасан вазирингнинг қизи ўркан.

Фалон подшо бир жалотайнинг баҳонасида вазирининг қизини ўлдирибди, лекан носоқка колурсан. Бул носок бошқадин колса колсан, сендин қолмасун.

Яхшиси бул икки ошикни элдан чиқарған маъқул.

-Ахмадбек иним, ишқилиб кўзимга кўринмасинлар, элдин чиқарсанг чикар.

-Бу сўзинг чинми?

-Сўзим чин.

Ундан бўлса менинг элимдин чет юрг дунёда йўқ. Аларни ўзим бирла олиб кетсам бўлурму?

-Олиб кет, кўзимдин йироқ бўлсинлар.

Бул сўздин кейин Ахмадбек Нажаб бирла Мулойимхонни бир отга миндуршиб, олти ойлик йўлни олти кунда босиб, ўз элига етди.

Ахмадбек ўз элига бориб кирк кеча-кундуз тўй берди. Тўйни совуб икки мулла, бир козини кептируб, Нажаб бирла Мулойимхонга никоҳ кийдириди. Уларни ок уйга солиб тўрт теварагида бахши айттиридиар. Бул икки ошик мурод, максадлариға етдилар.

Тамматул китоб ба авни маликул вахҳоб.

ОШИҚ МАҲМУД

Махмуджон билан Нигорхоннинг тарихлари шундан иборат.

Гапка Корабог деган вилоятда Ганжабой деган бир киши бор эди. Унинг ўғидан, киздан-фарзанддан ном-нишони йўқ эди. Ганжабой кунлардан бир кун ўғил талабина тушиб юрган эдики, унинг кўз ёши кабул бўлиб, тушинда кўлина бир кизил олма олиб, хушвақт, хуррам бўлиб, заифаси билан ҳамсухбат бўлди. Заифасининг бўйинда бир ҳомила пайдо бўлиб, ойдан-ой, кундан-кун ўтиб унга

бир ўғил ато этди. Унинг отини Махмуджон кўйдилар. Маҳмуджон ҳам орадан кўп замон ўтгандан кейин 17-18 ёшларина кирди. Ул ҳам ётқон еринда тушида бир воеа кўрди. Воеасинда Лут шахринда Мансур деган бир подшо бор эди. Унинг бир кизи бор эди, отина Нигорхон паризод деб от берадиган эдилар. Нигорхон паризод билан Маҳмуджоннинг иккавлариning бошларини бир жойга келтириб, бир-бирина тўй килиб никоҳ этиб бердилар. Маҳмуджон хушвакт-хуррам бўлиб ериннан турди. Кўзини ғафлатдан очиб кўрганнан кейин Нигорхон паризод Маҳмуджонни кўзиндан гойиб бўлди.

Махмуджоннинг кундаки харакати кун-кундан топилмасдан бораварди. Ганжабойнинг бир ёғли бўлганинан кейин Ганжабой ўглиндан сўрадики: аммо ўғлим, сан нима ахволларни кечириб юрибсан. Саннинг ахволинг кун-кунидан паслаб бораётир,-деди. Маҳмуджон айтдики: аммо ота, сан биздан ахвол сўрасанг биза хўш жавобингни, ок потёғни берсанг. Шахри Лут деган шахара бормасак бизда токат бўлмас, деди.Не сабаб билан кетасан ўғлим?-деди. Маҳмуджон айтдики: Аммо ота кетжакимга сабаб Шахри Лут деган жойда Мансур деган подшо бор. Унинг бир кизи бор, отина Нигорхон паризод деб от берадилар. Бориб шу Нигорхонни олмасам маида токат бўлмас, деди. Отаси айтдики: Ўғлим, хато килибсан. У бир катта подшо бўлса, сан бир оддай киши бўлсанг. Қандай йўл билан бориб кизини оласан, санга қандай йўл бишак кизини беради. Сан шу ерларда биравнинг кизини хоҳласанг, санга отини Нигорхон кўйиб олиб берсак бўлмасмикан ўғлим, деди. Маҳмуджон айтдики: Аммо ота, ўн қиз олиб берсанг ҳам бўлмайди. Жавоб берсанг ҳам кетаман, жавоб бермасанг ҳам кетаман, деди. Ганжабой кўнгли паришон бўлиб, ўғлина кайтарғи бериб бир шеър айтади:

Дунёни эндардинг манинг бошима,
Болам Маҳмуд, мани хайрон айлама,
Рахминг келсин кўздан оккан ёшима,
Болам Маҳмуд, мани хайрон айлама.

Ишкнинг шаробидан нечун ичарсан,
Ота-онанг, эл-кунинтнан кечарсан,
Ёрингнинг кўлиннан шароб ичарсан,
Болам Маҳмуд, мани хайрон айлама.

Махмудесиз уйимда ёнмас чироғим,
Сан ўзингсан кеча-кундуз кароғим,
Қариганда оширгагил фироғим,
Кўзим Маҳмуд, мани хайрон айлама.

Бу не сирдур анга ето билмадим,
Айрилибон сандин коло билмадим,
Махмуджон сиринга ето билмадим,
Болам Маҳмуд, мани хайрон айлама.

Ганжабой ўйлаб кўрдикни, бир гўч ўигит, кўнгли паришон бўлиб, бир ийллик йўла кетса бунинг йўли ҳам бўлмас. Кел бунинг вактини хўшлаб юбарин, деб, боктириб кўйгон йўргаси бор эди, у йўргага баҳмал ёймали, тилло кубболи

шарни танғиб, жун айилни берк этиб тортиб, бир голи хуржуннинг икки ён кўзига ҳам тангга, тиллога тўлдириб, бир катор сарпойни ҳам бўқтариб, Махмуджонни ҳам миндириб, Ганжабой ўғлини ҳам ховучлаб олиб чиқиб кетаварди. Бир чўли майдоннинг четита бориб: Аммо ўтлим, сенинг йўлиниг бўлсан. Йўлинг устида Қамбар отлиғ бир йигит бор, шуни олиб кетсанг, сенга йўлдошлиқ килар, деб отининг бошини бўшатиб юбараверди.

Махмуджон хушвакт-хуррам бўлиб, йўргасини учириб кетаверди. Кўп замон ўйл юриб, бу чўли-майдоннан чиқиб, бир юртнинг оёғидан доҳил бўлди. Бир ётнинг оёғидан ўйл ўтар эди, йўлнинг урини олиб бораверса, икки нозанин, гўзал киз идиш кўтариб сувға чиқиб келаётирғон эди. Кизлар Махмуджонни кўриб, унинг ишқи кизларнинг сийнасига жой бўлиб, суве идишларини кўйиб: кел, шул йигитнинг не кора эканлигини билик, ҳам кайси бойнинг ўғли эканлигини, кайси паризоднинг ёри эканлигини сўраб колайик, деб Махмуджонни пойлаб, йўлнинг икки ёнини олиб туравердилар. Махмуджон келиб, буларнинг ёнидан ўтажак вақтнда кизлар Махмуджоннинг икки ёнидан бориб стини жиловладилар. Махмуджон сўрадики: қани эй паризодлар, менга бурунча сизларнинг учрашган, йўликишган, таниш жойларингиз борми? Кизлар айтдики: йўқ. Яна айтдиларки: хон ўғил, сендан сўралажак бир-икки оғиз сўз бор. Шунга жавоб бериб ўтасан, дедилар. Махмуджон айтдики: сўрасангиз мен билганимчаг унга жавоб берай, деди. Кизлар айтдиларки: сен кайси вилоятнинг одамисан, кайси бойнинг ўглисан, кайси паризоднинг ёри бўласан? Шунга жавоб бер, дедилар. Махмуджон айтдики: Ганжи Қорабоғ деган вилоядта Ганжабой деганнинг ўғлиман. Шаҳрида Мансур деган подшо бор, унинг бир кизи бор, отига Ниғорхонпаризод леб от берадилар. Шу Ниғорхон паризоднинг ёриман, деди. Шунда кизлар айтдиларки: унда бизларни таъриф килиб ўтишинг керак бу ердан, дедилар. Махмуджон айтдики: Мен олдимга чиккан одамларни беш ғазал, ўн ғазал айтиб, таърифлаб кетадиган бўлсан, боражак жойимга беш кунда, ўн кунда бора билмасман, деди. Хон ўғил, сен бизни таъриф этиб ўтмайдиган бўлсанг, биз ҳам сенинг отингнинг бошини беш кунда, ўн кунда юбарамасмиз, дедилар кизлар. Махмуджон от устинда туриб бу кизларни тариф килиб бир шеър айтди:

Олдимиздан чиқди гўзал,
Гўё кизил гула мангзар.
Бўлди кўриб аклимиз лол,
Сайраган булбула мангзар.

Ўтириди, турди, ўйланди,
Парвона бўлди айланди,
Ишқнинг дардидин сайланди,
Бокишилари куна мангзар.

Ёнимга келиб турдилар,
Мухаббатдин оҳ урдилар,
Кўза кўтариб юрдилар,
Лайлию Мажнуна мангзар.

Сахар очилар лоласи,
Кўзлари жоним оласи,
Ёримнинг олган боласи,
Аклим олган киза мангзар.

Махмуджон дер, ёр келгандা,
Дурлар сочила кулганда,
Парданни юздан олганда,
Ўн тўрт куялпик ояя мангзар.

Махмуджон сўзини тамом килғандан кейин: Қани биродарлар, каноатланган бўлсангизлар, мен бир йўл кишисиман, отимнинг бошини юборсанглар, ўз йўлима кетсан яхши бўлар эди, деганда чап жиловда турган паризод киз айтадики: аммо хон ўтил, сен буни таъриф килиб, бизни таърифламай кетсанг, хойнахой бизга камисчилик келар. Агарда бизни таърифламайдиган бўлсанг, сенинг отингнинг бошини биз хам беш кунда-ўн кунда юбормасмиз, деди. Махмуджон от устида туриб, бу кизни хам таъриф килиб бир шеър айтди:

Каршингиздан гўзал келди.
Юборинглар..кизлар..мени.
Салом берсак алиқ олди,
Юборинглар кизлар мени.

Қалам қошли, инжу типили,
Гозларга мангзар юриши,
Йигитликнинг бордур иши,
Юборинглар, кизлар, мени.

Кел энди қошлари ёзик,
Узун бўйли, бели нозик,
Ўн бармоқка тилло узук,
Солган кизлар, юбор мани

Ол кўлида сурма догли,
Бўлсин хар кимнинг иқболи,
Оқ юзинда кўша холи,
Ўпсам бўлмас, кизлар, сени.

Товусдек безар ўзини,
Биздан айирмас кўзини,
Ошик Махмуднинг сўзини,
Кабул этинг, кизлар, мени.

Махмуджон сўзини тамом килғандан кийин, кизлар Махмуджоннинг отининг бошини кўйиб юбордилар. Махмуджон йўргасини қочириб кетаверди, бир неча замонлар йўл юриб, бир чўли-майдоннинг ўртасидан кетаверди, у чўли-майдондан хам чиқиб, бир юртнинг оёқидан дохил бўлди. Бир йўлнинг урини олиб боравердики, бир ўвбонинг устидан дуч бўлди. Ўйлаб кўрдики, кел

Камбаржоннинг уйини бир сўраб кетайин, Камбаржоннинг уйи шу ерларга якин эмасми экан, деган фикр билан йўлдан дошға чикиб, Камбаржоннинг уйини суринтириб сўраса, Камбаржоннинг уйи хам бир йўл урина яқинрок бир жойда эди. Қамбаржон бир қамбагал-кашишк йигит бўлиб, ҳар қунда бир нон учун бир новвойининг тандирига ўт ёкиб овкатгузарлик килар ади.

Бир синглиси бор эди, югуриб-юриб акасининг ёнига борди: аммо ака, мен сенга бир мехмон топиб келдим. Сени бир озода йигит сўраб келди, деди. Камбар синглисини сочидан судраб тепкиламака карадики, зангар, менинг ўзим ҳар қунда бир нон учун бир новвойининг тандирига ўт ёкиб овкатгузарлик этаман, сен менга мехмон топиб келдим, деб айтасаи, деди.

Дўкондор нонвой бир тушгир йигит эди, -хонўғил, деди, сени яхши-ёмон, лўсту-душман, бирор излаб келган вақтда унинг хабарини олишга тегишли бўлади.

Мана шу кунингта меҳнат хакинга бир нонни ол, унинг учун уйинига бор, унинг ким эканлигини бил. Келса бу ёна келтир, деб туриб дўкондан чикариб юборди. Қамбаржон уйига келса бир отли-тўили йигит уйида ўтирибди.

Қамбаржон бориб саломини бериб, адаб-иқроми билан кўришиб, омонликсанлик сўрашганидан кейин, баҳо-баҳо қараса, Қамбаржон хам бул йигитни ўз воқеасида кўрган эди. Бул йигит бугун уйида ўтирибди. Қамбаржон «йўл бўлсин» сўрадики, Махмуджон айтди: Биздан йўл бўлсан сўрасанг, сен бизга даркор бўлдинг, бизинг билан юришинг керак, деганда Қамбаржон ўзининг ахволларини Махмуджонга бир-бир баён этди. Махмуджон буни турли томонлардан тъымин этиб, шу ерда бирорининг боктириб кўйлан йўргаси бор эди, у йўргани олиб, шулини бериб, у йўрга устига баҳмал, тилло куббали эгарни солиб, жуп айилни хам барк этиб тортиб, Қамбаржонни бош-оёқ сарпойлаб, кейин ўзи билан тенглаштириб йўлга олиб чиқди. Булар йўлга равона бўлар экан, катта бир йигиннинг устидан тушар бўлдилар. Чой-чилим сўраб шул йигинга улар хам айландилар. Қараса бу ерда кизу-жуvon, катта-кичик, ҳамма ўз холинда, базмида ўтирган эди. Махмуджон жўшкинлиги тутиб буларга Нигорхон паризодни таъриф килиб бир шеър айтди:

Нигорхонни халкка таъриф айласам,
Хар бир нозин юз минг киза бермасман.
Кўрган ошикларни хайрон айласам,
Хар бир нозин юз минг киза бермасман.

Бошдин-оёғига тилло такилган,
Сўзларига шири-шакар такилган,
Кўлларига кизил хино ёкилган,
Хуснин анинг тўлган ойга бермасман.

Соллонга-соллонга ўтар ёнимдан,
Кўзи жаллод каби ўтар жонимдан,
Боғбон бўлиб гуллар терсам богиндан,
Сиё зулфин сарви ноза бермасман.

Гўзалим бор гўзаллардан нозлидур,
Мен билманам кайси боғнинг гулилур,
Шеваси жон олур, кўли созлидур,
Бир кун чикар тандин жона бермасман.

Махмуд айтур: йўлга бўлдим равона,
Бир газал айтибон кизу жувона,
Ошик бўлдим Гўзалхона гойибона,
Гўзалхонни юз минг кизга бермасман.

Махмуджон бу сўзини тамом қилтандан кейин икковлари, шодлик билан от чопишиб йўлга равона бўлдилар. Кўп замон йўл юриб, бир неча замонни той килиб боравердиларки, бораверсалар буларнинг олдига эшакли бир пиёда чиқди. Сўрадилар:кани эй жўра, Лут деган шаҳар шу ерга яқинми?—деди. Махмуджон Қамбаржон билан от чопишиб ўша шаҳарнинг кибла дарвозасидан дохил бўлдилар. Баҳтга карши, булар борса у шаҳарнинг бозори эди. Бозорни кидириб ё у ёкка чиқдилар, ё бу ёкка чиқдилар, бозорнинг одамларини булар таниб билмади, буларни хам бозорнинг одамлари таний билмади. Кейин меҳмонжойи ахтариб бир дўконнинг олдидан чиқдилар. Бу дўконнинг баққоли отини Амат бакқол деб от берар эдилар. Махмуджонлар, меҳмонмиз, деб отдан тушиб, отларини бояглайвердилар. Амат бакқол буларни меҳмонликка қабул килиб, олдига бир чойнак чойни кўйиб, бозор куни бўлгандан кейин дўкон олдига ўтиб савдо килиб ўтираверди. Амат бакқол кун бўйи уч шойийлик савдо этмас эди. Махмуджонлар чой-чилимдан ёзилишиб, кўлимиздаги коримиз билан бул кишининг вактини хушлайлик, деб дуторларини ялангочлаб, икковлари пардаларини тузиб бир нома бошлидилар, кўяверинг. Бу куйни охирлаб чикгунча у келди-турди, бу келди-турди, бундан дўконнинг олди каппакуругли бўлиб кетаверди. Яхшидан шарофат, савдо хам очилиб кетаверди. Тарози-тарозига қокилишиб кетаверди. Амат бакқол тарози уриб бермакка каради, хотирасига тушган одамдан пулни хаққини олди, хотирасига тушмаган одамлар кийшайиб кетаверди. Бозорнинг, бунинг таърифи шу ернинг подшосига тушди. Таксир, Амат баққол деган икки маҳрам сақлабди, аммо ҳеч кимда савдо бўлмади. Бугун бутун бозорни бойлади, дегандан подшо: боринг Амат баққолни олиб келинг, деди. Бу нима иш?—деди. Подшонинг одамлари келиб Амат баққолнинг оёқ-кўлини таңгуб подшонинг олдига олиб бордилар. Мансур подшо айтадики: Кани эй Амат баққол, бу нима иш сеники, деди. Амат баққол подшонинг одамлари оёқ-кўлини бойлаб келтирганда кўркиб кетган эдики, подшога жавоб берип билмади. Занггар нима учун жавоб бермайсан, бутун бозорни бойлабсан, сенга ким буюрдики, биздан берухсат икки маҳрам сақламокни, деди. Ёлғон сўзлигини билиб Амат баққолнинг жонига сўл югуриб кетди: Таксир, во Ажаб! Ўзи бунинг бир бўша гаш эканку! Ўзи биз кечасига ёқажак чироқ ёғига кайгурувчи кишимиз. Бизнинг кўлимиздан икки кишининг олдидан ўтиб, отли-тўйли этиб кўйини келмас, таксири, дегандан подшо: Нима учун ёлғондан сўзлайсан, бозорни бойлабсанку, сендан бошкада савдо бўлмабди, деди. Таксир! Бизникида илоҳийдан келган бир меҳмонлар бор. Шуни эшиттан бўлманг, деди. Подшо буюрдики: Бор олиб кел, биз хам бир маротаба кўриб қолайлик уни, ким эканлигини билиб сўзидан, эшитиб қолайлик, деди. Амат баққол дўконга келса,

мехмонлар хунук бўлиб ўтирганди. Қани меҳмон йигитлар, хафа бўлманг, сизларни таърифингиз подшога тушган экан, подшонинг олдига бориб кўринмасангизлар бўлмас экан, деди. Маҳмуджон айтдики: Ана холосдан баракалло, ўзимизнинг мақсадимиз ҳам подшонинг олдига бормоқ-эди, деди. Подшонинг олдига бормасак бизнинг ишимиз ҳам битмайди, деди. Гапнинг бу ёни эшиксанги Нигорхон паризод ҳам Маҳмуджонни гойибона тушида кўриб ишкка гирифтор бўлиб, йўл караб, кун санаб юрган эдики, қачон бу Маҳмуджонни кўрар эканмиз, деб. Кизнинг 360 канизи бор эди. Канизларининг ўртасила бир айёр канизи бор эди. Кизнинг харакатидан сезиб юрган эдики, Маҳмуджонларни кўриб, танимаса ҳам таъриф киради: Аммо биби, отангизнинг ёнига икки йигит келди, қоши бундай, кўзи бундай, деб таъриф килгандан кейин қиз канизга сир берди: Аммо каниз, сир бўлмасин ошкор, деди.

Ана шу вактда меҳмон йигитлар отасининг олдида савол-жавоб айтишиб ўтирган эди. Қани эндиғи сўзни Амат баққолдан эшигинг. Амат баққол меҳмонларни олиб боргандан кейин подшо бир четдан ўрин бериб, қани меҳмон йигитлар, каерга борасизлар, каердан келасизлар, ўзларингиз ким бўласизлар, нима иш билан юрибсизлар, деди.

Маҳмуджон жавоб бердики: Таксир, бизлар Ганжи Корабоғ деган ишлотдан чикканмиз. Икки тенгдош, ҳамдард. Бир вакт топиб, вактдан фойдаланиш учун, кўрмаган ерларни кўриш учун, бормаган ерларга бориш учун бир сайд-саҳёт килиб чикканмиз, таксири, деди. Таксир айтдики: кўлларингизда луторларингиз бор, создан-сўздан биладиган ерларингиз борми?-деди. Маҳмуджон жавоб бердики: Таксир, оз-моз, ўзларимизни алдайдиган бир нарсалар бор, деди.

Бизларнинг юртимиизда Шайх Отойи деган бир баҳши ўтган. Шунинг созидан, сўзидан биладиган ерларингиз борми?- деди- подшо. Таксир уни билмаймиз лекин, ўзимизнинг биладиган ишларимиздан десангиз, бир шингил айтиб берсан бўлар, деди. Амат баққол меҳмон эгаси бўлганидан, меҳмонлардан кейинда ўтирган эди, кейинидан келиб Маҳмуджоннинг кулогига шивирлаб юборди: Аммо Маҳмуджон, подшо бир гапни айтган вактида «бilmайman» деб унинг гапнинг оркасига қайтарувчи бўлма. Агарда бир сўзни айтиб, кейинига Шайх Отойи деб кўйсанг бас, Подшо Шайх Отойига мўврини босиб кўйтанийўк, деди. Бул сўзга Маҳмуджон иликиб: Таксир, бир кўшик қўлтиғимда қолган экан, ундан ҳам бир оз-моз билармиз, деди. Нима билсангиз шуни айтиб беринг, кўп ҳамондан бери шунга муҳтоҷ ётганмиз, деди подшо. Маҳмуджон: Нималарни айтсан Шайх Отойига мантзар экан, деган фикр билан калкумини кўтарса, юкорида оқ-оппоқ, юпка дудок, бодомковок бир киз бўйинни чўзиб-чўзиб, Маҳмуджоннинг кўзига караб турган эди.

Маҳмуджоннинг кўзи Нигорхонга тушгандан, подшонинг буюрган сўзи Маҳмуджоннинг ёдидан чиқиб ўта кетди. Шу ўринда оғзидағи айтмокчи сўзини кизга караб тўғирлаб юбораверди:

Кўп жафо чекдим йўлингда, эй Нигорим, тўғриси,
Сен менга килсанг жафо, эй жонажоним тўғриси,
Кечалар майлар ичиб, кундуз хуморим тўғриси,

Сен менга кылсанг жабр, эй, жонажоним түгриси,
Мен сенга муштоқман, эй жонажоним түгриси.

Кечалар майлар ичиб, дол бўйнига кўйлак бичиб,
Тўшак ёзсан сени кучиб, эй сарвинаозим түгриси.
Ок юзингда қаро зулфинг, булатга мангзар эмиш,
Ёрим кўриб гул юзингни, мен бекарорам түгриси.
Шайх Отойи хаста экан, келди Маҳмуд сўрмока,
Мен сенга муштоқман, эй, жонажоним түгриси.

Маҳмуджон бу сўзни тамом килгандан кейин подшо, бир юкори-пастини инглаб кўрса, маъшукий, шири-шакар бир мазали сўз. Аммо Амат баккол, бу меҳмонларнинг таърифга жуда тўғри келди, деб кўяверди, у ёк-бу ёти билан иши бўлмасдан. -Меҳмонларинг узок йўлдан келиб чарчаган эканлар. Сен буларни обориб, бир юмшоқрок жойла ётириб, корнини ҳам паловдан тўйғазиб, бир дамини бериб олиб келсанг, эрталабки салқинда кайтадан айттириб бир эшитаверадиган, бир асл-фозил йигитлар экан булар, деди. Амат баккол: -Ажаб бўлур, деб меҳмонларни эргаштириб турди.

Эндиgi сўзни Нигорхон паризоддан эшитинг. Нигорхон канизига буюрдики: Амат бакколникига етирмасдан Маҳмуджон билан яхши танишиб бу ёкка олиб кайт, деди. Амат баккол деган бир камбагал киши. Унда юмшоқ жой нима килади, палов нима килади унда, деди. Илдам каниз аста тушиб, секин буларнинг кейинидан равона бўлиб, Амат бакколникига етирмасдан орқасидан бориб Маҳмуджонни ушлаб арзу-холини айтиб, яхши танишиб, Нигорхон паризоднинг боғига олиб кайтаверди. Нигорхон паризод булар боргунча, ичкарида бир асл саройи бор эди, тўшатиб. Маҳмуджоннинг одига бир тилло курсини кўйиб, ўзи олдинроқда бир тилло курсида ўтириб ўйлаб кўрди: Маҳмуджон келган вактда мен очик равиша унинг одига чиқмайин, Маҳмуджон кўриб мендан ройи қайтмасину, мен одоб билан етти қават парда ичига кириб ўтирайин, деб, етти қават парданнинг ичига кириб, зулфларини ҳам олдига ташлаб, оёкини чалиштириб, копи томонга караб ўгирилиб ўтираверди. Эндиgi сўзни каниздан эшитинг.

Каниз шу вактда Маҳмуджонни эргаштириб обориб бокка кирди, уч юз олтмиш каниз, саф тортиб, Маҳмуджонни карши олди. Нигорхон паризоддан салом-алик бўлмади. Маҳмуджон ўладики: Бу лолмикан, гунгмикан, мен буни фалон кунлик йўлдан излаб келибман. Кўлимга созимни олиб теккизиб, бир шеър айтиб берай, деб Нигорхон паризодга караб айтган шеъри:

Узок йўлдан сени дейиб келмишам,
Кулоқ солгин арзу-хола Нигорим.
Сани бундоклигинг энди билибман,
Кулоқ солгин арзу-хола, Нигорим.

Сайрон этиб шул ерларда юрибман,
Тенги-тушим билан даврон суриман,
Шукур сенинг гул юзингни кўрибман,
Куллуклар айласам сизга, Нигорим.

Кайта бошдин йўл шаробин ичайлик,
Боғларингда мушкин-анбар сочайлик,
Элларим бор менинг боғу-боғчалик,
Куллуклар айласам сизга, Нигорим.

Қизил гулгунчамсан, боғча-боғимсан,
Боғ ичинда битган олма-норимсан,
Ошик Махмуд Нигорхонни ёрисан,
Тутмагил юзингга парда, Нигорим.

Махмуджон сўзини тамом қилгандан кейин Нигорхон еридан туриб, етти кават парданинг ичидаи чикиб, зулфларини ҳам олдига ташлаб икки букилиб салом берди. Кейин Махмуджонни чой-чилимдан ёзилтириб, олдидан кирк турли ғаомларни ўтириди. Подшо ғайтган эдики, -Махмуджон корнини тўйғизгандан кейин, уни юмшок жойда ётириб, бир оз дам беринг деган эди. Қизнинг кун кўрмин, чанг тушмай турган кўрпа-тўшаклари бор эди, отига Чиннихон деб от берар эдилар, туркман тилида йўрғон дейди. Етти кават тўшакни кўйиб, тивитли одялни ёзиб ташлаб, жуфтдан ёстикни кўйиб, Махмуджонни кўрпага солиб ёткизди. Махмуджон юмшок жойга танаси теккандан уйкуга мойил бўлиб кетаверди.

Нигорхон паризод ухламасдан тонгини оттириди, кейин чой-чилимдан ёзилиб ўтириди, Махмуджон жойидан туриб билмади.

Махмуджон бир маҳал кўзини гафлатдан очиб кўрса, кун кунерта бўлиб нешинга караб оғиб борётириб эди. Подшоҳ топширган эдики: -Аzon салқинда лўстлар билан ғайттириб, эшитамиз деган эди. Бу сўз Махмуджоннинг ёдига ғушиб, еридан туриб, нарса-каросини кийиб, йўлига равона бўлди. Нигорхон паризод шаргта билакидан тутиб, икковлари тотолашиб дарвозани олдига бордилар. Махмуджон кетишга машғул бўлгандан кейин Нигорхон паризоднинг Махмуджонга караб айтган шеъри:

Уч йил бўлди, Махмуд, сени кўргали,
Хуш келдинг севдигим, сабо келибсиз.
Олтин пиёладан шароб ичгали,
Хуш келдинг севдигим, сабо келибсиз.

Олти йилдир бир кун роҳат кўрмадим,
Тенгу тушим билан даврон сурмадим,
Улуг тўйлар бериб мажлис курмадим,
Хуш келдинг севдигим, сабо келибсиз.

Сиё зулғим ок юзимга тўлолмай,
Бахор бўлса гулу-лола теролмай,
Уч йил бўлди менинг ҳолим сўролмай,
Хуш келдинг севдигим, сабо келибсиз.

Хабарим олмадинг шу гул юзимдин,
Бир кўриб бокмадинг ширин тилимдин,
Фам ема Нигорим қолмас изингдин,
Хуш келдинг севгилим, сабо келибсиз.

Нигорхон паризод бу сўзни айтиб тамом қилиб, кўлинда «марҳабо» деган бир рўмоли бор эди, Махмуджонга бериб, Махмуджонни боғдан чиқариб юбораверди. Махмуджон ҳовлиқкан йигит, бу рўмолни олиб кисасида кўяжак вактина, Махмуджоннинг бир олтин юзуги бор эди, шул олтин узукнинг кошига рўмолнинг бир ён кирраси илашиб кисасида осилиб чиқиб колган эди. Рўмолни осилтириб Махмуджон подшонинг олдига борган эди. Камбаржон деган, Махмуджоннинг йўлдоши, Амат бақкол билан эрталаб бориб подшонинг олдинда хайрон бўлиб ўтирган эдик, бу занғгар қаерда колди, подшо «Махмуджон қайдা?», деб савол килса, биз унга нима деб жавоб берар эканмиз, деган фикр билан ўтирган эдилар, Махмуджон ҳам рўмолини осилтириб буларкинг қанталина бориб ўтириди. Камбаржоннинг кўзи рўмола тушгандан кейин икковлари саволи-жавобли, англамасдан айтишган шеъри:

Камбаржон:

Хабар олтил ширин дўстим,
Очилдинг, жўрам, очилдинг.
Рўмодадур менинг қасдим,
Очилдинг, жўрам, очилдинг.

Шу вактда Махмуджон ўйладики: оббо, кеча ёримнинг кошига борганимиз жўрамизга ёқмаган эканов, деб, менинг сиримни фош этди, деб у ҳам Камбаржонга караб жавоб кайтарди. Иккиси бир-бирини англамасдан, саволли-жавобли олишган шеъри:

Махмуджон:

Кечадордим ёр кошина,
Бошинда беш лаълиси бор.
Қалам копили, хумер гўзли,
Манинг жоним оласи бор.

Камбаржон:

Мусоғир жонингни ая,
Хабарингни мендан сўра,
У ён-бу ён ёнига кара,
Очилдинг, жўрам, очилдинг.

Махмуджон:

Кечадориб сир беришиб,
Маст бўлиб коса олишиб,
Маст бўлиб коса беришиб,
Менинг жоним оласи бор.

Камбаржон:

Нечук мастиликда кезарсан,
Жафони чекиб тўзарсан,
Подшо мажлисин бузарсан,

Очилдинг, жўрам, очилдинг.

Махмуджон:

Юзларининг холлари бор.
Лабларининг боллари бор,
Нозли ёрнинг оллари бор,
Менинг жоним оласи бор.

Қамбаржон:

Ғубор келтирма юзингга,
Кўрсатма душман кўзига,
Тушунгил Қамбар сўзига,
Очилдинг, жўрам, очилдинг.

Махмуджон:

Хабар олмадинг ўзимдан,
Билмадим дўстим кўзимдан,
Махмуд кайтмас хеч сўзиндан,
Менинг жоним олоси бор.

Сўзнинг бошдан-оёқига подшо кулок кўйиб турса, бир «очилдинг, ёпилдинг» деган бостирикли сўз. Ёнидаги бўлган сухбатдошларидан сўрадики: - Қани биродарлар, булатнинг сўзига тушунганинг борми? Бирори «очилдинг» деди, бирори «ёпилдинг», деди, бу сўз нималардан иборат, деганда, булат бормас бурун подшонинг кирқ созандা йигитлари бор эди, подшонинг отини миниб, тўнини кийиб пулини ўйнаб юрган «ёллик тор» йигитлардан, ичидан бирори чиқдила:

-Таксир, булатнинг сўзина тушунишмадингизми? -деди. Йўқ тушунмадик, деди подшо.

-Унда билган ерларимизни айтиб билдирасак кандай бўлар экан, деганда, подшо: -Айтсангам зиёни бўлмас, сўзнинг иборасини олгунча кийин бўлади, деди. -Ол эса, Махмуджон деган ўғлон окшом кизингизнинг ёнига борган. Ул кизингиз хам бунга марҳабо деган рўмолини берган, шул рўмол Махмуджоннинг кисасидан чиқиб турибди. Қамбаржон сўз айтадики, максад-шу рўмолни яширища. Бундан бехабар Махмуджон бунинг саволига жавоб бериб ўтирибди, таксир. Очилдинг, ёпилдинг деган сўзнинг маъноси -бу, дедилар. Нигорхон паризоднинг берган рўмоли, караса Махмуджоннинг чўнтағидан осилиб чиқиб турибди.

Подшо даркахр газаб бўлди -да: -Бу шахарни бизига ҳаром этган экан булат, булатнинг иккисини обориб, боғнинг тўрига ўтириб анжирнинг тагига кўмининг, гапи майдона чикмасин булатнинг, деди.

Подшонинг сухбатида акли расо йигитлардан бўлган вазирлари бор эди. Ичидан бирори турди-да: -Таксир тўхтанг, шу бораётган йўлингиздан кайтинг, сўзни аввалини олиб сўзлаймиз, аввалига олиб сўзламасак бўлмайдиган бўлди. Лекин бир-икки йигитни ўлдириб юртни бузипга харакат килманг таксир, кайтинг шу борётган йўлингиздан, дедилар. Амат бақколнинг на гунохи бор эди, уни тангиб олдиридингиз, дедилар,- унда хеч гуноҳ йўқ эди. Агарда, булатнинг таърифи сизга кандай тушган бўлса, уларнинг таърифи сизнинг кизга ҳам тушиб, олиб бориб айттирган бўлса, байрокига бир рўмол бергандир, дедилар. Шунинг учун ҳам икки йигитни ўлдириб юртни бузишга харакат килманг, таксир, ҳамма биладики, Нигорхоннинг рўмоли, кўриниб турибди, дедилар. Шунда подшо

айтдикى: -Бизнинг отимизни миниб, түнимизни кийиб, пулимиzinи ўйнаб юрган йигитларнинг сўзлари шу бўладиган бўлса, молларини подшолик хисобига олиб ўзларини кувалаб чикариб юборинг, юртдан кетсан булар, деди. Махмуджонга буюрдикى, бугунги сұхбатимизда хам хаз-хузур кўринмади. отларингизни эгарлаб келинг, кумо чикиб ов овлаб, кейик кувлаб бир кўпигилни кўтариб кайтайлик, деди. Махмуджон билан Қамбаржон отларини эгарлаб келдилар, подшо уларни маҳрамларига кўшиб, шикорга обчикиб кетаверди. Борар экан, Махмуджоннинг отининг бир оёки бир ўйга тушиб кетди, Махмуджон отдан беҳуш бўлиб йикилди. Махмуджонни подшо буюрдики: -Бу юришларга бўлмайди экан, обориб саройда кўйиб кайтинг, деди.

Қамбаржон Махмуджонни кальяни дарвозасидан киргизиб, кейнига караб кайтди. Махмуджон шахар-ичига кириб, кальянинг ичидан келаверсин, эндиги сўзни бояги айғокчилардан эшитинг.

Майдонга чикиб ўйлаб кўрдилар:

-Икки бола келиб кирк хўжаликни тутагиб юбораверами? Кайтадан буни бир кўрали, деб девона кийимларини қийиб, кўлига бир таёкни олиб, улар кўча кидириб юрган эдилар. Махмуджон шу келишида, келиб уларга дуч келиб тураверди. Махмуджонни отдан тортиб олавериб туриб, ўлмасдан бери этиб уриб, дарё хам якин эди, обориб дарёга ташлаб юборавердилар. -Бунинг ўлик-тириги хам мъзум бўлмасин, деб.

Канизлар буни кўриб, бориб Нигорхон паризода бориб муножот килдилар:

-Аммо биби уч бангти каландар Махмуджонни уриб, ўлмасдан бери этиб, обориб дарёга ташлади, дедилар. Нигорхон буюрдикى: -Шу дарёning бўйига мени оборинглар, деди. Канизлар эргалитириб дарёning бўйига уни обордилар. Нигорхон паризод дарёning бўйига бориб, бейикрок жойга чикиб, юкори-пастини кўриб турса, Махмуджон гирдобда чўмиб-чикиб окиб келаётир эди. Махмуджон Нигорхоннинг олдига келиб, гирдобда айланган вактинда кўзи Нигорхонга тушиб, Нигорхоннинг кўзи Махмуджонга тушиб, бири дарёning ичидан, бири сувнинг кирғогида савол-жавоб олишган шеъри:

Махмуджон:

Ғаним тутди менинг йўлим,
Энди менга сендан бўлди.
Хозир келди кўрдим ўлим,
Энди менга сендан бўлди.

Нигорхон:

Курбонинг бўлайин ёрим,
Мен билурман мендан бўлди.
Махмуд менинг интизорим.
Мен билурман мендан бўлди.

Махмуджон:

Оллоҳ бизни хайрон этди,
Сув юзинда сайрон этди,
Бир «марҳабо» вайрон этди,
Энди менга сендан бўлди.

Нигорхон:

Махмуджон гирдобда колди.
 Шахло кўзим анинг кўрди,
 Матъун бўлиб бўйин сунди.
 Ман билурман мендан бўлди.

Махмуджон:

Махмуд айтур, кел кетали,
 Ҳакнинг амрини тутали,
 Бу меҳнатга шукур этали,
 Ажаб паймонамиз тўлди.

Нигорхон:

Бу сўзимда ёлғон бўлмас,
 Ажал етмай ўлим бўлмас,
 Нигорхонинг сендин колмас,
 Мен билурман мендан бўлди.

Нигорхон паризод сўзини тамом қилгандан кейин: -Мен сендан колиб не йўламан, деб канот кокиб, парвоз этиб Махмуджоннинг устига караб, дарёнинг ёнига караб отди ўзини. Икковлари ҳам сув юзида кучоклашиб окиб бадар етдилар.

Подшо намозгар-намозшомда шикорни бўлиб кальяга кайтди. Камбаржон сайдирок кальяга кириб кўрса канизлар йигфлашиб турган эди. Савол килдики: -Кани, нима учун йиглайсизлар? Канизлар воеани баён этдилар: -Уч бангги саландар, Махмуджонни уриб, ўлмасдан бери этиб, обориб дарёга ташлади. Нигорхон ҳам унинг изидан бориб ўзини дарёга ташлаб, икковлари окиб бадар етди, дедилар. Камбаржон айтдики: -Уларни дарёга ташлаган жойини менга ёрсатинг. Канизлар Қамбаржонни дарёнинг бўйига олиб бордилар. Шунда Камбаржон ох уриб, нолаю-фиғон килди ер-кўк ларзага келди.

Камбаржон дарёга караб бир шеър айтди:

Ғофил эрдим келдим энди бу жойга,
 Конхўр дарё, кариндошим найладинг,
 Йилим тўлди, куним кечар ҳар ойга,
 Конхўр дарё, кариндошим найладинг.

Ғанимлар тўсдими сенинг йўлингни,
 Богладими сенинг нозик кўлингни,
 Калимага келтиридими тилингни,
 Конхўр дарё, кариндошимни найладинг.

Йўлдошидан айрилибон қолибдур,
 Кизил юзи қаҳрабодини сўлибдур,
 Билинг дўстлар бугун Қамбар ўлибдур,
 Конхўр дарё, кариндошимни найладинг.

Камбаржон сўзини тамом қилиб бўлгандан кейин, бориб шахар ичига кириб, ўзимон эгаси бўлгандан кейин Амат бакколни топиб: -Буларни ё ўлигини, ё

тиригини топайлик, деб дарё ёкалаң кетдилар. Булар шу борища кемачи, балиқчи, кайикчидан Махмуджон билан Нигорхонни сүрағ бир шеър айтди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Махмуджонни күрган борми?
Билмам бу қайси маконлар,
Эржахонни күрган борми?

Йиглаб колди бизнинг эллар,
Хазон бўлди, сўлди гуллар,
Сахар вақти эсган еллар,
Махмуджонни күрган борми?

Душман маломатлар такиб,
Қаҳбо фалак бағрим ёкиб,
Икки ўлик кетди окиб,
Иккисини күрган борми?
Камбар, айтур, бу не сирдур,
Қаҳрабодзин сўлгая юздир,
Бири ўғил, бири киздур,
Иккисини күрган борми?

Камбаржон сўзини айтиб тамом килгандан кейин, баликчилар айтди:

-Хончўғил, бизлар шу дарёдан бир ўлик чавъак ўтса хам кўрар эдик, лекин бу якин орала дарёдан ўлик окиб ўтмади. Лекин шу якин ўргада Бибихон деганинг боғи бор, шу боғда бир ховуз бор, ховузнинг солмасининг тўнгирткаси дарё сакасига туташади. Бориб шу Бибихондан сўрағ кўринг. Ховузининг солмасини кўринг, тўнгирткага тикилиб колган бўлмасин, деди. Амат баққол билан Камбаржон бориб, Бибихоннинг боғига кириб, Бибихондан Махмуджон билан Камбаржонни сўрадилар. Бибихон айтди:

- Эрта билан чой ичиб ўтирган вактимда икки ўлик окиб келиб тўнгирткага тикилди. Олдириб гуллар орасида кўйдирдим, деди. Камбаржон бориб кўрса Махмуджон билан Нигорхон ойдай, офтобдай бўлиб ётибди. Камбаржон кўлига созини олиб буларга караб бир шеър айтди:

Ётибмисиз кўзинг сузиб,
Махмуджоним, тур ерингдан.
Азиз жондан умид узиб,
Эркахоним, тур ерингдан.

Мен юрибман эллар кезиб,
Айроликка бағрим дузиб,
Ётибмисиз кўзинг сузиб,
Махмуджоним, тур ерингдан.

Бора билмадим ёнинга,
Кирибсан ажай тўнинга,

Ўт солдинг Камбар жонига,
Эркахоним, тур ерингдан.

Камбаржон сўзини тамом килгандан кейин ҳакимларни олиб келиб буларни қаратдилар. Иккаласи ҳам аксириб ўридан турдилар. Махмуджон билан Нигорхон паризод дарёдан окиб келиб, Бибихоннинг богидан чикиб тирилди, леган сўз бутун оламга овоза бўлиб кетди, бориб Мансур подшонинг қулогига стди. Подшо айтдик: - Ҳеч замонда ўлган тириладими? - деди.

- Тирилади, деб ишонтирганларидан кейин 40 кечую - 40 кундуз тўй-томоша килиб, хушвакт-хуррамлик билан Нигорхонни Махмуджонга никоҳ этиб бердилар. Нигорхон билан Махмуджон мурод-максадига егдилар, сизлар ҳам муроду-максадингизга етинг.

Махмуджон билан Нигорхоннинг таъриф-тавсифлари шундан иборат.

БОЗИРГОН (китобий вариант)

Аммо ровийлар андог ривоят килурларким, чаҳор дагли Чамлибел вилоятинда. Гўрўғли леган мард йигит ўтди. Кунлардин бир кун Гўрўғли Шабистон вилоятина чоповулға бориб, Хунхоршохни доғигиб, киз-жувонини ўлжа олиб кайтди. Эрса Хунхоршохнинг ўғли Махмуд Исфаҳон вилоятининг подшиси Лаҳқашохнинг олдига паноҳ истаб келди. Отасиз етимлик дарди бирла келган шаҳзода Лаҳқашохга қараб бир калима сўз айди:

Бир сунни келибам Чамлибелиннан,
Гуржистонни чопиб кетди бир сунни.
Нардек бўлиб саваш куриб майдонда,
Гуржистонни чалиб кетди бир сунни.

Бедовин ўйнатиб кирди майдона.
Душманни солиб охир замона.
Бир нечаси ошиқ кизу жувона,
Гуржистонни чопиб кетди бир сунни.

Соллона- мастана саваша кирди,
Олдина чинканди ўлдирди кирди,
Ғазаб айлаб Хунхоршохни ўлдирди,
Гуржистонни чопиб кетди бир сунни.

Худо эрмиш мудом ани панохи,
Мухаммаддур мудом ани ҳамрохи,
Мадад бермиш анга қаъба ҳудойи,
Гуржистонни чопиб кетди бир сунни.

Шаҳзода дер, манда тоқат колмади.
Сабрим тугаб ҳам фароғат колмади,
Дилоромсиз танда роҳат колмади,
Гуржистонни чопиб кетди бир сунни.

Алкисса, отасиз, сингилсиз колган шаҳзода Лаҳқашохнинг оёғига бош қўйиб

зор – зор йиглади. Дарғазаб бўлган Лахкашоҳ тожини ерга уриб, ё ўзини ўлдираин, ё юртини вайрон килайин деб, бир неча кўшин бирла душман устига юрар бўлди. Шунда унинг бир вазири айдики, эй шохим, сиз анга бас кела олмассиз. Агар сўзингизни ўtkаза билсантиз Сеистон, вилоятила Салсол авлодидин Бозиргон деган йигит бор. Гўрўғлиниң душмани бўлиб енгса шу енгар. Эрса подшо Бозиргонга киши юборди. Бозиргон подшо хузурига келиб, подшо бирла кўришиб, сўрашиб бўлгон, подшо Бозиргонга тамоми воеаларни бир-бир баён этди. Анда Бозиргон подшога караб бир сўз аиди:

Амр қилғил манго шохим,
Шул суннини хор айларам.
Савашгоҳдур манинг жойим,
Охиратга ор айларам.

Беруб душманинг додини,
Кириб ахли авлодини,
Келтириб паризодини,
Ман санго дилдор айларам.
Вайрон этиб хону монин,
Ўлжалаб кизу жувонин,
Асир айлаб Авазхонин,
Санго хизматкор айларам.

Кеңг майдонда саваш очиб,
Киличимнан қонлар сочиб,
Тоза маҳбубларин кучиб,
Кўнглимни шодмон айларам.

Шохим, санго етди даврон,
Айланмайин соат, замон,
Омон бўлса бул Бозиргон,
Ер бирла яксон айларам.

Алкисса андин сўнг Лахкашоҳ аиди: эй Бозиргон, эмди на максадинг бўлса, тилагил, деди. Анда Бозиргон аиди 40 тева зар-жавохир бергил, савдолаб Гўрўғлиниң юртига борурман, закот деб ёнимга келса, учимни анда олурман, деди. Андин сўнг Лахкашоҳ Бозиргонга 40 тева зар-жавохир берди. Эрса Бозиргон кирк тевага зар-жавохирларни юклаб, Лахкашоҳдин рухсат олиб, ўз юртига караб равона бўлди.

Энди сўзни Бозиргоннинг синглиси Ойсултон паридин эшиитинглар. Эрса Ойсултон бечора оғаси кетганин сўнг, бир ёмон туш кўриб, кўб хафа бўлиб, тишло саройнинг устига чиқиб, Бозиргоннинг йўлига карап эрди. Эрса узокдин Бозиргоннинг қорасини кўриб, шодмон бўлди. Анда Бозиргон келиб, синглиси бирла сихат, саломатлик сўраб, Гўрўғлибек устига кетмагин Ойсултон синглисига таъриф этди. Анда Ойсултон кўрган тушин оғасига айтиб, сочин олдига солиб Бозиргон оға кетма, деб Ойсултон паризод бир сўз деди:

Мундин кетар бўлсанг ёлғиз жон оғам,

Дийдор киёмета колса найларам.
Сен келгунча йиглаб тутарман мотам,
Лошинің чүл ерларда колса найларам.

Кирон келмиш онинг пайғамбарина,
Сигиниб ул замон қучли пирина,
Борма, дерман оғам Чамлибелина,
Эр пирлари дасттир бўлса найларман.

Мадад берса анго Каъба худойи,
Мухаммадир онинг пушти панохи,
Али эрмиш мудом анинг ҳамрохи,
Шоҳимардан дасттир бўлса найларман.

Мен йиғларман оғам ёғиздир бошим,
Ёмондур ахволим, бу кўрган тушим
Сенинг учун тинмас кўзимда ёшим,
Султон киза кисмат бўлса найларман.

Алкисса андин сўнг Бозиргон синглиснинг сўзига қулок солмай кетаберди.
Бир исчада мансиллар йўл юриб Ораз дарёсининг лабида кўш ташлаб, уч кун
ётди. Анда Гўрўғлидин хеч ном- нишон тоғмади. Эмди юргига бориб бир хабар
олмасам бўймас деб, Гўрўғлининг қалъасига бориб кўчаларни сайр этиб юрур
эради. Ногоҳон Гўрўғлининг хотуни оға Юнуснинг бир канизаги кўчада Бозиргонга
кўзи тушиб, ошику бекарор бўлиб, оға Юнуснинг ёнига келиб, Бозиргонни таъриф
килиб бир сўз деди:

Кулок сол, бибижон, эшит арзимни,
Кўзима бир моҳитобон кўринди.
Окил эрсанг фахм айлагил сўзимни,
Гўё бир Юсуфи Канъон кўрунди.

Аннингдек хеч йигит жаҳона келмас
Юзини кўрганин карори бўлмас,
Василия етганин армони бўлмас,
Гул юзлари моҳитобон кўрунди.

Кўриб они бўлдим бугун бекарор,
Жонимда колмади зарра ихтиёр,
Ойдек юзларини шуъласи урар,
Булбул каби сайраб нолон кўрунди.

Они кўриб ошиқ бўлдим, бибижон,
Ман анинг ишқинда тортарман афғон,
Ёхуд султонзода, йўқса Бозиргон,
Жамоли бир замон меҳмон кўрунди.

Алкисса андин сўнг Оға Юнус ҳам кўрмай гойибона ошиқ бўлиб айди: «Эй

канизак, санинг бирла мен хам борурман! Агар айтгонинг рост бўлса яхшилур. агар рост бўлмаса терингни сўйдуруб самон тикурман деб, асл лиbosларин кийиб, кирк канизига хам асл лиbosлар кийдуруб кўча бирла Бозиргон ёнига караб юруш килдилар. Ногоҳ Бозиргон тиллас кокилларин белига чулғаб келур эрди. Эрса Оға Юнус пари олдидин чикиб, Бозиргонга иккичи букишиб салом берди. Бозиргон они кўриб, бехуш бўлди. Боз ҳушига келиб турди. Анда Оға Юнус Бозиргонни тилло саройига тушурив, кўлига соз олиб, бир сўз деди:

Эй ошиқ гул юзли нозанни жонон,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил-макона.
Хуснингиз ўхшамиш Юсуф Канъона,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил-макона.

Бошига кийибсан мурассас тожи,
Кўрган одам бўлур хуснинг мухтожи,
Хар юзимдин келиб ол тўққиз божи,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил – макона.

Ханжар чекиб бағрим кона тўлдирдинг,
Ибо бирла аклу хушим олдурдинг,
Ғамза бирла нозли дилбар ўлдурдинг,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил- макона.

Аслимиз паридур булдур нишоним,
Агар ошкор этсам сирри нишоним,
Қалъай Чингиздур менинг маконим,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил- макона.

Оға Юнус айттур, азиз меҳмоним,
Бу кечадавронни суринг жононим,
Йўлингизда фидо бу ширин жоним,
Хуш келибсиз, бизнинг манзил- макона.
Алқисса андин кейин Бозиргон оға Юнус парига караб бир сўз аиди. Фазали Бозиргон:

Гуллек юзларингдин кўтарма парда,
Паризодим, бевафони севманам.
Не вафо килибсан анингдек марда,
Мард ўглиман, бевафони севманам.

Кўнглингни олибдур шайтон хаёли,
Фойдасиздир харомининг жамоли,
Ёлғончидаги тиланг ёри ҳалоли,
Паризодим, бевафони севманам.

Зиночининг бўлмас ҳаргиз иймони,
Юзинда нури йўқ, билмас оллони,

Азоб тортар анда неча замони.
Паризодим, бевафони севманам.

Зинокор заифни анда осарлар,
Хароми кылғоннинг тилин кесарлар,
Оғиздин ҳам кайсок сувни қуярлар,
Мард ўғлиман бевафони севманам.

Салсолини авлоди отим Базиргон.
Ённим ўн бешдадур, талабим майдон.
Гүрӯғлини килгум ер бирла яксон
Паризодим, бевафони севманам.

Алкисса, андин кейин Бозиргон бир неча хатларни Гүрӯғлининг эшигига ташлаб, ўз күшига бориб фарогатда бўлсун, эмди сўзни Гүрӯғлибекдин эшитингларким, аммо Гүрӯғлибек кунлардин бир кун Усмонлидан келиб, этган ишларидин таъриф килиб, кўлига тилла созин олиб, кирк йигиттинг ёнинда ўтируриб, анда Гүрӯғлибек вағоски айди:

Ўн саккиз арчин от миндим,
Отдин армоним колмади.
Зарли тўшакнинг устинда
Ётдим, армоним колмади.

Илгор уриб йўл бошладим,
Дарбандда илгор ташладим,
Миндим араб от, қашладим,
Сурдим, армоним колмади.

Саваш куни қуйрук эшдим
Душман бирла кўп тутушдим.
Куффор бирла қиличлашдим,
Чопдим, армоним колмади.

Хийлакаш нар каби масдим,
Ғаним кўрсам бошин кесдим,
Илгор юриб йўллар тўсдим,
Тўсдим, арменим колмади.

Майдон меснинг деюб юрдим,
Йигитлик мавсумин кўрдим,
Догитиб ўтогин кирдим,
Кирдим, армоним қолмади.

Ўтди умрим қолмай боки,
Гашт этиб якин- йироги,

Илғордин Ширвон, Шемохи,
Буздим, армоним қолмади.

Сурдим дунёда давронни,
Жонда кўймадим армонни,
Қилич қабзасидин қонни,
Сочдим, армоним қолмади.

Тилло жига калпоклисан,
Каро семиз телпаклисан,
Гўрўғли айтур қалпоклисан,
Сотдим армоним қолмади.

Алкисса андин кейин Оға Юнус паризод айдиким, «Ай Гўрўғли, сан мунча лоф уруб, мактануб ултурубсан», Салсолнинг ўғли Бозиргон деган Сеистон юртидин келиб, сани ўлтириб, юртингни хароб айлаб, Булдуру кассобни ўғли Авазхонинг олмокға келуб, сани топмай, эшигинга бир неча хатлар ёзуб, уч кун бўлди кетибдур. Албатта шу ерларда бордур, дегач. Гўрўғлибекнинг қаҳри келиб, даргазаб бўлуб, Олибек Болибек, Сарсанғибек, Сафар кўса ва кирк йигитин ёнига олиб кета берди. Бир неча манзиллар йўл юруб бориб кўрсалар Бозиргон Ораз дарёсидин нарларин ўтуруб, уч филни устинда тахт куруб устига миниб кетуб борадур.

Аммо Гўрўғлибек кирк йигитин шул ерда кўйиб, танҳо ўзи ўки ёйини бўйнига осиб бориб, Бозиргонга салом берди.

Анда Бозиргон аиди; яхши йигит, кайдин келиб ва кайда борурсан? Отинг кимдур?-деди. Анда Гўрўғлибек аиди: Ман Гўрўғлибекни хизматкоридурман, манинг отим Равшанбекдур, деди, Гўрўғлибек манинг оғамдур, оғам санго закотини бериб кетсун, деб мани юборди, деди.

Анда Бозиргон аиди «Ман Гўрўғлига закот бермасман. Анда Равшанбек аиди: «Агар закот бермас бўлсанг, оғам Гўрўғлибек сани кўб ёмон қилур, деди. Анда Бозиргон аиди: Ман Гўрўғлидин кўркмасман, деди. Анда Гўрўғлибек аиди: агар сан кўркмас бўлсанг, ина оғамни ёйи, букиб кўргил, деб икки бошини бир ерга келтуруб, Бозиргонни кўлига берди. Анда Бозиргон ёйни икки бўлиб синдуриб, кўлига олиб кетаберди. Анда Гўрўғлибек Бозиргонга ёлбориб айдики, «Эй Бозиргон оға , бу ёй ўзимни ёйим эрмас», бу ёй учун оғам мани ўлтирур, деб кўб-кўб ёлборди. Анда Бозиргон ёйни Гўрўғлиниг олдига ташлади.

Гўрўғли ёйни олиб, изига караб, гуррос уриб, ҳай-ҳай, кочконга рахмат, кўшилғанга баракат, бу ерда турганга лальнат, деб изига карай-карай бадар кетди. Кирк йигитин ёнига чакириб тилло созини кўлига олиб, йигитларга караб бир жавоб аиди:

Оғалар, Ораз бўйинда,
Ман Бозиргонга учрадим.
Бесоат сафар ойдинда,
Ман Бозиргонга учрадим .

Ораздин ўтди оёғи,
Қалқона мангзар қулоги,
Девлара мангзар сиёғи,
Ман Бозиргонга учрадим.

Нарларин дарёдин ўтуран,
Оркасиға қалкон тутан,
Акли хушимни кочирғон,
Курт Бозиргонға учрадим.

Била олмадим жойини,
Йитурдим акли ўйимни,
Уруб синдерди ёйимни,
Зүр Бозиргонға учрадим.

Бир маслахат этган яхши.
Обрўй бирлан кайтған яхши,
Гўрўғли айтур кетган яхши,
Ман Бозиргонға үғрадим.

Алкисса андин кейин Сафар кўса аиди: Эй номард Гўрўғли, қирқ йигит ёнингда бўлса, менингдек баҳодирларинг-да ёнингда бўлса, ҳар кайсимиз бир юмруқ урсак Бозиргонни кунфаяқун қилурмиз деб, кўб лоғ-коғ урди.

Анда Гўрўғли қирқ йигитини ёнига олиб, дарҳол отланиб, Бозиргонни изидин етдилар. Анда Гўрўғли Бозиргонни олдиға чикиб, кайт-ҳо Бозиргон йўл мунда деб, бир сўз аиди:

Сабодин угродинг кўла,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.
Гоҳи соғдин, гоҳи сўла,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.

Ман шоҳдурман, тожим бордур,
Санинг бирлан важим борлур,
Етти йиллик божим бордир,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.

Бу ердин юбарман сани,
Тополмай кетдингми мани,
Кел божим бер, кул армани,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.

Майдонда тўкилур қонинг,
Эмди ўқигил, имонинг,
Божин бергил, Авазхоннинг,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.

Гүрүгли юртда эркадур,
Авајжона галан юқдур,
Арзиумни йўди беркдур,
Қайт-ҳо, Бозиргон йўл мунда.

Алкисса андин сўнг Бозиргон Гүрүглини бу сўзни эшишиб, филин тўхтотиб, караб турди.

Анда Гүрүғлибек Бозиргонга караб савол сўргони, Бозиргоннинг жавоб бергани билан газал турур.

Гүрүғли:

Ўжа тоғдин эниб келдим ёнинга,
Закотингни бериб кетгин, Бозиргон.
Ўзинг сабаб бўлдинг бугун конинга,
Закотингни бериб кетгин, Бозиргон.

Бозиргон :

Орзу айлаб келдим Чамлибелина,
Ўзи ўлмай закот бермас Бозиргон.
Ман турманам хар одамни ўзина,
Келмай – кетмай закот бермас Бозиргон.

Гүрүғли:

Бугун кимлигимни мани билмадинг,
Эр йигитни эрлигини билмадинг
Ўзинг ўлиб, лошинг колди кўрмадинг,
Ташқик ўлар бўлдинг эмди Бозиргон.

Бозиргон:

Хақдин фармон бўлмағунча ўлмасман,
Сани бир хас каби кўзга илмасман,
Такдиримда нима борин билманам,
Калла кетмай закот бермас Бозиргон.

Гүрүғли:

Гўрўғли айтур пирим ҳазрат Алидур,
Хақнинг даргохинда сўроқлидур,
Муродим- мақсадим кассоб ўғлидур,
Закотингни бериб кетгин, Бозиргон.

Бозиргон:

Санинг бирла марду – майдон сурушмай,
Найза олиб, бир-бир килич урушмай,
Соллонишиб мардонавор тутишмай,
Ўзи ўлмай закот бермас Бозиргон.

Алкисса андин сўнг Гўрўғлибек кирк йигити бирла Бозиргонга найза солдилар, Бозиргон дарҳол наизаларини кўлларидин олиб, Гўрўғлининг қирк йигити бирла ўраб-чиrmab босди. Андин кейин Гўрўғлибек бирла Бозиргон иккилари билакларидин маҳкам тутишиб олдилар. Ерлар санкор-санкор бўлди ва гардчанг осмонга чиқди. Алкисса кўб талашиб, Бозиргон Гўрўғлига зўр келиб кўтариб ерга уриб, кўксига чиқиб Гўрўғлининг бўйнига халжар кўяр бўлди. Анда Гўрўғлибек Ҳазрат Али пирига сингиниб, кўигли бузилиб, зор-зор йиглаб бир сўз

деди: Җазали Гүрүғли:

Ман кечарман бу кун фоний дунёдин,
Күнглимда күп доги армон колгондур.
Умид уздим эмди йўту боримдин,
Йиғноғон молу мулк вайрон бўлғондур.

Гулшанда булбулни гули бўлмаса,
Ғўч йигит отланса йўли бўлмаса,
Изинда зурёди-ўғли бўлмаса,
Билинг, эмли рухим хайрон бўлғондур.

Ғанимлар йўл олди кору боримдин,
Умид уздим ҳарна йўку боримдин,
Шохимардон хабар олғил ҳолимдин,
Нафас ўғлинг зору гирён бўлғондур.

Фалакни илгина етар фарёдим,
Етмасдур оллоға манинг бу додим,
Изимда колғон йўқ манинг зурёдим,
Рухим гадо бўлиб эмди колгондур,

Сифиндим ман санго ё Шохимардон,
Мани бу балодин қўйма саргардан,
Ўрнимда колмади бир ному нишон,
Молу мулким вайрон бўлиб колгондур.

Бугун манго дунё бўлубдур кафас,
Қуон каби дарёлардек бўлдим мас,
Гўрўғлига керак пири забардаст,
Қўзларим йўлнинг гирён бўлғондур.

Алкисса, Гўрўғли бу жавобни тамом этмасдин бурун Шохимардон: ёху ёманху лоилоҳо иллоҳо-ху леб ҳозир бўлиб айдилар: -Эй, Бозиргон, отанг Салсол бизнинг бирла Жамишид урушида 25 кун занжир тортишиб, охири ожиз келиб, калима айтиб мусулмон бўлуб эрди. Анда ман отангга икки анор бериб эрдим. Биридин сан яна биридин Ойсултон синглиинг бўлғондур. Бу дунёдин синглар ҳам ўтарсизлар. Гўрўғли бирла оға-ини бўлинглар, деб ғойиб бўлдилар.

Анда Бозиргон Гўрўғлиниң устидин туриб, калима келтуриб, мусулмон бўлиб Гўрўғли бирла оға – ини бўлдилар. Анда Гўрўғли айди: «Эй Бозиргон иним юми бизнинг давлатга бир неча кун сайри сахар килиб кайтгил», деди. Анда Бозиргон айди: «Эй Гўрўғли оға», ори борур эрдим Ойсултон синглиим менинг учун юз минг қайгу кулафатда ўлтурғондур. Яна баразнги ёғим бор. Ул тарафдин ҳам хавотирим кўпроқ. Манго рұксат берсанг кайтарман, дегач, Гўрўғли Бозиргонниң йигитларига тоза сарпойлар кийдурди. Бозиргон ҳам Гўрўғлиниң йигитларига сарпойи шохона кийдурниб, кўб иззат-икром килдилар. Андин сўнг Гўрўғлибек Бозиргонни бир неча мароҳилял бирлан узотиб, аллаёрлашиб изига

кайтиб, йигитларини ёниға келиб, күлина тилло сарпардали созини олиб,
йигитларига караб бир сүз айди:

Бозиргон менинг иним бўлди,
Беклар нечук кўрарсизлар?
Киёматлик иним бўлди.
Беклар нечук кўрарсизлар?

Ораға киёмат солиб,
Ночор бўлиб кабул килиб,
Маслаҳат беринг йигналиб,
Хонлар нечук кўрарсизлар?

Этган ишимни кечурди,
Маргни шаробин ичурди.
Ақлу хушимни қочирди,
Сизлар нечук кўрарсизлар?

Гўрўғли айтур, айтур беклара,
Арзимни дедим сизлара,
Жамъ бўлиб келган беклара
Беклар нечук кўрарсизлар ?

Алкисса андин сўнг бир тўпар йигитлар бай-бай отангга рахмат, Гўрўғли,
кўб яхши иш килиб келибсан, деб келур эрдилар. Ногоҳ шу маҳалланинг гузоргоҳ
сахнида бир кампир бор эрди. Одига Зайнаб момо дер эрдилар. Ышул бадбаҳт
Гўрўғлининг олдига чиқиб юз минг мухаббат бирла салом бериб, Гўрўғлибек йўл
бўлсин, деди. Анда Гўрўғли аиди Бозиргон бизнинг ўлкамизга бир сабаб бирла
келган эркан, аниңг бирлан киёматлик оға-ини бўлиб қелурман, деди.

Анда ул бадбаҳт кампир Гўрўғлига караб хайдариг деб, бошин ирғонтуриб,
икки кўлларин икки тизига уриб бир сўз айтур эрди:

Кофиirlар ахлининг икрори бўлмас,
Келса юрting хароб айлар Бозиргон.
Бир сўзинда аниңг турори бўлмас,
Ўзи ўлиб, сти колсун Бозиргон.

Чамлибела келса бўлур киёмат,
Бошинга келтирур турли аломат,
Сан юборма ани сихат саломат,
Лоши чўл ерларда колсин Бозиргон.

Эътибор ўлмасдур кофиirlар сўзи,
Кума тўлсин аниңг оладур кўзи.
Мурталдур, мутлокдур кофиirdур ўзи.
Зоти харом, халол эрмас Бозиргон.

Зайнаб кампир дерлар, манинг отима,
Күймагил язидни күнгил шодина,
Ейни ўки етар анинг лодина,
Лоши чүл ерларда колсин Бозиргон.

Алкисса андин сүнг Гүрүғлига бу сүз матькул тушиб, шайтон феълина кетиб танхो ўзи ўк ёйин бүйнига осиб кетаберди. Бир неча йүл юриб, Бозиргондин бурун бориб бир дарбандни олиб ўлтурди. Ногох Бозиргон шул бандаргохга якин етгач, танига бир қалтаратма, күнглиға бир вахима тушиб, ажал шамоли бошидин элас, элас эсіб ўтаберди. Анда Бозиргон бечора ўлым вахмидин, ширин жонидин умид узив зор-зор ынғлаб фалакдин шиква килиб бир варсоки айтур эрди:

Боги умрим боди хазон чолондур,
Дийдор киёмата колди найлайин.
Юрагимда дөғи армон колғондур,
Дийдор киёмата колди найлайин.

Фалакнинг гардиши кишу колдадур,
Булбул ҳасрат бирла гунча гулдадур,
Синглим манинг учун кўзи йўлладур.
Армон бирла ўлар бўлдим найлайин.

Ёд этарман ҳак фикрини тилимда,
Булбуллар сайрамас бўлди гулимда,
Бир зурёд қолмади манинг изимда,
Рухим гадо бўлиб колди найлайин.

Бозиргон дер, кечар бўлдим жонимдин,
Хайри эхzon айлангизлар молимдин,
Розилашмай ўтар бўлдим синглимдин,
Дийдор киёмата колди найлайин.

Алкисса Бозиргон бу жавобни айтиб, тақдирға рози бўлиб, борур эрди. Дарбандга якин етгач, Гүрүғли Бозиргоннинг олдиға чикиб, Бозиргонга караб икки ўк отди. Иккиси хам Бозиргонни кўксидин кириб, оркасидин икки кариш чиқди. Шул вактда Бозиргон бир охи сард аздили пурдард чекиб отдин йиқулур бўлди. Йигитлари дархол бориб, йикмай суюб турдилар. Анда Бозиргон бир замондин сүнг хушига келиб, зор-зор чун абри навбахор янглиғ ынғлаб: Эй йигитларим, сизлар манинг Гүрүғлибек оғамга айтиб келинг, ман энди дунёдин ўтар бўлдим, бир розилашиб қолайин дегач, Гүрүғлибекнинг жонига ўт тутошиб, этган ишига сад пушаймон этиб, зор-зор ынғлаб, туриб келиб Бозиргонни отидин қучоклаб олиб, ерда кўйди. Шул вакт Бозиргон жон вахми бирла Гүрүғлини танимай зор-зор ынғлаб, фалакдин шиква килиб, бир жавоб айди:

Яратган қодир оллоҳим,
Бир боша бир ўлим бордир.
Охир тутар манинг коним
Ёлғиз боша зулм бордур.

Махбублар бирлан ой бўлгон,
Оти асбоби шай бўлғон,
Уришда манга тей бўлғон,
Султон отзи синглим бордур.

Жонадил бориб ғаш бўлғон,
Дулдул миниб кофир кирғон,
Ахтам учун саваш курғон,
Хазрат Али пирим бордур.

От солиб майдон кирмака,
Ғанима карши турмокқа,
Манинг конимни олмокқа,
Гўрўғлибек оғам бордур.

Дунёдин ўсли Бозиргон,
Дўғри келгил, ўтарман кон,
Пайғамбари охир замон,
Улуг пайғамбарим бордур.

Алкисса, андин сўнг Бозиргон айди: «Сан кимсан?» Анда Гўрўғли айди:
«Юзи каро шарманда бўлғон Гўрўғли оғангман» Анда Бозиргон айди. «Сан мани
на сабабдин мундоғ қилдинг», деди. Анда Гўрўғли зор-зор йигълаб, Бозиргона
караб бир жавоб айтур бўлди.

Кирмишам ракиб сўзина,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.
Бока билманам юзинга,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

Қиёматлик ваъда ётган,
Мардликни бир чўна сотган,
Кирмизи конга бўётган,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

Буздим ёч йигит шаъниагни,
Найзайн юзум кародур,
Азалдан санго қазодур,
Сабаб Гўрўғли ман бўлдим.

Буздим ёч йигит шаъниагни,
Тўқмишам ноҳак конингни.
Багинласун имонингни,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

Гўрўғли келди ёнинга.
Иним жабр этдим жонинга,

Бўядим кизил конинга,
Кондор Гўрўғли ман бўлдим.

Алкисса андин сўнг Бозиргон айди: «Агар сан шул Гўрўғли бўлсанг, ман санго конимни ўтдим. Энди манго шул ерда, бир охират жой солиб молларимдин факир-фукаролара об-ош бериб, колгон молларимни Ойсултон синглима топширсанг, сандин мингда бир розиман. Аммо яна бир васият сўз, лекин синглим менинг конимни талаб килиб келур. Ани хам ога- сингил тутиниб, бир йигитта бергайсан деб, бирнечча насиҳат килди. Анда Гўрўғлибек бу сўзни эшитиб, Бозиргоннинг юзига боко билмай, юзи каро, шарманда бўлдим деб, зор-зор чун абри навбаҳор йиглаб бир варсоки айтур эрди:

Курбон бўлам кўздин оқғон ёшинга,
Жонима тоза ўт солдинг, Бозиргон.
Ёмон феъла кетиб келдим ёнинга,
Ало бўлмас додглар солдинг, Бозиргон.

Хижронинг тушибур сийнам устина,
Ишонмадим душманима, дўстима,
От ўйнатиб келдим санинг устинга,
Бугун охир замон бўлди, Бозиргон.

Туганмас синовлар манго колғондур,
Юрагимда додги армон бўлғондур,
Қиёматлик оғанг кондор бўлғондур,
Унитмасдин ишлар бўлди, Бозиргон.

Гўрўғли айтур, кечдим бугун жонимдин,
Килич ургил ерлар тўлсин конимдин,
Жонимни чикаргил, манинг танимдин,
Шахид Али бўлиб ўтдинг Бозиргон.

Алкисса андин сўнг Бозиргон айди: «Эй Гўрўғли оға эмди ўқларни тортиб олғил». Анда Гўрўғли ўқтарни тортиб олғач, Бозиргон хак деб жон баҳакки таслим килди. Анда Гўрўғли этган ишларина пушаймон этиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиглаб, дунёи бевафодин шиква қилиб, бир жавоб айтур эрди:

Ёлғончи дунёсан, охиринг кани,
Суди йўқ, зиёнили фоний дунёсан.
Сан найлааинг Одам билан Ҳавони,
Оғамли –дўнмали фоний дунёсан.

Нечани йиглатиб, нечани кулдирдинг,
Нечаларни етимликларни ўлдирдинг,
Довуднинг кирқ ўғлини саждада олдинг,
Хар кима бир алам кўён дунёсан.

Кимларни шод айлаб, берисан даврон,
Юзугин кўтариб тожли Сулаймон,

Бозиргон юртина етмади омон,
Лошин чүл ерларда күён дунёсан.

Чамлибела келдинг юз армон бирлан,
Оға-ини бўлдик Бозиргон бирлан,
Кўриша билмади Ойсултон бирлан,
Дийдор киёматда күён дунёсан.

Дунёдин ўтди ул Махзани жаҳон,
Умматлар холига эрди меҳрибон,
Бир нечалар пайгамбарлик сурубон,
Бир кун ер кўйнина олғон дунёсан

Гўрўғлибек айтур, баҳтим кародур,
Ёлғуз иним учун кўнглим яродур,
Ажал кўймай бир-бир олиб бородур,
Ғўч йигита хижрон солон дунёсан.

Алқисса Гўрўғли бу жавобни айтгоч, бехуш бўлиб йиқилди. Боз ҳушига келгач, Гўрўғлибекнинг хотуни оға Юнус пари Бозиргоннинг ўлганин кўриб зорзор йиглаб сиё зулфларин олдига солиб, Бозиргонни ёд этиб, бир варсоки аиди:

Саринга курбон бўлайин,
Бозиргон оғам сенмисан?
Бошинга банда бўлайин,
Бозиргон оғам сенмусан?

Санинг учун жоним чиқди,
Сеистонда синглинг қолди,
Икки кўзим гирён бўлди.
Бозиргон оғам сенмусан?

Оға Юнус афгон этиб,
Икки кўзин гирён этиб,
Юрак- бағримни кон этиб,
Бозиргон оғам сенмусан?

Алқисса, андин сўнг оға Юнус пари аиди: « Эй помард Гўрўғли, онадин бўлғонда мол бирла бўлдингму, шундог ёч йигитни хуни ноҳак ўйидирдинг? »

Анда Гўрўғли аиди: « Эй паризодим, манинг дардимки кўзгима, маи бир бадбаҳт кампирнинг сўзига кириб мундог иш этдим ». Эмди пушаймон этарман, суд килмас. Анда паризод зайди: « Андоғ бўлса мунингдек гўч йигитнинг шундог бўлиб ётғониға бир варсоки айттил », шояд Бозиргоннинг мотамин тутиб сўз айтсанг:

Бозиргон ўтди дунёдин,
Бепоён фоний дунёсан.
Омонатни олди сандин,
Бепоён фоний дунёсан.

Нечалар домингни тутди,
Ажал илги ёконг тутди.
Бугун навбат санга етди,
Хеч кима поён этмассан.

Дунёда ишрат сурмадинг,
Юртинга омон бормадинг,
Синглинга сиринг демадинг,
Бепоён фоний дунёсан.
Гўрўғли дер, армон этиб,
Икки кўзим гирён этиб,
Юрак бағримни қон этиб,
Хеч кима поён этмассан.

Алкисса андин сўнг оға Юнус пари аиди: «Эй Гўрўғлибек, Бозиргонга тамоми олтин кумушдин бир гумбаз бино килдириб, ўз кулина Бозиргонни пок этдириб, шул ерда дағи қилиб, устида корихона этдуриб, аларға бир неча вакт тайин килғил!», -деди.

Эрса Гўрўғли бу ишларни биткаруб, устида оби ош бериб, дуои фотиҳадин сўнг, Сафар кўса сардорни ўттиз йигитга бош қилиб, Бозиргоннинг молларин Ойсултон паризодга юборди. Булар йўлда бора турсин, сўзни Бозиргоннинг йигитларидин эшитайлик.

Аммо Бозиргонга Дарбандла ўқ текканидин сўнг: « Зангига химмат, кочконга баракат, Бозиргонга меҳнат, бизларга тўхмат, кочонга раҳмат, бу ерда тургонга лаънат деб изларина қарамай на ерда Сенистон деб кочиб, кирк кечакундузда Сенистон доҳил бўлдилар. Анда Ойсултон тияло сарой устига ўлтирур эрди. Буларнинг келишин бузукрок кўриб, йигитлар олдиға чикиб Бозиргон оғасини йигитлардин сўраб, бир сўз айтур эрди. Газали Ойсултон:

Бирга кетган Бозиргонни,
Ғўч йигитлар, найладинглар?
Чекарам оху фиғонни,
Ғўч йигитлар, найладинглар?

Очишмай гули сўлдими?
Ё ажал этиб ўлдими?
Душман қўлида коллиму?
Ёлғиз оғам найладинглар?

Мунла бўш қолди кальаси,
Кўзга сурай ҳоки-поси,
Отам, дерга йўқ боласи,
Зурёдсизни найладинглар?

Ёлғиз от йитса изи йўқ,
Саваш майдонда тўзи йўқ,

Фасли баҳори, ёзи йўқ,
Саргардонни найладинглар?

Тортарам оху фигонни,
Дийдамдин оқузиб конни,
Кўп йиғлатманг Ойсултонни,
Ғўч йигитлар, найладинглар?

Алкисса андин сўнг Бозиргоннинг йигитлари аиди: «Эй паризодим, мунча охи фиғон этма, Бозиргон оғанг изла моллари бирла фароғатда келур. Бизлар олдидин чаповул отли бўлиб келабердуқ», деб йигитлар жойли-жойига кетдилар. Эмди сўзни Сафар кўсадин эшиitmак керак.

Аммо Сафар кўса Бозиргоннинг молларин хачирларга юклаб, манзил мароҳил тай қилиб, устига қаро либос кийиб, Бозиргон мотамин тутиб, «во ҳасрато, во надомато,» деб хайкуришиб, Сеистон шахрига яқин етдилар. Бу хабарни Сеистон халки эшиштуб, етти ёшдин етмиш ёшигача олдига чикдилар, Бозиргон келатуур деб. Кўрсалар ороларида Бозиргон йўқ. Анда Сафар кўса аиди: «Эй оғалар, мунда менинг Бозиргон оғам йўқ туурму?» Анда Сафар кўса аиди: «Эй Ойсултон, оғанг Чамлибела бориб, Гўрўғли бирла оға-ини бўлишиб, бир неча кун касал бўлиб дорулғанодин дорулбакога юз ўгирди. Гўрўғлибек, Бозиргонни ўз кўли бирла пок этиб об-ош бериб, бу молларни менинг бирла сенга юборди,» дегач паризоддининг юрагига ўт тутошиб, зор-зор чун абри навбахор йиглаб, бир сўз аиди:

Мол учун кетиб савдоға,
Ҳасрат бирлан ўлган оғам.
Келиб на кўрдинг дунёра,
Армон бирлан ўтган оғам.

Каримай белим букилди,
Бахтима қаро чекилди,
Қўшики айвоним йикилди,
Ағғон чекиб ўлган оғам.

Эгасизнинг юрти вайрон,
Бўлди манго охир замон,
Зурёдсиз ўтган Бозиргон,
Армон бирлан ўтган оғам.

Онанг йўқ ағғон айласа,
Боланг йўқ гамхўрлик этса,
Отам деюб кон йигласа,
Армон бирлан ўлган оғам.

Ман найлайнин бўлдим ҳароб,
Хеч ким келмас ҳолим сўраб,
Юрак-багрим бўлди кабоб,
Ҳасрат бирлан ўлган оғам.

Ойсултон көлди зор йиглаб,
Кетдинг юрагимни дөглаб,
Молу дунё көлди ёйроб,
Мүлки вайрон бўлгон оғам.

Алкисса Ойсултон паризод буларни кальяга киргизиб, бир неча кун иззатикром, хар кайсига шохона сарпой бериб узотиб юборди. Булар Омон-эсон юртига бориб фароғатда бўлдишлар.

Эмди сўзни бул ёндин эшиитмак керак. Аммо кунлардин бир кун Бозиргоннинг бир йигити келиб аиди: «Эй паризод, бизлар сендин кўркуб айтмадук. Бозиргон оғанг Чамлибелина бориб, Гўруғли бирла оға-ини бўлиб, кайтиб келурда, Гўруғли кайтадин олдинга чикиб, Бозиргонни Дарабандда ўқ бирла ўлдирди. Бизлар кай замонғача чидармиз,:-деди. Эреа паризод бу сўзни эшитиб, зор-зор йиглаб, Тоймасбек деган бир маҳрамин ёнига чақириб, ман эмди Чамлибела кетурман, деб бир жавоб аиди:

Тоймосбегим, бўлғил, манинг сардорим,
Бошла, мани қондоримнинг юртина.
Ташламишам бугун номусу орим,
Бошла, мани қондоримнинг юртина

Бисмилло деб бугун Ғирот минали,
Неча дого даралардин гечали,
Суюн бирла, ол шаробин ичали,
Бошла, мани қондоримни юртина.

Ўқ отилур соғу сўлдин, кальядин,
Мани бошла, Дарабанд бирла дарадин,
Эмди кайтмам хони бирла тўрадин,
Бошла, мани қондоримни юртина

Саваш курсам улуғ майдони бирлан,
Сурсам савдо сари, карвони бирлан,
Чамлибелининг ўшал хуихор бирлан,
Бошла, мани қондоримни юртина.

Ойсултон дер, бугун кечдим саримдин,
Уларнинг йўлини қайтмон ўлумдин,
Оғам учун конлар оқар кўзимдин,
Бошла мани қондоримнинг юртина.

Алкисса Тоймосбек аиди: «Эй паризод сан борғонинг бирла Гўруғлидин оғагини конин ола билмассан. Ман бормасман. Ихтиёр ўзингда» дегач. паризод аиди: Шул Гўруғлибек юртин асир килиб, оғамнинг конин олсан олайн ва иллю ман хам оғам ўлган ерда ўлайин деб, танҳо ўзи киротин эгарлаб, зартанг, забартанг, тортиб, яргларин ўзиға хамойл килуб, отгалиб равона бўлди. Бир неча кунлар йўл юриб, кунлардин бир кун Чамлибелин бир киронидин доҳил бўлиб борур эрди. Иттифоко шул чўлда Гўруғлибек хам ов-овлаб юрур эрди. Гўрўти

караса, күн чикар тарафдин бир шеримард навжувон йигит кела турур .Мунаввар чехрасидин оламни равшан қилурлук . Гүрүғли мунин күргач, баланига ларза тушиб, ранги заъфарондек саргайиб, күркөндиң үнгтина чикиб салом берди. Анда паризод Гүрүғлибекка караб бир сүз айди:

Арзим эшит, султон йигит,
Кондоримни билурмисан?
Каришим олиб түргон йигит
Гүрүғлини билурмисан?

Ёнғон чироғим ўчириган,
Давлат қушимни кочирган,
Елғиз оғамни ўлдирған,
Кондоримни билурмисан?

Саваш майдонина кирсам,
Ғанимдин ўчимни олсам,
Ўлдирсам, ё ўзим ўлсам
Гүрүғлидин билурмисан?

Ойсултондур манинг отим,
Бордур Гүрүғлида додим,
Ўлдирсам совимас ўтим,
Кондоримни билурмисан?

Алкисса андин сүнг Ойсултон айди: «Гүрүғлини билурмисан? Бул-махалда кайси ерда?»дегач, Гүрүғли айди: Бале билурмаи, манинг отима Равшанбек дерлар. Ман шул маҳалланынг хокими бўлурман. Аммо Гүрүғлибек бир неча кун бўлди чаповула кетди.» Анда паризод айди: «качон келур?» «Анда Гүрүғли айди: «Бир ой, кирк кунча келур.» Анда паризод бошин ошоқ солиб, хайрон бўлиб тураберди.

Анда Гүрүғли айди: «Эй йигит, менинг бирла кураш тутғил. Мани йиксанг албатта Гүрүғлини йикарсан. Манинг кучим Гүрүғли бирлан баробар дегач, паризод ажаб бўлур деб, Қиротдин ўзини ташлаб, билакларин чизгаб, иккиси олишидилар ва лекин паризод Гүрүғлини белидин маҳкам тутиб, кўтариб боинидин уч маротаба айлантуриб, ерга андоғ урдиким, Гүрүғли тушган ерида нақш боғлаб, кўз очолмай ёта берди. Анда паризод айди: «Яна тутормусан? Ўзим ўлік, ё тирикман, билмасман, яна тутсам минг жонимдин бирон омон кўймайсан» деди. Анда паризод айди: Турсигил, андог бўлса манго Бозирғон оғамнинг мозорин кўрсатгил.» деди. Анда Гүрүғли ётғон еридин туриб паризоднинг олдига тушиб борур эрди. Узокдин бир олтян гумбаз, бошинда туг тикилган покиза жой кўринди. Анда Гүрүғли айди: «Паризод, ушбу кўринган жой оғангнинг мозори турур», дегач, Ойсултон сиё зулғларин олдина солиб, оғасин мотамин тутиб, зорзор йиглаб бир сүз айди:

Ёмон мусибатлар тушди бошима,
Оғам туфрок бўлон жоя етушдим.

Фоғил эрдим бугун келдим қошинга,
Оғам туфрок бўлон жоя етушдим.

Сан кеттали кечакундуз кулмадим,
Кизил кона бўёлғонинг кўрмадим,
Бошинга на жафо тушди, билмадим,
Армон бирлан ўлган жоя етушдим.

Аввал менинг тавалломни олмадинг,
Зори гирёнима кулок солмадинг;
Бу дунёда зурёд юзин кўрмадинг,
Рухнинг гадо бўлғон жоя етушдим.

Шахид мозор бўлиб колдинг чўлларда,
Кўзим ёши мангзар бўлди селлара,
Боди хазон етиб гунча гуллара,
Очилимайин сўлғон жоя етишдим.

Сигиндим ман сангага қаъба худойи,
Беҳишт турур шаҳид ўлганнинг жойи,
Имом Ҳусайн бўлур анинг ҳамрохи,
Оғам туфроғ бўлғон жоя етишдим.

Султон киз айтадур бевафо дуниё,
Қани сенга келган Искандар, Доро?
Ман хам айтдим ло илоҳо июлло,
Шахид бўлуб ўлган жоя етишдим.

Алкисса, паризод отдин тушиб гумбазга кириб Бозирғоннинг боши учиди
Ултируб, куръон ўқиб, арвоҳина баҳш қилди. Андин сўнг паризод оғасин мозорин
қўриб, кўнгли бузулиб зор-зор йиглаб бир сўз айди:

Ёвуз кун тушибди бошима,
Ёд этарман оғам сани.
Жайхун дарё кўз ёшима,
Ёд этарман оғам сани,

Ғаним маст бўлиб газилди,
Бизманам на иш ёзилди,
Худо хоҳлагани бўлади.
Ёд этарман оғам сани.

Зор йигласам ишим битмас,
Хеч ким насиҳатим тутмас,
Ман бир ночор кучим етмас,
Ёд этарман оғам сани.

Ойсултонни хайрон этган,
Кўзларимни гирён этган,
Шарияг йўлини тутган,
Ёд этараман оғам сани.

Алкисса, андин сўнг паризод айди: «Эй Равшанбек, бу гумбаз ва бу кориҳоналарни ким бино килдирди?» Анда Равшанбек айди: «Гўрўғли бино килдири, бу кориларнинг хўрагин хам Гўрўғли берур»-деди. Анда паризод айди: «Мунча ишларни килиб, не учун менинг оғамни ўллирди,» деб зор-зор йиглаб, Равшанбекка караб бир жавоб айтур эрди:

Айб этмагил ман бир ёлғиз ночoram,
Сабаб надур ёлғиз оғам ўллурди?
Анинг учун сийналарим афгонам,
Сабаб надур ёлғиз оғам ўлдирди?

Анинг учун ман этурман фарёди,
Ёлғиз йигит бўлса кўмилур оди,
Изинда қолмади анинг зурёди.
Сабаб надур ёлғиз оғам ўлдирди?

Барзangi ёғим бор, қочар ерим йўқ,
Учай десам канотим йўқ, парим йўқ,
Оғам деб йигласам асрак нарим йўқ,
Сабаб надур ёлғиз оғам ўлдирди?

Бепоён дунёсан иним- оғам йўқ,
Ҳақ йўлида ўлсанг зарра армон йўқ,
Ойсултон дер хақдин ғайри фаном йўқ
Сабаб надур ёлғиз оғам ўлдирди?

Алкисса, андин сўнг юраклари пора-пора бўлиб, зор-зор йиглаб айди: «Эй паризодим, шул айтгон, юзи қаро, шарманда бўлғон Гўрўғли деган ман туурман, ина қилич, хохла оғангни конин олғил, хохла гуноҳимни ўтгил, деб зор-зор йиглаб, бир варсоқи айттур эрди:

Ойсултон, эшит арзимни,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.
Тўқмишам ноҳак конини,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

Чамлибелдин от кочирдим,
Беклара шароб ичирдим,
Етти филдин ўқ кечурдум,
Ғаним Гўрўғли ман бўлдим.

Арзирумнинг йўлини тўсдим,
Саҳарлар ел бўлиб эсдим,

Кампир бадбаҳтдалур қастим,
Душман Гүрүғли ман бўлдим.

Билмадим эр йигит кадрини,
Жонима чекдим жабрини,
Бовар этмадим сўзини,
Мункир Гүрүғли ман бўлдим.

Шум фалак илгидин омон,
Айланмайин кечар даврон,
Санго бўлди охир замон,
Кондор Гүрүғли ман бўлдим

Алкисса, андин сўнг Ойсултон бечора зор-зор йиглаб айди: «Эй ога, сан шул Гүрүғли бўлсанг, ман санго оғам конин ўтдим. Эмди сан манинг киёматлик дўгоним бўлғил», деб, зор-зор йиглаб эрди. Анда Гүрүғлининг хам кўнгли бузилиб паризода караб тасалли хавотир бериб бир жавоб айди:

Курбонинг бўлайин гул юзли жонон,
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин.
Манинг бу жонима кўб кўюб армон,
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин.

Дали дарё каби дошдим, санг бўлдим,
Сатранж ўйнаб арват бирлан дант бўлдим,
Ўлим ҳак буйруги, сабаб маъ бўлдим.
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин .

Ўлимнинг дардина топилямас дармон,
Нафс йўлина кирдим, озлурди шайтон,
Билмайин ўлдирдим, этдим пушаймон,
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин.

Шарт устинда Бозиргонни ўлдирдим,
Пушмон этиб, кўзим ёша тўлдирдим,
Олтин туғлар тикиб, гумбаз солдирдим,
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин.

Гўрўғли дер, олғил, ширин жоними,
Ерга оқизмагил, қатра коними,
Оллодин тилайин нур имонимни.
Сан йиглама, санинг оғанг бўлайин.

Алкисса, андин сўнг паризод Гўрўғли бирла киёматлик оға-ини бўлуб, шу срда шу охшом Бозиргон оғасини кабрина ёстониб ётди. Ногоҳ сахар вакти чоги Бозиргон паризоднинг тушина кириб, бир неча панд-насиҳат бериб, кўздин гойиб бўлди. Паризод уйқудин уйғониб, Гўрўғлибек оғасина кўрган тушини баён этиб,

зор-зор йиглаб бир варсоки айди:

Түллимда қурилмиш бол түккиз фалак,
Кўзима бир замин-замон кўрунди.
Паримудир, ё тушмудир, ё малак,
Олдимда бир мөхи тобон кўринди.

Тўрт зайнф килдилар манго мархабо,
Бири Анбар она, бириси Ҳовва,
Биби Ҳожар билан Фотима Зухро,
Кўзима ушбу тўрт жонон кўринди.

Қорним ёриб пок килдилар мани,
Кўзима кўринди сарви гулшани,
Ўргатдилар манго суръа Бакрани,
Пайғамбара этган куръон кўринди.

Жам бўлиб келдилар бир неча ёрон,
Алар хатм айлаган суръаи куръон,
Абубакрми, Умар, Сиддику Усмон,
Ул ҳазрати Шоҳимардан кўринди.

Сўнгра келди кора тўнли бир киши,
Хасрат бирлан ўтиб ҳам ёзу киши,
Осий уммат учун окиб кўз ёши,
Пайғамбари охир замон кўринди.

Йигитлар ичинда гулдек очилған,
Кўлларинда жому шароб ичилған,
Бошинда беҳиштнинг токи санчилған,
Манинг оғам ул Бозиргон кўринди.

Оғам манга йиглаб килди насихат,
Дини Мухаммадга килма ҳакорат,
Бажо айлаб ман ҳам фарз ила суннат,
Жасадимда нури имон кўринди.

Султон киз бу неча бўлди мусулмон,
Ҳак билиб, Расула келтирди имон,
Манго кўб йиглади оғам Бозиргон,
Бу дунёнинг сўнги вайрон кўринди.

Алкисса андин сўнг Ойсултон бу жавобни айтиб охи сар аз дили пурдаридин чекди. Анда Гўрўғли айди: «Эй синглим, не учун ох чекарсан?» Анда паризод айди: «Эй Гўрўғли оға, ман неча кундин бери бу вилоятларда юрибман. Манинг барзангি ёғим бор. Вилоятларимни бузиб, ўғил ўлжа, киз есир килиб,

кетгандур. Аммо сан манго ҳакикат күмак берурсан, деди. Анда Гүрүғлибек ажаб бўулур деб, кўлиға тилло созин олиб, Олибек, Болибек, Сорсангсар, Сафар кўса, кирқ йигитин олдина чакириб бир сўз деди:

Мундин борсак Сеистона,
Кирқ бир кунлик йўли бордур,
Ғўч йигитлар ғайрат этинг,
Ўн бир кунлик чўли бордир.

Суринг бедовни мастрона,
Сигининг Шохимардана,
Етиб борсак Сеистона,
Кирқ минг уйли эли бордур.

Ҳамма бандаси оллонинг,
Орин олинг Ойсултоннинг,
Хинду шохи Корахонинг,
Билмас на хаёли бордур.

Гўрўғли дер ғофил ётманг,
Номардлик куйина кетманг,
Ғўч йигитсиз хорос этманг,
Хазрат Али пирим бордур.

Алкисса, андин сўнг Ойсултонни олиб йигитлари бирла отланиб, равон бўлдилар . Бир неча манзил юриб Сеистон шаҳрига етдилар. Бир дата устина чиқиб карасалар, икки каро нимарса кўринди. Яқин келиб кўрсалар, икки одам кўй бокиб юрибдилар. Анда паризод алардин шаҳарнинг хабарин сўрди. Анда алар айдилар: « Ойсултон, сан кетгали юрг хароб бўлди. Не учунким, сан кетдинг, Корахон йигин чекиб келиб уруш қилиб, кўб одамларни ўлдириб, ўғиз ўлжа, киз есири килди. Яна паризод келса, кайтиб келиб наризодни ўз никохима олурман, деб кетди, делилар. Анда Ойсултоннинг ранги заъфарондек саргайиб, зор-зор йиглаб; фалақдин шиква этиб бир сўз аиди:

Оға беклар, эшитинглар зоримни,
Жонима тоза ўт тушди найлайн.
Эмди хисоб этман йўку боримни,
Ўлкаларим вайрон бўлди найлайн.

Оғам деб етушиган қайту ғам бўлди,
Кеча-кундуз йиглаб кўзим нам бўлди,
Куя-куя юрак бағрим кон бўлди.
Куюб эмди адо бўлдим найлайн.

Бу дунёда яхши-ёмон колмади,
Орзу этиб, кўнглидагин этмади,
Ойсултон дер, манда тоқат колмади,
Хазон урди тоза гулим найлайн.

Алкисса андин сүнг Гүрүгли паризода күнгил бериб, йигитларин таъриф этиб бир жавоб айди:

Табласинда араб отли боғлиниң,
Күнгли ониңгайнаң-кайнаң жүш бўлур.
Донг елинда чашми фаттон эллари,
Араб отга тўфон бўлса ел бўлур.

Узок йўллар тушса бедов ўнгина,
Муханнаслар кўркув берар бегина,
Қайгу келмас ғўч йигитнинг сарина,
Яроги, калкони вафодор ўлур.

Мард йигитлар гурух-гурух ўқранур,
Мардларнинг остинда бедов ингранур,
Мардларнинг кафтинда калкон дўланур,
Яроги найзаси, килич бор бўлур.

Муханнаслар харгиз уруша бормас
Уруша борғонда ҳеч нима килмас,
Мард йигитлар ҳақдин ўзгани билмас,
Номардлара ажал ўти йўл бўлур.

Ғўч йигитлар араб отни майдонда,
Оллого сингиниб зори килонда,
Пирим Шоҳимардан химмат беранда,
Каллалар кесилар, конлар сел бўлур.

Алкисса, андин сүнг кирк йигитлари бирла бориб, Сеистон шахрина кирдилар. Эрса Корахон ҳам йигитин чекиб, сурнай, карнай, накара коқтурниб, бул ҳам доҳил бўлиб, замин-замонни бир килиб келиб Сеистон дарвозасининг олдига тушди. Анда Ойсултон мунча лашкардин кўриб, вахми голиб бўлуб, айди: «Эй Гўрўгли ога, эмди мунга на жавоб берурсан?»-деди. Анда Гўрўгли айди: «Эй синглим, ғам емагил, саройни ораста килиб, мани саройнинг бир кунжида кўйгил. Корахон сенинг ёнингга келиб, даҳл этмакчи бўлур, анда мандин тамошани кўргил,» -деди. Андин сүнг Гўрўглибек кирк йигитин дарвозада кўюб, андин ошхонада кирк косани шаробга тўлдуриб кўюб, Гўрўгли киличин ёнига олиб, саройни бир кунжида пинхон бўлуб ётди.

Аммо Корахон ҳам кирк йигити бирла кўшиндин чикиб, намозшом вақтида кальяга юрип килди. Анда Гўрўглиниң йигитлари кўркуб бири сомонхонаға, бири ҳаросхонаға, бири сенхонаға кириб, ҳар қайси бир ерда пинхон бўлдилар. Аммо Корахон кирк йигитин ошхонада кўюб танҳо ўзи Ойсултонниң саройига юриш килди. Бориб кўрса паризод ўзиға ачоғ оро бериб, товусдек жилва килиб кўрганларнинг ақлини зойил, ноз-карашма бирла ўлтурубдур. Корахон ани кўриб айди: «Эй паризод, устинга етти маротаба йигин тортиб келдим, мани боскин килиб юбардинг. Эмди сани ўз никохима олурман, на жавоб дерсан?» Анда паризод айди? «То оғам йили тўлмаса, ман эрга бормасман,» деди. Анда

Қорахон айди: «Сани бу сүз бирла қўймасман, тўшак солғил, ётармиз»-леди. Анда паризод айди: «Андоғ бўлса худони тақдиди бирла бўлур, аммо аввал сан ўзингни пок этиб келгил, сўнгра санинг бирла бўлайи?»-леди. Анда Қорахон сичраб ериндин туруб, ажаб бўлур деб, ўн ботмон лойдин бўлғон офтобани сувга тўлдуриб, мустахабхонага равона бўлди. Анда паризод туриб Гўрўглиниң ёнига бориб айди: «Эй оға, эмди сийболта бирла санинг кунингдур, йўқ эрса бу кул мани ҳароб килур дегач, Гўрўғли ериндин сичраб туриб, киличин олиб, югуриб Қорахоннинг ёнига борди. Қорахоннинг кўзи Гўрўглига тушгач, кўлидин ўн ботмон лойдин бўлғон офтобани айлантуриб ҳамла килғоч, Гўрўғли бошина калкон чекди. Анда Қорахон андоғ урдиким, офтоба гард-гард бўлуб, гард-чанг осмонга чекди. Анда Гўрўғли ҳам дарғазаб бўлуб, киличин гилофдин чикаруб, айлантируб андоғ урдиким, Қорахон: «Вой, мурдам,вой мардони ҳудозада деб, кичкура-кичкура мустахабхонанинг ичинда жони жаханнам бозорига шўрпнёз, туз, шолгом, бурч сотмок учун кечга колдум, деб йўргалаб кетди. Андин сўнг Гўрўгли ошхонага бориб караса, кирқ йигит шароб ичиб, маст бўлуб, йикилуб ётибдур. Аларни ҳам бир-бир киличдин ўтказиб, кўнгли хуш бўлуб, Ойсултоннинг ёнига келиб, бир сўз айтурсади:

Келинг беклар томошага,
Бу кеча савац устина.
Як баяк кирдим майдона,
Килич урдим бои устина.

Барзанги хонини йикдим,
Қилич урдим қонин тўқдим,
Кирқ йигитдек наъра чекдим,
Сахар вакти дош устина.

Маст бўлуб, шаробдин ичдим,
Турдим ғанима утрашдим,
Гўрўғли дўнмай олишдим,
Ойсултон кардош устина.

Алкисса, андин сўнг Гўрўглиниң йигитлари ҳар қайси бир ердин чикиб келдилар. Алғарас ҳаммалари бир ерга жам бўлуб бу кеча маслаҳат бирла фарогатда бўлдилар. Эрта тонг бирла ҳамма еридин туриб, Қорахоннинг лашқари бирла андоғ уришдиларким, Рустам Мозандаронда, Афросиёб ларёси Нил ва Зарафшонда андоғ уруш килғон эрдилар. Аммо Қорахоннинг бир саркарласи бор эрди, зиёда бир зўр эрди. Гўрўғли йигитларидин Тоймосбек, Сафар кўса шуларга ўхшаш ўн йигитин кўлға тушириб, банд килдилар. Анда Гўрўглиниң бир неча йигитлари жароҳат бирла суст бўлуб эрдилар. Гўрўглибек йигитларига қараб, тасалли бериб, бир сўз айди:

Эриди тоғларнинг кори,
Инжилма кўнглим, инжилма.
На гул колди, на гулзори,
Инжилма кўнглим, инжилма.

На төг колур, на тош колур,
На күрт колур, на күш колур,
Охир бу дунё бўш колур,
Инжилма кўнглум, инжилма.

Ғўч йигитлар шароб ичар,
Муханнас ўлимдин кочар,
Майдона мардлар кон сочар.
Инжилма кўнглим, инжилма.

Гўрўғли нега ноchorсан,
Нечун ўлимдин кочарсан,
Охир каро ер кучарсан,
Инжилма кўнглим, инжилма.

Алкисса андин сўнг Гўрўғли эрта сахар туриб, тоза таҳорат қилиб, йигитлара караб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Ғўч йигитлар, не маслаҳат,
Бугун уруши ёмон бўлди.
Ўн саккиз минг лашкар келди.
Кутилмоқлик гумон бўлди.

Етиб бўлмас, Чамлибела,
Дуч бўлдим барзанги била,
Ўн йигитим тушди кўла,
Беобрўлик нишон бўлди.

Майдона кирганда мастам,
Ғаним кўрсам забардастам,
Тоймосбегим бале Рустам,
Кўли боғли хайрон бўлди.

Барчани ҳақдур ёротғон,
Қайтмон хон бирла тўрадан,
Тўп отилиб кўх корадан,
Тоғ йикилиб, вайрон бўлди.

Ғўч йигитлар обрўй топар.
Кими санчиб, кими йикар,
Гўрўғли дўнмайин чопар.
Беклар, охир замон бўлди.

Алкисса, Гўрўғлибек бир-бирларин ёд этиб химмат истеъонад тилаб, йигитлари бирла олло деб от кўйдилар. Корахоннинг туғчи саркардасин тиғдин ўткариб, икки лашкар аролашиб андоғ жанг маглуба бўлди. Одам ўтуғидин от юрмаклин ожиз келиб, кофиirlар боски бўлиб, ал омон деб кичкириша бердилар. Андин сўнг Гўрўғли йигитларин банддин халос этиб, Ойсултоннинг ёнига келиб,

күнгли жүш уриб, йигитларига караб бир варсаки айттур эрди:

Эй ёронлар, кеттанимда,
Дүстлар күнгил шоди керак,
Күл босилиб ёмон кунда,
Йигитлара обрүй керак.

Үн кун уруш бўлди ёмон,
Занги чакирди ал омон!
Шул кун бўлди охир замон.
Нирлардин каромат керак.

Ғўчоқ майдона кирганда,
Бедов салкиб ўқ уронда,
Дўниб-дўниб от солонда,
Санго шунда обрүй керак.

Ғанима қарши дурмока,
Душманларни йўқ килмока,
Кофири элини кирмока,
Бахром отлик арслон керак.

Алқисса, андин сўнг Ойсултон аиди: «Эй Гўрўғли оға, эмди Сеистона
кайтали»-деди. Анда Гўрўғли кўлина созини олиб, йигитлара қараб бир сўз аиди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Замон истар кўнглим манинг.
Ёлғончи, фоний дунёда
Обрўй истар кўнглим манинг.

Бу фонийга галан гечар,
Мард бўлон дин йўлин очар,
Ўзим ўлсам юргим кўчар,
Зурёд истар кўнглим манинг

Ғўч йигит майдона кирса ,
Ғанима қарши юруса,
Саваш куни тўфон турса,
Замон истар кўнглим манинг.

Гўрўғли оллога банда,
Кувонур ганим, кўранда,
Қазом етиб тез ўланда,
Имон истар кўнглим манинг.

Алқисса, андин сўнг хаммалари шул ердин қайтиб, Сеистон кальасига бориб
кирдилар, бир неча кун шодлик килдилар. Анда Ойсултон аиди: «Эй Гўрўғли,
эмди мани кирқ йигитнинг бириға бергил»-деди. Гўрўғли аиди: «Кирк йигитим
бор, тўарт косадорим, кайсини хоҳларсан?» Анда паризод Авазхонни кабул қилди.

Алғараз уч кун түй- томоша этиб, паризодни Авазхонға никоҳ қилиб бердилар. Иккилари айш-ишратга машгул бўла бердилар. Бир неча кун ўтиб, Ойсултоннинг ёдига Бозиргон оғаси тушив оҳ чекди. Шул вактда Гўрўғли хам чаҳор доғли Чамлибела қайтмоқчи бўлиб, бекларга караб бир неча ердин тимсол келтириб жавоб айди:

Гўч йигитлар, суринг даврон,
Жойларингиз мубоҳ бўлсин.
Зарафшони кўшки айвон,
Жойларингиз мубоҳ бўлсан.

Тамом асбобинг шай этдим,
Ғаниминг кирдим жой этдим,
Уч кеча- кундуз түй этдим,
Тўйларингиз мубоҳ бўлсан.

Ўлгандур оғанг Бозиргон,
Анинг учун чекдим ағфон,
Бу дунёнинг сўнги вайрон,
Анга иймён ҳамроҳ бўлсан.

Мушкилинг айладим осон,
Бу сўзни айладим достон,
Гул очилиб, бояғи бўстон,
Кўнгллинг бейик ҳаво бўлсан.

Гўрўғли дер, асили зотим,
Ўлгунча йитмасин одим,
Колмади манинг зурёдим,
Бадастгирим ҳудо бўлсан.

Алқисса, андин сўнг Гўрўғли кирқ йигити бирла отланиб, бир неча манзил марокил тай қилиб, соғ-сағомат ўз юртлари чаҳор доғли Чамлибела келиб. ўз саройларига тушив муродига етдилар. Кирқ йигит хам кавми акробаларни кўриб муродига етуидилар.

Илоҳо жумла уммати Мухаммад

Алайҳиссалом васалдамни ўзинг муродига еткургайсан. Омин ва раббил оламин. Тамматул қитоб. 1340 йил хижрий 1920 йил мелодий.

ХИРМОНДАЛИ (китобий вариант)

Аммо ровийлар андоғ риноят қилурларким, Рум шаҳринда Арслонбойнинг бир кизи бор эрди. Одига Хирмондали дер эрдилар. Шоирликда ва польонликда тенги йўқ эрди. Ул бир куни жар қилдуриким, ким мени тоирликда енгса ва кураш тутиб йикса, шул кишига борурман, деди.

Алкисса иқлимлардин уч юз шоир, уч юз полвон келди. Хирмондалининг отдиши хеч бири сўз сўзлай олмадилар. Хирмондали аларнинг хаммасини ўлтириди. Бир куни Хирмондали гамгин бўлиб ўлтуриб эрди, бир канизи бир карри кампирни олиб келди. Айдики, эй, бибижон бу кампир кўб куррандоз эркан, эй момо бир курра ташлаб кўринг, шояд бибига бир киши топилғай, деди.

Момо дархол курра ташлаб айдики, чаҳор доғли Чамлибелда Гўрўғли деган ўғлондини ўзга киши тушмади, дели. Анда киз айди: ани келтитурмисиз, деди. Анда момо айди, биз келтитурмиз, деди. Шул вактда Хирмондали момога уч юз тилло берди. Анда момо кетарман бўлиб, отга минди. Анда Хирмондали момога караб бир сўз айди:

Чамлибелда Гўрўғлига,
Борҳо кампиржон хабар бер.
Ўзи бўлғон мард ўғлига,
Борҳо, кампиржон хабар бер.

Тилагингни берсин олло,
Эътиқодим шулдур волло,
Санго бердим уч юз тилло,
Борҳо, кампиржон хабар бер.

Бир нечани йўлин тўсдим,
Ниччаларни дорга осдим,
Ниччани калласин кесдим,
Борҳо, кампиржон хабар бер.

Рум шахри бирлан Чамлибел,
Ораси олтмиш кунлик йўл,
Кўп юрматигил, сен бемахал,
Турҳо, кампиржон хабар бер.

Хурмондали дерлар биза,
Она, ёшинг етсин юза,
Эмди ростин айтдим сиза,
Юрҳо, кампиржон хабар бер.

Аммо ондин сўнг момо киз бирлан аллаёрлашиб, Чамлибелга караб кета берди. Бир неча кун йўл юриб, Чамлибелга борди. Кўрдики, Гўрўғли ўлтирур эрди.

Гўрўғли момони кўриб отини тутди, момога отдин тушгил, леди. Момо Гўрўғлига айди, ман отдин тушмайман, леди. Манга бир одамнинг айтғон омонат сузи бор, анинг учун отдин тушмайман, леди. Они ман сизга айтайнин деб момо Гўрўғлига караб бир сўз айди:

Рум шахринда бир киз сизни,
Гўрўғлибек келсин деди.
Арзи ҳолин айтгуб биза,
Келиб мани олсин, деди.

Каломуллода хатлари,
Габлада бедов отлари,
Үзү келмүб юмагулларга.
Газим бирлан турсин, деди.

Юргани хакнинг йўлидур,
Отимиз Хирмендализур,
Пиримиз хазрати Алидур,
Али дастгир бўлсин, деди.

Фирот миниб тогдин ошсин,
Тўлиб дарё каби тошсин,
Хирмондали кизни кучсин,
Бир армонсиз бўлсин, деди.

Кампиржона имон берсин,
Кулли кофир дина кирсин,
Келиб иззатимни кўрсин,
Бир армонсиз бўлсин деди.

Аммо Гўрўгли момодин бу сўзни эшитиб, момоға юз тилло, боши-оёқ сарпой
бериб, паризоднинг ёнига борди. Паризод айди, эй Гўрўгли, на хабар бор деди.
Анда Гўрўгли кўлина созини олиб, паризодга караб бир сўз айди:

Курбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Манго бир нозлидин хабар келибдур.
Оллаға сингиндим эшитгил зорим,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Кўзлари жаллоддир, копи камони,
Они кўрганларнинг йўқлур армони,
Уч юз олтмиш кизнинг хонин-султони,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Ёўч йигит омади келур илгордин,
Бир ҷадад олурман хазрат Алидин,
Арслонбойнинг қизи Хирмендалидин,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Рум шахринда онинг каби жонон йўқ,
Мен кетарман кетмасима гумон йўқ.
Бу элларла яхшилик бор, ёмон йўқ,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Хабар келгандин сўнг кетмасам бўлмас,
Мубърак жамолин кўрмасам бўлмас,
Нозик нихолидин кучмасам бўлмас,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Мундин кетсам олтмиш кунлик йўли бор,
Оқ юзинда қўша-қўша холи бор,
Кучмогима ажиг нозик бели бор,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Гўрўглибек мунда келсин дейибдур,
Уч юз олтмиш калла кесиб кўйибдур,
Айтишибам мени енгсин дейибдур,
Биза бир нозлидин хабар келибдур.

Аммо бу сўзлин сўнг паризод айди, Эй Гўрўглибек, хали кетма, кирк кун
менинг ёнимда бўлғил. Бўстон шахринда ошик Ойдин пирдин рухсат олиб кет,
бўлмаса ишинг касод турур, деди. Анда Гўрўглибек паризоднинг сўзига қулок
солмай ташкарига чикиб Фиротни миниб кетарман бўлиб турғонда паризод
харамхонадин чикиб Фиротнинг жиловидинда туриб, кўлина созини олиб
Гўрўглибекка караб бир сўз айди:

Харомчилик гўч йигита ярашмас,
Олсанг насиҳатим кетма, Гўрўғли.
Конхўр киздур ахволинга қарашимас,
Олсанг насиҳатим кетма, Гўрўғли.

Хабар келиб Арслонбойнинг кизидин,
Мундин кетма шул момонинг изидин,
Борибон йиқилсанг кўргил ўзингдин,
Зинхор насиҳатим олғил, Гўрўғли.

Уч юз олтмиш бари ошик келандур,
Айтишиб, енгилиб бари ўландур,
Яхши-ёмон оди санго қоландур,
Булдир насиҳатим кетма, Гўрўғли.

Бу йўлларда ёринг келмас ёнинга,
Рахмим келур сенинг ширин жонинга,
Босиб ўлтирурлар колур конинга,
Олсанг насиҳатим кетма, Гўрўғли.

Оға Юнус кетма дейиб зор айлар,
Харомчилик гўч йигитни хор айлар,
Мундин борсанг кенг жаҳонни тор айлар,
Олсанг насиҳатим кетма, Гўрўғли.

Алкисса Гўрўғли бу сўзга қулок солмай Чамлибелдин Рум шахрига караб
йўл олди. Булар бул ёндин борсалар ул кизнинг минг сурув кўйи бор эрди. Хар
куни келиб кўйга сув чакканида икки юз-уч юз кўйни кондирур эрди. Бугун хам
уидин кўйи бошигача пояндоз тўшатиб кўйларни сугорур эрди.

Гўрўглибек бу ҳолга караб турур эрди. Ногоҳ кизнинг нигоҳи Гўрўглибекга
тушиб, канизига буюрдиким, бул йигитга бир коса шароб бергил, деди. Дарҳол

капиз бир көса шаробни түлдириб, Гүрӯғлибекға берди. Гүрӯғлибек пиёлага күлини узатиб, капизга караб бир сўз айди:

Гүрӯғли: Сув бўйида турған тўзал.

Нозлим, бир сув бер, ичали.

Тархиноли кўлларингдин.

Нозлим, бир сув бер, ичали.

-Чашма бошидá хайдр бўлмас,

Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

Бир келган киший ишер бўлмас,

Туш, ўзинг сувдин ичагўр.

-Эмди ман дарбанд сакладим,

Йўлинга ўзим чоқладим,

Бир наризодни йўқладим,

Нозлим, бир сув бер ичали.

-Сувимни барманам ёта,

Сенингдек кўплир дунёда.

-Аслинг сени харомзода,

Туш, ўзинг сувдин ичагўр.

-Ўжа тоғдин оша билмам,

Ошик кўрсам дузо билмам,

Ман хастаман, англай билмам,

Нозлим, бир сув бер, ичали.

-Ошик бўлған канидки ўгар

Ёрнинг ширин лабин тотар,

Хасталар уйинса ётар,

Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

-Узун-узун ўвбонгиза,

Мехмон бўлсанг ўрлам йўқдур,

Кул бўлайин бобонгиза,

Нозлим, бир сув бер, ичали.

-Узун-узун ўвбам йўқдур,

Мехмон бўлсанг ўрлам йўқдур,

Мен етимман. бобом йўқдур,

Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

-Гўрӯғли келди мастана,

Ичам сувдин қона -қона,

Айланиб этма баҳона,
Нозлым, бир сув бер ичали.

-Биза Хирмондали дерлар,
Гүштингни хомлай еярлар,
Икки кўзингни ўярлар,
Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

Аммо бу сўздин сўнг киз кайтиб, уйига равона бўлди. Гўрўғлибек кизнини изидин етиб кўл узатар бўлди. Кизнинг қаҳри келиб, Ўрўғлининг ёқасидин тутиб бошидин айлатигириб ерда кўйди. Сийнасига миниб томогига пичок кўйиб ўлтирур бўлди. Анда Гўрўғлибек Чамлибелдин келганига пушаймон бўлиб бир сўз айди:

Ўжа тогларнинг бошинда,
Намли-намли кор кўриди.
Манинг бу дали кўнглима,
Хумор кўзли ёр кўринди.

Кўрмадим ёрнинг кантини,
Сурмадим лабинг кантини,
Оч гўзал, кўксинг бантини,
Курилмиш бозор кўринди.

Беклар, адапдим йўлтимдин,
Кечдим дунёнинг молидин,
Амсан чашми зулолингдин,
Кўзлари хуммор кўринди.

Дали кўнглим тоғдин оша,
Бориб бир ёра чўлоша,
Ок кўксингда кўша-кўша,
Олма бирла нор кўринди.

Гўрўғли дер аъзам-баъзам,
Жафою жабринга дузам,
Фоний дунёда ман қезам,
Дунё кўза тор кўринди.

Алкисса бу сўзлин сўнг Гўрўғлибекга киз айди: Эй Гўрўғли, ётғон сринга мани таъриф кијисанг турғизайин бўлмаса бошингдин умид этма, леди. Анда Гўрўғлибек ётғон сринда кизни таъриф килиб бир сўз айди:

Бир сўзим бер севар ёра,
Десам куйиб ёна-ёна.
Ёр лабингдин бир бўса бер,
Амсан шимиб конга-конга.

Үи түрт кечалик ой каби,
Оту яроғи шай каби,
Хусни давлатли бой каби,
Кезам хар ёна- хар ёна.

Сийнам узра күлдир ўтим,
Худоға етишди дожим,
Тур ерингдин, паризодим,
Борди кызыкли дўкона.

Ошик бўлиб хаддии ошили,
Келиб савдоға чўлошди,
Бир бармогим ёнзин-пиниди,
Кетди дарёни уммона.

Баён этсам асли зотим,
Изимда йўқлур зурёдим,
Тур. ерингдин паризодим,
Арз этарман дона-дона.

Мундин Чамлибела кетсам,
Бир пари этагин тутсам,
Гўрўли, ёстаниб ётсам,
Шугун бир ёра мастона.

Аликисса андин сўнг киз ани ериндин тургазиб, боғ-оёқ сарпой берур бўлди.
Анда Гўрўли аиди: бизга хар ён юзингдин бир жуфт бўса бергил, дели. Анда
Хирмондали сан манинг назаримда бу сўзни айтурсан, хар вакт мани бир кишига
борди деб эшитсанг, бир охлом манинг изимдин борсанг, сенга сийнам устинла
жой берурман, дели. Андин сўнг Гўрўли бир ичча кун йўл юриб, Чамлибела
борди. Паризод сўради, эй, Гўрўли на иш этиб келдинг, дели. Анда Гўрўлибек
ёлғондин мактаниб бир сўз аиди:

Мундин Рум шаҳрига бордим,
Тоғдин тоға ошиб келдим.
Ҳеч кимса кутилтас мандин.
Канот боғлаб учуб келдим.

Бир ёр тоғдим Рум элидин,
Кучминаш нозик белидин,
Пиёла берди кўлидин,
Гулгун шароб ичиб келдим.

Тушдим ман ёрнинг кантина,
Ҳеч ким чидолмас ишқина,
Кўлим солдим ёр бўйнина,
Бўса олиб кучиб келдим.

Бир ёрнинг ёнина бордим,
Завқу сафосини сурдим.
Хирмондали кизни кўрдим,
Молдин-бошдин кечиб келдим.

Отиң айтсам Дали Хирмон,
Хар бир сўзи жона дармон,
Гўруғлида йўқдур армоя,
Жаннат уйин очиб келдим.

Алкисса паризод аиди, Эй Гўруғли кочиб келдим десанг номус этармусан,
ростини айтмасанг эмди, сўзни мендин ёшиг, деб Гўруғлибекни боскилаб, кўлина
созини олиб бир сўз аиди:

Илеора кетганлар ёлгон сўзламас
Отиңг носоқ, йигит ёроли келдинг
Дўст бўлгон дўстидин сирин аямас,
Отиңг носоқ дўстим ёроли келдинг.

Баланд парвоз уриб, босилиб келиб,
Дали дарб каби тўлибон тошиб,
Манманлиқдин бориб киздин йикилиб,
Отиңг носоқ, йигит ёроли келдинг.

Муханнаслик гўч йигиттаг ярашмас,
От солибон майдон узра турушимас,
Ёлгон сўзлаб келган марзга ярашмас,
Отиңг носоқ, йигит ёроли келдинг.

Чамзиделдин шахри Бўстон бормадинг,
Ошик Ойдин пирдин дуо олмадинг,
Устодинга оту сарбой бермадинг,
Отиңг носоқ йигит ёроли келдинг.

Ёр алидин майн гулгун ичибсан,
Они кўриб моли бошник кенибсан,
Кутилибсан хийла бернб қочибсан,
Отиңг носоқ, йигит ёроли келдинг.

Паризод дер, айтган сўзинг этмайин,
Яхинизодаларнинг кадрин билмайин,
Паризодин сен кўзинга илмайин,
Отиңг носоқ, йигит ёроли келдинг.

Алкисса Гўруғли аиди: эй паризод ман шарманда бўллим. Эмди бу сўзни
кини эщитмасин деб, кирк кун ёнида бўлди. Кирк биринчи куни шогирдлари
бўлмиш Мехром бирлан Қамбарни олиб яна Рум шахрига караб йўлга тушди. Бир
неча кун йўл юриб, Рум шахрина етди. Кизнинг богининг кун чикар ёнида бир

булукнинг бошила күш куриб, Қамбарни бояга юборди. Қамбар бояга бориб бироз мева ер эрди. Ногох унга кизнинг нағохи тушди. Бир қанисга буюорди, ул ўғлонни менинг ёнимга келтирифт, деди. Қанисзаклари ютуриб бориб тутдилар. Ул ўғлонни олиб келдилар. Қиз мундин жавоб сўради: на кўрасан, деди. Ўғлон айди: Ман Синикман, деди. Қиз айди: нимага ошиксан, деди. Қиз айди: агар ошик бўлсанг бир сўз айттил, деди. Анда ўғлон хўп бўлгай деб кўлига созини олиб бир сўз айди:

Курбонинг бўлайин, гул юзли ёрим,
Муборак жамолинг кўрмакка келлим.
Сени кўргач, кетли сабру карорим,
Истасанг жонимни бермака келлим.

Сен парисан, газаб бирлан қаҳринг бор,
Ман билманам неча ерда ёриниг бор,
Ок сийнада кўнига-кўша норнинг бор,
Хизматингда мудом турмока келдим.

Бир шикаста узок ердин келандур,
От-овозанг олам узра тўландур,
Уч доз автмиш сашек ўзандур,
Алаар каби жоним бермака келдим.

Кўзларинг жаллоддур коши камони,
Сани кучганларнинг йўқдур армони,
Уч юз олтмиш кизнинг хони, сultonи,
Мудом хизматингда турмока келдим.

Мани сўрсанг келдим ажам элиндин,
Курбон бўлам ширин-шакар сўзингдин,
Ман бир кучсам санинг нозик белингдин,
Санинг бирлан даврон сурмака келдим.

Ман бир ошик келдим санинг зорингдин,
Неча ошик ўлди газаб –қаҳрингдин,
Ок кўксингда биттан кўша норингдин,
Богбон бўлиб шугун термака келдим.

Ошик Қамбар ошино бўлдим ўзинга
Аҳд этибман эмди кайтмам изима,
Сигиниб келибман пир устодима,
Бўстон кучогинга кирмака келдим.

Алкисса бу сўздин сўнг кизнинг қаҳри келиб, Қамбаржонинг юзига бир шаппот урди ва кўлидин дуторни олиб синдириб ташлади, кўп урди.

Гўрўғли Меромжонга айди, сен Қамбарнинг изидин боргия, ҳудо билени корнини тўйдирив кайси жойда ухлаб колди, деди. Меромжон дархол бояга кирди, Хирмондалининг кўзи мунга ҳам тушди. Қанисзакларга буюорли: бу ўғлонинг

тұлдоши бор әркән ани ҳам мунда олиб келингілар. Киз мундин ҳам жавоб үрады: накорасан, деди. Меромжон айди, ошикман, деди. Хирмондали айди: бир үт айтғыл, деди. Меромжон хуш бұлгай, деб күлина созини олиб бир сүз айди:

Булбулым құңса бул бога,
Юрмака йүйшар дўланур.
Карамагил, соғдин сұла,
Термака гуллар дўланур.

Ҳак берған шаробин ичсам,
Мавлон канот берса учсам,
Гахо ўпсам гахо күчсам,
Күчмокта беллар дўланур.

Курбонам каро кўзингдин,
Шакардан ширин сўзингдин,
Бўса олсам оқ юзингдин,
Ўпмака холлар дўланур.

Курбонам қалам кошингдин,
Писта даҳондек тишингдин,
Нозли ёр сенинг бошингдин,
Тамоми эллар дўланур.

Гул юзингдин кўтар парда,
Таърифинг этсам бир кара,
Гулобингдин кўп каркара,
Саринга тиллар дўланур.

Келмешам сенинг изингдин,
Ўлмишам газаб-кахрингдин,
Құша-қўша анорингдин,
Тутмока кўйлар дўланур.

Мером айтур, бўлдим ало,
Зор киуруман сандай ёра
Сийнам устинда жуфт яра,
Ярама малхам дўланур.

Алкисса кизнинг қаҳри келиб, на юрак бирлан манго бу сўзларни айтурсан, іб мунга саксон камчи уриб, боғдин чиқарнб боши өшок, оёки юкори килиб ерга кўммак керак, деб қанизакларга буюрди. Қанизаклар әзархол олиб юриши килянлар. Шул вактла Қамбаржон қанизларга ёлбориб бир сүз айди:

Ғофил бўлиб тушдим санинг кўлинга,
Бугун мани озод айланг, канизлар.
Ман ўғлонни кўйберинглар йўлима,
Бугун мани озод айланг, канизлар,

Кирк каниз жам бўлиб, бари паризол,
Хар бири кўнглимини айлади барбод,
Пиримни хаққидин айланги из озод,
Бугун мани озод айланг, канизлар.

Қўлим боғлаб маҳкум этиб шум фалак,
Нозли дилбар хўрлаб айланганг ҳалак,
Бизлара ёр бўлсун ҳур ила малак,
Шутун мани озод айланг, канизлар.

Қўлимни боғлама, кўзлари мастона,
Сизлар бирлан боғи айладим сайрен,
Мером иккимизни айланманг ҳайрон,
Келинг, мани озод айланг, канизлар.

Қўбормасант холо келур устодим,
Ондин сўнг эшитур ох ила додим,
Бир ох чексам арса етар фарёдим,
Бугун мани озод айланг, канизлар.

Ман йигласам ҳақ эшитур зоримни,
Ёр этарман Шоҳимардон пиримни,
Гўрўглибек келса кирап барингни,
Бугун мани озод айланг, канизлар.

Қамбар ўзи бир худога зор этди,
Хирмондали разаб ила кор этди,
Кудратидин жумла олам яратди,
Бугун мани озод айланг, канизлар.

Аммо бу сўздин сўнг кирк жуфт бўса олиб йигитларни юбордилар. Алар Гўрўғлининг ёнига бориб вокеани бир-бир баён этдилар. Гўрўглибек хуши бошидин учиб айди: Шул зангарнинг ўйнина ғофил килиб, кўнок хукмийда олиб келсан, деб отга минди. Анда ўгленлар айдилар, бизларнинг сўзимиз шулки, эмди Ошик Ойдин пирни толғиц, деб тавалло килдилар. Анда Гўрўтли айдиким, сизларга йўл бўлсин, деб буларни Чамлибелга узатиб, ўзи пирнинг манзилинга юриш килди. Бориб кўрса уч юз олтмиш цогирди бор эркан. Шогирдлари бирлан шоҳсупа устинда ўтирур эрди. Гўрўғли айди: бу шул пирми ё ўзга пирми? Аввал муинин бир жавоб сўрайини, жавоб берса хизматинда бўлайин, жавоб бермаса, муни ўлтирайин, деб от устинда салом берди, андин сўнг бир сўз айди:

-Кўқдин энган беш нимарса,
Аввал боци бири надур?
Тўрти тилли бири тилеиз
Сариндаги пари надур?

-Кўқлан энган беш нарсанинг
Аввал боци бисмиллодур.
Тўрти китоб, бирни кишвар,
Бири Жаброил паридур.

-Ул налурки икки нарса,
Еру кўкни сайрон этар,
Сари ерда, ўзи кўкда,
Куръон киммининг фармонидур?

-Ой бирлаи кун икки нарса,
Еру кўкда сайрон этар,
Сари ерда ўзи кўкда,
Куръон хакнинг фармонидур.

-Ул кимдур ўлтирур тўрда,
На кимса сўзлаюр тишида,
Қирк киши жам бўлғон ерда,
Тилининг азбари надур?

-Фариншта ўлтирур тўрда,
Мухаммад сўзлаюр тишида,
Қирк чилтан жам бўлған ерда,
Ҳакнинг зикри азбаридур.

-Ул кимса онадин бўлди,
Онасига никоҳ қилиди,
Дарвиш сўрар, Ошик айди:
Эри надур, оти надур?

-Ошик айди жонажоним,
Ҳакга етиигай фигоним,
Одам ота шул жувонининг,
Ҳам отаси, ҳам эриду.

Аммо бу жавобни бергандин сўнг отидин туниб эран, пир Гўрўғлининг беҳадблигига қаҳри келиб, кайтарниб юборди. Гўрўғли бир кантга борниб, отни бир ѹкинга юборди ва бошига салича, ёёғига кавуш кийиб, ўзини танитмай келиб пирнинг эшигидан кирк кун хизмат қилиди. Ҳамма шўгириларидин илгари бўяди. Айтдин сўнг ўзини танитди. Пир тунохини ўтиб, сен ҳам фарзандим бўленил, делилар. Орадин уч ой ўтди. Пир бир кун оқшом ухлаб ётиб эрдилар. Тушинда

кирк чилган, ўн икки имом, тўрг чориер келиб турдилар. Тур еригидиц, Рум шахринда Арислонбойнинг кизи Хирмондали Карамжон шогирдининг насиб бўлди, бориб олиб бергил, сен хам Йўрўганинг Гиротини олғил, деб кўздин фойиб бўлдилар. Ошик Ойдин еридидн туриб, намозини ўкиб, ёнига уч юз олтмини шогирдини олиб айди: эй йигитлар, ман шул охлом бир туш кўрдим, ҳар ким менинг тушимни йўрса шогирдим бўлур, дели. Анда шогирдлари айди, ё тирим тушингизни баён килинг, таъбири килиб берурмиз инишоолло, дедилар. Шул вактда Ошик Ойдин кўлиға созини олиб, яхши кулоқ кўйчинглар, деб кўрган тушини шогирдларига баён килиб бир сўз айди:

Шул кеча ётурдим бир ахвол кўрдим,
Бир бўлак боилари кулохли келди.
Сесканиб уйгониб еримдин турдим,
Кўллари тиллодин асоли келди.

Кирк киши тушимда берди жавоби,
Кўлларини олиб ўтдим тавоби,
Бириси кўтариб гулгун шароби.
Бирининг кўлинда пиёла келди.

Шул вакт кўнглима кечмасди гумсан,
Ондин сўнг кўринди уз фахри жаҳон,
Ондин сўнгра келди бир мохи тобон,
Лаблари шаккардин мазоли келди.

Кўзлари жаллоидур, коши камондур,
Кўрган ошикларнинг аюни хайрондур,
Гул юзин кўрмадим мохи тобондур.
Бошлари жиголи кулохли келди.

Кирк каниз ёнимга мастона келди.
Бир замон ёнимда ўйнади-кулди,
Бу қаро бошимга савлони солди,
Ғамзали килинти ҳаёли келди.

Бу тушни сизлара айласам баён,
Андин сўнг етишмас суд ила зиён,
Юзлари мунаввар бир мохи тобон,
Кўнглима бир ёрнинг хиёни келди.

Ошик Ойдин сўзи гумон дегиллур,
Агар бўлса хури ризвон дегиллур,
Ҳамроҳ бўлса нури имон дегиллур.
Козлари никобли даъволи келди.
Алкисса бу сўздин сўнг шогирдлари тушининг таъбирини билмадилар шул

вактда Карамжон ерилип турған күл қовуштириб айди, агар жавоб берсангиз биз таъбир қилемиз, деди. Рұксат бұлса нечун бўлур эркан, деди. Анда пир айди, боракало айттил, ўғлим, деди. Анда Карамжон кўлиға созини олиб, бир-бири таъбир килиб бир сўз айди:

Муборак халифам, бул кўрган тушинг,
Бошда келган Расулуло бўлодур.
Ҳак тил берса сўзим баён айласам,
Сўнгра келган Одам ато бўлодур.

Кирк чилтан жам бўлиб фотиха берди,
Пирлари раҳм этиб ҳолин сўради,
Шоҳимардан келиб ҳолин сўради.
Сўнгра келган ҳазрат Али бўлодур.

Кирк чилтан жам бўлиб дошинг айланниб,
Алайхиссалом келиб аста шайланиб,
Ғамза бирлан келиб зулфи товланиб,
Буйла келган Хирмондали бўлодур.

Юз йигирма тўрт минг пайғамбар жаҳон,
Санго ҳамроҳ бўлса нур ила имон,
Сўнгра келгантари бехишту ризвон,
Фирдавснинг ичинда гули бўлодур.

Тўрт киши олдинда турди баробар,
Абубакр, Умар, Усмону Ҳайдар,
Бириси дейилар ул шоҳи ҳовар,
Шароб берган ҳазрат Али бўлодур.

Уч юз олтмиш кизлар кезар ёнинда,
Тилюдин жигози бордур бошинда,
Арслонбойнинг кизи Румнинг шахринда,
Кўрган тушинг Хирмондали бўлолур.

Пира куллук этган номурод колмас.
Уч юз олтмиш халифам бу тушини билмас,
Ҳак назар килемаса хабари бўлмас.
Шукун кўрган тушинг женон бўлодур.

Тизло жиго санчиб мастан кезадур,
Одеб бирлани коши кўзин сузибдур,
Шуни халифам биза худо ёзибдур,
Баён этсам Хирмондали бўлодур.

Ошик Карам сүзин баён этайин,
Рухсат берсанг мен хам бирга кетайин,
Насиб бўлса дол бўйиня етайин,
Мунн айтган Карам ўғлон бўладур.

Аммо Карамжон бу сўзни айтғондин кейин пир еридин турниб, Карамжонни бирга олиб кетди. Қолған шогирдларига рухсат бериб юборди. Булар бир неча кун йўл юриб кизнинг ёнига бордилар. Пир ташқарида турниб Карамжонга сандин сўз сўраса худога ошикман, деб айтғил деб боғга юборди. Карамжон боға кирди ва покиза меваҳардин еб юрди. Андин сўнг кизнинг ёнига борди. Киз андин савол сўради, иакорасан, деди. Ман ошикман, деди. Киз Карамжонга айди: нага ошиксан, деди. Карамжон айди: худога ошикман, деди. Эрса киз айди: худога олип бўлсанг бир сўз сўзлаб бергия, деди. Анда Карамжон дархол қўлига созини олиб куш бўлтгай, деб кизга караб бир сўз айди:

Мени сўрсанг келдим Ажам элидин,
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.
Боғбон бўлам боға битган гулинга
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.

Ман ошикман келдим санго соз ила,
Бир ёрни ўйларман меҳри ноз ила,
Тушмишам ман Хирмондали киз ила,
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.

Боғбон бўлсанг богинг гулин термака,
Хизмат килиб куликингда турмока,
Сенинг бирлан бугун даврон сурмака,
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.

Ёшлигингда мудом ишинг жанг бўлур,
Уруш куни шодиёна кокилур,
Сунбул каби сиё зулфинг тўкилур.
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.

Кўша норинг ошиклара тузилур,
Яктоликда хумор кўзининг сузилур,
Ёшинг киркга етса холинг танг бўлур,
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.

Ошик Карам курбон бўлсанг ўзингга,
Жоним оғсан каро, нарғиз кўзинга,
Ошик бўлдим онасининг кизина
Ажам ўғлон боға сайра келибдур.
Алкисса бу сўздин сўнг кизнинг қаҳри келиб нима дерсан, она-кизига ошик бўлган борми, деб бориб юзига икки шапнот урди. Карамжон кизнинг қўлидин кочиб.

Изидин ташкарига чиқди. Қыз изидин дуторни олиб отиб юборлы. Дутор копига тиб парча-парча бўлди. Шул вактда Қарамжон ул қизга караб ташкарида туриб тиб сўз айди:

Синса синсин бизнинг дутор,
Синган дутор излашурмиз.
Тонгта устодим келандা,
Нор түядек бўзлашурмиз.

Кезарман боғи гулшанни,
Сен нечук хўрлайсан мени,
Иншоолло олурман сени,
Ҳак амрини сўзлашурмиз.

Кел, гўзал эшигил зорим,
Не сабабдин келди қаҳринг,
Нечук синдиринг дуторим,
Сенинг билан сўзлашурмиз.

Ошикларнинг кўнгли ёздур,
Мудом сухбат ила создур,
Дуторнинг хуни бир киздур,
Ҳак тил берса сўзлашурмиз.

Сени кўймадим жойингда,
Мудом зикр этиб ўйингда,
Ўлинча сенинг йўлингда,
Тинмай они излашурмиз.

Ошик Карам эрур отим,
Худога етигиди додим,
Ошик Ойдиндур устодим,
Сенинг билан сўзлашурмиз.

Аммо Қарамжон бу жавобни айди ва кочиб кетди. Қыз таҳтдин ўзини ташлаб, ўғлонинг изидин этиб айди: Эй ўғлон, агар Ошик Ойдин пирнинг шогирди бўлсанг, манлин беадаблик содир бўлди, деб жуфт ёқасидин тутиб ушлаб оркасига кайтиб келтириб таҳтга чиқариб ўлтурли. Синган дуторни тузатиб берди. Қыз айди: Эй ўғлон, бир сўз айтгил, айтсанг ҳам ўлтирурман, айтмасант ҳам ўлтирурман, деди. Анда Каримжон синган дуторнинг пардаларини созлаб қизга караб бир сўз айди:

Арзим борин десам сенгили ёрича,
Десам ўлтирурлар, лемасам ўлам.
Оқ сийна устинда анорларини дин,
Тутсам ўлтирурлар, тутмасам ўлам.

Ман ёрни севарман жоң била тандин,
Ёр бизни севмака уялур элдин,
Хиноли бармоқдин, хиноли күлдин,
Тутсам ўлтирурлар, тутмасам ўлам.

Ман ошыкман ҳабар олсанг ўзингдин,
Кучсам сенинг мүрча, нозик белингдин,
Үргилайин наргис каро кўзингдин,
Үпсам ўлтирурлар ўтмасам ўлам.

Хирмондали этма биза қаҳрингни,
Халифам келса олиб берур ёримни,
Шул кўкенингда битган кўша норингни,
Кучсам ўлтирурлар, кучмасам ўлам.

Нечаки тушди сенинг йўлинга,
Ҳарна маюмаллар колди бўйнинга,
Армоним йўқ кирсам санинг кўйинига,
Кирсам ўлтирурлар кирмасам ўлам.

Аммо Карамжон бу жавобни айтқондин сўнг киз еридин туриб, кўз ёшини рўмози берлан супуриб, юзидин бир жуфт бўса бериб, юз ташло инъом бериб, Карамжонни узатти. Эртаган халифангни шу ерга олиб келгил, деди. Карамжон халифасининг ёниға бориб, бир охшом бўлиб ётиб фарз вакти еридин туриб халифасини олиб кизнинг богига келдилар. Ошик Ойдин бир варсоки айтиб гойиб бўлди. Ашни сўнг бир мева орасига бориб ўлтурди.

Эмди Хирмондалидин сўз эшитниг. Пир бирлан Карамжон боргандза Хирмондали уйкуда эрди. Ногоҳ қулогига бир хуш овоз келди. Дарҳол еридин туриб, пирни ахгариб, йўрга отини эгарлаб миниб, ёниға кирк капизакни олиб юриш килди. Анда Ошик Ойдин пир айди. Эй Карамжон, киз келатурур мани бир мозорга жой килтил, келиб сендин сўраганда сен айтгайсан устодим ўлди, деб тургайсан. Анда киз яшириниб бир сўз айтур. Ондин кўркма, эмди сўзни биздин эшитгил, деб мозорга кирди. Устига бир жуфт чодир ташлаб ёнида дуторни кўйиб ёта берди. Караб кўраса кизлар келатурур. Карамжон кизларни кўруб додиман фарёл уруд йиглай бошлиди. Кизлар Каримжондин сўрадилар: на ерлик бўлурсан, на учун йигларсан, делилар. Карамжон айди: Ман Ошик Ойдин пирнииг шогирди эрдим, охшом сизларнииг ённингздин келгандин сўнг устодим дунёдин ўслилар. Эмди устодимни мозорга кўйибман, юртима кетмакчи бўлиб турубман, деди. Анда Хирмондали Карамжонга караб айди: Эмди сени на иш килурман, деди. Шул холда Ошик Ойдин пир киз бирлан савол-жавоблашиб бир сўз айди:

Кўркмадин мени отимдин,
Сан на пиринги йўкларсан?
Айрилибсан устодингдин,
Эмди келдинг омона сан.

Юз минг мукома сан дүниб,
Бүш күрдингми ўғлонни сан,
Уриб дуторин синдириб,
Еши күрдингми ўғлонни сан?

Десам күзим ночок бирлан,
Кезма якин-йирок бирлан,
Ола хуржун эшак бирлан
Нердан келган девонасан?

Яратган бир жаббордур,
Расуулло хабардордур,
Хар на тиласанг тайёраур,
Яхши тани бобонгни сан.

Сани юбормастар боя,
Құвдирулар сүлға – соға,
Оширулар тоғдин тога,
Келиб күргил бу ённи сан.

Ошикнинг сийнаси бакдур,
Сенга келган икки бекдур,
Бобонгнинг хаёли бирдур,
Күрсата күр сийнангни сан.

-Кет, бобо дошимдин йирөк,
Гарданинга тегар таёк,
Үзинг карри, сокколинг ок,
Күл узатма сийнама сан.

-Ошикман қаро күзлара,
Чакма парда ок юзлара,
Ёшлик этарсан бизлара,
Чакир, эмди онангни сан.

-Бобо, келдинг кайси жойдин,
Тилағинг тила худойдин,
Хирмондали кайтли ройдин,
Олиб боргил элинита сан.

Ёнли, шириң жовын ётени.
Динит Мухаммадинни ётени,
Танисанг Ошик Ойлини,
Азиз сакла, меҳмонни сан.
Аммо бу сўздин сўнг киз отдин тушиб, Ошик Сайдинни отға миндириб, ўзи

пиёда отнинг жиловидин тутиб, боя олиб борди. Кўшкунда ўттириб отасига хабар берди. Маги олмокга бир кари киши келибдур, деди. Отаси Арслонбой эшишиб кизини бермай бобони кувиб юбарди. Бобо бирлан Карамжон бориб Рум шаҳрининг подшосига арз килдилар. Ошик Ойдин аиди. Рум шаҳринда Хирмондали деган киз шарт килғон эркан, ҳар ким ман бирлан сўз сўзлашиб енгдим, кураш тутиб йикдим. Киз менга бормади, деди. Подио ўн отли ясовул кўшиб юборди. Булар келиб Арслонбой уйига тушдилар. Арслонбой хизмат килмоқ биртан бўлди. Анда подшонинг кишилари аиди, эй бобо кўлингда сознинг бор эркан бу маъжисда бир сўз айтиб ўлтиргил, дедилар. Анда бобо аиди соз айтурсман, юзда ўн бир ёшга кирибман мундай жабр кўрмадим, деб арзлар килди.

Анда Ошик Ойдин кўлина созин олиб, Арслонбойга караб бир сўз аиди.

Бориб айтгил Арслонбойга,
Хирмондали ёрни берсин.
Нолишим етди худога,
Сиё зулфи торни берсин.

Уч юз киз кезар ёнинда,
Армон колмади жонимда,
Ўзининг тул бўстонинла,
Кўл етмаган козни берсин.

Ойдин айтур, ёна-ёна
Шароб исчам кона-кона
Бахш айладим Карамжона
Рози бўлиб ёрни берсин.

Аммо бу сўздин сўнг Карамжонга Арслонбой кизини баҳш этдим, деди. Бу сўздин сўнг бодга етти кечакундуз тўй томоша килиб бердилар. Хирмондалини Карамжонга никоҳ килиб бердилар. Булар мурод-максадлариға етдилар. Алкисса тўй-томуша тамом бўлди. Арслонбой кизига юз чўри, кирк дўғма, беш юз ботмон бурунч. юз тевага мол юклаб буларни кўчириб юборди.

Булар бир неча вактда шаҳри Ширвонга бордилар. Кирк кечакундузгача тўй-томуша килдилар. Тўйнинг ўн беш ингирма кунни ўтгандин кейин бир бўлак савдогарлар келиб тушдилар.

Эмди хабарин Гўрўглибекли эшитинг. Бир куни Гўрўглибек дарё кирогига борса бир бўлак савдогарлар ётур. Савдогарлардин хабар сўради. Савдогарлар айдилар шаҳри Ширвонда Карамжон деган Хирмондали кизни олиб тўй-томуша бошлиб эркан.

Бизлар бир неча кун анда бўлдик. Бизлар тўйни тамом қилиб келурмиз, дедилар. Анда Гўрўглибек Чамлибелга келиб, кўлига созини олиб Сафар кўсага караб бир сўз аиди:

Хуш қол, эмди Сафар маҳрам,
Ман шаҳри Ширвона кетам.
Латыну ёкут инжу тизиб.
Дур, гавҳарли кона кетам.

Ишк йўлиға тушан одам,
Ёр йўлича кўяр кадам,
Тўй бошлибди уста Бодом,
Дур тираб дурдана кетам.

Газаб устинда ўзтирон,
Бизнинг бирлан созин курон,
Келтил, деюб вайда беран,
Кўнглим олғон ёра кетам.

Гўрўғли айтур колдирмок,
Ширин таним ўта урмок,
Бир нечасини ўлтурмок,
Хирмондали киза кетам.

Бу сўздин сўнг Гўрўғлибек йўлға тушиб кетди. Сафар Махрам Гўрўғлибекнинг изидин югуриб келиб, андак замон турғил, деб Гўрўғлига караб бир сўз аиди:

Арзим эшит, Гўрўғлибек,
Биза бир севар ёр келтир.
Бир ёрдига бўлдим хору зор,
Манго бир яхши киз келтир.

Ғўч йигитсан вактинг хушдур,
Нера борсанг кўлинг бўшидур,
Қаррибман ёз куним кишидур,
Манго бир баҳор- ёз келтир.

Сарима бир қулфаг етди,
Эмди манинг айчим кетди,
Уч ой бўлди кўйним бўшиди,
Манго бир яхши киз келтир.

Курдош йўқ дегра-дошимда,
Ғам қулфат кўплур бошимда,
Бўлсам йигирма ёшинда,
Каро кўзи хуммор келтир.

Сувлар окиб, дарё тўлсин.
Кўрган одам гамгин бўлсин,
Ўрта бўйни, самиз бўлсин,
Манго бир гўзал киз келтир.

Гўрўғлибек бир оғайла.
Ўтганларни сан ёл айла,
Сафар маҳрамни шод айла,
Манго бир яхши киз келтир.

Аммо Сафар кўса бу сўзни тамом кишиб, бу ерда колди. Гўрўғлибек неча вактлар йўл юриб шахри Ширвонга борди. Фиротни бир ерда боғлаб, майхонага кирди. Кўреа уста ўлтирур. Гўрўғлибек салом килди. Шул вақтда устанинг хуши учиб кетди. Гўрўғлининг келиб кирганинг хуш кўрмайин панага кетди. Шул вақтда Гўрўғлибек еридин туриб, дуториня созлаб бўлди.

Шул вақтда уста дархол еридин туриб эрди Гўрўғли устанинг жуфт ёкасидин тутиб елкасини ерга уриб кўксинда ўлтуриб бир сўз айди:

Устасан, устасан, кимма баҳона,
Овозанг тушибди жумла жаҳона,
Шул кеча меҳмонман кизу жувона,
Уста, созим кайир, кардош бўзоли.

Чамлибедин сени дейиб келмишам,
Ҳасратингида заъфарондек сўлмишам,
Эмди келдим сени мунда кўрмишам,
Уста, созим кайир, кардош бўзоли.

Ализи кўчди Чамлибелни тўзина,
Олик бўлдим шогирдиятнинг ўзина,
Уста хоррот кувонур созим сўзина,
Уста, созим кайир, кардош бўзоли.

Қайирғил, қайирғил, созим кайри ил,
Ўзга ишдин сен кўлингни айирғил,
Кўз ўтмаса шогирдинга буюргил,
Уста, созим кайир, кардош бўзоли.

Пардасин жой боғла, холи бўлмасин.
Қонқогин боғлагил, холи бўлмасин,
Маърака майдонда кўркамли бўлеин,
Уста, созим кайир, кардош бўзоли

Гиротға мингандан титрашур ерлар,
Ганимасанг бизни Гўрўғли дерлар,
Изимла кезадур кирктадан шерлар.
Уста, созим кайир, кардош бўзоли.

Аммо бу сўздин сўнг устани еридин турғизиб сўрашмок бирлан бўлди. Андин сўнг уста Бодомга бир пой бурунч берди. Наҳорга пишириб ичкурининглар, дели. Башка одам наҳори вишириб билмас эрди. Гўрўғли ўрнидин туриб, козонга ўт ёкмок бирлан бўлди. Ош сувини тортди, беш мисқол дори бехуш солиб Гўрўғли ошики дамга кўйди. Бироз вақтдин сўнг таомни табокға солиб, икки шогирдига бир табок кўйиб, ўзи козонга тарс караб ўлтурди. Буларнинг ҳар бири бир-икки лукма етандин сўнг бехуи бўлиб йикилди яр. Гўрўғлибек дархол Хирмондалияниг ётгон саройининг капусидин бориб караб даҳл килиб уйга тушай, деди. Анда киз еридин туриб айди: Ўлим йўқ сенга! Бурун келганда кезиб эрдинг, деди. Анда Гўрўғли

или, эмди кизни сўзлатдим, деб бир сўз айди:

-Жувон, бир жойда кезарсан,
Билагинг тутсам на бўлур?
Кўнилинг хабарин бергунча
Белингдин кучсам на бўлур?

-Билагим тутсанг билурлаар,
Ширин жонингни кийнарлар.
Элитб чўлларда кўярлар,
Кул дейиб сотсам на бўлур?

-Кул келур мастона ердин,
Ошик дўнарму бу йўлдин,
Найлай, бермадинг гулийгдин,
Боғчанга кирсам на бўлур?

-На ишинг бор гулим бирлан,
Кунинг кечар зулм бирлан,
Тархиноли кўлим бирлан,
Сани ўлтирсам на бўлур?

-Ошинг ўлтурмак савоблур,
Санинг устинга кўноқдур,
Кўксинг ошика яйлоқдур,
Ман чикиб ётсам на бўлур?

-Хирмондали келди тила,
Бориб боғбон бўлсам гула,
Мал ўтибон гулдин гула,
Учсаму кўнсам на бўлур?

-Гўрўғли келди куш каби,
Канотлари кумуш каби,
Олнир шункор лочин каби.
Сани овласам на бўлур ?

Аммо бу сўздин сўнг Хирмондали Гўрўғлибекин чакириб, тонг отгунча сивку сафо килиб, тонг отгандин сўнг бош-оёқ сарпой бериб, юз тилло бериб узатди. Гўрўғли меҳмонхонадин бир дутор топиб, Гиротин миниб, тог тарафига борди. Шуя вактда уста Боломнинг беш кизи тог тарафдан келур эрдилар. Ёнида кирк каниз келур эрдилар. Гўрўғли булярни кўриб, кизнорга караёб, хунномадигуриб бир сўз айди:

Бир арзим бор лесам сиза,
Жонимни жанони кизлар.
Ман курбонман ўзингиза,
Шул кеча мәхмонман, кизлар.

Билманам кайдин келурсиз,
Жонимға жафо килурсиз,
Ёўч йигитнинг хушгоҳисиз,
Кенгашли кайвани кизлар.

Мен кетарман ёна-ёна,
Эмсанг лабинг кона-кона,
Лойик кўрдим оғам жона,
Маслаҳатни беринг, кизлар

Сизлар заррин, гулгун кийиб,
Лайли бирлан Мажнун бўлиб,
Ишқ ўтини жонга солиб,
Борурсиз қаёна кизлар.

Гўрўғли оламни мохи,
Сизлар учун чекдим охи,
Келур гўзалларнинг шохи,
Адабли ишвали кизлар.

Аммо бу сўздин сўнг кизлардин бири бир сўз айтғил, дедилар. Гўрўғли хуп бўлгай, деб Еиротга миниб кизлар бирлан келур эрди. Аларининг орасинда бир кизни аста отга миндуриб, отға бир камчи урди, олиб кочди. Мунинг бир канизи бер эрди. Одига Гулшан дер эрдилар. Бу Гулшан каниз додиман фарёд уруб уста Бодомга караб бир сўз айди:

Уста Бодом, кизинг кетди,
На боғ туйди, на боғбонинг.
Бир гўч йигит олди кетди,
На боғ туйди, на боғбонинг.

Дунёни ўтарин билди,
Ёмон иша қулоқ солди,
Бир жолотой, зангар келди,
На боғ туйди, на боғбонинг.

Юргингни хароб айлади,
Базм ила шароб айлади,
Жонимға азоб айлади,
На боғ туйди, на боғбонинг.

Дунё ўтарин ўйлади,
От-ярогини шайлади,
Охшам кезинни тўйлади,
На боғ туйди, на боғбонинг.

Гулшан дер. Йигладим, келдим,
Туганмас балоға қолдим,
Улли бибимдин айрилдим,
На бог түйди, на бөгөнним.

Аммо қазиз бу сүзин айтғондии сүңг уста Бодом еридин туриб, отини миңиб
уста яргиң олиб, пой тешасини кистириб, Гүрүғлини кувиб бориб караса Гүрүғли
дарёдин ўтибдур. Уста Бодом дарёнинг кирогига бориб айди, эй Гүрүғли, бу не
килик. Анда Гүрүғли айди, насиб бўлса Чамлибелга борурман, деди, бориб даврон
сууруман, деди. Анда уста Бодом тешани қўлга олиб отиб юбарди, тешаси ул
дарёнинг ўртасига бориб тушди. Уста караса қиз ҳам тешаси кетибдур. Уста Бодом
айди, эй Гүрүғли мард бўлсанг кизимни ташлаб кет, деб ёлбориб бир сўз айди:

Ғўч йигитнинг йўли тушар
Ташла, Гўрўғли ночорни.
Мард бўлармиш туркман ўғли,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Оting тоғлардин ошмасин,
Бу жопинг ёниб- куймасин,
Қўлда дуторинг синмасин,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Ғиротинг тоғлардин ошар,
Мард йигит келиб уграшар,
Яна бизга ишинг тушар,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Қизлар гулдурур, сайланур,
Тоғ боинида тарлон эрур,
Кизим кишининг гулидур
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Арзимни борини айтдим,
Ёниб ўртанибам күйдим.
Коринги сен олиб бўлдинг,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Аммо бу сўздин сўнг Гўрўғли олдидағи Гулзор пари зор-зор йиглаб отасига
караб бир сўз айди:

Муханиасни боғда қўйма
Шохасина зўр келтирур.
Тера билмас тоза гулин,
Шохасина зўр келтирур.

Муханиаслар қора кетар,
Йикилганни телар ўтар,

Сандин күплар айб тонар,
Бошинга бало келтирур.

Чаман миниб чангда колма,
Йўлтотк миниб йўлда колма,
Киз ночорни ётга берма,
Бу бобонга ор келтирур.

Гул паризод ёнли жоним,
Вайрон бўлди хону моим,
Эмди Чамлибел маконим,
Зор-зор йигзаб хор келтирур.

Алкисса Гўрўғли дарё ўртасинда туриб, уста Бодомга караб айди. Эй уста Бодом, эмди дуторим синса тузатиб бермагил ва сенинг кизингни бермасман, эмди мандин берган бўлмас сендин олғон бўлмас, леб Чамлибелга караб кетди. Уста Бодом карай-карай ортига кайтиб кетди. Гўрўғли бир неча вактлардин сўнг юртига келиб, уч кечакундуз тўй томоша килиб, кизга никоҳ килиб, Сафар Махрамга тошириди. Улар айш ва ишратда бўлдилар, Гўрўғли кўлига созини олиб бир сўз айди.

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Бўлон кўнглим бўлон кўнглим.
Ёғончи фоний дунёда,
Келан кўнглим, келан кўнглим.

Ғўч йигитнинг бўлмас ёти.
Оллоға етишур доди,
Ўн саккиз арчин Ғироти.
Минан кўнглим, минан кунглим.

Арзимни барини деюб,
Ҳасратидин конлар ютиб,
Оқ сийнага сийнам кўюб,
Гўнаи кўнглим, гўнаи кўнглим.

Кирк йигит ҳамдам бўлмади,
Изимда зурёл колмади,
Ўғиздин нишон бўлмади,
Ўлан кўнглим, ўлан кўнглим,

ЭРҲАСАН

Гўрўғли Авазхонни Ваёнгон шахридан олиб кайтгандан кейин унинг отовозаси бутун элга тарқаб кетди. Аммо Ваёнгон шахрида бир темирчи устанинг Эрҳасан отли ўғли бор эди. Бу йигит оғир солдомояи, кучли-куватли, гарчак бир зот бўлиб лўради. Отасининг ёниза чўкиш урса, ер сор-сар, босқон босса дуваланг

турғондай бўлар эди.

Кунлардан бир кун Гўрўглиниң васфи Эрҳасанинг кулогина етди. Бу срда чўкиш уриб, боскон босиб умримни ўтказгандан кўра Гўрўглиниң ёнига бориб, от чопиш, килич уриш, найза санчиц илмини ўргансам деган умидда Чамлибел вилоятина караб йўл тутди. Чамлибела келиб, Гўрўглиниң майхонасици олдида тўхтаб, эшникни кокди. Гўрўгли караса, узун бўйли, кенг скали. чалроз бир йигит турибди. Шунда Гўрўгли: - Сендан бир зот чикса керак, леб уни йигитлари каторина кўшиди, ўғлим бир эди, энди икки бўлди деб, уни йигитлардан айримча меҳр билан тарбиялади, уйлантиришни кўнглина тушиб кўйди.

Эрҳасан кунлардан бир кун Гўрўглидан рухсат сўраб шикора чикиш тадорикини кўрди. Огини, тозиси, куши, ёйи, асбоб-анжомларини шайлаб тўртбеш йигит билан жўнаб кетди. Чўлу саҳроға чикиб, кийик, куёни, султун, кўтон овлаб юрдилар. Ов мўл бўлди. Алгараз уларни йигиб, бир кумнинг ўй жойига тушиб, созокларни калаб, ўтни ёқиб, тунча, тонқоларни кўйиб, кабобми шўрвами пишириб, еб-ичиб, роҳат тоғдилар.

Шу бодда чарчаб ухлаб колдилар. Аммо Эрҳасан сужи уйкуда ёлиб бир туш кўрди. Тушинда бир оқ сокколли нуроний чол унга караб: эй, ўзим Арзирум шаҳриндаги Ҳасан шоҳиниң кизи Талихон сенинг ошиғи бескарорингдир, сени туну кун кутиб ўтирибли, шуни бориб олиб кайтмоғинг керак, леб кўздан гойиб бўлди.

Эрҳасан ериннан сичраб турди, кўзларини укалаб, у ёк-бу ёкка каради, ҳеч зот йўқ. Шунда Эрҳасан:

-Ё пир-ей, бу на ахвол бўлди, деб ёнидаги шерикларини турғузиб, колган-кутған овларни олиб, майхонага кайтди. Юрагини хавл босиб, бу хавлни ичина сиғдирибоямай отаси Гўрўглиниң ёнина бориб бир шеър айтгар бўлди:

Арзим эпиг Чамлибелниң Султони,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин!
Йўқдир лесанг менинг сўзимда хатом,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин!

Бир нуроний бобо келди кошима,
Ёр савдосин солди мани бошима,
Ҳен бока билмадим дегра-дошима,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин!

Севмак-севилмаклик азалдан борди,
Ишқ савдоси бугун бошима урди,
Талихон деб рангги рўйим саргалди,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин.
Агар берсанг сандин рухсат тиларам,
Ул ёрни кўрмасам, бўлмае карорим,
Тушимда кўрмишам аталған ёрим,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин.

Эрҳасан дер, энди бирга юрмака,
Ёр йўлинда ширин жоним бермака.

Богларидан кизил гуллар термака,
Рухсат берсанг, Арзиумға кетайин.

Эрхасан сўзини тамом килиб, Гўрўғли отасидан жавоб кутиб икки кўлинни алиф лом килиб турди. Шунда Гўрўғли айтдики, эй ўёлим, нури дийдам, тожи сарим, белимнинг куввати Ҳасанжон, ошиқ-машуклик Одам отадан қолган дастурдир, севмак-севилмак хамиша бор нарса. Бу иш сенинг бошинга хам тушибди. Ишқ иши кийин иш. Аммо санинг ошиқ бўлған кизнинг отаси золим-зубаро одамдур, Арзиумнинг йўлини хамиша берк тутар. Агарда кетмакчи бўлсанг, кирк йигитни йиғнаб бир кенгаш этсанг ёмон бўлмас, деб Эрхасанни сал бўшиштириди.

Энди Эрхасан маслаҳат этиб тураварсин, сўзни Таллихонимдан энгитинг. Аммо Таллихон хам бир туш кўриб, ёнина хос шотирини чакириб, кўрган тушини бир-бир баён этди. Таллихоннинг тушини баён этганда айтиб турган шеъри:

Мендан салом Гўрўғлибек Султона,
Бунда келиб, бизни олсин Гўрўғли!
Юрт этаси, салтанатли Султона,
Бунда келиб бизни олсин Гўрўғли!

Лот-манотни бекор этдим, ташладим,
Барҳак билиб динни маҳкам ушладим,
Шариатда тоза йўлни бошладим,
Бунда келиб, бизни олсин Гўрўғли!

Ногохонда келиб, дегра дошима.
Бир йигитни келтирдилар кошлима,
Кирк чилтандар гул санчизлар бошима,
Бунда келиб, бизни олсин Гўрўғли!

Таллихон дер, етиргайсан саломим,
Фойибона етири, шотир, каломим,
Танни тарк айлади, йўқдир оромим,
Бунда келиб бизни олсин Гўрўғли!

Шотир Таллихонни мактубини олиб, йўлга равона бўлди. Йўл юриб-мўл юриб Чамлибел вилоятина етди. Тўгри Гўрўғлининг майхонасиға кириб, хатни унинг кўлига тутказди. Гўрўғли хатни ўқиб бўлиб, Шотирга айтди:
-Киз яхисини, от яхисини, йигит яхисини кайси элда кўрдинг, деди.
-От яхисини, йигит яхисини Чамлибелда, киз яхисини Арзиумда кўрдим.
деди Шотир. Бу сўздин кейин, Таллихонни таъриф этиб бир шеър айтар бўлди:

Гўрўғлибек, эшил менинг сўзимни,
Таллихондек асил жонон кўрмадим.
Юриб гашт айладим рўйи заминни,
Таллихондек асил жонон кўрмадим.

Сочи кирк газ, хусни хуршиди тобон,
Ҳасан подшонинг кизидур жонон,

Ғойибона ўзи бўлмиш мусулмон,
Таллихондек асил ёрни кўрмадим.

Кўрганим йўқ бундай жаинат хурини,
Бир дам торгса Исрофилдек сурини,
Яксон киласар етти дарё шўрини,
Таллихондек асил жонон кўрмадим.

Шотир деяр Эрҳасаннинг ёрини,
Таърифин айласам, зулфи торини,
Айтаберсам феъли, хулки барини,
Таллихондек асил жонон кўрмадим.

Шотирадан бу сўзларни эшишиб, Гўрўглининг кулфи-дили очилиб қўнгали
теглай кўтарилиб кетди. Шотирга бош-оёк сарулою кийлирди. Ўзи келиб майхонага
кирди. 40 йигитни чакириб. Арзирум шахрига бориб Таллихонимни олиб келажак
йигит борми, ким талабгор деб йигитларига бир шеър айтмоқчи бўлиб, казма
доторини кўлига олди, пардаларини созлаб номага солиб сўз бошилади:

Гиротимни бериб, хизмат сўрасам,
Кирк йигитда бир каромат бормикан?
Ғўчоклардан мумтоз килиб юбарсам,
Кирк йигитда бир шери мард бормикан?

Ўиб олса душманларнинг кўзини,
Зальфарондек сарғайтира юзини,
Олиб келса Ҳасан шоҳнинг кизини,
Кирк йигитта бир маломат бормикан?

Бу хизматни бир гўч йигит битирса,
Куч синашиб, Ҳасан шоҳни йитирса,
Таллихонни олиб бунда келтириса,
Кирк йигитла бир шери мард бормикан?

Ињом бериб, уни яхши кўрайни.
То келгунча йўлин караб турайин,
Олиб келса, совға-салом берайин,
Таълаб киласар, бир каромат бормикан?

Шотир келиб бизга плаёми стди,
Чин ошиқ деб бизга ҳабарин этди,
Ҳабар бериб шу дам шотир ҳам кетди,
Кирк йигигуда бир шери мард бормикан?

Гўрўгли дер, гойибона Таллихон,
Сидки билан ошиқ экан ул жонон.
Химмат айлаб талаб қиласа шу замон.

Кирк йигитда бир каромат бормикан?

Гўрўғли Султоннинг бу сўзини эшишиб, Сафаркўса, Хон Аваз, Хандон ботир, Бек Рустам, Дали Матал отли бир тўпор йигитлар маслаҳат этиб: Арзиум шаҳри хийла узок, у ерга бориш кийин иш, делилар. Шунда Эрҳасан ўринидан туриб, Гўрўғлининг кўлидан косани олиб, рухсат тилаб, бир шеър айтаберди:

Кодир олло манго килса каромат,
Талаб килдим, манго бергил ижозат!
Оллога сигиндим, тиларман рухсат,
Талаб килдим, манго бергил ижозат!

Жасадида ширин жоним бор бўлса,
Бу дунёда душманларим хор бўлса,
Сизлар каби гўч йигитлар ёр бўлса,
Талаб килдим манго бергил ижозат!

Манго бергил от-анжоминг, ёроғинг,
Килич билан яна олтин садоғинг,
Талвас этиб ичдим коса шаробинг,
Талаб килдим манго бергил ижозат!

Энди тушдим мен ошиқлик йўлина,
Курбон бўлай Талихоннинг холина,
Туарим йўқ душманларнинг олина,
Талаб килдим манго бергил ижозат!

Бу сўзни эшишиб, Гўрўғлининг кўнгли тогдай кўтарилиди. Гўрўғлининг савашда устун келтирадиган уч асбоби бор эди. Биринчиси-Ғирот ўн кунлик йўлни бир кунда ўтар эди. Иккинчиси-киличи-хар сармаганда 10-15 каллани бир кесар эди. Учинчиси ёйи-уч манзил жойдаги нишонни олар эди. Гўрўғли кувониб, бу уч асбобни Эрҳасанг тақдим этиди. Сўнг унга ок йўл тилаб, кўп ерлардан тимсол келтириб, бир шеърни номаға солиб айта берди:

Ўғлим, бугун бир савдога бош урдинг,
Борғил Ҳасан, бир оллоға топширдим.
От, яроб-асбобинг тузатиб бердим,
Борғил Ҳасан, бир оллоға топширдим.

Сен муштоқсан севар ёрниинг гулина,
Сакраб мингил, Ғиротимнинг белина.
Борар бўлсанг, Арзиумнинг элина,
Борғил Ҳасан, бир оллоға топширдим.

Муруваттаги айлагин ғамгин куллара,
Сайр этарсан дого дузу чўллара,
Талихон деб тушдинг узун йўллара,
Борғил Ҳасан, бир оллоға топширдим.

Санго ёрдур савашдаги илхомим,
Ёдингда саклагил, хар бир каломим,
Таллихонга етказгайсан саломим.
Боргил Ҳасан, бир оллога топширдим.

Арзиума мундин қилдинг ирова,
Худо килсин кувватингни зиёда,
Илохим етгайсан максад-мурода,
Боргил Ҳасан, бир оллога топширдим.

Гўрўғли дер, сенсан менинг кувватим,
Душманни гангитар шердек савлатинг,
Кўзимнинг равшани, тожи давлатим,
Боргил Ҳасан, бир оллога топширдим.

Гўрўғли Эрҳасанни йўлга солиб юбарди. Яна майхонасига кириб ўтириб, ўйланиб колди: Гиротни, ярг-асбобни бердим, юбардим. Шу ёкка борса, бу ёш йигит алдасалар, бир гўзал кизни берсалар, шу ёқда амалдор бўлиб колса кетса, Гўрўғли каноти синган күшдай колаверса... деб хаёл килди. Шу замони Мажнуидали отни миниб, бир килич, бир найза, қалкону дуторни олиб, отга камчи урди. Уч кечакундуз йўл юриб, Эрҳасаннинг олдидан чиқди. Эрҳасан уни танимай отини унинг олдига сурис келиб, ховой-сиёсат билан бир шеър айтди:

Сени манга берди худо,
Сендан кайтгач номард бўлсин!
Якин келаверма жуда,
Сендан кайтган номард бўлсин!

Бордир менинг кирқ дўгоним,
Гўрўғлидек меҳрибоним,
Бугун энди йўқ армоним,
Сендан кайтган номард бўлсин!

Эрлигимни билдиурман,
Паймонангни тўлдиурман,
Таъкиқ билгил ўлдиурман,
Сендан кайтган номард бўлсин!

Бу коронгу зулмат кўчар.
Мард йигитлар саваш очар,
Бу дунёга келган кечар,
Сендан кайтган номард бўлсин!

Эр йигитнинг эр йўлдоши,
Изларман мудом сирдоши,
Ҳасан шохнинг кариндоши.
Сендан кайтган номард бўлсин!

Ёд этарман бир оллони,
Даф этарман хар балони,
Мен билманам таваллони,
Бош кесмаган номард бўлсин!

Ўгримисан, ё бир каззоб,
Кўнглимда жўш урар газаб,
Сиртмок солиб, бериб азоб,
Ўлдирмаган номард бўлсин!

Ўгримисан, ё газанда,
Не килурсан бул маконда,
Жонинг колмас ҳаргиз танда,
Бош кесмаган номард бўлсин!

Эрхасан дер, билсанг мани,
Гўрўглиниг жони, тани,
Ҳақ етирди бугун сани,
Сендан кайтган номард бўлсин!

Эрхасан бу сўзни айтиб бўлған сўнг Гўрўғли отининг бошини бурди. Шунда Эрхасан уни кўркди деб ўйлаб:

-Эй каззоб, холинг шуми, деб яна бир шеър айтди:

Келиб эдинг кимни излаб,
Шуми хали холинг сенинг?
Отайин мен ўкни газаб,
Шуми хали холинг сенинг?

Отни бурдинг бир ховода,
Сенда жаҳду жадал кайда,
Лошинг колар ботиб лойда,
Шуми хали холинг сенинг?

Тулки келди шер устина,
Панжани урди дастина,
Етайин дейди пўстина,
Шуми хали холинг сенинг?

Мен кимлигим яширурман,
Бир сармасам кочиурман,
Сени тогдин оширурман,
Шуми хали холинг сенинг?

Саваш ўргандим устоддан,
Гўрўглидай улуг зотдан,



Бола бахши (чапда), Солай ака (үртада, доирачи), Матниёз буломончи (үнгда)



Жумабой (Сакрак) бахши оила даврасида. (1909-1985)



Махмуд бахши (1929-2003)



Қодир созчи (1920-1985)



Бола бахши Абдуллаев (1899-1994)



Норбек бахши Абдуллаев (1949)

Соғынчылардың көзүйдөлөрі
Гүргүлбек (1913-2005) - азырғында шынан да жиегүйе! Насымж

Күрдесин барытканын анын
Нуумы жаңы жаңынан салып



Турсун бахши дўстлари даврасида (1981 йил)



Турсун бахши (йортада), Ҳайитвой буломончи (ўнгда). 1981 йил



Қаландар бахши (1951 йилда туғилған)



Ахмад бахши Матназаров (1894-1938)



Онаジョン Собирова (1885-1956)



Сора халыфа Оллоберганова (1911-1986)

Курашсанг гар тушгин отдан,
Шуми хали холинг сенинг?

Эрхасан дер, билсанг керак,
Сен ўзингга келсанг керак,
Акли калта эй бадрак,
Шуми хали холинг сенинг?

Эрхасан бу сўзни айтгандан сўнг Гўрўғли ундаги меҳр-вафонинг бейиклигини билиб, кўкси тоғдай кўтарилиди. Кейин ўзини танитмас бўлмажаклигини сезиб, Гўрўғли эканини сездириш мақсадида бир шеър айтар бўлди:

Олибдур алина эгри килични,
Эрхасаним бобосини танимас,
Душманларни дўст тутиниб кулинчи,
Эрхасаним бобосини танимас,

Койил бўлдим, сўл юриди бу жона,
Кетди буткил кўнглимдаги гумона,
Ким дучлашар сендей марди майдона.
Эрхасаним бобосини танимас,

Бугун менинг паймонамни тўлдирап,
Умрим гулин хазон этиб сўлдирап,
Найза билан саншиб мени ўлдирап,
Эрхасаним бобосини танимас,

Ҳар нечук иш келар марднинг кўлидан,
Қасд киласа шер кочар анинг йўлидан,
Аждарҳо кўзгалмас туриб ўрнидан,
Эрхасаним бобосини танимас,

Савдо тушди Гўрўглиниң бошина,
Захар-заккум тўкилгандур ошина,
Рахм этмади кўздан оккан ёшима,
Эрхасаним бобосини танимас,
Гўрўғли дер, богда гулим сўлдими,
Ажал етмай паймонамиз тўлдими,
Тақдир биза Эрхасандин бўлдими,
Эрхасаним бобосини танимас,

Эрхасан бу сўзларни эшигтандан кейин, унинг оталики Гўрўғли эканини билиб, сакраб отдан тушиб. Гўрўглиниң оёғина бош кўйиб, зор-зор йиглаб, кечирим сўраб бир шеър айтар бўлди:

Кеча тортиб келдинг, сени билмадим,
Тавба килдим, маъзур тутғил, сultonом!

Овозинг эшитмон, бовар килмадинг,
Тавба килдим, маъзур тутгил, султоним!

Сен эрурсан мард йигитлар оғаси,
Арзим эшит, Чамлибелининг эгаси,
Танимадим бугун бўлдим мен осий,
Тавба килдим, маъзур тутгиз, султоним!

Мард йигитлар кечасига доримас,
Подшо ҳалки ёғиз, бевакт юримас,
Накл бердур: танимасни сийламас,
Тавба килдим, маъзур тутгил, султоним!

Худога йиғладим нолай гирён,
Ба ҳакки хурмати ул шери яздан,
Гунохинни ўтил, Гўрўғли Султон.
Тавба килдим, маъзур тутгил, султоним!

Мен санго баҳи этдим кулли боримни,
Рухсат бердинг, излаб чиқдим ёримни,
Ғанимдан олурман касди коримни,
Тавба килдим, маъзур тутгил, Султоним!

Эрҳасан лер, ғазаб килсанг қулингман,
Қадам қўйсанг ҳоки пойинг-йўлингмай,
Яхши кўрсанг ўзинг севсанг ўғлингман,
Тавба килдим, маъзур тутгил, Султоним!

Гўрўғли Эрҳасандан бу сўзин эшитиб, кўнгли кўтарилиб, кўзига ёш олиб,
томоги тўлиб, хўпикаб кайнаб-жўшиб, Эрҳасанини таъриф этиб бир шеър боилади:
Таърифингин этайин мен,
Баракалла, ботир Ҳасан!
Учрадим санго кечга ман,
Баракалла, ботир Ҳасан!

Арзирума килдинг тазлаб,
Таллихонни ҳақдии тилаб,
Кўрдим сени энди синааб,
Баракалла, ботир Ҳасан!

Кўнглима келди бир гумон,
Йўлга якка чикмок ёмон,
Кўрдим мана бошинг омон.
Баракалла, ботир Ҳасан!

Хабар олдим холларингдан,
Хар иш келар кўлларингдан,
Кесиб чиклим йўлларингдан,
Баракалла, ботир Ҳасан!

Бор муродинг бўлар хосил,
Кўнглим санго бўлди мойил,
Синаб кўриб, бўлдим койил,
Баракалла, ботир Ҳасан!

Ҳақ этмагай санго азоб,
Ғозий бўлмок яхши савоб,
Гўрўғли дер, бердим жавоб,
Баракалла, ботир Ҳасан!

Бу сўзни эшитгандан сўйг Гўрўғли айтдики, аммо Эрҳасан, сенинг ботирларингтни аввалдан ҳам билар эдим. Йўлинг узок, битиржак ишинг машакқатли эканини ўйлаб, уйда ўтириб карорим бўлмади. Онани кўнгли болада, боланинг кўнгли далада деган наклнинг учи отага ҳам тегиб ўтади. Сени бир синамоқчи ҳам бўлдим. Синондан яхши ўтдинг. Энди сенга оқ йўл, олло ёринг бўлсин, кирқ чилтанлар мададкоринг бўлсин: Таллихонни олиб, мурод максадингга етгайсан! Гўрўғли бу сўзларни айтиб бўлғондин сўйг отни бошини Чамлибела тўғрилади: Чамлибела боргандак кейин Эрҳасанинг йўлига бокиб, ўз ўғизларининг тўйини ўтказишни орзу килиб, бир шеър айтди:

Йўқдан бизни бор айлаган биру бор,
Эрҳасанини тўйларини кўрайин!
Келин олиб қувонмокнинг гашти бор,
Эрҳасанини тўйларини кўрайин!

Ё изоҳим, эшит менинг бу додим,
Кундан кунга ортар бўлди фарёдим,
Ҳақдан тилаб олган ботир зурёдим,
Эрҳасанини тўйларини кўрайин!

Ўзинг мадад бергиз, эй биру борим,
Эрҳасандур менинг номусу орим,
Тўйини тутармиз келтирса ёрин,
Эрҳасанинг тўйларини кўрайин!

Гўрўғлининг ёронлари келинглар,
Рахм айлаб орзу холин билинглар,
Эрҳасанга бир шафоат килинглар.
Хон ўглимнииг тўйларини кўрайин!

Гўрўғли ширин орзу умидларни этиб ўтираверсин, эндиги сўзни Эрҳасандан юпитинг. Эрҳасан шу йўл юриша икки ойлик йўлни йигирма кунда олиб, Аризурм шаҳрина доҳида бўлди. Бу шаҳарнинг балаанд миноралари, кора боғларини

кўриб, Таллихонни талвас этиб, бир шеър айтиб турган жейи:

Ёд этайн бир оллони,
Етири манго. Таллихонни!
Даф эт, ўзинг хар балони,
Етири манго Таллихонни!

Мен бир мажнуни шайдоман,
Талабкори хувайдоман,
Андалиби бенавоман,
Етири манго Таллихонни!

Кайда бўлар Талли ойим,
Муяссар этсиз худойим,
Излаб кездим анн дойим,
Етири манго Таллихонни!

Тили шаккар, юзи камар,
Лабларидин боли домор,
Икки сочи эрур шомор
Етири манго Таллихонни!

Хусни эрмиш мохитобон,
Гўзаллар ичинда женон,
Дарлинг бўлминш бизга аён,
Етири манго Таллихонни!

Ўз кўнглимни шод этарман,
Душман кўрсам мот этарман,
Камбар каби ёд этарман,
Етири манго Таллихонни!

Арзиума кадам кўйдим,
Висол лаззатини, туйдим,
Шул ёримни тушла суйдим,
Етири манго Таллихонни!

Шотир билан хат юбарган,
Ҳасан шохнинг кизи экан,
Ошиклик дардини чеккан.
Етири манго Таллихонни!

Бу сўзни айтиб тамом қизғондан сўнг Эрҳасан отини суриб дарвозанинг олдина борди. Аммо дарвозабон уни ичона кўймади. Киличини кинидан сугириб, йигитнинг олдидан чиқди:
-Дарвозадан сени киритишга подию рухсат берини даркор, кайт орканго, мен билмасам. сен карокчимисан, ўтнимисан, деди- Эрҳасан:

Эй дарвазабон мен бир аспи жаллоб-сейсман, мен Исфахонданман, бу ернинг отбозорининг солигини бер, мен ўгри-кazzоб эмасман, элу халққа мандан завол келмас, бозорни кўрсатсанг, шу отимни сотиб кетмакчи эдим. Шу ишим битса, мен бу ерда кол, десанг ҳам колжак ёғдойим йўқ, деб дарвазабонга караб бир шеър айтар бўлди:

Кўнглинг сени недан тўлар,

От бозори қайда бўлар?

Душман келса, дўст уялар,

От бозори қайда бўлар?

Мен келурман Исфахондин,

Ор учун кечарман жондин,

Мен кўркманам хеч инсондин,

От бозори қайда бўлар?

Кўп сўзлама, йўлимдан коч,

Икки кўллаб дарвозанг оч,

Рухсат бер, қилғил, бир илож,

От бозори қайда бўлар?

Арзирума келдим излаб,

Дема мени ўгри-кazzоб,

Мани айлаб берма азоб,

От бозори қайда бўлар?

Гашит этарман тогу чўли,

Кўрсат манго тўгри йўли,

Йўқса гумлайман сен кули,

От бозори қайда бўлар?

Савдо килиб кайтмокчиман,

Шу отимни сотмокчимач,

Овим олиб кетмокчиман,

От бозори қайда бўлар?

Энди мени кўл койитма,

Ўгрисан деб тухмаг этма,

Ўтиб кетай мени тутма,

От бозори қайда бўлар?

Кўйсанг олдингдин ўтарман,

Бориб отимни сотарман,

Эрхасан дер, тез кетарман,

От бозори қайда бўлар?

Дарвазабон Эрхасанинг бу сўзларини эшитиб, аспи жаллоб-сейс эканини

ани лаб айтдики, эй йигит дарвоза пулни не бўлади. Унда Эрҳасан:

-Олар нулингни айт, деди.

-Бир тилло, деди дарвозабон. Эрҳасан киссани кавлаб, оларинг бир тилло бўлса, шу бир тилло сенини, деди. Шу вактда дарвоза очилди. Эрҳасан шу замони тиллопиллони кўйиб, ичон тарафа от солиб кириб кетди. Дарвозабон икки алини бурнина тикиб колаверди. Аммо дарвозабоннинг Робия деган бир қизи бор эди. Шу қиз Эрҳасанга караб уни пойлаб турған экан, унинг от билан дарвозадан ўтгани замон олдидан зўмпа чиқди.

-Эй йигит, мени олиб кетмайсизми, деб отининг жиловини юбармай тураберди. Эрҳасан уни силтаб ташлаб кетмакчи бўлди, аммо қиз дод-фарёд килиб, унинг изидан колмади. Охири бўлмади, Эрҳасан айтдики, эй яхши қиз хозир сен шу ерда колиб тур, мен от савдоси билан келган одамман, кайтишда сени албаттга олиб кетаман, деди. Шунда Робия доди-фиғон килиб бир шеър айтди:

Огинг сотсанг, бозор сари бор, йигит.

Савдо килиб, яна кайтиб келавер!

Агар сенинг ишинг битса эр йигит,

Зинҳор мени кайтиб келиб олавер!

Йигит, сени кўрдим шукур худога,
Мен бўлайин энди санго садога,
Кайтиб келавер, эга бўялчя бўй буга,
Зинҳор тўрам, яна кайтиб келавер!

Рухсат берсанг санго бир жуфт сўзим бор,
Паризоддай зулфим, кошу кўзим бор,
Магар боксанг, моҳи тобон юзим бор,
Зинҳор тўрам, яна кайтиб келавер!

Агар санго жуфтдан хол керак бўлса,
Лабдан оккан шакар, бол керак бўлса,
Олтин-кумуш, давлат-мол керак бўлса,
Зинҳор тўрам, яна кайтиб келавер!

Тутай десанг менинг нозик кўзимдан,
Сўрай десанг канду асал тилимдан,
Кучай десанг инжа нозик белимдан,
Зинҳор тўрам, яна кайтиб келавер!

Робия дер, сенинг билан кетайиц,
Энди дасти домонингдан тутайин,
Бунда келмай кетсанг нелар этайнин,
Зинҳор тўрам, яна кайтиб келавер!

Робия зор-зор йиглаб колаберди, Эрҳасан Талихоннинг ишикнда от сурнаб кетаварди. Арзирум шаҳрининг 40 кўчаси бор эди. Эрҳасан Талихоннинг кўчасининг каердалигини билмасдан хайрон бўлиб, уни излаб бир шеър айтар

бүлди:

Арзиумда түккан ойим,
Нерлардасан, Таллихоним,
Рахм айласин шу худойим,
Нерлардасан, Таллихоним!

Мен келдим сени ахтариб,
Гам ема рангинг саргартиб,
Ошиклида бүлдим ғарип,
Нерлардасан, Таллихоним!

Хеч ким менингдек бүлмасин,
Дүст йиғлаб душман кулмасин,
Очилган гуллар сўлмасин,
Нерлардасан, Таллихоним,

Сени деб тоғлардан ошдим,
Дарё кимин тўлиб-тошдим,
Ғамниң лойина булошдим,
Нерлардасан, Таллихоним!

Таллихоннинг овозаси,
Қўшаландир дарвозаси,
Ўртсанур қалбим изоси,
Нерлардасан, Таллихоним!

Мусофирман ғарип бошим,
Кўздан окар конли ёшим,
Захар-закқум ичган ошим,
Нерлардасан, Таллихоним!

Царагинг кимлан сўрайин,
Ёлгиз не мажлис қурайин,
Дизбар юзингни кўрайин,
Нерлардасан, Таллихоним,

Эрҳасан дер, бўлдим хайрон,
Йингладим мен зори гирён,
Аён айла. Шоҳимардон,
Нерлардасан, Таллихоним!

Эрҳасан дарбадар кезиб, ёрини излаб юра-юра охири бир олтин суви
коритилган девола кўзи тушди. Шу ер Таллихонимнинг макони экан. Унинг ёнида
от бозори бор экан, Эрҳасан Арзиумнинг аспи жаълоблари тўпина қўшилиб,
Гиротни мактаб бир шеърни номага солиб айтди!

Сенинг асли зотинг бурок,
Икки кўзинг ёнган чирок,
Аслинг кўриб якин-йирок,
Бу не от деб килар сўрек,
Талли кўрсинг томошани,
Ўйна, Гиротим, ўйнагил!

Ўзи барно, тили тўги,
Юрагимда ёнар ўти,
Таллихондир анинг оти,
Ўйна, отамнинг Гироти,
Талли кўрсинг томошани,
Ўйна, Гиротим, ўйнагил!

Гирот остимда ўйнайдур,
Мани ёр ишни кийнайдур,
Кўзим йўлингда яйнайдур,
Ани кўрмасам бўлмайдур,
Талли кўрсинг томошани,
Ўйна, Гиротим, ўйнагил!

Бул кўринган кўк арчадур,
Устинда олтин парчадур,
Деворинг кумуш сирчадур.
Андин очизган дарчадур,
Талли кўрсинг томошани,
Ўйна, Гиротим, ўйнагил!

Эрҳасан дер, армон этиб,
Таллихонки шодмон этиб,
Дардларима дармон этиб,
Ёрим билан даврон этиб,
Талли кўрсинг томошани,
Ўйна, Гиротим, ўйнагил!

Эрҳасан сўзини тамом этиб, Гиротни ўйнатиб тураварди. Гирот турли мукоммилар киниб, осмонга бўйчиб, пизловуқдай айланаб томоша кўреатаварди.

Бутун махалла деш-даваракни ўради. Бу хоросотни эшитиб, Таллихон хам уч юз каниз билан дарвозадан чикиб ўйинин томоша этиб турди. Гирот 32 хил ўйинин кўрсатди. Таллихон буни кўриб оғарин айтди. Киз ўйладини, аммо бу йигит манинг тушимда кўрган йигит бўймаса, масарам у бўймаса ё Гўрўғидир ё бўймаса Эрҳасандир. От димодим Гирота ўхшаб турибди. Тўхтаб тур, ман бу йигит билан бир гаплашиб олмасам бўймас, деб Холиса деган канизина:-Сен бор, йигитни оти билан олиб кел, отни савдолашмайиз, деди. Каниз Эрҳасаннинг ёнига бориб, билисишини бу ўтичнина айтди.

Шунда Эрҳасан каниза караб чақириб турган Таллихон эканини англаб бир

шөр айттар бўлди:

Бу отимнинг жиловини Шохимардан созлаган,
Хайкириб тиз букканида етти манзил кўзлаган,
Мавж урган шамолдай бўлиб, неча йўлни чўзлаган,
Васфини эшигтган шохлар кўшин тортиб излаган,
Ғиротимнинг баҳоси Таллихона бошма-бои.

Исфаҳоннинг подшоси олмока бел бояглади,
Кирк минг туман баҳо уриб, кўнглини кўп чоглади.
Киз берайин, отни бер деб, гаваълочи йиглади,
Ота-онам берма, дейиб манго кўп-кўп саргади,
Ғиротимнинг баҳоси Таллихона бошма-бои.

Асли зотин сўрамасдан отни олмоқдур абас,
Отни сотиб олурмиз деб сизлар қилмангиз хавас,
Харилор бўлур бу ота Кўнгирот, Мангит, Кенагас,
Етти иклимининг хирожи бир тукига ярамас,
Ғиротимнинг баҳоси Таллихона бошма-бои.

Отима тай от топилмас, асло сен этма гумон,
Ахтариб кўр, Руму Фарағт, Бағдод, Басрә, Исфаҳон,
Бухорою хам Самарқанд, Анаижону Марғилон,
Изласангда тополмассан бундай отни, бибижон,
Ғиротимнинг баҳоси Таллихона бошма-бои.

Эрхасан дер, баҳосини бориб ул нигора айт,
Булот ёби эмас дейиб, бориб харидора айт,
Чеккан оху фарёдимни ул ширин гуфтора айт,
Бекарорман бул сўзимни бориб ул гам хора айт,
Ғиротимнинг баҳоси Таллихона бошма-бои.

Бу сўздан кейин каниз, эй барно йигит, Таллихоним сенинг отнингги
хоҳлабди, савдолашибга таклиф этиб турибди, юр, бу ёкка деб Эрхасанни олиб
кайта берди. Таллихоннинг кўшки оллила бир сарховуз бор эди. Эрхасанни шу ерда
кўйиб, каниз Таллихона хабар берди. Таллихоним кўшқдан бокди. Унинг юзининг
шуъласи барқ уриб, офтобдек нур сочди.

Буни кўриб эс хушидан айрилишига сал кондан Эрхасаннинг қалбидаги ишк жўши
урни, Таллихонни таъриф этиб бир шеър айттар бўлди:

Таърифинг айтайин гул юзли дилбар,
Сен бир лаъли бадахшона манзарсан!
Зулфларинга такиб бебаҳо гавхар,
Гўё лаъли бадахшона манзарсан!

Шамс ила камардур кўзинг нишони,
Тўти такаллумдур сўзинг нишони,

!Осуф-Зулайходур юзинг нишони,
Товус күшининг жамолина мангзарсан!

Одам наслимисан ёки паризод,
Аклу хуним тамом айладинг барбод.
Кошларинг киличидур кўзларинг жадлоид.
Жоним олган меҳрибона мангзарсан!

Бихамдилло кўрдим бугун талъатинг,
Ул Шотир етирган бул холи-хатинг,
Борму энди манго меҳри шафкатинг,
Сўзи ширин шакар кона мангзарсан!

Шотирингдин етди биза паёминг,
Ошикман деб, борди сенинг саломинг,
Рост эдиму, хоним ўша каломинг,
Жоним олған шул жонона мангзардир!

Юзингинг шуъласи ойдан зиёда,
Сенингдек маҳбуб йўқ ёхти дунёда,
Мен келибман сенинг ҳажрингдан дода,
ТАр очилган гул нишона мангзарсан!

Эрхасан дер, ишкинг девона этди,
Аклу хушдан мени бегона этди,
Гўрўглибек санго нишона этди,
Аҳдинда вафоли жона мангзарсан!

Эрхасаннинг бу сўзини эшитиб, тўтидай солланиб, жайрондай нозланиб, кирмизи куйлакни кийиб, хулла рўмолни ўраб, кўзина сурма, кошина ўсма кўйиб. бўйинна тилило мунжик, билагина олтин билагузук, бурнини гавхардан аравак кистириб, юрагини ўтга доғлаб, борар йўлини чоғлаб Эрхасани кўрайин деб, саллона-соллона, мастона-мастона юриб, сарховузнинг бўйина келди. Эрхасан караб-Эй, барто йигит, шу тургон чинорни туби билан қўпориб тапла, деб нозу жилва, ишигаю гамза билан бир шеър айтди:

Хуш келдинг, азиз меҳмоним,
Фидо бўлсин, жоним санго!
Сенсан менинг меҳрибоним,
Садка баҳри коним санго!

Кўп санго меҳру шафкатим.
Бўларсан охир уйфатим.
Бошимда тожи давлагим,
Курбон киласам жоним санго!

Чамлибелдан сафар айлаб,
Келдинг биза гузар айлаб,
Инжа белим бўгиб боғлаб,
Тугат хону моним санго!

Чамлибелнинг жононаси,
Гўрўглининг ҳамхонаси,
Нозли дилбар парвонаси,
Фидо бўлсин жоним санго!

Топмадим ўзим башорат,
Сен ўзинг эттил ишорат,
Муродим айла кифоят,
Ўлсам тушар хуним санго!

Сени кутдим соат замон,
Ахдидан кайтганлик ёмон,
Мудом бўлсанн бошинг омон,
Бахш этдим бу жоним санго!

Бошками деб гумон килма,
Бу сўзимни ёлғон билма,
Ахдима бадгумон бўлма,
Сўзлаюрман чиним санго!

Таллихон дер, бир иш бошила,
Садокингни кўлга ушила,
Шу чинорни йикиб ташла,
Дилимда армоним санго!

Таллихон бу сўзни тамом қилғанлин сўнг Эрхасан садоқдан ўқ олиб чинорни
туби билан кўпориб ташлади. Таллихон буни кўриб:
-Мард йигит экан, мани истаган срга олиб кетадиган ёғасийн бор, деб вакти хуш
бўлиб. Эрхасана караб бир шеър бошлиди:

Арзимни эшигтила, эй севар ёрим,
Мен сенинг юзинга қурбон бўлайин!
Чамлибелдан излаб келган дилдорим,
Мен сенинг жонинга қурбон бўлайин!

Садоқдан ўқ олиб ёйингта тикдинг,
Ниннона каратиб, киришни чекдинг,
Бир ўқ билан уриб, чинорни йикдинг,
Мен сенинг алинга қурбон бўлайин!

Энди мундин Чамлибела кетарман,
Саваш килиб корли тоғдан ўтарман,

Сенинг билан завку сафо этарман,
Мен сенинг йўлинга курбон бўлайин!

Худодан тиладим кўрдим юзингни,
Жона дармон ушбу айтган сўзингни,
Тўтиё киласман боскан изингни,
Мен сенинг сўзинга курбон бўлайин!

Чамлибела бориб, кипсам маконни,
Ҳар ким орзу этар бундай замонни,
Душманлара берман бутун оменини,
Мен сенинг ўзинга курбон бўлайин!

Чамлибелнинг бордур гули гулзори,
Неча йилки, унинг мен ииззори,
Бордур элнинг Гўрўглибек сардори,
Мен сенинг элинга курбон бўлайин!

Ина бутун тутдим сенинг кўлнингни,
Ҳакният ўзи очсин сенинг йўлингни,
Хабар айлаб жетсанг соғу сўзингни,
Мен сенинг йўлинга курбон бўлайин!

Таллихон дер, чертдим кўнгил торимни,
Неча ойлар тортдим сенинг зорингни,
Энди таниб олтил севар ёрингни,
Мен сенинг ўзинга курбон бўлайин!

Эрхасан Таллихонинг бу сўзини эшишиб, унинг қалбида севги-мухаббатнинг
мавж урганини сезиб Чамлибел элни, отаси Гўрўглини таъриф этиб, Таллихона
караб бир шеър айтди:

Таллихоним, Чамлибелнинг
Мевали боғлари бордур!
Иморланган, думорланган,
Сарбаланд тоғлари бордур!

Бири-бирина улашган,
Булокларни тўлиб-тошган.
Кукраб буғродай талашган.
Ҷўлбарслай шерлари бордур!

Кўзга сунид бодан ноб,
Йигитлари чицар шираб,
Чинса саншиб еяр кабоб,
Забардаст нарлари бордур!

Чамлибел мард манзилгохи,
Йигитлари бор синохи,
Гүрүглибекдиң подиохи,
Дузгун калъалари бордур!

Паризоулар кезар хар ён,
Гүёски хур ила гилмон,
Зийнатлидур күшкү айвон,
Накшли жойлари бордур!

Боскан сринг bogу бүстөн,
Бозорлари мүлү мүстөн,
Бахшиллари айттар достон,
Дилкаш иаволлари бордур!

Чүллари бор лолазорли,
Товушконли, баҳру бозли,
Күллари бор ўрдак ғозли,
Бахаво жойлари бордур!

Карриллари уйда ётар,
Йингитлари сайгок отар,
Тозиллари бәриб тутар,
Завку сафоллари бордур!

Бедовлари ўйнаб тураг,
Чопганда байроклар олар,
Күш-тозисин иша солар,
Овлокли чүллари бордур!

Эрхасан дер, яхши жойдур,
Олдингда тилло саройдур,
Оға Юнус санғо тойдур,
Ажаб манзиллари бордур!

Эрхасан сүзини тамом кили. Таллихоним таъзим килиб, кетишга шайланиб, эркак либосларини кийиб, тожини тепасина күйиб, белина килич болглаб қалкынни күлиға олиб, садокини ёнбошнага кистириб, сувсар терисидан тикилган теллагини бостириб кийиб, қошини кокиб, бүйнинг дурларини такиб, күрганларни ичини ёкиб, киймириб бокиб тайёр бўлиб турди. Кейин Эрхасана айтдики,-эй, Хасанжон, севар ёрим, отаминг сонсиз лашкарлари бор, аждардай беш оғам бор, улар сени кўрсалар бу ерда кўймаслар, иккимизнинг ўртамиза айролик соларлар, энди бу ердан тез кочали, деди. Шунда Эрхасан: мен бу ерга келишдан олдин бу хисоб китобни килиб чиқдим, улар билан диралашгидай ёдойим бор, деди. Таллихон айтдики, аммо Хасанжон, сен бунлай дема, менинг отам, оғаларим энди сенга ёт эмас, уларни ўлдириб, тохнишурлик эттандан не фойда, яхшиси бу ердин

тез чикиб кетали, изимндан құвласалар яна құрамиз, деб Эрхасана ёлвориб бир шеър айттар бўлди:

Эшит менинг арзи холим,
Ёрим кайтғил, сен бу ишдан!
Етти йилдир хасрат-логим,
Ёрим кайтғил, сен бу ишдан!

Тушимда кўрдим дийдорингни,
Мен нотәвон харидоринг,
Саклаш учун номус оринг,
Ёрим кайтғил, сен бу ишдан!

Оғаларим кўзи кондур,
Отам ундан бадгумондур,
Айрилик охир замондур,
Ёрим кайтғил, сен бу ишдан!

Таллихон дер, котди бошим,
Кўздаан оқар конди ёцим,
Ортар менинг голли ғошим,
Ёрим кайтғил, сен бу ишдан!

Таллихон сўзини тамом килғандан кейин Эрхасан ўйланиб: ҳар на бўлса-да бунинг маслахатига ҳам кулок кўйсам ёмон бўлмас. Магарам изимдан қувиб келсалар кучимни шу вактда кўрсатсан ҳам бўлар, деб, Таллихона караб, созини созлаб, бир шеърни бошлиди:

Тайёр бўлиб миниб дурот устинा,
Таллихоним, Чамлибела кетали!
Отни жиловини тутгил, дастинга,
Таллихоним, Чамлибела кетали!

Энди айтгил кўнглингдаги борини.
Хеч кима берманам зуяфинг торини,
Гўрўглини ога Юнус ёрини,
Кўрай дессан! Чамлибела кетали!

Душман қувса бирга саваш қурали,
Насиб бўлса Чамлибела борали,
Гўрўглини, кирк йигитни кўрали,
Юринг хоним, Чамлибела кетали!

ИЭзингдан раиш этар хуриниди хонар.
Мард йигита немард бўлмас баробар,
Ғиротим илдамдур, ўзим диловар,
Юринг хоним, Чамлибела кетали!

Эрхасан дер. килич тутсам дастима,
Язидларни олсам оёк остима,
Парво этмай йўлнинг баланд-пастина,
Юринг хоним, Чамлибела кетали!

Эрхасан сўзини тамом қилғандан сўнг ҳар бирни бир отта минниб, нердасан чор доғли Чамлибел, деб йўла тушдилар. Таллихоннинг канизлари дол, леб чапак чагиб кола бердилар. Иккиси дарвозага бориб доҳил бўлдилар. Дарвозада Шабгир деган бир кул турган экан. Эрхасан дарвозани оч, леб бир шеър бошлади:

Бугун энди Чамлибела кетарман,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!
Сен тегмасанг, мен хам тегмай ўтаман,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Килич урсам кирк мингингни киймалар,
Юрагимда колмас дарду аламлар,
Бошингиза тушар кайгу ситамлар,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Ўкка тўла белимдаги садогим,
Чамлибелда ёнар давлат чирогим.
Кулок солғил, сендин бирдир сўрғим,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Тозий бўлиб, санго савашлар килем, ахмок Шабгир, санго киличлар солсам,
Конинг ичиб, сенинг жонингни олсам,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Сендеқ нокас сотаимасин биз билан,
Ўтинчимни битказ, яхши сўз билан,
Гашт этарман дуғу дошу дуз билан,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Эрхасан дер, тез бўл, ўтай шул замон,
Килич урсам жон берарсан бегумон,
Дуротина миниб туур Таллихон,
Дарвазабон, дарвозангни оч, энди!

Эрхасан сўзини тамом қилған вактда Эрхасан келаётирған вактда дарвозада турған ўтиши учун бир тилло сўраган дарвазабон ҳам келиб колди. Эрхасанинг хеч нарса бермай ўтиб кетгани эсига тушиб, ўйлаб колди: бу бир бечора одам, менинг килиб юрган ишларим билан бунинг не алокаси бор. Кел, шу одамни бир шод килий, леб Таллихоннинг хуржунидан бир киес тиллони олиб, уни имлаб чакириб, алиниа тўқди. Бундан они-эсини йўқотган дарвазабон дарров дарвозани очиб уларга оқ йўл тилаб фотиха бериб колди. Умрида бундай акчани кўрмаган дарвазабоннинг кўзидан ёш келиб, Эрхасани изидан дуо килиб колди.

Ол энди булар чор дөгли Чамлибела от суриб кетаверсинглар. хабарни Талшыкхоннинг боғбонидан ол. Талшыкхоннинг Эрхасан билан кетаётирганини боғбон эшигиги-билиб кулоқ кўйиб турган эди. Икки от дарвозадан чикими билан, бу хабарни етказсан, подшодан бир инъом олсан керак, деб югуриб подшонинг олига борди:

-Эй подшохи олам, бир кошик конимдан кечсангиз, бир сўз айтаман, деди.

-Айт, кечдим, деди подшоҳ.

-Агар кечган бўлсанг мен сўзимни соз билан айтаман, деб дод-фарёд килиб, ёкасини йиртиб, подшоға қараб бир нома бошлади:

Эй султоним, бир одамзод,
Бизга кайгу солиб кетди!
Килиб келдим дастидин дод,
Зўрлигнин қилиб кетди!

Ўзидур Рустам сифатли,
Гўё бир арслон кувватли,
Табли бозли, бедов отли,
Талшыкхонни олиб кетди!

Ўгри экан золим каззоб,
Келган экан кизни излаб,
Олиб қочди бағрим тузлаб,
Бул ишларни кизиб кетди!

Асли ўзи аспи жаллуб,
Бир иш қилди бизни алдаб,
Уни изла навкар ёллаб,
Кизгинангни олиб кетди!

Аввалинда сухбат куриб,
Душманлигини билдириб,
Кизни дуротга миндириб,
Ўзи билан олиб кетди!

Ажал ётмай, келди қазо,
Ноҳим қулоқ солинг сўза,
Бул нокаста беринг жазо,
Юзинг ера солиб кетди!

Келиб кизини кўнгалин бўлаш
Хазон урмай гулинг сўлди,
Чўринг йиглаб санго кедди,
Ул иккиси кулиб кетди!

Гуномизни ўтинг биздан,
Конли ёшлар тўклик кўздан,
Айрилдингиз шохим киздан,
Парвоз айлаб учиб кетди!

Боғбон келди конлар йиғлаб,
Юраги, бағрини дөглаб,
Бошларини кора боғлаб,
Таллихонни олиб кетди!

Дарвозадан чикиб кочди,
Билмам неча манзил ошиди,
Юрагим кона дўлашди,
Шул кизингни олиб кетди.

Боғбон деяр, арзим шулдур,
Унинг эли Чамлибеллур,
Тезрок тутиб ани ўлдир.
Чамлибела олиб кетди!

Боғбон бу сўзни тамом қылғандин сўнг Ҳасан шохнинг туклари пўстинини тешиб чиқди, даргазаб бўлиб, саккиз юз саркардасини чакирди 500 кишилик кўшин тўплаб, милгик, тўп, от-араваларга озик-овкатларни юклаб бу кўшинга Коромон деган саркардани бош килиб айтдики, боринг, Чамлибелга кириб, катъасини вайрон этиб, Таллихонни олиб кайтинг, деб ўзи хам 40 минг кишилик лапікарга бош бўлиб, уларнинг изидан йўлга тушди.

Коромон ўн тош йўл юриб бир манзилда тўхтади. Бир вакт Эрҳасанининг кўзига бир чанглов кўринди. Ўзи бу ахволни кутиб келаётгиргани учун орқасига кайрилиб, бир курашсам курашайин, деб тўхгади. Шу пайт Коромон этиб келиб-эй, йигит, яхши тўхтадинг, энди кочма, майдона кириб саваш ки, деб унга караб бир шеър айтмоқ билан бўлди:

Таллихонни кайга олиб бораарсан,
Дўйма биздан кел, майдона кирави!
Бугун энди билгил, хўкмон ўларсан,
Дўйма биздан, кел, майдона кирави!

Бўри каби изғиб келдинг чўллара,
Газандалик килиб кирдинг эллара.
Дучор бўлдинг аждар билан шерлара,
Дўйма биздан, кел, майдона кирави!

Камчи уриб бедов отда келибсан,
Шох кизини нечун зўрлаб олибсан,
Таллихонни алдап йўлга солибсан!
Дўйма биздан, кел, майдона кирави!

Савашга кир кимлигини биларсан,
Килич тортсам нора-пора бўларсан,
Шуня билгил энди бугун ўларсан.
Дўнма биздан, кел, майдона кирали!

Коромонбек дерлар манинг ўзимни,
Кахбо фалак саргалтмесин юзимни,
Ушлаб олиб ўйдирарман кўзингни,
Дўнма биздан, кел, майдона кирали!

Коромон саркарданинг бу сўзини эшигиб, Эрҳасан дарғазаб бўлди. Бу зангар баланддан келиб не гапларни вакиллаб туриби, ман бир кучимни кўрсатмагунча бу одамнинг кайтажак ёғдойи йўкка ўхшайди, деб алина созини олиб Коромона караб бир шеър айтди:

Чамлибелдан орзу этиб келмишам,
Хаддинг бўлса кел майдона, Коромон,
Таллихонни истаб суйиб олмишам,
Хаддинг бўлса, кел майдона, Коромон!

Билгил Чамлибелдир менинг маконим,
Келсангиз чоларман сultonинг-хонинг,
Ортиқ сўз керакмас, ино майдонинг,
Хаддинг бўлса, кел майдона, Коромон!

Мардларнинг ичинда шерман кўрмабсан,
Эрларнинг ичинда эрман кўрмабсан,
Савашда ёв бошин ерман кўрмабсан,
Хаддинг бўлса, кел майдона, Коромон!

Кўлларинг куритиб, учди сўноси,
Таллихоним кизлар ичра доноси,
Зарга алишманам зулфи саноси,
Хаддинг бўлса, кел майдона, Коромон!

Ошик-мошик бир-бирина соз бўлар,
Танишмока майдон, сахро, дуз бўлар,
Лапикаринг доғитсам кўнглинг ёз бўлар.
Хаддинг бўлса, кел майдона, Коромон!

Эрҳасан дер, энди бермам жононни,
Кесарман қалани, тўкармон конни.
Саванидан олдин сен ўки, имонни,
Истак бўлса, кел майдона, Коромон!

Эрҳасан бу сўзини айтиб бўлгондан сўнг Коромон лапикарлари билан Эрҳасанинг устига от кўймокчи бўлди. Буни сезиб Эрҳасан:
-Сиз тулки бўлсангиз, мен тозиман, сизлар билан яккана-якка уришсам бўлмас,

түпөр-түпөр бўлиб келаверинг, деб Коромонга караб бир шеърни номага солаверди:

Тўпөр-тўпөр бўлиб келаверинг, номардлар,
Манго бугун ширияздон ёр бўлур,
Саваш майдонина киринг, номардлар,
Муханнаслар саваш чоғи хор бўлур.

Бу майдонда ажал майин ичарсиз,
Керак бўлса молдан-бошдан кечарсиз,
Килич солсам душма-душа кочарсиз,
Шер кўрмаган тулки мудом шер бўлар.

Бугун бўлар сиза охир замона,
Жонилар тандик учар гўё парвона,
Жанг майдони тўлар кирмизи кона,
Лопшу жасад тупроклара корилар,

Шуни билгил, сен келмасанг омона,
Кочиб кутилмоғинг бўлар гумона,
Келмагандай бўларсан бу жаҳона,
Лашкарларинг бу майдона хор бўлар.

Эрхасан дер мардлигинги билдирап,
Ёв бошини канорига илдирап,
Лак-лак лашкарларинг барин ўлдирап,
Шоҳимардан пирим манго ёр бўлар.

Бу сўздан кейин шоҳнинг аскарлари Эрхасанин ўртаға олиб, думли-дущдан от сурдилар. Эрхасан билан Таллихон хам майдондан кочған номард деб от кўйидилар. Бу кени ёлоза майдонда бир уруш кўпди гўё охир замон келиб. Нухнинг іўфони қўзгалгандай бўлди. Эрхасан билан Таллихоним жинлари қўзиб, бир-биридан ўзиб, зўрлигини билдириб, юрак бағрини тилдириб, лак-лак лашкарни ўлдириб, бир саваш этдилар мослиқ мослика кокилишди, кон-кона, сув-сува кетди. Шу боришда намозшомгача саваш килдилар. Коромоннинг лашкарлари тутдай тўқилиб, тухум мирт бўлди. Эрхасан билан Таллихоним энди оркайин Чамлибела караб йўл тутдилар. Коромон беш-үн лашкар билтан колиб не киларини билмади. Эрхасан билан Таллихонимни изидан кувишига кўркди. Ёнгиллик деб изига кайтса шоҳдан кўркди. Икки жонни овораси бўлиб, шу кечани шу майдонда ўтиради. Ўргаси тонг сахарда Ҳасаи шоҳ 40 минг лашкар билан Коромоннинг ётган ерини стиб келди. Лашкар бошининг ахволини кўриб, даргазаб бўлди. Коромона караб:

«Эй занғар номард, сеннан лашкарбоши бўлами, сан саркарда эмас, мужовирсан, ўлникларни саклаб ётибсан, тур отлан, деб ўзи Эрхасанинг изини олиб, от сурib кетди.

Энди хабарни кимдин ол, Эрхасан билан Таллихонимдан ол. Булар Коремон лашкарларини бир ёкли килғонларидан сўнг, икки манзил йўл ошиб, бир сара жойни топиб, дам-тапчани олиб ётвасилар. Кун чошгоҳда изларина бир сар этиб

күрсалар, бир чантгүлөв пайдо бўлди. Таллихоним бу чангловнинг бехосият эканини сезиб, Эрхасанга караб, кўнгиздаги сўзларни шеъра солиб айтар бўлди:

Душман келиб, олар дегра-дошингни,
Ёрим сен ўзинга жафо орттирма!
Кел, кетали кўтар бундин бошингни,
Менинг бу баҳтима каро орттирма!

Отии сургин, бу майдондин кочали,
Ғаним кўпидир, тез орани очали,
Тоғдан ўтиб, Чамлибела учали.
Бир бошинга кулли жафо орттирма!

Ёрим, менинг учун кояма балоға,
Нишона бўлмагил, тири казога,
Ширин жоним бўлсан санго садога,
Бу калди комата яро орттима!

Босиб келган душман бари кирилсин,
Ғанимларга марғ бозори курилсин,
Саваш бўйса, шердек бўлиб турилсин,
Гофил колиб элдин топо орттирма!

Душман эди лашкарининг сони йўқ,
Етиб келса, тўрт тарафдин отар ўқ.
Савашурман, мендин бўлсан кўнглинг тўқ,
Бу ёруғ излара топо орттирма!

Таллихон дер, сени кўлдар худойим,
Омон кечгай бу кунларинг илоҳим,
Ё биру бор, эшит менинг бу оҳим,
Гофил бўлиб, бошга бало орттирма!

Эрхасан Таллихоннинг бу сўзларини эшигтиб айтлики, аммо Таллихон, биз тегмаган одамга кесак отадиган хилидан эмасмиз. Магарам отанг феъли бузилиб, бизга касд этмаса, уриша киражак хаёла эмасмиз, деди. Шундан кейин отланиб, йўлга равона бўлдилар.

Аммо Чамлибела бориша етти юрт бор эди. Уларнинг хар бирила уч минг кишилик кўшин бор эди. Аммо Ҳасаншоҳ шу келишда шу юртлардан биринга дохил бўлди. Бу юртдаги уч минг лашкар ҳам унинг тўпига кўшилди. Буларнинг бари кўшилиб Эрхасанинг изина тушмилар. Бир майдон юргандан кейин Ҳасан шоҳ Эрхасан билан Таллихоннинг изидан кувиб етди. Шу келишда-Эй, зангар, манинг кизимни нера олиб кочиб бораётиссан, ҳозир жонингни жаханнама узатаман, деб ховой-сиёсат этиб бошлиди. Шунда Эрхасан Таллихона кўнгил бериб, гам чекма, деб бир шеър айтди:

Таллихоним, дешдан боқиб.
Уришғаним кўргил, бугун!

Ғанимнинг лашкарин йикитиб,
Савашганим кўргил, бугун!

Сенсан менинг сарвинозим,
Умрим гули, баҳор ёзим,
Кўн лашкара олғир бозим,
Талашганим кўргил, бугун!

Лашкар кони ғалтон уриб,
Гўёёки бир маҳшар қуриб,
Душмана найза эндириб,
Санчганимни кўргил, бугун

Ғам емагил жон нигорим,
Душманимдан олсам орим,
Саваш этмак манинг корим,
Ҳай-хайлашим кўргил, бугун!

Гўруғлидек наъра урсам,
Якка ўзим саваш курсам,
Ўйнатиб Ғиротни сурсам,
Довушганим кўргил, бугун!

Ўқ солиб ёйим тортарман,
Гоҳ югуриб, гоҳ йўртарман,
Ғаним кўнглини ўртарман,
Талашғаним кўргил, бугун!

Ёлиғиз дейиб ғам емагил,
Ё мени номард демагил,
Савашда мазгилма мазгил,
Ошғанимни кўргил, бугун!

Эрхасан дер. эй, худойим,
Ўзинг эрурсан, панохим,
Пано бергил, аё шохим,
Урниганим кўргил бугун!

Эрхасан бу сўзларни айтгандан сўнг от солиб майдонга кирмакчи бўлди.
Шунда Таллихон айтдики, аммо Ҳасанжон, сен қистамай тур, отам сени ўғри
тутиб гумондор бўлиб турибди. Мен унга ўз ихтиёrim билан кетаётирғанимни бир
баён қиласай леб, алина созини олиб, бир шеър айттар бўлди:

Арзим эшил, мени меҳрибон отам,
Очилган гулимдан ола билмассан!
Гумон килма, бу иш менинг ўз «хатом»,
Фасли баҳоримдан ола билмассан!

1 Шул йигитни кутиб конлар, ютибман,
Бутун унинг этагини тутибман,
Манзия ошиб, бугу чўлдан ўтибман,
Бонга айроликни сола билмассан!

Етти йилдир кизил мангзим сўлонидир,
Чамлибела кетмак максада бўлондир,
Эрхасаним келиб мени олондир,
Энди сен алиниан ола билмассан!

Таллихон дер, эшит бу орзу холим,
Эрхасана курбондур мулки молим,
Ростимни сўзлайиб, айласам маълум,
Мен ўзим кетмишам дўло билмассан!

Таллихонимдан бу сўзни эшитиб, Ҳасан шоҳ онга тонг бўлиб колди.
Ўзингдан чи ќекан балога, нера борайни давога, деганлари шу макан, деб ўйланиб туриб, кизига:

-Эй жоним кизим, сен алданиб, кейин пушаймон килма, бу зангарнинг Гўрўглиниг ўзли эканина инонма, сен буларга лойик эмассан, санго ёр керак бўлса, шахзодалар, аслзодалардан кўнглинг истаганини топиб бераман, зоғ-зоғ билан гоз-ғоз билан учади, аҳдиндан кайт, деди. Унда кизи айтдики, эй, отажоним, манинг ёзгитим шу билан боғли, мен шу йигитдан бошқасини ёр килмайман, энди мени хеч ким бу йигитдан ажратса олмас, деди.

Ҳасанишоҳ кизидан бу сўзни эшитиб, газаб ўтига туташи, беш ўғлиға буюрдики, бу йигитнинг қўл-оёгини боғлаб, менинг олдимга олиб келинг, деб буюрди. Беши йигит тўпалиб келиб, Эрхасанга ёпишдилар. Йигитларнинг бештасини беш ёкка отиб уриб, Эрхасан бир четга чиқди. Буни кўрган навкарларнинг кўнглина гулгула тушди. Эрхасан шунда яна ҳовой-сиёсат билан ғанимларга қараб беш калима шеър айтди:

Арзиумнинг лашкарлари,
Кир, майдона урушали!
Соту сўла от сурали,
Кир, майдона урушали!

Таллихоннинг дилдориман,
Мард йигитлар сардориман,
Чин севгинин хумориман,
Кир, майдона урушали!

Пасту баланд тўлсин кона.
Тоғлар бурканин тумана,
Талабкорлар кел, майдона,
Аждарходек солишли!

Ман кайтмасман, элли-юздан,
Конлар кечиб эгри тиздан.

Касдимни олурман сиздан,
Лочин бўлиб тутушали!

Оғ кўйинглар якка-якка,
Тўзимиз чиксин фалакка,
Душман кўпдир, менман якка,
Келинг, беклар савашали!

Эрхасан дер, кир майдона,
Сув бир ёна, кон бир ёна,
Замон ўтмай лошинг сана,
Кел-ҳо, беклар урушали!

Эрхасанинг бу сўзини эшигандан кейин Ҳасаншоҳ кийкириб, отига миниб, лашкарларига бош бўлиб, Эрхасанинг устига от сурди. Эрхасан лашкарлар билан бир хафга олиши. Майдон лош билан жасаддан тўлди, тог-тош кизил кона бўялли. Эрхасан ҳам ўн еридан ярадор бўлди. Лашкарларнинг колгани кочди. Коңмакани гизланиб бир ерлара гум бўлди. Шунда Эрхасан Гўрўглини, 40 йигитни ёштаб бир шеър айта берди:

Неча кундир ганимларни киравман,
Бу лашқари харгиз адо бўлмаса.
Сору сўла тўпор-тўпор суарман,
Мен найлайин сира адо бўлмаса.

Ўликлара тўлди саваш майдони,
Ҳеч ким кўрмас манго энган балони,
Гўрўғлидур Чамлибелни султони,
Сендан биза бир оз мадат бўлмаса.

Найлай бугун менинг яккалур бошим,
Ёнимда йўқ эрур дўсту кардошим,
Илоҳим майдонда козмагай лошим,
Дўст ёрондан биза мадат бўлмаса.

Яккалигим ўзукун манго билинди,
Кирқ йигитни истаб бағрим тилинди,
Душманларни бир иложи кизинди,
Кирқ йигитдан ному нинион бўлмаса.

Аваз билан Гоймосбекдур улфатим,
Улар билан ўтар эди сухбатим,
Юрагимда жўш айлари меҳнатим,
Маладкорим Гўрўғлибек бўлмаса.

Аъзон бадани ярадор бўлган Эрхасан Гўрўғли билан 40 йигит хабаримни олмади, деб ох урди. Буни Ташлихоним эшишиб, югуриб унинг ёнига келди. Эрхасани панага олиб, унга қараб бир шеър айтди; Эрхасан ҳам жавоб қайтарди;

Таллихоним:

Саринга дүнайин, гул юзли ёрим,
Манинг учун гариб бўлон Ҳасанжон!
Белимининг куввати, кўнгил мадори,
Манинг учун гариб бўлон Ҳасанжон!

Эрҳасан:

Икки кўллаб мени отдан тушургил,
Энди мени хеч мадорим қолмали,
Ярам кўпдир, малхам билан пиширгил,
Энди менинг хеч мажолим қолмали.

Таллихон:

Санго нечук бўйла ўклар отилди,
Нозик тананг нишонага тутилди.
Рангинг сўлиб, кабокларинг катилди,
Менинг учун Гариф бўлон Ҳасанжон!

Эрҳасан:

Эрҳасан дер, кўрсанг жисмим яродур,
Икболим паст, натай, баҳтим кародир,
Кўзим тиниб, эсим оғиб бородур,
Менин тутгил, хеч мажолим қолмади.

Таллихон:

Таллихон дер, сенсан менинг ҳамдамим,
Юрагим куввати, кўнгил дармоним,
Сени кўриб бугун дилда армоним,
Менинг учун Гариф бўлон Ҳасанжон!

Бу сўзни айтишгандан сўнг Таллихоним Эрҳасанни бир паноға ётириб, ўзи унинг кийимларини кийиб, яроғларини такиб, юзина никоб тортиб, Ғиротни миниб:-энди Эрҳасанни орини олмасам бўлмас, деб, Ҳасанишонинг енгдик деб карнай-сурнай чертиб турған кўшини тарафа от кўйди. Тўгри отасининг кошина бориб, бир шеър айтар бўлди:

Неча марта арзим айтдим бўлмади,
Келинг, энди сўзлашсангиз мен билан!
Кулли душман изимииздан қолмади,
Келинг, энди тизлашсангиз мен билан!

Қоча-қоча безор бўлдим йўлиндан,
Аямағни хар не келса кўлингдан,
Кўркинчим йўқ энди менинг ўлимдан,
Келинг, энди савашсангиз мен билан!

От ўйнатиб бугун киргум майдона.
Килич сармаб сар соларман хар ёна,
Сўзим бирдир, энди тўлди паймона,
Келинг, энди довушсангиз мен билан!

От соларман гүё арзу самога,
Түниларман кўқдан энган балога,
Баринг ўшайсиз бир аждархога,
Келингиз, энди чакишисангиз мен билан!

Бу сўздан кейин ўзина санжоқ-санжоқ, байдок-байдок, урушиш учун саф тортиб турған қўшина караб яна бир шеър айтди:

Кел, майдона килемай миннат,
Тўгри-тўгри сўзлашали!
Шоҳимардан берсин, химмат,
Келинг бари, сурншали!

Эрҳасанинг дилдориман,
Кеча-кундуз ғамхориман,
Гўрўғлининг сардориман,
Кел, майдона урушали!

Таллихон дер, бугун эрман,
Майдонда йўлбарсман, шерман,
Ғанимни нобуд этарман,
Кел, майдона давушали!

Бу сўздан кейин Таллихоним майдона кириб, шундай бир уруш бошлидики, лашкарларни кириб бир ёна чикди, бир ғалмагал кўплики, осмону фалак бир бўлиб, ер ларзона келди. Уч кеча-кундуз тинмасдан уруш килди. Бу атрофда бўлғон инс-жинис, хайвонлару ҳашоратлар ин-инига кириб кетди. Бундай саваи Рустами достон давридан берин бўлмаган экан. Уч кундан кейин шоҳ куррандозларига курра ташлатиб кўрди. Шунда улар айтдиларки, Эй таксир, бу уруш килиб, лашкар кириб турған ўз кизингиздур, дедилар. Шундан сўнг Насанишоҳ бир филга миниб кизининг кошига келиб, кина-кудурат билан бир шеър айттар бўлди:

Қайси фарзанд отасина ўқ отар,
Лотуманот ғазаб этар, жон кизим!
Расво бўлиб жаҳанинма ул кетар,
Осилил пешасин килма, жон кизим!

Ул лот-манот бўлсин мудом панохинг,
Келиб кўргил, шу жамоат гувохин,
Тавба килгил, кечгай килган гунохинг,
Диндан чикиб, ўта ёнма жон кизим!

Хар кимнинг ўз кариндоши даркордур,
Ман безорман лот-манот хам безордур,
Райнингдан дўн, бу хаёлинг бекордур.
Чамлибела ҳаргиз борма жон кизим!

Сенингдайин баадабни ким билар.
Ўз жонини ўзи дўзаха солар,

Огасиги оғриған дүзаха кирап.

Мен отаны ман, барың көлгил, жон қызын!

Хасаншох қызина канча насиҳат етмасың, аммо Таллихон сүзидан кайтмади.
Огасига караб шеър билан жавоб берди:

Эй отажон, бу сүзларинг бекордур;

Отишарман, хеч кайтманам сўзимдан!

Манго сенинг ширин жоннинг керакдур,
Отишарман, хеч кайтманам сўзимдан!

Сўзим бирдир хеч бермасман омоңнинг,
Ўз ҳаддингдан оишинг, оларман жоннинг,
Болам дейиб, хеч келмасни гумониңнинг,
Урушарман, хеч кайтманам сўзимдан!

Кора кунлар солмокчисан бошима,
Захар-заккүм кўшмокчисан ошима,
Зогу зогон кўндиражаксан лошима,
Отишарман, хеч кайтманам сўзимдан!

Талии деяр, сенинг ниятинг ёмон,
Ёмона бермасман, хеч качон омон,
Бу иш бўлишинга сен кијма гумон,
Савашарман, хеч кайтманам сўзимдан!

Таллихоним сўзини тамомлаган бодина Ҳасаншох ғазаб билан қизина караб тўпилди. Бу галмагалдан тўйиб турган Таллихоним хам киличини яланочлаб бир тортди, шох букиб филинг тагина кирди, фил иккига бўлиниди. Сўнг Таллихоним отасини шу ерга ташлаб, лашкарларни қувишига бошлали.

Энди сўзни Эрхасандан эшитинг. У ётғон еринда Таллихонимнинг харакатларини караб, кўриб дард чекиб:-воҳасрато, яккагина бир ночор бир кўшини билан саванса, мен бу срда ярамни ботглаб ётсан, шундай кунда Гўрўғли отам, Аваз дўғаним, Тоймосбек, Хандонбек жўраларим нерларда, мендан хабар тутмасмаканлар, леб Гўрўғлини ёлслаб, бир неърии номага солиб айтди:

Воҳасрато, бу кунларда,
Гўрўғли султоним кани?
Бул лашкарни кирон этса.
Химматли сардорим кани?

Хаста колдим ора ерла,
Ётиб колдим, ботиб дарда.
Нирлан етган назаркарла.
Давлатли судтоним кани?

Таллихона ёрдам бўлса,
Кисич уриб кирон солса,

Лак-лак лашкар бошин олса,
Үн икки сардорим қани?

Согу сүлдан от күйсалар,
Ғанимнинг күзин ўйсалар,
Қиличлаб табил күйсалар,
Ушбу гүчоккларим қани?

Таным тушди жарохат,
Хеч ерим йўқдир саломат.
Лийдор қолди то киёмат.
Кўриб ўлсам синглим қани?

Эрҳасан дер, ожиз қолдим,
Гирот Таллихонла билдим.
Юзинг кўрмай ўлар бўлдим,
Кирк йигитим, элиз қани?

Эрҳасан сўзини айтиб ётаверсин. Энли сўзни Чамлибелдан эшигинг.
Ирҳасаннинг Зухра деган бир синглиси бор эди. Кечаси ётиб бир туш кўрди.
Гушида Эрҳасан бир жарга йикилди. Устинда кора кушлар айданиб бошлиди.
Зухра бу тушни кўриб, саросима бўлди. Эрта туриб Гўрўғлиниг хузуринча борди.
Кунглинда гулгула билан, кўрган тушидан хавотирланиб, уни бир-бир баён этиб.
Чир шеър айтди:

Кулок сол, сўзима, Гўрўғли султон,
Не бўлди билманам, оғам келмади?
Билманам тўгрими ё ўтирик-ёлғон,
Не бўлди билманам, оғам келмади?

Бир туи кўрдим, ётар жарнинг пастинда,
Кора кушлар кўп айланди устинда,
Жумла ганим ёлтиз оғам касдинда,
Кон йиғладим, Ҳасан оғам келмади?

Оти хориб ора йўлда қолдими?
Ё фалак бошина савдо солдими?
Ғанимнинг кўлинда банда бўлдими?
Бағрим бирён, мани оғам келмади?

Унинг доди юрагимда колибур,
Кўзларима кошли ўшлар тўлибур,
Кептанина кирк олти кун бўлибур,
Холим забун, жоним оғам келмади.

Зухра деяр, Гўрўғлибек султоним,
Қайларда саргардон дардга дармоним,

Огами бир кўрсам йўқдур армоним,
Айтинг сардор, нечун оғам келмади?
Зухра бу сўзини айтиб тамом қилғандан сўнг унга кўнгил бериб, юпатиб бир шеър айтди:

Курбон бўлай сенинг ази з бошинга,
Йиглама, жон болам, Ҳасаним келар.
Кўзингни тўллирма, қонли ёшинга,
Кетарман изидин, Ҳасаним келар.

Бу тушингдин дўниб бизга хавф бокди,
Душманлар ичима ўтларни ёқди,
Ичга хавл тушиб, кўздин ёш окди,
Изларман жон болам, Ҳасаним келар.

Йигитлар ичинда икки шаҳбозим,
Бириси Эрхасан, бири Авазим,
Гўрўли дер, ер юзинда хон ўзим,
Йиглама, жон болам, Ҳасаним келар.

Гўрўли бу сўзни айтиб гамом қилғандам сўнг Зухрага панд-насиҳатлар бериб, юпанч сўзларни айтиб узатиб юбарди.

Энди сўзни Эрхасандан эпитетинг. Эрхасан шу ётишда ёлғиз ўзи дард чекиб, гам-алам ичида ёниб турған эди. Бирдан кулогина бир овоз келди. Осмона караса туриалар овози экан. Шунда Эрхасан давр уриб учиб бораётган турналарга караб, элинни соғиниб бир шеър айтди:

Устимиздан давр куриб учарлар,
Салом етири, турна бизнинг эллара!
Жасадима кўнар бўлди ғажирлар,
Салом етири, турна бизнинг эллара!

Чамлибелдан Арзирума ўтилдик,
Аввал Таллихонни олиб кутилдик,
Охирида лашкарларга тутидик,
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Борай десам йўллар йўқдур хеч ера,
Энди борабилмам Чамбил эллара,
Баланд даштлар тўлди лак-зак лашкара,
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Мен найлайн мундог бўлди замона,
Ғулғулалар тушди еру осмона,
Энди мундин кутилмоғим гумона,
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Кече-кундуз Таллихоним урушар,
Ганим билан аждарходек солишар,
Кизил кони тупроқлара коришар,
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Бутун манго етди умр заволи,
Мушкул бўлди Эрхасанинг ахволи,
Илгинда йўқ на оти, на куроли.
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Эрхасен дер, орттиридим кўп ярени,
Бу дардима хеч топмадим чорани,
Чамлибeldан кўп очибман орани,
Салом етири, турна, бизнинг эллара!

Эрхасандан бу сўзларни эшишиб, турналар Чамлибела караб учиб кетавардилар.

Энди сўзни Гўрўғиндан эшитинг. Орадан 50 кун ўтди. Эрхасандан дарак бўлмади. Гўрўғли бир куни майхонанаги сухбатда кўнгли бузилиб йигелади. Шунда унинг йигитлари:

-Эй Гўрўғли оға, не учун йигларсиз, ледилар.

-Эрхасанин эслаб кўнглим бузилди, неча кунлар бўлши хабар йўқ, не воеа бўлтон экан, деб оҳ тортиб, йигитларина караб бир шесъо айтди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Эйланди, Ҳасан келмади.
Ўтиб кетди, кўп замонлар,
Эйланди, Ҳасан келмади.

Боролмадим, мен кошига,
Арзирум дегра-дошига,
Не савдо тушди бошига,
Эйланди, Ҳасан келмади.

Таллихон деб рухсаф олди.
Ғиротини йўлга солди,
Билмам Ҳасан кайдা колди.
Эйланди, Ҳасан келмади.

Бердим унга от-ярогим,
Қилич, отим хам садогим,
Юрагимда кўпдир доғим,
Эйланни, Ҳасан келмали.

Гўрўғли дер, мен ўртандим,
Хажр ўтига қуйиб-ёндим,

Жоним кўзим, меҳрибоним,
Эйланди, Ҳасан келмади.

Гўрўғли бу сўзни айтиб, гамга ботиб ўтириди. Йигитлари унга кўнгил бердилар. Барибир хафа холда майхонадан чиқди. Қараса осмонда бир тўп турнанинг учиб келаётирганини кўриб уларга бокиб: Эй, жановор турналар, агар Эрҳасанинг иши чапнага кетган бўлса, ўнгга, банди бўлган бўлса чапга айланинг деди, уларга караб бир шеър айтди:

Осмондан учган турналар,
Бор хабарни беринг биза!
Олисдан кўчган турналар,
Бор хабарни беринг биза!

Келдинг Арзирум элиндан,
Дарёси тогу чўлининан,
Эрҳасанинг ахволинан
Бир хабарни беринг биза!

Билмам қаён дўланасан,
Хар тарафа шайланасан,
Чамлибела айланасан,
Бор хабарни беринг биза!

Дарёдан, тоғдан кечарсан,
Мерганин кўрсанг кочарсан,
Мени кўриб паст учарсан,
Бор хабарни беринг биза!

Булутдек кўқда бойланиб,
Хаво узра сен шайланиб,
Ўнгу сўлинга айланаби,
Бор хабарни беринг биза!

Юлдуз тоги тўфон бўлар,
Билмам нечук замон бўлар,
Куш паёми ёмон бўлар,
Шум хабарни беринг биза!

Гўрўғлибекни кўрдингми,
Арзирума сен бордингми,
Ҳасанин ҳолин сўрдингми,
Бор хабарни беринг биза!

Гўрўғли бу сўзни айтиб тамом килғандан сўнг осмондаги турналар Гўрўғлибекнинг чап томонидан ўн айланаби, учиб ўта кетдишлар. Бундан Гўрўғлининг юраги дардга тўлди. Кирқ йигитини олдиға чакириб, Эрҳасанинг тақдиридан қайнуриб, Арзирума бориши истагини баён этиб, алина казма дуторини

олиб, бир шеърни номага солиб, айта берди:

Хасанхоним кетди, кайтиб келмади,
Юринг, беклар Арзирума кетали!
Узок йўлининг хеч хабари бўлмади,
Юринг, беклар Арзирума кетали!

Бугун майдон савашини қурмока,
Эрхасанинг ахволини сўрмока,
Дўниб-дўниб душманларни урмока,
Юринг, беклар Арзирума кетали!

Қаҳбо фалак манго балони солди,
Мен билманам Ҳасанима на бўлди,
Эллик кундир гирот билан йўколди,
Юринг, беклар, Арзирума кетали!

Шул сабабдан менинг бағрим порадур,
Жудоликдин тани-жоним яродур,
Келар муддатидин ўтиб борадур,
Юринг, беклар, Арзирума кетали!

Гўрўғли дер, кизил гули сўлмасин,
Фирот билан Ҳасан нобуд бўлмасин,
Душманнинг ичинда ёлғиз колмасин,
Юринг, беклар, Арзирума кетали!

Гўрўғлибек 40 йигит билан қўшин тортиб нерласан, Арзирум деб йўл тутди.
Кеча-кундуз шабгири тортиб 12 кун деганда Юлдуз тогина етди. Шу вактда
Гўрўғлининг қулогина жазойил, тўп, милтиқ овози эштилиб бошлиди. Шунда
Гўрўғли бу сасларда бир гап бор. Шу орада Эрхасан саваш қилиб юрган бўлиши
керак, деб 40 йигитини караб бир шеър айтди:

Эрхасан килар саваши,
Тоғлар гумбур-гумбурланди.
Киргин этар кизил боши,
Тоғлар гумбур-гумбурланди.

Кимлар балога тутилар,
Кимлар кочиб, ким тутилар,
Жазойил, милтиқ отилар,
Ерлар гумбур-гумбурланди.

Конли саваш бўлса керак,
Ларzon бериб, титрап фалак,
Уруш килар унда лак-лак,
Тўплар гумбур-гумбурланди.

Баҳодирлар биза зохир,
Овоз берадур жазойил,
Гүрӯғлибек деяр, хайр,
Тоғлар гумбур-гумбурланди.

Бу тоғларнинг дарасидан,
Үтмоладим орасидан,
Гүрӯғлибек наърасидан,
Тоғлар гумбур-гумбурланди.

Бу сўздан кейин Гўрӯғли 40 йигити билан қирнинг бошига чиқди. Эрса кўрдиларки, Ҳасан шоҳнинг аскарлари кумурека доригандай ҳамма жойни эгаллаган. Шунда Гўрӯғли 40 йигитига караб:-Оркамда ясов тортинг, мен душмана от кўяман, деб йигитларни саваша чорлаб, казма дуторини алина олиб, шеърдек наъра тортиб, отни устида туриб, бир шеърни уруш номасина солиб айтиб турган ери:

Йигитларим орка ясов килинглар,
Бу майдона ўзим кирсам керакдур!
Шоҳимардан ҳиммат берса, билинглар,
Душманнинг жазосин берсам керакдур!

Ўликлари қолсин ерда кон уюб.
Қарға чўқиб есин кўзларин ўйиб,
Килич уриб, чор атрофа от кўйиб,
Эрҳасана ёрин берсам керакдур!

От кўяман жиловини бўшатиб,
Душманнинг лашкарин уриб-ушатиб,
Мол-дунёсин йигитлара ош этиб,
Хазинасин бўлиб берсам керакдур!

Иноят айласа яратган кодир,
Банданинг холина доимо нозир,
Туялара юклаб лаъли-жавохир,
Чамлибела олиб кетсам керакдур!

Соғу сўлдан катта тўпни уринглар,
Ғаним лашкарини қўймай кирнинглар,
Овозина келсин Руму паранглар,
Ғанимлара килич урсам керакдур!

Энди сўзни Эрҳасандан эшитинг. Эрҳасанинг икки кўзи Чамлибелнинг йўлинда эди. Бир вақт караса, тўп-тўп йигитлар бир гарчак йигитнинг оркасидан ясов тортиб саваша тайёрланади. Эрҳасан караб дарров Ғўрӯғлининг яшил тугини таниди. Бундан вақти хуҷа бўлиб, танина сўл юриб, кувониб, бир шеър айтар бўлди:

Олис ердан кора тортиб күринар,
Чамлибелдан бизнинг беклар етишди.
Килич урса, жумла лашкар кирилар,
Ясов тортиб бизнинг шерлар етишди.

Майдона кирганда оғзи оловли,
Кўлинда найзаси гулгун яловли,
Хар бириси арслон сифат, бедовли,
Тоғларни сарсдириб нарлар етишди.

Жавхарли пайконлар садокда ётғон,
Хар бир отған ўки тоғлардан ўтган,
Овозаси жумла жаҳона етан,
Наъра тортиб бизнинг эрлар етишди.

Бу майдонда табил кокиб урмока,
Таллихона энди ёрдам бермака,
Ғакимларни тўп-тўп этиб кирмока,
Гўрўғлибек деган пирлар етишди.

Гўрўғли саваша тайёрланиб, йигитларина ясов тортириб. Энди отни бошини бурвади, бир вақт кора гўрдимда бир йигитнинг Фиротнинг устида ўтириб, салобат билан килич ураётганини, хар урганда 5-10 ёвни сари этириб ташлаб турганини кўриб, кувониб кетди. Йигитларина: -Худога шукур Эрҳасан тирик экан, хов ерда душман билан солишиб турибди. Эрҳасан каттиқ хориган ўҳшайди, энди йигитлар, газик бизники, деб Ҳасан шоҳнинг кўшинига қараб от кўйиб, бир ёндан кирмока бўшладилар.

Энди икки оғиз сўзни Талихонимдан эшитинг. Аммо Талихон бир эс этиб караса, бир тўпор отлиқ йигитлар душман лашкарини бир четдан кириб, филдагисини филдан, отдагисини отдан ағдариб бошлади. Талихон буни кўриб: - Эй худойим-ей, булар ким бўлди экан, балки Эрҳасан билар, бир бориб хабарлашайин, деб Фиротнинг бошини Эрҳасан ётган тарафга каратиб бурди. Шу келишда Эрҳасаниннинг ёнига келиб тўхтади. Эрҳасана қараб: - Эй, Ҳасанжон, бир замонда бир ердан бир тўпор йигит келиб, душманларни кириб бошлади. Кўйлара бўри доригандай бўлди. Душманлар орасида ола повхим, галмагаллик бошланди. Бунга хайрон бўлиб, сендан сўрайин, деб келдим, деди. Сўни савонини шеърга солиб, кайнаб жўциб бир нома бошлади:

Бир-бир айтғил, сендан хабар сўрайин,
Саман отни мингган кимдур, Ҳасанжон!
Бўйинга жонимни курбон килайин,
Тилло калкон кийган кимлур Ҳасанжон!

Уруп майдонинда арслон юракли,
Ёмон кунлар келса, бари керакли,
Найзалиари зарли, боши телпакли,
От кўйиб келганлар кимдур, Ҳасанжон!

Озмос килич билан беллари боғли,
Сиёсатли югурик отли, яроғли,
Ё етдими додимиза Гўрўғли,
Шул полвон йигитлар, кимдур, Ҳасанжон!

Оллони ёд этиб, бари от кўяр,
Душманни тернисин бўйнидин сўяр,
Қочмаса отамнинг кўзини ўяр,
Шердек тўпилганлар кимдур, Ҳасанжон!

Минган отларининг бариятли.
Душман ўрдасина конлар чайилди,
Мард йигитлар ёв устинага ёйилди,
Бедов от минганлар кимдур Ҳасанжон!

Ҳар тарафа йўлбарс бўлиб чекилар,
Ёв лашкари тутдай бўлиб тўкилар,
Ох, деса оғзидин олов отилар,
Рустам сифат йигит кимдур Ҳасанжон!

Шул мардларни сендан сўрар Таллихон,
Биринчи-бирин баён килгил, шу замон,
Энди биз иншолло колумиз омон,
Буларни танит, сен манго Ҳасанжон!

Таллихон сўзини тамом этгандан сўнг Эрҳасан айтдики, аммо Таллихон бу келган сен билан менинг хўсторларимиздир. Улар менинг ёнимдан кўрмай ўтиб кетдилар. Мен дадам Гўрўғлининг яшил туғидан танидим. Улар Гўрўғли билан 40 йигитларицир. Сен уларга бориб ўзингни танит, бу йигитлар мени излаб чиқканлар, ахир менинг элдан чиққанимга иккни ой бўлиб колди, деди. Шунда Таллихон айтдики, ундаи бўлса ицимиз ўнгидан келибди. Улар савашни бошлайверсинилар, мен сенинг яралариниңни бир орасталаб олайин, деб отдан тушиб, Эрҳасаннинг яраларини, сариштади, хуржинчаги кулча, катламалардан олиб олдига кўйди. Шундан сўнг Таллихон Ғиротни миниб, Гўрўғлининг саваш жойига от сурди. Аммо бир вакт Гўрўғли оркасига назар ташласа, Ғирот пишкириб, ўйноклаб, эгасини таниб, замон-замонни бир этиб кишинаబ келаётир. Устида бир гарчак йигит. Буни кўриб Гўрўғли:

-Ўғлим Эрҳасан, омонмисан, танжонинг согми, деди. Шунда Таллихон айтдики, эй, Гўрўғли оға мен Эрҳасан эмас: Таллихонман, кабул этсангиз келинингизман, деди. Шунда Гўрўғли: -Эй, жоним кизим, сенингдай келининимиз бўлса, ўн марта кабул этган бўлар эдим, асал келининиз сенсан, ана энди айт, на гап, на сўз, эгаликми, деди.

-Эрҳасан оғир ярадор, деди Таллихон.

-Бундай бўлса, келинин, сен бориб, унинг хол-ахволидан хабар ол, душман билан урушиб, енгиши бизга кўй, уларни хаддидан келамиз, деди Гўрўғли.

Таллихоним Эрҳасаннинг ёнига қайтди. Гўрўғли бир томондан гўзал,

хушсурат, мард кизнинг ўзига келин бўлганига кувонса, бошқа томондан Эрҳасаннинг оғир ярадорлигидан кўнгли паришон бўлиб, бир уруш бошлади, кон-кона, сув-суга кетди. Мослик-мослика кокилиши. Душман лашкарлари тўпор-тўпор бўлиб изина қараб коча бошлиди.

Энди хабарни Ҳасан шоҳдан эшитинг. Ҳасан шоҳ лашкарлара қараб ёғдойнинг пасайганини сезиб, саркарласини ёнина чакириди.

-Бир барзангি йигит лашкарларни уриб, доготиб бошлади, бу ким бўлди, деб сўради.

-Ишимиз кайтди, бу Гўрўғлиниг хут ўзи, деди Саркарда.

-Ёниндагилар кимлар?

-Ёнидаги йигитлари-Тоймосбек, Аваз, Хандонбек, эй айтаверсан 40 йигитдур.

Ҳасаншоҳ овусаранг бўлиб колди. Шу вактда коча-коч бошланди. Ҳасан шоҳнинг ўзи хам Гўрўғлиниг алинина зўрга силиб кочди. Гўрўғли йигитлари билан уларни ит кувалагандай кувалаб Арзиумга олиб бориб тикдилар.

Шундан кейин Гўрўғли айтдики, аммо йигитлар, ёв кочди, инига келиб кирди. Шу бўлади, энди Эрҳасаннинг хабарини олайлик. Магара булар оркамиздан кувиб келсалар яна кўрамиз.

Энди хабарни Ҳасан шоҳдан эшитинг. Ҳасан шоҳ шу келишина боргохина кириб, дарвозаларни тамбалаб жон хавли ичона кириб дағ-дағ қалтираб ўтириди. Шу вактда Гўрўғлининг кайтиб кетгани ҳакида хабар келди. Буни эштиб Ҳасан шоҳ сал ўзина келиб, ёнига миrzаларини чакиритириди. Гўрўғли номиға яраш хати битиб, икки косиднинг кўлига бериб, айтдики, аммо сизлар бориб, хатни Гўрўғлига бериб, унинг жавоб хатини манго тез етказинг, деди. Шундан кейин Гўрўғли на деб жавоб берар экан, деб қараб ўтириди. Ҳасан шоҳ косидлар изидан 40 хачира зар юклаб бу совгани хам Гўрўғлига йўллади.

Ани энди косидлар хам Гўрўғлининг хузурига етиб келиб, хатни унга икки кўллаб тутдилар. Гўрўғли хатни ўқитди. Хатнинг маъноси шундай экан:

Ассалом-алайкум, Гўрўғли сulton,
Айтғил, манго муддаонгни берайн!
Энди ман билмишам сен кучли полвон,
Орзу хавас этганингни берайн!

Муруват айлагил қарри гулома,
Сизнинг учун ман юбордим бир нома,
Гўрўғли, бизларни айбдор айлама,
Бисотимла бор нарсани берайн!

Совга этай сенга харна боримни,
Кўшкимдаги кимхоб, атлас, заримни,
Кулок солиб эшиш, менинг зоримни,
Кўнглинг не истаса шуни берайн!

Колмасин ўртада гина-маломат,
Ҳамиша бўлгайсан соғу саломат,

Одам деган бир-бирина ганимат,
Олтин-кумуш, симу зарни берайин!

Колмасин орада гина-кудурат,
Бошима сен солмагайсан асорат,
Чекканим фиғону ишім хасрат,
Шоҳлигимнинг борисини берайин!

Талпи дейіб мен ўзімни паст этдім,
Әнди күшін юбармакни бас этдім,
Хасан деяр, Гүрүглини дүст этдім,
Тила, мәндән тилагингни берайин!

Гүрүгли хатни ўқиб, мийигіда кулиб қўйди. Сўнг йигитларина хатнинг мазмунини тушунтириди. Сўнг қосидларға айтдикі, эй жўралар, бизга шоҳингизнинг ҳеч зоти керакмас, биз хат жавобида оғир-ортикмоч нарса тиламаймиз, деб йигитларина кўз кисиб қўйди. Шундан сўнг, қосидларға караб, кулиб туриб бир шеър айтди:

Ҳасан шоха бориб айтинг, элчилар,
Қирқ тумандан тоза сарпо юбарсин!
Кайтиб бориб, олиб қайтинг, йигитлар,
Үн икки хазина кимхоб юбарсин!

Таллихона харна борин юбарсин,
Уч юз олтмиш канизларин юбарсин,
Киммат баҳо буқчаларин юбарсин,
Яна бешминг тұғмаларни юбарсин!

Кирк минг кул керакдур корли, хунарли,
Кирк минг бедов керак тиллог эгарли,
Кирк минг садәк керак ўқлари парлы,
Кирк минг килич, беш минг шамхол юбарсин?

Беш минг чўри керак, хушрўй жувондан,
Минг йўрга юбарсиз ғум ғифахондан.
Беш минг чекман берсиз Қирғиз-Хитойдан,
Яна беш минг баҳмат гулгун юбарсиз!

Беш минг сарпо берсиз тилю тұғмали,
Кирк минг садәк берсиз, ўки жавхарли,
Беш минг калкон берсиз, тилю куббали,
Яна ўн минг парапт уста юбарсиз!

Ўн минг арват керак пари суратли,
Барининг кийгани заррин хиљатли,

Тўрт минг хури керак лаъли зийнатли,
Яна беш минг ҳабаш занги юбарсан!

Тўғри сўзни Ҳасан шохга айтали,
Сўйинига юбарсан беш минг байтали,
Гўрўгли дер, олиб элга кайтали,
Ўйлаб топиб бизга жавоб юбарсан!

Гўрўглиниңг сўзини эшитгандан сўнг йигитлар шокирдошиб кулиб юбордилар. Йигитлар айтдики, аммо Гўрўгли оға, Ҳасан шохнинг хазинаси тугул Хорунни моли ҳам сенинг айтған нарсаларинга етмас, дедилар.

Шунда Гўрўгли косидларга караб айтди:

-Эй жўралар, биз эл талааб юрган қалтомонлардан эмасмиз, бизга ҳеч зотнинг кераги йўқ. Ҳозирги гапларни Ҳасан шохнинг хатиндаги лоф гаплара тенглаштириб, дейишма учун айтдим. Худога шукур Таллихондек келинга мусассар бўллик, бу дегани Ҳасан шохга куда-андада бўлдик деганимиздур.

Бизлар ўғлимиз билан Таллихонни сўреклаб, излаб чиқдик, боскичиликка борганимиз йўқ. Ҳасан шохнинг моли кўп бўлса, бева-бечораларга пойлаб берсин. Магарам, кизина мол-саруло этмакчи бўлса, буни ўзи билади. Боринг манинг шу гапларимни етиринг! Шундан кейин Гўрўгли Косидларни жўнатиб, ўзи 40 йигит билан Эрҳасанинг ёнига караб кетди.

Энди хабарни Таллихондан эшитинг. Таллихон Гўрўглиниңг келаётганини кўриб, олдидан чикиб, салом берди. Гўрўгли алиб олиб, ҳол-ахвол сўради. . .

Таллихон кўрган-кечирганларини хўсторина баён этиб, кўнглинидагини ишъира солиб айтди:

Ман санго айтайин арзи холимни,
Бир савдо бошима келди, азизим!
Душман яралади Эрҳасанимни,
Манго охир замон бўлди, азизим!

Кудрат билан мен чикмишам бу боға,
Мени кўндиримагил, гайри бу доға,
Ширин жоним Эрҳасана салоға,
Фалак ақли хушим олди, азизим!

Мен найлайин шод бўлмадим, кулмадим,
Ажалим етмади, бугун ўлмадим.
Етти кундир ёра назар солмадим,
Тан-баданим яро бўлди, азизим!

Фалак менинг ақли хушим олғондур,
Сарғарибам қизил мангзим сўлғондур,
Отам мани оғир куна солғондур,
Қайғу билан мангзим сўлди азизим!

Касд этдилар менинг килған ишими,
Рахм айлагил, күздан оккан ёшима,
Таллихон дер, савло түшди бошима,
Күзим қонли ёша түлди азизим!

Гүрӯгли бу сүзларни эшилтгандан кейин Таллихона күнгил бериб, Эрхасани
ённина бориб, унга караб, сал кепикибман, узр, болам, деб алинда сози билан,
Эрхасана ичи овишиб, бир шеър айттар бўлди:

Дод этарман, йўк мадорим,
Мехрибоним тур, ерингнан!
Колмади сабру карорим,
Эрхасаним тур, ерингнан!

Арзирум бир узок элдур,
Манго соглиғингни билдир,
Отангни максади шулдур,
Эрхасаним тур, ерингнан!

Фалак акли хушим олди,
Қайгу билан мангзим сўлди,
Күзим қонли ёша түлди,
Уйгон болам, тур, ерингнан!

Отанг Гүрӯглибек келди,
Душманлара талон солди,
Таллихоним орин олди,
Эрхасаним тур, ерингнан!

Гүрӯгли сўзини тамом килғандан кейин ҳамма йигитлар Эрхасанинг бош
учисига келдилар. Таллихон унинг яраларини орасталаб турганидан энди сал
ўзина келган эди. Эрхасан Гүрӯгли билан 40 йигитни кўриб, кувониб бари билан
саломлашди. Йигитлар унга «Кўз один» айтдилар. Шундан сўнг бариси шу ерда
дами тинчини олиб, эртаси туриб, нердасан, Чамлибел деб йўлға тутиар бўлдилар.
Шунда Таллихон энди балли-кулли бошқа элга кетаётганидан сал айроликни
сезиб, гоҳ кувониб, эл-юрти, дўгонлари билан хўшлишиб бир шеър пўтди:

Кетар бўлдим Чамлибела,
Кўшки айвоним омон бўл!
Кетдим Эрхасаним била,
Боги бўстоним омон бўл!

Сенда йўқлур дини имон.
Асли яхши бўлмас ёмон,
Мендан айрилдинг бегумон,
Жохил отам, сен омон бўл!

Тўккиз ой, ўн кун кўтартган,
Бокиб камола етирган.

Сахар туриб ок сут берган,
Каъбам онам, сен омон бўл!

Энди сендан даврон ўтди,
Навбат Чамлибела етди,
Таллихоним мундин кетди,
Боги гулзорим, омон бўл!

Таллихон сўзини тамом этгандан сўнг Гўрўғли 40 йигит, Эрхасан, Таллихон бариси нердасан, чор доғли Чамлибел деб йўл тутдилар. Йўл юриб, мўй юриб, Юлдуз тогина етиб келдилар. Бу жой хуш хаво бир манзил бўлиб, ҳамиша Гўрўғли уруш-савашдан, овдан-шикордан қайтгана бир кўниб дам-тинчини олиб ўтар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Гўрўғли отжалрга дам берди, ўзлари чой-чилим килдилар. Чой-чилимдан кейин Гўрўғли йигитларина: -Эй, йигитлар, Эрхасан билан Таллихона бир никоҳ ўқитсақ, нечук кўрасизлар, деди. Йигитлар айтдики, аммо Гўрўғли ога, кистаниб не иш этсан, сог-омон Чамлибела боролик, Оға Юнус онамиз келинни кўрсинг, никоҳ кийиш кочмас, дедилар.

Гўрўғли шундан кейин Таллихондай ақл-фаросатли, куч-кудратли, ботирмард, ахду паймонли келинга эга бўлганидан кувониб, юраги жўш уриб, кўнгли күшдай парвоз этиб, Юлдуз тогина караб, йўл бергил, Таллихон келиним ўтсин, деб, бир шеърни номага солиб, казма дуторини алина олиб, беш оғиз сўз айттар бўлди:

Оромгоҳим, Юлдуз тоги келинглар,
Йўл бергил, устингдан Таллихон ўтсин!
Кўйнингдаги арслон-шери паланглар,
Йўл бергил, устингдан Таллихон ўтсин!

Давронлар сурдим ман устингда зиёл,
Ўтганда-кечганда бағринг очиб ёт,
Душманлар мот бўлсин, дўстларимиз шод,
Йўл бергил, устингдан Таллихон ўтсин!

Энди сурап бўлдик, мунда давронлар,
Дўстларим шод бўляб, йигитар душманлар,
Келинг, мулла-муфти, қози қалонлар,
Икди никоҳ қилинг, Таллихон ўтсин!

Гўрўғли сўзини тамом килғандан сўнг ҳамма йигитлари билан йўлга равона бўлди. Бир неча кунлардан сўнг Чамлибел қальясина етиб келдилар. Каттадан-кичик, йигит қизлар - хотин - халаж бари буларнинг олдидан чикдилар. Шунда оға Юнус пари Таллихоннинг кадди коматини кўриб, кувониб, келинга пешвоз чикиб, айланиб-ўргилиб, бир шеър айтди:

Бугун кутли кадам билан,
Хуш келибсан, Таллихоним,
Таъзим килиб адаб билан,
Хуш келибсан, Таллихоним!

Іарчак ўғлим, Эрхасаним!
Курбон санго жону таним,
Таллихон келиним маним,
Хуш келибсан, Таллихоним!

Келин-кизлар йўлдан ючинг,
Кўшкнинг эшигини очинг,
Бошидан тангаларап сочинг,
Хуш келибсан, Таллихоним!

Бўйининг инжулар осиб,
Оҳиста кадаминг босиб,
Бўйи бўйинга муносиб,
Хуш келибсан, Таллихоним!
Кўлларинга хино қўйиб,
Бугун дийдоринга тўйиб,
Тўйинг бошлай кўйлар сўйиб,
Хуш келибсан, Таллихоним!

Ога Юнус санго бандা,
Хеч армон колмади манда,
Сендеқ сулув келин қанла,
Хуш келибсан Таллихоним!

Ога Юнус пари сўзини тамомлаб, Таллихоннинг пешонасина ун суртди, исвант тутатди, оқ паяндоза ўнг обғини бостириб, кўшикина киритди, кизлар, катхуделар ёр-ёр айтди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Эрхасанинг яралари битиб, аввалги аслина кайтди.

Гўрўғли бундан хурсанд бўлиб, элу юртга тўй муддатини белгилаб жар чакдирди. Чамлибелнинг уждан тутма барни ҳалойики тўйга келди. Бахшилар достон айтди, масҳарабуз дорбозлар хизматда бўлди, олтин ковок оттириди, кўчкор уруштириди, ўчоклар қаздириб, кирк кулокли кирк козон осдириди. Ноң дегана ноң, ош дегана ош, танига дегана танига, сарпо дегана сарпо берди. Полвонлара байроқ учун 40 кўй, 40 от, кирк түя кўйди.

Эрхасан билан Таллихоним олтин кўшикина кириб, ором толиб, мурод-максадина етди. Шу вактда Гўрўғли эл-юртина, улли-киччига, 40 йигитига караб, кайнаб-жўшиб, панд-насихат шеърларидан бир парча айтайин, леб алини казма дуторини олиб, пардаларини созлаб, бир нома бошлиди:

Кирк йигитим, кўл канотим,
Хар срада юрувчи бўлма!
Тингла, менинг насиҳатим,
Бемахал сангувчи бўлма!

Аклинг бўлса шуни билгил,
Умр ўтадур муттасил,

Кўлингдан келса хайр кил,
Кишидан олувчи бўлма!

Номаралардан ҳеч карз этма,
Қарз этсангда, ҳеч харж этма,
Нокасдан мурувват кутма,
Ёнинда юрувчи бўлма!

Кўл беринг комил пирлара,
Жонингни бергил эрлара,
Чакирмаса хоч ерлара,
Сен босиб борувчи бўлма!

Борсанг отингни ушламас,
Остинга кийгиз ташламас,
Кўлингни олиб, хушламас,
Сўйкалиб борувчи бўлма!

Айтай сўзим асли-зотин,
Минма киши омонатин,
Бир нокаснинг турган отин,
Сўрамай минувчи бўлма!

Сўрамайин отин олсанг,
Бир жойда айланаб қолсанг,
Ёки ул отдан айрилсанг,
Балоға колувчи бўлма!

Ажал етиб киши ўлса,
Дўгон-кардош йиглаб турса,
Агар сенинг аклинг бўлса,
Ул жойда кулувчи бўлма!

Яхшининг сўзи жаннатдур,
Ани кўрмак ганиматдур,
Ёмоннинг сўзи миннатдур,
Зар берса олувчи бўлма!

Кирқ йигитим, будур арзим,
Тарқ алтама ҳакнинг фарзин,
Бир кишида бўлса қарзинг,
Йигинда тутувчи бўлма!

Бедов минсанг тоғ ошарсан,
Олқиши олсанг кўн яшарсан,

Нажасли ерни босарсан,
Бемахал юрувчи бўлма!

Паланг, йўлбарс шерлар ўлса,
Ёки дунёдан айрилса,
Катта боши кўприк бўлса,
Сен босиб ўтувчи бўлма!

Агар сўзлар сўзинг билсанг,
Яхшилардан ўринак олсанг,
Бир кишига вайла килсанг,
Хеч ундан кайтувчи бўлма!

Гўрўғлибек айла, хуруж,
Душманларда килиб юриш,
Урушсанг мард билан уруш,
Кочғани кувувчи бўлма!

Шунинг билан Эрхасаннинг уйланиш тарихи тамом бўлди.
Эшитганларингиз учун рахмат!

АВАЗ ГАТИРГАН

Чор тоғли Чамлибелла Гўрўғли кўнгли тўлиб, оркайин бўлиб. Йигитларининг хар биринча бир топширик бериб, Оға Юнусга гап отиб, шаробдае тотиб, хазатиб дам олиб ётвади. Шу вактда бир каландар кокилини ёзиб, кадисини осиб, газал тўкиб, тўлиб-тошиб ўқиб, эшикли пайдо бўлди. Гўрўғли насибасини териб юрган бир дарвеш бўлса керак, деб тангри меҳмони этиб қабул килди.

Аммо каландар бир кунда на бор, икки кунда на бор оркайин еб-ичис ётаверди.

Меҳмонни сийлоги уч кун, дегандай, учинчи куни Гўрўғли айтдики, эй, каландар сан нердан бориб, нердан галаётисан, гўринишинга караганда етмиш икки тилда гаплаб, етмиш икки кальяни газгана ўхисан, гўрган гечирганиларингдан турунг эт, деди.

- Хова, дади каландар, манинг бормаган жойим, кезмаган юртим йўқ, жаҳонгаиталик килиб, кўп кишилар билан сухбатда бўлдим, кўп подшолар билан гурунглашдим.

- Кўп ерларни кўрган бўлсанг, кўп подшолар билан соз-сухбат қиялан бўлсанг, ино бизнинг юртини хам кўрдинг, майхонамини, наризодимини, кирк йигитимни билдинг, инди айт, санинг кўрган подшоларингдан бизнинг не сrimiz кам?

Шунда каландар айтдики, аммо Гўрўғли, сан олган жойингни оллинг, чопган жойингни чоплинг, ўз йўлингни ўзинг топлинг, душманларни кон какшатдинг, лекин бир камчилигинг бор, деди.

- Кани айт, на камчилик, деди Гўрўғли.

- Ана энди ман санга айтсанам, кадимда икки кўшни бўлган экан, бирисининг уйида хамиша кулишима, иккинчисининг уйида эса оғзина катик уютгандай тим-

тирслик экан. Шунда тим-тирс ўтирган қўшини, ён қўшнисидан кулишиши сабабини сўрабди. Қўшиниси айтибдики, эй жўра бизнинг олтин ошикимиз бор, шуни ўйнаб кулишамиз, дебди.

Шунда уйида жимлик ҳукм сурадиган қўшни гап фарзанд ҳакила кетаётганини англаб, бир совук нафас олибди, деди каландар. Бу ривоятни эшишиб, Гўрўгининг ҳам кайфи бузилиб, ичиди бир нарса узилиб, қўзига ёш тузилиб кетаверди.

Аммо каландар, деди Гўрўгли, сан гапни узоқлан бошладинг. Майхонандага бир фарзанд камис деб айтиб қўяверсанг бўлмайдими, деди.

Аммо тўғри айтдинг, деди каландар. Гапни солигиннан тушундинг, болалик уй бозор эканини унутма, деди. Зурёдсиз одам қуруқ оғочдан фарқ этмайди. Санго койим фарзанд дунёда бор, оти Аваздир, деб, каландар майхонадан чикиб изсиз йўколди. Бу вактда Гўрўгининг миясидан дуд чикиб, зурёдсизлигини ўйлаб кайгуга боттаг эди. Бирдан теварагина караса ҳеч ким йўк. Йигитларига каландарни топлинг, деди. Аммо уни корасини ҳам тола билмадилар. Шунда йигитлардан бири-бу Хизр бўлса керак, деди. Яна бири агар шу посмонда Хизр бўлса, хамма жойни Хизр босиб кетар эди, деди.

У ундан деди, бу бундай деди, иш килиб каландар йўколди, Гўрўгининг юрагига гулғула тушиб, ўзини кўйишга жой топмади. Охири не бўлса бўлсин, деб Авазни излаб йўлга тушди. Кўп ерларни кезди. Кўп Авазларни кўрди. Аммо бу Аваз отли кишиларнинг бари сомсик, сумсик, эп-купсиз одамлар бўлиб чиқди. Охири Аваздан умидини узиб, майхонасина келиб, кўкрагини ера ташлаб ёта берди.

Ана энди Гўрўгли майхонасида ёта берсин, эндиги сўзни Ваёнгондан шиттинг.

Аммо Ваёнгон деган шахарда Юсуфшоҳ деган подио бор эди. Учиниң кўл остида Булдуру кассоб деган бир одам бўлиб, у бефарзанд эли. У киши кўп аёлларга ўйланди. Охирги заифасидан бир ўғил дўради. Булдуру кассоб етти кеча-кундуз тўй берди, олтин ковсқ оттирди, баҳлии айттирди, кураш туттирди, кексаларни чакириб, боласига от кўйди. Оқсоколлар бу ўғлонга Авазхон деб от бердилар. Авазхонинг бўйлари шамшод мисоли, қўзлари чўллон мисоли, икки юзи сўйилган юмурта мисоли гўзал, герчак йигит эди. У бир замонда олти-етти ёшга стди.

Кунлардан бир кун Аваҳхон болалар билан ўйнаб юрганида Юсуфшоҳ ширкордан кайтиб келаётир эди. Бирдан кўзи Аваҳхонга тушди.

- Бу ўғлон кимники, деб сўради. Ўғлонлардан бири:
- Булдуру кассобининг ўғли, таксир, деб жавоб берди.
- Боринг қассобни чакиринг, деди Юсуфшоҳ.

Булдуру кассобни чакиридилар. Қассоб икки кўли кўксига аллатакда сипатак келиб, подио олдида тиз чўкиб салом берди.

- Бу ўғлон сеникими, деди, подио.
- Ҳованг таксир меникими, деди кассоб.
- Сенинг ўғлинг бўлса бу ўғлон косадорликка дим койим экан, буни бизга хизматкорликка берасан, деди.
- Таксир, бир онаси билан кенгашайлик, деди кассоб.

- Бор кенгашсанг кенгаши, тезда бу ўглонни бизга етказ деб, Юсуфшох отига камчи уриб жўнаб кетди.

Булдур кассоб бу сўзни эшитиб, бағри бирён, кўнгли гирён бўлиб, аёлининг ёнига келди.

- Подшоҳ не деди,- деб сўрали аёли.

- Авазжонни сўраб келибди.

- Сен не дединг?

- Не дейман, онасидан жавоб оламан, кенгашаман, дедим

- Бекор этибсан, подшо амри вожиб, у сенинг кенгашганингга карайдими, босиб олади кетали,-деди аёли.

- Ундан бўлса юр Авазжон, сени олиб бориб подшоҳга топшириб кайтаман,-деди кассоб.

Авазхоннинг онаси бир кўзини сўйиб, яхна гўшт, зирали чўрак, катлама патир пишириб, ўғлиниг кўлига тутқазди. Ота-болага оқ йўл тилаб колди.

Булдур кассоб югуруб-йўртиб, ўтириб-туриб, йўл юриб, мўл юриб подшоҳнинг хузурига келди.

- Ассалому алайкум, подшоҳим, ўглонни олиб келдим, деб, аёли берган зотларни ўғлоннинг олдига кўйди. Подшоҳ патир – чўракларни кўриб шод бўлди.

- Кани манго не хизматларинг бўлса айт, деди подшо.

Булдур кассоб айтдики, хеч хизматим йўк.

Аммо шунда подшо бир хат битдириб, кассобнинг кўлига бериб:

- Сени тархон этдим, юртла не тиласанг сенга дахл киладиган киши йўк, деди.

Шу кундан бошлаб Авазхон 40 йигита қўшилиб, шикорга чикиб, куш, кийик овлаб, от миниб, наиза, килич ўйнаб юраберди.

Кун ўтди, ой ўтди, Авазхон йигит етди, ўн тўртдан ўтди.

Кунлардан бир кун Авазхон 40 йигит билан шикордан қайтиб, отдан тушиб турган эди. Шу вақтда Ҳамдам савдогар деган бир киши Ваёнгонга савдо баҳонаси билан келиб, туяларини чўқтириб турган еринда Авазхонга кўзи тушиб, бу йигитнинг салобати билан сийратидан лол бўлиб, караб колди. Аммо шундай ўғлим бўлса худодан минг марта рози эдим, деб ичидан фикр этди. Шундан сўнг Авазхон билан якинлашиб, уч йил деганда ўглонни ўзига ўргатади. Аммс Юсуфшох буни сезиб, Ҳамдам савдогарнинг яғришига 40 таёқ урдирди. Бундан кагтиқ қаҳрланган савдогар, уйида 40 кун ётиб бир фикрга келди. Мен Гўрўғли деган бир зот дўранди, деб эшитар эдим. Шунинг ёнига арз килиб борсам, Юсуфшохнинг бошига зиминостонни эндириб, бир касди коримни олсам, леб Чор тогли Чамлибел вилоятига караб бадар кетди.

Ҳамдам савдогар йўл юра-юра, сўраб-суриштириб Чор тогли Чамлибел вилоятини топиб, Гўрўғлиниг майхонасининг оллидан чиқди. Гўрўғли уни девона деб ўйлаб, йигитларига айтдики, кўлига беш - ўн танга бериб юборинг, деди. Йигитлар дархол буйрукни бажо келтириб, Ҳамдам савдогарга танга-тилло совфа килдилар. Аммо савдогар тангаларни тупрокка зингитиб юборди. Йигитлар бу ахволни Гўрўғлига бориб айтдилар. Гўрўғли айтдики, бу киши бир дали одала бўлса керак, бари келтиринг, деди.

Савдогар майхонанинг олдига келиб;

- Гүрүғли деган кимдир, деди.

Гүрүғли айтдики, мен Гүрүглиман сўзинг бўлса айтабер, деди.

- Аммо мен айтсам, дунёда зўрландим, хорландим, номардининг кўлида жафо чекдим, мен сенинг оддинга арз этмакка келдим, деди.

- Аммо эй дарвеш, сен бир зулм-зўрликка дуч келган ўхшайсан, тўгри хабарингни бер, деди Гўрўғли.

Шунда Ҳамдам савдогар кўзида ёш, бағрида тош, зорланиб, кўлига созини олиб бир шеър айтди:

Кулок солғил, Гўрўғлибек, сўзима,

Бошимдан ўтганни баён айлайн.

Ваёнгонда Булдур кассоб ўғлини,

Авазжоннинг васфин аён айлайн.

Уч йил манго ўғил ваъдасин берди,

Бугун эса душманигин билдириди,

Охир бир кун саксон камчи урдирди,

Жонима туқанмас озор айлайн.

Магар ёни ўн уч, ўн тўртда бўла,

Бир шайдо булбулдир кўндиранг кўла,

Мустафо бош бўлиб, кирк йигит била,

Мудом хизматида тайёр айлайн.

Этнимда жандадур, бошда кулохи,

Дилимлан кўйманам зикри санони,

Ҳамдам деяр, кездим неча кальяни,

Авазжон сўзини тамом айлайн.

Бу сўзни айтиб тамом килгандан кейин Гўрўғли Ҳамдам савдогарга караб айтдики, аммо қаландар ичинг тўла дард-алам экан. Ман Авазхонни тона билмай кўзим тўрг эди. Бир яхши хабар келтиридинг, деди.

Шунда Ҳамдам савдогар айтдики, аммо Гўрўғли шу йигитни излаб юрган бўлсанг Авазхон Ваёнгонда Юсуфшохнинг саройида 40 йититга бош бўлиб, даврини суреб юриди. Агар кўлингдан келса, улдасидан чиксанг, шу йигит санги муносибидир. Аммо ола билмассанг, санинг Гўрўғли номининг шарьингта ярашмас, деди.

Гўрўғли айтдики, эй қаландар, Авазхонни шу ерда деб хисоб этавер, мен уни нерда бўлса-да, икки-уч кунда майхонамдаги йигитларга кўшаман, деди.

Гўрўғли бу хушхабарни эштиб, кайнаб-жўшиб, тўлиб-тошиб, Ғиротни ярлаб, Ваёнгон шахрина йўл тутиб, қазма дуторини кўлига олиб, бир шеър ятгарман бўлди:

Кўнгил талвас этар Чамлибелимдан,

Ваёнгон шахрина борсам Авазим.

Булбул учуб, зоғлар кўнди гулима,

Ваёнгон шахрина борсам Авазим.

Йўлига мен чиқдим саримдан кечиб,
Хеч кимса кутиямас ўлимдан қочиб,
Шу кун сенинг билан ол шароб ичиб,
Мудом куллугингда турсам Авазим.

Лочин каби учиб кирсам майдона,
Душманларни келтирарман омона,
Шохларга эндириб охир замона,
Довушарман, юз ўгирмай Авазим.

Гўрўғлибек ҳак эшигсин нолами,
Авазжон овозсанги тутди олами,
Қодир мавлон этса бизга ангоми.
Чамлибела олиб келсам Авазим.

Бу сўзни айтиб тамом килгандан кейин Гўрўғлибек зартанг-забартанг эгарланган Фиротга миниб, Ваёнгон шахри нердасан, деб бир зумда кўздан гойиб бўлди.

Гўрўғлибек бир ера кегадиган бўлса хамиша Оға Юнус пари билан, йигитлари билан кенгаш этар эди. Бу сафар Гўрўғли тўғридан тўғри йўлга тушиб кетаверди.

Гўрўғли кетгандан сўнг Сафар кўса Оға Юнус парининг ёнига бориб айтдики, эй паризод кенгашли тўй таркамас, деган гап бор. Гўрўғлининг бу этган иши яхши бўлмади, деди. Шунда Оға Юнус пари кирқ йигитни Сафар кўса бошчилигига Гўрўғлининг изидан юборди. Йигитлар икки кунда Гўрўғлининг изидан етдилар.

Бир вакт Гўрўғли изига караса бир чанг кўринди. Эс этса 40 йигит от суриб келаёттир.

- Ҳов кўса, изингдан бало кувдими, мунча ола-тосирди билан келаёттирсан деди, Гўрўғли.

Шунда кўса айтдики, аммо Гўрўғли, хар сафар маслаҳат билан иш этар эдинг. Бу сафар сени не худо урди, боражак жойинга биз ҳам борамиз.

Уруш тўғри келса урушамиз, киличлашиш тўғри келса киличлашамиз, деди.

Шунда Гўрўғлининг йигитларина қайтарғи бериб айтган шеъри:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Сухбат айланг дилни очар.
Одам ўғли тушар ғамга
Бу дунёга келган кечар.

Кишининг файзи иймондур,
Уни билмаган ҳайвондур,
Одам одамга мехмондур,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кезмагил бехуда ерда,
Йўликарсан ёвуз дарда,

Кўп ёлборсанг бир номарда,
Қарши туриб конинг ичар.

Эгам номардни бор этмас,
Мардни номарда зор этмас,
Қилич калқонга кор этмас,
Отган ўким тошдан кечар.

Араб от майдонда йўртар,
Ғўч йигитнинг ризки ортар,
Қон кўрганда отинг хуркар,
Фирот сакраб лошдан кечар.

Кишининг ёри бўлмаса,
Ёридан кўнгли тўлмаса,
Изинда зурёд колмаса,
Тайёр турган ошдан кечар.

Ғўч йигит майдонда юрса,
Ғанимлара карши турса,
Гўрўғли Авазни кўрса,
Мол аямас, бошдан кечар.

Гўрўғли сўзини тамом килди. Шунда Сафар оға:

- Эй Гўрўғли бизга на топчириқ берарсан, деди. Гўрўғли айтдики, сизлар изингизга кайтиб, Чамлибелда тўй шайини тутаберсизлар, Мен тез кунда Авазхонни олиб борарман, деди. Бу сўздан кейин Сафар кўса бошлиқ йигитлар изина кайтди. Гўрўғли Ваёнгон нердасан, деб Фиротга қамчи босди. От суриб бора беришда унинг оддига олача от мингандан бир киши чиқди, Гўрўглига икки кўлини аниф лом килиб салом берди. Шунда Гўрўғли:

- Эй йигит кимсан, нердан бориб нердан келарсан, деди.

- Ман санго айтсан, Чор доғли Чамлибел вилоятинда Гўрўғли детан бир эр кўрабди. Шуни хизматина бораёттирман, деди олача отли киши.

Гўрўғли бу йигитни бир синааб кўриш максадида айтдики, эй йигит, сен Гўрўглининг хизматина борсанг бир гап айтаман, деди.

- Айт гапингни, деди йигит.

- Мен шу Гўрўглининг хизматидан келаёттирман. Гўрўғли деган киши ўтакетган зикна, хасис бир зот. Етти йил хизматида бўлиб, тўйиб ош ичмадим, бир тоза гуппи киймадим. Ман бу от, кийимларни хам ўғирлаб, унинг элиздан кочиб келаёттирман, деди Гўрўғли.

- Ман Гўрўглига ихлое кўйган одамман, ўлдирса-да шу ўлдирсин, деди олача оғли йигит. Шунда Гўрўғли билдики, бу одамдан бир нарса чиқади.

- Хов йигит, деди Гўрўғли. Бери келабер Гўрўғли деган одам ман бўламан. Шунда олача отли киши отдан тушиб. Фиротнинг туёкларига бош кўйиб инглайберди.

Аммо Гўрўғли хайрон бўлиб айтдики, эй йигит, бу не мусофиричилик, максадингни айтдеди.

Анда йигит айтдики, Эй Гўрўғли оға, ман Табриз деган элланман. Табризниң хони ўлиб, ўрнига унинг кизи ўтири. Бундай киз жаҳонда йўқ. Шамшод бўйли, ой юзли, ҳилол кошли, шахло кўзли, ширин сўзли, сочлари сумбул, тиллари тўти бир киз. Аммо куч-кувватда, акл-фаросатда унга тенглашадиган ноҷор йўк.

Буни эшишиб, Гўрўғлининг хам этига жумбирди кирди.

- Айт, айтавер, деди Гўрўғли.

- Аммо Гўрўғли оға шу кизга ошик бўлдим.

Киз уч шарт қўйибди. Биринчи шарти: 40 газ қалъа деворидан отни сакратиб ўтиш керак. Иккинчи шарти: 40 газ кўшк устига қўйилган оқ куббани ўқ билан уриб тушириш керак. Учинчи шарти: 70 пахлавон билан курашиб йикниш керак.

Ман учинчи шартни бажараман. Аммо юкоридаги икки шартни бажаришда сендан ёрдам сўраб келдим, деди, йигит.

- Ана ҳалос, деди Гўрўғли, дардинг кўп экан аммо бу вазифани бажарамиз, юр кетдик, деб Табриз томонга от қўйиллар. Тўрт тош йўл юргандан кейин олдларидан тўрт пиёда чикди.

- Йўл бўлсин, деди Гўрўғли.

- Чор доғли Чамлибелда дўраган Гўрўғли деган ботирнинг хузуринча бораётимиз.

- Ол унда Гўрўғли деган биз бўламиз, изимиша туша беринг, деди Гўрўғли.

Шундай қилиб, стли-пиёда Табриз элига келиб тушдилар.

Шунда Гўрўғли айтдики, эй йигитлар, сизлар кўшкнинг олдига бора беринг. Мен ҳозир етиб бораман, деди шу боришинда Ғиротта уч қамчи урди, от пориллаб-хориллаб, ўлдуздай сунид осмону фалакни бир этиб кўшк устидан ўн газ юкоридан учиб ўтиб кизнинг таҳти олдида пайдо бўлди.

Гўрўғли шу бодда ёйини тортиб нердасан оқ кубба деб урди, оқ кубба икки бўлгини ерга тушди.

Шу вактда бирга келган йигитларга кўзи тушди. Олажа отли йигит шу орада 70 цовон йигитни ерга эндариб урди. Бу ахволдан кизнинг онг-эси учеби кетаберди. Шу орада йигит кизнинг олдига караб югурди.

Шунда Гўрўғли айтдики, эй йигит нера югурасан?

- Шартни битирдик, киз энди меники, деди.

- Аммо жўра, уч шартдан иккисини ман битирсам, киз нечук саники бўлади, деди Гўрўғли.

Бу сўзни эшишиб, йигит котиб колди.

Бир вакт кўзидан милт-милт ёш чикди.

Шунда Гўрўғли ярим ҳазил, ярим чин унга караб бир шеър бопилади: иккиси савол-жавоб айтишиди:

Йигит: - Оғажон, арзим сўйласам,

Ёр маники, ёр маники.

Не маслаҳатдир айласам,

Ёр маники, ёр маники.

Гүрүгли: - Менам келдим Чамлибелдан,

Ёр маники, ёр маники.

Илгор этдим узок йўлан,

Ёр маники, ёр маники.

- Лочин каби киёс боқдим,

Ўртандим, жонимни ёқдим,

Етмиш бир полвонни йикдим,

Ёр маники, ёр маники.

- Фалак уйини тушурдим,

Фанимнинг ақлин шоширдим,

Кўшидан ўқим оширдим,

Ёр маники, ёр маники.

- Бир неча кун йўлдош бўлди,

Сарима жудолик солди,

Ола ёбим чўлда колди,

Ёр маники, ёр маники.

- Ета билмассан Конина,

Кирарсан ажал тўнина,

Ошиклик марнинг шаънина,

Ёр маники, ёр маники.

- Саваш майдонда юрмасанг,

Холимдин хабар олмасанг,

Оғажон гаріб кўрмасанг.

Ёр маники, ёр маники.

- Сарингизда думон бўлдим,

Кўздан оқкан гирён бўлдим,

Гўрўгли дер дўтон бўлдим,

Ёр маники, ёр маники.

- Ошиклик хар ерда бордир,

Ошиклар мъшукқа зордир,

Бу йигит бир хизматкордир.

Ёр маники, ёр маники.

Булар сўзини тамом қилядилар. Йигит Гўрўглиниң «дўгон» деганини эшишиб жонина сўл юриди.

Шунда Гўрўгли айтдики, аммо жўра энди тўйни қачон бошлайсан, дади. Йигит айтдики, оға ихтиёр санда, дади.

Шу вақтда қиз тахт ўстида ўтирган хон эмасми, жарчи кўйиб тўйни бошлиб

юборди. Бахши айттириб, кураш тутдириб, олтин ковок отдириб, дарбоз ўйнатиб, карнайчи-сурнайчи, буломончи, гижакчи, дафчи, галчи бари йигилиб, ола-кийгос бўлиб кетди. Нон дегана нон, ош дегана ош, тангга дегана тангга, сарпо дегана сарпо бердилар. Етти кеча-кундуз тўй бўлиб, олача отли йигит хон кизни хотинликка олди.

Бу йигит бу ерда ёта берсин, эвди хабарни кимдан ол, тўрт пиёда йигитдан ол.

Гўрўғли билан ошик йигитнинг изидан йўрта-йўрта тўрт пиёда тўй тарқагандан кейин Табризга кириб келдилар.

Гўрўғли уларни топиб хон кизга уйланиб, Табризга подшо бўлган йигитдан уларга иш топиб берди. Ўзи айтдики, аммо йигитлар ман Авазхонни излаб чиккан одамман, сизлардан оркайин бўлдим. Энди ўз ишимни битказиб олай деб, подшо билан тўрт йигитга қараб бир шеър айтар бўлди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Кетар бўлдим хон Аваза.
Жафо чекди азиз жонлар,
Кетар бўлдим хон Аваза.

Аваз дейиб Чамлибелдан,
Илгор этдим узок йўлдан,
Хабар олсин бизнинг элдан,
Кетар бўлдим хон Аваза.

Аваз билан бога кирсам,
Чаман боғлаб, гуллар терсам,
Киёматлик ўғлим десам,
Кетар бўлдим хон Аваза.

Гохи кўниб, гохи учиб,
Маст бўлиб, ол шароб ичиб,
Гўрўғли дер, сардан кечиб,
Кетар бўлдим хон Аваза.

Гўрўғли сўзини тамом этди. Шунда тоза тахта ўтирган подшо айтдики, аммо Гўрўғли оға, санго на даркор бўлса берайин, оғзинига сикканини айт, деди.

Анда Гўрўғли айтди:

- Эй жўра, манго ҳеч зотнинг кераги йўқ, яхши тилагингни берсанг бўлди.
- Ахир йўл узок, от орик деганлар, сан манго кўп яхшиликлар этдинг. Сан хозир кетсанг ман ўлингни, тириингни нердан билсан бўлади.
- Жўра бу гапингда жон бор. Худо хоҳласа 40 кунда шу ерга Авазхонни олиб келаман, агар кела олмасам хабаримни тутасан, излайсан, деб Гўрўғли йилдиримдай бўлиб, учиб ўта кетди.

Гўрўғли шу боришина тогдан, чўлдан, сахродан кўлдан, баланддан ошокдан отни йўртдириб ўн кун йўл юриди. Бир вакт қараса бир чодир кўринди, борса ўнга якин чўпон бир кўйнинг яхнасини уриб ўтирибдилар. Гўрўғли ўн кундан бери на

чучча, на чўрак емаган одам, тўгри бориб яхнадан тушира берди. Сал ўтмай кирсона зот қолмади. Чўпонлар Гўрўғлига караб:

- Хов зангар, ердан чиккан зоморикдай бўлиб нердан пайдо бўлдинг, сал үлмаса бизларни ҳам ежак ёғдойинг бор, сан кимсан, дедилар.

Гўрўғли яхнани еб бўлиб, индамай шу ердаги чалпак, чўрак, патракларни икки буқлаб уриб бошлади. Шунда бир чўпон, кўйин олд сотонидан чиккан суяк оизсан Гўрўғлининг бошига бир урди. Аммо Гўрўғли индамади. Яна бир урди, индамади. Сўнгги таёдан кейин Гўрўғли ўридан туриб, шу чўпонни икки оётидан тутиб колган чўпонларни ураберди.

Чодирга бало доригандай бўлди. Қочғон кочди, колган колди. Шу вактда чўпонларнинг бошчиси айтдики, Эй гўч йигит, чўпонларни ўлдириб бўлдинг, кўйларни ким бокади, деди. Кейин бу гарчак йигит бу ерларга ўз-ўзидан келмагандир. Магар бу одам Чор доғли Чамлибелдаги Гўрўғли деганилари бўлмасин, сиёғи, ситораси дим якинлашиб боради, деб бир шеър айтар бўлди:

Хайбат билан келдинг менинг ёнимга,
Сўзла-ҳо, гўч йигит нердан келарсан?
На касдинг бор манинг ширин жонима,
Сўзла-ҳо гўч йигит нердан келарсан?

Остингда аргумок дол бедов отинг,
Яратган олоҳим берсин муродинг,
Магар Гўрўғлига мангзар симбатини
Сўзла-ҳо, гўч йигит нердан келарсан?

Чўпон бечоранинг аклин чоширма,
Зиёда дарлимни хаддан оширма,
Тўгри таниш, сиринг мандан яширма,
Сўзла-ҳо, гўч йигит нердан келарсан?

Ошиксанг маъшука назар солдингми.
Неча йил юртингдан жудо бўлдингми,
Шомурза дер, Авазжона келдингми,
Сўзла-ҳо, гўч йигит нердан келарсан?

Гўрўғли Авазжоннинг отини эшитгандан кейин бирдан сичраб тушди. Аммо чўпон жўра сан манинг ожиз жойимнан тутдинг. Авазжонни сан нердан биласан, деди.

- Ман Булдуру кассоб деганинг чўпони бўлиб ишладим. Кассоб ёмон одам, бир тангга бермай мани хайдади, деди чўпон.

Гўрўғли айтдики, аммо жўра Булдуру кассоб манинг отамнинг жўраси бўлган, бир сури кўйин отам Булдуру кассобга колдириган. Шу қўйлар хозир мингдан шинган. Ман шуларни олиб кетишига келдим, деди Гўрўғли. Шунда чўпонлар Гўрўғлига йўл кўрсатиб узатиб юборажак бўлганда Гўрўғли Шомурза билан кийимларини алмаштириб, Чўпон киёфасига кириб, Фиротни миниб, Ваёнгон шахри нердасан, деб кетарман бўлди.

Ғирот бу йиртиқ түнли кишини танимай бир-икки дебсиниб, хўкранди. Шунда Гўрўғли айтдики, эй бошдошим, сирдошим, Ғирот, ман Авазжон учун бошимни этагимга солиб бораётирман, сан Авазжонни олиб келинчам шу ерда бир кунингни кўарсан, леди. Аммо Ғирот бу сўздан кейин кўзидан бигюр-бигюр ёш тўка берди.

Шунда Гўрўғлининг ўзи хам хомсикиб, ўпкаси тўлиб, мусофиридай бўлиб, курол-ярогларини кўйиб, бир чўпон сийратина кириб, отини бошини силаб-сийпаб, бир шеър айтар бўлди:

Бугун келдик Ваёнгона,
Йиглама, Ғирот йиглама.
Айтайн шаънига нома,
Йиглама, Ғирот йиглама.

Бекиёс ҳусни талъатинг,
Накш олмадай суратинг,
Кўнглима бергил қувватинг,
Йиглама, Ғирот йиглама.

Келмишам майдон мастина,
Дуўорма қилич дастима,
Авазжон минар устинга
Йиглама, Ғирот йиглама.

Оқизма кўзингдан ёши,
Майдонда кўрсам саваши,
Гўрўғлининг бош йўлдоши,
Йиглама, Ғирот йиглама.

Гўрўғли сўзини тамом этгандан сўнг Ғирот ўтлаб колаверди. Гўрўғли бир сўвитдан хода кесиб, учини чўкмор этиб, чўпон сийратинда юриш этди. Тонг сахарда шахарнинг дарвозасига бориб етди. Тўғри бозора кирди. Бозор гала-говур, ит эгасини танимайди. Гўрўғли кўй сотиш баҳонаси билан келган чўпон бўлиб, қассоблар тарафга ўтди. Қассоблар чўкмор билан юрган бу саҳройини бир туширайлик деб, уни деш-лаварагини ўраб сўз ота бошладилар.

- Ҳов чўкморли, нердан келаётисан?
- Табриз ёқасиннан.
- На иш билан юрибсан?
- Кўй сотаман.
- Кўйинг самизми?
- Семизи хам, ориги хам бор.
- Кўйинг нерда?
- Кумда.
- Ничча тангадан сотасан?
- Уч танга.
- Сал қайт!

- Икки танга.

Қассоблар савдони яхши битганига севиниб, икки тангадан Гүрӯглиниң үлпесининг кисасина тиқавердилар.

Қассоблар тангани берганда бериб, бу саҳроидан ғумонланиб бошладилар. Шунда бир қассоб айтдики, эй чўқморли чўтон, бу элда сенинг бир оға-ининг, дўст-ёргин борми, деди.

- Бор деди, Гүрӯгли, бу қалъада отамниң Булдуру қассоб деган дўсти бор.

- Булдуру оғаннинг кайтиш бўлганига бир йил бўлди-ку, деди савдогарлардан бири.

- Манго тўғри хабар беринглар, ўлгани чинми, деди Гүрӯгли.

- Чин, деб қичкиришиб савдогарлар. Буни эшишиб, Гүрӯгли ичидан яхши бўлибди, деган хиёл ўтса-да, билдирамаслик учун кўзининг ёшини арттан бўлиб, рўмolini оғди, икки кўйини омининг тиклаб, қалта соколини сийлаб кўйди. Кейин Булдуру оғам ўлибди, деб ўзини тўрт тарафга уриб, бозорни вас-вайрон этди. Танга берганлар бу балодан кутиласилек, тангамиз садака деб, Булдуру қассобнинг уйини кўрсатиб Гүрӯглидан бир амаллаб кутидилар. Бир қассоб уни Булдуру қассобнинг эшигига келтириб кайтиб кетди.

Гүрӯгли дарвозадан кириши билан бол билан кичкириб йиглаб бошлади. Уйлаги хотин-халаж, бола-чаканинг захраси ёрилиб, яна бирор ўлдими деган ҳавотир билан чикса, жанда-жунда кийинган, алинда чўқмор, лекин девдай гавдали, юзлари фариштали бир ёт киши чин кўнгилдан «Булдуру оғам» деб йиглаб турибди.

Аммо Гүрӯгли бир караса Булдуру қассобнинг майхонасида бир тўпор мултамуфти соколини сийлаб, чойхўрлик этиб, китоб ўқиб ўтирибди. Буларни кўриб, Гүрӯгли ўйладники, Булдуру оғанинг йил фотихаси бўлса керак. Бу одамлар тезроқ кетса бир ишимни битирсам, деб, йигини яна бепи пахса кўтарди. Муллаларниң бари нашаванд эмасми, осмондан бир бало эндими деб ола-тасир, кавушларини терс кийиб, бири-бирини босиб, монголдоқ отиб, тим-тирс бўлдилар. Шу вактда Булдуру қассобнинг хотини бир чўрини Гүрӯглидан хабар олишга юборди.

- Бор қара, Булдуру оғаннинг энг яқин дўғони бўлса керак, ҳол сўраб, уйга киргиз, чой кўй деди.

Чўри бориб, Гүрӯглини кўрса, эгни йиртиқ бўлса-да, бир нурона йигит.

- Эй бибижон деди чўри Авазхоннинг онасига, йиглаб турган киши, кўзлари нурона, бўйи чинордек бир йигит.

Авазнинг онаси буни эшишиб, дархол югуриб, Гүрӯглиниң ёнинга келди. Уни кўрган Гүрӯгли кийкирикни янада баланддан бешлали. Шунда Авазнинг онаси:

- Эй гўч йигит, «Ўзик оятдан, тирик иззатдан тўймас» деганлар, минг йигласанг-да, оғанг изнга кайтмас, шунинг учун бир оят ўқиб, рухини шод этиб, йигини тўхтат, деди. Ула Гүрӯгли айтди. Эй енгажсон, бизнинг элда бир нарса емасдан оят ўқимайдилар. Бир зотинг бўлса чикар, еб кейин оят ўқийман, деди Гүрӯгли. Ўзи хам хафтадан бери туз тотмаган эди.

Чикарган зотларни қатламами, чўракми, зогорами тушираверди. Орада гурунгни давом эттириди.

- Шу десангиз енгажон Булдуру оға отамниң дўсти экан. Унга юз кўй берган экан, Улар кўпайиб 700 бўлибди. Оғамини кўйларини сотиб тангасини берин,

деганда бу мусибатли хабарни эшитдим.

Етти юз күйнинг тангасини эшитган Аваэжоннинг онаси Гўрўғлининг теварагини айланниб, дастурхонни баракали килаварди. Хурмат-иззатни ошириб-тошириб ташлади.

Шунда Гўрўғли уй ичига сар этса бир осилиб турган танбурга кўзни тушди.

Аммо енгажон деди Гўрўғли шу танбурни олиб бер, бизнинг элла оятни соҳиблан айтади, деди. Ихлос билан йигласа сўқир кўздан ёш чикар, деган гапни ёдинда кўйган Гўрўғли, Аваэхонни олиб кетиш учун ихлос билан киришган эди Гўрўғли танбурни олиб, бизда шундай оят ўқийдилар, деб, танбурни созлаб бир шеър айтмоқ билан бўлди:

Сени дейиб келдим Чамлибелимдан,

Дастмояси халол кассоб истарам.

Аслим баён этсам туркман элиндан,

Дастмояси халол кассоб истарам.

Хиёбон кўчалар йўлинга қурбон,

Канду асал, шакар тилинга қурбон,

Ўзинг билан Аваэ жонимга қурбон,

Ман бир киёматли ўғлон истарам.

Айланарман кошинг билан кўзингдан,

Қурбон ўлам ширин-шакар сўзингдан,

Бир замон пардани кўтар юзингдан,

Оқ юзинда холли жувон истарам.

Аваэзининг онаси кулсанг не бўлди,

Равшанга бир назар солсанг не бўлди,

Гўрўғли эканим билсанг не бўлди,

Аваэ отли зурёд-ўғлон истарам.

Гўрўғли сўзини тамом қилди. Аваэзининг онаси барини эшитди. Гўрўғлининг сўзларидан тани яйради.

- Булдур оғангинг сендан бўлак жонкуяри йўқ экан, яхши йингит, сен оғамнинг давлати, мол-мулкина эгалик этсанг не бўллади, деди аёл.

- Хова янгажон, деди Гўрўғли, бу сўзинг тўғри. Аммо сен хозир менинг ёнимга бир одам кўш. Ўлимдан бошқасини чораси бўлар, деганилар. Молга эгалик этиши қочиб кетган йўқ. Хозир мен бориб, Аваэжондан бир хабар олайин, деди Гўрўғли.

Шунда аёл бир одам топиб, Гўрўғлини Юсуф шохнинг саройига юборди.

Гўрўғли келавериб, ўзини танитмаслик учун йўлдаги чалчик сувга хам ўзини ботириб олди. Бундан хайрон бўлган йўллоши, биз бу ахволда саройга борсак, иккимизни хам ўлдирарлар, деб Гўрўғлига узокдан саройнинг тушини кўрсатиб, зим-гойиб бўлди. Гўрўғли Юсуфшохнинг саройи олдига бориб, ассалому атайдум, деб, каттик овозда саломлашиб, ўзини тентак, сатари сийратида кўрсатиб, аркка кирди. Караса шохнинг ўнг ёнида Аваэхон гулдек очилиб, оғзидан дур сочилиб, косагуллик килиб ўтирибди. Ютуриб бориб Аваэхоннинг ёнбошига ўтирди. Бу

туси бузук одамдан кўрккан Аваҳон подшохга кисилаб ўтири. Осмондан пўстин ташлагандай пайдо бўлган бу одамдан ҳайрон бўлган Юсуфшоҳ навкарларга имомиди:

- Бундан хабар сўранг.
- Хо туси бузук, зангар, бу не жолотойчилик, хабарингни бер, деди навкарлар.

- Хабар берсан, ман Табриз элиданман. Отам Булдур кассоб билан киёматлик дўст экан. Бир вақтлари отамга 100 кўй берган экан, ҳозир 700 бўлди. Шуни хабарини ўғлига етказиш учун келдим, деди Гўрўғли.

Аммо Юсуфшоҳ айтдики, бу зангарнинг оғенини ерга тегизмай қалъадан чикариб ташланг, деди. Пошиблар дарров буйрукни бажо келтиридилар. Таёк еб шъизон андоми қўкарган Гўрўғли қалъа ташкарисидаги бир тепаликда бурнини сувини тортиб ўтираверди. Бир вақт кунбатар томонидан бир кора яқинлашаварди. Караса ёнбошига дутор боғлаб, йўрга отга минган бир киши келиб Гўрўғлига:

- Хов қаландар, ман намозга ётиб тургунча отимни тутиб тур, деди.

Гўрўғли таёкини заҳмидан жони чикиб турганда бу таклиф қаҳра миндириди. Ўрнидан туриб, Юсуфшоҳнинг баҳиси бўлиган бу одамни жуфт ёқасидан тутиб кўғирчоқдай айлантириб ерга кўйди. Бундан заҳраси ёрилган баҳси дағ-дағ қалтираб, Гўрўғлига икки танга бериб отни тутиб туришини ўтнди. Гўрўғли рози бўлди. Баҳши дуторни ҳам бериб, унга тегмасликни сўради. Аммо Гўрўғли дуторни истаб-согинган эмасми, «Қора дали» куйини чалиб бошлади. Баҳши бу созни кўриб отни, дуторни олиб бадар кетди. Баҳши Саройга кириб айтдики, эй подшоҳим, қалъадан дешонда бир қаландар ўтирибди, дутор чалиб нома айтганда унга тентглашиб бўлмас, деди.

- Агар соз этиб ўлникни тиргизса-да, бизга кераги йўқ деди подшоҳ.
- Таксир бир эшитсак не бўлади, деди Аваҳон.

Аммо ноилюж қолган подшо:

- Боринг олиб келинг, деб пошибларга буюрди. Дарров олиб келдилар. Аваҳон айтдики, аммо туркман оға ҳабарингни бер, деди.

Гўрўғли айтдики, туркман сўзини соз билан эйтади, дутор келтиринг деди. Дарров дутор келтиридилар. Шунда Гўрўғли айтдики, эй Аваҳон, бизда бир баҳши шоир дўрабди. Ҳозир туркманда дуторни сопини ушлаган илкинчи газикда шуни номасини айтади, деди Гўрўғли.

- Баҳши-шоиринг ким экан?
- Уни Гўрўғли дерлар.
- Поҳ-поҳ ўзи шу Гурўғли деганинг номасини эшитиб, ҳазатали деб сани кайтариб он келдик, деди Аваҳон.

Бу сўзлар подшохга ёқмади. Подшоҳ Гўрўғлига бадланиб:

Айтсанг ғалмагал кўтармай айт, Сўнг тез бу ердан гум бўл, деди.

Гўрўғли била кўра подшоҳнинг қаҳрини келтириб, бир нома айттар бўлди:

Юсуф шоҳим, Гўрўғлининг,

Пари-пайкарлари борлур.

Сабо сайронга чикканда,

Лолазор ерлари бордур.

Үзи гүзәл оллы йүлли,
Йигитлари соғу сүлли,
Кописи панжара гулли,
Сенингдек күллари бордур.

Каломда ёзар хатлари,
Таблала бедов отлари,
Арслон каби сифатлари,
Пөвлөн йигитлари бордур.

Түлин ойнинг юзи каби,
Шаҳду шакар сўзи каби,
Гулруҳ отли кизинг каби
Махрам каниzlари бордур.

Ҳаволанса осмон каби,
Отланганда мардон каби,
Мисоли Авазхон каби,
Махрам йигитлари бордур.

Азиздир Гўрўғли сари,
Ғанимидан олар ори,
Ҳазрат Али анинг пири,
Забардаст пирлари бордур.

Гўрўғли сўзини тамом этди. Авазхоннинг чиройи очилиб, Юсуфшохнинг қоши-кабоги буришди.

- Пах-пах, туркман оға, Гўрўғлининг иомаларини дим тусини келтириб айтар экансан. Эшишишимизга караганда Гўрўғли отли-овозали, нону чўракли, кучли-гайратли бир гарчак йигит эмиш, шу тўгрими?

- Тўғри, Авазжон.
- Тўғри бўлса, унинг хизматида юрган ўғли борми?
- Бор, Авазжон.
- Оти ким?
- Авазжон.
- Мен билан адаш экан-ов.
- Топ ўзи.

- Ундай бўлса Гўрўғлининг ўғли Авазни таъриф этиб, бир номани соза солиб айтиб берсанг бўлмайми?

- Бўлади, Авазхон.

Гўрўғли Авазхоннинг ўзинга якинлашаётганидан кўнгли тўлиб, номасини кўз олдидаги Авазнинг сийратини солиб, кайнаб-жўшиб, дугорнинг юкори пардасина чикиб бир нома бошлал:

Бизнинг беклар орзу этар,
Соз чертган алларинг, Аваз.

Эшитганин хайрон этар,
Лафзли йўлларинг, Аваз.

Бизнинг мажлисда турмокка,
Бир гўч йигитдир кўрмакка.
Овда, ширкорда юрмакка,
Ярашар чўлларинг, Аваз.

Кув ва гозлар баҳриндадур,
Беклар юрар баҳриндадур,
Ваёнгоннинг шаҳриндадур,
Исфаҳон элларинг, Аваз.

Қомати ўхшайди дола,
Юзлари кирмизи ола,
Чаманида бўлиб лола,
Очилар гулларинг, Аваз.

Сен биза тушибсан тила,
Иншолло тушарсан эла,
Гўрўғли кирк йигит билга,
Хизматкор қулларинг Аваз.

Гўрўғли сўзини тамом этди. Шунда Аваз:

- Пой, бу туркман оға Гўрўғли Аваз ўғини дим ортиқмоч таъриф этиб юборибди, Оға айт, шу Аваз менча борми, деди.

- Эй Авазжон, Гўрўғлининг Авази санинг ўндан бирингча йўқ, деди Гўрўғли.

- Манинг ўндан биримча йўқ ўғлонни шунча таъриф этган бўлса, мани кўрса на хили этиб таъриф этар экан, воҳ туркман оға юрган эканмиз-ов, шу Гўрўғлининг чой-чилмини бериб, отини эгарлаб, майхонасини тўлдириб юриш бизга насиб эгармикан.

Авазнинг бу сўзини эшишиб, Юсуфшохнинг қошлиари киличдай кўтарилиб гушди, кўзлари хонасидан чиқди, туклари тўнини тешиб чиқди. Шартта ўрнидан туриб кетиб колди. Подшоҳ чиқиб кетгандан сўнг вазир ҳам ўрнидан турди, маҳрамлар, аёнлар бари бир-бирдан боргоҳни тарқ этдилар. Авазхон туркман оғамининг номасини эшиштаман, деб ўрнидан кўзгалмади.

Шу орада Юсуфшохнинг дўғмалари Гўрўғлини тепкилаб уриб бошладилар. Ҳар урганда: - чик йўкол, даф бўл!, деб кийкириб турдилар.

Гўрўғлининг жини кўзалиб-кўзалиб турди, аммо шайтонга ҳай бериб чидади. Агарда ғалмагал бошласа, Авазхоннинг кўлдан чикишини англаб тиншини-тишига кисиб чидади.

- Аммо Авазхон, деди Гўрўғли, бу элингни одамлари мусофири, меҳмонни силамас эканлар.

- Эй туркман оға, бу бизнинг элда «Ур xo, Ур» ўйинидир, деди.

- Үндай бўлса бизнинг элда «Ким урди», «Урди кочди» деган ўйинлар бор, бир-ярмини кўрсатсанмикан, деди Гўрўғли.

Шу орада бир дўғма Гўрўғлига ҳар ўтган-кетганида ўжалашиб бошлади. Охири бўлмади, Гўрўғли унинг иккى оёғидан тутиб, эгнидан ошириб бир урди,

дам-саси чикмади. Қолган ўғлонлар унинг тарафини олиб Гўрўғлига ёпишдилар. Гўрўғлининг жини қўзгалиб кетди. Ёнготи дўйгани оёғидан тутиб, бошкаларни уриб бошлади. Бир замонда барини таҳлаб ташлади. Буни кўриб Авазхон даг-даг қалтираб четда турар эди. Охири Гўрўғли унга:

- Кани энди Авазхон, олдимга туш, отангнинг кўйларини сенга топшириб, ман бир омонатдан кутилиб олай, деди Гўрўғли.

- Кетишимизга чой-чилик, нон-чўрак олайлик, деди Авазхон.

- Нон-чўрак чўпонларнинг кўлида тўлиб ётиби, тез юр, деб Гўрўғли Авазхонни судрагандай чакалаб ташқарига олиб чиқди.

- Туркман оға, сейисхонадан бир от олайлик!

- От олсанг ўғри тутишади, юр тезрок, деди Гўрўғли. Шу тариқа иккиси йўлга тушиб кайтдилар.

Авазхон майшатда юрган бола, тезла оёқлари оғриб юришга мадори қолмади. Гўрўғли уни эгнига олиб тез-тез қадам ташлаб бадар кетди.

Шунда Авазхон: Эй туркман оға отамдан колган кўй билан пулни баҳона этиб мени олиб чикдинг. Бу сўзинг чинми, ёлғонми, деб Гўрўғлига караб бир нома айтди:

Чўпон оға, олиб келдинг бу жоя,

Кўйлар билан пул деганинг ростмидур?

Ёлғон сўзлаб ганим бўйма худоё,

Кўйлар билан пул деганинг ростмидур?

Дўст бўлиб душманлик этма орада,

Ёшинг узок бўлсин, умринг зиёда,

Шу кечка кўтариб қочдинг пиёда,

Кўйлар билан пул деганинг ростмидур?

«Тур Аваз», деб ҳайбат билан ўлдирдинг,

Мардлигинги Юсуфшохга бийдиринг,

Аркнинг дарвозасин уриб синдиридинг,

Кўйлар билан пул деганинг ростмидур?

Чўпон оға мени олдинг-да кетдинг,

Кўрмадик, билмадик жойлара элтдинг,

Хон Авазни шугун саргардон этдинг,

Кўйлар билан пул деганинг ростмидур?

Бу сўзни эшигандан сўнг Гўрўғли айтдикн, эй Авазжон, ғам ема, бари айтғоним ростидур. Эгнимда озгина иркилган эдинг, нега безовта бўлиб турдинг, деди.

- Эй оға, босинкирадим, бир тути кўриб уйгондим, деди Авазхон.

- Тушунгни баён эт, менинг отам таъбирчи эди, тушингни пайғамбар йўрсни, деди Гўрўғли.

Шунда Авазхон ҳали бола эмасми, бу сўзга ишониб, Гўрўғлига караб тушини баён этиб бир шеър айтиб тургани:

Эй худоё бу жаҳон сабабчиси сан бирубор,

Тушди бошим гурбатга бир айрилик охир замон,
Анди қолди тожу тахтим, мулки молим бу дўкон,
Эй худоё, мен балолардан балога учрадим.

Эй худоё, мен онадин бўлмагайдим кошки,
У фоний дунё юзига келмагайдим кошки,
Бу чўпон бирла ман йўлдош бўлмагайдим кошки,
Эй худоё мен балолардан балога учрадим.

Эй худоё, мен бу кун учдим-да тушдим бир йироқ,
Тисгиниб турдим еримдин, кўзими очдим фироқ,
Бир сипохи мин дейиб, кошима солибдур бурок,
Эй худоё мен балолардан балога учрадим.

Эй худоё ўлдим отам ҳажрида бағрим кон ўлиб,
Ёш тўкар йиглар онам, икки кўзи гирён ўлиб,
Кўрсангиз бу хон Аваз чўлларда саргардан ўлиб,
Эй худоё мен балолардан балога учрадим.

Авазга бу сўзларни айтгандан сўнг Гўрўғли еридан туриб, унинг теварагини айлантириб чизиб бошлади.

Авазхон бундан хавотирланиб:

- Эй оға, не иш этжаксан? деди.
- Эй Авазхон, сенинг тушингни йўражакман, ёнингга жин-арвоҳлар ўтмасин деб кадоган чизиги чизаёттиран, деди Гўрўғли.

Авазхон, сенинг тушингни йўрсам керак. Сен:

«Эй худоё, мен бугун учдим-да тушдим бир йироқ», - дединг. Бу сенинг бошика элга келганингдир. Яна сен:

«Тискиниб турдим еримдан кўзимни очдим фироқ», - дединг. Бу айрилик ҳижрондир.

Яна сен:

«Бир сипохи мин дейиб, ёнима келтириди бурок», дединг, магарам ҳар киши тушида бурок минса, бир юрга хон бўлади. «От минганд давлат» деган нақл бор, шуни унутма, деди Гўрўғли. Аммо хон деган сўз Авазхоннинг қулогига ёкиб кетди.

- Оға, мен кайси юрга хон бўлар эканман?

- Чор доғли Чамлибелга.

- Ваёнгон яхши эмасми экан?

- Ваёнгонга бўлса Ваёнгон бўлар,

Ишқилиб хон бўялгачингни айтсанго, деди Гўрўғли.

Гўрўғли ундей деди, бундай деди, Авазхон бари бир ёш эмасми, уни алдаб-сулдаб ухлатди. Авазхон ҳазатиб уйкуга кетгандан сўнг, уни кўтариб ётириди. Кейин Ғиротни кўйган жойига караб кетди. Борса от юрибди, Гўрўғлини кўриб, хўкруниб, бир кишинади. Унинг овози ер-жаҳонни тутди. Чўпон сесканиб ўрнидан турди. Қараса бояги отни эгаси турибди.

- Чўпон оға, ёғдойлар ничик?

- Ёғдоу курсин, отинг олдидан борсам тишлайди, орқасидан борсам тепади. Тири-бутун жойим колмади. Кани биз хам бир бориб кўрайлик, деб Гўрўғли Фиротга яқинлашди. От оғзини очиб, кулогини кимиб, ер пешалаб тураверди.

- Эй Фиротим-ей, деди Гўрўғли Авазхонни олиб келмадингми, деб хўкрангдингми?

Авазхонни олиб келдим, деб Фиротига қараб бир шеър айтди:

Кўзинг очиб кўзла, Фирот,

Келди, Аваз ўғлим келди,

Тилинг бўлса сўзла, Фирот,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Кирқ бекин кувдим ёнидан,

Олиб чикдим маконидан,

Хусни Юсуфнинг шаънидан,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Фирот менинг кўнглим кўтар,

Баланд-баланд тоғдан ўтири,

Элим Чамлибела етири,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Оға Юнус чиксин йўла,

Гуллар сочсин соғу сўла,

Дилбандини олсин қўла,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Кирқ йигит ёнида йўлдош,

Авазга бўлсин кўзу кош,

Йўлига садка эрур бош,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Етди пирларнинг дуоси,

Яратган ҳақдир паноси,

Гўрўғли бекнинг хушгоси,

Келди, Аваз ўғлим келди.

Бу сўзлардан кейин Фирот Гўрўғлига суйканиб, ер тепинаверди. Гўрўғли дарров обёгидаги чўкайни, эгнидаги гупшини, оёқ ўрами билан чизимни, силкма чўтирмани чўпоннинг учакига зингитиб, ўз кийимларини топиб, аввалги сийратина келди. Гўрўғли чўпонга қараб:

- Эй бобо, кўп тузингни едим, оз хизматингни этдим, мендан озор ўтган бўлса узр, деди.

- Йўк-йўк, менга оғиринг тушмади, мендан рози бўлиб, ёдлаб турсанг бўлди.

- Йўк, чўпон оға, ёдимдан чикармайман.

- Олло ёринг бўлсин, деди чўпон кўлини дуога кўтариб. Шунда Гўрўғли

чўпоннинг этагига уч тайга ташлади. Сўнг «Ок түя кўрдингми, йўқ», деб Гиротни миниб, Авазни ухлатиб кўйган жойига келди. Келгунча Аваз туриб кочиб кетмадимикан, деб жони халак бўлди. Йўқ келса бола хали уйкуда экан. Авазхон отнинг шарпасидан уйғониб қараса, осмонга учаман деб турган отни минган, козларидан нур томиб турған, кирк-эллик ёпини урган, кўзлари порлаган, мўйлаблари товланган бир гарчак йигит, наиза, киличи, дутори билан келаётир. Авазхон бу инсонни танимай, йўл бўлсин сўраб бир чома айтаверди:

Мард бўлган икки сўзламас,
Ғўч йигит кайдан келарсан?
Дўстидан сирин гизламас,
Ғўч йигит, кайдан келарсан?

Бўйинг тоғнинг чиноридек,
Юзинг олма, аноридек,
Така туркман сардоридек,
Бек ўғли, кайдан келарсан?

Осмона учади отинг,
Дали дарёдай гайратинг,
Айтил сен, недур муродинг,
Бек ўғли, кайдан келарсан?

Гирот миниб ҳарён бокиб,
Сирли наиза, килич такиб,
Наъра уриб, табил юкиб,
Ғўч йигит, кайдан келарсан?

Манзилдан узок кетдингми,
Ё бир зотни йўқотдингми,
Баланд тоғлардан ўтдингми,
Бек ўғли, кайдан келарсан?

Авазхон дерлар отима,
Оlam ёнадур ўтима,
Ҳак етирсин муродинга,
Ғўч йигит, кайдан келарсан?

Бу сўздан кейин Гўрўғли ҳам ўзини танитмаслик учун Авазнинг устига бориб:

- Эй ўғлон, сен кимсан, нердан бориб нердан келарсан, леди.

Авазхон айтдики, нердан бориб нердан келишимни ўзим ҳам билмайман. Мени шу кечга бўйлари кунгурадай бир киши этнiga юклаб олиб келиб ташлади. Мени ухлатиб бир жойга даф бўлди.

- Асли зотинг ким, кимнинг ўглисан?

- Булдуру кассоб деганинг.

- Булдуру кассобнинг Авазхон деган бир хушсурат ўғли бор деб эшитар элни,

шу сан бўлма?

- Хут ўзи, ога.

- Бай-бай, аммо сени кўтариб келган бўйлари кунгуралдай одам менинг иним бўлади. Сенинг отангнинг кўйлари, пули менда эди. Шу йигитни сени олиб келишга юборган эдим. У сени кўйиб кўйлар тарафга кетган бўлса керак. Магар бўлмаса, сен уни дўгма-кулим деб сотиб юборган бўлма?

- Эй ога мен сотиш-сўвишни нердан биламан. Ўзим очман, чой-чилим ичмаганимга уч кун бўлди-ов.

- Эй Авазхон чой-чилим сендан ўргилсин, деб Гўрўғли хуржундаги зотлардан чикариб кўяверди. Авазхон хам нондан-чўракдан олиб, чой-чилимлан ёзилишди.

- Аммо Авазхон чой-чилимдан ёзилишган бўлсанг, кўйинг, пулингни олимман десанг отга мин шу томонга кетайлик, деди Гўрўғли.

- Яхши ога, кетсан кетдик.

Гўрўғли шу захоти Авазхоннинг алиннан тутиб, тортиб отга, олдига миндириб, Чамлибелга караб бадар кетди.

«От ўз элига юрганда тез юради» деганларидай Фирот Чамлибелга йўл тортилишини сезиб сергак тортиди.

Фиротнинг 24 хил юриши бор эди. Аммо шу бугунги юриши бу юришлардан бошкача эди. Отнинг йўргалаб боришида агар ягринина каймок тутган козонни кўйса каймоги тиришмасдай эли. Авазхон ичинда: «Ё худойим-ей, бундай хам от бўлар экан. Мен Гўрўғлида бир от бор, деб эълитар эдим, магар шу эмасмикан» деб ўйлаб:

- Эй ога, бу отингни зоти на, деди,

- Эй бу хам бир от-да.

- Мундан хам бошка отинг борми?

- Пах-пах, Авазжон, шундай отлар бор, бу от уларнинг ёнида ёвидай бўлиб колади.

- Бу отингни сотасанми?

- Сотаман.

- Айт, баҳосини,

- Бу алажа отинг баҳосини сўраб нетасан, ўзинг тилаб, баҳо кўйиб олавер.

- Кирк кўзили кўй берсам, агар оз кўрсанг, кирк кўзили кўйга турадиган мато хам берсам бўлами?

- Бахони ортиқчарок айтдинг, кўйларингни кўй-да, шу матонг кулокимга ёкиб кетди. Барibir ўғлон-ушоқа кийим олишимиз керак.

- Унда кўй ташашайлик.

- От сенга хайр берсин.

- Мато хам сенга буюрсин.

- Энди от бизникими, - деди Авазхон.

- От сенини.

- Бир йўргасини кўрсам бўлами?

Гўрўғли бу сўзни эщтиб, бир секанди. Отни миниб бу зангар юртига кетиб колса не бўлади, деди ичиди. Кейин: Эй Авазхон, бу бехосиятрок от ўрганишмаган одамни ёнина олиб бормайди, йикиб майиб киласди, деб отни сураверди.

- Кўйлар якин колдими,- сўради Авазхон.

- Якин колди, - деди Гўрўғли. Авазхон яна сўраса яна оз қолди, ҳозир борамиз деб гапни чўзаверди. Бир вақт караса Авазнинг кўзидан оккан ёш кийимини изгорлаган. Шунда Гўрўғли ўйланди. Яхшиси мен бу ўглонга Гўрўғли яканимни билдирайин, аввал-охири бу маълум нарса, юраги ёрилиб ўлмас, деб Авазхонга караб бир шеър айтар бўлди:

Эй ёронлар мусулмонлар,

Йиглама Аваз, йиглама.

Жафо чекди азиз жонлар,

Йиглама, Аваз, йиглама.

Хон эмасман, бек эмасман,

Магар санго жон эмасман,

Отанг, онанг мен эмасман

Йиглама Аваз, йиглама

Ола тогдан ошиурмандан,

Чамлибела яшиурмандан,

Отанг келса топшиурмандан,

Йиглама Аваз, йиглама.

Йиглатарман, кулдуурман,

Мардлигимни билдиурман,

Қаҳрим келса ўлдуурман,

Йиглама Аваз, йиглама.

Ога Юнус онанг бўлур,

Сени кўриб кўнгли тўлур,

Ғанимларнинг ранги сўлур.

Йиглама Аваз, йиглама.

Ғирот учиб, йўлин олди,

Чамлибела якин қолди,

Йўлга караб кўзинг толди,

Йиглама, Аваз, йиглама.

Бу ера не ер деярлар,

Душманнинг этин еярлар,

Бизни Гўрўғли деярлар,

Йиглама, Аваз, йиглама.

Бу сўзни эшитиб, Авазхон онг-эсини йўқотиб, сичраб тушди.

Гўрўғли яна кўйларингга якин қолдик, кисинма, деб Авазхонни тинчлантиrmокчи бўлди. Аммо Авазхон:

- Оға кўйни ўзинга баҳш этдим, Мени бўш кўй, элима кайтай деб зорланаверди.

- Ундај дема Авазхон, мен билан бирга юри, деди Гүрүгли.
Шунда Авазхон Гүрүглигига караб зор-зор йиглаб, ёлвориб бир шеър айтди:
Ваёңгондай чикиб файри юрглара,
Сенинг билан кето билмам, Гүрүгли.
Олло солди жудоликнинг жабрина,
Сенинг билан кето билмам, Гүрүгли.

Гамнинг дарёсига ботиб гарк бўлиб,
Хазон елларидан саргайиб-сўлиб.
Шу сафар элларда тилим боғланаб,
Сенинг билан кето билмам, Гүрүгли.

Кулли маломатни боша келтирма,
Обрўли ишларни мендан ўтирма,
Бир ёлгиз йигитнинг изин йитирма,
Сенинг билан кето билмам, Гүрүгли
Доғларнинг бошидан айрилмас думон,
Мункирнинг кўнглидин кетмасмиш гумон,
Тирик айрилмоклик ўлимдин ёмон,
Сенинг билан кето билмам, Гүрүгли.

Аваз дер. Хайдари каррордай бўлсанг,
Искандар, Жамшилдек ер юзин олсанг,
Чамлибел, Табризни мулк этиб берсанг
Шунда хам мен кето билмам, Гүрўғли.
Аваз сўзини тамом киляндан кейин Гүрўғли:
- Авазхон, кани кетдик, - деди.
- Кетмайман.
- Бу сўзингни кўй, юр кетайлик.
- Йўқ, ога, сўзим бир.

Гүрўғли бу сўздан кейин жахлга минди. Найзани узатиб, Авазхоннинг белбогидан ўтказиб, бир товлади, Шу бодина найзани эгнига олди, Авазхон найзанинг училади боши ошондук, оёғи юкори бўлиб колди. Шу туришига отта миниб, Чамлибелига караб бадар кетди.

Авазхон бу ҳолдан кўркиб:
- Дод, ога, Чамлибелга кетаман, деб йиглайверди.
- Йигламай кетасанми?
- Йигламай кетаман.
Гүрўғли уни ошона қўйди, Шу кетишида пиёда юритиб хайдайверди.
Авазхоннинг оёклари қабариб, юра олмай ўтириб колди.
- Ога, энли ўлдирсанг хам юра билмайман, деди.
- Ўз ихтиёринг билан йигламай кетаман, деб рози бўлсанг отнинг олдига оламан, бўлмаса поин пиёда суриб бораверман.
- Йўқ, ога, ўз ихтиёрим билан кетаман. Гүрўғли сал юмшади. Авазхонни отнинг олдига олди. Сал ўтмай Авазхоннинг кўзларидан яна ёш тўкилди.

- Йигламай кетаман демаганмидинг?
- Эй ога менинг йиглаганимни алаштирма, ахир түккиз дарвозали шахарни сүрәр эдим. Үндән айрилдим. Кирк сипохи хизмати^{мда} эди, ундан айрилдим: 'Оқ сут берган онам бор эди. Үндән айрилдим. Ахир мен йигламай ким йигласин!'

Гүрүгли бу сүзни эшитиб, сал күнгли юмшагандай бүлди.

- Эй Авазхон, айрилик хар кимнинг бошида бор.. Сендан бошқалар хам айрилик жабрини чекканлар.

- Мен каби покиза ўлонлар хам айрилик чеккан^{ми?}

- Авазхон сен манманлик этдинг, яхши гапга юрмадинг, шу сабаб айриликни чекаётисан. Айрилик Одам билан Ховвадан колган. Кулок сол, айрилик дардини чекан одамлардан санго хабар берайин.

Гүрүгли бу гапдан кейин, қазма дуторини созлаб узокдан гап бошлаб бир шырни номага солиб айтаверди:

Нуриннан яратди икки азизни,
Бугдой сб бехиштдин айрилмадими?
Уч юз йил ахтариб, саргарден бўлиб,
Одам Ҳоввасидан айрилмадими?

Одам ўғли хеч бўлибдур бом билан,
Юзин ювди кўздан оккан ёш билан,
Хобил урди ул Қобилни тош билан,
Ога иинисидан айрилмадими?

Иброҳим пайғамбар дунёга келди,
Орзу - армон билан Ҳожарни олди,
Мусулмон бўлганлар иймонга тўлди,
Нух хам ўз ўғлидан айрилмадими?

Ул ҳакнинг Тавротин ўқиган Мусо,
Замонида йўқди алардай расо,
Биби Марям ўғли-ҳазрати Исо,
Кочиб коғирлардан айрилмадими?

Пайғамбар оламга подшо бўлди,
Забур ўқиб халққа насиҳат килди,
Бир куни кўнглига манманлик келди,
Довуд кирқ ўғлидан айрилмадими?

Довуд ўлди зурёдина ер колди,
Худойимдан анга бир узук келди,
Нурдан бўлган узугини дев олди,
Сулаймон таҳтидан айрилмадими?

Ёқуб йиглаб айрилгандир кўзидан,
Хеч фойда томмади айтган сўзидан,

Орзу Қамбаридан-кулар юзидан,
Юсуф Зулайходан айрилмадими?

Пайгамбар, чориёр-ёшин тўкардан,
Шихлар сўписидан, шоҳлар навкардан,
Занбур асалидан, тўти шаккардан,
Булбул гулистондан айрилмадими?

Лайли дейиб Мажнун чўлларни кезди,
Ширин дейиб Фарҳод тоғларни қазди,
Зухражон Тоҳирдан умидин узди,
Варка Гулшодидан айрилмадими?

Гўрўғлибек таълим олғил устоддан,
Яхши-ёмон ўтар ҳамма сиротдан,
. Лайли Мажнунидан, Ширин Фарҳоддан,
Вомик Узросидан айрилмадими?

Гўрўғли сўзини тамом қилгандан кейин Авазхон айтдики, аммо Гўрўғли оға бу айтганларингнинг бари чинми?

- Бизда икки гап йўқ, бариси чин, - деди Гўрўғли. Шунда Авазхон ичидан пицирлаб «санда икки гап» бўлмаса, чўпон кани, қўй кани, пул кани, деб қўйди. Кейин:

- Гўрўғли оға, шу гапинг чин бўлса менинг йиглаганларим абас экан, кани бир отдан тушиб чой-чилимлашли, - деди Авазхон.

- Ҳой Аваз, ино энди аклинга келдинг, шундай мазали гурунг топсанго, деди Гўрўғли. Ана энди булар чой-чилимлашиб, отга миниб кетаверсинлар. Энди хабарни нердан ол, Юсуф шоҳдан ол.

Юсуф шоҳ Аваздан ўпкалаб чикиб кетгандан кейин ҳарамхонасида ётди. Бир куни бу гап ёдина тушиб, беш – олти поишшобни чакириб:

- Ҳой поишшоблар, боринг арқдан бир хабар тутинг, бояги туси бузук туркман хали ўтирибми ё гум бўлдими, магарам бор бўлса хондакнинг тегина жойлаб қайтинг, деб буюрди.

Поишшоблар ола кийгос келиб карасалар на туркман бор, на Авазхон бор, сипохи йигитлар ўтин калангандай қаланиб ётибди.

Поишшоблар кайтиб бориб хабар бердиларки: «Аммо подшоҳим, арқда туси бузук туркман тугул Авазхон ҳам, дўғмалар ҳам йўқ. Дўғмаларнинг бари монголдок отиб ётибди. Хондакнинг тагига шуларни жойлаштирмасак бўлмас».

Подшо дарғазаб бўлиб, куррандозларни чакириди, ерни тагидан бўлса-да топинглар, деб буюрди.

Аммо куррандозлар айтдики, бир гарчак йигит Ғирота миниб, Авазжонни олиб кетиб бораётир.

Боргоҳдаги аёнлар бир-бирига карашиб, ким бўлди экан, деб ўйлаб колдилар. Шунда Мустафобек:

- Таксир, бу Гўрўғли суннийнинг хут ўзи, - деди.

- Ёдингда борми, Ҳамдам савдогар деган вазиринг: Гўрўғлини устинга

аюриб, Авазингни олдираман, деб онт ичган эди, - деди Мустафобек. Подшо шргазаб бўлиб, оғзидан ўт сочиб, акли қочиб, туклари тўнини тешиб чиқиб, Ланг иетан вазирини минг кишига бош этиб, от кўйдирди. Изидан Мустафобекни ўн тун, минг шемхол, ўн замбарак, йигирма жазойил билан куроллантириб, Үрўзининг ўли-тирисини топиб олиб келасан, деб жўнатди.

Энди хабарни кимдан ол, Гўрўғлидан ол. Гўрўғли Авазни ювошибир, үркайин бўлиб бораётир эди. Бир вакт оркасида бир тўзон кўтарилди. Бу Ланг инир эди. Гўрўғли саросима бўлиб, воеани тушуниб, Авазни бу ерда кўйиб, кўп чинардан тимсол келтириб, Авазхонга караб бир шеър айтар бўлди:

Садоганг бўлайин, азиз фарзандим,
Кел, Авазжон, дўланали тоғлара!
Сендан бошқа йўқдир менинг зурёдим,
Юр, Авазжон, дўланали тоғлара!

Сенинг учун солдим олтин тахтларни,
Чамлибелда кўйдим паризодларни,
Учкир карки кулок бедов отларни,
Мин, Авазжон, дўланали тоғлара!

Кора кийиб, ёкма менинг юрагим,
Оллодан тиладим, сенсан керагим,
Бедимнинг қуввати, кучим, тирагим,
Юр, Авазжон, дўланали тоғлара!

Бек Гўрўғли бугун майдона кирса,
Олло деб ганимни ҳар ёна сурса,
Мустафобек билан юзма-юз турса,
Юр, Авазжон, дўланали тоғлара!

Бу сўзни айтиб тамом килгандан сўнг Гўрўғли Ғиротни тог тарафга хайдаб борди. Шунда Ғирот нотинчланаверди. Гўрўғли билдики, ёв келганини от хам оғизни. Бу хавф-хатарни Ғиротга янада якин билдирайин, деб Гўрўғли кўлина чинни олиб отига караб бир шеър айтар бўлди:

Изимииздан ганим етса,
Тоғлара бор, тоғлара бор!
Дегра-дошинг думон тутса,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Тоғлар муруват конидур,
Эранларнинг маконидур,
Араб отлар иболидур,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Ичдаги дардимни кўвма,
Тош билан сийнамни овма,
Муханнасга бўйин эгма.
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Тоғларнинг чашмаси тонар,
Гоҳ устидан йўлим тушар,
Мард билан юрагинг жўшар,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Тоғларнинг сийнаси чўхдур,
Куртлар, күшлар анда кўпдур,
Химматсиз беклардан йўқдур,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Тоғ устида оттил ови,
Кенг олама тушсин чови,
Муханнасадан арват гови,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Гўрўғли ҳак деб ўлтириб,
Мавлонни тилга келтириб,
Аваz ўғлонни кўтариб,
Тоғлара бор, тоғлара бор!

Гўрўғли сўзини тамом этиб, тоғнинг коптолина бориб, отдан тушиб, чой дамлаб Аваzхонга айтдики, аммо Аваzхон, сен шу ерда чой ичиб ўтири. Изимиздан бир тўзон пайдо бўлди. Мен бориб бир хабар олайин, деб, навкарларга кўринимасдан, уларнинг оркасидан ичкари кирди. Бир четдан тутиб, урди, кирди, саниди, килич урди, иғдарди, босди, кочирди, кон-кона, сув-сувга кетди, мослик мослика кокилишди. Ланг вазир бир караса, минг лашкардан бири қолмабди. Шу замони оркасига караб урра қочди. Гўрўғли «Қочганини кувувчи бўлма» насиҳатини ёдда тутиб, унинг изидан кувмади. Сўнг Фиротнинг жиловини тортиб, Аваzхоннинг колган жойига келди. Караса Аваz зим-гум. Гўрўғлининг дами ичиниа тушиб, тўрт тарафга олазарак караб бир шеър ўқиди:

Биз хам ёд этали Аваz ўғлонни,
Вазир Арзирумдан ошиди дегайсан.
Қувиб етди Ваёғоннинг беклари,
Бу тоғларда саваш тушди дегайсан.

Пўлат шашнар порлаб, бармок букилди,
Сонсиз лашкар Ваёғондан тўқилди,
Килич урдик ўргасидан сўтилди,
Бу боғларга саваш тушди дегайсан.

Лашкар келиб саф-саф бўлиб турдилар,
Илк сахардан наърасини курдилар,
Эллик-олтмиш бекларини кирдилар,
Конлар окиб, чохлар тошди дегайсан.

Гўрўглибек тепар шохнинг кошина,
Номард аралашмас марднинг ишина,
Пирим Шохимардон, дўнам бошинга,
Ғўч йигит сариндан кечди дегайсан.

Гўрўгли бу сўздан кейин, ўз-ўзина ўйланиб айтдики, эй Гўрўгли отдан тушнаб Авазхонни бир излаб кўрин, деб отни кўйиб тоғпинг ёрик-тешникларини караб бошлади. Қараса, Авазхон чойни ичмасдан оёқ яланг тоғ тепасига тирмашган. Унинг изидан борди. Бир тоғнинг тепасига бориб из йўқолди. Шунда Гўрўгли тоғлара караб бир шеър айтар бўлди:

Аваз мени хайрон этди,
Юмурли, думонли тоғлар?
Қора багримни қон этди,
Ўмгакли, жайронли тоғлар!

Олиб кайтдим Ваёнгондан,
Азоблари ўғди жондан,
Иzlайин энди каёндан,
Айрилик, хижронли тоғлар!

Минг киши келди касдима,
Довушиб чикдим устина,
Авазни бердим дастина,
Гумоним сендаидир тоғлар!

Аваз ўғлон сари талли,
Узун бўйли, инжа белли,
Дурмуши ҳаммага балли,
Булбулли, бўстонли тоғлар!

Ғўч йигит майдона кирса,
Ганимга киличин урса,
Авазжонни кўзим кўрса,
Сур беш кун давронни тоғлар!

Гирот ҳорлаб чопилмаса,
Шер, палангдай тўпилмаса,
Аваз ўғлон топилмаса,
Армоним сендаидир тоғлар!

Гүрүгли дер, кон сенладур,
Боғ ила бўстон сенладур,
Билдим: Авазхон сенладур,
Сур беш кун давронни тоглар!

Гүрүгли сўзини тамом қилиб, Авазхонни яна излаб бошлади. Бир сар этса тогдан тушиб кўл бўйига кетган из кўринди. Шу из бориб кўлга кириб йўколди. Гўрўгли ўйладики, ол энди Аваз кўла чўмид ўлган бўлса кераг-ов, кайфи бузилган Гўрўгли бир вакт кўлнинг ориги канорига караса, кўлнинг ўртасидаги оролчатумпакда Аваз ўтириби. Гўрўгли кўзига ишонмай яна каради, Авазхон Гўрўглини кўрмали. Шунда Гўрўгли Авазхонни кўрмагандай бўлиб, уни йўқотган одамга ўхшаб бир шеър айтди:

Сўна қаби қанот ёзиб,
Обод бўлсин кўллар, Аваз.
Йигламоқдан кона дўнди,
Кўзда ёшим селлар, Аваз.

Ҳазора қалқонни ёпди,
Қаҳр билан жоним ёқди,
Балҳдан ўтиб Ҳинда чопди,
Юзингдаги холлар, Аваз.

Думонинг тутибдур сари,
Сенсан кўнглимнинг шахари,
Турнадан келтирдим пари,
Санго курбон йўллар, Аваз.

Юзинг ойдан олар божи,
Ватандан этдинг хирожи,
Шакардан, новотдин сужи,
Юзингдаги боллар, Аваз.

Кетди, Аваз ўғлон кетди,
Бориб ўрдасина етди,
Гўрўглига қаҳр этди,
Санго курбон жонлар, Аваз

Гўрўгли бу сўзни айтиб тамом қилгандан сўнг Аваз:

- Эй оға, мен бу жойдаман, деб кичкирди.
- Ҳов Авазжон, сен бу ерларда на иш этиб юрибсан?
- Эй оға, бу ола посириди жонимни саклаш учун бу ерга келдим.

Оғам душманларни бир ёкли қилиб, охири мени излаб келар деб, шу ерд ўтирибман.

Гўрўгли ичидан айтдики, аммо зангар сенга тил берган экан, иложини тоисанг ҳозир элининга учажаксан-дон, ноилож манго тил учида сўзлаб турисан.

- Пox Авазжон кўнглимдагини айтдинг. Қани бир чой-чилим ичиб, энди йўлга тушайлик деб, Гўрўгли хўржиндан зотларни олаберди.

Булар чой-чилим ичаверсин, энди хабарни кимдан ол, Ланг вазирдан ол. Ланг вазир шу қочишина түгри Мустафобекнинг олдидан чиқди.

- Ҳов, Ланг вазир, хабарингни бер!

- Эй Мустафобек, мендан хабар сўрама.

Не бўлганини билмайман. Ўзимни бир амаллаб саклааб қолдим. Бошқаларнинг не бўлганини билмадим.

- Кани нерда шу туси бузук туркман, бошла йўлни, - деди Мустафобек.

Ланг вазирни олдига солиб, юриш этаверди. Ланг вазир Гўрўғли билан соташган жойинга етиб:

- Топ шу ерда савашдик, туркман шу ўрамда бўлиши керак, деди. Шу ерда Мустафобек бир лак аскар билан тут тикиди. Минг тўп, минг шамхол, минг жазойил, минг замбарак-хаммасини бирдан ишлатиб юборди. Тоғлар сарсиб, кушлар учуб, жайронлар хуркди. Бу шовкинни эшишиб Гўрўғли, бу газик Юсуфшоҳ ишни каттарокдан бошлади ўҳшайди-ёв, буларнику бир ёкли қиласманлон, бу Авазхондан айрилиб колмасам эди. Кел буни кўзимдан қочирмай ёнимда олиб юрай, уруш таълимини ҳам ўргатай деб Авазхонга қараб:

- Эй Авазхон, ман шу ёшимгача ғанимдан кочган эмасман. Ҳозир саваша кираман, мен ғаним билан дўлашсан, оғзим куришади, сен ёнимда бўл, оркамга караганда бир коса шароб бер, деди кейин тилла чойнакни шаробга тўлдириб, Авазхонга бериб, уни отнинг орқасига миндириб, тоғ устига чикиб, душман лашкарига сар солди. Қараса, чўпда-чорда сон бор, Мустафобекнинг лашкарида сон-саноқ йўқ. Буларга ўқ отсанг ерга тушажак ёғдойи йўқ. Ок чодир, кизил чодир, тут-тут, санжок-санжок, байдок-байдок, от-отга қокилишади. Ана Мустафобек ҳам Гўрўғлини кўрди.

- Ҳов йигитлар, деди Мустафобек, бу зангар суннийнинг алиннан Авазхонни ишшоолло олармиз.

Бу сўзни эшишиб, Гўрўғли ҳам:

- Ҳов зангар Мустафо, саккиз дарвозали аркингни ичиннан Авазхонни олиб чиккан эдим, энди санго бермасман. Бу ишни сан эмас, ҳазрат Алини олиб келсанг ҳам бигира олмайди.

Шундан сўнг Гўрўғли «Олло» деб ғаним устига от кўйди, Мустафо билан яккана-якка савашга тушди.

Энди хабарни кимдан ол, Авазхондан, Авазхоннинг хаёлидан хали ўз элига кочиш майли кетгани йўқ эди. Шу сабабли ур-йикитда бир амаллаб Мустафобекнинг ёнига етди. Гўрўғли бир маҳал қараса, Авазхон манго тут деган шарбатни Мустафога тутиб унинг кошида юрибди. Бундай жони чиккан Гўрўғли Гиротни бир силтаб уларнинг ёнидан чиқди.

Буни кўриб, оғвали-дўнмали дунё экан-да бу деб, ёниб-куйиб Авазхонга эшиттириб бир шеър айтар бўлди:

Кўқдан ера бир от тушди,
Фалак мендан кечди керак.
Аваз ўғлонининг алиннан,
Гул пиёла ичди керак.

Олиб қайтмишам бөгидан,
Дүләндим сүлу соғидан,
Кун туғда машрик төгидан,
Аваз юзин очди керак.

Еиротни кистадим, юрдим,
Бориб Авазжонни күрдим,
Мустафога килич урдим,
Төг жойидан сүйшди керак.

Ғұч үигит кечди саридан,
Тоғлар титрайди зорымдан,
Мадад тиласам пиримдан,
Гүрүғлибек үчди керак.

Гүрүғли бу сўзни тамом қылғандан сўнг, кел энди бир чой ичайин, деб, озмоз ўтни топиб, тунчани ўтга кўйди.

Энди хабарни кимдан ол, Мустафобекдан ол. Мустафобек Авазни кўлга кўндиригандай сўнг Гүрүғлига беш кишилик элчи юборди. Элчиларга айтдики, Гүрүғлига айтинглар, мендан не зот тиласасин, от керакми, зар керакми, сарпой керакми олсин, аммо Авазхонни тиласасин.

Бу сўзни эшишиб, Гүрүғлининг жони чиқиб кетди. Элчиларга караб айтдики, эй занғарлар, сизлар мени не деб ўйлаётисизлар. Ёки бир кўшин лашкарининг ишонасанми, Гүрүғли якка деб ўйлайсанми. Шуни биллингки, менга Авазхондан бўлак зот керак эмас, деб бир шеър айтаверди:

Оташдай ёнганда кўнглимнинг зори,
Кўлима олсайдим баҳри бозимни.
Ёз бўлса эриди тоғларнинг кори,
Энди душман кўрсинг майдон тўзимни.

Улар кўплигина карамасинлар,
Менинг бирлигимга иномасинлар,
Майдон будир юз минг, юз минг келсинлар,
Савашарман, дўндармасдан юзимни.

Устимизда турган муборак ойдир,
Йигигнинг таянчи ўқ билан ёйдир,
Юсуфни айтгарлар хуснга бойдир.
Яна кўрсам Авазжоннинг юзини.

Гүрүғли дер, мен бу жойда турманам,
Номард билан бир майдона кирманам,
Олладан бошкага кўнгил берманам,
Ҳак йўлига топширибман ўзимни.

Гүрүғли бу сўзни айтгандан сўнг элчилар изига кайтиб Мустафонинг ёнига келиб:

- Бу зангар ўлса-да, Аваздан кечинш ёгдойи йўқ, дедилар. Анда Мустафо:
- Гапга кирмаса, терс кирсин, не бу болани унинг хотини тугибми, ул ингарнинг, деди.

Энди гапни Гўрўғидан эшигинг, Гўрўғли не киларини билмай, оз-моз чойчилим этиб, ёнбошлаб, сал иркилгандай бўлди. Шу орада туш кўрди. Тушига Али Шохимардон пир кириб, айтдики, эй ўғлим сен хафа бўлма, худо хоҳласа эрта туриб, шовкин солиб, галмагал кўттар, дов сан томонда, деб кўздан гойиб бўлди. Гўрўғли сесканиб кўзини очди. Туш кўрганига шод бўлиб, ол энди ё ўлайнин, ё олайнин деб турганда ўнг томонидан бир тўзон кўтарилиди. Бу Табризла уч шартни бажариб, хон кизга уйланиб, унинг ўринига подшо бўлган йигит эди. Бу йигит Гўрўғли билан хайрлашганда 40 кунгача келмасанг изинглан излаб чикаман деб шартлашган эди. 40 кун тўлиб ошгандан сўнг Гўрўғлини излаб келган эди. Подшо тўғри лашкарларга юзма-юз келиб сўради:

- Хов йигитлар бу ердаги тўп овози, шовкин, галмагал овози эшитилди не тап, менинг Гўрўғли деган бир оғам бор эди, балки шу ерларда эмасми, деди. Силиклардан бириси айтдики, шу тог тепасида якка отда турган Гўрўғлидир, деди. Подшо шу ёкка от кўйиб, Гўрўғлининг олидан чикиб, салом берди. Шунда Гўрўғли бу йигитни таниб, хўстор-ховондор бўлиб келганини билиб, хомсикиб, кўнинга ёш олди.

- Эй Гўрўғли оға, йигитга йиглаш уят, йиглама, хозир саваша кирамиз, не мақсадини бўлса битказамиз, деди.

- Эй жўра, мен сани хўстор билиб йиғладим, сен келмасанг ҳам ўз мақсадимни битиришга ишончим бор эди, деб подшога караб бир шеър айтар бўлди:

Ётар эдим ғамда, кулфат уйинда,
Манинг бу холимни сўрганлар келди.
Уч юз олтмиш авлиёлар жам бўлиб,
Мағрибдан Машриқа юрганлар келди.

Парданинг ичида суратин кўриб,
Сайфулмулук каби дунёда юриб,
Ҳакдан бизга юз йигирма ёш бериб,
Орқамизга панжа урганлар келди.

Кодир олло ишим айлади кисмат,
Пирим ҳазрат Али ётириди химмат,
Махшар куни шифо берган Мухаммад,
Умматини ўтдан олганлар келди.

Кирк чилғанлар илки аён келдилар,
Кўл узатиб манго фотиха бердилар,
Шохимардон «Нафас ўғлим» дедилар.
Орқамизга панжа урганлар келди.

Кечакундуз саю билан ўтирган,
Ул арши аълога кўзин етирган,
Умматини маломатдан куторган,
Шугун манго мадад бергандар келди.

Калбим ишқи билан мен этдим талвас,
Бўлдим гўё Фовул ила ул Ниёс,
Жаҳонни гашт этди ул Хизир, Илёс,
Ҳакфа хазинадор бўлгандар келди.

Гўрўғлибек «хув» деб туарар еридан,
Мадад тилар ҳазрат Али пиридан,
Додга келдим Авазхоннинг элиндан,
Шугун уч юз олтмиш эранилар келди.

Гўрўғлибек бу сўзни айтиб тамом килгандан сўнг подшоҳ айтдик, ишимиз ўнгидан келар экан. Шу орада подшонинг изидан келаётган кўшин етиб келди. Гўрўғли бир ёқдан, подшо бир ёқдан, лашкарларга бош бўлиб, «олло» деб кийкириб Мустафобекнинг кўшини устига от кўйдилар.

Энди хабарни кимдан ол, Мустафобекдан ол. Биргина Гўрўғлига бўрининг тўпори тўпилгандай бўлиб турган оломон бир лак йигитлар устига от кўйгандан кейин, буларнинг дами ичига тушиб, иккиланиб бошладилар. Ичига ҳавъ тушиб, эгарга ҳиммат, қўйицқа баракат, ётган тутилар, коғлан кутилар, деб изига караб бадар коҷидилар. Гўрўғли билан подшо қочганини кувувчи бўлма наклига амал килиб, қайтиб ўз кўшларига келиб чой-чилимга ўтирилар. Пешин маҳали кувиб кетгандар қайтиб келди. Улардан Гўрўғли Авазхонни кўрдингми, деб сўради. Йигитлар айтдик, Авазни хушбичим, соқол чикмаган норасида йигит дедингизлар бизларнинг кувганимиз ҳам ўлдирганимиз ҳам соколли барзанги кишилар, деб таътиф килдилар.

Гўрўғли Авазни ўқотиб тоқати ток бўлди.

Отни миниб уни излаб кетди. Шундай бора туриб, караса беш-олти ўллик бир-бирининг устига тахланиб турибди. Ҳайрон бўлиб, отдан тушиб, уларнинг орасини очса, тагида Авазхон ётибди. У Гўрўғлини кўриб кўзини очди.

- Эй Авазхон, бу на ётиш?-деди Гўрўғли,
- На ётиш бўлади оға, бугун жанг, саваш туни, оғамнинг қаҳри каттик, ганимларни бир ёқли килиб, қайфи очиғандан сўнг Гўрўғли оғамни олдига борсам кечирав, деб ётибман.

- Бай-бай Авазхон кўнглимин топиб айтасан-да!, деди Гўрўғли, аммо ичидан айтдик, эй зангар, шайтонга дарс берадиган одам ўғли, санинг кўнглинидаги маълумку, аммо не килайн, сени олиб кетишм керак, деб кўйди.

Гўрўғли Авазни ўз кўшига олиб келиб, чой-чилим берди. Подшоҳ йигитта кўрсатди. Бир сар этса Авазхоннинг қайфи ўйкроқ, юзи сўлгандай кўринди.

- Эй Авазхон, не мунча юзинг сўлган, деди Гўрўғли.
- Эй Гўрўғли оға, неча кун бўлди сейинг номаларингни эшитмай юрибман, мен нени ҳаваси номангни ҳаваси. Бир- ижки манинг шаънимга нома айт. Юзим гул-гул очилади,-деди Авазхон.

- Сенинг керагинг нома бўлса эшит, оғангда оҳори тўкилмаган номалар кўп, деб Гўрўғли алина созини олиб, Авазхонга караб бир шеърни номага солиб айтаверди:

Юсуфнинг конидан, жоним уйидан,
Нега инжиларсан, элдан, Авазим.
Бошингдан кетмасин тожи давлатинг
Шизданг ечилмасин белдан, Авазим!

Бу майдонга кириб саваш тутали,
Ғўч каллани шолғом каби отали,
Қарки кулоқ бедов отлар тутали,
Гунчадек очилғил мендан, Авазим!

Ғаним кўрсам сори ёйим дастимда,
Мен кезарман душманларнинг касдинда,
Сайр этарман Юлдуз тоғнинг устинда,
Гунчадек очилғил мендан, Авазим!

Бирда кўрсам, бирда кўрмам изимни,
Ҳар номардга сарф этмасман сўзимни,
Юсуфдек жамолинг, ойдек юзингни,
Кун каби оламга тўлсанг, Авазим!

Юзингни кўрганлар кечалур ҳоллан,
Занаҳдон дарёси тўлибдур болдан,
Сен бир либос кийсанг зарбофдан, олдан,
Мен бир либос кийсам шолдан, Авазим!

Гўрўғли дер, турмам мундин чекилай,
Фаввос бўлиб дарёларга тўкиладай,
Анбар сочинг, зарга тўлган кокилинг,
Бирдир абришимдан, талдан, Авазим!
Гўрўғли бу сўзни айтиб тамом килгандан сўнг Ава:

- Эй оға, шундай номаларни айтиб турсанг юзим гулдай очилажак, деди.
- Нома керак бўлса бизда кўл. Авазхон энди отланайлик, йўлга тушайлик, леб Гўрўғли асбоб - анжоми лаъли-жавохирлан, олтин-кумушдан бажарилган отга Авазхонни миндириб, кокилларига шона уриб, юз-кўзига пардоз бериб, ўқчаси баланд этик кийдириб, кўш белбоғ боғлаб, кундуздан телпак, фарангни мовут чекман кийдириб, унга караб беш калима шеър айтди:

Кўча-кўч айлади кўнгил карвони,
Кўч Авазим, дўланали тоғларга!
Қодир Мавлон кайтиб берди кошима,
Кел Авазим, дўланали тоғлара!

Яйради, яйради, күнгил яйради,
Хўжа тогда кор қолмайин эриди,
Шунча кор ёғса-да, карвон юриди,
Сур Авазим, дўланали тоглара!

Хўжа тогнинг сийнасида моли бор,
Ок юзида кўша-кўша холи бор,
Этрамчадан тушган узли йўли бор,
Бос Авазим, дўланали тоглара!

Хўжа тоғдан эндирилар ўёгин,
Кирмизига бўлдилар бўёгин,
Олтиндан дубулға, кумуш киёғи,
Так Авазим, дўланали тоглара!

Гўрўғли дер, килич, наиза чотилди,
Ғўч каллалар шолгом каби отилди,
Қарки қулоқ дол бедовлар тутилди,
Мин Авазим, дўланали тоглара!

Гўрўғли бу сўзни айтиб бўлгандан сўнг подшо йигитнинг элига караб от сурдилар. Аваз лашкарлардан бир одим олдинда, лашкарлар ўзаро шипирдашиб келаётирлар:

- Хов жўра, сал кейин юр, Аваҳоннинг юзига чанг урмасин.

Шу келишда Табризга келиб етдилар.

- Аваҳон сени олиб кетиш учун бораётирғонимда бу шахарга хизматим сингтан, бу ерда бир ой дами-тинчимизни олиб, сўнг ўз элимизга қайтамиз, деди Гўрўғли. Подшо йигит буларга сафоли жой топиб, хизматкор кўйди. Еб-ичиб ётдилар.

Бир куни Гўрўғлининг ёнинга бир ок соколи чол кириб келди.

- Мен шу жўранг, подшо йигитнинг акасиман. Манго сени кўпни кўрган, насиҳатларни биладиган баҳши деб айтдилар. Шу рост бўлса, панд-насиҳатли номалардан айтиб берсанг, деди шу оксокол. Шунда Гўрўғли ўз панд - насиҳатларимдан айтаман, деб алина созини олиб бир нома бошилади:

Бедавлатни бояғ солма,

Гул боғчанга хор келтирас.

Гулларидан тера билмас,

Шоҳасина зўр келтирас.

Номард хайр элигигин очмас,
Муханнас хар ишдан қайтмас,
Моли бўлса емас-ичмас,
Номард умрини хор ўтирас.

Номард билан йўла кетсанг,
Бориб бир манзила етсанг,
Бедавлатни дехкон тутсанг,
Чилим десанг банг келтирас.

Номард билан йўла борма,
Бирга ётиб, бирга турма,
Номардга омонат берма,
Кўпини еб, оз келтирас.

Акли хушинг бода берма,
Фамгин кўнглинг шода берма,
Киз кардошинг ёта берма,
Туб бобонга хор келтирас.

Ўлмаxo, Гўрўғли ўлма,
Ўлинчант ўзингдан колма,
Чаман миниб чангда колма,
Ширин жона зўр келтирас.

Гўрўғли сўзини айтиб тамом килгандан сўнг океокол айтдики, эй Гўрўғли, соғ бўл, минг тиллалик насиҳат бердинг, деб ўз элига қайтар бўлди.

Энди Гўрўғли билан Авазхон Табризда бўлиб тураберсинг. Хабарни кимдан эшил, Мирзо Султондан. Табризнинг якинида Хирот деган бир эл бўлиб, унинг Мирзо Султон деган амири бор эди.

Гўрўғли билан Юсуфшоҳ ўртасида Авазхоннинг устида бўлиб ўтган галмагалдан боҳабар эди. Гўрўғлининг Табризда эканини эшишиб, Авазхонни унинг кўлидан олиб колиш хаёлина тушди. Бу ишни йўла солиш учун Табризга айғокчи кўйди.

Шу орада Гўрўғли хам Подшо йигитдан рухсат олиб, элига қайтар бўлди. Аммо подшо айтдики, эй Гўрўғли оға, санго жавоб йўқ. Тез кунларда бир тўйим бор, шу тўйда от чопиши, кўчкор уриштириш, полволларга кураш туттириш, олтин ковок отдириш, баҳши айттириш, томошаларини кўриб, кейин кетасан, деди. Бу тап-сўзларни Мирзо Султонни айғокчилари эшишиб, Гўрўғлининг кайси куни йўлга чикишини унга бориб айтиб турдилар.

Тўй ўтиб, Гўрўғли Авазхонни олиб йўлга тушди. Подшо хам уни узатиб бирга юриш этди. Шу куни Мирзо Султон 40 отлик йигитни Гўрўғлининг олдига юбориб, айтдики, бориб унинг кўлидан Авазхонни олинг, бермаса, ўзини хам тангид келтиринг, деди. Бир вазир бош бўлиб, 40 йигит Гўрўғли билан подшога дуч бўлди.

Аммо вазир ақли киши эди. У Гўрўғлини кўриб, 40 йигитга бош бермаслигини сезиб, хийлага ўтиди. Вазир Подшо йигитга юзланиб:

- Эй подшоҳим, элингда меҳмон бор экан, бизнинг амиримиз сени меҳмон билан хузурига таклиф этиб юборди, деди.

- Бориши-бермасликни Гўрўғли оғам билади, деди подшо. Шунда Гўрўғли айтдики, аммо беш-ўн кун кечиксак кечикибмиздан борсак бордик, деб Мирзо

Султон хузурига от сурдилар, амирнинг майхонасини олдига келиб тушдилар. Вазир амирга не гап эканини тушунтириди.

- Буни не илож этиб, Авазхонни алиннан олсак экан, деди амир.

- Буни билмайман, қалъага опкел дединг опкелдим, деди вазир.

- Сен билмасанг мени биламан, деди амир. Бу Гўрўглига бехуш дори берамиз.

Шу бодда Авазни олиб қочиб тоғда гизлаймиз. Сўнг хушига келиб, Авазни топа билмай кетаверади бу тузи бузук!

Бу маслаҳатдан сўнг амир айтдики, аммо бизнинг йигитларга Авазхон косадорлик қилиб шароб берсин, бир базми Жамшид килали.

Шунда Гўрўгли бу таклифга рози бўлиб, Авазга қараб, шароб қуишини сўраб бир шеърни номага солиб айтди:

Кўринг Хиротнинг беклари,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!
Одоб билан олиб коса,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!

Сарингда тиило талларинг,
Шакардан ширин тилларинг,
Коса берсин оқ кўлларинг,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!

Сени дейиб Чамлибелдан,
Илғор этдим узок йўлдан,
Гоҳи согдан, гоҳи сўлдан,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!

Май тўлдирсанг пиёлага,
Ранги ўхшайдур лолага,
Васфинг ёйилсин қалъага,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!

Ғўч йигит ўз йўлин очсин,
Ғанимнинг қонини соксин,
Гўрўгли маст бўлиб исчин,
Аваз, май тўлдир, май тўлдир!

Гўрўгли бу сўзни айтгандан сўнг Авазхон иргиб ўрнидан туриб, эгнидаги кимхоб чопонни ечиб, қозикка кистирди, этикни ҳам ечиб, зарли тахёни чаккага кўйиб, белбогини тортиб боғлаб, кокилини йигиб, йигитларга бир четдан шароб бериб чиқди. Амир йигитларга қараб:

- Сизлар ҳам шароб юритинг, деди. Аммо буларнинг шаробида бехуш дори бор эди. Ичган йикиласверди. Лош лошга кокилишиди. Шу орада бехуш йикилган Авазни олиб, тог бошига қочириб кетдилар.

Амирнинг дориси уч кунлик экан, уч кундан сўнг Гўрўгли ўзина келди. Турса ҳеч ким йўқ. Копи тамбалангган. Копини бир тепди, шокирдаб ағдарилиб тушди. Бунинг сасина подибо йигит уйгониб туриб, сўради.

- Эй Гүрүгли оға, не ғап, нердамиз?

- Эй жўра Аваз йўқ, юр излаймиз.

Дешона чикиб уйма-уй, кўчама-кўча изладилар Аваз йўқ. Шунда Гүрүгли Аваздан бегона бўлганига кисиниб, бу ерга келганига пушаймон этиб, лолу хайрон бўлиб, дард-алами зиёда бўлиб, Авазни излаб бир шеърни номага солиб айгар бўлди:

Тискиниб турдим еримдан,
Беклар, Авазхоним қани-сий?
Мадад тилагум пирамидан,
Беклар, Авазжоним қани-ей?

Отланиб майдон чиқали,
Ғанима қиё бокали,
Бу қалъаларни йинқали,
Беклар, Авазжоним қани-ей?

Отланиб мастан кезали,
Ғанимни ўка тузали,
Бу қалъаларни бузали,
Беклар, Авазжоним қани-ей?

Авазни излаб топали,
Ғаним бўйинни чопали,
Дўстга бўлайлик вафоли,
Беклар, Авазжоним қани-ей?

Фириб берди Мирзо Султон,
Йўқ экан заррача иймон,
Оқизурман оғзидин кон,
Беклар, Авазжоним қани-ей?

Нерда бизнинг Чамлибеллар,
Очилаандур кизил гуллар,
Гўрўгли Авазни куллар,
Нерда Авазжоним қани-сий?

Гўрўгли бу сўзни айтib бўлғондин сўнг Мирзо Султонни излашга тушдилар. Унинг изи тоғларга бориб туташиб кетди. уни топиш учун тоғларга чикиб кетдилар.

Энди хабарни Авазхондан эшитинг. Авазхон бир вақт ҳушига келса, тоғнинг кавагида ётибди. Теварагида сокчилар турибди. Уларнинг орасида амир ҳам бор. Мирзо Султон харж-харажат олдириб, базмни давом эттирмокчи бўлди. Икки отлини саройга юбориб, Гўрўглининг кетган-кетмагнини билиб келишни буюрди. Аммо бу отликлар Авазни излаб юрган Гўрўглининг олдидан чиқдилар. Шу вақтда Гўрўгли буларни ушлаб ўлдирмокчи бўлди.

Аммо подшо дўсти айтдики, эй Гўрўгли оға буларни ўлдириш кочмайди.

Бирини шу ерда тутиб тұрамиз. Бирили Авазни көлтириштә յоборамиз, деди. Гүрүғлининг важохати ёмонлигини билгән подшох йигит, бешуда кон түкілмасин, деган умидда отлиқжә аста айтди:

- Мирзо Султон бир ёкка даф бўлсин. Сен Авазни топиб кел, Гүрүғлига бериб, уйига жўнатамиз, сизлар тинч қоласизлар.

Буни эшитган отлик йигит, бир замонда отни суриб кўздан йўқолди. Мирзо Султонга бор гапни етказди. Амир бир тоғни кавагига гизланиб, устига тошдан копкок кўйдирди. Шу вактда Гүрүғли билан подиоҳ ҳам етиб келди. Буларнинг олдига Авазхон йиглаб, хомсикиб чикиб келди. Шунда Гүрүғли:

- Ҳой йигитлар, Мирзо Султоннинг калласини олмасдан кетмайман, топинг шуну, бўлмаса барингни кираман, деди. Шунда подшо йигит, унинг бир қошиқ қонидан кечишни сўради.

Гүрүғли айтдики, бир қошиқ қонидан кечдим, аммо олдимга келсин, деди. Бир вакт даг-даг килтираб Мирзо Султон келиб, Гүрүғлининг оёғига бош кўйди:

- Гүрүғли оға, юзи корачилик бўлди. Энди бошқадан меҳмон этаман, деди.

-Меҳмон этишинг бошингда қолсин, деди Гүрүғли. Сўнг Авазхонга караб:

- Сен не дейсан,-деди.

Авазхон айтдики, «Эр кўрккан жойига, от ҳурккан жойига кадам қўймас», деди, Шундан кейин Гүрүғли, энди Табризга кетайлик, деб Авазхонга қараб бир шеърни номага солиб айтаверди:

Хирот элини тарк этиб,
Юр Аваз, Табриз кетали.
Сўзлари ширин, мазалим,
Тур Аваз, Табриз кетали?

Араб отлар кўшин-кўшин,
Олайлик ўлканинг дочин,
Кесайлик язиднинг бошин,
Юр Аваз, Табриз кетали!

Араб отлар семиз бўлар,
Ғўч йигитлар тамиз бўлар,
Ҳирот бизнинг немиз бўлар,
Юр Аваз, Табриз кетали!

Табриздур элларнинг сози,
Баланд учар баҳри бози,
Дилга ёқар баҳор-ёзи,
Юр Аваз, Табриз кетали!

Гүрүғли дер, ширин сўзим,
Ғунча даҳан, кулар юзлим,
Шер панжали, лочин кўзлим,
Тур отлан, Табриз кетали!

Гүрүғли сўзини тамом қилғандан кейин айтдики, эй Мирзо Султон элининг

ўчинга муво бўлсин, бизлар Табризга кетдик, деди. От суриб, йўл босиб, Табризга келдилар. Бир кун Гўрўғли дами-тинчини олиб, подзоҳ йигитдан жавоб сўради.

- Жавоб оллодан,- деди дўсти. Кетсанг-да ҳизмат этаман, колсанг-да, не керак зотинг бўлса баржой этаман. Шундан сўнг Гўрўғли отлардан сайлаб бирини олиб, ясатиб Авазхонни миндириди. Яна икки отта турли емиш, тўшак, кўрпа юкладилар. Подшо йигит уларни элининг четигача узатиб, кайтиб кетди.

Гўрўғли сур-ҳо сур этиб, кечакундуз йўл юриб Чамлибелга яқинлашиб келдилар.

Энди хабарни кимдан ол, Сафар кўсадан ол.

Сафар кўса Гўрўғлининг шу кун эрта келиб қолишини сезиб, йигитларнинг усти-бошини тартибга келтирди, отларни қашлатди, ювдирди, майхона, ховлини ораста этди. Дали Матал билан Сейтак Қиркмани Богисарчаманга қоровул килиб, Гўрўғли келган замони суюнчи оласизлар, деди.

Ана Гўрўғли ҳам Боги сарчаманга кириб келди. Икки коровул йигит Гўрўғли билан омонлашиб-омонлашмай, суюнчи олиш учун, майхонага караб от кўйшилар.

Кирк йигит бу хушхабарни эшишиб, Гўрўғлининг оядига шовкин солиб, ўқ отиб, ёй отиб этиб келдилар.

Гўрўғли шунда Авазхонни олиб келганилигини баён этиб бир нома айтди:

Беклар, орзу армонингиз,
Келди, Аваз ўглим келди,
Асалдан ширин сўзингиз,
Келди, Аваз ўглим келди,

Жуфт жига бордур бошинда,
Тилло шамшир ёнбошинда,
Аваз ўн тўрт-ўн бешинда,
Келди, Аваз ўглим келди!

Олисдан орзусин чекиб,
Кўзидан қонли ёш тўкиб,
Лочин каби киё боқиб,
Келди, Аваз ўглим келди!

Гўрўғли дер, хону моним,
Келди бугун Авазхоним,
Иzzатли, азиз меҳмоним,
Келди Аваз ўглим келди!

Гўрўғли сўзини тамом килди. Сафар кўса билан изма-из майхонасига кириб келди. Сафар кўса Оға Юнус паридан суюнчи олиб, бир четга чикиб таигаларни санайберди.

Оға Юнус пари шунда яйраб-яшнаб, сочларини оркага ташлаб, сезинганидан кўзини ёшлаб, аввало Гўрўғлига караб сўз бошлаб, бир нома айттар бўлди:

Мундин кезиб яқин-йирок,

Авазхонни келтирдингму?
Үйнимизга ёкиб чирок,
Авазхонни келтирдингму?

Авазхонниг ситораси,
Коронгу уйим чироси,
Бу жоним анинг фидоси,
Авазхонни келтирдингму?

Неча кунлар чекдим жафо,
Букун фалак килди вафо,
Майхонангда кайфи сафо,
Авазхонни келтирдингму?

Ун сепайин оёгина,
Тўйиб бокай сиёгина,
Сарчашмаи беҳшит богина,
Авазхонни келтирдингму?

Фарзанд дейиб куйиб-ёндим,
Юнус дер, бугун кувондим,
Авазнинг меҳридан кондим,
Шу ўғлимни келтирдингму?

Ога Юнус пари Авазни кучоқлаб, пешонасидан ўпид, кейин унинг юзига
бокиб, тилло дастали казма созини ок сийнасининг устига кўйиб, ўғлим
келдингми, деб яна нома бошлади:

Садаганг кетайин азиз фарзандим,
Мулкимнинг эгаси, ўғлим, келдингму?
Сендан бошка йўқдир манинг дилбандим,
Бошимнинг эгаси, ўғлим, келдингму?

Онангни, синглингни эътибор айлаб,
Қирқ кун бўлди дийдоринга зор айлаб,
Йигламоқдан икки кўзим кўр айлаб,
Элизнинг эгаси, ўғлим, келдингму?

Йиглай- йиглай йўлларинга бокдим ман,
Ширин жоним ҳажр ўтина ёқдим ман,
Алмудома кўзда ёшим тўқдим ман,
Молимнинг эгаси, ўғлим, келдингму?

Ога Юнус деяр, эшиг сўзимни,
Зальфарондай саргайтирма юзини ни,
Тўтиё айлайин босган изингни,
Юртимнинг эгаси, болам, келдингму?

Ога Юнус пари бу сүзни айтиб тамом килгандан кейин эл-улус, хотин-халаж, катхудо кайвани бары йигилиб бири ўтдан отлатди, бири чирок ёкли, бири исвант тутатди, бири танга сочди, бири канд-сужи сочди. Шу орада Ога Юнус парини ётириб, Авахонни унинг ёкасидан солиб, этагидан тортиб олдилар. Бир кайвони:

- Бола тугилдими,-деб сўради.
- Тугилди, деди энага хотин.
- Кўзингиз ойдин!
- Ойдинда бўлинг, деб кичкиришди бары халойик.
- Ковурма буломик пиширинг, бўғирсок, пўссикни козонга ташлаб ис чикаринг, деди кайвани аёл. Бирори козона югурди. Бирори ўчоқка. Тўй бошланиб кетди. Шу вактда бу ола шовхумни кўриб, Гўрўғли қайнаб-жўшиб, бир нома бошлади:

Даврадаги беклар, шароб ичали,
Беклар, шароб ичинг Аваз кўлиндан!
Бугун сархуш бўлиб сардан кечали,
Беклар, шароб ичинг Аваз кўлиндан!

Ширин шарбатидан меҳр кондириинг,
Душман кўрса юрагини ёндириинг,
Шоҳ айлайиб олтин тахта миндириинг,
Беклар, шароб ичинг Аваз кўлиндан!

Давра куриб жойли-жоя ўтириинг,
Куббаси олтиндан бўлсин шотирнинг,
Авахона араб отлар келтириинг,
Беклар, шароб ичинг Аваз кўлиндан!

Йигитлар, умрингиз бўлсин зиёда,
Кўл қовшириб хизмат этинг ниёда,
Гўрўғлибек етди максад-мурода,
Беклар, шароб ичинг Аваз кўлиндан!

Гўрўғли бу сўзни айтиб тамом килгандан сўнг Авахон :

- Эй Гўрўғли ога, мени изимда шунча озор чекдинг, олиб келиб максадингга етдинг, Энди Ога Юнус онам билан сухбат кур, мен ҳам йигитлар билан танишиб олин, деди.
- Пах-пах Авахсон, кўнглимдагини айтдинг, деб Гўрўғли ўз ҳарамхонасига бориб, тиздан тўшак, белдан ёстик кўйиб айш-ишратга машгул бўлди.

Аммо Гўрўғлининг Авахонни олиб келгани Чамлибел юртина овоза бўлди. Эшигтан уллидан-киччи Гўрўғлининг майхонасига окиб келаверди.

Шунда Гўрўғли ўзининг халқига қараб, Авазга юзланиб бир шеър айтди:
Атрофимга йигин курган халойик,
Манго ўзга фарзанд, мардон керакмас.
Аваz ўғлим Чамлибелима лойик,
Усиз манго манзил-макон керакмас.

Иншоолло, Аваз, жойинг жаннатдур,
Тамом халким Мухаммада умматдур,
Сенинг ҳар бир сўзинг жона миннатдур,
Сендан ўзга роҳати жон керакмас.

Оллодаи тиладим сахар чоғинда,
Кўп охини чекдим Юлдуз тоғинда,
Хурлар сайрон этар жаннат боғинда,
Сенсиз манго буғу бўстон керакмас.

Гўрўғли дер, шукур сен бўлдинг шоҳим,
Оғир кечаларда кўп чеккан оҳим,
Санго бердим молу мулким, боргоҳим,
Энди манго тахти даврон керакмас.

Гўрўғли сўзини тамом қилгандан сўнг Оға Юнус пари айтдики, эй Авазжон,
Гўрўғли санго бори молу мулкини, элу улусини инъом этди. Сан энди бизга шу
химматга лойик фарзанд бўла оласанми, ёки бир куни келиб оғиб-дўниб
кетасанми, деди.

- Йўқ, деди Авазхон энди мен сизларга ҳакиқий фарзанд бўлдим. Энди
Ваёнгоннинг шоҳи кўшин тўплаб келса-да, кетмасман, деди.

- Сани бу сўзига ишониш кийин, агар сен бизга фарзанд бўладиган бўлсангт,
сўзинг рост бўлса, мана Чамлибел ҳалки турибди, шуларга кўнглингдагини соз
билин айт, деди Оға Юнус пари. Шунда Авазхоннинг айтиб турган шеъри:

Мен шоҳларнинг давлатига суюнмам,
Минг пора килса-да қайтмам йўлимдан,
Тожи тахтнинг борлигина қувонмам,
Шоҳим ўта ёкса, қайтмам йўлимдан.

Мани Иброҳимдек ёксалар нора,
Мансур каби мани чексалар лора,
Шоҳ айласа устихоним минг пора,
Шоҳим ўта ёкса қайтмам йўлимдан.

Юнус пари онам, Гўрўғли отам,
То хаётман алар илгини тутам,
Манго абас эрур ғам ила ситам,
Шоҳим ўта ёкса қайтмам йўлимдан.

Аваз дер, юракдан бердим сўзимни,
Хону бека мен ўтиргам юзимни,
Қиёматлик ўғил этдинг ўзимни,
Шоҳим ўта ёкса қайтмам сўзимдан.

Бу сўзни эшишиб, элу ҳалқ шодмоқ бўлди. Оға Юнус пари айтдики.

Баракалла ўғлим, чин юракдан вайда бердинг, деди. Авазнинг оркасига коқиб, бошига тилла жига кийдирди. Бу жигани кийгандан сўнг Авазнинг чирои ўн ҳисса ортди. Шунда Оға Юнус пари ўғлиниң кадди - коматига қараб, кувониб, Алина олтин созини олиб бир шеър айтар бўлди:

Таърифинг этайин ўғлим Авазхон,
Бугун Чамлибелда даврон сенингдур.
Уч юз олтмиш авлиё-пиринг Авазхон,
Ёнингдадур хамма даврон сенингдур.

Сухбатингда гўяндалар етилсин,
Ҳар таомга саксон шарбат қотилсин,
Беш юз бедов бир таблагат чотилсин,
Ҳар бирига бир сенсбон сенингдур.

Одамларинг дошинг олиб сўзласин,
Овчиларинг жайрон изин изласин,
Нармоялар дод-дузингда бўзласин,
Оёғи чорикли сарбон сенингдур.

Юзинг кўрки гўзалларни шод этар,
Шуъла бериб, ою кунни мот этар,
Кўрмаганлар кўрсан дейиб ёд этар,
Сарховузли кўшки айвон сенингдур.

Обод бўлии Чамлибелнинг жойлари,
Шод бўлибдур ғариблари, бойлари,
Пайкон-ўки билан сори ёйлари,
Фарангистон, Рум, Исфаҳон сенингдур.

Оға Юнус деяр, ҳақни ёд этам,
Сени кўриб ғамли кўнглим шод этам,
То ўлгунча ҳақ йўлида дод этам,
Дуогўйинг-пирин шон сенингдур.

Оға Юнус пари сўзини тамом киляндан сўнг Чамлибел ҳалки тўй анжомини тутдилар. Бахшилар, созандалар, дорбозлар, масхарабозлар, чавандозлар курашибозлар, мерганлар майдонга йигилди. Шунда Гўрўғлибекнинг кўкси тоғдай кўтарилиб, йигитлари, ёр-дўстлари, элу ҳалқнинг олдида туриб, алига қазма тишло созини олиб, кўп ерлардан тимсол келтириб, қайнаб-жўшиб, ўғли Авазхоннинг шашнини османа кўтариб бир шеърни номага солиб айтиб турган ери:

Сайрон этиб кезсанг Чамлибеллари,
Одобли, икромли ўғлим Авазжон!
Келишинг шод этди бизинг эллари,
Даврон сеникидур ўғлим, Авазжон!

Бахор бўлиб барча уммон жўшганда,

Кирқ йигитим билан төғдан ошганда,
Пирлар мадад берар қиличлашганда,
Чамлибел еринда элинг Авазжон!

Бугун ман бўлайин бўйинга банда,
Кўнглимнинг ороми, хушгоҳи санда,
Сендай йигит бўлмас Рум, Исфахонда,
Сенсан киёматлик ўғлим, Авазжон!

Олмос қиличингни боғла белинга,
Ҳакнинг саносини келтир тилинга,
Илғор этгил Хунхор султон элина,
Иниполло очикдур йўлинг Авазжон!

Ботирлар элидур Чамлибел юрти,
Энди сен эрурсан юртинг бургути,
Бугун бўлдинг Гўрўғлиниң шогирди,
Сенсан менинг севар ўғлим, Авазжон!

Гўрўғли сўзини тамом қилди.

Чамлибел ҳалки уч кечакундуз тўй-томошада катнашди, от чопиш, кураш тутиш, дорбоз ўйнаш, кўчкор уришириш, олтин ковок отишда мард йигитлар кучини кўрсатдилар, байрок олдилар, Эл-юртга товоқ тортилди.

Ҳаммани ҳам шундай яхши кунлара етирсин. Шу билан Гўрўғлибекнинг Авазхонни Ваёнгондан олиб келиш тарихи тамом бўлди. Эшитганларингиз учун раҳмат!

ХИРМОНДАЛИ (оғзаки вариант)

Хирмондалининг тарихлари шундан иборат: Рум шаҳринда Арслонбой деган бир бой бор эди. Уни ўғилдан, киздан-фарзанддан ном-нишони йўқ эди. Кунлардан бир кун ўғил талабига тушиб, Гумбази узро деган ерга бориб, худодан ўғил тилаб ётди. Ётғон ерида бир туш кўрди. Тушинда кўлина бир хурмо бердилар. Хурмони олиб, хуввакт бўлиб, уйига келиб заифаси билан ҳамсухбат бўлди. Шундан сал ўтиб, заифаси хомиладор бўлди. Ойдан ой, йилдин йил ўтиб, тўккиз ой, ўн кун, ўн соатда ундан бир киз дунёга келди. Тушинда кўлига хурмо берилгани учун қизнинг отига Хурмодали-Хирмондали деп кўйдилар.

Хирмондали кизга 40 йигитнинг кучу-кувати, 40 йигитнинг муллолиги, ҳазрати Сулаймоннинг тожи-тахти, Юсуф-Зулайхонинг хушсуратлиги берилди. Ойдан ой ўтиб, киз 17-18 ёшларга кирди. Киз бўй етганини сезиб, энди бир йигитнинг этагини тутишим керак деп, юртни жар кичкиртириди: кимки мени полvonликда кураш тутиб йикса, шоирликда айтишиб ёнга шунга бораман, деди. Бу сўзни эшитиб, ер юзининг мен деган гўч йигитлари келаверди. Барি полvonлар жийилғоннан кейин ўртаға чикиб, зълон берди: ким мен билан кураш тутиб

йикилса, шоирлиқда айтишиб енгилса бошини танасидан жудо киласман, шу шартга рози бўлғонлар бир четга чиксин, деди. Полвонлар ўлим орага солингандан кейин бу шартдан бош тортдилар. Уларнинг ичидан 300 полвон ўлимни бўйнига олиб, майдона чикди. Шоирлиқда айтишувга келганлар хам озайиб қолди, 60 киши ўлимига бўйин бўлиб майдона чикди. Хирмондали ишни полвонлардан бошлаб, 100 полвонни хам йикиб калласини танасидан жудо килди. Газик шоирларга келди. 60 шоирни хам айтишиб, енгиб калласини кесдирди. Ҳисобласа 360 калла касибди, ўзина тенг келадиган бир йигит хам топиб билмабди. Шундан сўнг унинг ёнига юрак ютиб келадиган бир йигит топилмади. Кунлардан бир кун ўйланиб, Хирмондалининг ёдина юргидаги бир фолчи кампир тушиди. Кампирни чакириб айтдики, аммо кампиржон, менинг ёчим ўтиб бораётир, ўзима бир йигит топиб билмадим, улли юртни чакирдим, 360 калла кесдим, фойдаси бўлмади. Энди сен бу масалада менга ёрдам бер. Кампир айтдики, кизим, нечун мени авалроқ топмадинг, сени бу ерда олажак йигит йўқ. Чордоғли Чандибел вилоятинда Гўрўғли султон лаган бир ботир йигит бор, сенго лойик йигит шу деди. Қиз бу сўзни эшишиб кампирни маҳкам тутди. Эй кампиржон, бир гўч йигит топарман деп мен шу иниларни килиб юрибман, сен шу гўч йигитни менга келтириб баришинг керак. Кампир айтди, аммо Хирмондалижон, Чандибел Гиротни оёгина 40 кечакундузлик, тулпоримнинг оёғина уч кечакундузлик йўл, тиллони кўпроқ ташласанг борсам борайин деди. Бу сўздан маст бўлган қиз кампирнинг этагина суюнчи учун юн тилло ташлади. Аммо-Хирмондалижон бу берганинг менинг нос пулига хам етмас, дади, кампир. Хирмондали яна юз тилло чикариб берди.

Кампир тулпорини миниб, тиллони хуржунина солиб ўн бир пилтали тўпписини кийиб, ёрим белиннан ёпиниб, пешини қайтариб йўлга равона бўлди. Шунда Хирмондали киз айтди, эй кампиржон, бир тўхтаб ол, сенга бир саломнома ётиб берайин, боргандан кейин мени таниширишга ёрдам баради деп, кампирга кираб бир шеър айтди:

Чандибелда Гўрўғлига
Бор-ҳо, кампиржон, хабар бер.
Ўзи келжак бес ўғлига,
Сур-ҳо, кампиржон хабар бер.

Рум шаҳри билан Чандибел,
Ораси олтмиш кунлик йўл.
Ҳар ерда юрма беманзил,
Бор-ҳо, кампиржон, хабар бер.

Тилагингни берсин олло,
Яна берарман юз тилло,
Эътиқодим қодир олло,
Бор-ҳо, кампиржон, хабар бер.

Бир нечанинг йўлини тўсадим,

Бир нечани дордан осдим,
Уч юз олтмиш калла касдим,
Бор-хо, кампиржон, хабар бер.

Хирмондали дерлар биза,
Она ёшиңг етсин юза,
Карамагил йўла-иза,
Сур-хо, кампиржон, хабар бер.

Хирмондалидан бу сўзни эшишиб кампир Чандибел вилояти қайдасан деб йўла равона бўлди. Уч кун йўл ториб Гўрўглиниң кальясиннан хабар тутди, лекин Гўрўглидан ном-нишон топмади. Бугун Гўрўғли кальянинг кун ботар томонидаги тоза боғинда дам олиб ётган эди. Гўрўғли шу кеча боғда ётиб эрта ўридан туриб, чой-чилимдан ёзилишиб, Фиротни ховузга солиб ювиб, ипак дазмод билан сийлап-сийлаб турган эди. Кампир Гўрўглиниң солигини олиб, бoga бориб, Гўрўғлига эгилиб бориб салом берди. Гўрўғли саломга алик олиб қараса, тулпорниң устинда арава эгардей бўлиб бир кампир ўтириби. Хай кампир, деди Гўрўғли, келишингдан хушхабар олиб келаётирганга ўҳшайсан, еган-ичганиң ўзингники, кани кўрган-билгларингни туринг эт. Шунда кампирниң Хирмондалиннинг хатини узатиб, Гўрўғлига қараб айтған шеъри:

Рум шахринда бир киз сиза,
Гўрўғлибек келсин, деди.
Арзи холин баён айлаб,
Келиб бизни олсин, деди.

Куръонда бордир хатлари,
Таблада бедов отлари,
Ўзи билан йигитлари,
Адаб билан келсин, деди.

Чандибелда Гўрўглидир,
Ўзи гарчак бек-ўғлидир,
Химмати ҳакни кулидир,
От, сарпойим берсин, деди.

Отимиз Хирмондалидир,
Пиримиз ҳазрат Алидир,
Юрганим ҳакнинг йўлидир,
Олло дастигир бўлсин, деди.

Кампиржона иймон берсин,
Кулли одам тўгри юрсин,
Хирмондали кизни кучсин,
Бир армонсиз бўлсин, деди.

Кампиржон сўзини тамом кигандан кейин Гўрўғли кампирнинг суюнчигана юз тилло чикариб берди. Айтдики, эй кампиржон, кани энди бир гурунг кил сенинг сўзларингни англаб билмадим, деди. Эй Гўрўғли, деди кампир, биздан гапнинг пўст калласини эшишсанг, биз шу киздан келган элчимиз. Сен биза даркор бўлдинг, отингни эгарлаб, биз билан хозир юришинг керак. Унда Гўрўғли айтдики, аммо кампиржон, сен хотиржам кетаверсанг, мен бир дўстли-душманли кишиман, элимга бориб, кейнимни пәроҳотлаштириб, сени изингдан етаман, деди.

Шу вактда кампир айтдики, эй Гўрўғли Султон, мен сени нечун колажагингни дим яхши биламан, сен уйинга бориб, хотининг билан кенгашажаксан, хотин дегани сенинг бу ишинга йўл кўймайди, бир гўч йигит йўлга чикишда хотини билан кенгашса йўли бўлмайди. Хозир мен билан борсанг айтишганда енгасан, тутишканда йикасан, гапнинг қискаси бир қизга эга бўлиб кайтасан. Мен билан бормасанг, ихтиёр ўзингда, борсанг ҳам ихтиёргинг, бормасанг ҳам. Шу гапдан кейин кампир кейнина қараб талпина верди. Бир замонда зим-гум бўлди.

Шундан кейин Гўрўғли Фиротни зартанг-забартанг эгарлаб қалъасина борди.

Энди сўзни Оға Юнус паризоддан эшиштинг. Паризод Гўрўғли қошинда бўлмагандан кейин қайси томондан келар акан деб дарвозанинг алдига чикиб, тўрт томонга қараб турган эди. Бир вакт Гўрўғли Фиротни йўнатиб келаверди.

Паризод тахорат ибодат билан ўтиrsa дунёда бўлажак ишларни тирнокининг юзинда кўрар эди. Паризод айтдики, эй Гўрўғли Султон, сени бугун кайфинг дим чоғ кўринади, сен бир хушхабар эшиштан бўлишинг керак, еган-ичганинг ўзингники, кани кўрган-билигларингни гуринг кил, деди. Шунда Гўрўғлининг паризодга қараб айтган шеъри:

Курбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Бизга бир аркадан салом келибди.
Оллога сифиниб эшиштил зорим,
Бизга бир аркадан салом келибди.

Мен кетарман кетмасима гумон йўқ,
Ғўч йигитга яхшилик бор, ёмон йўқ,
Рум шахринда анингдайин жонон йўқ,
Бизга эрка ёрдин хабар келибди.

Фирот ошо Чандибелнинг йўлидин,
Хабар олиб гўч йигитнинг ҳолидин,
Арслонбойнинг қизи Хирмондалидин,
Бизга хунхор киздан хабар келибди.

Хабар келгандан сўнг кетмасам бўлмас,
Муборак жамолин кўрмасам бўлмас,
Онинг билан сухбат курмасам бўлмас,
Бизга нозли ёрдин хабар келибди.

Ўта билмам ола тоггининг кори бэр,
Ок юзинда қўша-қўша холи бор,
Биз кучмокка инжагина бели бор,
Бизга эрка киздин хабар келибди.

Гўрўғлибек ўзи келсин дейибдур,
Уч юз олтмиш калла кесиб кўйибдур,
Айтишиб, енгишиб олсин дейибдур,
Бизга хунхор киздин хабар келибди.

Паризод айтдики, эй Гўрўғли Султон, хали сен уни бир учини эшигисан, сен бир қулоқ кўй, мен сенга илдизиндан тутиб бир гуринг этиб берайин, деди. У киз олам учига келгандада ким мени полвонликда йиқса, шоирликда енгса шунга бораман деб, кальзама калъа жар урдирган. Улли юртнинг гўч йигити келган, уларни енгиб, уч юз олтмиш йигитнинг калласини олган. Эндиғи ёмон од сенга қолган. Сени изингдан бир кампир элчи бўлиб келган. Кетажак кўнглингда бор эркан, шу кампир билан кетаварии керак эди. Нечун дасанг шу қиз шу вақтда сенга тақдир бўлиб турган эди, кампирдан қолиб хато килибсан, энди кампир билан борғандакидай хурмат топа билмайсан. Айтишганда енгиласан, тутишганда йикиласан, шарманда бўлиб кайтасан.

Шунда Гўрўғли айтдики, эй паризод, сен ночорлик этиб хар гапларни гапираверасан, гўч йигита хар ерда яхшилик бор, ёмонлик йўқ. Шунда паризод айтди: агар сен кетадиган бўлсанг мен сени бир йўл билан юбораман. Мана бундан шахри Бастом вилоятига борсанг, ошиқларнинг пири хам устози Ошиқ Ойдин деган бир киши бор, шуни хизматина бориб беш-үн кун бўлсанг, фотихасини олсанг; шуни кўрсатган йўли билан борсанг бир обрўй олажак ёғдоининг бор, йўкса бу боришинг ёмон, Гўрўғли, деб Паризоднинг қайтарги бериб айтгон шеъри:

Харомчилик гўч йигита ярашмас,
Олсанг насиҳатим, кетма, Гўрўғли.
Хунхор кизлар ахволинга карашмас,
Олсанг насиҳатим, кетма, Гўрўғли.

Уч юз олтмини ошиқ бари келгандур,
Айтишиб, енгилиб бари ўлгандур,
Энди ёмон отлар сенга колгондур,
Олсанг насиҳатим кетма, Гўрўғли.

Хабар келса, Арслонбойнинг кизиннан,
Билиб кетма, шу момонинг изиннан,
Борсанг йикиласан, кўргил ўзингнан,
Зинхор насиҳатим: кетма, Гўрўғли.

Бундин борсанг шахри Бастом бориб ўт,
Яхшизодаларнинг кадрин билиб ўт,
Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб ўт,

Дуо олмай пирдан кетма, Гүрүгли.
Ога Юнус кетма дебам зор этар,
Харомчилик гүй йигитни хор этар,
Босар, яичар кенг жаҳонни тор этар,
Олсанг насиҳатим, кетма, Гүрүгли.

Паризод сўзини тамом қилғаннан кейин, Гүрүгли, эй паризод ҳар ерда гўч йигит бир кунини кўради, унга яхшилик бор, ёмонлик йўқ деб Ғиротни эгарлаб, хуржунларни солаверди, отни силаб-сийпаб, баҳмал далликларни солиб, тилло куббали эгарни ўрнатиб, жуфт айлини берк этиб торти, Ғиротга бўқчиб миниб, кампирни изиндан от кўйди.

Эндиги сўзни кампирдан эштинг. Кампир уч кун йўл юриб, Хирмондали кизнинг ёнига келди. Киз сўради, қани кампиржон омон бориб, соғ келдингми? Гўрўклини кўрдингми? Кампир жавоб бердики, кўрдим. Қани кўрган бўлсанг, Гўрўклини бирга олиб келаман даган, эдинг олиб келмадингми? деди киз.

Кампир жавоб бердики, сен кизнинг бу ҳавлакичилигинг колмабди эканов, мен ундан олдин келиб сендан суюнчи оламан деб от чопдириб қайтавердим, Гўрўгли кейинда келаётир, деди. Унда Хирмондали айтдики, кампиржон, Гўрўгли Султон келгунча мени бироз қаноатлантириб ўтири, Гўрўгли не турдаги йигит, менга айтиб бер, деди. Шунда кампир айтди: Гўрўглини суриштириб нетсан, Гўрўклини кўрсанг йўғондан келган узун бўйли, ёғирни хўккирок, манглайи тўнкарок, кўзлари ҳам ўйдолок, эни ўи газ, узуни йигирма газ йигит. Сени тенгинг шу, деди. Киз кампирнинг сўзини эшишиб вактини хушлаб, соғ бўл, кампиржон, ўзимнинг ахтарган йигитимни топлиб келибсан, деди. Уни туркман деб эшитаман, агар туркманчилик этиб келса бир читнаб, половонликимни кўрсатиб кўяман, отини бир-икки мангзил нарида боғлаб, хурматимни саклаб келса, келиши билан танамни баҳши атиб кўявераман, мен шунукиман, деди киз. Шунда кампир айтди: Эй, Хирмондалижон, Гўрўгли сени уйинга аввалда бир марта, икки марта келганими? Киз айтдики, йўқ! Гўрўгли сени уйинга келмаган бўлса, у қаердан билади, отдан гушиб, сенинг хурматингни тутиб келишини. Гўрўгли қайси тарафдан келади, деп сўради, киз. Кампир айтдики, аммо Хирмондали кизим, Гўрўглининг хамоло араваси ағдарилармиди, оти тейинда, қайси тарафдан келса келаверади, деди. Йўқ! деди киз, қайси тарафдан келишини кўрсатасан. Кампир ҳам мана шу тарафдан келади деб кўрсағди.

Гўрўгли келадоган йўла бир мангзил, икки мангзил пояндоз тўшасам, мени танимаса, шу пояндозни таниб, отдан тушмасмискан деб, ўйланди киз. Шундай килиб, Хирмондали Гўрўгли келадиган йўлга бир мангзил, икки мангзил пояндоз тўшатиб боғнинг ичига кириб сар ҳовузнинг бўйила, сар суннанинг устида, 360 канизининг ўртасида, тилло курсида ўтириб зулфларини олдига ташлаб, ок-опоқ, юпка дўлок киз бўлиб дарвозага караб, ўтираверди. Шу вактда Гўрўгли ҳам Рум шахрининг оғочликига этиб борди. Бокка яқинлашиб, дарвозага кириб, караса пояндоз тўшалган. Гўрўгли караб туриб, Ғиротни тўғри пояндознинг усти билан юбараверди. Пояндоз бориб, яна бир дарвозанинг оллидан чиқди. Караса дарвоза парч бўлиб ёпилиб турипди. Гўрўгли камчисининг сопи билан дарвозанинг бир ёнини заранглатиб очиб юбарди. Гўрўгли бошини тўман солиб боғнинг ичига

каради. Караса сарховузнинг бўйинда, сарсупанинг устинда, 360 канизнинг ўртасинда моркодай бўлиб, ойдай тўлиб кўёш билан чакилишиб, бир киз ўтирибди. Гўрўғли Султон ўйлаб кўрди, воғжак. Мен бунинг хабар юборганинга караб, бир мангзил, икки мангзил алдимага чикиб турар деб ўйлаган, эдим шу ўтиргон киз Хирмондали бўлодиган бўлса бунинг инсонга хизмат этадиган турни йўқ-ку! Гўрўғли бериги дарвозани хам очиб юбарди. Шу вактда кизнинг кўзи Гўрўғлиға тушди. Кўрдики бир келишган, ботир йигит. Кизнинг кўнгли кўтарилиб кетди. Шу вактда Гўрўғли пояндознинг усти билан, гулларнинг ичи билан тўғри супага отин тутдирib юбараверди. Гўрўғлини кўриб вақти хуш бўлиб турган Хирмондали бу киликни кўриб мазаси кочиб кетаверди.

Хирмондаги ўйладики, бу йигитнинг этган иши кўринишига лойик бўлмади, мен буни бир мангзил, икки мангзил нарида отдан тушиб, хурмат билан келар деп ўтирган, эдим Гўрўғли дегани шу бўлса бу гирт савдои эканку!

Гўрўғли азбар тиздан бой йигит кизни гапга солажак бўлиб, салом бериб, сув сўрали. Киз каниза имлади-ки, буни баҳонаси сув эмас, бир коса шароб келтиринглар. Каниз бир коса шароб келтириб Гўрўғлининг кўлига берди. Гўрўғли кўлига шаробни олиб ўйлаб кўрдики, бу киз менинг олдима чикиш тугул, шаробни хам ўз кўли билан келтириб бермади. Бу киз лолми, гунгми ё майибмикан, дег: косани ерга зингитиб урди. Шунда киз ўйлади, Гўрўғли шаробни хоҳламади, кани мен олиб бориб берсам олармикан, деп ўрниндан туриб супладан тўманга тушди, бу Гўрўғлини иложи бўлса кўлдан чикармаслик керак. Киз тўманга тушгандан кейин Гўрўғли кизнинг олидидан каса чикиб, йўлини тўсиб бир шеър айтди:

Гўрўғли:

Сув бўйинда турган гўзал,
Севар ёр, сув бер, ичали.
Тархинали кўлларинчдан,
Эркахон, сув бер, ичали.

Хирмондали:

Сув бўйинда хайр бўлмас,
Туш, ўзинг сувдан ичагўр.
Хар келган киши шер бўлмас,
Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

Гўрўғли:

Алмудом Дарбанд сакладим,
Бу йўла ўзим чоғладим,
Бир нозанинни йўқладим,
Эркахон сув бер, ичали.

Хирмондали:

Сувимни берманам ёта,
Сенингдай кўпdir дунёда,
Аслинг туркман аслзода,
Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

Гўрўғли:

Узун-узун овбангиза,
Кўнок бўлай ўрдангиза,

Кул бўлайин бобонгиза,
Эрка киз, сув бер ичали.

Хирмондали:

Узун-узун овбам йўқдур,
Кўнок бўлсанг ўрдам йўқдур,
Мен етимман бобом йўқдур,
Туш, ўзинг сувдан ичагўр.

Гўрўғли:

Гўрўғли келди мастана,
Эмсам лабинг қона-қона,
Айланиб этма баҳона,
Эрка киз, сув бер, ичали.

Хирмондали:

Бизга Хирмондали дерлар,
Икки кўзингни ўярлар,
Этингни хомлай ярлар,
Турма, бу ердан кочагўр!

Бу сўзни эшиштандан кейин Гўрўғли бошқа гап толобилмай котди. Киз айтишуваа енгди. Хирмондалининг айтишиб енгган, тутишиб йиккан одамнинг калласини касаверадиган одати бор эди. Лекин Гўрўғлидай келиншган йигитдан кизнинг такими тўлган эди. Ҳамдаса киз ўзим чакириб яна ўзим ўлдирсан инсофдан бўлмас деб, кўшкка қараб индамай кетаверди. Шу кетишинда у ерда бу ерда оркасина бир-икки қараб ҳам олди. Бу воеаларлан Гўрўғлининг кўнгли кўп ерлара кетди. У ўйланди: Менинг айтган гапларим бу кизга ёқди ўхшайди, ёқмаганда изига қараб кетмаган бўлар эди. Кел, яна изидан бориб бир-икки оғиз сўз айтишиб кўрай, кулоқ солмаса айтишиб, тутишиб ўтираманми, энгасасидан чангални солиб, Гиротни алдига босиб ўтакетаман деп отини Хирмондалининг изидан кўйиб юбарди, бориб кизнинг сочидан осилди. Лекин полвон киз бўлганидан, гилт этиб тебранмади.

Бу ишдан Хирмондалининг қаҳри келиб, Гўрўғлининг жуфт ёқасидан тутиб, кўл учига олиб, бошидан фириллатиб айлантириб, ера кўтариб урди, сўнг иргиб синасига минди. Киз айтдики, аммо Гўрўғли менинг айтишиб енгган, тутишиб йиккан одамимнинг калласини оладиган шартим бор эди. Сен келиб, шартни бузган эдим, энди тек турмадинг, ўзингдан кўр, сени энди ўлдирмасам бўлмас. деди. Гўрўғли кизнинг зўрлигига тан барив, унинг остида ётган ерида бир шеър айтар бўлди:

Баланд тогларнинг бошинда,
Намли-намли қор кўринди.
Мани бу жалилод кўзима,
Хумор кўзли ёр кўринди.

Билмадим ёрининг кантини,
Эммадим лабинг кантини,
Оч гўзал, кўксинг бантини,
Курилмиш бир дор кўринди.

Бейлар адашдим йўлимдин,
Кечмишам дунё-молимдин,
Оби чашми зулолиндин,
Жайрон кўзли ёр кўринди,

Дали кўнглим тогдин ошса,
Бориб бир ёра учрашса,
Оқ сийнингда кўша-кўша,
Кўл тегмаган нор кўринди.

Гўрўғли дер, бейман ўзим,
Жафою жабринга дўзам,
Фоний дунёда маст кезам,
Дунё кўзга тор кўринди.

Хирмондали Гўрўғлининг бу сўзларидаги маъниони англаб олди. Қиз айтдики, аммо Гўрўғли Султон, сен мени баланд тог этдинг ўзингни бир хор этдинг, бу сўзиңгда. Сенга энди бу гуноҳингни бир йўл билан кечирамиз. Гўрўғли сўрадики, кани не иш этсан кечирасан? Мени таъриф этиб бир шеър айтиб берсанг кечираман, деди, қиз. Шунда Гўрўғлининг кизнинг остинда ётиб Хирмондалига караб айттан шеъри:

Бир сўзим бор севар ёра,
Айтсан куйиб, ёна-ёна.
Оқ юзингдан бир бўса бер,
Эмсан шимиб кона-конা.

Ўн тўрт кежали ой каби,
Наргиз кўзли айёр каби.
Олғир лочин хунхор каби,
Кезма хар ёна-хар ёна.

Худонинг раҳмати ёғди,
Гулларнинг шоҳасин этди,
Сабаб билан кўлим тегди,
Бугун бир гавҳари кона.

Юрагимда кўплир ўтим,
Оллоға етишиди долим,
Манго беринг керак зотим,
Келдим кизикли дўкона.

Ошниклигим тўлиб-дошиди,
Сарим савдога туташди,
Жуфт анора кўзим тушди,
Бўлдим девона-левона

Ошик Ойдин пира кетсам,
Бориб этакни тутсам,
Гүрүгли ястаниб ётсам,
Шугун мастана-мастана.

Бу сўзни эшитганидан кейин Гүрүглини киз ўрнидан турғизди, энди сени тұнохингни кечирдим, деп, корнига 40, яғирнига 40 дан 80 камчини уриб, бор кетавер, деди. Шунда Гүрүгли айтдики, эй, Хирмондали сен бизни 40 кунлик йўлдан олдириб, бу бало кунларга колдириб, менга этган зиёфатинг кирқдан 80 камчими? Хирмондали айтдики, эй Гүрүгли Султон мен сени 40 кунлик йўлдан олдиридим, айтишганда енгсанг, тутишганда йиксанг сенга тегмокчи эдим, ўзинг бир марта, икки марта ўлимдан кутилиб жонинг фойдига колган одамсан, шунинг учун сени ўлдирмасдан шартимни буздим. Шунга шукур этиб соғ-омон кетавермайсанми?

Гүрүгли айтдики, эй Хирмондали киз биз бу ердан борсок, дўст-душман: кани, Гүрүгли еганинг-ичганинг ўзингники, кўрган- билганингни сўзла, деса уларга не деп жавоб берамиз, деди. Хирмондали айтди: сен биз билан оға-ини бўлдинг, бизни бирорвага борганимизни эшитсанг йигитларинг билан борсанг кўй-кўчкор сўйиб, зиёфат килиб, сарполар кўйиб юбараман, деди. Бу сўзни эшитгандан кейин Гүрүгли Фиротта иргиб миниб, Чандибел нердасан, деп бадар кетди. Уч кеча-кундуз йўл юриб Чандибел вилоятига етди.

Гүрүгли ховлисига кириб, отини жойига боғлаб, оёқини якка-якка босиб, паризоднинг харамига ўғди. Паризод еридан туриб, Гүрүглига салом берди. -Омон-соғ бориб келдингми, Хирмондали қизни кўрдингми, деп сўради.

Гүрүгли айтдики, кўрдим. Қайтарув берганда тингламай кетган эдинг, нечук киз экан, деп сўради паризод. Гүрүгли айтдики, аммо паризод, Хирмондали киз йўғондан келган, узун бўйли, ок-оппоқ юпка дўдок, бодом копок киз экан. Айтишиб енгдим, тутишиб йикдим, энди иш тўйга караб колди, шунга сендан жавоб олишга келдим. Эй, Гүрүгли Султон, шу сафар кўпроқ мактаниб юбардинг, яна қиздан боски топиб келган бўлма, деди паризод. Эй паризод не бир подшоларни олдим, не бир подшоларга чоповул солдим, энди келиб-келиб шу қиздан боски топиб қайтаманим, деп жавоб барди Гүрүгли. Ундан бўлса, Гүрүгли Султон мен сенинг бир отингни кўрай, отинг соғ бўлса сўзинга ишонаман, бўлмаса барининг ёлғонлиги, деп паризод чикиб ғиротни кўрди. Ок тер окиб, Ғиротнинг сусайиб турганини билиб, Гүрүглига караб айтғон шеъри:

Илгора кетганлар ёлеон сўз айтмас,
Отинг носок, ўзинг яроли келдинг.
Дўст бўлғанлар асли зотин гизламас,
Отинг носок, ўзинг яроли келдинг.

Баланд парвоз атиб, пасайиб келиб,
Дали дарё каби кайнайиб жўшиб,
Ман-манликтан бориб, йикилиб кайтиб,
Отинг носок, ўзинг яроли келдинг.

Муханнаслык гүчі йигита ярашмас,
Уриб-кириб майдонни гашиб кочмас,
Ёлгон сұзлаш мард йигита ёлишмас,
Отинг носок, ўзинг яроли келдинг.

Ёр күлидан гулгун шароб ичибсан,
Они күриб, моли-мулқдан кечибсан,
Йикилибсан, хийла билан кочибсан.
Отинг носок ўзинг яроли келдинг.

Оға Юнус айтған сұзим киямадинг,
Яхшизодаларнинг қадрин билмадинг,
Ошик Ойдин пирдан дуо олмадинг,
Отинг носок ўзинг яроли келдинг.

Паризод сўзини тамом қылғандан кейин Гүрӯгли, энди Хирмондалини олмасам бўлмас, ден кайтадан Рум шаҳрига кетиш режасини тузди. Гүрӯгининг Мером ва Қамбар деган икки шогирди бор эди, булар ҳам айтишувда, тутишувда алдига одам чикармайдиган йигитлар эди. Гүрӯгли шу икки шогирдини олиб кайтадан Рум шаҳрига караб йўл олди. Уч кеча-кундуз йўл юриб, Хирмондалининг богига якнин жойга бориб кўши ташлади. Авал бошда айтишув учун Қамбаржонни Хирмондалининг богига киргизиб юбарди.

Қамбар бокка кириб, у ён-бу ённи кидириб юраверди. Шу вактда Хирмондали канизлари, билан богни сайд қилишта чиккан эди, бирдан кўззи ёт йитита тушди. У канизларига буюрдики, боринг олип келинг, у ким экан? Канизлар олиб келдилар.

Хирмондали айтдики, кани эй, йигит, бу ердан куши ўтса каноти, кулон ўтса түёғи куяди, сен нима қилиб бу ерда юрибсан? Қамбар жавоб бердики, мен ошиқман.

-Кани кимга ошиксан?

-Сенга!

-Кани ошик деганинг кўлинда сози, тиљинда сўзи бўлади, ошик бўлсанг, бир нарса айтиб бер, шунда биламиз сенинг ким эканлигингни. Шу вактда Қамбарнинг кизга караб айтган шеъри:

Сенч кўриб кетди, сабру карорим,
Истасанг жонимни бермака келдим.
Бошинглан айланай вафоли ёрим,
Муборак жамолинг кўрмака келдим.

Сен парисан ғазаб билан қаҳринг бор,
Мен билманам ничча ерда ёринг бор,
Ок сийнанг устинда кўша норинг бор,
Шу кўша норингдан термака келдим.

Мени сўрсанг келдим Бастом элиндан,
Курбон бўлай сенинг ширин тилинга,

Мен хам құчсам сенинг нозик белингнан,
Сенинг билан даврон сурмака келдим.

Бир шикаста узок йүлдан келибдур,
Овозаси жаҳон ичра тўлибдур,
Бу йўлларда ничча ошик ўлибдур,
Алар каби ширин жоним бермака келдим.

Ошик Камбар ошно бўлдим отина,
Паризодим етгил, менинг додима,
Сигиниб келибман пир устодима,
Бўстон кучогинга кирмака келдим.

Ёшғина боланинг бу гапларни тортинасадан айтиб турганига
Хирмондалининг қаҳри келди. Сен бизни бир обрўйсиз бўлса керак деп
келибсанда, леп унинг кўлидаги доторни кокиб олиб, синдириб икки бўлак этиб,
етиб урдида яна боғни айланмокка кетаверди. Айланиб юрса бир замонлардан
кейин боғда яна бир ёт йигит кўринди. Бу йигит Мером бўлиб, уни Гўрўғли
юбарган эди. Хирмондали йигитни олип келишни буюорди. Канизлар уни дарров
олип келдилар. Хирмондали сўради:

-Ким бўласан?

-Ошикман.

-Кимга ошиксан?

-Сенго!

-Ошиқ бўлсанг кўлинга созингни олиб бир шеър айтиб бер!

Меромжоннинг шу вактда Хирмондалига қараб айтган шеъри:

Булбулам, кўнарман боға,

Термака гуллар дўланур.

Қарамагил сўлу соға,

Юрмака йўллар дўланур.

Курбонам қора кўзингдин,
Шакардан ширин сўзингдин,
Занаҳдон холли юзингдин,
Ўтмака холлар дўланур.

Курбонам қалам кошингдин,
Писта даҳандий тишингдин,
Жиго санчилган бошингдин,
Тамоми эллар дўланур.

Келмишам сени зорингдин,
Ўлмишам газаб-корингдин,
Кўксингда кўша норингдин,
Термака кўллар дўланур.

Мером айтур бўлдим адо,
Ок сийнамда кўплир яро.
Бўлдим элу юртдин жудо,
Ярама малҳам дўланур.

Хирмондали айтдики, сен хам ҳалиги шерикингдай адабсиз экансан, боринг канизлар буни олиб бориб, ўлдириб, анжирнинг тагига кўминглар. Меромжон энди тайин ўлажагини билиб, канизларга ёлвориб шеър айтди:

Фоғил бўлиб тушдим сенинг кўлининг,
Бугун мани озод айланг, парилар.
Мен ўғлонни кўйинг, кетам йўлима.
Бугун мени озод айланг, парилар.

Ғазаб этиб, ўз вактингни чоғлама,
Юрагимни ҳажр ўтина доғлама,
Ўлдиришга кўл-оёғим боғлама,
Бугун мани озод айланг, парилар.

Барингиз жам бўлиб ҳамма паризод,
Бибингиз кўнглимни айлади барбод,
Пирим ҳакқи учун айлангиз озод,
Шугун мани озод айланг, парилар.

Мером айтур, ҳақ эшитсин зоримни,
Ёд этайин Шохимардан пиримни,
Гўрўғлибек келса кирап барингни,
Дарров мени озод айланг, парилар

деп сўзни тамом килди. Шунда Хирмондали сўради, эй ўғлонлар, сизлар ҳар сўзингизда Гўрўғлига орка барасизлар, сизлар уни каерда кўрдингизлар ?

Бизлар Гўрўғлиниң Қамбар, Мером деган шогирдларимиз деп жавоб берди, йигитлар. Шунда Хирмондалиниң далилиги тутиб кетиб айтдики, агар сизлар Гўрўғлининг йигитлари бўлсангизлар, мен сизларнинг гунохингизни ўтдим, деди. Шунда Мером айтди, гунохимизни ўтганингизга минг куллук, аммо бизлар борганимиздан кейин Гўрўғлибек оғамиз нима килиб келдингизлар, деса не деп жавоб барамиз? Хирмондали сўрадики, хозир Гўрўғлибек каерда?

-Гўрўғли боғининг кибласинда, бир гужумнинг остида ўтирибди деп жавоб барди йигитлар.

-Агар Гўрўғли шу ерда ўтирган бўлса, хозир учовингиз ҳам кетинг, бўлмаса учовингизни ҳам ўлдираман, деди киз.

Эндиги гапни Гўрўғлибекдан эшитинг. Гўрўғли бу йигитлар нима килади экан деп у ён, бу ёнга қараб турган эди, шу вактда Қамбаржон билан Меромжон югуриб келавердилар. Қани нега кечикдингизлар, деп сўради, Гўрўғли. Шунда йигитлар бор воеани айтиб бердилар. Гўрўғли ичиб ўтирган чойини ерга қўйди. Бу

кит бизга бу сафар ҳам насиб бўлмаяжак, энди паризоднинг айтганиден, Ошик Ойдин пирдан фотиҳа олмасак бўлмайди деп Камбаржон билан Меромжоннинг Чинлибелга узатиб, ўзи шахри Бастом қаердасан деп Ошик Ойдин пирнинг ҳуурига караб йўлга равона бўлди. Гўрўғлибек йўл ёриб, йўлни мўл ёриб, шахри Бистом вилоятининг бир четидан чиқди. Гўрўғли кун ботгандан кейин бир чотмога бориб меҳмон бўлди. Тонт отгандан кейин чотмонинг эгасиндан хабар олди. Чотма ишени топиб айтдики, мен Ошик Ойдин пирнинг ҳузурига бориб бир ой, кирк кун ҳимматида бўлиб фотихасини олажакман, сизга малол бўлмаса, курол-яроғларимни, шимми сизнинг чотмонгизга колдирсам, ҳам менго сиз Ошик Ойдин пирнинг Ҳиласини кўрсатсангиз, деди.

Хов анови оркадаги кўхна уй Ошик Ойдин пирнинг уйи деп жавоб берди чотма эгаси. Гўрўғли хайрон бўлди-мен уни боғли-боғчали, бой-балавлат бир одам яп ўйласам, дим факир-фукаро одам эканку деп боришига иккиланиб ҳам турди. Ўнг ўзи-ўзига айтди: қани бораверай, мен унга бир-икки савол бериб кўрай, жавоб берса берар, бермаса мени тутибку колмас, деп Гўрўғли Ошик Ойдин пирнинг ўнига караб равона бўлди.

Гўрўғли эшикдан кириб пирга кўл қовуштириб салом берди. Саломлашиб, Қўришиб бўлгандан кейин, Гўрўғли айтдики, мен сизга бир-икки савол беришига келдик, деди. Ышунда Ошик Ойдин савоцига бўйса сўрайвер, яхши йигит, деди. Гўрўғли билан Ошик Ойдин пирнинг бир-бирига савол-жавоб айтишган ери:

Гўрўғли:

Ҳақдан энган беш нарсанинг,
Азал боши-сари надур?
Тўрги тилия, бири тилсиз,
Бошиндаги пари надур?

Ошик Ойдин:

Ҳақдан энган беш нарсанинг,
Азал боши бисмиллодур.,
Тўрут китобнинг бири фуркон,
Бири Жаброил паридур.

Гўрўғли:

Бешдан беш юкори мачит,
Мачитнинг меҳроби надур?
Унинг ичиндаги мургининг,
Оти надур, исми надур?

Ошик Ойдин:

Беш-бешдан юкори мачит,
Мачитнинг меҳроби бирдур.
Унинг ичиндаги мургининг,
Оти жонлур, исми нурдир.

Гўрўғли:

Ул кимса ўтирас тўрда,
Маърифат сочарлар юрта,
Кирк чилттан жамлашган ерда,
Дилининг азбари надур?

Ошик Ойдин:

Дарвишлар ўтиар тўрда,
Маърифат сочарлар юрта,
Кирк чилтган жамлашган срда,
Хакнинг лутфи азбаридур.

Гўрўғли:

Ул кимса онадин бўлди,
Отасина никоҳ қилди,
Равшан деяр нася қилди,
Эри надур, зани надур?

Ошик Ойдин:

Ойдин деяр, ёнди жоним,
Вафоси йўқ бу жаҳонни,
Одам ота ул Ҳаввони,
Ҳам отаси, ҳам эридур.

Савол-жавоб тамом бўлгандан кейин Гўрўғли Ошик Ойдин пирнин устозлигига пирлигига кўзи етиб, унинг сёғига йикилиб, мен неча манзӣ йўллардан пиёда юриб риёзат тортиб сенга шогирд бўлмокка, соз ўрганмакк келдим деди. Шунда Ошик Ойдин айтди: Эй, ўғлим сенинг кўзларинг ўйдоло кийимларинг жулдуру, сен бу ерда шогирд бўлиб юра билмассан, деди. Гўрўғл айтдики, менинг кўзим ўйдолок бўлса, мен шунча ўйлардан азоб чеки келаётирман бу хоргинликдан, кийимим ёмон кўринса бошقا кийим топи киярман, деди. Шунда Ошик Ойдин айтдики, сен бизга шогирд бўладиган бўлсан одобли, хурматли бўлишинг керак. Менинг бу ерда 360 шогирдим бор, сен 361 бўлдинг, деди. Сўнг Гўрўғлининг кийимларини чикартириб, эйнига мадла тўт сёғига кўхна кавиш-маҳси, бошига телпак кийдирди. Шундан кейин Ошик Ойди Гўрўғлини ёнига чакириб, ўтиришмаларга бирга олиб бориб юраверди.

Кунлардан бир кун Ошик Ойдин пир намоз вакти ётган ерида бир туқ кўрди. Тушида 360 бояг кўринли, боғнинг ўргасида кўшак, кўшкнинг ойнасида би киз кўринди. Пир бу ахволни кўриб уйғониб, ўрнидан турди. Бу тушим не туш, н воеа экан, буни бир шогирдларимга айтиб кўрсам нечук бўлар экан, улар йўри кўрсинглар, деп шогирдларини хузуринга чакириди.

Шогирдлари келиб кўл ковуштириб салом берип турдилар. Шунда пирнин кеча мен бир воеа кўрдим деп шогирдларига караб айтиб турган шеъри:

Шу кеча ёғадим бир ахвол қўрдим,
Бир бўлак бошлари тиллоли келди.
Сесканиб уйғониб еримдан турдим,
Кўллари тиллодин асоли келди.

Кўрмишам бир моҳитобон тушимда,
Хеч нарса колмамиш акли-хушимда,
Бир каниз тожини кўймиш бошимда,
Жиголи бошлари хилоли қелди.

Гўзаллар жам бўлиб нақшбанд айлаб,
Тамоми зўр йигит ўзини шайлаб,
Бир нозанин келди зулфини товлаб,
Ой кўрдим, кечанинг жамоли келди.

Ошик Ойдин сўзим ёлғон деманглар,
Бу сирларим ичда пинхон деманглар.
Магар бўлса хуру-тилмон деманглар.
Кўнглима бир ёрнинг хаёли келди.

Бу сўздан кейин Ошик Ойдиннинг шогирдлари бу тушни ҳар ёна йўриб кўрдилар, лекин ҳеч тўғри чикмади.

Ошик Ойдиннинг 360 шогирдининг орасида Карамжон деган бир шогирди бор эди. Уни отаси пирининг хизматига олип келганда ўғлон етти ёшида эди. Хизмат кила-кила хозир ўн тўрт ёшга етган эди. Хизмат килиб худога ёккан ўғлон эди. Хирмондали киз шу йигитга тақдир килинган эди. Карамжон айтдики, пирим рухсат берсангиз тушингизни мен йўрай, деди. Ошик Ойдин рухсат килди. Шунда Карамжоннинг тушни йўриб айтган шеъри:

Муборак халифам бу кўрган тушинг,
Бошда келган Расулилло бўлодур.
Кўнглим очиб сўзим баён айласам,
Сўнгги келган Сафиулло бўлодур.

Кирқ каниз олдинда сўрди жавоби,
Бирининг кўлинда гулгун шароби,
Кўл ковшириб этди анга жавоби,
Шароб берган шул паризод бўлодур.

Гўзаллар жам бўлиб сайра чиқибдур,
Кўз кулдириб, қалам қошин кокиблур,
Бўйнина маржону тумор тақибдур,
Кўрган кизинг Хирмондали бўлодур.

Уч юз олтмиш шогирд бу тушни билмас,
Ҳак назар этмаса хабари бўлмас,
Пирга куллук этиб ноумид қолмас,
Буни айтғон Карам ўғлон бўлодур.

Карамжон сўзини тамом килгандан кейин Ошик Ойдин, сен худога ёккан йигит экансан, бу киз сенга тақдир этилган экан, мен сенга шуни олиб бармасам бўлмас, деп унинг кўлига тўккиз тилло бериб, бор бозорга бориб, бир ола хўржин билан, бир оқ эшак топиб кел, деди.

Карамжон бу ишларни бажаргандан кейин, Ошик Ойдин эшакни миниб, хўржинни солиб, оркасига Карамжонни миндириб, Рум шахрига караб йўлга равона бўлди.

Бу тапларни эшитган Гүрүгли шу вактда буларнинг олдига чиқди. Йўл бўлсин бобо, деди. Бобо айтдики, Рум шаҳрида Хирмондали деган бир киз бор экан, шу ки: бу болага тақдир килинган экан, шуни олиб бермакка бораёттирман, деди. Шунда Гүрүгли айтди: Эй бобо сени боражак еринга биз хам борганимиз, биз хам сенини ёнинга имон талааб этиб келиб ётганимиз йўқ, Хирмондалининг ёнинга бир-икки бориб, тошимиз паст келганидан бир йўл кўрсатар деп сенинг ёнинга келиб кўш ташлаганимиз, деди. Ошик Ойдин айтдики, эй ўғлим сен ўн борсанг хам, у киз сенга тақдир этишган эмас, деди. Гүрүгли тирдан бу жавобни эшиттандан кейин, салгани масхи кавушни отиб уриб, ўз либосларини кийиб, Фиротни миниб Чандибел нердасан, деп бадар кетди.

Энди сўзни Ошик Ойдин бободан эшиттияг. Бобо кўп замон йўл юриб, Рум шаҳрига етди. Хирмондали кизнинг уйини сўраб, богини топиб, бориб айланиб ўврилиб кўрди. Кизнинг богинини кун чиқар томонида катта бир кабристонлик бор эди. Шунини катта бир хонокоси бор эди, шу жоёга кўш ташаб ётаверди. Пир Карамжонга йўл-йўрик кўреатиб, гунорта махали богнинг ичига кириб, Хирмондали киздан бир хабар олиб чиқишини буюрди. Эртаси куни гунорта вакти Карамжон дуторни оркасига танғиб, бокка кирди. Кириб кўрса хамма ёк лолазор, канизлар бехисоб. Карамжон канизлардан ўтиб нарирок борса, Хирмондали саройининг эшигидан чикаётган экан. Хирмондалининг кўзи бирдан Карамжонга тушди.

-Хой, ўглон не иши билан юрибсан?- деди киз.

-Мен ўтинчи савдогар боласиман, ўтимиз ўчуб колди, ўт сўраб келдим, деди бола. -Ўт керак бўлса ана ўчокда, олавер, деди Хирмондали. Карамжон эгилиб ўчокдан ўт олиб, монгатга солаётирган вактида оркасидан дутор кўриниб кетди. Дуторга кўзи тушган Хирмондали сўради: эй ўглон, сен бахшимисан ё ошикмисан? Карамжон айтдики, хаммасидан хам оз-моз бор. Кани эса созингни қўлинга олиб, бир соз, этиб бер, шунда сенинг ким эканлигининг биламиз деди киз. Шунда Карамжоннинг тиллодан ҳал берилган қазма дуторни қўлига олиб, кизга қараб туриб айтган шеъри:

Мени сўрсанг келдим Бастом элининан,
Карам ўглон боғ сайлина келибдур.
Боғбон бўлиб гуллар терсам боғингнан,
Карам ўглон боғ сайлина келибдур.

Мен бир ошик сенга келдим соз билан,
Бир жайрон овладим бахри боз билан,
Савашим бор Хирмондали киз билан,
Карам ўглон боғ сайлина келибдур.

Боғбон бўлиб боғинг гулини термишам,
Хизмат айлаб куллуғингда турмишам,
Сенинг билан бирга даврон сурмишам,
Карам ўглон боғ сайлина келибдур.

Ошикларнинг иши сухбат-соз бўлар,
Қиши кунлари ўтиб, баҳор, ёз бўлар,
Ўттидан сўнг куч камаяр-оз бўлар,
Карам ўғлон боғ сайлина келибдур.

Вактинг ўтса кариб қадинг дол бўлар,
Халифамни кўриб тилинг лол бўлар,
Ошикларга сийнам усти жой, бўлар,
Карам ўғлон боғ сайлина келибдур.

Ошик Карам ошик бўлдим ўзинга,
Курбон бўлай ёрнинг кора кўзига,
Ошик бўлдим онасининг кизига,
Карам ўғлон боғ сайлина келибдур.

Карамжон бу сўзларни айтиб тамом килгандан кейин киз унинг бу сўзларидан маънно топиб олди, ўғлоннинг гапга бурро эканлигини билди. Лекин сир билдирамасдан бир баҳона топиб, уни хайдаб юборишни кўнглига тугди. Карамжоннинг «Ошик бўлдим онасининг кизига» деган сўзини баҳона килиб, сен мени ўйномокка келган экансанов, мана сенга «онасининг кизи» деп, дуторни икки бўлиб, синдириб, болани бодган ҳайдан чикариб юбарди.

Карамжон эшикка чикиб туриб ўйланди: дуторни синдиритириб, халифамни ёнинг борсам, халифам ҳам сен шу киздан боски топиб келдингми, деп мени хўрлаб юрса, кел кани кайтадан бир ўзимни синаб кўрай деп, бокка кайтди.

Ичона кириб, узокрокда туриб, синган дуторни кўрсатиб, Хирмондали кизга караб, иккинчи марта айтган шеъри:

Синса синсии бизнинг дутор,
Синган дутор излашармиз.
Сен-ла устозим келганда,
Нор туюдай дизлашармиз.

Ошикларнинг кўнгли ёздир,
Иши мудом сухбат-создир,
Дуторнинг хуни бир киздир,
Халифам келса гаплашармиз.

Эсингдан бўлибсан жудо,
Юзингдан кетибдур хаё,
Бизга-да ёр бўлар худо,
Ҳак дил берса сўзлашармиз.

Хирмондали келди қаҳринг,
Йўқму сенинг номус оринг,
Нечун синдиридинг дуторим,
Синган дутор излашармиз.

Ошик Карам менинг отим,
Оллога етишди додим,
Ошик Ойдин пир-устозим,
Устоз келса сўзлашармиз.

Карамжон бу сўзни айтари айтди-доп кизнинг авзойини кўриб қўрқиб кочди. Хирмондали туто-тут деп Карамжоннинг изидан югуриб, тутиб кўлтигидан олиб, саройга киргизиб, етти кат кўрпачанинг устига кўйди. Карамжон боғдошли куриб ўтираверди. Шунда Хирмондали киз айтдики, эй, ўғлон шу ўтиришингда бир нарса айт, жуфт айтсанг ҳам ток айтсанг ҳам ўласан, деди.

Шунда Карамжон: бу нучук гурринг бўлди, бу элда йўқ гурринг-ку, кел яхши айтсан айтаколай, деп бир газал айтди:

Бир сўзим бор уяламан айтмоқа,
Айтсан ўлдирасан, айтмасам ўлам.
Ок сийнангда битган кўша норингдан,
Тутсан ўлдирасан, тутмасам ўлам.

Мен сени севарман жон билан дилдан,
Сен мени севмака кўркарсан элдан,
Морка бармоклардан, хиноли қўлдан,
Тутсан ўлдирасан, тутмасам ўлам.

Ман кечибман иомус билан оримдан,
Мен кўркманам ғазаб билан қаҳрингдан,
Ок юзингда битган кўша холингдан,
Суйсам ўлдирасан, суймасам ўлам.

Ошик Карам сирам сенинг кўйнинга,
Хеч ким чидай билямас сенинг ўйининга,
Мен кўркаман қўлим солсам бўйнинга,
Солсам ўлдирасан, солмасам ўлам.

Карамжон бу сўзни айтгандан кейин Хирмондали айтди, тўхта, сенинг устозинг ким?

-Менинг устозим Ошик Ойдин, деди Карамжон,

-Устозинг Ошик Ойдин бўладиган бўлса, биз гунохкор бўлган эканмиз, у киши ошикларнинг пири, ҳам устози бўладилар, унда биз дуторни ногўри синдирибмиз, уни тузаттириб беришимиш керак экан, деди Хирмондали. Шундан сўнг дарров шу яқиндаги Гойиб харрот деган устани чакиртириб, дуторни бурунгисидан ҳам яхширок этиб, тузаттириб берди. Хирмондали яна айтдики, эй ўғлон, сенинг устозинг билан биргаликда чакирдик, бизда меҳмон бўласизлар бор, халифандиги олиб кел, деп буюрди. Шундан кейин Карамжон дуторни кўлита олиб пирнинг олдига борди.

-Нима килиб келдинг, ўғлим, ошигининг кўрдингми, деди Ошик Ойдин.

-Хова кўрдим, сизни бояига чакириб юбарди, меҳмон бўлар эканмиз, деди

Карамжон.

-Ховликма, сен ўглим, энди ишни бопладик деди пир, сенинг ишкинг унинг ийна сандигидан ўрии олган бўлса, ўзи излаб келади, деди. Шу кеча иккиси таҳорат-ибодатда бўлдилар.

Карамжон билан Ошик Ойдин меҳмонта келавермагандан кейин Хирмондалининг ичига хўвл тушди. Эргасига эрта билан ўринидан туриб, чойчиликмидан ёзилишиб, канизларни ёнига чакириб, сўз юритдики, шахри Бастом леган инноятдан ошикларнинг ҳам пири ҳам устози Ошик Ойдин пир келган экан, биз бундан бехабар колиб, шогирдини уриб, дуторни синдириб, уриб қувиб юбарган ёник. Ул ўғлон бориб халифасига айтган бўлса, пир агар ўпкалаган бўлса, ўнохкорлигимизни айтиб узр сўрамасак бўлмас, деди.

Шундан кейин канизлар билан биргаликда Ошик Ойдин билан Карамжонни излаб йўлга чиқдилар. Энди сўзни Ошик Ойдиндан эшиитинг. Ошик Ойдин Хирмондалини барибир излаб келишини билар эди. Шунинг учун Карамжонга Хирмондали келганда нима киласагини ўргатиб, ўзи бир мозорнинг ичига кириб ёти. Шу вақтда Хирмондали канизлари билан келиб, Каримжонга дуч бўлди. Ундан сўрадики, эй ўғлон, авлиёнинг бошинда нима килиб турибсан, оқшом нега меҳмонга бормадингизлар? Унда Карамжон устози ўргатганидай килиб айтдики, ишлэ бояинда туришимга сабаб, оқшом кайтиб келсан устозим ўлиб колган экан, шуни жойлаб турипман, леди. Шунда Хирмондали Карамжонга караб, хавоий сиёсат этиб, бир шеър айтди:

Нечун сен кўркмадинг маннан,
Сен не ернинг ўғлонисан?
Айрилибсан устозингнан,
Энди ўзинг омонмисан?

Шунда Ошик Ойдин гўрда ётған еринда кизнинг сўзини эшитиб, чанг-чўпини кокиб, бирдан гўрдан чиқиб кизга караб жавоб бериб бир шеър айтди.

Юз минг мукома дўндириб,
Ёш кўрдингми ўғлонни сан?
Уриб дуторни синдириб,
Бўш кўрдингми ўғлонни сан?

Кет, бобо келган йўлинга,
Карамай согу сўлинга.
Дўгри келибсан ўлма,
Нерлан чиккан девонасан?

Оппикнинг сийнаси чокдур.
Сигингани мудом ҳақдур,
Бобонгнинг хаёли кўплур,
Кўрсагатгўр, сийнангни сан.

Кет бобо, кўзимдин йирок,
Гарданинга деяр таёк,
Ўзинг карри, соколинг ок,
Кўл узатма сийнама сан.

Чекма пардани юзлара,
Қарама бошқа кизлара,
Ёшлик этарсан бизлара,
Чакир, келтири онангни сан.

Хирмондали кайтдим ройдин,
Юзларим тиникдир ойдин,
Бобо, келдинг кайсан жойдин,
Тилга олма онани сан.

Ёнди, ширин жоним ёнди,
Диним Мухаммад диниди,
Мен ўзим Ошик Ойдиндан,
Азиз сакла, меҳмонни сан.

Хирмондали айтишувда Ошик Ойдиндан енгилди. Ундан кейин буларни бокка киритиб иззат-икром билан меҳмон қилди. Шу вактда Хирмондалининг отаси Арслонбой бу воқеанинг устига келиб колди. Бу бобони кўриб, сен энди келиб-келиб шу девонага борасанми, деп, жанжал кўтариб, Ошик Ойдин билан Карамжонни уриб-уриб хайдаб юбарди. Ошик Ойдин боғдан чикиб, бир жойга бориб, яхшилаб ўйланди. Шунда бирдан Рум подшосининг ўзига танишлиги ёдига тушиб, тўғри подшонинг саройига қараб йўла равона бўлди. Подшо пирнинг арзини тинглаб, икки ясовул билан Арслонбойни оёгини ера тегизмасдан саройга олдирди. Подшо айтдики, эй занғар, Арслонбой кизининг оламга келганида эълон берди:

-Ким мени айтишиб енгса, тутишиб йикса шунга бораман, деп сайлаб 360 йигитнинг калласини кесди, ё булардан хабаринг йўқмади эди, шу йигитларнинг хўстор-ховондори кон-хун талааб килиб не сен ёкка, не мен ёкка келмадилар-ку. Шу кизинг рос бу пирдан енгилган экан, ўзинг тўй-томуша этиб бермайсанми? Ҳозир кизингни шуларга бермасанг дорга остираман, леди подшо.

Арслонбой ажаб бўлади деп, ўғил ўрнига саклаб кўйган кизи бўлганликдан уч кеча-кундуз тўй-томуша килиб, эл-юртни йиғди, шу тўйда Ошик Ойдин Хирмондалини шогирди Карамжонга баҳш этди. Хирмондали билан Карамжон мурод-мадкеадига етдилар.

Ошик Ойдин бир неча кун меҳмон бўлгандан кейин жавоб олиб қайтмоқчи бўлди. Арслонбой розилик берди, 40 нарнинг устига хўржин юқлаб, уларни тиллодан тўлдириди. Уларнинг устига бобони, кизи билан Карамжонни ҳам миндириб, ёнларига одам кўшиб, уларни шахри Баствомга жўнатиб юбарди. Ошик Ойдин Баством вилоятига бориб, Карамнинг отаси уста Бодомнинг уйига келин тушириди. Бу ерда ҳам уч кун тўй-томуша бериб, от чоптириб, олтин ковок отдириб

му род-максадига етди.

Энди гапни Гүрүгли Султондан эшитинг. Хирмондали кизни Карамжон олди деган хабар жаҳон-оламга овоза бўлиб кетди. Бу сўз Чандибел вилоятиндаги Гүрүглибекнинг кулогига ҳам етди. Гүрүғли бу сўзни эштиб ундаи бўлса мен уидан бир хабар олиб келай деп шойи шаймонини тутиб, Фиротни зартанг ибартанг эгарлаб, йўла равона бўлаверди. Гүрүглиниң Сафар Махрам деган бир ботир, саркарда йигити бор эди, шу бориша Гүрүғли шунга дуч келди. Гүрүглиниң йўлга отланаётирганини кўриб, Сафар Махрам айтдики, эй, Гүрүғли оға, йўлинг бўлсин, нера бориб, нердан келжаксан? Шунда Гүрүғли айтдики, шахри бастом вилоятига бориб Хирмондалидан хабар кутмокдаман, деди.

-Агар сан шахри Бастом вилоятига кетажак бўлсанг, шу нарса эсингда бўлсинки, келишида бизга бир семиз киз келтир, деди Сафар Махрам.

Гүрүғли айтдики, кани киз нечук бўлсин, шуни шеърда таърифлаб бир айтиб бер, деди. Шунда Сафар Махрамниң кизни таърифлаб, Гүрүғлига қараб айтган исъри:

Арзим эшит, Гүрүғли оға,
Биза бир севар ёр гатир.
Бир ёра бўлдим интизор,
Оға, биза бир ёр гатир.

Бўлдим отангни кўшинда,
Кулфат колмасин бошимда,
Бўлсин йигирма ёшинда,
Оға, биза бир ёр гатир.

Ўзи эшон, сўфи бўлсин,
Кийгани зар тўпни бўлсин,
Юмолок ҳам лўппи бўлсин,
Оға, биза бир ёр гатир.

Олтин-кумушдан шайлансин,
Кўрганинг акли бойлансин,
Айвонда зўрдан айлансин,
Оға биза бир ёр гатир.

Чаппа окиб денгиз бўлсин,
Ошиклида тенгиз бўлсин,
Узун бўйли, семиз бўлсин,
Оға, биза бир ёр гатир.

Гүрүғли бек, бир од айла,
Ўтганларни сан ёд айла,
Сафар Махрамни шод айла,
Харна гатирсанг, бор гатир!

Сафар Махрам бу сўзни айтиб тамом килгандан кейин Гўрўғли бир киз олиб келишга вавда бариб, шахри Бастом вилоятига караб йўлга равона бўлди. Чўли жазиравлардан ўтиб, тогу тошлиардан кечиб, Бастом вилоятига бориб етди.

Гўрўглининг кўлида бир казма дутор бор ади. Сен хам боргандга бир баҳона бўларсан, деп икки буқлаб синдириб, хўржинга солиб кўяберди. Гўрўғли одамларлан уста Бодомнинг уйини сўрай-сўрай охири устанинг дўконининг олдидан чикиб отдан тушди. Гўрўғли отини жой боғлаб, устанинг дўконининг очиклигини кўриб, унинг бор аканини билиб якин борди. Бориб, копидан калласини сўқди. Унинг эгнидати ёй хам каса турган эди, бир интилганда копини ёнгозихи билан бирга кўпориб ичона кирди.

Эндиғи сўзни уста Бодомдин эшиитинг. Уста Бодом бир нашаванд, бангги одам эди. Нашаси хам тамом бўлиб, кайфи хам кочиб ўтирган эди. Гўрўғли ёнгозинки эгнига илдириб, ёнгиздин губурдаб дўконга кирганинда устанинг юраги ёрилиб кўркиб, жони чикиб кичкирди: эй, сен накора одамсан, наттан саҳройисан?

Гўрўғли хеч нарса билмаган одамдай бўлиб, ассаломмалакум уста, сени одовозантни эшитиб, Чандибелдан чикканман, бизнинг бир яхши дуторимиз бор эди, синди, шуни тузатирмакка келган эдик, дўконни кописи хам тор экан сиғмадим, нeda бўлса кечирасан, деп синик дуторни чиқариб, устанинг кўлига бериб, бир шеър айтиб дурган ери:

Сени дейиб Чандибелдан келмишам,
Устам созим кайил, кардош бўлали.
Ҳасрат билан заъфарондек сўлмишам,
Устам, созим кайил, қардеш бўлали.

Устасан, устасан, килма баҳона,
Овозант тушибди жумла-жаҳона,
Бир кеча меҳмонман кизинг-жувона,
Уста, созим тузат, кардош бўлали.

Эллар кўриб Чандибела кўз этсин,
Ани кўриб элдан эла сўз этсин.
Кўз ўтмаса, бу шогирдинг тузатсин,
Уста, созни тузат, кардош бўлали.

Эллар кўзи Чандибелнинг дузина,
Курбон бўлай шегирдингнинг кўзина,
Садаф кўндирип устам, созим юзина,
Устам созим кайил, кардош бўлали.

Бу сўзни эшигтандан кейин уста дуторни кўлига олиб, у ёна, бу ёна айлантириб, ўврилтириб кўраверди. Шунда Гўрўғли: эй уста мен сенга аввалидан бир тилло бериб кўяй, яхшироқ этиб тузат, дегандан кейин устанинг кўнгли хуш бўлиб кетиб сўради: эй ўглим, отинг ким? Гўрўғли айтиди: отима Гўрўғлибек

жерлар. Уста Бодом Гүрүглибек отини эшитгандан кейин алди олти, сиғи етти бўлиб, баракатло ўглим, алашма этма биз бир гиёванд одам, энди кистанма, чойчилимдан ёзилишавер, деп чилимга одам юбориб олдириб, ичиб масти бўлиб, тўнтилини жам этиб дугорни покиза этиб тузатиб, Гўрўгини кўлига берди. Энди сени бир эчки сўйиб меҳмон этай деп, бир кўтирип эчкиси бор эди, сўйиб козонга сабарли. Шўурва бир кайнаб чиккандан кейин ластурхондаги бори нонни олиб сўтигига кисиб, козоннинг кулогига минди, Гўрўгли. Айтдики, эй бобо оч бўлган жанмиз, бизни алашма этма, узок йўлдан хориб келдик, деп хом шўравдан коринини тойим тўйдириб олди. Гўрўгининг ёнида бир 12 мискол чикар-чикмас дори бор эди. Гўрўгли одамни бехуш киласиган шу дорини козоннинг бир четидан куйиб юбарди. Эчкининг эти билан дори хам койим кайнаб пишиди.

Эндиги сўзни уста Бодомдан эшитинг. Уста Бодом, оч бўлдик ўглим, деп зехкон дешдовон одамларни чакириб, овкат зўр бўлди деп, Гўрўгини хам чакириди. Шунда Гўрўгли айтдики, эй ота, сизлар бемалол еб-ичаверинглар, ёнга мен хом шўравдан койим тўйган эканман, дим бўлмаса козоннинг четида оз-моз кўя кўйинг, седи. Уста Бодом бояни эчкининг этига тўлдириб, нонни хам нўмай тўғраб олиб седи. Бодяга кўл узатган одамнинг фотиха ўқишга хам равоти келмай кославарди. Хамма бехуш бўлиб, ухлаб колгандан кейин Гўрўгли Хирмондалини чакириди. Шу вактда Карамжон хам шикорга кетган эди. Хирмондали билан Гўрўгли сўрашдилар-исташдилар, ака-сингил бўлдилар, Гўрўгининг олдидан Хирмондали турли таомларни ўтказди, бош-оёқ сарполар кўйди. Кўнглини хуш этиб узатжак вактида Гўрўгли айтдики, аммо Хирмондали, бизнинг бир ботир, саркарда йигитимиз бор эди; шу бизга бир зот кетир, деган эди. Хирмондали айтди: Гўрўгли эга, кани айт, шу айттанинг не зот, деди. Бизга бир киз топиб кайт, деган эди, деди Гўрўгли.

Хирмондали айтдики, оға бу иш учун хотиринг жам бўлсин, уста Бодомнинг беш кизи бор, тонгда гул термакка чикадилар, сен боғнинг дарвозасининг олдига чикиб тур, мен уни эргаштириб бораман, боғдан чикараман, ангсасига чангалини солиб ўта кет,-деди Хирмондали. Гўрўгли эрта билан боғнинг дарвозаси олдига чикиб турди. Уста Бодомнинг улии кизи этагини тўлдириб эрта тонгда гул териб юрганида Хирмондали кидириб келамиз деп уни эргаштириб, дарвозадан чикарди. Кизга Гўрўгининг кўзи тушгани замон, келиб кизининг энгасига чангалини солди, Хирмондали оркасидан кўтаришиб юбарди, иргиб Гўрўгининг оркасига минди. Гўрўгли ғротга камчи босди, шу орада бир кичик дарё бор эди, от югуриб келишида ўзини зингди, шу зингтандан дарёнинг ориғи канорига бориб тушди. Шу орада канизлардан бири кизнинг олиб кочилганини билиб, югуриб уста Бодомнинг ёнига бориб, тутиби уйғотиб, устага караб бир шеър айтди:

Уста Бодом, кизинг кетди,
На боғ туди, на боғбонинг.
Бир ўч ѹйгит олди кочди,
На гул туди, на гулзоринг.

Дунёнинг кечарин билди,
Сенга бир ёмон гап бўлди,

Бир хароми, занғар келди,
На дўст туйди, на душманинг.

Олиб кочарин ўйлади,
Оти, ёргон шайлади,
Бибимни ота жойлади,
На гул туйди, на гулшанинг.

Гулшан деяр, ёниб келдим,
Туганмас балоға колдим,
Улли Бибимдин айрилдим,
На баг туйди, на боғонинг.

Уста Бодом бу сўзни эшитиб, тенга, бичкини, кочов, болтани хўржинга солиб, бир ола ёбини миниб, чиқди. Бу от 40 камчи урса бир йўртмас, ўт еса оғзи ерга етмас, отлатсанг орава шигирдан ўтмас бир от эди. Уста Бодом шу боришига дарёнинг бўйинга етди. Караса дарёнинг ориёгинда кизи билан Гўрўглини кўрди. Хўржиндан пойтешани олиб, ол Гўрўғли ўлдинг, деп отиб юбарди, пойтеша дарёнинг ўртасига бориб тушди. Сўнг кўлига болтани олиб бошидан гирлантириб отиб юбарди, у хам дарёнинг ўртасига тушди. Энди газик бичкига келди. Бичкини олиб ол, энди ўлдинг Гўрўғли деп, назарлаб бошидан айлантириб турган эди, бичкининг тиши бурнинг бир палласига илишиб, кўпориб олиб ўта кетди. Уста Бодом ўйланди, бу ишимиз бўлмади, тос бўлмаса бурундан айрилган эзик, энди бир хушиомад уриб кўрай деп, дарёнинг бери ёнинда туриб, Гўрўглига қараб зйтган шеъри:

Ғўч йигитнинг тушар йўли,
Ташла, Гўрўғли, ночорни.
Мард бўлмасми туркман ўғли,
Ташла, Гўрўғли, ночорни.

Отинг тоғлардан ошмасми,
Бу жонинг ёниб кўймасми,
Яна дуторинг синмасми,
Ташла, Гўрўғли, ночорни.

Гиротинг тоғлардан ошар,
Мард марда келиб учрашар,
Яна манго ишинг тушар,
Ташла, Гўрўғли, ночорни.

Кизил гуллар солланади,
Доғ бошинда дўланади,
Кизим киши галиниди,
Ташла, Гўрўғли, ночорни.

Арзимни борини дедим,
Қалинини олиб едим,
Қийналдим мен, ёндим-куйлим,
Ташла, Гүрӯғли, ночорни.

Уста Бодом бу сўзни айттиб тамом килгандан кейин, Гүрӯғли айтдики, эй уста, хафа бўлаверма, шугун-эрта Усмонлига чоповулга ўтаман, қизингнинг калининг шунда етти пудлик бир эчки ташлаб ўтаман, деб Чандибел вилоятига караб кетаверди. Тоғу дара, чўлу жазиралардан ошиб, Чандибел вилоятига бориб етди. Борса Гүрӯғлининг ботир йигити Сафар Махрам улли меҳмонхонани безаб, ўзининг тенг-тушлари билан хазм- базм килиб ўтирибди. Гүрӯғли отдан тушиб, лами-тичини олгандан кейин Сафар Махрамнинг тўйинни бошлаб, уч кеча-кундуз тўй-томоша этиб, олиб келган кизини Сафар Махрамга никохлаб, мурод-максадларига етдилар.

Бу достонни ўқиб кўрган, эшигтан хамма мурод-мақсадига етсин!

Авазнинг келтирилиши (Китобий вариант)

Аммо ровийлар андоғ ривоят килурларким, Ваёнгон шаҳринда Булдуруқ кассобининг Авазхон деган ўғли бор эрди. Юсуфшохнинг хизматинда эрди. Қаландар деган бир киши подошоликни тарқ этиб, келиб Юсуфшохнинг хизматкори бўлди, ҳар кунда бир мартаға Авазхонни кўрмак учун. Кунлардин бир кун Юсуфшоҳ кушлаб кетди. Авазхон мунда арз сўраб қолди. Ул Қаландаршоҳ Авазхоннинг жойинда туриб айди: -Эй Авазхон, манинг арзим бор. Авазхон айди: -Айтгил, на арзинг бор? Анда Қаландаршоҳ айди:-Ман уч йил бўлди, подошоликни тарқ килиб, сани ҳар кунда бир мартаға кўрмак учун хизматкор бўлдим. Эмди манго ҳар юзингдин бир жуфт бўса, сакокингдин бир жуфт бўса бергил, деди. Анда Авазхон айди:-Рост айтурсан. Ман Юсуфшохнинг хизматинда турурман. Анинг ионини ерман, тўнини киярман. Юсуфшоҳ келгандин сўнг жавоб олурман. Бир бўса бергил деса, икки бўса берурман. Икки бўса бергил, деса уч бўса берурман. Қаландаршоҳ туриб кетди. Юсуфшоҳ кушдин (шикордан) келди. Қаландаршохнинг сўзин (Авазхон) Юсуфшоҳга арз килди. Аваз айди:-Сан кушга кетиб эрдинг. Анда Қаландар мандин беш бўса тилади. Ман сандин берухсат бармадим. Не жавоб айтурсан? Анда Юсуфшохнинг қаҳри келиб айди, жаллодларга буюринг;- Қаландарни ўлтурсунлар. Анда Авазхон айди:-Юсуфшоҳ бир ўғлон учун бир Қаландарни ўлтурубдур, деб маломат килурлар, деб гуносин тилади. Подшоҳ ўлтурмади. Корниға кирк камчи, оркасиға кирк камчи уриб айди:-Бу шахарда турсағ ўлтурурман, деб сиёсат килди. Анда Қаландаршоҳ айди:-эмди ман мунда турмасман, деб шул Чордогли Чамлибельда Гүрӯғлибекнинг ёниға бориб, ани устинга юбориб, Авазхонни алиңгидин олдуруб, бир оқшом ул бирла даврон сурмасам, Гүрӯғлибек шул хизматни битирмаса, бир туржини бўйниға иш такиб олини Гүрӯғлибек кўйиб, юрг-баюргт қантба-қант, шаҳарба-шаҳар отин ерга урурман, деб қасамёд килди. Шаҳардин чиқиб, юриш килди. Бир неча кунлар йўл

юриб, Чорлоғын Чамбилбела келиб, дарвозада оху нола чекти. Гүрүглибек майхонада ўлтурууб эрди. Гүрүглибек айди:-Эй Сафармарам ул каландарга бир жом танга чикориб бергил, теди. Сафармарам чикориб берди. Каландаршох уч мартаба жомини бошидииң айлантуриб, отиб юборди. Ҳар танга бир ёнға сочилиб кетди. Сафармарам айди:-эй Гүрүглибек, ул каландарга бир жом танга бердим. Бошидин уч маротаба айлантуриб, сочиб йиборди, ҳар танга бир ёнға кетди. Анда Гүрүглибек айди:-ул бедарл одам эрмасдур, мұнда келсун. Сафармарам олиб кирды. Гүрүглибек-жой бериб, сұраштилар. Анда Каландаршох айди:-манинг бир-иккى калима сўзим бор, соз бирлан баён килайин, деб бир варсоки айди:

Гүрүглибек, эшият мани арзимни,
Бошидин гечанларим баён айлайин.
Ваёнғонда Булдур кассоб ўғлини,
Авазхон сўзини аён айлайин.

Уч ийл биза завку сафо сурдирди,
Муборак жамолин биза кўрсатди,
Бен бўса деб саксон камчи урдирди,
Туганмас жонима азоб айлайин.

Магар ёши ўн тўрт-ўн бешда бўла,
Бир шайдо булбуллур кўнмишдур гула,
Мустафо биш бўлиб қирқ йигит билла,
Мудом кўл ковшурив хизматда бўла.

Курбон бўлсан Авазхонни белина,
Сарим курбон боғда кизил гулина,
Зарафшон кокили тушар белина,
Гул юзини моҳитобон айлайин.

Этнимда жанда, бошимдин кулоҳни,
Тилимдин кўймадим зикри санони,
Каландарман газдим неча қальъани,
Авазхон сўзини тамом айлайин.

Аммо Каландар бу сўзни тамом кииди. Алкисса, Гүрүглибек бу сўзни эшитиб туриб, кийротин эгарлаб кетарман бўлди. Анда Каландаршох айди: -Ҳай-ҳай Гүрүглибек, сани олиб келур ё келмасингни билурман. Шул ерда кўрмай (Авазхонни) таъриф киляб бир сўз айтгил, теди. Гүрүглибек кўрмай гойибона алина созин олиб бир сўз айди:

Кўнгил толвос этар Чамбилбелларни,
Ваёнғон шаҳрина борсам Авазжон.
Умидим борсангиз жаннат юзиндин,
Мудом хизматингда турсам Авазжон.

Санинг ишкнинг бўлди жонима ёгий,
Фуур айлаб шу кун минсам буроки,
Гойибонадин ёнар хуснинг чироги,
Қул бўлиб қулликда турсам Авазжон.

Қурбон ўлсан Авазжонни белина,
Жоним қурбон Авазжонни йўлина,
Миндуруборон кийротимнинг белина.
Чамлибела олиб келсан Авазжон.

Нар каби тиш кайраб кирсан майдона,
Йазидларни келтуурман омона.
Шоҳларнинг бошига туғса замона,
Бошим кетса юз ўгурмон Авазжон.

Гўрўгли дер, ҳак эшиксун ноламни,
Авазжон овозанг тутти оламни,
Яраттон биру бор берса ёримни,
Чамбизбела олиб келсан Авазжон.

Аммо бу сўзни тамом килиб, кетарман бўлди. Анда йигитлари айдилар:
Бизларга бир насиҳат айтиб кеттил. Анда Гўрўғлибек йигитларига караб бир сўз
айди:

Эй ёронлар мусулмонлар,
Сухбат айланг кўнгил очар.
Ёлгончи фоний дунёга,
Келган эгланмайин гечар.

Газманглар бехуда ера,
Уграюрсан ёвуз дарда,
Кўб ёлборсанг бир номарда,
Карши келса конинг ичар.

Беклар олдинда девондур,
Ани билмаган хайвондур,
Одам одамга меҳмондур,
Кўнгил кўнгилдин сув ичар.

Алкин баргана ал барсанг,
Қадрин билгана гул барсанг,
Қон олиб бир марда борсанг,
Дўғри борсанг қонинг ўтар.

Эгам номартни бор этмас,
Мардни номарда зор этмас,

Килич қалкона кор этмас,
Түфанд тегса тошдин гечар.

Еўч йигит майдонда юрса,
Ғанимларга карши турса,
Гүрӯғли Авазин гүрса,
Мол кайгурмас бошдин гечар.

Аммо Гүрӯғлибекни бу сүздин сүнг кирк йигити узотиб, бир хафта йўл юриб бориб бир ерга тушдилар. Аммо Гүрӯғлибек йигитларга нахорлик бериб айди: Сизлар эмди кайтинглар. Узотондин йўлдош бўймас. (Йигитлар) отларин миндилар. Анда Сафаркўса айди:-Бизларга бир насиҳат килиб кетинг. Анда Гүрӯғлининг йигитларига қараб бир сўз айтгони:

Бекларим ўғит берайин,
Ватан тарқ этувчи бўлма.
Ўзингдин гайри-номарда,
Қуллукин этувчи бўлма.

Ўгит берурман слона,
Ўйит кулоқда қолона,
Зинҳор гийбат сўз-ёлона,
Тилинг увратгувчи бўлма.

Эшикдин бокарлар тўра,
Йигитлар гаракдур бера,
Ўзи чакирмаган ера,
Талпиниб борувчи бўлма.

Бир чўрак барсангиз оча,
Зинҳор каъба боринг хажа,
Шул турғон қури ёғоча,
Ноҳақ кон суртгувчи бўлма.

Бир йигит зурёдсиз ўтса,
Моли яйраб тузда қолса,
Элаар анга толон солса,
Сан ани олғувчи бўлма.

Уйиш-ҳо Гүрӯғли уйиш,
Қариганда айла, хуруж,
Уришсанг мард билан уриш,
Қочғани кувгувчи бўлма.

Алкисса Гүрӯғлининг йигитлари изина кайтдилар. Гүрӯғлибек бир неча муддат йўл юриб, Гармиён пахрининг майдонига борди. Кўрса узокдин бир ўғлон отини суриб келагурур. Гүрӯғлибек шул ерда туриб, ул ўғлонга бир сўз айди:

Аваз холин сўзла, манго бек йигит,
Кел, иккимиз бугун кардош бўлали.
Не сабабдин тушдинг ёвуз ерлара,
Кел, иккимиз бугун кардош бўлали.

Хар на максудингни манго баён эт,
Кўнгилдаги кийшу колинг аён эт,
Нихон сиринг болам бизга ошкор эт,
Кел, иккимиз бугун кардош бўлали.

Ёр йўлинда бир ошики шайдосан,
Ё юртингда адолатли подшосан,
Боги эрам ичра гули раъносан,
Кел, иккимиз бугун карлош бўлоли.

Санинг дининг ҳақдур нозанин ўғлон,
Калима арз айла бўлғил мусулмон,
Агар борму ота-онанг меҳрибон,
Кел, иккимиз бугун кардош бўлали.

Бу дунёда сургил айш ила даврон,
Оллоҳ панохинда сакласин омон,
Санга берам молу дунё фаровон,
Кел, иккимиз бугун кардош бўлоли.

Равшан айтур, десам сўзимни санго,
Тараххум кил, мандек ғамли қуллара,
Жавобини бир-бир баён эт манго.
На шаҳардин бўлурсан, кардош бўлали.

Алкисса, ул ўғлоннинг одига Султон дер эрдилар. Ул ўғлон айди:-Гармиён эдшосининг кизининг кирк газ кўшки бор турур, Кирк газ корим қаздирибдур. Етмис бир пахлавон ҳам бор. Ани йикса, ул кўшқдин ҳам ўқ ошурса, коримдин отин отлатса, ман шул одамга борурман, леб ваъда этибдур.

Ман Чамлибела бориб, Гўрўғлибекни олиб келсан, манго олиб берур, деб борурман. Гўрўғлибек ул ўғлоннинг ихлосин кўриб, кўтариб қийротнинг сиртига миндириб, кальянинг ташқарисидин бориб, коримга қийротни тутти. Қийрот коримдин тўрт газ ўтиб тушди. Андин сўнг боғга кириб кўшк остига келиб, отдин тушшиб ўлтурдилар. Шул вактда Султон уйқуға мойил бўлди. Ул киз кўшк устинда ўлтурууб эрди. Киз бир канизина буюрди:-Бориб ани (Гўрўғлини) бир хийла бирлан узотиб юборгил. Сиёки бузук кўринур, теди. Каниз тўkkиз нон, бир сабат узум келтурууб кўйди. Гўрўғлибек ховуз лабига боруб, нон бирлан узумни еб, фотиха ўқиб, канизнинг ёнига келиб, кўшкка караб ўқ отди. Ва яна кўшқдин кирк газ ўтиб кетди. Андин сўнг Гўрўғли канизга караб бир сўз айди. Каниз ҳам шоир эрди, жавоблашдилар:

Саволи Гүрӯғли:

Каниз, хар жойи газарсан,
Таркингдин тутсам не бўлур?
Таркингни жабрин тортинча,
Бибингни олсам не бўлур?

Жавоби каниз:

Санинг бирлан сўзлашмасман,
Йўлинга гетсанг не бўлур?
Бибим эшитса ўлтуур,
Ўлмайин кетсанг не бўлур?

Саволи Гүрӯғли:

Гелани йўқтур гетмака,
Санингла сафо сурмака,
Сийнанг устина минмака,
Минмайин кетсам не бўлур?

Жавоби каниз:

Ошик бўлсанг мунда турма,
Номаҳрамнинг юзин кўрма,
Бибимни оғзинга олма,
Сани ўлтурса не бўлур?

Саволи Гүрӯғли:

Жоним танда омонатдур,
Йигитлик беш кун даврондур,
Иккимиз мунда меҳмондур,
Жуфт бўса берсанг не бўлур?

Жавоби каниз:

Гулшан айтур, чакиурман,
Бибим келур хамин замон,
Эмди ўларсан бегумон,
Сан мундин кечсанг не бўлур?

Саволи Гүрӯғли:

Гўрўғли кезар куш каби,
Сийналари кумуш каби,
Олғир овчи лочин каби,
Бибингни олсам не бўлур?

Андин сўнг қиз айди-эмди етмиш бир пахлавон бор, ани йиксун. Андин сўнг хар на ихтиёр аларда туур, теди. Бир ҷаҳлавон Гўрўғли бирла тутар вактинда Султон ериидин туриб, етмиш бир пахлавонни йикти. Шул вактда Гўрўғлибек Султонга караб дахл килиб, савол-жавоб айтишдилар:

Гўрўғли:

Манам келдим Чамбилбелдин,
Ёр манингки, ёр манингки,
Хабар сўрсанг бизинг холдин,
Ёр манингки, ёр манингки.

Султон:

Санинг бирлан йўлдош ўлдим,
Бир неча кун сирдош ўлдим,
Ариқ-ёбим чўлда колди,
Ёр манингки, ёр манингки.

Гўрўғли:

Фалак устидин дам урдим,
Ғанимнинг сирин чошурдим,
Қўшкунгдин ўқим ошурдим,
Ёр манингки, ёр манингки.

Султон:

Дочин каби қиё боқдим,
Ўртандум жонимни ёқдим.
Етмиш бир полвонни йикдим,
Ёр манингки, ёр манингки.

Гўрўғли:

Ета олмассан конина,
Киарсан ажал тўнина,
Ошиклиқ оға шонина,
Ёр манингки, ёр манингки.

Султон:

Манинг дардимни билмасанг,
Холимдин хабар олмасанг,
Оғамжон гариб кўрмасанг,
Ёр манингки, ёр манингки.

Гўрўғли:

Саримда бир думон бўлдинг,
Кўнглимда бир гумон бўлдинг,
Гўрўғлига дўгон бўлдинг,
Ёр саники, ёр санингки.

Султон:

Ошик маъшукина зордур,
Ошиклар ҳар ерда бордур,
Султон санга хизматкордур,
Ёр манингки, ёр манингки.

Алқисса, ондин сўнг етти кечакундуз тўй-томуша килиб, кизни Султонга никоҳ килиб берди. Ондин сўнг ўзи Авазжонга гетарман бўлиб, Султонга караб бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Кетар бўлдим Авазжонга.
Жафо чекди азиз жонлар,
Кетар бўлдим Авазжонга.

Баланд доғлардин ошайин,
Кўрсам Аваза жўнайин,

Түлиб дарёдек дошайин.
Кетар бўлдим Авазжонга.

Аваз бирлан бога кирсам,
Чаман боғлаб гуллар терсам,
Қўл солишиб бирга юрсам,
Кетар бўлдим Авазжонга.

Бошида тилло таллари,
Шакарлин ширин тиллари,
Кучмака инжа беллари,
Кетар бўлдим Авазжонга.

Гоҳи учиб, гоҳи қўниб.
Майдонда ол шароб ичиб,
Гўрўғли сариндин гечиб,
Кетар бўлдим Авазжонга.

Алкисса, бу сўзни айтиб, Гармиён шахридин чикиб, бир неча кунлар йўл юриб, бир чўпонға етишиди. У чўпонни одига Шохмирзо дер эрдилар. У Авазжонни хар йилда бир мартаба кўрмак учун келиб чўпон бўлди. Ул чўпон Гўрўглибекдин кўркгондин бир варсоқи айтганни:

Ҳайбат бирлан келдинг манинг ёнимга,
Сўзлагил бек ўғли, қайдин келурсан?
Не қасдинг бор манинг ширин жонима,
Сўзлагил бек ўғли, қайдин келурсан?

Ҳайбат бирлан борсанг ғаним устина,
Инсу-жинс, дев чидамас чостина,
Тўғри сўзла, келдинг кимни қасдина,
Сўзлагил бек ўғли, қайдин келурсан?

Чўпон бечоранинг аклии чошурма,
Зиёда дардимини ҳаддин очурма,
Тўғри сўзла, мандин сиринг ёшурма,
Сўзлагил бек ўғли, қайдин келурсан?

Остингда арғумок, сак араб отли.
Чор ойна, дубулға, колкон советли,
Шери паланг ҳайбатли, Рустам сифатли,
Сўзлагил, бек ўғли қайдин келурсан?

Ошиксан, маъшуқға назар солдингму?
Неча кун ёрингдин жудо бўлдингму?
Шохмирзо дер, Авазжонга келдингму?
Сўзлагил, бек ўғли қайдин келурсан?

Алкисса, чўпон бу варсокини тамом килди. Анда Гўрўғли айди:- Манго либосингни бергил. Сан манинг либосимни кийгил. Анда чўпон айди:-Манинг ёнимда минг тиллом бор эрди. Бир йилда Авазжон кўй сайлина чиконда, ани харакат килурман, теди. Гўрўғлибек танганинг одини эшишиб эрди, у чўпонни ўлтуруб, тўнини олиб юриш килди. Хар иччук йўл юриб, яна бир чўпон ёнига етди. Узокдин кўрса, ул қул чўпон сурнай чертиб ўлтуур. Гўрўғлибек якин боргач, туриб салом берди. Гўрўғлибек айди: -Бу ерларда нишлаб юрибсан? Анда ул қул айди:-Авазжон хар йилда бир марта кўй сайлина чиқар. Хар йилда бир марта ба кўрмак учун кўйин бокарман. Анда Гўрўғлибек айди:-Сан Авазхонга чин ошик бўйсанг, Авазжонни бир таъриф кил. Анда ул чўпон: -Ажаб бўлур, деб эроний куллар нагмасига чертиб, бир сўз деди:

Арзим эшият, Араб отли бек йигит,
Оху кўзли шохсувора банд ўлдим.
Уч йил бўлди бу жафони тортарман,
Зулфи сумбул гирибона банд ўлдим.

Сабр айлаб боғиндин узмай гулиндин,
Ўпишиб кучмадим тўймай алиндин,
Бир ерда ётибон сўрмай тилиндин,
Бир кўрибон гойибона банд ўлдим.

Қул бўлибон копусинда турмака.
Боғбон бўлиб боғ сайлина гирмака,
Ўн икки ойда бир марта ба гўрмака,
Анинг учун бу жойларда банд ўлдим.

Ул бир азиз шоҳдур, ман бир гадоман,
Шум фалак жабриндин андин жудоман,
Ғўч йигит арзимни санго айттурман,
Интизорлик чекиб мунда банд ўлдим.

Дунё моли етмас писта даҳона,
Овозаси тушли Рум, Исфаҳона,
Бир кўрибон ошик бўлдим гойибона,
Зарафшон коқишли ёра банд ўлдим.

Қул чўпон деюрлар манинг одима,
Бир ох урсам олам ёнар ўтима,
Хар замон Авазжон тушар ёдима,
Аваз, одли бир ўғлонга банд ўлдим.

Алкисса, ондин сўнг Гўрўғлибек чўпон бирлан вяъданни бир срда кўйиб эрди. Гўрўғли айди:-Ман бориб Авазжонни олиб келурман, деб кийротни бобога тошшурни кетар бўлди. Анда кийрот зор-зор йиглади. Шул вактда Гўрўғлибек кийротка кўнгил бериб, йиглама, деб бир сўз айди:

Мунда келдим деганда,
Йиглама, кийрот йиглама
Аваз деб этдим афона,
Йиглама, кийрот йиглама.

Келдим кофирнинг элина,
Кийротим тушар дилима,
Авазжон минар белина,
Йиглама, кийрот йиглама.

Ғаним жонин ёндиурман,
Душман юзин дўндиурман,
Авазжони миқдиурман,
Йиглама, кийрот йиглама.

Келибман коғир қасдина,
Қиличим олсам дастима,
Авазжон минар устинга,
Йиглама, кийрот йиглама.

Оқтурма кўзингдин ёши,
Урарман коғира доши,
Гўрўглини дўст йўлдоши,
Йиглама, кийрот йиглама.

Аммо бу сўздин сўнг Гўрўглибек неча вактлар йўл юриб, Ваёнгон шахрина келиб, Булдуруқ кассоб ўлиб еттисини берурлар, анинг устига келиб, майхонага кириб, юмаланиб айтурсатди. Булдуруқ қассоб оғам, карашларинг шулдир оғам, асли коринг куллар оғам, ўлинга баракат, умринга ўлат, деб шўҳим этаберди. Одамлар беш бир, ўн бир ҳар тарафга кочабердиллар. Бул нердин келган балодур, деб. Бир Гўрўглибек қолди. Шул вактда Авазжонни энаси панҷарадин караб айди: «Не ердин бўлурсан?» теди. Анда Гўрўгли айди: «Кўхи Балкондин келурман. Отам ул вактда манго кўп-кўп насиҳат килиб эрди. Булдуруқ қассоб оғангни молларини элтиб беракўр, деб эрди. Отамнинг васиятиларин тутиб келурман, теди. Етти минг етти юз кўй, беш юз корамол, уч юз йилки, тўрт юз туж келтурубман. Боруб олинглар, деб. Анда ул айди: «Булдуруқ кассоб оғангни арвоҳига бир оят ўқигил. Ондин сўнг ман сани Юсуф шоҳнинг хизматига юборурман. Не учунким, етти ёшдин саккиз ёшига кирган ўғлим бор, одига Авазхон дерлар. Молнинг кадрин билмас. Шул ўғлимни санго кўшиб юборурман. Сан бирга шул молларни келтириб кетарсан, деби. Анда Гўрўглибек айди: «Бизларни ластуримизда дутор бирлан куръон ўкурлар-деб чўпоннинг таёкини соз килиб бир сўз айди:

Мунда келдим Чамбилбелни юргидин,
Дастмояси халол қассоб истарам.
Курбон ўлам ширин-шакар тилингдин,
Дастмояси халол қассоб истарам.

Аслим сўрсанг маним Чамбильбелиндин,
Богда терсам тоза кизил гулингдин,
Қассоб ўлган бўлса мерос кўйингдин,
Дастмояси халол кассоб истарам.

Хиёвон кўчалар йўлинга курбон,
Тўти каби ширин тилинга курбон,
Сизлар туринг эмди ўғлинга курбон,
Зарафшон кокилли ўғлон истарам.

Курбон ўзасам ширин-шакар тилингдин,
Жоним олғон кора нарғиз кўзингдин,
Бир замон пардани кўттар юзингдин,
Оқ юзда занахдон жувон истарам.

Ҳеч номард чидамас манинг ўйнимни.
Кофириларга ҳеч эгмасман бўйнимни,
Олиб келдим етти минг етти юз кўйингни,
Дастмояси халол кассоб истарам.

Авазнинг онаси, кулсанг не бўлди?
Равшанга бир назар солсанг не бўлди?
Гўрўғли эрканим билсанг не бўлди?
Аваз одли дарда дармон истарам.

Алкисса, ондин сўнг Гўрўглибекнинг ёнига бир канизак қўшиб йибарди:-Бор, муни Юсуфшохнинг ёнига олиб бор,-деб. Ул канизак йўл юриб, якин борғонда, бир этли етиб келиб, ўта берганда Гўрўғлибек сўрди:-Бул кимдур? Онда каниз айди:-Юсуфшохнинг баҳхиси туур, одига Ҳасан шоир дерлар. (Шунда Гўрўғли) --Бор эрса, сан кетабергил, ман ўзим кетарман, деб Ҳасан шоирнинг изидин кетди. Ҳасан шоир бориб Юсуфшохнинг эшикida тушиб, саҳроламокға кетди. Шул вактда Гўрўглибек Ҳасан шоирнинг дуторин олиб, Чин макомида жир этаи. Онда Ҳасанбаҳши ериндин туриб, ичкури алинда Юсуфшохнинг ёнига кириб келди. Анда Юсуфшоҳ айди:-Эй Ҳасан, сани на арвоҳ уриб келди. Анда Ҳасан баҳши айди:-Эй подшойим, ташкарида бир чўпон соз кивлур. Ман анинг тутиб келурман, теди. Авазжон:-олиб киринг, дели. Онда икки йигит кириб айдилар:-Сани Юсуфшоҳ чакиратуур, теди. Бормали. Анда:-Авазжон чакирур, теди. Онда:-Хўш бўлгай, деб Юсуфшоҳнинг майхонасига борди. Ондин сўнг Авазжон:-Бир зарсоки айтгил, теди. Анда Гўрўғлибек :-Ажаб бўлур, -деб кўлина созин олиб, бул сўз бирлан Авазжонни таъриф кивлани:

Бизни беклар орзу этар,
Оқ юзда талларинг Аваз.
Сиё зулфинг хўб ярашур,
Оқ юзда холларинг Аваз.

Бизни мажлисда бўлмока,
Масти майхона сурмака.

Лочин турнам баҳриндадур,
Беклар язид каҳриндадур,
Ваёнгоннинг шаҳриндадур,
Исфаҳон элларинг Аваз.

Ошиқ бўлғон шароб ичар,
Ғўч йигит дин йўлин очар.
Газаб этса даштдин гечар,

Нечага тушибсан тила,
Омон бўлсам гирдинг кўла,
Гўрўғли кирқ йигит била,
Хизматкор кулларинг Аваз.

Андин, сўнг Авазжон айди:-Шоирликни кимдин ўргандинг? Онла айди:-
Гўрўглидин ўргандим. Яна Авазжон айди:-Гўрўғли деган кимдур? Онда айди:-
Чамбилибела Гўрўглибек деган бир йигит бордур. Ёнинда Авазжон деган бир
ўглони бордур. Онинг шаънида бир сўз айттур, олам хирожи. Агар сендек
Авазжонни кўрса; хар бир сўзи бир китоб бўлур. Онда Авазжон айди:-эмди
Юсуфшоҳнинг ҳакинда бир сўз айтгил. Гўрўглибек кўлига созин олиб бир сўз
айди:

Юсуфшоҳим Гўрўғлиниң,
Паризод ёрлари борлур.
Сабо сайрони чикганда,
Чаман гулзорлари бордур.

Ўзи газэр оға йўлли,
Йигитлари согу сўлли,
Эшики кирқ бешта қулли,
Санинглек куллари бордур.

Ул-ок ойдин юзинг каби,
Ширин шакар сўзинг каби,
Гулруҳ отли кизинг каби,
Махрам канизлари бордур.

Боғда очилғон гул каби,
Оқ юзда кўша ҳол каби,
Мисоли Авазхон каби,
Кирқ бир маҳрамлари бордур.

Орзу бирлан кийрот миниб,
Ғанимға карши югуриб,
Сабо туриб, жавлон уриб,
Хайру эхсонлари бордур.

Азиздур Гүрӯғли сарн,
Ғанимидин олур кори,
Ҳазрат Али унинг пири,
Забардаст пирлари бордур.

Алкисса, бу сўзлар сўнг Юсуфшо айди: - Бир ўғлон учун бул манго бунча сўзларни айди. Бор эмди хам бўлса, мундин юз дўндурудим, деб ҳарамхонасига кайтди.

Хамма жойли жойига кетдилар. Ул Махрам кул бирла Гүрӯғлибек колди. Ондин сўнг Гүрӯғлибек вактни ғанимат топиб, Авазжонга қараб бир сўз айди:

Эмди бу мажлисда ўлтура билмон,
Ваёнгон шаҳрига келдим Авазжон.
Сани кўйиб, танҳо кета билманам,
Муборак юзингни кўрдим Авазжон.

Диёри Табризда Чамбилбеллар бор,
Ғўч йигит болида килу коллар бор,
Богинда очилғон кизил гуллар бор,
Қирмизи гулларни терсанг Авазжон.

Сани дейуб ёздим олттин ҳатлари,
Оллоҳимдин келан неча зотлари,
Табладаги асл, бедов отлари,
Минибон доғлардин оишсоқ Авазжон.

Мани сўрсангт келдим Чамлибелиндин,
Умидим бор гулшанингдин, гулингдин,
Рўзи килса кучсам нозик белингдин,
Санинг бирлан даврон сурсам Авазжон

Гүрӯғлибек борур сафлар синдируб,
Гўр ажали дўғри йўлга эндуруб,
Хон айлаюб олтун тахта миндируб,
Мудом хизматингда бўлсам Авазжон.

Аммо Гүрӯғлибек бу сўзлар бирлан Авазжонни бўйнига миндуруб, намозшомла уйнга олиб келди. Онда Авазжонни онаси айди:-Сизлар бир замон ётиб уйқулаинглар. Ман бир нахори пишиурман, теди. Авазжон уйқулади. Гүрӯғлибек уйқулаамади. Нахори пишар-пишмасда Авазжон ериндин йиглаб турди. Онаси сўрди:-Не бўлди? Онда Авазжон зор-зор йиглаб, онасига қараб бир сўз айди:

Онажон, гафлат тушимда,

Бир қарчигайға бош қүшдүм.
Баланд парвозлик айладим,
Бир ёт ўлкаларга гүшдим.

Сабо туриб юро билмон,
Хеч кимсадин сүро билмон,
Орзу этсам күро билмон,
Онам, сандин айри түшдим.

Бу чөглар ажаб чогидур,
Кизың гүл хазон богидур.

.....
Фалак солди манго толон,
Бу сүзимда йўқтур ёлғон,
Кизил гулим урди хазон.,
Гўрўглибек алина түшдим.

Авазжон дерлар одима,
Ҳак егурсин муродима,
Кулок согил фарёдима,
Фалак тузокина түшдим.

Алкисса, ондин сүнг онаси сўзина кулок солмай, ўнггина нахори кўйди.
Гўрўғли сб фотихасини ўкиб, Авазжонни олиб, сахар вақтинда йўл юриб, эртанг
намозгаргача йўл юрди. Шахрига ето билмади. Шул вакт Авазжон зор-зор йиглаб,
Гўрўглига караб бир сўз айди:

Чўпон оға, олиб келдинг бу жойа,
Кўйунг бирлан кул деганинг ростмиди?
Ёлғон сўзлаб осий бўлма худога,
Кўйинг бирлан кул деганинг ростмиди?

Тур Аваз, деб ўн дўгмамни ўлтурдинг,
Майхонимнинг дарвозасин синдурудинг,
Мардлигингни Юсуфшохга билдиридинг,
Кўйунг билан кул деганинг ростмиди?

Чўпон оға олиб чикдинг чўллара,
Сайр этмадинг боғда кизил гуллара,
Зарафшон кокилим тушар беллара,
Кўйунг бирлан кул деганинг ростмиди?

Чўпон оға бўлсин умринг зиёда,
Дўст бўлубон душман бўлма орода,
Бир оқшомда олиб қочдинг пиёда,
Кўйунг бирлан кул деганинг ростмиди?

Чүпон оға мани олдинг-да кетдинг.
Сира хам күрмаган жойларға элтдинг.
Авазжонни мунча саргардон этдинг.
Күйүнг бирилан күл деганинг ростмиди?

Алкисса, ондин сүңг яна Авазжонни алдаб, яна бир неча дөг-дараларни ошурраб, бир неча вактда қийротни қўйгон ерига келиб, бир дөғнинг горинда бориб карор килдилар. Бир из вактдинг сүңг Авазжон ухлади. Кўп вактдин сүңг Авазжон ерицидин сараб турди. Анда Гўрўғлибек айди:-Нега йигларсан? Онда Авазжон зор-зор йиглаб, бир газал айди:

-Эй худованди жаҳон, гар кимасун иомеҳрибон
Молу мулким, тахти тожим, анда колди карвон,

Еурбати бошимга етди. айролик охирзамон,
Эй худоё, ман балолардин балоға уградим.

Эй худоё, ман анодин бўлмагайдим кошки,
Бу бебурда фонийға ҳаргиз келмагайдим кошки,
Бу чўпсн бирла қўшулуб юрмагайдим кошки,
Эй худоё, ман балолардин балоға уградим.

Эй худоё, ушбу кун кўрсам онамни юзларин,
Бир завол еткурмайин келтур манга сан ўзларин,
Кошки ширин асалдек ман эшитсан сўзларин,
Эй худоё, ман балолардин балоға уградим.

Эй худоё, ман бугун учдимки тушдим бир йирок,
Бир сипохи минди ёнимга кетурди бир бурок,
Сесканиб турдим еримдин тушмади юрдим бирок,
Эй худоё, ман балолардин балоға уградим.

Эй худоё, ушбу кун онамни кўрсам кошки,
Гул юзини кўрубон ҳолини сўрсам кошки,
Ул онамни олдида хизматда турсам кошки.
Эй худоё, ман балолардин балоға уградим.

Эй худоё колди онам ҳажримда бағри кон бўлиб,
Ёш тўкиб йиглар онам икки кўзи гирён бўлиб,
Хон Авазни кўрсангиз чўлларда саргардон бўлиб,
Эй худоё ман балолардин балоға угардим.

Аммо шул вактда Гўрўғлибек айди: -Йирок дерсан, бурок дерсан. Бурок леб отни айтурлар, йирок леб узок ерни айтурлар: Исфаҳонму? Қандаҳорму?
Эҳтимоли бор, Чамбилибелла хон бўлсанг, теди. Анда Авазжон айди:-Ман шундин шунга бориб, хон бўлурмаму? Бормасман. теди. Анда Гўрўғлибек айди:-Санинг тушингни ман дөг орасиға чикиб, йўриб келурман, леб дөг устига чикиб, бир мартаба югурди. Кийротининг ёнига борди. Кийротни дегра дошиндин айтаниб.

хушвақт бўлиб, кийротга караб бир сўз айди:

Кўзинг бўлса кўзла кийрот,
Келди, Авазжон келди,
Тилинг бўлса сўзла кийрот,
Келди, Авазжонинг келди.

Авазни кўрдим тушимда,
Онинг савдоси бошимда,
Ёшидур стти ёшинда,
Кўзла, Авазжонинг келди.

Ман келибман Чамбильбелдин,
Сабру карор кетди мандин,
Олиб келдим Ваёнгандин,
Келди, Авазжонинг келди.

Чинорин олдим ман боруб,
Дарда-даво келди табиб,
Юзин кўрмак бўлди насиб,
Келди, Авазжонинг келди.

Етушди оҳим худоға,
Рахм айлади гамли қулға,
Гўрўғли шукр оллоға.
Келди, Авазжонинг келди.

Аммо бу сўзни тамом килиб, тўрт юз тилло бериб, совут, чор ойна, шамбар, ойболта, найза, килич, қалкон, тубулға тамомин олиб, кийротни миниб, Авазжоннинг ёнига юриш килди. Авазжон йироқдин Гўрўғлибекни кўриб, йиглаб бир сўз айди:

Колир мавлон мани йўқдин бор этиб,
На мушкул савдода колдим худойим.
Иброҳимдек ўт ичинда зор этиб,
На мушкул савдода колдим худойим.

Ёлғончи дунёга мани келтуриб,
Кўп балолар бу бошима эндуриб,
Сабаб бирлан бу маконга еткуриб,
На мушкул савдода колдим худойим.

Йигитнинг азалдан баҳти каролур,
Очилур деб умид этмак хатодур,
Бугун манга ондин юз минг жафодур,
Жафоларға мани солдинг худойим.

Манинг касдим ўз элима бормокда,
Ёру дўстим бирла ишрат килмокда,
Ман юурман майдонларда ҳасратда,
Тухмат айлаб жоним олдинг худойим.

Неча кундир жудо тушдим юртимдин,
Болам, деб ок сутун берган онамдин,
Билманам на гечди холи алардин,
Аларға доғларни солдинг худойим.

Бу дунёнинг иши ранж ила меҳнат,
Кўз очиб кўрмадим бир дам фароғат,
Авазжонни ғамдин куткар бу соат,
Бир чўпон ўтига ёндим худойим.

Алгараз, шул вактда Гўрўғлибек келиб айди:-Эй ўғлон, на ишлаб юурсан?
Анда Авазжон айди:-Мани бир чўпон шул ерга келтурниб эрди. Ман бир туш кўриб
эрдим. Доғнинг орқасига бориб, тушунгни йўриб келурман, деб кайтиб келмади,
теди. Онда Гўрўғлибек айди:-Ул манинг чўпоним эрди. манго топиб бергил, -деб
Ҳондинг ҳовий килди, беш-үн камчи уриб, бир оз майдонни ошуриб юритди.
Ондин сўнг кийротга миндуриб, бир неча кунлар олиб қочди. Бир ерда Авазжон
ўзин кийротдин ташлаб айди:-Асли наслингни манго баён кильмасанг, бу ердин
ўтпурсанг-да кетмасман, теди. Анда Гўрўғлибек айди:-Манинг одимга Гўрўғлибек
дерлар, отамнинг одига Жиголибек дерлар, теди. Шу вактда Авазжон: -армон,
армон,-деб бир сўз айди:

Кулоқ солғил эмди манинг сўзима,
Асло санинг бирлан кетмон Гўрўғли.
Дийдор киёматга кўйдинг онамни,
Эмди санинг бирлан кетмон Гўрўғли.

Мажнун каби Карбалонинг чўлинда,
Кеча-кундуз аном йиглар ҳажримда,
Ёнди жоним айроликнинг дардинда,
Асло санинг бирлан кетмон Гўрўғли.

Манингдек бормуқан мубтало бўлған?
Ҳажр ўтиға куйиб ранги сарғарған,
Бир кизил гул эрдим тоза очилғон,
Хижрон ели бирлан сўлдим Гўрўғли.

Не сабабдин қолдим мундог балоға,
Танимдур ғам уйи жоним жафоға,
Арзим етушмаса кодир оллоға,
То киёмат ғамда кўйдинг Гўрўғли.

Кудратинг күчлидур ярткон жаббор,
Сан эурссан жумла бандага ғамхор,
Авазжонни сандин ўзга кими бор,
Асло санинг бирлан кетмөн Гүрүғли.

Алкисса, ондин сүнг Авазжон бу сүзни айтиб, кисматига рози ўлтурди. Шул вактда Гүрүғлибек айтурса:- Эй болам, сабр эт. Ман санга бир пора сўзларни баён қиласайин. Бевафо дунёни бир варсоқи бирлан баён қилғони бул турур:

Аввалда яратди икки азизни,
Бугдой еб беҳиштдин айрилмадиму?
Уч юз йил ахтарди саргардон бўлиб,
Одам ул Ҳаводин айрилмадиму?

Одам ўғли хаж борурлар бош бирлан,
Юзин ювар кўздин окгон ёш бирлан.
Хобил урди ул Кобилни тош бирлан.
Оға инисидин айрилмадиму?

Аввало ер юзи кофирида бўлди,
Нўхнинг азобидин ул ер сув бўлди,
Мусулмон бўлғонлар киштига минди,
Канъон отасидин айрилмадиму?

Пайғамбар подшоҳу халифа бўлиб,
Забур қўлга олиб насиҳат килиб,
Бир куни кўнглина манманлик қелиб,
Довул кирқ ўғлидин айрилмадиму?

Довуд ўлди, Сулаймона ер қолди,
Худойимдин анго бир юзук қолди,
Нурдин бўлғон юзукини дев олди,
Сулаймон тахтидин айрилмадиму?

Ҳакнинг ўзи бирлан сўзлашган Мусо,
Вактида алардин йўқ эрди расо,
Биби Марям ўғли Ҳазрати Исо,
Қочиб кофурлардин айрилмадиму?

Иброҳим пайғамбар дунёга келди,
Орзу-армон бирлан Ҳожарни олди,
Халилни кофирилар ул нора солди,
Намруд ўз кизидин айрилмадиму?

Ёкуб йиғлиб айрилғондур кўзидин,
Хеч фойда топмади айтғон сўзидин,

Орзу Қамбаридин, кулар юзиндин,
Юсуф Зулайходин айрилмадиму?

Пайғамбар Ҙохарёр ёшин тұқардин,
Пирлар муридилип, шохлар навкардин,
Занбур асалиндін, түти шакардин,
Бұлбул гулистондін айрилмадиму?

Гүрүғлибек таълим олғыл устоддин,
Яхши-ёмон хар ким кечар сир отдин,
Лайли Мажнунидин, Шириң Фарходдин,
Вомик Үзросидин айрилмадиму?

Алкисса, ондін сұнг Гүрүғлибек Авазжоннинг ўнг ёнига ўтиб салом берди.
Сүл ёнига хам ўтиб салом берди: Авазжон алик олмади. Шул вактда Гүрүғли
Авазжонға караб сиёсат юзидін бир сұз айди:

Не учун саломим олмассан?
Салом урап болам сани.
Ман бир камбағал кулингман,
Пулим йўқдур олсам сани.

Йиглама кўзим, йиглама,
Овозанг тушди олама,
Нуксон етурдинг калома,
Калом тутар болам сани.

Келибсан майдон-мастина,
Охир тушарсан дастима,
Олиб бошинг тиз устина,
Соз бирлан ўлтурам сани.

Подшосан, кайнаб дошарсан,
Балаанд дөглардин ошарсан,
Яна қўлима тушарсан,
Вой-войлатурман болам сани,

Майдонда газан мард каби,
Ғанима дейган ўқ каби,
Оғзи қонли, оч курт каби,
Дөғлардин қайтарам сани.

Сан нега келибсан оға?
Зулғинг тушар сўлдин сога,
Оширурман дөғдин-дога,
Газдирурман болам сани.

Ола доғдин ошиурман,
Ок сийнамда ўшиурман,
Бобонг келса топшиурман,
Топшиурман болам сани.

Кирмизи гулдин орисан,
Фунча гулларнинг ўзисан,
Авазжон Гўрўғли ёрисан.
Донимасму олам сани?

Аммо бу сўзни айтуб, Авазжонни алдаб, кийротига миндириуб, Чамбильбелга келтирур эрди. Аммо Гўрўғлибекнинг оддинда бир доғ бор эрди. Кўхи Саршод дер эрдилар. Анда келиб ўтар бўлғонда йўл ғомадилар. Гўрўғлибек отдин тушиб, тоза тахорат килиб, икки ракат намози шукронга ўқиб, ул доғга караб бир газал ўқидилар:

Садаганг бўлайин, эй Кўхи Қалон,
Устингдин ўтмакка манго йўл бергил,
Ман эруман Аваз учун саргардон,
Рахм этгил, холима биза йўл бергил.

Шарофатли доғсан бўлмас мисолинг,
Хеч бир доғда йўқдур санинг шамолинг,
Бошимдин кўтаргил эмди думонинг,
Бир ожиз бандаман биза йўл бергил.

Отамиз Одамдур, онамиз Ҳоҳа,
Бир-биридин айрилиб бўлдишар жудо,
Кўшилғон ерлари бўлди Байтулло,
Байтулло хаккидин манго йўл бергил.

Санго айтсам бир сир бордур орада,
Неча ошик ўтди, етди муродә,
Ман ҳам бир ошикман жоним жафода,
Ёримға етайнин манго йўл бергил.

Гўрўғли айтур, будирсанго ахволим,
Адо бўлмас бошдин қайғу хижроним,
Сани гарк этмасдин бурун кўз ёшим,
Ваҳм ила оқшомдин манго йўл бергил.

Алкисса, бу сўздин сўнг доғ икки бўлак бўлиб йўл берди. Худой толога шукр килиб, йўлга равона бўлди. Тўрт кечакундуз йўл юриб, Чамбильбелга бир манзил ер колғонда йўл уч(га) айрилди. Бири Чамбильбелга ва яна бири Табризға борур ва яна бири Нишопурға борур. Ул ерда Авазжон хиёлланиб айди:-Ман Табризға борурман. Шундан сўнгра Чамбильбелга бормасман теди. Анда Гўрўғли айди.-Яна бу йўл Табризға борур, деб Гўрўғлибек бир варсоки айди:

Авазим, жон Авазим,
Тур отлан, Табриз гетали,
Оёки сагри мазолим,
Тур отлан, Табриз гетали.

Араб отлар семуз бўлур,
Ғўч йигитлар тамиз бўлур,
Жабри бизнинг намиз бўлур.
Тур отлан, Табриз гетали.

Келинг минали бурока,
Илтор уроли йирока,
Ғаним тушмасин ароға.
Тур отлан, Табриз гетали.

Араб отлар кўшин-кўшин,
Олайлик ўлкани дошин,
Кесали язитнинг бошин,
Тур отлан, Табриз гетали.

Гўрўғли дер ширин сўзлим,
Мухаббатли кулар юзлим,
Тўти тилли, хумор кўзлим,
Тур болам Табриз гетали.

Алкисса, ондин сўнг Чамбилбела бордилар. Ондин Чамбилбелни йигитлари Гўрўғлибекдин сўрдилар.-Аважонни на иш этиб олиб келдинг?-тедилар. Онда Гўрўғлибек йигитларига караб бир варсоки айди:

Ваёнгон шахрина бордим,
Аважонни олиб келдим.
Ғанима юзба-юз туриб,
Аклим хуushima чошиб келдим.

Кийротима маҳмиз бердим,
Бориб Аважонни кўрдим.
Кофириларга килич урдим,
Ғанима утрашиб келдим.

Бекларим Ваёнгон бордим,
Шохнинг хизматидин олдим,
Ғанимларнинг борин кирдим,
Савашдим, санчишдим келдим.

Конли ёш келур кўзимдин,
Иноммам ғаним сўзиндин,

Авазнинг гулгун юзиндин,
Бўса олиб кучиб келдим.

Ганимлар ёнига бордим,
Икболим, насибам кўрдим,
Кофирилара килич солдим,
Гўрўглибек тошиб келдим.

Алкисса, Гўрўглибек Авазжонни келтуриб айди:-Муни ўйлантирмасам бўлмас, бу кунда кетар ва ё эрга кетар, деб кирк йигитни кирк ёнга юбориб, кирк элни ахтариб, киз топмайин келдилар. Ондин сўнг Гуржистонга тўрт йигит бирла Сафаркўсани юборур бўлиб, йигитларига қараб Гўрўғли бир сўз айтур. Валлохи аълам биссавоб.

АФСОНАЛАР

ЖОН ШИРИН

Қадим замонда Гулдурсун қальаси гуллаб-яшнаб турган вактларда бир гарчак, далисумок йигит яшаган экан. У балогатга етиб, уйланади ва Гулдурсуннинг оёқ тарафига бориб, овчилик килиб кун кўради, дўст-биродар ортиради.

Кунлардан бир кун бир хафта овда юриб кайтиб келса, якин дўсти қайтиш бўлган экан. Одамлар йигилишиб турган жойга келиб, дўстининг нима учун ўлганини сўраганда, кишилар:

-Азройилга дуч бўлди, жонини жабборга топшириди, дебдилар.

-У қандай Азройил экан, дуч келган одамнинг жонини олаверадиган, агар менга йўлиқса эди, жон олишни унга кўрсатиб кўяр эдим, дебди йигит.

Йигитнинг бу сўзини Азройил эшишиб турган экан, шу замони дарғазаб бўлиб, йигитнинг олдида пайдо бўлибди. Йигит бир вакт караса олдида икки шохли, соколи ўсган, кўзлари чирокдай ёнган бир маҳлук кўлида гурзисини кўтариб турибди.

-Сен кимсан,-деб сўрабди йигит.

-Танимадингми, мен Азройилман!

-Менда нима ишиш бор?

-Сенинг жонингли олишга келдим.

Шунда йигитнинг эсига бирдан, ўзининг айтган сўзи келибди ва:

-Ха, эсимга тушли, сени излаган эдим, яхши келлинг, сен нима учун менинг дўстимнинг жонини олдинг, деб маҳкам Азройилнинг ёқасидан тутиб, бошига бир юмрук тушираётганда Азройил қушга айланаби, учиб йўқ бўлибди ва худога бориб шикоят килибди. Худо ғазабга келиб, уни йигитнинг жонини олиш учун қайтадан юборибди. Азройил яна йигитнинг олдида пайдо бўлиб, унинг жонини олишга келганини айтибди. Шунда йигит:

-Сен мени жонимни олиш учун худодан рухсат олдингми, деб сўрабди.

-Рухсат олдим, лебди Азройил.

-Ундаи бўлса, майли жонимни олавер, аммо бир илтимосим, кари ота-онам, ёш аёлим ва фарзандим бср, шулар билан хайрлашишимга худодан рухсат сўра, лебди йигит.

Азройил худога бу ҳакда мурожат килганида худонинг ўзи бу ахволни кузатиб турган экан. Шунда Азройилга айтиби: Йигит менинг борлигимни тан олди, кароримга бўйсунди, унинг жонини олиш кароридан кечдим. Лекин унта айт, ўрнига бирор кариндошининг жонини беришини илтимос килсин ўша кариндошининг жонини ол, дебди. Азройил бу гапни йигитга етказиби. Йигит ўйлаб-ўйлаб охири отасининг олдига бориб, бу гапни айтиби. Аммо отаси жонини беришга рози бўлмабди. Йигит онасиининг олдига бориби. Онаси ҳам жон ширинлик килиб таклифга рози бўлмабди.

Кейин йигит барча имкониятларидан умидини узиб, энди ўзим ўлимга рози бўлаверайин, бориб хотиним ва болаларим билан хайрлашайин, деб уйига бориб, барча воқеаларни хотинига гапириб бериби. Шунда хотини айтибди, сен ўлиб кетсанг, мен оиласи бока олмайман, яхшиси, сен кол, мен кетай, лебди. Иш килиб бу масалада эр-хотин ўртасида мунозара, баҳс бошланибди. Азройилнинг токати ток бўлиб, яна худога мурожаат килса, худо ҳам бу воқеалардан хабардор экан. Худо Азройилга буюриби:

-Бу икки ёш эр-хотин бир-бирига жон фидо килиб, ўлимга рози бўлиб турибдилар, буларда инсоф, диёнат, эътиқод бор экан. Шунинг учун йигитнинг отаси билан онасиининг жонини ол, бу икки ёшга мен 120 ёшдан умр баҳш этдим, дебди.

Азройил фармонни бажо келтирибди. Шундан кейин икки ёш келин-куёв узок йиллар баҳтли хаёт кечириб, худога шукуроналиқ билдириб, мурод-максадига етибдилар.

ЯККА КЎЗ

Қадим замонда, Хоразм томонда қалмик камали даврида «Қалмик буқкан» деган жойда бир кирғин бўлған экан. Шу вактда қоча-коч бўлиб, оралиқда икки ойлик бир бола ота-онасидан колиб кетади. Ёв кеттандан кейин мосликларни сийиша ваҳший ҳайвонлар келади. Шунда бир шер битта ҳаробага киргандা, йиглаб ётган болага дуч келади. Уни оғзига тишлаб чўлга олиб кетади, шу ёкла эмизиб қалоға келтиради. Орадан бироз йиллар кечиб, эл-элат яна ўз маконига кайтади. Шунда чўлда тўрт оёқлаб чопиб юрган, усти бошини тук боғсан бир маҳлук кўзга ташланади. Уни шер болалари билан ўйнашиб юрганда тутиб оладилар. Боланинг ким эканини аниклаб, кийим-кечак кийдиришади, тарбиялашади. Бола кейинчалик одам тилига тушунадиган бўлади. Унинг исмини шер тарбиялагани учун Шерим деб қўйишади. Шерим йигит етиб, от миниб, килич ўйнаб юраверади.

Кунлардан бир кун бир чўпон кўйларни сугоришга олиб борганида сувда чўмилиб юрган кизларга дуч келиб, улардан биттасини ушлаб, зўрлайди. Бу кизлар аслида парилар экан, бу воқеадан кейин пари чўпонга:

-Беникоҳ зино халкинг бошига бало келтиради, деб оккушга айланиб учиди кетибди. Бир йилядан кейин ўша нари келиб, күмда юрган бояги чўпонга осмонда туриб ол, болангни, деб кўндоқка ўралган бир зотни ташлаб кетибди.

Чўпон уни олиб қараса, манглайида биттагина кўзи бор. Бу маҳлук соат сайин ўсиб, бир ёшида бир кўйни еб бошлайди. Уни якка кўз деган ном билан атаб бошлазади. Кейинроқ бу маҳлук одамхўрликка ўтади.

Якка кўз ўқ ўтмас, ўтла ёнимас бир бало бўлиб, одамларни бир-биранд еб бошлайди. Эл-элат ундан қочиб бошка жойларга кўчса, у ҳам кўчиб бораверади. Охири одамлар Кўркут ота деган пирга арз қиласилар. Пир келиб, Якка кўз билан гапиришиб, кунда бир одам ейшига келишадилар. Унга бир кампирни хизматкор килиб берадилар.

Кунлардан бир кун Якка кўзнинг ейшига газик бир камбағал кампирнинг ўғлига етиб келади. Кампир йиглаб, Шеримнинг олдинга боради. Шерим келиб, аввало хизматкор кампирдан Якка кўзнинг ожиз жойини билиб беришини илтимос қиласиди. Кампир якка кўзнинг факат кўзигагина ўқ ўтишини аниклаб беради. Шунда Шерим пичокни олиб, аввало ўтда чўк килиб киздиради. Кейин Якка кўз ухлаб ётганда бориб унинг кўзига сукади. Кейин қочиб кўйларнинг кўрасига киради. Якка кўз газабга миниб, Шеримни тутиш учун кўранинг оғиздан кўйларни бир-биранд кўлдан ўтказади. Шунда Шерим бир кўчкорни сўйиб, териси орасига кириб, бир амаллаб кўрадан чикади. Кўрадан чиқиб, якка кўзни ўлдириш учун унга ўқ отади, килич уради, ҳеч фойдаси бўлмайди. Охирида якка кўз хийлага ўтиб олтин тўла хазинамни кўр, деб Шеримни таклиф этади. Шерим четдан бокиб туради. Якка кўз битта киличидан бошка олтинларини Шеримга инъом этади. Шунда Шерим бу киличда бир гап борлигини билиб, ичкари киради ва Якка кўзни гафлатда колдириб, киличини кўлига олади. Шу пайдада Якка кўз эгилиб олтинларини сармалаб, олиб унга бермокчи бўлганда Шерим унинг бошини ҳалиги килич билан бир урганда узиб ташлайди. Олтинларни халқка пойлаб беради. Якка кўздан кутилган халқ катта сайил бошлаб юборади. Бу сайилга Кўркут ота келиб, соз ҷалади, халқка насиҳат қиласиди.

Лұғат

Алаштирма-кечир, айбга буюрма.

Эй, ота мени **алаштирма**, катта күпірік бўлади. (ОН)

Аллаёрлашмоқ-хайрланмок.

Андин сўнг Шоҳсанам бирла **аллаёрлашиб**, йўлга тушиб кета берди. (ОҒХ)

Арват-хотин.

Ўн минг **арват** керак пари суратли. (Э)

Бадар кетмок-жўнаб кетмок.

Чамлибелга караб бадар кетди. (АГ)

Бадрак-кул.

Акли калта, эй **бадрак**, шуми ҳали ҳолинг сенинг? (Э)

Балли куля-бутунлай, мутлако.

Таллихон энди **балли-куля** бошқа элга кетаётирганидан дўғонлари билан хўшлашди.(Э)

Байроқ-мукофот.

Полвонларга байроқ учун 40 кўй, 40тута кўйди. (Э)

Баржой этмок-бажармок.

Бул хизматингни **баржой** этурман, деди кампир. (ОН)

Батдош-чордана.

Карамжон бағдошини куриб ўтираверди. (ХО)

Бички-арра.

Уста Бодом **бичкини**, болттани хуржина солиб чикди. (ХО)

Бейик-баланд.

Дарёнинг бўйига бориб, **бейикроқ** жойга чикиб юкори-пастни кўриб турди.
(ОШМ)

Бодя-товорк.

Уста Бодом **бодяни** эчки гўштига тўлдирди. (ХО)

Бостирикли-ёпик, яширин.

Подишо кулоқ кўйиб турса «очилдинг», «ёпилдинг»деган **бостириқли** сўз. (ОШМ)

Бўктармок-тугиб олимок, саранжом килмок.

Бир катор сарпойни хам **бўктариб**, чикиб кетаверди. (ОШМ)

Бўкчимок-сакрамок.

Нажаб бир **бўкчиб** туйага минди. (ОН)

Бўйла-бунака, бундай.

Она мен дардлани **ёндирима бўйла**. (ОҒШ)

Варсоқи-сўз, бир нарсани баён килмок.

Бозирғонни ёд этиб бир **варсоқи** айди. (Б)

Газик-навбат.

Энди йигитлар, **газик** бизники. (Э)

Гарчак-мард, жасур.

Бу гарчак **йигит** бу ерларга ўз-ўзидан келмагандир. (АГ)

Гизламоқ-яширмок.

Дўст бўлганлар асли зотин **гизламас**. (ХО)

Гум бўл-йўкол

Тез бу ердан гум бўл, деди. (АГ)
Гунни-камзул, калта нахталик кийим.
Бир тоза гунни киймадим. (АГ)
Гўнаммок-хузур килмок.
Оқ сийнага сийнам кўйиб.
Гўнан кўнглим, гўнан кўнглим. (Х)
Дак-факат.
Манго дак рухсатинг керак. (ОН)
Дали-тентак.
Не бало далимисан, нега ўйинимизни бузарсан? (ОН)
Даллик (танлик)-отнинг ёпингичи.
Отни сийлаб-сийшаб далликларини солиб, эгарлади. (ХО)
Дасти домон-кўл учи.
Энди дасти домонингдан тутайин. (Э)
Дегиз (дайил) эмас (инкор тўликсиз феъли)
Ошик Ойдин сўзи гумов дегилдир. (Х)
Денгдовон-кишлек одамлари.
Дехкон-денгдовон одамларни овкатга чакирди. (ХО)
Дейишима-казла.
Хозирги гапларни дейишма учун айтдим. (Э)
Дим-жуда.
Ситораси дим якинлашиб боради. (АГ)
Димодим-жуда ҳам.
От димодим Ёирота ўхшаб турибди. (Э)
Диралишмок-мусобақа, куч синашмок, айтишмок.
Бул ўғлон баҳши бирла диралишиб билодурғон баҳши элда борму? (ОН)
Довушмок-курашмок.
Довушярман юз ўғирмай. Авазим. (АГ)
Доҳил бўлмок-бориб етмок.
Бир юртнинг оёғидан доҳил бўлди. (ОШМ)
Догитмок-таркатмок, тор-мор қилмок.
Лашкаринг догитсан кўнглинг ёз бўлар. (Э)
Дуваланг-тўфон, бўрон.
Боскон босса дуваланг турғондай бўлар эди. (Э)
Думзи-души-тўрт тарафдан.
Шоҳ аскарлари Эрҳасанин ўртасига олиб думзи душман от суради. (Э)
Дунамоқ-пойламок, кутмок.
Мен ёра интизор йўлини дунаб. (ОҒШ)
Дўндармок-тескари карамок, айланмок.
Биздин юзининг дўндардинг. (ОН)
Дўрамоқ-туғилмок.
Менинг белимдин дўраган фарзанд бўлсанг бундай килемас эрдинг. (ОН)
Дўгма-кулининг кейинги авлоди.
Сен уни дўгма-кули деб сотиб юбарган бўлма. (АГ)
Жихмат-энг якин, ажралмас.

Онанг бирла онам **жихмат** дүст эрдилар. (ОН)
Жолотой-безори.
Бу не **жолотойчилик**, деди навкарлар. (АГ)
Зангар-зумраша маъносида ишлатилган.
Аммо **зангар** сенга тил берган экан.(АГ)
Заранглатмоқ-шараклатмок.
Дарвазанинг бир ёгина **заранглатиб** очиб юборди. (ХО)
Зингитмоқ-ирғитмоқ, отиб юбормок.
Косани ерга зингитиб урди. (ХО)
Зот-нарса. (Баъзан инсон маъносида ишлатилади)
Аёли берган зотларни олдига кўйди. (АГ)
Зўмпа-бирдан, лин этиб.
Киз унинг дарвозидан ўтгани замон олдидан зўмпа чиқди. (Э)
Ёби-жайдари от.
Бу от уларнинг ёнида **ёвидай** бўлиб колади. (АГ)
Ёбон-дўзиям-Кенг майдондаги хокман.
Мен юрган **ёбон**-дўзиям. (Камтарлик маъносида) (ОН)
Ёзғит-тақдир, кисмат.
Отажоним, менинг **ёзғитим** шу билан боғлик, мен шу йигитдан бошкасини ёр қилмайман. (Э)
Ёлоза-очик, кенг майдон,
Бу кенг **ёлоза** майдонда бир уруш қўпди. (Э)
Ёп-аинхор, канал.
Бир **ёнинг** оёғидан йўл ўтар эди. (ОИШ)
Ёгдой-холат, имконият.
Бу ишни битиргудай **ёгдойинг** борми, деди. (АГ)
Игилик (эгилик)-яхшилик, омонлик.
Ана энди айт, на гап, на сўз, **эгиликми?** (Э)
Икирчи-масхара.
Сиз подшони **икирчи** килмоқ ниятидамисиз? (ОН)
Илгор-от чопиш, пойга.
Илгор этдим узок йўлдан. (АГ)
Ино-мана.
Ино чой, ино чилим, деб бирига чой, бирига чилим узатди. (ОН)
Изгор-хўл, намли.
Изгор кийимларни чикариб, янги лиbosларни ёзнига кийди. (ОН)
Ирқилмоқ-мудрамок.
Кўзини уйку босиб, **ирқилди**, туш кўрди. (ОН)
Иси пурх урди-хили димокка урди.
Қизнинг таниш **иси** пурх уриб келиб бошлади. (ОН)
Искамоқ-хидламок.
Гулни олиб, **исқаб** кўрди. (ОИШ)
Ичи овишмок-ачинмок.
Эрхасана **ичи** овишиб бир шеър айтар бўлди. (Э)
Ишқи печак-ишк печаги, чирмовук.

Ниши печакдай чўлониб ётабердилар. (ОН)
Йитирмок-йўқотиб кўймок.
Мен кўллимдин нозли ёрни **йитирдим**. (ОНЕ)
Кади-ковок.
Бир каландар **кадисини** осиб, газал тўкиб эшикда пайдо бўлди. (АГ)
Калап-калава.
Чарх эгириб, калав сотиб ўтирган бир кампирга кўзи тушди. (ОФШ)
Капишир-ўрнига тушиш, мос келиш, ўнгай келиш.
Эй, Нажаб, бир сўз **капшири** леб айтдим кўйдим. (ОН)
Койиш-азоб.
Бунда сенинг кўл **койишинг**. (ОФХ)
Каппа куругли-гавжум.
Дўконнинг олди **каппа** куругли бўлиб кетаверди. (ОШМ)
Кор-хунар маъносида.
Кўлимиздаги **коримиз** билан бул кишининг вактини хушлайлик. (ОШМ)
Кириш-иц. Бу ерда дуторнинг тори маъносида.
Тозадин парда, тозадин **кириш** боғлади. (ОН)
Кишвар-ўлка.
Тўрти китоб, бири **кишвар**, бири Жаброил паридур. (Х)
Кишти-кайик.
Мусулмон бўлғанлар **киштига** минди. (АК)
Кордош-касбоши.
Эй, **кордошлар**, элнинг подшосидин берухсат қайтмаганимиз маъкул, деди.
(ОН)
Кулли-барча.
Кулли душман дина **кирсин**. (Х)
Кунж-бурж, бурчак.
Саройни ораста килиб мени бир **кунжила** кўйғил. (Б)
Кунорта-туш пайти.
Кун кунорта бўлиб, пешинга караб бораётир эди. (ОШМ)
Куффор-кофирлар.
Куффор бирла киличлашдим. (Б)
Кусамок-истамак, истак.
Мехмонларнинг кўнгли соз-сухбат **кусабди**. (ОН)
Ложарам-гангиб колмок.
Ложарам бўлмишам, акли хайронам. (ОФХ)
Лофикаж-ҳафсаласи пир бўлмок.
Уйкудин уйгониб туриб, **лофикаж** бўлиб ўтирур эрди. (ОН)
Лу-йили хисобига онд атама. Илон йили.
Лу йили он ҳазрат меъроjгга чикди. (ОН)
Мират-таклиф.
Мират этгил, бул ерга кириб чой-чилим килуб кетсун. (ОН)
Модармаҳатар-икки юзламачи, хийлагар.(аслида хатарли аёл)
Эй, модармаҳатар чўри, кет йўкол! (ОН)
Морко-ок-опшок.

Уч юз олтмиш каниз ўртасида мөркодай бўлиб бир киз ўтирибди. (ХО)

Назарламоқ-нишонга олмок.

Назарлаб отган эди, бориб тегмади. (ХО)

Нарса-кора-кайим-кечак.

Нарса-корасиник кийис, йўлга равона бўлди. (ОШМ)

Носоқ-айб, гуноҳ.

Фалон подшо бир жалотойнинг баҳонасида вазирининг кизини ўлдирибди, деган носокка колурсан. (ОН)

Нўмой-тўла, ортиғи билан.

Нонни хам нўмай тўграб олиб келди. (ХО)

Ол эса-Энди-колаверса, шундай килиб. (Шевадаги кириш сўзи)

Ол эса, Махмуджон деган ўғлон оқиҷом кизингизнинг ёнига борган. (ОШМ)

Ола посириди-алғов-далғов.

Эй, оға бу ола посирида жонимни саклаш учун бу ерга келдим. (АГ)

Ола-тосириди-шовкин-сурон.

Мунча ола-тосириди билан келаётиссан. (АГ)

Ола-қийғос-тантана, шодлик.

Тўйни бошлаб юбарди, ола-қийғос бўлиб кетди. (АГ)

Онга тонг-хайрон бўлмоқ, онгини учирмок.

Бу сўзни эшишиб Ҳасаншоҳ онга-тонг бўлиб қолди. (Э)

Онгри ужи-Иложи борича.

Онгри ужи касали бўлса топурман. (ОН)

Овусаранг-онг-эснин йўқотиб кўймок (оби сар сўзидан)

Ҳасаншоҳ овусараңг бўлиб қолди. (Э)

Ори-хўп, майли, розиман.

Эй Гўрўғли, оға, ори борур эрдим. (Б)

Орқайин-бамайлихотир, шошмасдан.

Орқайин еб-ичиб ётаверди. (АГ)

Оғмали-дўймали-калғис, ўзгарувчан.

Оғмали-дўймали дунё экан-да.. (АГ)

Орқайин-бемаҳод, хотиржам.

Эрҳасан билан Таллихоним энди орқайин Чамлибела караб йўл тутдилар. (Э)

Отормон-чопормон-уруш-саваш, жасурлик, жасорат.

Отормончилиғ-чопормончилиғда анинг олдига тушадурғон зот йўқ эрди. (ОН)

Ошоқ-ласт, куйи.

Боши ошоқ, обғи юкори килиб қўммак керак, деди. (Х)

Оғир солдомли-жиддий, теран фикри.

Бу йигит оғир солдомли кучли-кувватли гарчак бир зот бўлиб дўради. (Э)

Оғоччилик-даражатзор.

Гўрўғли хам Рум шахрининг оғоччикина етиб борди. (ХО)

Наём-хабар.

Шотир келиб, бизга паёми етди. (Э)

Нарч-маҳкам, жипс.

Караса дарвоза нарч бўлиб ёнишиб турибди. (ХО)

Пири зан-кекса аёл.

Сенинг хизматтингни шул пири зан биткаур. (ОН)

Посмона-жирканч, ифлос.

Агар шу посмона Хизр бўлса, ҳамма ёкии Хизр босиб кетар эди. (АГ)

Потирдамок-типирчишамок, безовта бўлмок.

Кафастга тушган күш янглиғ потирдади. (ОҒШ)

Пошибоблар дархол унинг кўл-оёғини боғладилар. (АГ)

Поҳ-поҳ-хайрат ифодаси, бай-бай жуфт сўзи маъносига тўғри келади.

Поҳ-поҳ туркман оға, номани дим тусини келтириб айтар экансан. (АГ)

Пурхун-юракни кон килемок.

Жафо билан пурхун этиб. (ОҒШ)

Пўссек-вараки.

Пўссекни козонга ташлаб, ис чикаринг. (АГ)

Сангмоқ-дайдиб юрмок.

Бемахал сангувчи бўлма! (Э)

Сар этмоқ-назар солмок.

Бир тўқайга дуч келди, сар этса ўтия кўп. (ОН)

Сара – куляй, яхши

Бир сара жойни топиб дам – тинчини олиб ётдишлар (Э)

Саижоқ – саижоқ, байдоқ – байдоқ – тўп, катор – катор.

Ўзина саижоқ – саижоқ, байдоқ -- байдоқ турған кўшининг караб бир шеър айтди.

(Э)

Сака – сувнинг боши, анхор, ариқнинг бошланадиган жойи.

Ховуз дарё сакасига туташади. (ОШМ)

Созоқ – саксовул

Созоқларни қалаб ўтни ёкиб, тунча, танқоларни кўйиб, еб –ичиб роҳат топдилар.

(Э)

Солма – ариқ

Ховузнинг солмасини кўринг, деди. (ОШМ)

Солиг бермоқ – хабар килмок.

Бу ерларнинг дони – дузидин **солиг бериб** боринг, деди. (ОН)

Солиг – индало

Галининг солиғининан тушундинг. (АГ)

Сомеңқ, сумеңқ – лапашанг, элсиз

Аваз отли кициларнинг бари **сомеңқ, сумеңқ** кишилар бўлиб чикди. (АГ)

Соп бўлмоқ – тугамок, инхоясига етмок

Бутун ҳаљк тўй соп бўлгунича тик туриб хизматда бўлди. (ОҒШ)

Сув чоға – чакалок, гўдак

Етти ойлик сув чоғам бер турур. (ОН)

Сулгун – тустовук

Чўлу саҳроға чикиб кийик, куён, сулгун, кўтон овлади. (Э)

Сунмоқ – учмоқ

Юлдуздай суниб тахт олдида пайло бўлди. (АГ)

Сўнгит – тол

Бир сўнгитдан хода кесиб чўқмор ҷасади. (АГ)

Тай (той) – тенг, мукобил
Отима тай топилмас, асло сен этма гумон (Э)
Тараххум – раҳм - шафқат
Тараххум айласин, мемман бечора. (ОҒХ)
Тим- тирс – жим – жит
Иккинчисининг уида **тим** – тирслик экан (АГ)
Толхин ўрлик – бемазагарчилик
Уларни ўлдириб **толхиш ўрлик** этгандан на фойда? (Э)
Топо – тавна
Гофил колиб элдин **топо** орттирма. (Э)
Тос бўлмаса – сал бўлмаса
Тос бўлмаса буриндан айрилвадик. (ХО)
Тотолошмок – бир – бирини ўёқ – бўёкка тортиш, талашиш.
Иккевлари **тотолошиб** дарвоза оддига бордилар. (ОШМ)
Туси бузук –кўриниши кўркинчли
Бу туси бузук одамдин кўркди. (АГ)
Тухуммирт –катл, ўлим
Подио бизни **тухуммирт** этар. (ОН)
Тушгир – тушунчали, фикрловчи, окил
Дўкондор нонеий бир **тушгир** йигит эди. (ОШМ)
Тўз – чанг, губор
Ўиса арзир оғенинг тўзини. (ОҒХ)
Туман (тўман) – паст
Икки зинапоя **туман** туциди. (ОҒШ)
Тўнгуртқа – сув оқадиган қувур
Тўнгуртқага тикилиб колган бўлмасин, деди. (ОШМ)
Тўпилмок – хужум килмок
Беш йигит **тўпилиб** келиб, Эрҳасанга ёпишдилар. (Э)
Тўпор – гурух
Шул замон қалъадин бир **тўпор** карвон чикди. (ОН)
Тўфанғ-милтиқ.
Тўфанғ тесса дошдин кечар. (АК)
Уждан тутма – бошдан оёқ
Чамлибелнинг **уждан тутма** бари ҳалойики тўйга келди. (Э)
Уринни олмок – эътибор бермок, мўлжални тўғри олмок.
Бир йўлнинг **уринни олиб** бораверди. (ОШМ)
Уйитмок-маҳкам сақламок, хотирада тутмок.
Уйигт кулоқда колона. (АК)
Уграмок – дуч келмок.
Мард йигит келиб **уграмашар**. (Х)
Холо – хали
Холо чотма кўринмас эрди. (ОН)
Хомсикиб – хўрлиги келиб
Аваҳон **хомсикиб**, йиглаб чикиб келди. (АГ)
Харос-тегирмон.

Бир кампирнинг **харосини** хайдаб ун чиқариб юраберди. (ОҒШ)
Хуруши-кўниш, омухталаш.
Кўйган хамирни сувга **хуруш** этиб емакка бошлиди. (ОН)
Хут (худ)-ўзи, худди.
Бу Гўрўғининг **хут** ўзи. (Э)
Хўстор-суюнч, таянч.
Эмди **хўсторим** сенсан, леди. (ОҒҲ)
Чавоқ-баликнинг кичиги, мигти балик
Дарёдан бир ўлиқ **чавоқ** ўтса хам кўтарар эдик. (ОШМ)
Чаман -- жайлари от
Чаман миниб **чангда** колма. (АГ)
Чизим – ил, чилвир
Оёк ўрами билан **чизимни** зингитиб ташлади. (АТ)
Чизгамоқ – чармамоқ
Паризод билакларин **чизгаб**, иккиси олишдилар. (Б)
Читнамоқ – чертмак
Бир читнаб полвонлигимни кўрсатиб кўяман. (ХО)
Чикон – дугона
Анинг 20 -30 тенгдош **чиконлари** бор эрди. (ОН)
Чотма -- чордок, кала
Гўрўғли бир **чотмоға** бориб меҳмон бўлди. (ХО)
Чост-харакат
Инсу жине, чидамас чостина. (АК)
Чуллик – кичик таёкчани уриб ўйнаш. Болалар ўйини.
Ошик ўйнади, **чуллик** ўйнади, ётиб ухлади. (ОН)
Чўрак – ноннинг кичик шакли, аслида чорак сўзидан
Чўрак, катлама, патир пишириб кўлига тутказди. (АГ)
Чўлламоқ – чанқамоқ
Тўй излаб келган баҳши бўлса, бу чотмага **чўллаб** келгандур. (ОН)
Чўх- кўп
Ул недурким хусни сафо чўх ўлур? (ОН)
Чўқай – кавушга ўхшаган оёқ кийими
Оёғидаги **чўқайнини** чиқарди. (АГ)
Шева-сўз маъносида.
Шеваси жон олур, кўли созлидур. (ОШМ)
Шойи-пул бирлиги, танга (шохи пул)
Кун бўйи уч **шойилик** савдо этмас эди. (ОШМ)
Шомор-илён, аждар.
Икки сочи эрур **шомор**.
Лабларидин боли томар. (Э)
Шоқирдошиб қулемоқ-каҳ-каҳ уриб кулмоқ.
Гўрўғининг сўзини эшиттандан сўнг йигитлар **шоқирдошиб қулиб** юбардилар.
(Э)
Шўхим-шовқин.
Вой Булдуруқ қассоб оғам, деб **шўхим** этаберди. (АК)

Ҙйланмок-кечикмок.
Үтиб кетди кўп замонлар
Эйланди, Ҳасан келмади. (Э)
Ўндардинг-солдинг; олиб келдинг.
Дунёни ёндардинг менинг бошима (Бошимга мушкул ишни солдинг)
(ОШМ)
Юмурта-тухум.
Юзи сўйилган юмурта мисоли. (АГ)
Яхёи изом-худонинг сифати. Ҳамиша тириқ ва буюк.
Яхёи изомдур оғзинги хавоси. (ОҒХ)
Ўвбо-маҳалла, қавм.
Бир ўвбонинг устидан дуч бўлди. (ОШМ)
Ўқта-жокори, баланд, ўқтам.
Бу ўғлон созда ўқта эркан. (ОН)
Ўқча-товор (кўчма маънода келган).
Ўз элина караб ўқчани кўтарди. (Тезда жўнаб кетди.) (ОН)
Ўқча-товор.
Ўқчаси баланд этик кийдирди. (АГ)
Ўпкаlamok-гина, аразламок.
Юсуфшоҳ Аваздан ўпкалашиб, чиқиб кетди. (АГ)
Қайир-қайил-тузат, таъмир кил.
Уста, созим қайир, кардош бўялоли. (Х)
Қилу кол-ғавғо, тўполнон.
Мунда санго кўп қилу кол. (ОҒХ)
Қидириб келмоқ-сайр килмок.
Хирмондали қидириб келамиз, деб кизни дарвозадан чикарди. (ХО)
Қовурма буломик-қовуриб пиширилган суюк ош.
Қовурма буломик пиширинг, леди кайвони аёл. (АГ)
Қоптол-ён томон.
Тоғнинг қоптолини бориб отдан тушди. (АГ)
Қончимок-илиб олмок, ушлаб олмок.
Шоҳсанамни икки кўплаб қончиб олди. (ОҒШ)
Қора ғўрдим-анча узокда, кўз илгайдиган жойда.
Энди отнинг бошини бурган эди, бир кора ғўрдимда бир йигитнинг Ғирот
устинда ўтириб, килич ураётганини кўрди. (Э)
Қорим-хандак, казилган чукур.
Қоримдин отин отлатса, ман шул одамга борурман. (АК)
Қумолок-қўйининг тезаги.
Кейин қумолокларни тепиб юбарди. (ОН)
Қург-бўри (гурт)
Оғзи конли оч қурт каби. (АК)
Қўш таштамок-макон тутмок.
Ораз дарёсининг бўйида қўши таштаб ётди. (Б)
Ғолли ғони-ташвиш.
Ортар менинг ғолли-ғоним

Ерим кайттил, сен бу ишдан! (Э)
Хазатиб-маза кылмок.
Хазатиб дам олиб ётвади. (АГ)
Хайдариг-афесүс.
Гүрүгли ва караб, хайдариг деб бир сүз айттар эрди. (Б)
Хамдаса-бундан ташкари, шуппингдек.
Хамдаса киз ўзим чакириб, ўзим ўйдирсам бўлмас, деб индамай кетаверди. (ХО)
Ҳамоло-ўёў, гўёки.
Гўрўглининг ҳамоло араваси ағдарилармиди, оти тейинда, қайси томондан кезса келаверади. (ХО)
Ҳова-ҳа, шундай.
Ҳова, деди катанлар. (АГ)
Ҳовой-сиёсат-дўк-пўписа.
Ҳовой-сиёсат билан бир шеър айтди. (Э)
Ҳороэ-кўркув.
Ғўн йигит сиз ҳороэ этманг. (Б)
Ҳавлакичилик-шошма-шошарлик.
Кампир айтдики, сен кизнинг ҳавлакичилигинг қолмабди. (ХО)
Ҳўқмон-сўзсиз.
Бугун энди билгил, ҳўқмон ўларсан! (Э)
Ҳўниқмок-ўниқаси тўлмок, кескин ҳаяжов.
Гўрўгли кўзига ёш олиб, томоги тўлиб, ҳўниқиб бир шеър бошлади.(Э)

Шартли белгилар:

АГ-Аваз гатирган
Б-Бозиргон
ОН- Ошиқ Нажаб
ОИМ-Ошиқ Махмуд
ОГШ-Ошиқ Ғариф ва Шоҳсанам.
ОҒХ- Ошиқ Ғариф ва Хилола пари.
Х-Хирмондали
ҲО-Хирмондали (оғзаки вариант)
Э-Эрхасан.
АК-Авазнинг келтирилиши.

Лугатни тузувчи: Филология фанлари номзоди С. С. Рўзимбоев

МАЖМУАГА КИРИТИЛГАН ДОСТОНЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

ОШИҚ ФАРИБ ВА ШОХСАНАМ

“Ошикнома” мажмуасининг II китобида ушбу достоннинг китобий варианти чоп этилган эди. Мазкур достон Хоразмда жуда фаол оммалашган бўлиб. унинг оғзаки варианtlари Бола бахши, Қодир созчи, Турсун бахши, Қаландар бахши, Йорбек бахши каби талантли ижрочилар репертуарида куйланиб келинган.

Биз ушбу мажмууда достоннинг Бола бахши вариантини китобхонларга тақдим этаётгирмиз. Достон 1981 йизда С. Рӯзимбоев томонидан ёзib олинган. Бу матн 1999 йилда “Хоразм фольклори” мажмуасининг I китобида чоп этилган эди.

ОШИҚ ФАРИБ ВА ҲИЛОЛА ПАРИ

“Ошик Фарид” туркумидаги ушбу достонда Фариднинг янги саргузаشتлари ҳакида хикоя этилади. Достондаги Ҳилола образи айрим манбаларда тарихий шахс сифатида кайд килинади. Туркманистоннинг Тошовуз вилоятидаги Илонли топоними ўша исмга боғланади. Оғахийнинг тарихий асарларида хам Илонли мавзеси Ҳилоли тарзида берилган. Ривоятларда айтилишича Ҳилоли исмли маликанинг кабри ўша мавзеала жойлашган эмиш. Албатта бу масала маҳсус тадқиқотин талаб этади.

Мазкур матн китобий вариант бўлиб, 2003 йилда Тошкенда нашр этилган «Ожиза» мажмуасида чоп этилган. Ўша нашрда анчагина матний кусурларга йўл кўйилгани учун уларни тузатган холда достон кайта босилаёттир. Достон матни Шаҳрат туманида яшаган Ниёзжон ҳалфа ижросида С. Рӯзимбоев томонидан ёзib олинган.

ОШИҚ МАҲМУД

“Ошик Маҳмуд” достони Хоразм бахшилари орасида жуда машҳур. Уни Бола бахши, Қодир созчи, Жумабой бахши, Қаландар бахши ва бонка ижрочилар севиб кўйлаб келганилар.

Достон илк марта 1970 йилда Ж. Қобулниёзов томонидан Бола бахшидан ёзib олиниб, “Ошик Маҳмуд, Авазхон” номи билан чоп этилган.

Иккинчи марта 2006 йилда Тошкентда нашр килинган “Анаш ҳалфа” мажмуасида ўша вариант айрим ўзгаришлар билан кайта босилган эди. Бу матн С. Рӯзимбоев томонидан ёзib олинган бўлиб, мажмууда уни тузатилган холда чоп этаётгирмиз.

ОШИҚ НАЖАБ

“Ошик Нажаб”, “Нажаб ўғлон” номлари билан машҳур бўлган бу достон Хоразм бахши ва ҳалфалари репертуарида оғзаки ва ёзма нусхалар оркали таркалган.

Достон оғзаки тарзида турланлик Жумабой бахши репертуарида бўлган. Аммо ёзib олинмаган. Достоннинг Рӯзимбек Муродов репертуаридағи варианти бахшининг ўзи томонидан ёзувга кўчирилган.

Нашр килицаётган мазкур матн Хонқа туманининг Туркистон златида истикомат қилювчи Зевар ҳалфа Собировада сакланётган кўлёзмага асосланади. Уни ҳалфа ижросида С. Рўзимбоев ёзиб олган. Зевар ҳалфа матнни устози Малика ҳалфага тегишли кўлёзмадан кўчириб олган.

БОЗИРГОН

“Гўрўғли” туркумига мансуб бўлган “Бозиргон” достонининг кўлёзма ва оғзаки варианtlари жуда кенг доирала тарқалган бўлиб, бисотимизда унинг ўнга якин кўлёзма нусхалари мавжуд. Достоннинг Бола баҳши варианти Ж. Кобулниёзов томонидан 1965 йилда нашрга тайёрланган. 2004 йилда Урганчда чоп этилган “Гўрўғли” мажмуасида “Бозиргон” нинг Бола баҳши репертуаридаги варианти С. Рўзимбоев томонидан ёзиб олинниб, нашрга тайёрланган.

Мазкур мажмуада достоннинг Ниёзжон ҳалфа Мусаевадан ёзиб олинган китобий варианти берилаётгир. Асар матни С. Рўзимбоев томонидан ҳалфа ижросида ёзиб олинган.

“Бозиргон” нинг иккита варианти ЎЗР ФА ТАИ фольклор бўлими архивида № 1429 ракамли, сабик Кўлёзмалар институти фондида № 7241 ракамли инвентарларда сакланмоқда.

ХИРМОНДАЛИ

“Хирмондали” достони хам кўплаб ёзма ва оғзаки варианtlарда кенг тарқалган. Унинг 1930 йилда мағритлик Хўжэз баҳшидан ёзиб олинган варианти ЎЗР ФА ТАИ фольклор бўлими архивида № 43 раками билан сакланмоқда.

2004 йилда “Гўрўғли” номи остида босилган мажмуала унини Элликкальалик Абдулла баҳшидан ёзиб олинган варианти чоп этилган.

Мазкур мажмуадаги достоннинг иккি вариантини эълон килаётгirmiz.

Асарнинг китобий варианти Зевар ҳалфа Собирова ижросида, оғзаки варианти Бола баҳши ижросида ёзувга олинган. Ҳар иккала вариант С.Рўзимбоев томонидан ёзиб олинган.

Достоннинг иккала варианти хам ўзаро фарқларга эга бўлиб, атоҳида варианtlар сифатида илмий кимматга эгадир.

ЭРҲАСАН

“Эрҳасан” достони 2004 йилда нашр килинган “Гўрўғли” мажмуасига айрим сабаблар билан киритилмай колган эди. Достон Бола баҳши репертуаридаги яшаб келган бўлиб, 1981 йилда С. Рўзимбоев томонидан ёзиб олинган. Унинг бошка баҳшилар репертуаридаги бўлганинги ёки ёзма нусхалари мавжудлиги хакида маълумот йўқ.

Достон ўзбек тилида биринчи маротаба босилаётгир.

АВАЗ ГАТИРГАН

“Гүрүгли” туркумининг Авазхон эпик биографияси билан боғлик холда жалған дебоча асари “Аваз гатирган” достонидир. Достон баъзан «Аваз олиб шиган», баъзан “Аваз гатирган” номлари билан юритилади. Унга 1981 йилда Болашак ижросида С. Рұзимбоев ёзіб олган. Бу достон «Хоразм фольклори» жомуасининг X томида босилган. Мазкур мажмууда уни кайтадан чөп мәтиризиз. Достонинг күләзма пусхаси хам бор бўлиб, ЎзРФА Шарқшунослик институти күләзмалар фондида №9590 ракамили инвентарда сакланади. Бирок бу мәзма хаифалар репертуарида оммалашмаган.

АВАЗНИНГ КЕЛТИРИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти күләзмалар фондида 9590-ракамили күләзма сакланади. Ушбу күләзма 211 сифатдан иборат бўлиб, ундан «Гүрүгли» эпосининг бир канча шоҳобчалари ўринсан. Уларнинг биттаси Авазхоннинг Ваёнгон шахридан олиб келинишига ишланган. Ушбу шоҳобча күләзманинг 18-саҳифасидан бошлиниб, 42-саҳифасида якунланади.

Күләзмадаги достонларга маҳсус номлар кўйилмаган. Шу сабабли биз достонга мазмунидан келиб чиқиб, «Авазнинг келтирилиши» деб ном кўйдик. Достон матнини филология фанлари номзоди Санъатбек Сориев табдил килиб, ширга тайёрлашда иштирок этди. Асар илк маротаба зълон қилинаётir.

Мажмууга киритилган афсоналар ҳақида маълумот

Жон ширин

“Жон ширин” афсонаси 1964 йил октябрь ойида Тўрткул тумани Шўрохон шиплотига яшовчи Йўлдош Тўхтабоевдан ёзниб олинган. Ушбу афсона машҳур үзуз эпоси “Китоби дадам Кўркут” асарининг 5-шоҳобчаси бўлган “Девхўжа ўгли Даши Домрул” даги воқеаларга айнан мос келади.

ЯККА КЎЗ

“Якка кўз” деб номланган мазкур афсона Мангит шахрида яшовчи Шукурулло Юсуповдан 1982 йилда ёзіб олинган. Ушбу афсонадаги воқеалар “Китоби дадам Кўркут” да тилга олинган «Босотнинг Дапаг ўзни ўлдириши» шоҳобчасида тасвирланган тафсилотларга жуда мос тушади.

Хар иккала афсона хам Хоразм достонларидаги мотивларга айнан ўхшаш ўлганлиги сабабли уларни мажмууга киритишни маъқул кўрдик.

Афсоналарни С.Р.Рұзимбоев ёзіб олган.

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ ИЖРОЧИЛАРИ

Достонлар ўзининг ижрочилари билан тириқдир. Шу сабабли мазкур жанрни уларнинг ижрочилари - бахшишарсиз тасаввур килиб бўлмайди.

Хоразм достон ижрочилари хакида айрим маълумотлар турли манбаларда берилган бўлса-да,¹ Хоразм бахшишлари ва ҳалфалари шажараси хакида ҳозиргача яхлиг бир тадқикот яратилмади. Чунки, Хоразм достон ижрочилари хакида энъ ластлабки ёзма манбалар XIX асрнинг биринчи чорагидан бошланади. Бу манбалар хам асосан чет элдан Хоразмга ташриф буюрган айрим саёҳагчилар фаолияти билан бўғликтади. Шулардан бири 1819 йилда Хивага келган рус зобити Н.Муравьевга тегишли хотираларди. У Хивада бўлганида бахшишлар шахси хакида конкрет мавъумот бермаса-да, уларнинг ижроши хакида баъзи бир мулоҳазалиарни билдирган. Жумладан, у бахшишлар хакида шундай ёзди: «Кўйловчилар овозвлари, тана харакатлари билан ўзларидан олдин ўтган авлодларнинг элчиликларини, кўркмасликларини тайрат ҳамда жасоратларини кўрсатишга харакат киласилар... уларнинг кўшиклари айрим ҳолларда тун бўйи лавом этади. Улар баланд ва хириллаган овоз билан кўйлашади».²

Хоразм бахшишлари хакида айрим кайдлар X.Вамбери асарларидан хам кўзга ташланади. Бироқ, шарқиунос олим бирорта конкрет бахши хакида маълумот бермасдан, улар хакида юзаки тарзда сўз юритади. Масалан, у шундай ёзди: «... мазкур хрестоматияда асосан бахшишлар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима килган шимолий турк ҳалқтарининг барчасига таниш, улар севган, уларнинг тили, фикри ва ўйларини аке эттируви материалилар бор... Улар ўзбек халқи ва уларнинг хонликлари билан кўшини яшовчи киргизлар орасида кенг тарқалган ва ҳамма жойда дутор ёки кўбиз жўрлигига бир хил кўйланади».³

Х.Вамберининг хрестоматия китобига ёзган ушбу сўзбошисидаги фикрлар илмий жамоатчилик учун ниҳоятда кимматли бўлиши билан бирга олимнинг айрим фикрларини тутишиб ўтишга тўғри келади. Чунонча, ушбу сўзбошица олим бахшишлар хакида сўз юритиб, «бахшишлар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима килган... материалилар» деган иборани ишлатдики, бу фикр унинг ўзбек бахшишлари хакида тўла тасаввурга бориб етмаганини кўрсатади. Негаки, энг аввало, бахшишлар характ ижодистига мансуб бўлган терма ва достонларни ижро килишади. Уларнинг репертуаридаги асарлар асосан устоздан шогирдга ўтади. Улар достонни кардош ҳалюзар бахшишлари репертуаридан олганда хам X.Вамбери айтгандай «таржима килиб» эмас, балки ижодий кайта ишлани оркали ўзлаштирадилар.

Шунингдек, унинг ўзбеклар орасида тарқалган достонлар кўшини киргиз ва бошқа ҳалклар орасида бир хил кўйланади деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Чунки, дутор жўрлигига достон куйлаши билан кўбуз жўрлигидаги ижро бир-биридан кескин фарқланади. Демак, X.Вамбери

¹ Каранг: Мулта Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девончода. Хоразм мусиқий тарихчаси, Т., 1998; Рӯйимбоев С. Хоразм достонлари. Т., 1985; Магъобов Б. Хоразм достон ижрочиларининг зарҳат саҳифалари, Урғанч, 1999 ва бошқалар.

² Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820. М. 1822, 122-бет.

³ Чигаготи тили дарслиги, Лейпциг, 1867, 43-бет.

Хоразм достон ижрочилари ҳакида сўз юритса-да, мазкур анъана ҳакида тўла илмий маълумот бера олмайди.

Хоразм вохасида таркалган «Гўрўғли» достонлари ва уларнинг ижрочилари ҳакида энг муҳим маълумотлар 1908 йилда воҳага келган рус шарқшуноси А.Н. Самойлович асарларида учрайди. У Хоразмда бўлган пайтида достончиликнинг энг фаол маркази бўлган Пўрсига боради. (Туркманистоннинг хозирги Бўлдимсоз тумани маркази) «Мен Пўрсида бутун ҳонлиқда энг машҳур бўлган 58 яшар човдур 'урӯғ номи» Суяв баҳшининг айтганларини тингладим»,¹ деб ёзди у.

А.Н.Самойлович Хивада бўлганида баҳшилар ижросини бевосита тинглагани ҳакида куйидаги маълумот беради «Хивалик баҳшининг ўзи дутор чалиб, китобий тостонни ижро этаётганида икки созанда буламон чалишиб, унга жўр бўлиб туршиши». Демак, А.Н. Самойлович бу масалага Ҳ.Вамберига ўхшаб юзаки иносабатда бўлмаган. Шарқшунос олимнинг пўрсиллик Суяв баҳшидан олган маълумотларига караганда Пўрси достончилик мағабига ўша пайтда Суяв баҳши юччилик килиб, атрофига кўйлаб ўзбек, туркман, коракалпок баҳшиларини камлаган ва туркман ўзбек ҳамда коракалпок тилларида достон куйлаган. Суяв юхши ўз устози ўзбек баҳшиси Ғарифиёз ва ундан олдин ўтган ўзбек баҳшилари Йивой, Оташ, Нуржон, Ниёзмат баҳшилар ҳакида маълумот беради. Суявнинг ўзи 1850 йилда Пўрсиянинг Сеитназар гўммаши овулида туғилган. Юкорига номи кептирилган баҳшилар XIX асрнинг биринчи ярмида лашаб ижод килишган.

XIX асрнинг иккичи ярмида Абдураҳим, Мусо, Отаниёз, Отажон, Ризо баҳшилар Суяв билан бир даврда фаолият кўрсатишган. Таникли фольклоршунос Каллаи Айнбетовнинг ёзишича Кўнгирот, Пўрси, Хўжайли атрофларида бу баҳшилардан кейин Одилбой, Ўринбой, Оллаёр, Кутим баҳшиларининг достон куйлаганиклиари ҳакида маълумотлар бор.

Асримизнинг бошлилари Хўжёз (Кинчок), Ахмад, Кўчкор (Мангит), Хўжёз гармончи (Шаббоз), Кўшакўр (Тўрткўл), Эшниёз (Кўнгирот), Жуманазар (Янгиарик), Хўжик баҳшилар машҳур бўлгандар. Афусуки, ушибу баҳшиларининг хаётига онд батафсил маълумотлар сакланниб колмаган.

Айрим баҳшилар хаётি ҳакидаги маълумотлар эса уларнинг замондошлари ўедаликлари орқали етиб келган. Масалан. Мадраҳим Ёкубов Шерозий XIX аср охири XX аср бошлиларида яшаган куйидаги баҳшиларининг аяичли тақдирни тўғрисида хотиралар колдирган:

Эрниёз баҳши. Кўшқўпирнинг Ўзбекён кишлоғида яшаган. Ҳоннинг кариндоши Саидабдулланинг тўйига бормагани учун бурнидан ип ўтказилиб кўшик айттирилган.

Жумёз баҳши. Ҳазораспда яшаган. Зиёфатга кечикиб келгани учун Саидмурод божимоннинг ўғли ховузга итариб юборган. Ўтикаси шамолзаб үлган.

Шунингдек, биз биографик маълуметга эга бўлмаган бошка кўпгина баҳшилар ҳам бор. Аваз бола (XIX аср), Усмон баҳши (XIX аср), Нурмамат баҳши (XIX-XX аср), Эрназар баҳши (XIX-XX аср), Бува баҳши (XIX-XX аср), Одил баҳши (XIX-

¹ Самойлович А.Н. Краткий отчёл о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство в 1908 году. //Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношениях. СПб., 1909, №9. 21-22-бетлар

² Ўша манба, 25-27-бетлар

ХХ аср), Хўжёз бахши (1883-1939), Нурилла (тондир) бахши (XIX-XX аср), Амин бахши (XIX-XXаср), Эрнафас бахши (XIX-XX аср), Бекжон бахши (XX аср), Матёкуб кори (XIX-XX аср), Ҳасан бахши (XX аср), Мурод бахши (1850-1938), Сайид бахши (XX аср), Ўринбой бахши (XX аср), Отакон бахши Матёкубов (1940) каби бахшилар шулар жумласидандир.

Биз кўйила хаётий фаолияти хакида айрим хужжатлар сакланиб колган бахшилар хакида кискача маълумот берамиз.

ЭШВОЙ БАХШИ

XIX асрнинг истеъдолли достоинчиси Эшвой бахши 1839 йили Хоразм вилояти Шовот туманидаги Доричи кишлогида туғилган. 15-16 ёшларида достон йўллари бўйича кўйларни ўрганиб, кўшик айта бошлигаган. Илгари яшаб ўтган бахшиларнинг айтишича у шоир, бастакор, хонанда бўлган.

Эшвой бахши машхур созанда бўлганки, ҳалқ унинг фаолияти хакида кўплаб қўшиклар тўкиган:

Эшвой бахши овозали,
Кибла ёнда дарбозали,
Паловлари кўп мазали
Кўйла Эшвой, тилларингдан.

Карияларнинг эслашига караганда, Хива хони Мухаммад Раҳимхон (Феруз) Эшвой бахшини тўйга таклиф килган. Бахши отланиб, кўлда дутори билан йўлда бораётганида, Кўшкўлирнинг Такир кишлогига етганида, бир камбағалнинг тўйин устидан чиқиб, ўша ерда туғилиб колади. Натижада Эшвой бахши хон ғазабига учрайди. Газабланган хон бахшини Калта минорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм килади. Буни эшитган Хива ҳалки бахшининг хаётини саклаб қолиш учун минора тагига тўннак, сомон, голи-палосларни тўшайдилар.

У голи-палос устига йикилиб, омон колади. Бу воқеани эшитган хон Эшвой бахшини хузурига чақиришиб, «Менинг ўзим хам сенинг ўлимингни истамаган эдим», - деб уни кўйиб юборади. Бу хақда бизга етиб келган тўртликлардан бири:

Эшвой леган доричининг боласи,
Бахшидан айланисин Хива кальаси
Тагига тўшалди голи-палоси,
Тингла, Эшвой жонларинга бандиман.

Бахшининг қабри Кўхна Урганчда жойлашган. Унинг ўгли Ўринбой бахши сифатида танилиб, кўпгина достонларни куйтаб келган.

Маълумки Хоразм достонларнинг мусинқа кисми алоҳида-алоҳида мустакил куйлардан иборат. Бола бахшининг маълумот беришича улар 72 куйни таникил этган. Шулардан бир кисмини Эшвой бахши яратган: Эшвой 1, Эшвой 2, Туркман Эшвойи, Урганжий, Курд Эшвойи, Фарғона Эшвойи ва бошкагар.

Эшвой бахшининг «Гўрўғли» туркумидаги 16 достонни ёддан билганлиги хакида маълумотлар бор. Шунингдек у «Ошию» туркуми достонларидан хам кўпчилигини билган. Эшвой бахши ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни ҳалкимизга етказиш фольклоршунослигимиз олдида турган хам муҳим вазифалардан биръидир.

ҒАРИБНИЁЗ

Тарих саҳифалариға назар ташласак, Хоразм воҳасида яшаб келган турли миллатлар дўстлигига оиз кўргина фактларга дуч келиш мумкин. Бу нарса ҳалқ шик ижодиётининг вакиллари бўлган баҳшинларнинг устозлик - шогирдлик инъаналарида айнинса яккол кўзга ташланали. XVIII-XIX асрлар туркий ҳаликлар достончилигининг энг туллаган даври бўлиб, ўша даврларда Хоразм воҳасида жуда кўп талантли баҳшинлар яшаб ижод килган. Улардан кирқдан кўрганинг номи маълум бўлса-да, фаолияти хакида жуда кам маълумотлар сакланиб колган. XIX аср ўрталарида яшаган шоир-баҳши Гарибниёз хакида хам шу фикрни айтиш мумкин. Шоир тақдири хакида жуда кам маълумотлар сакланиб колган. Суяв (суяч, таянч, елқадош) хакида оз бўлса-да, тўхталишга тўғри келади. Академик А.Н.Самойлович ўз асрларида Пўрсида Тошховуз вилоятининг хозирги Бўлдимсоз туманида яшаган Суяв баҳши хакида кимматли маълумотлар беради. Унинг туркман, ўзбек, коракалпок тилларида достон кўйлаганини таъкидлаб, баҳшининг 58 ёнда эканлитини айтиб ўтади. Олимнинг Хоразм воҳасига 1908 йилда келгандигини хисобга олсан, баҳшининг таваллуди 1850 йил бўлиб чиқади. Суяв баҳшининг репертуаридаги кўплаб достон ва термалар туркман, ўзбек, коракалпок баҳшилари ижодида хозиргача яшаб келмокда. 1985 йилда вафот этган турланлик Сакрак баҳши (Жумабой Худойберганов), мангитлик Турсун баҳши Пўрси достончилик мактабининг сўнги вакиллари бўлишган. Суяв баҳши репертуаридаги «Эшвой» кўшиги алоҳида ўрин тутган. Мазкур кўшик XVIII асрда Пўрси атрофларида яшаган ўзбек баҳшиси Эшвойга бағишланган бўлиб, унда баҳшининг олийжаноб хислатлари таъриф этилади.

Эшвой бормай хеч ким тўйин кўрмади,

Юзин кўрмай кизлар вакил бермади.

Фиску фужур, харом ишга юрмади,

Шу килигин эллар сўйди Эшвойнинг.

Шу пайтгача бу кўшик Суяв баҳши ижодига нисбатан берилар эди. Бирок ҳалқ орасида юрган бу кўшикнинг турли варианtlарини қиёсласак, масаланинг бошقا бир муҳим томони хам ойдинлашгандек бўлади:

Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,

Беш кунлик умрини сарафroz этди.

Ўлгандан сўнг васфин Ғарбиёз айтди,

Соз-сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.

Шеърнинг мазкур банди унинг Ғарбиёзга тегишли эканлитини тўла гасдиклайди. Демак, «Эшвой» кўшигини ижод қилган ва унга куй басталаган киши Суявнинг устози Ғарбиёз бўлиб чиқали. Коракалпок фольклоринуноси профессор К.Айимбетов 1968 йилда Нукусда босилган «Ҳалқ донолиги» китобида Суяв баҳшидан бурун ва у билан бир лаврда Эшвой, Оташ, Ғарбиёз каби таникли баҳшилар яшаб, ижод қилгандиларини кўрсатиб ўтади. XVIII асрда яшаган Эшвой баҳши ва унинг ишогиди Ғарбиёз тўғрисида кўргина маълумотлар мавжуд. Шоирнинг «Эшвой», «Кўзларим» деган кўшиклари 1963

йилда Ашхободда нашр этилган «Маржон доналар», 1965 йилда Нукусда босилган «Коракалпок халк кўшиклари» китобларига киритилган.

Кузатишларга караганда истеъдолли баҳши Ғарифниёз ўз устозига бағишилаб «Эшвой» шеърини яратган ва унга маҳсус куй басталаган. Бу куй баъзан достон кўшиклари билан айтилиб хозиргача яшаб келмокда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсупова репертуаридаги «Эшвой» кўшиги бунинг ёркни мисолидир. Ўз навбатида бу куй туркман ва коракалпок баҳшилари, хонандалари репертуарида хам мавжуд. Суяв баҳши бу кўшикин устозининг мероси сифатидав маҳорат билан куйлаб. бизгача яшаб келишида кўпrik бўлиб хизмат этган. «Кўзларим» шеъри мазмунига караганда шоир умринг охирида кўр бўлиб колган. Бунн ўз шеърида изтироб билан баён қиласи:

Икки кам эзликка боргандা азиз ёшим менинг,
Бучча дардга дуч келиблур бу гарнб бошим менинг.
Сармалаб-излаб топиб, огу бўлар ошим менинг,
Етти жаҳонни кўргали йўқ эрур йўлдошим менинг,
Қайгу гам-гусса билан йўйган наҳорим кўзларим.

Кўзи ожизлиги сабабли шоир халк орасида баъзан Матниёз Кори номи билан хам тизга олинади.

Маннитлик Хударган баҳши, тўрткўзалик Абдулла баҳшилар билан бўлган сухбатда Ғарифниёзниң «ўтгандир» номли шеъри борлиги хам маълум бўлди. Бу шеър хизалик Шукур Кори репертуаридаги айрим ўзгаришлар билан сакланиб колган. Шоирнинг юкорида тилга олинган «Эшвой», «Кўзларим» каби шеърларининг ўзбекча вариантлари туркман ва коракалпокча матнлардан хажман кўшилиги, айниқса «Кўзларим» шеъри аruzga кўнрок мос келиши ва бошқа айрим ҳусусиятлари билан ажрапиб туради. Албатта халк орасида унинг бошқа шеърлари хам сакланиб колган бўлиши мумкин. Буни келажаклаги изланашлар тасдикласа ажаб эмас. Бирор хозирча кўлимизда бўлган икки-уч шеър хам Ғарифниёзниң иштэйдодли шоир, баҳши бўяганингидан дарак беради.

Шоирнинг кайси миллиатга мансуб эканлигини аниқлаш учун уриниб ўтиришининг хожати бўлмаса керак. Негаки, ўзбек баҳшисига шогирд, туркман баҳшисига устоз бўлган. Воҳадаги барча халкларга уч тилда достон куйлаб, баббаравар хизмат килиган. Бу эса қадимий дўстлигимизнинг яна бир курдатли тимсолидир. Шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросини излаш, тўплаш ва тадқик килиш фойдаладан холи эмас.

РИЗО БАХШИ

Муҳаммад Раҳимхон-Феруз саройида баҳши ва жиров бўлиб хизмат килган Ризо баҳшининг хаёти хакида тўла маълумот сакланиб колмаган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Девонзодаларнинг «Хоразм мусикий тарихчasi» китобида ушбу шахс хакида кўйидагича маълумот берилган.

“Бу одам Гурлан кальясини Ҳатой маузеъсидандур. Ўзи хам баҳши, хам жирчи эди. Ризога «Бежилов» деб лакаб берилур эди. Ризо баҳши Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг якин баҳлиси ва жирчиси бўлиб, кечалари хоннинг ётожок

жомони ёнига кириб бир эртак бошлар, эртаги битгани бирла сўнг мазмунига уйғун
халларни кўзуза кўшиб ўкуб, хон уйкуга кетгандан сўнг ўз жойина кайтар эди.
Ризо баҳининг хар кундаги вазифаси шундан иборат эрди. Ризо баҳин мазкур
он замонида вафот килғондур. Ризо баҳининг хоннинг ёнида кўзида кўшиб
кийдурғон газалларидан бир порасини аҳамиятина гўра ёзиб ўтмакни ўхшорли
берилик:

Чархини товлаб соз этган,
Йигит кўриб ноз этган,
Мангитлининг кизлари,

Паражаси сочокли,
Узун бўйни, генг кучокли,
Хивалининг кизлари.

Алинда бор билазик,
Наввало белларни нозик,
Урганичлининг кизлари.

Бокча кўрса бойим дер,
Камишлиқ кўрса жойим дер
Козокларнинг кизлари". (матнни ўзгартирмасдан ўз холича бердик.)

СУЯВ БАХШИ

Туркман фольклоршунослигига эпос ва унинг ижрочилари бўлган баҳшилар
хаёти, ижодий репертуари хакида кўпгина тадқиқотлар яратилган. Б.Гарриев,
С.Гарриев, Б.Мамедязов, П.Кичигулов, А.Бекмирадов каби кўплаб
фольклоршуносларнинг асарлари фикримизга далил бўла олади. Уибу
тадқиқотларда туркман достончилигининг кирралари илмий таҳлил этилади ва, ўз
навбатида, миллий баҳшинчилик анъаналари ҳамда баҳшилар репертуари хакида
маълумот берилади.

Бирок туркманларнинг Хоразм билан узвий бояланган Тонновуз вилояти
достончилиги ва бу ердаги баҳшилар хакида айrim тадқиқотлар бўлса-да, кўпгина
баҳшилар хаёти ва ижодий репертуари хакида илмий изланишлар деярли йўқ
ларажада. Айникса, машхур Суяв баҳши хаёти ва ижодий репертуари хакида
туркман фольклоршунослигига умуман тадқиқот олиб борилмаган.

Суяв баҳши хакида дастлабки маълумотлар шарқшунос А.Самойлович
асарларида учрайди. У Суяв баҳши хакила шундай ёзаси: «Мен Пўрсида (хозирги
Гонзовуз вилоятининг Бўлдимсоз тумани) бутун хонликда (Хива хонлиги назарда
тутилмокда) машхур баҳши бўлган Суяв баҳшининг кўшикларини тингладим».
Ҳакикатан ҳам А.Н. Самойлович 1908 йилда Хива хонлигига ки郎ган сафари
давомида Суяв баҳши билан учрашиб, ундан «Гўрўғли» эпоси бўйича бир канча
маълумотлар тўплайди. Ўша даврининг машхур достончилари бўлган Оташ баҳши,
Нуржон баҳши, Эшвой баҳшилар хакида материалишар йигади.

Суяв баҳши хакида кечирок маълумот берадиган яна бир манба Мулла

Бекжон Раҳмон ўғли ва Мухаммад Девонзодаларнинг «Хоразм мусикий тарихаси» китобидир.

Ушбу китобда ёзилишича, Суяв бахши туркманнинг Човдир уруғидан бўлиб, бўлдимсозлидур... Суяв бахши ўзбек, туркман, коракалпок халклари орасида шу ларажада машхур бир бахши бўлган, ҳар ким тарафидан тан олинган, севимли бир кишидур. Хоразмда Суяв бахшини билмаган киши йўклир десак муболага килган бўлмаймиз».

Суяв бахши ҳакида маълумот берувчи учинчи манба таникли коракалпок олими Қалли Айимбетовнинг тадқикотларидир. Унинг ёзишича, Суяв бахши «Гўрўғли» эпосининг бир қанча шахобчаларини ёд билган ва куйлаб юрган. Айтишларига караганда Суяв бахшини Хиванинг хони чакириб, «Гўрўғли» достонини айттирган ва достоннинг кўлёзмасига караб ўтирган. Бахши ҳатто бир сўзда ҳам янгишмаган.

Суяв бахши коракалпок достончиси Мусо бахши билан ҳам айтишиб юрган. Туркманистонда Суяв бахшиничг Жумамурод бахши, Болта бахши каби шогирдлари, уларнинг эса Болта Гурд бахши, Тожибой Ўра, Акчагул, Хадича каби шогирдлари бўлган.

Юкорида и манбаларга ва машхур ўзбек достончиси Бола бахши Абдуллаев берган маълумотларига қараганда, Суяв бахши туркманларнинг човдур ургутининг бўзачи тиyrасига мансуб бўлиб, 1850 йилда Сейитназар гўммачи обасида туғилган. Ўша даврларда Пўрси достончилик мактаби Хоразм воҳасидаги деярлик барча бахшиларни ўз атрофига жамлаб олган эди. Эшвой бахши, Оташ бахши, Нуржон бахши, Ниёзмат бахши, Гарифниёз – Матниёз бахши, Мусо бахши каби кўплаб ўзбек, туркман, коракалпок бахшилари шу пайтларда халк орасида жуда машхур бўлишган.

Пўрси достончилик мактаби вакилларига хос асосий хусусиятлардан бири – уларнинг ўзбек, туркман, коракалпок тилларида достон куйлашларидир. Бу анъанани хибалик Бола бахши якин ўтмишгача давом эттириб келган.

Бахшиларнинг ва айrim ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Суяв бахши ўзбек бахшиниси Эшвойнинг шогирди бўлган. У шундай машхур бахши бўлганки, у ҳакда кўплаб кўшиклар ҳам тўкилган «Эшвойнинг» номли кўшик Суяв бахшидан ёзib олинган. Кўшик матни ўзбек, коракалпок тилларида босилиб чиқкан. Шунингдек, бу кўшикни туркман тилида ҳам «Маржон доналар» китобида Гарифниёзининг асари сифатида босилган.

Суяв бахши, ўз навбатида, талантли бастакор ҳам бўлган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Мухаммад Юсуф Девонзодалар «Хоразм мусикий тарихаси» китобида шундай ёзлилар: «Суяв бахшининг ўз тарафидан чиқарган 7-8 турли нағмаси бор бўлиб, ҳар бирлари ҳам халк тарафидан ғоят макбул ва севимли нағмалардур. Суяв бахшининг йўлини аксари кишилар черта билмайдур. Ўзининг чикорғон нағмаларини гўзал бир суръатда черта билгани янглиг, айтмокка муҳим уста эди».

Пўрси достончилик мактабининг йирик вакили Эшвой бахши ўз репертуарида 32 кўйдан фойдаланган. Шу мактабининг сўнгги вакилларидан бўлган Турсун бахши берган маълумотга караганда Суяв бахшининг шогирди манғитлик Аҳмад бахши ҳам 32 кўйни тўла билган. Шу куйларнинг еттитаси Суяв бахши

ижодига тегишли эканини хисобта олсак, унинг накадар ноёб истеъдод эгаси жанлиги маълум бўлади. Таникли ўзбек достончиси Бола бахши Абдуллаевнинг (1899-1994) Суяв бахши хакида берган яна бир маълумоти айнинса қимматлидир. Суяв бахши тўйга келганда минглаб кишилар давра олиб ўтиришган. Ўртага катта устун кокиб, унга араванинг катта гилдираги махкамланган. Унинг устига тилам тўшаб, Суяв бахши чикарилган. У достон кўйлашни бошлаганда махсус хизматчилар гилдиракни аста – сеқин айлантириб туришган. Гилдирак ўзига хос бир саҳна бўлиб, даврадагиларнинг барчаси бахшининг кўйлашидан баб – баравар бахраманд бўлишган.

Хуллас, Суяв бахши XIX аср ўртаси ва XX аср бошларида Хоразм воҳасида ловурғли бахши сифатида танилган. У туркман, ўзбек ва коракалпок достончилик анъаналарининг тараққиётига катта хисса кўшган.

Суяв бахши воҳадаги талантли ёшлиар орасидан Жумамурод бахши, Болта бахши каби туркман, Ахмад бахши, Отажон бахши каби ўзбек, Жапак бахши каби коракалпок бахшиларини тарбиялаб етиштирган, уларга қадимги достончилик анъаналарини ўргатган. Бола бахши Абдуллаев ҳам уни устоз сифатида таи олар эди.

МУСО БАХШИ ТУРУМОВ

XIX аср Хоразм достончилик санъатининг талантли бахшиларидан бири Мусо бахши 1854 йилда Шўрохон атрофларида таваллуд топган. Бу давр Пўрси достончилик мактабининг гуллаган пайти бўлиб, машхур Суяв бахши, Феруз саройидаги Ризо бахши, Отажон бахшиларнинг довруги элга тараалган вактлар эди.

Мусо бахши ўзбек, туркман, коракалпок тилларида бемалол достон кўйлаган. Унинг репертуарида «Гўрўғли» ва «Ошик» силсиласидаги ҳамда «Юсуф-Аҳмад», «Курбонбек», «Тулумбий» каби эллиқдан ошик достон бўлган. Бахши шундай бир ноёб овозга эта эканки, у кўйлаган достонни кўшини кишилодка бемалол тушуниб ўшитиш мумкин бўлган. Мусо бахши кўйлаб достон кўйлари ҳам яратган. Унинг «Мусо сен ёри» куйи халигача бахшилар репертуаридан тушмасдан келмокда. Бахши 1907 йилда вафот этган. Халк орасида бахши хакида шундай ривоят юради: Мусо бахши кўйлаганда энг асов туюлар ҳам ийиб кетиб, ювошиб колар, ҳар кунгидан кўпроқ сут берар экан.

Унинг невара-чеваралари хозир Беруний ва Гўрткўл шаҳарларида маъсул лавозимларда ишламоқдалар.

ЖУМАНАЗАР БАХШИ

Бола бахши - Курбонназар Абдуллаевнинг устози Жуманазар бахши Янгиарик туманининг Кормиш кишилогида туғилган бўлиб, унинг авлоди кормишлик туркман уругларига бориб тақалади. Бахши 1929 йилда вафот этган. Ўша пайтда таҳминан у 70 ёшиларида бўлган. Унинг репертуарида «Гўрўғлиниң дўрайиши», «Араб Рийхон», «Кирк минг», «Кампир», «Авазхон», «Ошик Фариб», «Ошик Махмуд», «Ошик Албанӣ» каби ўттизга якин достон бўлган. Бахши туркман ва ўзбек

тилларида достон ижро этган.

ҚУРБОНБОЙ БАХШИ

Курбонбой жиров Тожибоев 1876 йилда Тўрткўл туманининг Шўрохон кишлогида туғилган. Ёшлигида чўпонлик килаган, ҳалқ қўшикларини, достонлардан парчаларин куйлаб юрган. Кейин эса тўрткўлилк Жиянмурод жиров, буҳоролик Холмурод жиров, кўнгиротлик Нурабдулла жировларга шогирд тушади. У ўзбек ва коракалиюк тилларида достон куйлаган.

Репертуарида «Алпоми», «Кўблон», «Шахриёр», «Қирқ қиз», «Қурбонбек», «Жаҳоншоҳ», «Менглихол», «Жонодил», «Болтакай ботир», «Ширин-Шакар» каби кўплаб достонлар бўлиб, улар, рус, ўзбек ва коракалиюк тилларида нашр этилган. 1956 йилда унга «Ўзбекистон ва Коракалпогистон ҳалқ достончиси» унвони берилган. Жиров 1958 йилда вафоғ этган. Унинг ҳаёти ва ижоди хакида марказий матбуот саҳифаларида айрим материаллар босилган. Коракалпогистонлик профессор К.Максетовнинг баҳши хакида маҳсус тадқикотлари мавжуд.

АҲМАД БАХШИ МАТНАЗАРОВ

Шимолий Хоразм достончилигининг йирик зекилларидан бири бўлган Аҳмад баҳши 1894 йилда Мангитнинг Осовбий маҳалласида ипакчи оиласида тавалууд топган. Унинг оиласи хунармандчилик билан шугуллансанда, унинг аксарият аъзолари адабиётни, санъатни кадрловчи кишилар бўлган. Жумладан, баҳшининг онаси Ҳабиба кампир гапга чечан, бадиҳагай ёёл бўлган. Оиласининг тўнгич фарзанди Розия зеҳиلى, саводхон, хушновоз ҳалфа бўлган. Хоразмда кўплаб тарқалган китобий достонларни тўй-маъракаларда маҳорат билан ижро этган. Ана шундай мухитда ўсган Аҳмад баҳши ёшлигидан достон тинглашга ва уни куйлашга иштиёкманд бўлиб ўди. Аҳмад баҳши репертуарида «Юсуф-Аҳмад», «Ғаріб ошиқ», «Хурлико-Ҳамро», «Саёдхон-Ҳамро», шунингдек, Гўрўғли туркумининг кирқдан ошик достонлари бўлган.

Унинг тижжакчиси туркман миллатига мансуб Оллош Муродовнинг айтишига қараганда, Аҳмад баҳши достон куйлаган пайтда бутун борлиги билан воқеалар ичига шўнгиб кетар, танаффус нималигини билмас, ҳатто дутор ҷалавериб кўллари конталаш бўлиб кетар экан.

Машхур фольклоршунос Ҳоди Зариф ўзининг рус тилида 1947 йилда Москвада чоп этилган «Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси» китобида Аҳмад баҳши фаолияти билан боғлиқ кизик бир лавҳани келтиради. 30-йилларда Ҳоди Зариф баҳшидан «Қирқ миглар» достонини катта ҳалқ йиғини иштироқида ёзиб олади. Баҳши жанг элизодларини тасвирилаётib, Гўрўғлининг шиддат билан душманга отиғланини айтаётib, воқеаларга берилаб, ўзи ҳам ўрнидан туриб кетади, шу пайтда баҳши билан бирга бутун ҳалойик ҳам ўрнидан туриб кегади. Қарангки, бутун ҳалойик ҳам баҳши билан ғенгма тенг хисснёт оғушига гарк бўлишган экан.

Аҳмад баҳши нафакат баҳши, балки иктидорли шоир ҳам бўлган Унинг невараси Музаффар Аҳмаднинг ёзишича, баҳшининг кўплаб шеърлари 20-30 йилларда вактили матбуотла чон этилган. Талантли баҳши 1936 йилнинг ноябрь

ойида диний асарларни тарғиб килишда айбланиб, камокка олинади ва 1938 йилнинг август-сенгябрь ойларида камокда вафот этди. Бахши вафотидан кейин 1960 йилда окланади.

Ахмад бахши ҳакида кейинги йилларда унинг невараси Музаффар Ахмал катор илмий-оммабоп мақолалар ёзлон қилиб, бобоси рухини шод этди. Айникса, унинг «Шарқ юлдози» журналиниң 1992 йил февраль сонида берилган «Кирк минги бахшидир, кўлинда сози» мақоласи хамда ўша сонда боенлган «Кирк минглар» достони бугунги ўкувчи учун ноёб маънавий тухфа бўлди. Ахмад Матназаровнинг кўпгина шеърлари кўлимиизда мавжуд бўлиб, асосан услуб жихатдан ҳалқ қўшикларига жуда ҳамоҳанг келади.

АБДУЛЛА БАХШИ БОБОЖОНОВ

Абдулла бахши Бобожонов 1898 йилла Тўрткўл туманининг Кирккиз кишлогида туғилди. Болалик йилларида санъатга кизикса ҳам онлага ёрдам бериш учун дехкончиллик килишга мажбур бўлади. Факат 50 ўшларидагина севганд соҳаси бўлган санъатга юз бурди. Бирок, у профессионал бахшии сифатида фаолият кўрсатмаган. Умр бўйи дехкончиллик килиб, айrim давраларда достон айтиб, дўстлар дилини хушнуд килиб юрган. Абдулла бахшидан 1963 йилда «Хирмондали» достони ёзиб олинган. Достонни ўша вактда у дутор жўрлигига ижро қилган. Унинг репертуарида «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам», «Ошиқ Махмуд», «Ошиқ Албанд» каби достонлар ҳам бўлган. Афсуски, бу асарлар ёзиб олинмаган. Бахши 1974 йилда вафот этган.

БОЛА БАХШИ

Хоразмда ўзига хос бахшичилик мактаби яратган талантли бахши Курбонназар Абдуллаев 1899 йилда Хива туманининг Гурланбоғ кишлогида дехкон оиласинда таваллуд топди. Унинг катта бобоси Усмон ота машхур бахши бўлган. Отаси Абдулла Авазниёз ўғли эса оддий дехкон бўлса-да, мусика ва қўшикка жуда ихлосманд киши эди. У чаласавод бўлиб, Навоий, Махтумкули асарларини ҳам озми – кўпми мутолаа килар, баъзи газалларни ёдиаб қўшик килиб кўйлаб юрар эди. Бир куни ҳатто ўз дўсти Мадраҳим aka деган киши билан тут ёғочини ўйиб дутор ҳам тузатиб олади.

Отасининг ана шу харакатларига разм солиб юрган ёш Курбонназарнинг калбида ҳам санъатга, достончиликка бўлган ҳавас ва иштиёқ ўша даврларда ёк уйғониб бошлиди. Отаси уни 5 ёшида эски мактабга берса-да, Курбонназар мактабни тамомламади.

Ундаги мусикага бўлган ҳавасни пайкаган отаси устгага дутор тузаттириб Курбонназарга беради. Ёш Курбонназар уни чалиб юради.

Унинг отасидан биринчи ўрганган қўшиғи Махтумкулиниң «Ёт бўлур» деб номланувчи шеъри эди. У тўқиз ёшларида ҳалқ орасида танила бошлиди. Жуда ёш бўлганлигидан уни «Бола бахши» деб атар зилилар. Ўша атама унинг номига умрининг охиригача қўшиб айтилиб келинди. Бола бахшининг машхур достончи бўлиб етишишида унга устозлик килган кишилардан бирин Жуманазар бахшининг ишогирди Ёдгор буламончи эди.

Ёдгор буламончи ёш баҳшига достон куйларини ўргатади, дуторга ўз буламони билан жўр бўлади. Унга достонларни ўргаттган иккинчи устози шу қишлоқлик Раҳима ҳалфа эди. Ёш Курбонназар ўрганган достонларини ҳалқ орасида куйлаб юрли. Кейинчалик отаси уни Жуманазар баҳшига шогирд килиб беради. Бу тахминан 1914-15 йиллар эди. Шундан боинраб то 1929 йилгача Бола баҳши устози билан биргалиқда достон куйлади. Шу йили устози вафот килгач, ўзи мустакил достон куйлашга ўтади. Шундай кейин анча йиллар Хива театрнида ишлади. Иккинчи жаҳон урушида катнашиди. Урушдан кейинги йилларда ҳам ҳалқ театрида, маданият уйида ишлаб келди. Унинг репертуарида «Гўрўғли» ва «Ошик» туркумларига оид йигирмага якин достон бўлиб, уларнинг анчаси ёзиб олинган. Ундан, «Ошик Ғарib ва Шоҳсанам», «Гўрўғли» туркумидаги катор достонларни ёзиб олдик. Курбонназар Абдуллаевнинг достон куйлаш маҳорати ниҳоятла юксак. Унинг дикцияси жарапнгдор ва бурро, Ҳоразм куйларини жуда яхши билади. Достонни хикоя килган вактда эшитувчиларни ўзинга дархол жалб эта билиш ва уларни чўкур хаяжон гирдобига ташлаш кобилиятига эга. Бола баҳшининг гап тузиш, хикоя килишда ўзига хос тақрорланмас услуби бор. Баҳши достонларда насрый коғияларни, муболагаларни, ўҳшатишларни, фразсолологик ибораларни, маколларни ўз ўрнида усталик билан кўлпайди. Масалан, «Бозиргон» достонида Бозиргоннинг ўлимидан олдинги ахволини баён этар экан, баҳши уни шундай ифода этади: Бозиргон туясини устинда бораёттир эди, гойибдан бир совук шамол эси. Юраги бир нарсани сезди, обенинг учидан бир жумбирди, кириб, ягирини уч айланаб, мисидан дуд бериб чикиб кетди. «Хирмондали» достонида эса куррадўз кампирни шундай тасвирлайди: «Тўппси тўзган, кўхна касали кўзган, гапда хаммадан ўзган бир шум кампир».

Курбонназар Абдуллаев достон мусикаларини номлари билан бирга билувчи ягона баҳши эди. Унинг маълумот беришича, илгари 72 дан ошик куй бўлган. Баҳши ота шуласини ўтиз тўртасини тўла равища билар эди. Маълумки, Ҳоразм достонлари “Мухаммаси ифтор” куйи билан бошланиб, “Оромижон” ёки “Бартавулнинг уфориси” билан тугатган. Энг охирида эса “Саргардон” куйи ижро этилиб ниҳояланган.

Унинг репертуаридаги ушбу мусика асарларининг ўзи алоҳида тадқикотни талаб этади.

Бола баҳни нафакат ўзбеклар орасида балки туркманлар истикомат киладиган масканларда ҳам машҳурdir. У ҳар икки тилда достон куйлаш кобилиятига эга эди. Баҳши “Гўрўғли” эпосининг Полвон баҳши репертуарига алокадор бўлган йўмит версиясини (човдир версияси ҳам бор) тўла равища ўзлашибтирган эди.

Курбонназар Абдуллаевга 1938 йилда «Ўзбекистон ҳалқ достончиси» узвони берилган. Баҳшининг ўтилларн Норбек, Матёкуб ва Ётмишбойлар ҳам ота изидан бориб, Ҳоразм достончилиги анъаналарини муносаб равища давом эттираёттирлар. Буларнинг орасида мусика илмига чўкур тушуниши, шеърият сирларини мукаммал англаши ва бадиий ижодга кобилиятилилиги билан Норбек алоҳида ажралиб туради.

Баҳши 1994 йилда вафот этди.

ХУДОЙБЕРГАН БАХШИ ЎТАГАНОВ

Худойберган Ўтаганов 1901 йилда Мангит туманидаги Мусоғир кишлоғида туғилади. Мусикага чукур ихлос кўйған Худойберган ўз хаётини санъатта бағишилди. У узок йиллар машхур Аҳмад бахшининг ёнида булатончилик киради. Унинг репертуаридаги кўлгина достонларни ўрганиб олади. Устози вафот этганидан кейин эса ўзи мустакил достон айтишга ўтади. Унинг репертуарида «Саёт ва Ҳамро», «Хурилико ва Ҳамро», «Бозирғон», «Хирмондали», «Аваз олиб кочган», «Аваз уйланган» каби достонлар бор эди. Унинг репертуаридаги «Саёд ва Ҳамро» достони Ф. Султонова томонидан, айрим достонлари эса коракалпок фольклоршунослари томонидан ёзил олинган. Худойберган бахши достонларни дутор жўрлигига куйлаган. У 1983 йилда вафот этган.

МАТНАЗАР ЖАББОР ЎГЛИ

Матназар бахши 1906 йилда Ҳазорасп туманининг Бешта кишлоғида туғилган. Бошлиғич матьлумотга эга. Колхозчи бўлиб ишлаган. Бахшичилик санътига кизиккан ва тўрткўллик Курбонбой жировга шогирд тушган. «Алномиши», «Элимхон», «Қоракўзойим», «Авазнинг Чамбилга келтирилиши» каби катор достонларни билган ва бу достонларнинг барчаси ёзил олинган. Шулардан кейинги иккитаси Х. С. Сулаймонов номидаги кўлёзмалар институти фольклор архивида (инв. № 3352, № 3354) сакланади. «Қоракўзойим» достони эса 1967 йилда нашр этилган. Бахши ўзбек ва коракалпок тилларида достон куйлай олган. У 1977 йилда вафот этган.

ҲАЙИТВОЙ БАХШИ

Шоббоғзик Ҳайитбой бахши 1908 йилда Бийбозорда туғилган. Асли туркмандарнинг арбачи уруғидан. Ўн беиш ёшларида Жуман бахши ва Сапок бахшиларга (Пўрси) шогирд бўлади. Репертуарида «Бозирғон», «Хирмондали», «Кампир», «Араб танған», «Аваз уйлантирган», «Саёд ва Ҳамро», «Эшик Гариф» каби достонлар мавжуд. Ўзбек тилида, эроний тилида дутор жўрлигига достон куйлади. 1990 йил ойила биз ундан «Хирмондали» достонини ёзил олдик. У 1992 йилда вафот этган.

ЖУМАБОЙ ХУДОЙБЕРГАНОВ-САКРАК БАХШИ

Жумабой Худойберганов - Сакрак бахши 1909 йилда Гурлан туманининг Вазир кицлогида туғилган. Отаси курашиб тушувчи полвонлардан бўлиб, ўглини ўзи билан тўй-сайилларга бирга олиб борган. Бу тўйлардаги бахшиларнинг чиқишилари Жумабойда ёшлигиданоқ, достончиликка хавас уйғотади.

У мангитлик машхур достончи Аҳмад бахшига, кейинчалик Хўжёз бахшига шогирд тушади. Жумабой бахши «Гўрўғли» туркуми достонларидан йигирмага якинини тўла билган. Бундан ташкири, «Юсуф ва Аҳмадъ», «Ошиқ Гариф ва

Шохсанам», «Юсуф ва Зулайх» каби достонларни хам маҳорат билан күйлаган. У достон күйлаганда воқеалар оқимига шундай киришиб кетганды, баязан ўринидан турив, баязан дутерни такка ерга кўйиб, кўлини пахса килиб, асар қахрамонлари фаозиятини харакат билан кўшиб хикоя киған. Мусика ритмидаги ҳамоҳаига равишда тебраниб дуторни усталик билан ҷағған. Ана шу ҳаракатларига кўра уни «сакрак» баҳши деб юритичган. У дилкаш, шўх, юморга мойил киши бўлган. Жумабой баҳши Хоразм баҳши-шоирларининг 1983 йилги вилояг танловида биринчи ўринни олган. 1985 йилда бўлиб ўтган Республикаизи баҳши-шоирларининг VI кўрик танловида эса III даражали диплом билан тақдирланган.

«Гўрўғли» туркумининг жуда кўп шоҳобчалари унинг ижросида ёзил олинган. Жумладан, «Гўрўғлиниң кайтиш бўлиши» достони факат Сакрак баҳши репертуаридагига сакланниб колган. Ушбу достонни бошка баҳшинлар ўрганмагандар. Бунинг асосий сабаби мазкур достон тўйларда ижро этилмаган. Сакрак баҳши хам бу достонни факат кичик давралардагина ижро килиб келган. Биз ушбу достонни ёзил олганда жуда кўп муаммоларга дуч келдик. (Р.С.) Баҳши аввало бу достонни ижро килишини истамади. Колаверса, достонни ижро этиши учун албатта буламон ва гижжак чаладиган маҳсус кишилар бўлиши лозимлигини, бу мусика асбобларини бошка кишилар мазкур достон билан боғлиқ кўйларга мослаб чали билмасликларини айтди. Биз ўша киниларни топиб келгандан кейингина баҳши «Гўрўғлиниң кайтиш бўлиши» достонини ижро килди ва уни ёзил олдик. Дарҳакикат достонлардаги кўпгина шеърий парчалар асосан марсия бўлиб, бу парчалардаги мазмунни буламсан ва гижжакларниң ўзига хос нолаларисиз тасавур килиб бўлмайди. Бинобарин ушбу достонни қахрамоннинг фожеали ўзимига бағишланган марсия деб атаса тўғри бўлади. Ундаги ҳар бир мисра бир кўй ҳалқининг ўз баҳодиринга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини изхор стади.

Жумабой баҳши ижодига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири достонлар таркибида кўплаб мақолларга ва учирик сўзларига мурожаат килишидир. Баҳши «Гўрўғли» туркумига кирувчи «Тухмат ташлаган» достонини кўйлаганда достонлари Ога Юнус парининг аразиаб кетиши эпизодини тасвиirlар экан, «Учакда созанда, ошокда созанда, ҳеч нарса йўқ козонда» иборасини көлтиради. Ога Юнус пари кетгандан кейин Гўрўғли хонадонининг хувувлаб колганлигини образли ифодалашда бу ибора узукка кош кўйтандай ярашади. «Ҳеч нарса йўқ козонда» ибораси масала моҳиятини ифодалаш учун шундай мос ташланганки, тингловчи ҳамма нарса бор, аммо асосий нарса йўқ эканини англатадиган бу иборани эшлиши билан эътиборни дарҳол Юнус парига каратади. «Гўрўғлиниң Дарабандга кетиши» достонида Сафар кўса билан Вали дўникининг фитни тайёрлашта бош кўнишлари хакида гап кетар экан, «Песенки коронгуда топади» мақоли көлтирилиб, ҳар иккала персонажнинг характер хусусиятларини шу бир мақол замирида яққол кўрсатиб беради.

Жумабой баҳшининг нуткига хос асосий хусусият шу нарсаларда кўринади, у хикоя килиш жараёнида «ана» сўзини кўп келтиради. Бу сўз «ана энди Гўрўғлидан эвийтайлик», «ана Фирот бургутдай учиб Чамлибел томонга йўл олади», «ана энди сўзни Сафар кўсалан эшитинг» каби инициал формулалар тарзидан намоён бўлади. Баҳши тингловчи эътиборини ўзига тутиб туриши учун

вокеалар лавомида «кани кўрик, не деган экан», «кани энгитайлик, не деб турган экан» каби медиал формулаларни ҳам кўпилаб ишшатади. Бу воситаларини барчаси баҳшининг достон куйлашдаги юқсак маҳоратидан дарак беради.

Жумабой баҳши Шимолий Хоразм достончилигининг Ахмад баҳшиндан кейинги энг талантли ижрочиларидан бирин эди.

Баҳши 1985 йил октябр ойида вафот этган.

ҚОДИР СОЗЧИ КАРИМОВ

Гармон чалиб, достон куйлагани сабабли «Созчи» лақабини олган Қодир Каримов 1910 йилда Урганч туманининг Чаккашоликор кишлогига туғилган. Ёшлигидан санъатга ихлосманда бўлган Қодир ака Сафо Муганий ва Мадраҳим Шерозийлар изидан борди. Айниска, у Мадраҳим Ёкубов Шерозийдан гармон чалиш сирларини ва достон куйларини ўрганиди. 1933 йилда хоразмлик бир канча санъаткорлар билан биргаликда Тошкентда ўзбек филармониясида ишлади.

У ёшлигидан бошлиб достон куйлашга кизикди. Бола баҳши, Ахмад баҳшилар репертуаридаги достонларни тинглали; кўпигина достонларни ёдлаб олиб, ўзи ҳам мустакни ижро кила бошлади. Унинг репертуарида «Бозирғон», «Ошик Ғарib ва Шоҳсанам», «Хирмондали», «Кийик» ва «Жухуд ўғлон» каби достонлар бўлган. Қодир Каримов достонларни гармон чалиб ижро киласди. Ёнида унга дониачи ва булатончи жўр бўлади. Унинг дикция килиш, воеаларни образга кириб, артистона тушунтириши кобилияти алоҳида кўзга ташланади.

У узок йиллар Урганч шаҳар ва туман маданият уйларида ишлади. Қодир Каримовнинг репертуари хали тўла ўрганилмаган. Унинг ижросидаги «Ошик Ғарib ва Шоҳсанам» достонини 1970 йилда ёзib олдик. Бу достон Бола баҳши вариантидан бир мунча кенг, насрый кисми образли ифодаларга бой. Баҳши 1990 йилда вафот этган.

АБДИ БАҲШИ ОТАГАЛДИЕВ

Абди баҳши 1913 йилда Шоббознинг «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги худудидаги корақалпоқ овулида туғилади. Ёшлик пайтлариданоқ, Намоз баҳши ва Олтибой баҳшиларга шогирд бўлади. Репертуарида «Ошик Ғарib», «Сайд ва Ҳамро», «Хирмондали», «Ҳурлико ва Ҳамро», «Бозирғон», «Аваз уйлантирган», достонлари бўлган. Сим торзи туркман дуторида, эроний йўлида ўзбек ва туркман тилларида достон куйлайди. Баҳши аслида туркман миллатига мансубdir. 1990 йилда биз ундан «Ғарib ошни» достонидан парча ёзib олдик. У 1993 йилда вафет этган.

ЙЎЛДОШ БАҲШИ ДЎСИМБЕТОВ

Шимолий Хоразм достончилиги анъаналарини хозиргacha давом килдириб келган Йўлдоши баҳши 1919 йилда Мангитнинг Қалъали Ушок деган жойида туғилган. Еттичи синфини битказиб, оддий колхозчи, хисобчи, кишлоқ кенгигани котиби бўлиб ишлаган. Йўлдоши баҳши Мангит атрофида яшаб ижод килган

Ахмад бахши, Тангриберган бахши, Кўчкор бахши, Бекжон бола каби достончиларнинг анъанатарини давом эттириб келаётган Хударган бахшига шогирд тушган. Ундан «Кирк минглар», «Аваз уйланган», «Араб танган», «Бозиргон», Хирмондали», «Ошик Гариб» «Саёдхон ва Ҳамро», «Юсуф-Ахмад» каби достончилари ўрганган. Унинг бахшичилик фаолияти 50-ийчиларда бошланади. Бахши мусикани яхши тушуниди. Достон воеаларини бошқаларга караганда изчил, атрофлича тасвирлашга ҳаракат килади. Ундан биз 1987 йилда «Аваз уйланган», 1992 йилда «Араб танган» достончиларини ёзив олдик. «Араб танган» достони бахши ижросида Ҳоразм ойнаи жаҳони оркали намойини этилди. Мухлислар уни жула самимий каршиладилар. Бахши 1996 йилда вафот этган.

ТУРСУН БАХШИ

Ҳоразм воҳасининг шимолий худудида, асосан, ўзбек тилининг кичкок лаҳқасида сўзлашувчи аҳоли истиқомат килади. Мазкур худудда тарқалан достончиллик анъанаси марказини шартли равишда Мангит шаҳри деб белгилан лозим. Ушбу достончиллик анъанасининг илдизлари қадимги Пўрси достончиллиги анъаналари билан боғланади. Пўрси достончиллиги анъаналари, 1968 йилда Хивага келган А. Самойловичнинг берган маълумотига караганда, XX асрининг бошларигача давом этган бўлиб, унинг сўнгти вакили Суяв бахшидир. Мангит достончилгининг атоқли вакиллари Ахмад бахши, Ҳўжёз бахши, Хударган бахши, Йўлдош бахши ва бошқалар бўлиб, унинг охириги вакили Турсун бахши Жуманиёзовдир. Бу худуддаги достончиллик анъаналарига хос бўлган хусусиятлар, асосан, куйидагилардир.

а) бахши дутор жўрлигига кўйлайди. Унинг ёнида буламончи ва гижжакчи бўлади. Ансамблда доирachi иштирок кilmайдi.

б) бу жойлардаги бахшилар кўйлайдиган достонларнинг айримлари Жанубий Ҳоразмдеги бахшилар репертуарила учрамайди. Худди шу достонлар ҳажми жиҳатидан ҳам анча салмоқдор. Масалан, мангитлик Турсун бахшидан ёзив олинган «Ҳурлико ва Ҳамро» достони Хива бахшилари репертуарида йўқ. Ҳажми жиҳатидан эса бу достон анча кенг кўламга эга бўлиб, уни бахши 5-6 соат давомида ижро этади.

Жанубий Ҳоразмда тарқалган достонлар бахшилар репертуарига аксарият ёзма чусхалар асосида кириб келган бўлса, Шимолий Ҳоразмда кўнгина достонларнинг қадимдан бери оғзаки равишда устоздан шогирди а ўтиб келганилиги сезилади. Айрим достонларнинг ҳажман катталитикнинг сабабларидан бири ҳам шунладир. Бу хуудуддаги бахшилар репертуаридаги аксарият достонлар шеърий парча билан якунланади.

Бинобарин, Мангит бахшилари кўйлайдиган достонларнинг ҳажман кенг бўлиши, насрый қисмининг салмоги назмий қисмницидан колиши маслиги, финалнинг, кўнинча, шеърий тарзда якунланишининг сабаблари ахолининг этник таркиби билан боғлик. Шимолий Ҳоразмда яшовчи ўзбеклар воҳага келиб ўрнашган пайтда улардаги бахшиларнинг достон куйлашни анъанаси бошқачароқ бўлган. Улар Ҳоразмга кўчиб, махаллий бахшилар таъсирида аста-секин ички бўғиз товушда куйлашдан ташки товушда куйлашга ўтганлар. Сўнгра репертуарда.

музиқала ўзгаришлар содир бўлган, достонлар ҳажми кичрайтирилган ва хоказо. Лекин бари бир, эски анъаналарнинг изи бутунлай йўқолиб кетмаган.

Дарвоке, Хоразмдаги достончилик анъаналарнинг икки алоҳида туругга бўлининши ҳалқнинг этногенезиси билан чамбарчас боғлиқлар. Ібу хусусият иккала достончилик анъанасининг мусикиаси масанасида ҳам кўзга ташланади. Улардаги куйларнинг муштарак томонларидан ташкири, алоҳидаларни ҳам маъжуд Бахшилар берган маълумотларга кўра, Хива баҳшилари ўз куйларини ширвоний, Мангит баҳшилари эса эроний леб юритишади. Ушбу куйларнинг 30 дан ошик турини Турсун баҳши мукаммал ижро этар эди. У 1922 йилда Хоразм вилоятининг Мангит туманига карапли Бўйжик кўл кишлогининг Кувсирок овулида тугилади. Ўз кишлогига тўликсиз ўрга маълумот олади. Иш фаолиятини оддий дехкончилликдан бошлайди. Кейинчалик агрономлик киласи. Ўша йиллардаёт у достончиликка, куй-кўшикка ихлос кўйган ва бу йўлда эринимасдан машқ кила бошлаган эди. Том маънодаги баҳшичилик фаолиятни у 1949 йилдан бошлайди. Бу борада унга устозлик киляган киши машхур Ахмад баҳшининг шогирди ва булаоминиси Хударган баҳши Ўтаганов бўли. Турсун баҳши санъатни жуда яхши тушунар, достон куйлаётганда барча нарсани унугиб, воеалар гирдобига шўнгигб, тўлиб-тошиб кетар эди. Унинг репертуарида «Аваз олиб қочган», «Араб танган», «Аваз уйланган», «Бозирғон», «Хирмондали», «Хурлико ва Ҳамро», «Ошиқ Гариф ва Шоҳсанам» каби достонлар бор эди.

Биз баҳшидан «Аваз уйланган», «Араб танган», «Ошиқ Гариф ва Шоҳсанам», «Хурлико ва Ҳамро», «Хирмондали» достонларини 1980 –1981 йилларда ёзib олдик. (Р.С.) Турсун баҳши Шимолий Хоразм достончилигига ишлатиладиган куйларнинг номларини жуда яхши билар эди. Унинг берган маълумотига кўра, илиги ушбу достончилик мактаби вакииларни репертуарида «Минг-туман», «Султон буванинг меъоржи» деган куйлар ҳам бўлган. Мазкур куйларни ижро кила биладиган достончиларгина ҳакикий баҳши хисобланган.

Турсун баҳши Жуманиёзов 2001 йил 5 октябрда Мангит шаҳрида вафот этган.

АҲМАД БАҲШИ ЯНГИБОЕВ

Аҳмад баҳши 1928 йилда Шоббознинг Саркўп кишлогига туғилсан. Баҳшичиликни шоббозлик Болта баҳшидан ва Йўлдош баҳшидан ўрганган. Репертуарида «Бозирғон», «Гариф ошиқ», «Тоҳир ва Зухра» каби достонлар бор эди. Достонларни дутор жўрлигига эроний йўлида куйлаган. 1990 йилда баҳшидан мухаммаси ифтор куйи билан айтиладиган Гарифниённинг «Кўзларим» шеърини ёзив олдик. У 1996 йилда вафот этган.

МАҲМУД ЮСУПОВ

Махмуд баҳши Янгиарик тумани Кормиш кишлогига 1929 йилда тугилади. Унинг отаси Юсуф ака билан онаси Розия кампир Маҳмуджоннинг ёшлик пайтларида вафот киладилар. Махмуд эса бобоси Саид ота кўлида тарбияланади. У шеъриятта, мусикага қизикиб, ўзи ҳам шеърлар ижод киласи, дутор ва рубоб чалишни ўрганади. Унинг жуда кўп шеърлари «Хоразм ҳакиқати» газетасида босилиб чиккан. У яхшигина хонандачилик кобилиятига ҳам эга. Махмуд ака

репертуарида «Ошик Махмуд», «Ошик Ғаріб ва Шоҳсанам», «Саёд ва Ҳамро» каби дастонлар бор эди. «Ошик Махмуд» дастони 1970 йилда унинг ижросиди фольклоршунос Жуманиёз Кобулчиёзов томонидан ёзиб олинган ва нашр этилган Махмуд Юсупов 2003 йил 18 декабрда бафот этган.

2008 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исломи Оллобергано томонидан «Махмуд бахши» номи остида бахши ижодидан намуналар, у ҳақдаги замондошлиарининг ҳазил-мутойибалари, хотиралари жамланган китоб нашр этилди.

РЎЗИМБЕК МУРОДОВ

Рўзимбек бахши 1932 йилда Ҳўжайлида туғилган. Тошкент шаҳрида яшайди. Репертуарида «Ошик Ғаріб», «Нажаб ўғлон», «Кунтугмиш» каби дастонлар бор. «Ошик Ғаріб» достози унинг ижросида грампластиникага ёзилган. Хоразм бахшичизигининг ширвоний йўлида достон куйлади.

НОРБЕК АБДУЛЛАЕВ

Хоразм дастончилиги анъаналарининг кейинги бир асрини Бола бахши фаолиятисиз тасаввур килиб бўлмайди. Ўн тўрт ёшида достон куйлаб бола бахши лакабини олган Курбонназар Абдуллаев 94 йиллик умрининг 80 йилини достон куйлани ва истеъододли шогирлар тайёрлашга сарф киради.

Энг асосийси уч ўтганин ўз ишининг давомчилари килиб тарбиялади ва оиласлав бахшилар сулоласини яратиб кетди.

Ўша сулоланинг йирик вакилларидан бири Норбек бахши Абдуллаевdir. Машхур Бола бахши оиласида 1949 йил 19 февралда Хива шаҳрида таваллуд топган Норбек отаси изидан бориб, ёшлигидан достончилликка хавас кўяди. Хоразм достонларининг муснқаларини, ижро услубларини кунт билан ўзлантириди. Ўз билим ва малакасини ошириш учун Тошкент Давлат Маданият институтига ўқишига кириб, уни муваффакиятли тамомлади. «Бозиргон», «Ошик Ғаріб», «Авазхон» каби дастонларни маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Норбек Хивада «Достон» ансамблини тузиб, бахшичилик ва ҳалфачилик анъаналарини тарғиб килишда катта ишларни амалга оширеди.

Шу жараёнда Хоразм достончилиги довругини жаҳон бўйлаб таратди. 2000 йилда Японияга, 2001 йилда Бельгияга, 2008, 2009 йилларда Туркияга бориб, ер козининг кўплаб жойларидан келган санъат шинавандаларини ўзига ром кизди. Норбек Абдуллаев ноёб кобилнят эгаси. Истеъододли бахши, талантли хоначда, моҳир мусикашунос сифатида танилган санъат соҳиби бўлиши билан бирга ажойиб бадехагўй шоир ҳамдир. Унинг жарангдор мисраларида Она Ватан олкиши энг биринчи туради:

Сўнмас оҳангларни тарагтган элим,
Ўлмас сиймоларни яратган элим,
Илм-фанда, ижод, камолотда ҳам,
Дунёни ҳайрат-ла каратган элим.

Бадехагўй шоир шеърларинда ҳамиша санъатга, бахши маҳорати, достон!

ижросиңа ургу беради:

Дүмбіра овози, гијжак ноласи,
Даврлар хакида айттур ривоят.
Суронли газотнинг ур-хо-ур саси,
Күйда коришибди равшан, бағоят.

Шоир достон хакида, мусикий мерос хакида жүшиб күйлайди, уларни күз корачигидай эъзозлашини алохида таъкидлайды:

Эй бузрук меросим, табаррук неымат,
Боболар яратган туганмас коним.
Аждодлар тухфаси-бу бокий химмат,
Карашингда таъзимла ҳар ўтган оним.

Норбекнинг иктидори юксак, бадехагүйлик фаолияти, тафаккур донраси кенг. Унинг танлаган мисралари мантикан изчил, фикран теран, мальновий ўтқиридан. Шеърият техникасини, бадийлик мезонини, сўз танлаш маҳоратини яхши эталлаган. Буни юкорида келтирган парчаларимиз тўла исботлайди.

«Жалолиддин нидоси» шеъри ўзининг таъсирчанлиги ва жанговарлиги билан алохида кўзга ташланади. Унда қўйма иборалар, ўт чакираган мисралар кўплаб учрайди.

Она ер тупроғи кайгура ботди,
Бағрига тўқилиб конли томчилар.
Аждодим, бошингдан не кунлар ўтди,
Устингда ўйнали юз минг камчилар.

Жасадлар устида кон тумшук бургут,
Поёнсиз чўлларда мотам нидоси.
Мусибат дөгидан титрашиб эл-юрт,
Дунёни босгандা ғазот садоси.

Норбекнинг шоирлик иктидори унинг арузда ёзган шеърларида яккол кўринади; «Хива» шеърига разм солайлик:

Пахлавон Махмуд ётар гумбазлари савлат тўкиб,
Юрт таташган хону беклар давридин кўнгли чўкиб.
Ўз замонила кезиб жумла жаҳонни айланиб,
Топмади зарра хакиқат, колди гамда бойланиб.

Ушбу мисралар шакл жихатидан маснавийда ёзилган бўлиб, арузнинг фоилигутун фоилитун, фоилитун, фоилину руқнига мос тушади. Бу эса рамали мусаммами маҳзуф баҳрига тўғри келади.

Шеърнинг бошқа бандлари хам ўйноки, равон, мусикавий охангда битилган:
Нилуфар гумбазларида бор макомлардин садо,
Ҳам Сакил, Нешрав чалинган ҳамда Ферузи наво.
Полли дузчи куйлаган бечора ҳалким лардини.
Далда берган кўп юракларга ювиб, чанг, гардини.

Норбек Абдуллаевнинг хизматлари хукуматимиз томонидан ҳар жихатдан рагбатлантирилиб келинаётир.

1999 йилда у маданий-мәърифий ишлар аълочиси нишонини олишга сазовор бўлди. 2000 йилда эса унга Ўзбекистон халқ баҳиниси деган юксак уинсон берилди.

КАЛАНДАР НОРМАТОВ

Хоразм бахшичилик анъаналарининг ширвоний услуби бўйича достон куйлаётган ёнг истеъдодли ёш бахшилардан бири бўлган Каландар Норматов 1951 йилда Шовот туманининг Хитой кишлогига туғилган. Ёшлигидан санъатга кизикиб, достон кўшикларига хавас кўйди. Кейинчалик Бола бахшига шогирд тушиб, ундан дастлаб «Ошик Махмуд» достонини ўрганди. Хоразм телеведениеси оркали ижро этилган бу достон ёш бахшини злга танитди. Шундан сўнг Каландар «Авазхон» фольклор ансамблини тузиб, ўз атрофига кўплаб бахшилар, халфалар, кайрокчи, кизикчиларни тўплади. Кўплаб халқ ашуаларига, кўй-яллаларга «жен» кирилди. 1985 йил май ойида Шовотда ўтказилган Республика бахши-ицоирларнинг кўрик танловида Каландар фаҳрли иккинчи ўринни эгаллади.

Каландарнинг репертуарида «Авазхон», «Бозиргон», «Хирмондали», «Гулайим-Эрхасан», «Кампир», «Кирк минглар», «Ошик Махмуд», «Ошик Фарид», «Сайёд-Хамро» каби ўнлаб достонлар бор. Каландарда мусикавий истеъод, айникса бадихагўйлик кучли. Айни пайтда унга табиат нотиклик санъатиҳи хам бахшида килган. Бу хислатларнинг барчаси унинг талантли бахши бўлиб, злга танилишида асосий таянч бўлди. У 1990 йилда Тошкент Маданият институтини муваффакиятли тутатди.

МАТЁҚУБ АБДУЛЛАЕВ

Хозирги даврда ширвоний услубидаги достончилик ривожига мухим хисса кўшиб келаётган Матёқуб Абдуллаев хам Бола бахшининг фарзандидир. У 1953 йилда Хива шаҳрида туғилди. ўз отасидан достончилик борасида таҳсил олди. Тошкент театр рассомчилик институтини тутатди. Матёқубнинг репертуарида «Бозиргон», «Авазхон», «Ошик Фарид», «Хирмондали», «Ошик Махмуд» каби катор достонлар мавжуд.

Ёш бахши достонларни кўйлашда отасига хос бўлган равон талаффуз, оҳантдорлик, мусикавийликка катта эътибор бериш хислатларни яхши ўзлантирган. Матёқуб хозир Хивадаги санъат мактабида бахшичилик маҳорати бўйича ёшларга билим бемоқда.

ЕТМИШБОЙ БАХШИ

Бода бахшининг кенжা ўғли Етмишбой 1970 йилда Хива шаҳрида туғилди. У отаси ва акаларидан достон ўрганиш ва уларни маҳорат билан куйлаш санъатини эгаллашга бел боғлади. Натижада «Авазхон», «Бозиргон», «Хирмондали», «Ошик Фарид» каби катор достонларни кўйлаб халқ олқинига сазавор бўлди. Етмишбой Тошкент Маданият институтида сиртдан таҳсил олди. Хозир у Сайёд кишлогидаги бадний хаваскорлик жамоасида раҳбар бўлиб ишламоқда.

II. ХАЛФАЛАР

Хоразмда саводхон, гапга чечан, айни пайтда хонаидаслик кобилиятига эга бўлган зукко аёлларни «халфа» деб юритишидан. Ушбу агама арабча бўлиб, «Ўзбек тилининг изоҳи лугати»да шариат акидаларини яхни билувчи, ўқимишли киши гарзида шархланган. Дарҳакиқат, «лугат»даги шарх билан биз тилга олаётган халфалар фаолияти мъълум даражада аложага этадир. Чунки бир вактилар Ҳардуштийликнинг мукаддас китоби бўлган «Авесто»ни ифодали килиб, артистона ўқийдиган маҳсус хотин-киз ижрочиларни хам «халфа» (Қалпа) деб юритишган.

Даврларнинг ўтиши билан ушбу аёллар ислом дини билан боялик асарларни укишга, тарғиб килишга ўтганлар. Бирок бу ўқимишли аёллар факат диний санъаткорлари асарларини, шунингдек, китобга кўчирилган халқ достонларини хам ўқиб, хотин-кизлар даврасини бошкарғандар.

Достон куйловчи халфалар икки гурухга бўлинади:

1. Достончи-созанда халфалар.
2. Достонларни куйсиз кироат билан ўқиб эшиттирувчи халфалар.

Бундан ташкири, иккинчи гурухга кирувчи халфалар тўйларда хам, язда хам иштирок этадилар.

Биз кўйида уларнинг айримлари ижодига кискача тўхталамиз.

ДОСТОНЧИ-СОЗАНДА ХАЛФАЛАР ХОНИМ ХАЛФА

Эл орасида шоира сифатида машхур бўлган Хоним Халфа 1858 йилда Ҳиванинг Пишканик кишлоғида таваллуд тоғган. У бошлангич таълимни эски мактабда олиб савод чиқарған, Навоий, Мунис, Оғаҳий ва Машрабларнинг газалларини мутолаа килган ва ёд олган. Хоним Халфанинг шеъриятга бўлган кизикиши уни бадний ижодга нисбатан меҳрини оширади. Пировард натижада Хоним Халфанинг ўзи хам шеър ёзишни машқ кила бошлади.

У кейинчалик Кутлимурод сувчи исмли кишига турмушга чикади. Эрининг касбига рамзий ишора сифатида ўз шеърлари учун «Хоним совчи» таҳаълусини кабул килган.

Хоним халфанинг чевараси, Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси Тўра Куриёзовнинг бизга берган мавзумотига кўра, Хоним сувчи Феруз даврида саройга олдирилган ва узок йиллар юкори табака аёллар даврасида ўз санъати билан хизмат килган. Исфандиёрхон даврига келиб, саройдаги барча шонрлар, санъаткорлар тарқатиб юборилган. Хоним сувчи хам ўзининг сувчилик касбига кайтган. Унинг Каримберган ва Рахимберган исмли иккита ўғли бўялган.

Каримберганинг кизи Бикажон онадан Тўра Куриёзов тутылган. Таалантли рассом Хоним сувчи, Анаш халфа, Ожиза каби ижодкорларнинг портретларини ишлаган. Ушбу асарлар Урганич ва Тошкент шаҳарларидағи галереяларни безаб турибди.

Шоира ижодига хос хусусиятлардан бири шуки. унинг шеърларида асосан ижтимоний, инсоншунослик масалалари тараннум этилади. Халқнинг аянчли турмуши, адолатсизлик, зулм ва истиблодга нафрат Хоним сувчи шеърларининг

бош мавзусидир:

Бир нечалар этиб кияр бөзини,
Бир нечалар ямаб кияр дизини,
Мәйракада гап этарлар изини,
Нафисдан ўшаган бөзим яхсидур.

(«Бўзим яхшидур» шеъридан.)

Феодал жамиятдаги кашишк хаёт ва турмуш азобларидан вокиф бўлган шоҳара ўз шеърларида аянчли хаёт хакикатини тасвирлаб шикоят килиш билангина чекланиб колмади. Аста-секин факирона ҳаётнинг асосий сабабларини излади ва топди. Амалдорларниң никобини очиб ташлашга жазм этади. Натижада у Исфандиёр хон томонидан тан жазоси олади. Мана шу адолатсиз жазодан кейин шонра некбин ва исёнкор гояларни илгари суришга интилди. Энди Хоним сувчи хонни шеърий тия оркали барадла қарғашига ўтади:

Кўлинг чўлук бўлгай, кўзинг кўр бўлгай,
Азиз умринг охирида хўр бўлгай,
Ҳазрат Али Шоҳимарлон пир ургай,
Умринг йиглаб ўтгай, бевафо золим!

Юкорида келтирилган биринчи тўртликда оддий меҳнаткаш ҳалкнинг оғир ва қашшоқ турмузи тарзини ифодалаш оркали шоира поклик, ҳалоллик каби ахлок-одоб туйгуларини коникиб кўйлади. Кейинги тўртлик эса зинр қилинган кашишоқлик, адолатсизлик сингари илияглар сабабчиси хону беклар, амалдорларниң кийшик бащарасида и кир парданни олиб ташлашга ёрдам беради. Шоиранинг бу карашлари бекиёст тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хоним сувчининг шу руҳдаги бир қачна шеърлари 30-йилларда фольклоршупослардан Ҳоди Зариф ва Отажон Ҳошимлар томонидан ёзib олинган ва «Ўзбек поэзияси антологияси»га киртилган. Уларда миллый урф-одатлар, кадриялар, ахлоқ-одоб руҳияти ўз аксини топган.

Хоним ҳалфа истеъодининг иккинчи кирраси Хоразм достончилиги билан бевосита боғланиб кетади. Шеира-ҳалфа «Ошик Албанд», «Ошик Ғариф», «Асли-Қарам» каби ҳалқ достонларини тўла ёдда билган ва ударни ҳалқ орасида завқшавк билан кўйлаб юрган. 1930 йилда Ҳ. Зариф уидан «Асли-Қарам» достонини ёзив олган. Мазкур достонининг бизда мавжуд кўлёзмаси билан Хоним Ҳалфа айтган нусхасини солиштиреак, ҳалғанинг беназир ижодкорлиги яқол кўзга ташланади. Шоира-ҳалфа достонни сезиларни даражада ижодий қайта ишилаган. «Ҳар гўзалин гўзал дема», «Қизил гул этиб теринглар мени», «Бир онадан селтмиш ўғиз лўрасин» каби катор сатрлар кўлёзмада йўқ. Улар шоира бадиҳаси билан бевосита боғликлариди.

Хоним Ҳалфа достонларни мусиқа асебеби жўрлигисиз ижро этган. Ақсаняти холларда у ижро жараённада иккита пиёлани бир-бирига уриб, қўшик оҳангига мослаштириб кўйлаган. Шу нарсани ҳам таъкидлаш жонизки, Онажон Собирова, Ожиза каби истеъодиди шоира-ҳалфаларниң камол топишида Хоним Ҳалфанинг устозлик хиссаси бор. Айниқса Онажон Собирова ижоди Хоним сувчи ижоди билан муайян ҳамоҳангизликка эга. Хоним сувчи ҳалқ кўшикларини, айниқса, тўй маросими билан боғлик ашувлаларни шу даражада мукаммал билганки, Онажон Собирова, Ожиза ва улардан кейинги ҳалфалар ижодида хозиргача яшаб келаётган

кўшикларнинг аксарияти унинг репертуари билан боғлиқ.

Хуллас, Хоним Ҳалфа Саидамат кизи Ҳоразм ҳалфачилигининг барҳаёт анъаналарини юксак погонага кўтарган достончи шоира бўлиб, у колдирган маънавий мерос ўз аҳамиятини хеч качои йўқотмайди.

ОНАЖОН СОБИРОВА

Ҳоразм воҳасида кадимдан давом этиб келаётган ҳалфачилик анъаналари XX аср бошларига келиб, юкори ривожланий боскичига қадам қўйди.

Бунинг асосий сабабларидан бири XIX аср ўргаларидан XX аср бошигача Хивада хонлик қилган Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг адабиёт ва санъат хомийси сифатида фаолият кўрсатиши бўлса, иккинчиси ўша пайтларда Оқмачитга кўчиб келган немислар ва рус истилои муносабати билан Хивага келган рус, татар зиёлиларининг Европа маданиятига хос айрим парсаларни, жумладан мусика асбобларини воҳага олиб келишларидир. Ўша даврда мусика асбобларидан гармон ва торнинг кенг оммалашishi, шунингдек, граммафоннинг пайдо бўлиши хонликнинг Чор Россияси тасарруфидаги туркӣ ҳалклар билан маданий алокаларининг фаоллашганилиги натижасидир.

Шундай килиб, XIX аср охири XX аср бошларида Ҳоразм ҳалфачилик анъаналари янгича тарзда давом этди.

Хоним ҳалфа Саидаҳмад кизи, Онажон Собирова, Ожиза, Сораҳон Оллаберганова каби таниқли ҳалфаларнинг стишиб чикиши ҳалфачилик анъаналарининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

XX аср бошларигача Ҳоразм ҳалфалари асосан, икки пиёлани бир-бирига уриб, уни кўшик оҳангига мослаб, баъзан эса донра жўрлигига хониш қилишган.

XX аср бошидан воҳада гармон чалиб ашула айтиш оммалашган бўлиб, уни дастлаб кўлга олган ҳалфалардан бири Онажон Собировалир.

Онажон Собирова 1885 йилда Хивада наккош оиласида туғилган. Ёшлигиданок, ота-онасидан етим колиб, машаккатли хаётга дуч келган. Бирок матонатли аёл ушбу кийинчиликларга бардош бериб, эски мактабда хат - савод чиқаришга муваффак бўлган.

Онажон ёшлик пайтларидан бошлаб, шеърнинг мусиқага ихлос қўяди ва ўша даврнинг машхур санъаткор-шоираларидан бири бўлмиш Хоним сувчишоғирд тушиб, ундан гармон чалиши, ҳалк кўшикларини куйлаш йўлларини ўрганади.

Юксак истеъод соҳибаси 16 ёшлиридаёк ҳалк орасида машхур ҳалфа бўлиб танилди, ҳамда ўз устозлари Хоним сувчи ва Момо Палмин(фолбин)лар билан Ҳоразмнинг турли бурчакларida соз чалиб, кўшик айтиб ҳалк орасида ҳурмат козонади. Аммо хотин-кизларнинг бундай фаолияти ўша даврда ҳукмрон бўлган амалдорларга ёкмас эди. Натижада бу санъаткорларнинг учаласи ҳам хон ҳузурига чакирилиб, Хоним сувчи ва Момо Палминлар таёқ жазосига ҳукм этилади. Онажонни ўш бўлгани учун бир амалдор унинг гуноҳи учун хонга эллик тилла пуж тўлаб таёқ жазосидан куткариб колади.

Санъатга бутун умрини тиккан Онажонга бу воея кагта зарба бўлса-да, ўзининг севимли машгулоти – соз чалиш ва кўшик айтишини тарқ эта олмайди.

Хоннинг назаридан четрок бўлган Тошовуз томонларда меҳнаткашлар дилини хушнуд килиб юрди.

Онажон Собирева кейинги хонлардан бири бўлган Исфандиёрдан жабр кўрди. Чунки у:

Исфандиёр, золимлигини билдиридинг,
Нон ўрнига кунжарени едиридинг,
Камбагалини кийиаб, бойни кулдиридинг,
Хаддан ошдинг, золим! Ёнинг сўқилсан!

Бошинг кесисину, конинг тўқилсан!

каби хонни лаънатловчи кўшикларни ижро этар, буни эса хон айгокчилари Исфандиёрга етказар эди. Натижада Анаш ҳалфа хоннинг газабига дучор бўлиб, Тўрткўл ва Шоббоз (хозирги Беруний шаҳри) томонларда қочиб юришга мажбур бўлди.

Онажон ҳалфа 20-йилларда ўзининг фаол жамоатчилиги билан обрў козонди, хотин-кизлар озодлиги, паранжи ташлаш, маърифат масалаларида катта ишлар килди. Бирок шуни айтиш лозимки, Онажон она яна тазиикка учраб Мўйнок, Хўжайли томонларда яшаб юрди. У каерда яшамасин ҳамиша ҳалк билан бўлди, кўшик куйлади, янгиликларни мадҳ килди.

Онажон ёшлигига аравадан йикилиб, бир оёғи ва кўли лат ейди. Бирок у шундай раксга тушганки, оёғининг майиблиги сезилмаган ҳам. Ҳалк орасида унинг Анаш чўлук лақаби билан айтилиши ҳам ўша масала билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ҳалк артисти Гавқар Раҳимова ўзининг «Қутглуғ йўлда» (Т., 1973.) китобида Онажон ҳатфа ҳакида шундай ёзади: «коразмлик кексалар «Лазги» раксини ҳеч ким Онажонбийидек ўйнай олмайди, деяр эканлар. Онажонбийи раксга тушишдан ташқари, кўшик айтиш ва гармон чалишни ҳам билар экан».

Онажон Собирова бадний ижод билан ҳам шугулланган бўлиб, унинг учта шеъри «Хоразм ҳалк кўшиклари» (Т., 1965), ўнга шеъри «Хуршиди жаҳон келди» (Т., 1987) тўпламларида эълон қилинган.

Унинг шеърлари ўтган асрнинг 20-30 - йилларида яратилгани учун кўпроқ ўша давр воеалари - маърифатга интилиш, хотин -кизлар озодлиги ва бошқа масалаларга бағишланган.

Шу билан бирга унинг севги-муҳаббат, ватанпарварлик руҳида яратилган кўшиклари ҳам анччани ташкил этади.

Шоира ҳалфанинг «Этмишдур» радиофили битта ғазали бўлиб, у аруннинг ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган.

Иккинчи жаҳон уруши галабасига бағишланган «Жангчи қаҳрамонлар» шеъри ватанпарварлик туйгуларининг ёрқин намойиши бўлиб хисобланади.

Шоира ҳалфанинг севги-муҳаббат мавзусидаги шеърлари асосан, достон кўшиклари таъсирида юзага келган бўлиб, вазни енгил, ўйноки ва мусикабонидир:

Бормикан сочи сунбулим,

Тар очилган кизил гулим,

Боғда сайраган булбулим,

Гулзор учун саргардонман.

Ушбу кўшикнинг услуби ва бадиий хусусиятлари «Тохир ва Зухра» достонидаги «Саргардонман» кўшиғига жула мос келади:

Богларда савсон сунбулим,

Таргунчадек тоза гулим,

Гулдин айрилган булбулим,

Гулзор учун саргардонман. «Тохир ва Зухра», 71-бет

Шунингдек, шоира халфанинг «Зор айлама» шеъри хам «Юсуф ва Йудайх» достонидаги «Зор айлама» кўшиги таъсирида ижод килинган.

Шоира халфа ижодидаги шеърларнинг достон кўшикларига хамоҳанг келини унинг ушбу достонларнинг яхши билини, уларни турли давраларда кўйлаб юрганингини яна бир бор исбот этади.

Онажон халфа ижодининг асосий кирраларидан бири унинг «Ошик Албанц», «Тохир ва Зухра», «Ошик Ғариф» каби достонларни ёд билиши бўлса, иккинчиси, унинг хонандалиги ва ракс санъатининг моҳир ижроиси эканлигидир. Халфачилик фаолиятида у кўплаб лапарлар, ёр-ёрлар, кўшикларни ва достонлардан парчаларни халқ орасида маҳорат билан кўйлаб юрган. Пошшахон Матжонова, Ўғилжон Машарипова, Робия Огажонова, Раҳима Ҳакимова каби Хоразм ракс санъати юлдузларини тарбиялаб етиштиринида катта хизматларни амалга оширган.

Шоира 1956 йилда Хивада вафот этган. Хивада битта кўча унинг номига кўйилган. 2006 йилда унинг шеърлари “Анаш халфа” номи остида нашр этилди.

ОНАБИБИ ОТАЖОНОВА – ОЖИЗА

Хоразм халфачилик анъаналарининг йирик вакилларидан бири Ожиза таҳаллуси билан танилган Онабиби Отажоновадир. У 1901 йилда Хива туманинг Күшчи Каттабоғ кишилогида туғилган. Унинг отаси Позвонмуродбой деган кишининг шоли дапмаси (тегирмон) да хизмат килган. Онабиби таҳминан етти ёшлигига уларнинг оиласи Хива шаҳрига кўчиб келади. Онабибининг кўзи 2 – З ёшлиларга кирганда чечак касали билан оғриб, кўрмайдиган бўлиб колади. Ёшлигидан ногирон бўлиб колган кизининг келгуси тақдири ҳакида кайтурган отаси уни бирор касб эгаси бўлиб етиштириш учун гандимиёнлик Бибижон халфага шогирд килиб беради. Бу ерда Онабиби Бибижоннинг отаси Косим девондан шеърият сирларини ўрганади ва айни пайтда шу кишилуклик Худойберган муҳркон ёрдамида соз чалиш малакасини эгаллайди. Онабибининг истеъоди ёшлигиданок кишиларнинг диккатини ўзига торгади. Унинг ширин овози ва акли идрокидан вониф бўлган Мухаммадраҳимхон Феруз авлодига мансуб бўлган Дармонжон бика исмли аёл уни ўз хомийлигига олади. Бўлажак шисиранинг бундан кейинги ҳаётida унга катта мoddий ва маънавий ёрдам беради. Бу ҳол унинг тақдирида катта рол ўйнайди. Ожиза кўзи ожизлиги сабабли, кейинчалик игна билан ёзиладиган маҳсус бўзувни хам аъло даражада ўзлаштирган. Унбу ёзувда бемалол ўқиган ва ёзган.

Онабиби тиришкок ва зехнли киз бўлганидан 10 – 12 ёшлиридаёқ халқ кўшикларини ва Навоий, Машраб, Оғаҳийларнинг ғазалларидан кўпларини ёддан айта бошлайди, ўзининг ёқимли овози билан тўй-томошаларда кўшик кўйлаб.

халк орасида шухрат козонди.

Онаабиби Отажонова машхур хонанда бўлиш билан бирга, иштедодли шоира хамдидир. У халк кўшиклариға ҳамоҳанг бўлган кўплаб термалар ва кўшиклар ижод килди ҳамда уларни зўр маҳорат билан кўйга солиб, халк орасига ёди. Шоира кўзи ожизлигига ишора килиб ўзига Ожиза тахаллусини танлайди.

Онаабиби Отажонованинг айрим шеърлари шогирдлари ва унинг муҳлислари тилидан ёзил олинган. Щу сабабдан уларнинг баъзилари мазълум даражада ўзгаришларга ҳам учраган.

Ожиза ижодида эркин муҳаббат мавзуси катта ўринни ишғол килди. Унинг бундай асарлари кўпроқ лапар ва яллалар шаклида ижод этилган бўлиб, мазкур кўшиклар ниҳоятда нағис ўйноки ва самимийдир. Уларда ёр гўзаллиги, садокати, меҳрибонлиги, вафодорлиги юксак эктирос билан тараним утилади.

Унинг шеърларилаги лирик қаҳрамон севганига ўз садокати ҳакида дангали ва аниқ ганиради. Бу аниқлик ва дангаллик ҳалтка хос иборалар оркали конкрет шаклда ифола этилади.

Дилбар, бу жаҳон ичра ўлгунча сени дерман,

Умримнинг тули токи сўлгунча сени дерман.

Бўйнимга килич келса, кесгунча сени дерман,

Кўнглинига малол олма, ўлгунча сени дерман.

Ожизанинг “Уяламан”, “Тар ғунча”, “Галмади, галмади” каби шеърларида ҳам севги – муҳаббат мотивлари жуда нозик, ўйноки ва мазмундор мисраларда ифода этилаған.

Бинобарин, унинг севги-муҳаббат мағусидаги шеърларида ёрнинг гўзаллиги ва вафодорлигини куйлаш биринчи ўринда туради. Ожиза шеърлари гоявий – бадиий томондан баркамол асарларидир. Унинг шеърларининг асосий ҳусусиятларидан бирни уларнинг ҳалк кўшиклари билан чамбарчас боғликлигидир. Шоира шеърларининг айримларигина аруз вазнида яратилган. Аксарият шеърлари эса бармоқ вазнида ижод килинган.

Ожиза шеърларининг кўчилилиги мураббаба шаклида (а, а, а, б), баъзилари эса рубойи шаклида коғияланган.

Ожизанинг шеърлари Хоразм ҳалқ мусикалари, достон қуйлари билан чамбарчас боғлангандир. Чунки шоира юкорида таъкидлаганимиздек ҳалк достонларини тўла ёддан билган ва уларни маромига етказиб қуйлай олгандир.

Ана шу достонлар таркибиға кирган мисралар таъсирида Ожиза тахаллуси билан шеърлар яратган. Унинг дастлабки ижоди достон кўниклари билан узвий боғланиб кетади. Буни исботлаш учун шоиранинг “Келмади, келмади” шеъридан бир парча олиб кўрайлик:

Ошик деган кеч келами дўстиниа,

Кўз тикибди жон олмокни қасдина,

Босган қадамлари дийтам устиниа,

Келмади, келмади, нечун келмади?

“Хуршило Ҳамро” достонининг 1908 йилда чоп этилган тошбосма нусхасида куйидаги мисралар кўзга ташланади:

Кнани мунча кеч келурми дўстиниа,

На йигитсан жон олмокни қасдина,

Күйгон кадамларинг дийдам устинан,

Асиринг бўлойин, кайдин келурсан?

Оқиза ижодида куйидаги машхур мисралар бор:

Овози санамлардек, донишда Искандардек,

Қаҳр айласа аждардек, чин писта даҳон келди.

Ушбу мисраларга ҳамоҳанг сатрларни “Ройи Чин” достонида ҳам учратиши мумкин:

Урушда Музаффардек,

Донишда Искандардек,

Қаҳр айласа аждардек,

Ҳам ҳушнишон ўғлонлар.

Кўринадики, шоиранинг илк ижоди достон кўшиклиарининг кучли таъсири остида шакилана борган. У ўзининг катор шеърларидан достонларга хос бадиий тасвир воситаларидан, стилистик каторлардан, тайёр мисралардан унумли ва ижодий фойдаланиди. Айланавий мисраларни синтезлаштириб оригинал мисралар яратади.

Оқиза Хоразмда кенг тарқалган уч – тўрт кишидан иборат ҳалфаъар ансамблини бошкарган. Шу сабабдан унинг иитим лирик шеърлари орасида ўйин билан ижро этиладиган яллалар кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, унинг “Тар гунча” “Қайси боғдан олдингиз” каби яллалари ҳозиргача муваффакиятли равищда куйланиб, ҳалқнинг олиқишиларига сазавор бўлиб келмоқда.

Оқиза ўз умри давомида ажойиб шеърлари, ёқими овози билан ҳалкка, Ватанга сидқидилдан хизмат киради. Онабиби Жуманиёзова, Назира Собирова, Уллиби Бойжонова каби истебодли шогирдлар этиштириди. Шоира Хоразм ишқиlobидан кейинги ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этди. 1923 йили Москвада очилган Бутунrossия кишинок хўжалик кўргазмасида машхур ҳонандалар Сафо Муғаний, Мадраҳим Шерозийлар билан бирга катнашиб, ўзининг жозибадор санъатини намойиш этди. У ҳалқ театрларининг шаклланиси ва ривожланишида кўмаклашди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида юксак ташвишот кучига эга бўлган шеърлари билан ҳалкни сафарбарликка унлади.

Оқиза нафакат Хоразмда, балки Туркманистанда ҳам машхур бўлган. У Тошовуз шаҳрида ҳалфлар ансамблини тузган ва уларга анча йиллар раҳбарлик килган. Шу сабабдан унинг номи ҳозирда ҳам ҳалқ орасида ҳурмат билан тилга олинади.

Оқиза 1951 йил 22 август куни Хива шаҳрида вафот этган.

Шоира ҳакида сўнгти йилларда ёзма адабиётда унинг хизматларини, хислатларини тавърифловчи кўплаб достон ва шеърлар ҳам яратилди. Уллиби Отаеванинг “Бармоклар сехри” достони, Эркин Самандарнинг “Қорачуғиз кўриб дунёни” каби шеърлари фикримизга далил бўла олади.

Ожизанинг ижодий мероси ҳали тўлазигича тўйланниб, ўрганилган эмас. Унинг бир кисми маҳаллий матбуот саҳифаларида ва айрим тўпламлар орқали, баъзилари эса 30-йилларда ташкил этилган фольклор экспедицияси аъзолари томонидан ёзib олинган кўлғизмалар орқали стиб келган. Аксарият кисми эса унинг шогирдлари репертуарида сакланниб колган ва кейинги йилларда ёзib олинган. Унинг кўлимизга киритилган ижодий меросининг бир кисми 1987 йилда

Ғ.Гулом номидаги алабиёт ва санъат нашириётида “Хуршили жаҳон келди” номи билан чоп этилди. Кейинги даврларда унинг кўпгина янги шеърлари топилди. Унинг 2003 йилда Ташкентда чол этилган шеърлар тўплами ана шу шеърлар билан тўзилирган. Бирок унинг ижодини тўплаш хали охирига етгани йўқ, шоира ижодига мансуб бўлган барча асарларни излаш ва ҳалкка ҳавола килиш ҳар бир зиёдининг мукаддас бурчидир.

Бинобарин, Оқизанинг асарлари ҳозиргача оз топилган бўлса- да, шу мавжуд шеърларининг ўзи ҳам унинг истеъодини аниқ белгилашга ёрдам берга олади. Шонра шеърларини излаб топишни давом этириш, ёзib олиш ва илмий томондан талқик килкиш галдаги кечиктирилмас вазифалардандир. Айнинка унинг истеъоди достонларни ёд олиш ва уларни соз жўрлигига кўйлаш борасида алоҳида кўзга ташланади. Онабиби она «Ошик Фарид», «Ошик Албанд», «Ҳурлико-Ҳамро», «Асли Карам», «Юсуф-Зулайҳ», «Ройичин», «Хирмондази», «Бозирғон» каби кўплаб достонларни ёд билган ва ҳалк орасида маҳорат билан ижро этган.

НАЗИРА ХАЛФА

Назира ҳалфа Собирова 1923 йилда Хива шаҳрида туғилган. Туғма кўзи ожиз бўяланлигидан ҳалк кўшиклари ва достонларини ёлаки ўзлаштирган. Ўзи ҳам кўйгина кўшиклар тўкиган. Унинг машҳур хонандада ҳалфа бўлиб етишишида устози Оқизанинг таъсири катта бўлди. Унинг репертуарида «Хирмон дали», «Ошик Фарид ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зуҳра», “Сайёд ва Ҳамро”, «Ошик Албанд» каби достонлардан парчалар ва жуда кўп тўй маросим кўшиклари бўлган. Ҳалфа 2001 йилда вафот этган.

МАРЯМ ҚУРБНОВА

Марям Курбонова ҳозирги ёш ҳалфаларнинг энг талантли, иктидорлиси бўлиб, у 1947 йилда Ҳонка шаҳрида туғилган. Ҳонкалик Онабиби кори Мадраҳимовага шогирд бўлган. «Гўрўғли» достонларидан парчалар ва ҳалк кўшикларининг машҳур ижрочисидир.

САНОБАР ҚИЛИЧЕВА

Санобар санъат оламига ҳалфачилик анъанаzlарини тарғиб килиш билан кириб келди. У 1970 йил Янгиарикда туғилди. Даастлабки санъат таълимими ўз онасидан ўрганди. Хивалик Назира ҳалфадан ҳалфачиликнинг кўпгина сирларини ўрганиб, эл орасида машҳур бўлди. Ҳозирда у Тошкент маданият институтини тамомлаб, профессионал хонанда сиғатига фаолият кўрсатмокда.

КИРОАТХОН - ҚИССАХОН ҲАЛҒАЛАР НИЁЗЖОН ҲАЛҒА

Ниёзжон ҳалға 1910 йилда Шовот туманинаги Кат қишлоғида туғилади. Унинг саводхон бўлиб стишишида акаси мулла Сайдхон катта таъсир кўрсатади. У 11-12 ёшларида қишлоқдаги Эшназарбай мачитидаги мулла Сотимдан савод ўрганиди. Ўкиш ёзишни тўла ўргангач, турэл достонларин ўқиб, ҳалфачилик кила бошлайди.

Унинг репертуарида «Тоҳир ва Зухра», «Бозирғон», «Хирмондали», «Тулимхўжа», «Юсуф ва Зулайҳо», «Хурилико ва Ҳамро», «Зайнулараб», «Малика Дилюром», «Завриё», «Қумри ва тўти», «Хиромон пари», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам», «Қул Ҳўжа Аҳмад», «Юсуф ва Аҳмад» каби кўплаб достонлар бўлган. Бу достонларнинг аксариятини Ниёзжон ҳалға ёдан билган ва тинисловчиларга зўр кироат билан мохирона ўқиб эшигтирган.

СЎНА ЭШМАТОВА

Сўна ҳалға 1919 йилда Хонка туманининг Кирқён қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги мактабда бошланғич маълумотин олиб дастлаб оддий колхозчи, кейин эса 16 йил мобайнада табелич бўлиб ишлаган.

Унинг репертуарнда «Бозирғон», «Хирмондали», «Ошик Ғаріб ва Шоҳсанам», «Ҳилола пари», «Юсуф ва Зулайҳо», «Фарҳод ва Ширин», «Завриё», «Овик Албанд», «Асли - Қарам», «Мискин ва Гулканд», «Шахриёр», «Иброҳим Адҳам», «Бобо Равшан», «Малика Дилюром», «Ройи чин» каби достонлар бор бўлиб, Сўна ҳалға уларнинг барчасини ёдан ўқиган.

РОЗИЯ ОЛЛОЁРОВА

Розия ҳалға 1910 йилда Хонка туманининг Сарапоён қишлоғида туғилган. ўз қишлоғидаги мачитда мулла Сайдулла ва Мулла Қурбонбойлар кўлида таҳсил олади. Сўнгра ҳалқ достонларига кизикиб, уларни ёллаша ва кироат билан ўкишни машқ килади. Эринмасдан килинган бу мөхнатлар натижасида унинг репертуарига «Ошик Ғаріб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун», «Хирмондали», «Хиромон пари», «Завриё», «Гул ва Санобар», «Гўрўғли» достонлари кириб келади. Розия ҳалға ушбу достонларни қарийб 40 йилдан бери ҳалқ орасида тарғиб килиб келган. Бибижон Султонова Онабиби Кўчкорова каби шогирдаларни хам тарбиялаб етказган. У 1990 йилда вафот этган.

РОЗИЯ ҚОЗОКОВА

Розия ҳалға Қозокова 1920 йилда Хонка туманининг «Намуна» қишлоғида туғилган. Мактабда бошланғич маълумот олган. Колхозда мөхнат қилган, бўш вактиларида ўша қишлоқлик Бибисора ҳалқ достонларини ўрганган.

Үз репертуарии «Тохир ва Зухра», «Ошик Гариб ва Шоҳсанам», «Завириё», «Гул ва Санобар», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Ошик Албанд», «Тулумхўжа», «Бобо Равшан», «Юсуф ва Ахмад», «Кул Хўжа Ахмад», «Отам Сафо», «Махтумкули», «Шоҳ Машраб» каби достонлар билан бойитган.


Розия халфа ўз репертуарида ўша достонларни маҳорат билан ўқий олган. У 1996 йилда вафот этган.

ШУКУР ХАЛФА

Шукур халфа Давлатова 1929 йилда Хивада тугилган. 1945 йилда Онабиби Отажоновага ўчирилди тушган. Халқ кўшиклари ва достон кўшикларининг моҳир ижрочиси бўлиб танилган. Айрим достонларни ёл билган. Халфа 1998 йилда вафет этган.

Мундарижа:

Мукалдима	3
Ошик Ғарип ва Шоҳсанам (оғзаки вариант)	10
Ошик Ғарип ва Ҳилола пари (қитобий вариант)	31
Ошик Нажаб (қитобий вариант)	71
Ошик Махмуд (оғзаки вариант)	107
Бозирғон (қитобий вариант)	121
Хирмондали (қитобий вариант)	148
Эрхасан (оғзаки вариант)	172
Аваз гатирган (оғзаки вариант)	220
Хирмондали (оғзаки вариант)	264
Авазнинг келтирилиши (қитобий вариант)	289
Афсоналар	310
Лугат	313
Мажмуага кирган достонлар ҳакида маълумот	323
Мажмуага кирган афсоналар ҳакида маълумот	325
Хоразм достонларининг ижрочилари.	326



С.Р.Рўзимбоев, Х.С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раймова

“ОНИКНОМА”
Адабий-бадиин нашр

Мухаррир: *Исмоил Оллаберганов.*
Техник мухаррир: *Фарҳод Ибодуллаев.*
Мусаххих: *Ёдгора Иброҳимова.*
Рассом: *Отаҳон Оллаберганов.*

Босмахонага берилди 6.05.2009 йил.
Босишга руҳсат килинди 15.05.2009 йил.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 22 босма табок.
Адади 500 дона. Буюртма № 265

*«Хоразм» нашириёти
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кӯчаси, 23-үй.*

*«Якка тадбиркор Ибодуллаев Фарҳод» босмахонаси
Урганч шаҳри, Ёшлик кӯчаси, 4-б ўй.*

Ушбу китобни нашр этишда ҳомийлик кисиган акамиз
Ботир Иброҳимовга, дўстимиз Абдулла Раймовга ва
касбдошимиз О.Чўпоновга алоҳида миннатдорчилик
билдирамиз.

ISBN 978-9943-365-22-3



A standard linear barcode representing the ISBN number. It is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 789943 365223